

МАРСЕЛЬ

Брион

МЕНКИМ,
СОҲИБҚИРОН – ЖАҲОНГИР

ТЕМУР



МАРСЕЛЬ

Брион

МЕНКИМ,
СОҲИБҚИРОН – ЖАҲОНГИР
ТЕМУР



ТОШКЕНТ “ЯНГИ АСР АВЛОДИ” 2013


УДК: 94(575)
ББК: 63.3(5Ў36)47
М-42

Менким, соҳибқирон – жаҳонгир Темур. (Марсель Брион – Франция. Таржимонлар: Ф.Рўзиев, Ф.Тиловатов). Қайта, тузатилган нашр. –Т.: «Янги аср авлоди», – 2013. – 572 б.

ISBN 978-9943-08-954-9

Француз темуршунослари ёзган асарлар жавонида профессор Марсель Брионнинг китоблари алоҳида ўрин тутади. Жумладан, унинг сиз, азиз китобхонларга тақдим этилаётган китоби Амир Темур тўғрисида ёзилган асарлар орасида мукамаллиги билан ажралиб туради. Мазкур китоб Соҳибқироннинг дунёга келишидан то вафотига қадар бўлган даврни қамраб олиб, воқеалар Амир Темур номидан ҳикоя қилинади.

Ушбу асарнинг довуғи, дунёга ёйилишининг боиси, Жаҳонгир бобомиз шахси, унинг ҳаёти, фаолияти, сиёсий ва ҳарбий соҳаларда тутган йўлига оид бой, хилма-хил маълумотларни ҳам ўз ичига олганидир. Зеро, бундай муфассал маълумотлар Амир Темур тарихидан сўзловчи бошқа наصريй манбаларда кам учрайди. Муаллиф асарни ўзгача иштиқ ва қунт билан содда услубда ёзганига амин бўласиз.



УДК: 94(575)
ББК: 63.3(5Ў36)47

Муаллиф:

Марсель БРИОН (Франция)

Таржимонлар:

Фарҳод РЎЗИЕВ,
Фозил ТИЛОВАТОВ

Таҳрирчилар:

Шодмон Воҳидов, тарих фанлари доктори, профессор,
Ўқтам Мавлонов, тарих фанлари доктори,
Анвар Яхшиев, тарих фанлари номзоди.

ISBN 978-9943-08-954-9

© «Менким, соҳибқирон – жаҳонгир Темур». Қайта, тузатилган
нашр. «Янги аср авлоди», 2013 йил.

*Амир Темур шахсини идрок этиш – тарихни идрок
этиш демакдир. Амир Темурни англаш – ўзликсимизни
англаш демакдир. Амир Темурни улуглаш – тарих қаърига
чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга,
қудратимизга асосланиб, буюк келажакимизга
ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.
Ислом КАРИМОВ*

УЛУҒЛАШГА ЛОЙИҚ ИНСОН, САРКАРДА ВА ДАВЛАТ АРЪОБИ ҲАҚИДА АСАР

Мазкур асар муаллифи Марсель Брион Европада доврўқли инсонлар ҳаёти ва фаолиятига оид кўплаб тарихий асарлари билан машҳур олимлардан: у Францияда публицист, адабий танқидчи ва кейинчалик бир қатор романлар, шунингдек, тарихий мавзудаги асарлар муаллифи сифатида шуҳрат топган ижодкорлардан.

Марсель Брион 1895 йили марселлик адвокат Брайон оиласида таваллуд топган. Швецариянинг «Champittet» шаҳрида ўрта мактабни тугатиб, Париждаги «d'Aix-en-Provence» университетининг ҳуқуқшунослик факультетида таҳсил олган. Унинг ҳуқуқ соҳасидаги фаолияти жуда қисқа муддат давом этган: у юридик маълумоти билан 1920-1924 йиллар мобайнида адвокат бўлиб ишлаган, холос. Шундан кейин бу соҳадан бутунлай воз кечиб, адабиёт билан машғул бўлади. М. Брион бутун умри давомида юзга яқин асарлар ёзган энг сермахсул ижодкорлардан. Адабий доираларда у дастлаб Италия ва немис санъатининг ёрқин намоёндалари ҳақидаги мемуар ва биографик асарлари билан кўзга кўрина бошлаган бўлса, кейинчалик кексайган пайтида бир қатор романлари билан китобхонлар орасида ном чиқарган.

«Гамерлан» асарининг биринчи таҳририни М. Брион 1942 йили, тўлдирилган ва қайта ишланган ушбу романини 1963 йили Париждаги Албин Мишелга қарашли «Wraitten in French» босмаҳонасида чоп эттирган. Мазкур асар худди шу босмаҳонада 1999 йилгача саккиз марта чоп этилган.

Мазкур асарини ёзишдан олдин Марсель Брион мемуар ва тарихий-биографик асарлар борасида анча тажриба ортирган ва қалами равон бўлган адиб ва тадқиқотчи сифатида шуҳрат қозонган эди. У ўтган асрнинг 30-йилидан бошлаб Италия ва немис уйғониш даври ва унинг намояндалари ҳақида бир қатор асарлар ёзган эди. Жумладан, у Макиавели, Леонардо да Винчи, Боржиа, Ботичелли, Бартоломе да Лас Каса, Гёте, Роберт Шуман, Моцарт ва яна бир неча Европа Ренессансининг машҳур вакиллари, санъат ва адабиёт намояндалари ҳақида асарлар ёзган. Шу билан бирга у теурийлар даври билан қизиқиб, айтилганидек 1942 йили «Тамерлан» номли асарини ёзган. Тахмин қилиш мумкинки, Марсель Брионда Теуур шахси ва теуурийлар даврига янада қизиқиш уйғотган омил 1941 йили Самарқандда антрополог Герасимов иштирокида Амир Теуур ва теуурий шаҳзодалардан бир неча кишининг қабрини очиб, олиб борилган тадқиқот ишлари бўлиши ҳам мумкин. Чунки ўша даврда бу воқеа жаҳон бўйлаб катта шов-шувга айланган, Америка ва Европанинг жуда кўплаб илмий доиралари экспедиция маълумотлари ва теуурийлар хилхонасидан олинган фотосуратлардан нусха олиш мақсадида мурожаат қилишгани маълум. Афтидан худди мана шу нарса Марсель Брионни Амир Теуур мавзусига яқинлаштирган. Башарти, у француз тилидан ташқари немис ва инглизчани, шунингдек, араб тилини яхши билган. Бу эса Фарбий Европа ва Америка кутубхоналарида сақланаётган қўлёзмаларни ўрганиш имконини берган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Марсель Брионнинг мазкур асари китоб ҳолида чоп этилганидан сўнг, илмий доираларда унинг мартабаси анчайин ошган. Буни биз унинг 1964 йили Француз Академиясининг аъзоси сифатида сайланганганида кўришимиз мумкин.

Мазкур асарни форс тилига ўгирган ва қўшимча маълумотлар билан бойитган Забуиллоҳхон Мансурийнинг таъкидлашича, Соҳибқироннинг эсдаликлар тарзидаги қўлёзмаси (сўз «Теуур тузуклари» ҳақида боради) 1610 йилга қадар Яман ҳукмдори Жаъфар пошшо қўл остида сақланган. Унинг вафотидан сўнг қўлёзмага Жаъфар пошшонинг

авлодлари эгалик қилган. Аммо номаълум бир хаттот кейинчалик ундан нусха олиш мақсадида Ҳиндистонга олиб кетади. Бир оздан кейин бу қўлёзма инглиз зобитининг қўлига ўтган ва Англияга олиб кетилган. Жаноб Девид исмли киши орқали у Оксфорд университети профессори Уайт томонидан инглиз тилига ўгирилган ва 1783 йили нашр қилинган. Асар форс тилидан Абдурашид Абд-ул-Жалил томонидан рус тилига ўгирилган ва «Я Тимур – властитель вселенной» деган ном билан Нью-Йоркда 700 нусхада чоп этилган.

Мана шу ўринда ҳурматли Президентимизнинг Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференцияда (1996 йил 24 октябрь) сўзлаган маърузаларида айтилган қуйидаги фикрларни келтириб ўтмоқчимиз: «Минг афсуски, биз бошимиздан ўтказган мустабид тузум туфайли шундай бир аҳволга тушиб қолган эдикки, улуғ аждодимизнинг тарихи ва фаолиятини, башарият ривожига қўшган ҳиссасини бугунги кунда хорижда – яъни АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда бизнинг ўзимиздан кўра кўпроқ билишади. Бизлар – яъни Амир Темурнинг Ватани бўлмиш шу заминда ўсган одамлар унинг фаолиятини жуда оз биламиз».

Дарҳақиқат, фақат мустақиллик туфайли биз Амир Темур шахсига қарашларимизни ўзгартирдик. Фақат юртбошимизнинг мана шу борадаги жасорати ва ташаббуси билан улуғ аждодимизнинг шаъни ва қадр-қиммати қайта тикланди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбари шу масалага мунтазам эътибор қаратиб келаётгани бежиз эмас – фахримиз, гуруримиз ана шу саркарда бобомизнинг ҳаёти ва фаолияти билан вобастадир. Зеро, бизнинг жаҳон ичра тенглар ичида тенг эканimiz ана шундай улуғвор ўтмишга эга эканimiz, фахр этишга, гурурланишга муносиб аждодимиз борлигидан – башарти, уни билиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Мана, 1993 йилнинг апрель ойида давлатимиз раҳбарининг бир гуруҳ ижодкорлар билан бўлган учрашувда айтган сўзлари: «Амир Темур даврини бошқатдан ўрганишимиз

лозим. Нега деганда, Амир Темур тузуқларини ўқисам, худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан».

Дарҳақиқат, Амир Темур мавзуси тинимсиз изланиш ва ўрганишни талаб этадиган мавзу. Чунки муқаддам биз бу борада нима деб ўргатишган бўлса, тўтига ўхшаб ўшани такрорлашдан нарига ўта олмасдик. Тарих тўлалигича бузиб талқин этилган, Амир Темур ҳақида маълумот бергувчи баъзи манбалар уни қоралашга хизмат қиларди, холос. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таклифи билан улуғ Соҳибқироннинг 675 йиллик таваллуд тўйи арафасида «Темур тузуқлари» мукамал ҳолда, юксак сифатда қайта нашр этилди. Мана шу китобга ёзган сўзбошисида Юртбошимиз айнан биз юқорида тилга олган масала борасида атрофлича тўхталиб: «Минг афсуски, мустамлакачилик йиллари, яъни миллий қадриятларимиз, азиз авлиёларимиз ва алломаларимизнинг бой мероси, табаррук номларини халқимиз хотираси ва юрагидан бутунлай ўчиришга қаратилган сиёсат ҳукм сурган даврларда Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш у ёқда турсин, ҳатто унинг номини тилга олиш ҳам мутлақо таъқиқлаб қўйилган эди. Бу мавзуда яратилган баъзи бир илмий-бадний асарларда Амир Темур сиймоси тарихий ҳақиқатга зид равишда бир ёқлама, асосан, қора бўёқларда акс этирилган эди. Таассуфлар бўлсинки, собиқ тузум даврида яратилган тарихий ва бадний адабиётларда ҳамда уларнинг таъсирида чоп этилаётган бугунги айрим китобларда ҳам ана шундай ғаразли ёндашув аломатларини ҳануз учратиш мумкин», – деб таъкидлаган. Мазкур китобнинг илк мартаба ўзбек тилига ўгирилиб, кенг китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётгани ҳам истиқлол шарофати туфайли – улуғ Соҳибқирон ҳақидаги билимларимизни бойитиш мақсадидадир. Чунки, мазкур асарда воқеалар шу қадар равон ва ишонарли тарзда баён этилганки, уни ўқиш асносида Амир Темурга хос бўлган кўплаб сифатлар билан танишиш имкони туғилади. Соҳибқироннинг ички дунёси нечоғлик гўзал, фаолияти қанчалар ибратли экани яна бир карра бор бўйин билан намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур таржима асарни илмий адабиётлар рўйхатига тиркашни тавсия этмаймиз. Уни бадий адабиётлар сафидан жой олишини истардик. Бу асарда келтирилган маълумотлардан илмий баҳс-мунозараларда, тарихий сана ва воқеаларга аниқлик киритиш учун фойдаланишни ҳам маъқулламаймиз. Зеро, Соҳибқирон Темур номидан ёзилган ушбу китоб, гарчи Амир Темурга нисбат берилган «Тузуки Темурий» ва «Малфузот» асосида ёзилган бўлса ҳам ундаги матнига муаллифи Марсель Брионнинг ҳам анча дахли бўлган. Инчунин, асарда шубҳа тугдирадиган жойлар, фикр ва хулосалар, бадий уйдирмалар, муболағали тасаввурлар жуда ҳам кўп (бу ерда Амир Темурга нисбат берилган баъзи ихтиролар, ҳарбий санъатга оид ишлар ва режалар, унинг Қуръони каримнинг ўта билимдони, муфассири, шариатнинг етук билимдони сифатида тасвирлаш, ҳатто Қуръонни қайта тартиб беришга уринишлари ва ҳ. ни санаб ўтиш мумкин). Бу ҳам табиий ҳол, албатта. Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти билан қизиқиш ўз давридан бошлаб нафақат маҳаллий муаллифлар, балки Россия ва Европада ҳам катта бўлгани маълум. Соҳибқирон сиймоси, ҳаёти ва фаолиятига атаб юзлаб турли жанр ва тиллардаги асарларни биламиз. Жаҳон тарихида буюк ўринни эгаллаган салтанат ва империялар тузган бир қатор шахслар қаторида Амир Темурнинг ҳам қўйилиши жаҳон тарихшunosлик илмида расм бўлгани ҳам аниқ. Бугунги кунга қадар Ўзбекистонда ҳам Амир Темур ва темурийлар даври тарихшunosлигига атаб ўнга яқин докторлик ва номзодлик ишлари ёқланган, илмий ва бадий адабиётлар, публицистик материаллар ОАВда чоп этилмоқда. Амир Темур ва темурийлар даврига оид энг муҳим манбалар форс ва араб тилларидан таржима қилиниб, нашр этилмоқда.

Таржимон ва ноширлар ушбу асар орқали ўзбек китобхонларини Европа халқлари адабиёти тарихида муҳим ўрин эгаллаган яна бир асар билан таништириш мақсадида уни чоп эттирмоқчи. Марсель Бриондек адиб, тарихчи ва олимни ўзига маҳлиё этган шахс бу бизнинг Амир Темур бўлгани боис, ёзувчининг фикри зикри, хулоса ва хаёлот олами билан сизларни ҳам таништирмоқчи бўлдик.

Сирасини айтганда, муҳтарам Президентимизнинг: «Бизнинг бугунги асосий вазифамиз шундан иборатки, асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида Амир Темур меросига бағишлаб йирик илмий марказларда ҳақиқатгўй олимлар томонидан яратилган тадқиқотларни чуқур ўрганишимиз, уларни таржима қилишимиз, халқимизга, келгуси авлодларимизга тарихни холис ва ҳаққоний ўргатувчи дарсликлар сифатида, бизнинг фахру ифтихоримиз сифатида тақдим қилишимиз керак», – деган сўзлари шу каби ишларга ҳам илҳомбахш куч, дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Мазкур асарда баён этилган Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти барча учун бирдек сабоқ мактаби бўлиши шубҳасиз.

*Шодмон ВОҲИДОВ,
тарих фанлари доктори, профессор*

*Фарҳод РЎЗИЕВ,
иқтисод фанлари номзоди*

БИРИНЧИ БОБ

БОЛАЛИК ЙИЛЛАРИМ ВА ШАЙХ ШАМСИДДИНДАН САБОҚ ОЛГАН ДАВРЛАРИМ

Отамнинг исми Тўрғай*, шахри Кешнинг ўртаҳол ер эгаларидан бири бўлган. Шаҳар аҳолиси ўртасида алоҳида ҳурмат ва эътибор қозонган киши эди. У менинг таваллудимдан бир мунча аввал туш кўрган, айтишича тушида унинг ёнига фариштасифат бир мўйсафид келиб, қўлига қилич тутқазиб кетган. Отам қилични олиб, боши узра айлантирган ва шу асно уйғониб кетган эканлар. Эртаси куни пешин вақти, ҳар кунги одатича масжидга борганлар. Ибодат амалларини бажаргач, пайт пойлаб маҳалламиз имоми шайх Зайниддинни четга тортиб, кеча кўрган тушларини айтиб берганлар – таъбирини сўраганлар. Шайх:

– Тушни туннинг қайси қисмида кўргансиз, – деб сўрабди.

– Тонгга яқин! – жавоб қилибди отам. Шунда у:

– Кўрган тушингизнинг таъбири шуки, Аллоҳ сизга бир ўғил ато этади. Қилич билан бутун дунёни қўл остига бирлаштиради, етти иқлимга ислом динини ёйишга зўр хизматлар қилади, – дея башорат қилган экан.

– Ўғлингиз туғилиши билан унинг тарбиясига қойим турунг, – деб тайинлабди у отамга. – Ўқиб илм ўргансин, шуғулланиб ҳунар эгалласин, Қуръонни ёд олсин!..

Шу воқеадан бир йил ўтиб мен туғилган эканман. Отам шу муносабат билан, мени қандай номлаш хусусида яна ўша маҳалламиз имомига маслаҳат солганлар. У менга «Темур» деб ном беришни таклиф қилган.

* Тўрғай – қуш номи.

Отамнинг кейинчалик ҳикоя қилишича, менга исм танлаш мақсадида шайх Зайниддин ҳузурига борганида, у Қуръони карим мутолааси билан банд экан. Отам ҳузурига кирган чоғ у 67-суранинг мана бу оятини қироат қилиб турган экан: «Эй сен, наҳотки, осмондаги Зот, ерни оёқларинг остида қулатишидан ва унинг ларзага келишидан қўрқмасанг». «Ларза» сўзи арабчада «Тамурру» тарзида талаффуз этилади ва у Темур талаффузига яқин. Шу туфайли ҳам шайх Зайниддин менга айнан шу номни танлаган бўлса керак.

Болаликдан хотирамга муҳрланган дастлабки жумла онамнинг отамга айтган сўзи бўлган: «Бу ўғлингиз – чапақай, ҳамма нарсани чап қўлида бажаради», – деган эди у. Бироқ кези келиб аён бўлдики, мен ҳам чапақай, ҳам ўнғай эдим. Яъни, ҳар қандай ишни ҳам чап-ҳам ўнг қўлимда бемалол бажара олиш қобилияти бор эди менда. Ўқишга борганимдан сўнг ҳар иккала қўлда қийналмай хат ёза олишим аён бўлди. Улғайиб ҳарбу зарб машғулотлари билан шуғуллана бошлаганимда, қилич сирмашда ҳам, ўқ-ёйни ишлатишда ҳам ҳар иккала қўлимни бирдек ишлата олишим мумкинлигини ҳис этдим. Ҳозир ёшим етмишда, бироқ ҳали ҳам ўнг ва чап қўлим орасида деярли фарқ йўқ.

Савод чиқариш учун муаллим сабоғига борганимда ҳали жуда ёш эдим. Ҳаттоки ёзув тахтачасига суркалган оқ мумни қириб ташлашга-да, кучим етмасди. Ўша пайтлари Мовароуннаҳрнинг бошқа барча жойларида бўлгани каби, бизга ҳам бир бўлак мум ва ёзув тахтачаси тарқатилар эди. Оқ мумни эритиб, сўнг ёзув тахтачасига юпқа қилиб ётқазилар, унга қора қалам билан ҳарф ёзар эдик. Бу қоғозни тежаш имконини берарди: болалар топшириқни бажаргач, мумни қириб ташлар, тахтачага янгидан мум суркаб яна ёзишарди. Бу ишни ўзим бажара олмаганим туфайли, тахтачани онам янгилаб берарди.

Менинг биринчи ўқитувчим мулло Алибек исмли киши бўлиб, мактабимиз маҳалламиз масжидида жойлашган эди. Машғулотлар пешинга бориб тугар, ўша пайт одамлар намоз ўқиш учун масжидда тўплана бошлар эдилар. Биз болалар эса ўйинқароқ эдик – катталарнинг ибодат амалларини бажаришлари, диққатларини бир нуқтага қаратишларига

халақит берган бўлсак керакки, намоз арафасида бизга уй-уйимизга тарқалишимиз учун рухсат бериларди. Ёшим кичик бўлгани туфайли ўзим уйимни толиб бора олмасдим, шунинг учун ҳам маҳалламиздаги каттароқ ёшли болалардан бири менга етакчилик қилар эди: у менинг қўлимдан тутиб, гавжум бозор майдонларини кесиб ўтиб, бир неча бор уйимга кузатиб қўйган. Ҳозир улугворлик касб этиб, бутун жаҳон ҳукмдори бўлган чоғимда ҳам, мен ўша маҳалладошимга нисбатан қалбимда чуқур миннатдорчилик туйғусини ҳис этаман. У ҳозир ҳам ҳаёт – Кешда яшайди.

Устозимиз мулло Алибек хийла кексайиб қолган киши эди. У таълимнинг самарали воситаси – таёқ, деб ҳисоблар, шунинг учун ҳам ўқувчилар онгига илк алифбо сабоқларини тўқмоқ ёрдамида сингдирарди. Мен унинг таёқ зарбаларига дучор бўлмаган ягона ўқувчи эдим. Чунки менда фавқулодда бир қобилият бор эдики, унинг кўмагида устоз берган топшириқларни тез ва осонгина ўзлаштирардим: ҳуснихатда ҳам, талаффузда ҳам, ёд олишда ҳам бенуқсон эдим. Бир куни мулло Алибек мени отамга алқаб: «Ўғлингни қадрла – унинг идроки ва қувваи ҳофизаси бетакрор; шунинг баробарида у ҳар иккала қўли билан бирдек ёза олади. Бундай кишилар улғайиб икки дунёда ҳам ном қолдирар», – деган экан.

Мактабнинг бошқа ўқувчиларидан фарқли ўлароқ мен мажбурият юзасидан ўқиб, ўрганмас эдим. Аксинча, менинг ўзимда илм олишга иштиёқ зўр эди. Шундан, уйга келганимдан кейин ҳам асосан дарс билан машғул бўлар эдим.

Етти ёшга тўлганимда мулло Алибек мактабини тарк этдим. Ўқишимни бошқа мактабда давом эттирадиган бўлдим. Унда Шайх Шамсиддин деган устоздан сабоқ ола бошладим. У Калом илмидан дарс ўтар, бизга Қуръон оятларини ёд олишни топшириқ берар эди.

Одатий машғулотларнинг бири Қуръони каримнинг 91-сураси билан бошланди. Суранинг номи айнан устозимизнинг исми билан ҳамоҳанг эди. «Шамс»(Қуёш) сураси 15 та оятдан иборат бўлиб, мен дастлабки сабоқдаёқ уни ўзлаштирдим. Шайх бундан росмана ҳайратланди, сўнг отамни ҳузурига чорлаб: «Узоқ йиллик фаолиятим даврида

бунинг каби иқтидорли болани кўрмаганман. У бугун жуда қисқа фурсатда «Шамс» сурасини ёд олиб, мени лол қолдирди», – деди. Сўзининг исботи учун сурани ёддан айтиб беришимни сўради. Талабини бажардим. Севинчдан отамнинг юраги ҳаприқиб кетди. Унинг кўзларида қувонч ва ҳадик бор эди. Шундан бўлса керак у қўлларини кўкка чўзиб: «Эй Аллоҳ, фарзандимни дарду балолардан асра! Бедаво вабодан, бемаҳал қазодан сақла!» дея муножот қилди. Шундан сўнг киссасидан бир тилла танга олиб, мулло Шамсиддинга ҳадя қилди.

Шайх Шамсиддин сабоғига қатнай бошлаганимга бир ҳафтача бўлганди. Бир куни у болаларга умумий қилиб савол берди: «Қани айтинглар-чи, ўтирганга қай тахлит ўтиришлик энг мақбул саналади?» Ҳар ким ўз билганича жавоб қайтарди. Навбат менга келганида, «ўтиришнинг энг мақбули тиззалаб, чўк тушиб ўтиришлиқдир», деб жавоб қилдим. Устоз менга синовчан назар ташлаб, жавобимни изоҳлаб беришимни сўради. Дарҳол жавоб қайтардим: «Киши намоз пайти Аллоҳга сажда қилганида, Қуръон оятларини тиловат қилганида худди шу тахлит ўтиради», – дедим. Устоз азбаройи ҳаяжонланиб кетганидан «Офарин!» дея мени олқади.

Шу воқеадан сўнг устоз менинг таҳсилим билан жиддий шуғуллана бошлади. Янги-янги сураларни ўргатишга киришди. Қийналиб қолмаслигим учун, у менга ҳажман кичик-кичик сураларни ўргатар эди. Маълумки, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳали Маккадан Мадинага ҳижрат қилмаган чоғи худди шундай суралар нозил бўлган. Мен бу сураларни устознинг дастлабки қироатидан сўнг дарҳол ўзлаштириб олар, устозимнинг қайта такрорлашига ҳожат қолдирмас эдим.

Каминанинг дарсларга муносабатим, илм олишга бўлган иштиёқим устозни беҳад қувонтирди. У менга пайғамбаримиз (с.а.в.)га Маккада эканида нозил бўлган «Ёсин» сурасини ўргатишни бошлади. Бу сура ҳажман катта сура бўлиб, унда 83 та оят бор. Шайх бу ишнинг ғоят қийин эканини ҳис этиб, деди: «Темур, мен бу сурани жуда аниқ ва бенуқсон қироат қиламан. Сен уни яхшилаб тингла, сўнг худди

мен талаффуз қилганимдек бенуқсон такрорлашга ҳаракат қил. Агар қийинчилик туғилса, тортинмай айт – ёрдамлашаман!» Шундай деб устоз «Ёсин» сурасини жуда ҳам ифодали ва чиройли тажвид билан қироат қилди. Фақат дастлабки «Йа син вал Қуръанил ҳаким» оятидан сўнг бир муддат тўхтаб, «Йасин»нинг маъносини билиш, билмаслигимни сўради. Мен билганимча жавоб қилдим. Яъни, «Йа» арабчада бировга мурожаат қилинганда ёки бировни чақирмоқчи бўлганда ишлатиладиган товуш эканини, аммо бу ўринда «син» сўзи қандай маънога эга эканини билмаслигимни айтдим. Устоз уқдирди: «син» – инсон маъносини беради, аммо ҳар бир кишига эмас, муҳим кишига нисбатан ишлатилади. Мен ҳақиқатан ҳам араб алифбосидаги биргина ҳарф «син» – «инсон» маъносини беришини билмас эдим, шу боис бу ҳақда устозимга айтдим.

«Назарий жиҳатдан сен ҳақсан. Тўғри таъкидладинг, – дея мени маъқуллади устоз, – «син» ҳарфи бошқа ҳарфлар сингари бир товуш, у алоҳида ҳолда маъно моҳиятига эга эмас. Бироқ бу ҳарф «Сирра» маъносини беради. Кўрдингми, Аллоҳ ўз Расулини шу қадар севадики, унга «Эй Райҳон!» деб мурожаат қилмоқда».

Мен ўша кезлари араб тилини у қадар мукамал билмас эдим. Шунинг учун ҳам устоз «Ёсин» сурасининг ҳар бир сўзидан англашиладиган маънолар устида узоқ тўхталмади, фақат оятларнинг қисқача мазмунини таништириб ўтди.

Шундай қилиб устоз менга «Ёсин» сурасини бир марта ўқиб кўрсатиб бергач, мен ўзимдаги нусхани олиб уни такрорлашга киришдим. Бир неча маротаба такрорлаганимдан сўнг уни батамом ёд олдим.

Ўша кезлари менинг кун тартибим қуйидагича эди. Эрталабги нонуштадан сўнг мактабга, тушгача таҳсил олгач, шайх Шамсиддин ортидан пешин намозига сафда туриб, ибодат амалини бажариб бўлгач чўлга чиқиб кетар эдим.

Отам Тўрғай ҳамиша бир гални такрорлар эди: яъни биз ҳарбий санъат билан шуҳрат қозонган аждодларнинг авлоди эканмиз, шунинг учун ҳам болаликдан ҳарб санъатини ўрганишга бурчли эканман. Мана шундай даъватлар таъсиридами ёки қонимда борлиги учунми илм олишга қанчалик

иштиёқманд бўлсам, ҳарб ишига бўлган қизиқишим ҳам ундан кам эмасди. Кешга ёндош минтақаларда жуда катта яйловлар бўлиб, унда йилқи уюрлари, ёввойи хачирлар тўдаси ўтлаб юрар эди. Шуларнинг сафида отамга тегишли бўлган, унча катта бўлмаган уюр ҳам бор эди.

Мен дарсдан кейин от минишни ўрганиш иштиёқида шу ерга келардим. Аввалига катта ёшдаги бирор киши минилмаган, ярим ёввойи бу отларни бўйсундириш йўлларини менга ўргатиб борди. Мен шу ишга оид барча қондаларни бекаму кўст ўзлаштира бордим. Кейинчалик бу борада анчайин малакага эга бўлдим. Ярим ёввойи отнинг ҳеч қачон олдидан ёндошмаслик лозим, чунки тишлаши мумкин. Ортидан яқинлашсанг – тепади. Унга ўнг ёки чап томондан ёндошиб мингач, ўнг ёки чап қўл билан ёлидан маҳкам тутсанг, у типирчилайди, депсинади, ирғишлайди, устидаги кишини ерга улоқтирмоқчи бўлади ва охир-оқибат ҳаракатлари зое кетгач, бўйсунушдан ўзга чораси йўқлигини ҳис қилади – тинчийди.

Ҳар гал ёввойи отни минмоқчи бўлганимда мана шундай қаршилиқларга дуч келар эдим. Уни мардонавор енгач эса, сакраб отга минар эдим-да, бир оз чоптирардим. У маълум бир масофага боргач яна тўхтаб, энг сўнгги тихирлигини намойиш этарди. Икки оёғини баланд кўтариб осмонга сакрар, орқа оёқлари билан депсиниб чавондозни ерга қулатиш пайида бўларди, охир-оқибат унинг ўжарлиги барҳам толиб, тақдирга тан берарди.

Яйловда фақат отда сайр қилиш билангина кифояланмас эдим. Мен от устида туриб қиличбозлик қилиш, ўқ отиш ва ўзимни мудофаа қилиш маҳоратимни ўстириш учун шуғулланардим. Бунда албатта мана шу санъатнинг ҳадисини олган устозим менга кўмаклашар эди. От устида чопиб кета туриб ўқ узардим, аммо отган ўқим нишонга етиб бормас, қилич сирмашим ҳам қутилган натижани бермасди. Шунда устозим мени овутиб: «Сен ҳали ёшсан, мушакларинг бақувват эмас. Ҳали ўсиб улғаясан, тананг кучга тўлади – ўшанда ўқни беҳато узоқ масофага отадиган бўласан», – дерди.

Ўша кунни ҳам яйловда вақтни худди шу зайл ўтказдим. Куннинг иккинчи ярмида қош қорайгунга қадар от миниб

қилич ўйнатиш, ўқ узиш, найза отиш машқлари билан машгул бўлдим. Уйга қайтгач овқатланиб, хуфтон намозини адо этгач ухлашга ётдим.

Эртаси куни мадрасада устозим мендан, «Ёсин» сурасини айтиб беришимни сўради. Ёдимда эди, бошдан-оёқ ёддан ўқиб бердим. Устозим яна мени олқишлаб, уч карра офарин айтди.

Шайх Шамсиддин қўл остида таҳсил ола бошлаганимнинг учинчи йили мен Қуръонни батамом ёд олган эдим. Устозим шу муносабат билан шаҳарнинг илмли кишиларини анжуманга чақирди. Турган гапки бу йиғинга отам ҳам таклиф қилинган эди. Чақирилган барча меҳмонлар тўпланиб бўлгач, шайх уларга юзланиб: «Ўзингиз амин бўлинг ва синаб кўринг-чи, Темур Қуръонни ҳақиқатан ҳам ўзлаштирдимикин?» – деди. Иштирокчилардан учта олим киши Қуръонни каримдан учта суранинг номини айтиб, уни қироат қилишимни сўрашди. Баланд овозда оятларни қироат қилдим. Барча қойил қолди. Олқишлашди ва мана шу йиғинда, барча бир овоздан менга «Ҳофиз» (Қуръонни ёддан ўқувчи) унвонини беришди.

Анжуман тугаб, йиғилганлар тарқагач Шайх Шамсиддин отамни ҳузурига чорлаб, хайр-маъзур қилди: «Мен нимаки билсам ўглингизга ўргатдим. Бундан буён энди уни бошқа бир устоз таҳсилга беринг, токи у фарзандингизга дунёвий ва диний билимларни яна-да чуқурроқ ўргатиш баробарида, ҳаётнинг сир-асрорларини ҳам ўргатсин», – деди.

Отам Шайх Шамсиддин мактабини муваффақиятли якунлаганим муносабати билан, унга бир от ва хачир совға қилди. Бир неча кун ўтиб, мени Абдулла Қутб таҳсил бераётган мадрасага олиб бориб қўйди. Айтишим жоиз, Абдулла Қутб илмда беназир, юриш-туришда беқиёс салобатли киши эди. Шаҳарнинг казо-казолари ўз фарзандларининг сабоғига беришарди. Ўша кезлари мен тез улғайиб, жисмонан такомилга эришиб бормоқда эдим. Ёшим ўн тўртга тўлиб, ташқи кўринишим биб-бинойи, хушбичим йигитча бўлиб кўзга ташлана бошлагандим.

Ёшим ўн олтига тўлди. Жанг санъатини шунчалар ўзлаштирдимки, тенгдошларимдан бирортаси ҳам кураш, ўқ отиш

мусобақаларида менга тенглаша олмасди. Мушакларим шу қадар кучга тўлган эдики, агар осмонга қарата ўқ узсам, у булутлар орасида кўринмай кетар, орадан анча вақт ўтиб қайтиб тушар эди. Оғир вазнли кўплаб курашчилардан камина эпчиллигим билан ажралиб турардим. Мен ҳар борада бошқалардан устун бўлишга, улар бажариши мушкул бўлган машқларни бажаришга ҳаракат қилар эдим. Шундай машқлардан бири – учта отни ёнма-ён чоптириб биридан иккинчисига сакраб минишни машқ қилардим.

Отларимиз яйловда ўглаб юрган кезлари уларни тақалаш зарурати йўқ эди. Миниш ёки юк ташиш мақсадида шаҳарга олиб келинганидан сўнг, шунга эҳтиёж туғиларди. Мен бу ишни бировнинг ёрдамисиз танҳо ўзим бажара олардим: отнинг туёғини оёқларим орасидан ўтказиб, бир қўлим билан тутиб турардим-да, бошқаси билан тақани ўрнаштириб михлар эдим. Ҳолбуки шу борада тажрибаси бор кишилардан сўрасангиз, мен айтаётган юмуш осон эмаслигини ва буни ҳар қандай киши ҳам бажара олмаслигини айтишди.

Менинг сеvimли машғулотларимдан яна бири, катта тезлик билан югуриб бораётган отнинг эгаридан тутиб гоҳ у-гоҳ бу томонига сакраб оёғимни ерга тегизар-тегизмас яна эгарга ўнгланиб олишдан иборат эди. Бу машғулот кейинчалик жангларда ёвнинг ўқларига чап бериш учун асқотди. Тўғри, бундай чоғлари отим ҳалок бўлар, аммо ўзим омон ва бешикаст қолар эдим.


Чавандозликдан ташқари сувда сузиш борасида ҳам маҳорат касб этган эдим. Жайҳун дарёси Мовароуннаҳр бўйлаб оқиб ўтади. Баҳор кезлари у тўлиб-тошади, ўзанига сизмай қолади. Бир соҳилдан иккинчисига сузиб ўтиш оғирлашади, ҳатто оқим хавfli тус олади. Мен мана шундай вазиятда ҳам қарама-қарши соҳилга сузиб ўтардим. Бунинг учун эса сувга тушишим билан ўзимни оқим ихтиёрига топширар эдим. У мени оқим бўйлаб олиб кетаркан, аста-секин нариги соҳилга яқинлашиш ҳаракатида бўлар эдим: бу ҳол токи соҳилга етмагунимча давом этарди. Турган гапки дарёни тўғри кесиб ўтсам, шубҳасиз фарқ бўлишим тайин эди. Шунинг учун ҳам бу ўринда ақл ва гадбир қўллаш мақ-

садга мувофиқдир. Менинг яна бир машғулоти менин отларни ушлаш эди. Уюр оралаб танланган отнинг бўйнига арқон солиш осон иш эмас. Мабодо уни чўчитиб юборсанг, бутун уюр безовталаниб қочишга тушади. Бу эса айнан танланган отни қувиб ушлашни қийинлаштиради. Шунинг учун ҳам аксар ҳолларда бу ишга бир кун сарф бўлади. Мен учун эса санокли дақиқаларгина кифоя эди. Мен ҳеч қачон ушламоқчи бўлган тулпоримга тўғридан-тўғри яқинлашмасдим, чунки у менинг режамни пайқамаслиги лозим. Шунинг учун ҳам худди бошқа бир отга каманд ташламоқчи бўлгандек кўрсатардим ўзимни: от ҳеч нарсадан ҳадиксирамай қўйгач эса унинг бўйнига арқон ташлаб, уюрдан олиб чиқар эдим.

Хуллас, ўн олти ёшимда мен барча илмларни ўзлаштиргандим.

Роппа-роса ўн олтига тўлган куним отам мени аждодларимиз мазорига олиб борди ва қабристонга туташ масжид биносини кўрсатиб деди: «Мана шу мазорда ётган барча аждодларимиз исломга эътиқод қўйган кишилар бўлишган. Сен ҳам шу динга қойим бўлгин ва ёдинда тут: дунёдаги динлар ичида Аллоҳнинг расули Муҳаммад мустафо (с.а.в.) олиб келган диндан афзали йўқ. Зеро, баъзи динларда дунёвий масалаларга катта эътибор қаратилгани ҳолда, охираат масалаларига кам ўрин берилган. Айрим динларда эса бунинг акси. Ислом динида эса ҳар икки масалага баробар қаралади. Хоҳлардимки, ҳеч қачон исломдан чалғима, уламоларга доимо ҳурматда бўл. Олимлар суҳбатиде бўлиб, дин ва дунёвий масалаларда суҳбатлашишни одат қил. Имоннинг етса масжид ва мадрасалар қур, уларни жиҳозла – мулкингдан бир қисмини, бисотингнинг бир улушини уларга ҳадя қил!

Ўғлим, эсингда тут: кўз олдинда жилва қилиб турган бу дунё худди олтин жомга ўхшайди. Бироқ унинг ичи заҳарли илон ва чаёнлар билан тўла. Бу жомдан илонларнинг чақиши-ю, чаёнларнинг ниш санчишидан бошқа нарса кутиб бўлмайди. Унга кўнгил берма! Фақат ортидан эзгу амаллар, хайрли ишларни қолдирган инсонларга мақтов бор, мангуликка даҳлдор бўлади улар».



Ўша кунни отамга Муҳаммаднинг (с.а.в.) динида қойим туришликка ва умр бўйи яхши, эзгу амаллар билан ҳаётимни зийнатлашга – имконим бўлса масжидлар қуришга, олиму уламоларни қадрлашга сўз бердим.

Шундан сўнг отам менинг бошимни икки қилмоқчи эканини билдириб: «Ўғлим, ёшинг ўн олтида бўлса ҳам йигирма ёшли йигитга ўхшайсан. Бўйинг баланд, елкаларинг кенг, билақларинг бақуват – сирасини айтганда уйланиш вақтинг етди, зеро, авлодимиз давом этиши керак», – деди. Унга жавобан ҳали уйланмоқчи эмаслигимни билдирдим.

– Нега? Шундай баркамол йигит наҳотки уйланишни истамаса – бунинг жиддий сабаби бўлиши керак-ку! – деб қизиқди отам.

– Мен ҳозир чавандозлик, тирандозлик, қиличбозлик машғулотлари билан шунчалик бандманки, бошқа ишларга, алалхусус, уйланишга ҳам ортиқча вақтим йўқ, – дедим.

– Сен айтган машғулотлар баркамол инсон бўлмоғинг учун муҳим – буни тан оламан, – деди отам, – аммо шунинг баробарида уйланиш ҳам зарар қилмайди, қолаверса уйлансанг, фарзандинг ёш ва бақувват отадан туғилса мустаҳкам бўлади.

Отамдан илтимос қилиб, шу масалани бир-икки йил тўхтатиб туришларини сўрадим. Чунки уйланиш йигитнинг кучини кесиб, уни заиф қилиб қўяди, деб ҳисоблар эдим. Бироқ кейинчалик Султония шаҳрининг насроний епископи билан қилган суҳбатим асносида билдимки, ўз вақтида уйланиш йигитнинг жисмоний қувватини камайтирмас экан.*

* Султония шаҳрининг насроний епископи Амир Темур Кўрагон билан қилган қизгин суҳбатлари таъсирида Соҳибқирон ҳақида жуда қимматли эсдалик ёзиб қолдирган. Биз айтишга мазкур мемуарни эътиборингизга ҳавола этамиз. У Марсель Брион томонидан Франция Миллий кутубхонасидан топилганини ва ўзбек тилида илк бор ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётганини эслатиб ўтмоқчимиз.

СУЛТОНИЯ ЕПИСКОПИННИНГ ЭСДАЛИГИ

Унинг исми Темурбек. Темурнинг маъноси – металл, бек эса хукмдор дегани. Душманлари уни «Темурланг» деб аташади. Сабаби унинг бир оёғи оқсайди. Шунингдек, Темурбекни Эронда «Мири табам» – «Улуғ йўлбошчи» ҳам дейишади.

Бу одамнинг ўғиллари кўп эди, ҳозирда улардан иккитасигина ҳаёт: бириси Мироншоҳ – 40 ёшда. Иккинчиси Сун Хари (Шохруҳмирзо) – айни пайтда 22 ёшга тўлди. Қолган фарзандлари жангларда ва касаллик туфайли ҳаётдан кўз юмишган.

Мироншоҳнинг 4 та хотини ва 4 нафар ўғли бор. Ўғилларининг бариси вояга етган ва ҳар бири йигирма-ўттиз минг кишилик қўшинга эга. Ҳар тўртала фарзанд мустақил хукмдор каби иш юритади. Уларнинг барчаси қаттиққўл бобосидан қўрқади, шунинг учун ҳам бобосининг топшириқларини сўзсиз бажаришади. Акс ҳолда аёвсиз жазоланишлари мумкинлигини билишади.

Темурбек гарчи ҳозирда ёши ўтиб қолган бўлишига қарамай ҳали ҳам жисмонан бақувват, сафар заҳматларига бардошли, жангларда фаол. Кечаю кундуз вақтини сарҳадсиз кенгликларда, очиқ осмон остида ўтказади.

Айтишларича, Темурбек ёшлигида жуда келишган, дилбар йигит бўлган экан. Ўша хушбичимликнинг нуқси урган ҳозирги қиёфаси-ю, ташқи кўриниши буни исботлаб турибди.

Бойлиги беҳисоб, санаб саногига етиб бўлмайди. Унинг бисотидаги тилла тангалар сочилса, бутун ер юзини қоплаши мумкин. Унинг емакхонаси ва шарбатхонаси учун бир кунда минг мисқол тилла сарфланади.

Салтанати поёнсиз: тасарруфидаги ҳудуднинг бир учидан иккинчи учига бориш учун сайёҳ бир йил юриши лозим бўлади. Мана шу масофаларда тўлиқ хавфсизлик таъминланган. Оддий йўловчилардан тортиб савдо карвонларигача шу йўллар бўйлаб эркин ҳаракат қилишади. Мабодо бирор-бир ҳудудда қароқчилар босқини ёки талончилик содир бўлса, Амир Темур биринчи галда ўша ҳудуднинг маҳаллий хукмдорини қатл эттиради. Чунки Темурбекнинг фикрича, токи маҳаллий хукмдор қароқчилар билан тил бириктирмаса, вази-

фасиши виждонан, ҳалол адо этса – ҳеч қандай тўда катта йўлларда қароқчилик қилишга журъат этмайди.

Ҳокимият тепасига келган дастлабки кундан шу пайтга қадар Темурбекнинг барча юришлари фақат зафарли бўлиб келмоқда: бирор-бир ҳукмдор, бирор-бир қалъа йўқки унинг олдидан паст кетмаган бўлса.

Темурбек ислом дини арконларига қатъий амал қилади. Ҳар кунни қанда қилмай беш вақт намозни адо этади. Рамазон ойи рўза тутади. Мен унинг шароб ичганини кўрмадим...

Темурбек агар хоҳласа кўл остидаги аҳоли орасидан ўн марталаб жанг қилишга лаёқатли эркаклардан иборат юз минг кишилик қўшин тўплай олади.

От уюрлари салтанат ҳудудидаги поёнсиз ўтлоқларда боқилади, айтиши мумкинки, ҳар бир уюри юз мингдан йигирма мартагача кўпроқдир. Унга тегишли бўлган туяларнинг эса сон-саногии йўқ. Ҳиндистон унинг бошқарувига ўтгач, унинг ҳисобида ўн бештадан юзтагача жанговар филлар ҳам мавжуд эди. Лекин бу филлардан танатанали тадбирларда фойдаланишади.

Темур араб, форс ва турк тилларида эркин сўзлашади. У калом илмида ва ислом ҳуқуқшунослигида шу қадар беқийёс билимга эгаки, бирор-бир мусулмон уламоси илмий баҳс ва мунозарада уни енга олмаган. Темурбекнинг 200 дан ортиқроқ саройи бор: биргина Самарқандда уларнинг сони – 18 та. Кешда – 20 та, Бағдодда – 15 та, Исфаҳонда – 12 та, Шерозда – 7 та; Бағдод устидан қозонган галабаси шарафига у соф олтиндан ясалган дарахт олди. Унинг барглари қимматбаҳс тошлар билан безалган бўлиб, бу тошларнинг асл баҳосини ҳеч ким айта олган эмас.

Жанггоҳларда у худди оддий аскар каби сафда туради – ҳамма қатори жангга киради. Ўлимдан кўрқмайди. Бир эмас, бир неча марталаб яраланса-да, неча бор ўлим билан юзма-юз келган бўлса-да, бирор марта ҳам ортга чекинмаган, шахсан ўзи бош бўлиб қўшинини жангга олиб кирган.

У олимларни, шоирларни бағоят қадрлайди. Уларга ҳурмат кўрсатади. Бунинг сабаби унинг ўзи ҳам олим эканидандир. Дастлабки учрашувимиздаёқ бир нарсага эътибор қаратдим. Темурбек доимо чўлда, очиқ осмон остида яшайди. Са-

фар чодирда ухлайди. Назаримда бунинг сабаби, қўшиннинг сон-саноксизлигидир, чунки бундай катта қўшинни бирор-бир шаҳарда жойлаштиришнинг иложи йўқ.

Темурбек ерда ўтириб таомланади, ерга тўшама солиб ётади, унинг столда овқатланадиган одати йўқ. Таомномаси асосан гуручли овқатлар, от сугидан тайёрланган қатиқ, ёқтирган ичимликлари сирасига яна от суги, асал шарбати киради. Байрам кунлари унга ёш тойчоқнинг гўштидан кабоб ҳам тайёрлашади. Бу таомни хоразмликлар айниқса гоаят хуш кўришади.

Сафар чодирини беш устунли: овқат маҳали унда катта дастурхон ёзилади. Тўрдан Темурбек жой олади. Қолганлар, яъни унинг фарзандлари, набиралари ва лаишкарбошилар икки томонда жойлашадилар. Улар билан Темурбекнинг орасида бир неча зарълик масофа сақланади. Дастурхонга таом тарқатиладиган барча жом ва идишлар соф олтидан (Изоҳ: Султония епископининг мана шу жумласи ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки мазкур асарнинг айрим ўринларида Амир Темур ҳазратлари олтин ёки кумуш жомда овқатланиб бўлмастгини бир неча бор таъкидлаганига гувоҳ бўламиз). Овқат маҳали ҳеч кимдан садо чиқмайди. Мабодо Темурнинг ўзи бировдан бирор нарсани сўраб қолмаса, ҳеч ким ортиқча бир сўз дейишга ботинмайди – жимгина тановул билан машғул бўлишади.

Агар Темурбек меҳмон қабул қилса-ю, меҳмони насроий бўлса унга шароб қўйиб берилади, аммо ўзи ҳам фарзандлари ва лаишкарбошилари ҳам кайф берувчи ичимликдан тийилтишади.

Дунёнинг бошқа бирор-бир мамлакатда Темурбек қўшинида жорий этилган тартиб ва интизомни учратмайсиз. Унинг ҳарбий лаишкарбошилари ўзи бош бўлган лаишкарнинг соши билан фарқланади. Масалан, ўн кишидан ортиқ аскарга бошчилик қиладиганларни – ўн боши; юз кишидан ортиқ аскарларга – юз боши, мингдан ортиқ навкарларга минг боши ва ўн минг нафардан ортиқ жангчиларга бош бўлган саркадалар туманбоши деб аталади.

Бу қўшинда мустаҳкам интизом ўрнатилган: бошлиқларнинг топшириқлари сўзсиз бажарилиши шарт. Мабодо мингбоши ўз аскарига «ўтга кир» деса, у ўйлаб ўтирмасдан ўзини

ўтга отади. Башарти жангчилар буйруқдан бўйин товлаш, уни бажармаслик ёки сусткашлик қаттиқ жазоланишини яхши биладилар.

Темурбек ўзини қучоқ очиб қаришлаган, унга дарвозаларини ўз ихтиёри билан очган шаҳарлар аҳолисининг эсонига, молига дахл қилмайди. Шунинг учун ҳам кўпгина қалъалар Темурбекка жангсиз таслим бўлишни маъқул кўришган. Агар бирор-бир аёл кишига зўрлик ишлатилса ёки Темурбекнинг тасарруфидаги ҳудудда бирор-бир талончилик рўй берса, у бу ишни қилганларни шафқатсиз жазолайди.

Темурбекнинг жаҳондаги энг қудратли ҳукмдорлардан бўлганлиги, унинг биринчилардан бўлиб порохдан фойдаланганлигида кўришади. У порох тайёрлаш сир-асрорларидан воқиф бўлган. Шунинг учун ҳам ҳарбий юришлари чоғи, ҳаминша порох тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёни ўзи билан бирга олиб юрган. Бирор-бир қалъани қамал қилса-ю, раъйига мувофиқ жавоб бўлмаса дарҳол порох тайёрлаб, қалъа деворлари остида портлатиб, уни қулатади. Мен дунёда бунгача ҳам бундан кейин ҳам Темурбек сингари қаттиққўл одам бўлмаса керак деб ўйлайман...

Айрим хорижлик ҳукмдорлар унинг ҳузурида чўкка тушиб, қуллуқ қилмоқчи бўлганларида, Темурбек бунга изн бермаганига гувоҳ бўлганман. У фақат Аллоҳга чўкка тушиб қуллуқ қилиш мумкин деб ҳисоблайди. Ўзи учун эса оддийгина таъзим бажсо келтиришни кифоя деб билади.

Гарчи майхўрлик ва ширатпарастликни ёқтирмаса-да, бу нарсага аёвсиз эмас. Бироқ Лут пайгамбар қавмига хос бўлган ахлоқсиз ишларга тоқатти йўқ; бундай гуноҳ ишни қилганларни шафқатсиз жазолайди.

Самарқандда Испания элчиси Кливихони ҳурмат-эҳтиром билан қабул қилиб, ундан: «Бизнинг севимли ўғлимиз Кастилия қиролининг аҳволи қандай?» – деб сўраганини ўзим эшитдим.

Бир марта унинг жангга кирганини ва жанггоҳни голибона тарк этганини ўз кўзим билан кўргач, шундай хулосага келдимки, Темурбек ҳеч шубҳасиз ўз даврининг энг жасур ўғлоидир!..

ЁШЛИК АЙЁМИМ ВА ҲАРБИЙ МАШҒУЛОТЛАР

Ёшим 16 га тўлганида ҳаётимда рўй берган аҳамиятга молик воқеалардан бири – Самарқандга сафарим ва Амир Кулол билан танишувим бўлди. У жарангдор исмига монанд Амир – ҳукмдор эмасди, балки маърифатпарвар, донишманд бир киши эди. Унинг «Пир» деган мартабаси бор эдиким, ҳамиша муридлари, шогирдлари қуршовида ўтирарди.

Самарқандга сафарим олдидан устозим Абдулла Қутб бир энлик хат ёзиб кўлимга тутқазди. Шу мактуб билан Амир Кулол ҳузурига борсам, яхши қабул қилишини айтди. Самарқандга келиб дастлаб ҳаммомга тушдим. Йўлда инган чанг-ғуборлардан халос бўлдим. Шундан сўнг Амир Кулол ҳузурига ошиқдим. Устозимнинг мактубини ул зотнинг кўлларига тутқаздим. Давра тўрида ўтирган Амир Кулол Абдула Қутбнинг мактубига кўз югуртира бошлади. Фурсатдан фойдаланиб, мен ҳам унга тузукроқ сер солиб қарадим. Саксон ёшларни қоралаб қолган, жиккаккина чол бўлиб кўринди у кўзимга. Узун оппоқ соқоли салобат бахш этиб турган чеҳрасини меҳр билан боқувчи кўзлари янада файзиёб этиб турарди.

Амир Кулол хатни ўқиб тугатгач, даврада камсуқумгина бўлиб ўтирган меҳмонга, яъни менга диққат билан разм солди, сўнг: «Қани жавон йигит, ўрнингдан туриб ёнимга келиб ўтир-чи, сенга яхшироқ бир қараб олай!» – деди. Мен унинг ёнига бориб ўтирдим. Пир айтди: «Эй Темур, отанг ҳақида эшитганим бор, аммо ўзини кўрмаганман. Абдулла Қутб мактубида сени роҳа алқаб, Қуръони каримни ёд биледи, шунингдек, араб ва форсигўй шоирларнинг шеърларидан ҳам хабардор деб, таништирибди – шу гап ростми?»

Мен унинг сўзларини тасдиқлаб: «Ҳа, муҳтарам пир, ҳақ йўлини тутганим сабаб, Аллоҳ мени кучли хотира қуввати билан сийлаган: ҳар қандай шеърни бир эшитсам, бас – ёдлаб оламан», – дедим.

Шу кез Амир кулол: «Сен Аъши*нинг бирор-бир шеърини ёддан билансанми?» – деб сўраб қолди.

Мен Аъшининг шеърларидан бирортасини ҳам ёд билмаслигимни, тўғрироғи уларни ўқимаганлигимни рўй-роқтан олдим. Пир: «Нима учун?» – деб сўради. Мен унга жавобан, Аъшининг шеърияти асосан ғазал ва «ташбиб»лардан иборатлиги, уларда ишқий мавзулар бўртиб туриши, ёшлик ва гўзаллик васф этилиши – менинг эса бундай мавзуларга тобим йўқлигини айтдим.*

Амир Кулол менинг важларимни обдан тинглаб, сўнг беозоргина танбеҳ берди: «Сен ўқимишли, зиёли кишисан, шу боис ғазал ва «ташбиб»ларга юзаки муносабатда бўлмаслигинг лозим, – деди у. – Қолаверса булар фақат восита, зеро, шоирлар мана шу воситалар билан илоҳий илм ва ғайб сирларини намоян этадилар. Маърифатли инсонлар уни ўқиб ҳикмат уқадилар, оддий одамлар ҳам ўзларига яраша баҳра оладилар».

Шу сўзларни деб Амир Кулол шоирнинг бир шеърини ўқиб берди. Сўнг менга юзланиб: «Қани хотиранг кучини амалда кўрсатиб, ҳозир мен ўқиган шеърни ёддан айтиб берчи», – деди. У ўқиган шеър ўн байтдан иборат бўлиб, мен қандай эшитган бўлсам, шу тахлит такрорладим.

Ўтирганлардан бири бу ҳолга шубҳа билдирди: «Афтидан бу йигит Аъшининг шеърларини аввал ҳам эшитган бўлиши керак. Сабаби араб ва форс тилини билган ҳар бир кишининг Аъши шеъриятидан беҳабар бўлиши мумкин эмас, – деди. – Шу сабаб, ижозат этсангиз мен ҳозир ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган, ҳали ҳеч ким эшитиб улгурмаган, тўғриси ўзимнинг ижодимдан бир шеърни ўқисам-у, меҳмонимиз уни бир эшитишдаёқ ёдлаб олиб, такрорласа – ўшанда унинг қувваи ҳофизасига тан берсак бўлади», – деди. Кейин етти байтдан иборат шеърини ўқиди. Мен уни сўзма-сўз ёддан такрорладим. Давра сукутга чўмиб мени тингла-

* Аъши – таниқли араб шоирларидан бири. Форсигўй шоир Манучеҳрнинг таржималари боис шуҳрати ёйилган.

* Араб тилидаги «ташбиб» сўзининг ўзаги «шабб» бўлиб у ёшлик маъносини ифодалайди. Шоирлар унинг воситасида дуркун гўзалликни куйлайдилар.

ди. Шундан сўнг Амир Кулол меҳрибонлик билан кафтини бошимга қўйиб: «Эй давра аҳли, қаранг бу йигитнинг пешонасида бир нур балқиб турибди. Унинг келажаги порлоқ, у бурун ўтган буюкларга насиб этмаган улугликка эришади. У пайт эҳтимол мен тириклар сафида бўлмасман. Илло, сизларнинг аксарингиз Темур номи дунё бўйлаб шуҳрат қозонганига гувоҳ бўласиз!» – деди. Сўнг хизматкорини чақириб, кулча нон олиб келишини сўради. У бир сават тўла нон олиб кирди. Амир Кулол етти кулча нонни қўлимга тутқазиб деди: «Кешга қайтгач ҳар бир кулчани бир-бир тишлаб, қолганини асраб қўй. Башорат шуки, вақти келиб етти иқлим сенинг иродангга бўйсунди!»

Бу воқеа ҳижрий 752 йилда* содир бўлди. Амир Кулол менинг келажагимни башорат қилди, аммо ўша маҳал мен бу башорат амалга ошади, деган хаёлдан йироқ эдим. Уйга қайтгач бу ҳақда отамга сўзлаб бердим. Отам уни жиддий қабул қилди. Амир Кулол улуг инсон эканини айтиб, нимани буюрган бўлса, айтганидек қилиб бажаришим лозимлигини таъкидлади. Мен худди айтганидек бажардим. Самараси мана, кўриб гувоҳи бўлиб турганингиздек – бутун жаҳон ҳукмдориман!

Отам Самар тархон исмли қиличбоз устани чорлаб, мени унга шогирдликка берди. У менинг қиличбозлик маҳоратимни ўстиришга масъул бўлди. Мен ўша пайтгача ҳам қилич ўйнатар эдим, аммо етарли даражада моҳир эмасдим. Дастлабки машғулотимизга Самар тархон икки қулоч арқон олиб келди. Ақлга сиғмайди: «Арқонга бало борми?» – деган ўй кечди хаёлимдан. У эса ана шу арқон билан ўнг қўлимни танамга маҳкам боғлади ва: «Эй Темур, сен ҳозир бир қўлди одамсан. Бир қўлинг, у ҳам бўлса чап қўлинг ишлайди, холос. Сен шу зайл қилич ўйнатишинг лозим – шуни машқ қиламиз», – деди.

Сирасини айтганда, мен аввал ҳам ўнг қўлим билан бабаробар чап қўлимни ҳам ишлатиб турар эдим. Аммо Самар тархоннинг машғулотлари уни такомилга етказди. У ўзи ўргатаётган сабоқнинг назарий жиҳатини ҳам асосларди: «Жангда душман рақибининг ўнг қўлини одатда яралаб,

* Ҳижрий 752 – милодий 1352-1353 йил.

ишдан чиқариш пайида бўлади, – деб сабоқ берар эди у, – ўнг қўли яраланиб, чап қўлини ишлата олмаган кишининг ўликдан фарқи қолмайди».

Шундай қилиб мен чап қўлда ҳам юксак маҳорат билан қилич сирмайдиган даражага етдим ва тан олиб айтишим керакки, бу нарса кейинчалик жангларда мени муқаррар ҳалокатлардан сақлаб қолди.

Мен йиллар ўтиб, жангу жадаллар кечиб, улкан салтанат барпо этдим. Етти иқлим ҳукмдори бўлдим. Бу вақтга келиб, Самар тархон анчайин кексайиб қолган, оғзида тиши битта ҳам қолмай тўкилиб кетган эди. Унинг устозлик хизматларини муносиб тақдирлаб, унга моддий ёрдам кўрсатдим. Кексаликда бирор-бир нарсага зориқмаслиги учун зарур чоралар кўрдим. Ва умуман ёшлигимда ким менга устозлик, дўстлик қилган бўлса – барчаларини яхшилиқлар билан сийладим: бировларига лавозим бердим, бировларига нафақа белгиладим. Ҳатто душманларимга ҳам ёмонлик истамадим. Чунки, ёшлик чоғларинг рақибларинг кўзингга улкан бўлиб кўринар экан, улғайиб борганинг сари, айниқса мавқенг юксалиб боргани сайин улар наздингда кичрайиб, қилган ёмонликлари ҳам арзимас бир нарсага айланиб қолар экан – ҳаттоки қасос олишга-да, арзимади.

Самар тархоннинг сабоқлари зое кетмади. Мен ҳар иккала қўлимни ҳам бирдек ишлата олар эдим. Бу эса менга ҳар қандай маҳоратли қиличбоз рақибимдан устунлигимни кўрсатар эди. Йилдирим Боязид устига қўшин тортиб борган чоғим, ёшим олтмишдан ошган эди. Қўшинларимиз Ангора (Анқара)да юзма-юз бўлди. Мен уни яккама-якка курашга чорлаб, нома жўнатдим. Чунки, таклифимни қабул қилиб майдонга тушса енгишимни билар эдим. Ахир мен ҳар иккала қўлим билан жанг қилар эдим-да! Агар ана шу воқеа содир бўлганида зап томоша бўларди, аммо Йилдирим Боязид менинг таклифимни қабул қилмади.

Гарчи ёш бўлсам ҳам тиним билмай вақтимни қиличбозлик, тирандозлик ва чавандозлик машқлари билан ўтказсам ҳам, ора-чора вақт топиб, китоблар мутолаа қилиб турар эдим. Ўша кезлари қўлимга иккита китоб тушиб қолди. Иккиси ҳам форсийда, назм йўлида ёзилган бўлиб, бириси

Мавлавий (Жалолиддин Румий)нинг «Маснавийи маънавий»си бўлса, яна бири Маҳмуд Шабистарийнинг «Шабистони хаёл» («Сирлар ёғдуси») китоби эди. Мавлавийнинг «Маснавий»си менга маъқул келмади. Сабаби шоир шеърларида эътиқод эркинлигини тарғиб этиб, ҳеч бир дин бири-иккинчисидан устун эмас, деган ғояни илгари сураб эди. Ҳолбуки, менинг бу масалада ўз қарашларим бор: мен ислом динини бошқа барча динлардан устун қўяман. Илло, менинг бул нав фикрлашим, ўзим мансуб бўлган динни кўр-кўрона улуғлаш важдан эмас, балки шундай дейишимга етарли асосим борлиги учундир. Масалан, ҳақлигимни исботлаш учун, ислом динини Мусо ва Исо пайғамбарларнинг таълимоти билан қиёслашнинг ўзи кифоя. Қаранг, Мусо (а.с.) таълимотида нуқул фоний дунё ҳақида гапирилади, бироқ нариги дунё хусусида лом-мим дейилмайди. Худдики у дунё йўқдек. Исо пайғамбар таълимотида эса, аксинча, гап фақат нариги дунё ҳақида, фоний дунё хусусида бир оғиз ҳам гап йўқ. Исломнинг мукамаллиги шундаки, унга эътиқод қўйган ҳар бир киши ҳар икки дунё ташвишини қилишга бурчли. Охиратни ўйлаб яшаш, бу дунёдаги ҳаётни эзгу ва хайрли амаллар билан зийнатлаш, масъулиятини пайдо қилади. Ёғочнинг ҳам икки учи, тарозининг ҳам икки палласи бор. Инсоннинг ҳаёти ҳам фоний ва боқий дунёда кечади. Бирини қўйиб, иккинчисидан тўйиб бўлмайди.

Шу сабабли менга Маҳмуд Шабистарийнинг «Сирлар ёғдуси» номли китоби маъқул келди. Гарчи у шиа мазҳабидаги етти имомнинг издошларидан бўлса ҳам, унинг Худо хусусидаги, фоний ва боқий дунё ҳақидаги фикрларидан қаттиқ таъсирландим. Кейинчалик Азербайжанни забт этганимда, Шабистар аҳолисига зиён-заҳмат етказмадим. Зеро, ижоди билан менда кучли таассурот уйғотган Маҳмуд Шабистарий шу шаҳар фуқароси бўлган. Шабистар аҳолисининг сонини аниқлашларини буюрдим. Ўн беш ёшдан юқори фуқароларни санаб чиқишди – 3891 нафар жон экан. Ҳар бирига беш мисқолдан олтин беришларини амр қилдим.

Атрофимдаги одамлар нега бундай иш тутганим, Шабистар аҳолисига саховат кўрсатиб, тилла улашганим боисини

тушунмай ҳайрон эдилар. Мен ҳам уларга бунинг сабабини айтмай қўя қолдим, чунки оддий одамлар улуғларнинг хоҳиш ва иродасини тушунишга қодир эмаслар. Шу боис шабистарликларга қилган ҳимматим сабаби сирлигича қолди. Унинг сабаби фақат ўзимга аён эди. Бу сирни ҳозир, мана шу ўринда очдим. «Сирлар ёғдуси» менинг онгимни ёриштиргани, илмнинг кўпгина чигалликларини ечишимда омил бўлгани – мурувват кўрсатишимнинг сабаби эди.

Ёшим ўн саккизга тўлганида отам барча хўжалик ишларини зиммамга юклаб, ўзи узлатга чекиниб, қолган умрини тоат-ибодат ва охират тадоригига бахш этишга киришди. Аввал эслатганимдек, у Кеш шаҳрининг ўрта ҳол ер эгаларидан бўлиб, жуда катта бойликка эга эмасди. Шунинг учун ҳам мен отамнинг бисотини бойитиш йўлидан бордим. Бу борада форсигўй шоир Саъдийнинг сабоқларини ўзлаштирдим. Шоир айтадики, инсон тирик экан бисоти ва билимини бойитиш ҳаракатида бўлмоғи лозим. Зеро, айрим кимсалар бойлигинга қараб иззат-икром кўрсатсалар, илмли кишилар ақлинг ва идрокингни қадрлайдилар.

Башарти, отамнинг бисотини бойитиш учун ўзимга бирор-бир машғулот топишим лозим эди. Шу вайдан Мовароуннаҳр ҳукмдорларидан бирининг хизматига кирдим.

УЧИНЧИ БОБ

АМИР ЯХМАК ХИЗМАТИДА

Ўша кезлари Самарқандни Яхмак исмли амир бошқарар эди. Ёши етмишларни қоралаб қолган, икки нафар ёш фарзанди ўлдирилган, акасидан қолган зурриёд – ёлғиз жиянидан ўзга меросхўри йўқ эди унинг.

Амир Яхмак отамни танирди. Шу боис унга хат йўллаб, агар истаса унинг қўл остида хизмат қилишим мумкинлигини баён этдим. У розилик билдирди. Ўзимни кўргач эса лол қолиб, «Тўрғайнинг шундай кучли, келишган ўғли борлигини билмаган эканман!» – деди. Сўнг қўлимдан нима иш келишини сўради. Мен унга жавобан: «Ҳар икки қўлим хиз-

матга шай: ҳар иккаласида қаламни ҳам, қилични ҳам бирдек маҳорат билан ишлатишга қодирман. Агар истасангиз девондаги ишларингизга қарашишим мумкин, хоҳласангиз қўшинингизни бошқаришга ҳам тайёрман», – дедим. У бир муддат мени синчиклаб кузатган бўлди-да, сўнг: «Девондаги ишларни бошқаришга ҳали ёшлиқ қиласан, бироқ қўшинни ишониб сенга топширишим мумкин», – деди. Шундай қилиб ўша кундан эътиборан Амир Яхмак қўшинини бошқаришга киришдим. Ўшанда эндигина 19 ёшга тўлган эдим.

Амирнинг қўшинини ўша кезлари Кулар Камол деган киши бошқариб келар экан. У семиз ва қўрс киши бўлиб, ёши элликлар атрофида эди. Амир Яхмак мени қўшинга бош этиб тайинлаганини эшитиб, у аввалига мени обдан кузатди. Сўнг аскарларга юзланиб заҳарханда қилди: «Қаранглар, Амир Яхмак бизга эрмак учун, қорачадан келган бир баччани юборибди».

Мен ўсмирларга нисбатан бунинг каби муносабатни қабул қила олмайман. Умуман ахлоқсиз гап-сўзлар, ношаърий хатти-ҳаракатларни қаттиқ қоралайман. Баайни шу сабаб билан мадрасадаги сабоқдошларимдан бирини ўқ узиб ер тишлатганман. Шу боис Кулар Камолнинг тагдор қилиб айтган гапидан қоним қайнаб кетди. Қиличимни яланғочлаб, унга жавоб қайтардим: «Мен ҳозир сенга бачча эмаслигимни исботлайман ва ҳақорат қилганинг учун жойингга ўтирғизиб қўяман!»

Шу сўзларни деб унга томон отилдим. Кулар Камол мендан буни кутмаган экан шекилли, довдираб қолди. Вазият жиддий эканини англаб, у ҳам қиличини қинидан суғурмоқчи эди, уқувсизлиги панд бериб, улгурмай қолди. Ҳаракатлари қовушмади. Мен эсам қилич сирмаб бўлгандим. Ўткир тиг унинг томоғини кесиб, жон томирини узган – боши умуртқа суягига илашиб тургани учун ҳам, бўйинини тарк этмаганди. У худдики менга тан бериб, узр сўраган каби, аввал чўккалади, сўнг гурс этиб ерга қулади.

Қонга беланган қиличимни унинг уст-бошига артиб тозаладим-да, сўнг аскарларга юзланиб, ўзимни таништирдим: «Мен – Темур Тўрғай ўғли: Кеш фуқароси! Бугундан эътиборан Амир Яхмак қўшининг бошлиғиман. Буйруқларимга сўзсиз

итоат этишингизни талаб қиламан, акс ҳолда қиличим зарбинни бўйнингизда синаб кўришингизга тўғри келади!»

Аскарлар бир-бирларига термилишиб, жим туришарди. Сукут – аломати ризо! Бу ҳол менинг раҳбарлигим сўзсиз қабул қилинганидан далолат эди.

Эҳтимол, мендан давр ўтгандан кейин, ўспирин ёшларнинг шаънини ҳимоя қилиб, аввал бир тенгдошимни, сўнгра Кулар Камолни ўлдирганим учун мени маломат қиладиганлар ҳам чиқиб қолар. Бу йўлда ҳеч иккиланмай бош кесганим учун, мени керагидан ортиқ қаттиққўлликда айблашдан ҳам тоймаслар. Бироқ менинг бундай кимсаларга айтadиган гапим шу: гўзаллик ва хушбичимлик – Аллоҳнинг туҳфаси ва у инсоннинг заволига хизмат қилмаслиги лозим. Айрим ахлоқий бузуқ одамларнинг бошвоқсиз майли туфайли ёшликнинг хуш сурати залолатга юз буриши мумкин. Шунинг учун ҳам мен келгусида ахлоққа зид, қонунга хилоф, одамийликка номуносиб бунинг каби ишлар содир этилганда, айбдорларни аёвсиз қатл этишга фармон бердим. Шу боис ҳам менинг салтанатимда ўспирин ёшларнинг дахлсизлиги таъминланди. Бу подшоликда хушбичимлик соҳибига хавф туғдирмайдиган бўлди.

Мен Кулар Камолни жазолаган куним Амир Яхмак ҳузурига чорлаб, миннатдорчилик изҳор этди. Афтидан, мен уни кўрслиги, беписандлиги, безбетлиги билан ноқулайлик туғдириб келаётган бир душманидан халос қилган эканман.

Пайтдан фойдаланиб, кўшинда янгича тартиблар жорий этиш борасида амирнинг рухсатини олдим. У менга ўз билганимча иш тутишим мумкинлиги тўғрисида ваколат берди. Дарҳол ишга киришдим. Ўн кишидан иборат ўнликларни ташкил этиб, ўнбошилар тайинладим. Ўнта шундай ўнликка – юзбоши ва ўнта шундай юзликка эса мингбоши бошчилик қиладиган бўлди.

Менгача бу кўшинда ҳарбий тайёргарлик машқларига панжа ортидан қараб келинган экан. Суворийлар ейиш, ичиш ва ухлашдан бошқа иш қилмаганлар. Янги тартибга кўра кўшин кунора чўлга чиқиб, ҳарбий машғулотларни ўтай бошлади. Шунингдек, шахсан ўзим уларнинг беш вақт намозни оғишмай амалга оширишларини назорат остига олдим.

Мен бу ислоҳотлар аскарларга хуш ёқмаслигини билар эдим. Лекин шунинг баробарида орадан икки-уч ҳафта ўтиб, барчанинг шу тартибга кўникишини, ҳамма нарса жой-жойга тушишини ҳам ҳис этардим.

Орадан бир ойча вақт ўтди. Амир Яхмакнинг чўлда истиқомат қилувчи бир неча фуқаролари арз билан келишди. Айтишларича, Самарқанд шимолида яшовчи қора-хитой қабиласи уларнинг отарларига ҳужум уюштириб, олти минг бош қўйларини талаб кетибди. Шу жараёнда уч нафар чўпон-чўлиқларни ўлдириб ҳам кетишибди.

Мен воқеа жойига бориб, вазиятни ўрганишга, айбдорларни топиб жазолашга ва талаб олиб кетишган молларни қайтариб келиб ўз эгаларига топширишга тайёр эканимни айтдим.

Амир Яхмак менга эътироз билдириб деди: «Эй Темур, қора-хитойларни биламан. Улар билан рақобат қилишинг хавфли. Жанговар эркакларининг ўзи йигирма мингдан зиёдроқ». Унга дедим: «Агар менга икки юз нафар аскарни олиб кетишимга рухсат берсангиз, улар билан ҳисоб-китоб қилиб келишга қурбим етади». Амир Яхмак таажжубланди: «Йигирма мингга қарши икки юз киши?» – елкаларини қисиб қўйди у.

– Ҳа, шунинг ўзи кифоя! – қатъий қилиб таъкидладим мен. Рухсат бўлгач, икки юз нафар аскарни олиб, Самарқанддан чиқиб шимолга томон йўл олдим.

Қора-хитой қабиласи Самарқанддан йигирма фарсанг узоқроқда жойлашган бўлиб, мен уларнинг ерига қадам қўйишим билан, қабиланинг ҳурматли кишиларидан бир нечасини суҳбатга чорладим. Уларга Амир Яхмак ҳарбий қўшинининг бошлиғи эканимни, келишимдан мақсад – Амир Яхмак ҳудудидаги чўпон-чўлиқларга қора-хитойликлар босқин уюштириб, олти минг бош қўйни талаб кетганликларини айтдим. Шунингдек, талончилик пайти уч нафар чўпоннинг ўлдирилганини ҳам илова қилдим. Шу боис ўғирланган молларни қайтариб, ўлдирилган одамларнинг товони учун қотилларни топширишларини талаб қилдим.

Қабиланинг ҳурматли кишилари, қора-хитой қабиласи ўн битта қавмдан иборат экани ва бу ишни қайси қавм қил-

ганини билмасликларини айтишди. Мен уларга яна мурожаат қилиб, ҳар бир қабилада ўғри-каззоблар борлигини, улар отнинг қашқасидай қабиладошларига таниш эканини уқтирдим. Агар ана шу ўғриларни яхшилик билан менга топширсалар, уларга ёмонлик қилмаслигимни таъкидладим. Улар эса қайсарлик билан, бундан хабаримиз йўқ, деб туриб олишди.

Тушундимки, бу одамлар билан яхшиликча гаплашишдан бир наф чиқиши қийин. Ўғрилар кимлар, уларнинг макони қаерда – бу одамлар ўла қолса айтадиганга ўхшамайди. Шу боис уларга очикдан-очик дағдаға қилишга ўтдим: «Сизларга «Фотиҳа» сурасини ўқиш учун кетадиган вақт миқдорида имкон бераман, шу фурсатда бирор-бир хулосага келмасангиз, бирма-бир бошингизни оламан», – дедим.

Улар гапларимдан мени мазах қилиб кулишди. Бириси, тўладан келган, қизил юзли киши менга беписандлик билан сўз қотди: «Болакай, сен бунақа ишни қилиш тугул, сўзлашга ҳам ҳали ёшлик қиласан. Шошилма ҳали мўйловинг ўссин, худди меникидек», – дея у ўзининг узун мўйловига ишора қилди. Сўнг: «Ана ўшанда гапирсанг ярашади» – деди. Мен одамларимга бу одамни ўтовдан ташқарига олиб чиқишларини буюрдим. Менинг нима қилмоқчи эканимни ҳеч ким англамай ҳам қолди. Яшин тезлигида қиличимни суғириб унинг бўйнига сирмадим. Устозим Самар тархоннинг ўргатганларини шу ерда бехато бажардим. Кулар Камолнинг бошини кесганимда бунчалик аниқ ҳаракат қила олмаган эдим. Шунинг учун ҳам унинг боши орқа умуртқа суягига илашиб қолган эди. Бу сафар худди устозим ўргатганидек қўл кучим билан эмас, бор вужудим билан зарба бердим. Унинг боши чўрт узилиб пастга думалади.

Бу ҳол кутилмаганда содир бўлди. Шундан қабиланинг тўртта вакили ғазабга келиб, мавҳ этмоқ бўлиб менга томон отилишди. Мен уларга қарши курашга киришар эканман, йўл-йўлакай аскарларимга аралашмасликларини, фақат иккинчи қиличимни узатиб юборишларини тайинладим. Икки қўлимда икки қилич билан тўртта рақибимнинг роса тинкасини қуритдим. Тан олиб айтишим керак, мен бу одамларни ўлдириш фикридан йироқ эдим. Менга бор йўғи маъ-

лумот керак эди. Навкарларимни курашга аралаштирмаганим, жангда уларнинг роса тинкасини куритганим ҳам шундан – ўлдиришни истамаганим учун эди. Қарасам улар ҳам бўш келмаяпти. Шунда рақибларимдан бирининг қўлига жароҳат солдим: у қилични тушириб, ўзи ерга қапишиб қолди. Мен билан савашиниш фойдасиз эканини англаб дастлаб бириси, кейинроқ қолган иккиси туркчада омонлик тилаб, узрхоҳлик қилишди. Мен уларни қайта ўтовга таклиф қилиб, яна мулоқотга киришдим.

Улар менга бу ишни «Оқ марбуж»* қавмидагилар қилганилигини, аммо айнан қайси бири бунга бош қўшганлигини айта олмасликларини билдиришди.


Қабила вакилларида «Оқ марбуж» қавмига ким бошчилик қилишини сўрадим. «Жавдат Голто» деб жавоб қилишди. Мен қабила вакилларини «Оқ марбуж» қавмини топгунимга қадар гаровда ушлашимни, уларни топгач эса озод қилишимни айтиб, йўлга тушдим. Аскарларим тетик, бардам эдилар. Шундан англадимки, менинг ёш бўлишимга қарамай қатъият билан қилаётган хатти-ҳаракатларим уларга куч бағишлаб, ишончларига ишонч қўшмоқда эди.

Кечга яқин «Оқ марбуж» қавми жойлашган ҳудудга етиб келдик. Мен йўлимизда учраган биринчи йўловчидан Жавдат Голтонинг манзилини сўраб суриштирдим. У қўллари билан узоқдан элас-элас кўриниб турган оқ доғни кўрсатди.

– Оқ гумбазни кўраяпсанми? – деди у мавҳум манзарага аниқлик киритиб, – ана шу юрта Жавдатники.

Мен аскарларимни тезроқ юришга ундадим. Мақсадим Жавдат Голтони эсанкиратиб қўйиб, қўлга олиш эди. Токи биров билиб, биров билмай қолсин. Шундай бўлди ҳам. Голтонинг ўтовига келибоқ биз оддан сакраб тушиб, ичкарига кирдик. Ёши олтмишлар атрофидаги, сочлари оқарган киши хотини ва икки ўғли билан дастурхон атрофида ўти-

* «Оқ марбуж» туркийда «оқ қувур» маъносини англатади. Этимологик жиҳатдан у ўтов тепасига ўрнатилган тутун қувурдан келиб чиққан.



ришарди. Келишганимиздек биз дарҳол Голто билан ўғилларини қўлга олиб, бу манзилни тезда тарк этдик. Шошилмасак бўлмасди, чунки чамамда бу ерда уч мингтача урушга лаёқатли эркаклар бўлиб, агар курашадиган бўлсак мени ҳам, аскарларимни ҳам ҳалок қилишлари мумкин эди. Чунки мендаги маҳорат аскарларимда йўқ эди-да!

Шундай қилиб биз «Оқ марбуж» манзилидан етарли масофага узоқлашиб, хавфсиз ҳудудга етказ тўхтадик. Жавдат Голтога ўзимни таништириб, ташрифим сабабини баён қилдим. У ўзини бу ишлардан беҳабар одамдек кўрсатишга тиришди. Шунда мен айтдим: «Жавдат Голто, сен шу қавмнинг раҳбарисан. Бу қавмнинг яхши-ёмон куни, яхшими ёмон иши сенинг рухсатингсиз амалга ошмайди. Башарти, сен Амир Яхмакнинг сурувини талаб кетган одамларни биласан. Уларнинг ноҳақ уч нафар чўпонларимизни ўлдирганликларидан ҳам хабаринг бор. Шундай экан сен, ўзингта ва фарзандларингта жабр етмасин десанг – молларни қайтариб, чўпонларимизнинг ҳунини тўла ёки қотилларни бизга топшир.

Жавдат Голто гапимга унамади. Дарвоқе, мен сўзлаб турган пайтим ота-болаларнинг ўзаро кўз уруштириб олганларини пайқаб қолдим. Қотил ва талончиларга, айнан шу йигитлар бош бўлиб бормадимикин, деган шубҳа пайдо бўлди менда.

– Агар гапимга кирмасанг, айтиб қўяй, шундоққина кўз ўнгингда болаларингни жазолайман ва бундан заррача ҳам афсусланмайман, – дедим. – Чунки, агар сен ҳақиқий мусулмон бўлсанг ва Қуръондан хабаринг бўлса, шариат худди шундай жазони раво кўради. Зеро, ўша ўғри-каззобларга сенинг фарзандларинг бош бўлишган. Кейин сени қатл этаман, чунки талончилик ва қотиллик сенинг рухсатинг билан амалга ошган.

Жавдат Голтонинг осонликча жон бергиси йўқ, шундан тайсалланишда давом этди. Қавмида беш мингта жангчи эркаклар борлигини, агар улар бундан хабар топса, оёққа туриб Амир Яхмакни ҳам ҳалок этишини писанда қилди. Мен: «Агар беш минг эмас, юз минг тарафдоринг бўлса ҳам, оқибати қандай бўлишидан қатъи назар, токи бўлиб ўтган

воқеани адолатли ҳал қилмас эканмиз, бу ердан соғ-саломат қайтишни хаёлингга келтирма», – дея огоҳлантирдим. Жавдат Голто мени ҳавойи дўқ-пўписа қилипти, деб ўйлади шекилли пинагини ҳам бузмади. Шунда йигитларимга унинг ўғилларидан бирини сиртмоққа тортишларини буюрдим. Навкарларим унинг бўйнига ип боғлаб, икки учидан қарама-қарши томонга торта бошлашди. Унинг қўлоёқлари қалтирашга тушди. Шу кез ота аянчли бўкириб юборди: «Бас! Бас қилинглар! Бераман, қайтариб бераман». Йигитлар арқонни бўшатдилар, аммо Жавдатнинг ўғли ўлиб қолган экан. Ўғлининг жонсиз танаси узра ҳўнграб йиғлаётган Голтони қиличим билан туртдим: «Иккинчи ўғлингга ҳам жабр қилма!» Жавдат Голто бошини кўтарди:

– Ўша ўлдирилган чўпонларнинг хуни қанча?

– Шариатда бировни билмай ўлдириб қўйган киши юзта туя миқдоридан хун тўлаши лозимлиги айтилган. Сенинг одамларинг эса қасддан одам ўлдирганлар. Демак, сен уч карра кўпроқ хун тўлайсан, яъни ҳар бир чўпон учун 300 бошдан.

Голто биратўла тўққиз юзта туя бера олмаслигини, чунки бунча туяси йўқлигини айтди. Мен: «Туянг бўлмаса, ўрнига от бер – улар сенда кўп-ку!» – дедим.

– Бу отлар меники эмас, жамоаники, – деди у.

– Унда жамоанг билан гаплаш, молинг азизми жонинг! – дедим мен ҳам бўш келмай.

Голтонинг бўйсунитдан бошқа чораси қолмаган эди. Аммо мен уни ҳам, ўғлини ҳам озод қила олмас эдим. Шунинг учун чўлда юрган қавмдошларидан бирини топиб келиб, уни элчи қилиб жўнатдим. Унга Голто нималарни тайинлаган бўлса, мен яна-да кескинроқ қилиб тайинладим:

– Бориб айт, – дедим унга. – Агар белгиланган муддатда 6000 та қўй ва бадал сифатида 900 та от олиб келинмас экан, Жавдат билан унинг ўғли қатл эттирилади.

Худди кутганимдек, айтилган муддатда қўйлар суруви ва отлар уюрини олиб келишди. Аммо мен Голто ва унинг ўғлини дарҳол озод қилмадим. Чунки улар озод этилса қавмни оёққа турғазиб бизга ҳамла қилиши мумкин эди. Шунинг учун токи Самарқанддан чопар келиб юборилган қўй

ва отлар манзилга етди, демагунча уларни гаровда тутиб турдим. Хабар келгач эса, Самарқандга молларни олиб кетган юз нафар аскарлардан ажралиб, мен билан қолган юзта навкарим билан уй томон от чоптирдик.

Самарқандга қараб от суриб борар эканмиз, қора-хитой қабиласи чегараларидан чиққач, отларимизни бир оз секинлатдик. Йўлимизда кўплаб ўтовлар учраб турарди. Мана шундай қора уйлардан бирининг ёнидан ўтаётганимизда уйдан югуриб чиққан ёшгина бир қизга кўзим тушди. Унинг чиройига мафтун бўлиб қолдим. У ҳам мендан кўзини узмасди. Бир неча бор унга томон ўгирилиб қарадим. У ҳам мени нигоҳлари билан таъқиб этарди. У жойдан узоқлашиб, қиз кўринмай қолди. Бас энди унутаман деб ўйлагандим. Адашган эканман, унинг мафтункор кўзлари мени таъқиб этишда давом этди. Бу ҳол менга ёқмади: мен ўзимни жуда мардонавор жангчи деб билардим, аслида-чи, бир қизнинг чиройи олдида бўшашиб ўтирибман. Ўзимдан-ўзим ижирғандим. Қилични олиб, бир нотаниш қизнинг қарашларига дош бера олмаган юрагимни нимта-нимта қилиб ташлагим келди. Ахир мен уни кўриб, гўзаллигидан бир оз баҳраманд бўлган чоғимда унга тамоман боғланиб қоламан, деб ўйламаган эдим. Аксинча, бу шунчаки ўткинчи бир туйғу деган қатъий қарорда эдим. Шу асно Шамсиддин Муҳаммад Шерозийнинг* қуйидаги сатрлари ёдимга келди: *«Шу қора кўзларга чалинган ишқим юрагимни асло тарк этмас, зотан осмонинг йўриги шу: ҳеч нима ўз-ўзидан содир бўлмас...»*

Самарқандга келибоқ Амир Яхмак ҳузурига бордим. Унинг хизматимдан рози эканлиги менга қилган муносабатидан яққол англашилиб турар эди: «Эй Темур, – деди у ҳаяжонини яшира олмай, – сен қилган иш ҳар қандай манаман деган эркакнинг қўлидан келмайди». У шу сўзларни деб хизматларим эвазига юзта отни инъом этди.

*Темурбек ўз эсдаликларида Ҳофизни, яъни таниқли форс шоирини тилга олганида Шамсиддин Шерозий деб тўлиқ номи билан атайди. Одатда уни Ҳофиз деб аташади. Амир Темур ўзи ҳам Ҳофиз бўлгани туфайли уни бошқалар каби аташдан тийилган бўлса керак.

Гарчи Амир Яхмакнинг мендан кўнгли тўқ бўлса ҳам, ўзим-ўзимдан рози эмас эдим. Чунки хотирамга ўрнашиб қолган ўша қора-хитойлик қизнинг сиймоси хаёлимни батамом банд қилиб олган эди. Бундан қутулмасам бўлмайди. Шу сабабли, ота-онамни кўриб келиш баҳонасида Амир Яхмакдан таътил сўрадим. У жон-жон деб рози бўлди. Мен Кешда азиз устозим Абдулла Қутб билан учрашиш иштиёқида эдим. Унга ҳаётимда рўй берган воқеани сўзлаб бергим, ундан бундан бу ёғига қандай йўл тутишим лозимлиги ҳақида маслаҳат олишга ошиқмоқда эдим.

Устоз Абдулла Қутб мени кўриб беҳад қувонди: «Баракалла, кўзга кўринган мардона йигит бўлсан!» – деди у. Мен дедим: «Эй азиз устоз, сиртдан қараганда шундай, аммо сиз айтган мана шу мардона йигит, ботинан ожизгина бир бола эканини фош қилиб қўйди. Шуни сизга айтгани келдим. Баъзан шунчалик паст кетишдан кўра жонимга қасд қилсамми, деб ўйлаб қоламан».

Абдулла Қутб ҳушёр тортди, сўнг: «Агар ўз жонингга қасд қилмоқчи бўлсанг – сабаби нима?» – деб саволга тутди. Мен кўнглимни ром этган қиз воқеасини сўзлаб бердим. Устозим енгил тортди: «Ўғлим, – деди у меҳрибонлик билан, – сени ҳаяжонга солган бу туйғу – Аллоҳдан! У ҳар бир балоғатга тўлган йигит-қизнинг қалбига шу туйғуни солади. Токи улар шу туйғу воситасида бир-бирларини топсинлар, никоҳ воситасида қовушсинлар – натижада Аллоҳ шу йўл билан бандаларининг сонини оширади. Ахир ҳаётнинг бардавомлиги ҳам шундан-ку! Башарти, қалбингда эҳтирос жўш ура бошлабдими, бу табиий, уйланишинг керак. Бу ҳақда отангни хабардор қил – эшитиб бошлари осмонга етади!»

Мен бу ҳақда отамга гапира олмаслигимни айтгач, у: «Бўпти, сен гапирмай қўя қол, мен ўзим отангнинг ҳузурига бориб гаплашаман!» – деди.*

* Амир Темурнинг завжалари кўп бўлган. Лекин хотинлари орасида биринчи ва каттаси мана шу қора-хитойлик қиз бўлган. У Темурнинг фарзанди Жаҳонгир Мирзонинг онасидир. Шунингдек, Шоҳрухнинг онаси Дилшоҳ оға, Мироншоҳнинг онаси Маңглибек хотун, Умар шайхнинг онаси Туман хотун бўлган.

Мен қора-хитойлик шу қизга уйланганимдан сўнг анчайин босилдим, тинчландим. Безовта руҳим таскин топди. Ва мен ҳеч нарсадан тортинмай, яна Яхмак хизматига кетдим.

ТЎРТИНЧИ БОБ

АМИР ЯХМАКНИНГ ВАФОТИ ВА АРСЛОН БИЛАН МЕНИНГ ЎРТАМИЗДА КЕЧГАН ЗИДДИЯТ БАЁНИ

Ҳижрий 756 (мелодий 1355) йил мен йигирма ёшга тўлдим. Шу даражада беқиёс кучга эга эдимки, ўттиз-қирқ ёшлардаги курашчилар билан беллашиб, курагини ерга тегизар эдим. Кафтларим шу қадар бақувват эдики, ҳеч ким уни бука олган эмас. Шунинг учун ҳам Амирнинг хос соқчилари-ю, ҳарбий хизматчилари – бари-бариси мендан қўрқар, Яхмакдан кўра менга кўпроқ бўйсунисар эди. Мен жумадан ташқари ҳафта мобайнида аскарларни ҳарбий машғулотлар ўташга мажбур қилар эдим. Бир кун ҳордиқ олишлари ва жума намозида жамоа билан ибодатда иштирок этишлари учун рухсат берардим.

Аввал ҳам айтганман, Амир Яхмакнинг жияни бор эди ва у ҳамиша ана шу жияни томонидан ўлдирилишидан чўчиб яшарди. Мен аввалига Амир Яхмакнинг ўз жигаридан нима учун бу қадар қўрқишини тушунмасдим. Бегона бўлса ҳам майли эди, аммо кейинчалик бу сирнинг тагига етдим. Қўрққанича бор экан: Амир Яхмак акаси ўлгандан сўнг, унинг барча мол-мулкани ўзлаштирган, жиянига ҳеч нарса қолдирмаган. Шунинг учун ҳам унинг юрагида амакисига нисбатан кучли нафрат пайдо бўлган. Йиллар давомида унга нисбатан кек сақлаб келиши шундан эди. Мен Амирнинг хизматига кириб, унинг хўжалиги ва ҳарбий қўшинини тартибга келтириб, обрў ва эътибор қозона бошлаганимни кўриб, унинг ҳасади кўзиган. У амакисидан мени ишдан ҳайдашни талаб қила бошлаган. Турган гапки, у менинг кучайиб бораётганимдан қўрққан. Келажакда унинг қўшинини эгаллаб олишимдан чўчиган.

Амир Яхмак «эстетска» (қандли диабет) касаллиги билан оғриб юрар эди. Шу хасталик уни ҳижрий 756 йилнинг Раб-би-ул аввал ойида ҳаётдан олиб кетди. Ҳали амакисининг жасади совумай, унинг ўрнини эгаллаб олган Арслон хос соқчилари ва аскарлар ҳузурида менга таҳдид қилиб: «Эй Темур, шу дақиқадан бошлаб сен эгаллаб турган лавозимингдан бўшатилдинг – менинг қўшинимда сен учун жой йўқ!» – деди.

Агар у бу гапни ўзимни яккама-якка суҳбатга чорлаб айтса, ётиғи билан тушунтирса, турган гапки мен бу гапни ўзимга қаттиқ олмаган ва унинг қарорига эътироз билдирмаган бўлар эдим. Чунки у ҳокимиятга амакисининг ўлимидан кейин, Қуръон кўрсатмаларига мувофиқ – ҳақиқий ворис сифатида эгалик қила бошлади. Турган гапки қўшин ҳам уники ва у кимни хоҳласа ўшани қўшинчига бошлиқ этиб тайинлаши мумкин – бунга ҳеч қандай эътироз бўлиши мумкин эмас. Бироқ у бу ишни кўпнинг олдида, ҳақоратомуз оҳангда, таҳқирловчи сўзлар билан амалга оширгани учун жим тура олмадим:

– Эй Арслон, сенга буюклик қондалари ҳайф ва ёдингда тут, ҳеч қачон унвони баланд кишиларни лавозими ундан паст кишиларнинг кўзича, тантанавор тусда ишдан бўшатиб ёки айби бўлса уларнинг ҳузурида жазолаб бўлмайди, – дедим.

Арслон, атрофини ўраб турган ходимларига: «Бу кўрс ва без болани кўзимдан йўқотинглар!» – деб амр қилди. Бу вақтда мен йигирма ёшли, ҳар жиҳатдан баркамол эр киши эдим ва Арслоннинг беписанд ҳақоратлаши қонимни қайнатиб юборди. Қиличимни қинидан суғуриб, Арслонга ташландим. Унинг соқчилари ҳам қилич ялонғочлаб Арслоннинг ҳимоясига отланишди. Унинг хос соқчилари менинг қандай кучга эга эканим, қилични қанчалик маҳорат билан ишлата олишимни билишмас эди. Акс ҳолда йўлимга тўғаноқ бўлишдан тийилишган бўлардилар. Қаршимга отилиб чиққан биринчи соқчининг бир зарба билан қўлини чопиб ташладим. Шундан қиличи тушиб кетди. Рақибларимни назардан қочирмай, эпчиллик билан эгилиб унинг қиличини ҳам олдим. Шундан кейин кўринг томошани: икки қилич

билан олдимни тўсиб чиққанни ерга қулатавердим. Ортга чекиниб бораётган Арслонга: «Эй сен, агар мард бўлсанг қочма, яқинроқ борай, беллашамиз!» – дедим. Унинг ранг-ги қув оқариб кетди.

Мен ва Арслон орасида ҳимоя бўлиб турган соқчилар бирин-кетин қулаб, амирга яқинлашиб қолдим. Шунда улар менинг қондан қип-қизил бўлган қиличим ва уст-бошимни кўриб даҳшатга тушиб ура қочишга тушдилар.

Мен унинг ортидан қувламадим. Бунинг ўрнига аскарларга юзланиб дедим: «Айтинглар-чи, иккимиздан қайси биримиз амир – менми ёки ҳозиргина мушукдан кўрққан сичқон каби писиб жўнаган ана у кўрқоқми? Агар сиз эркак бўлсангиз ва шу номга муносиб бўлсангиз бундай хотинчалиш кишининг бошингизда ҳукм юритишига йўл қўйиб бермайсиз ва аввалгидек менга бўйсунасизлар. Маошингизни яхшилашга сўз бераман».

Юқори лавозимли ҳарбийлардан ўн биттаси ҳозиргина Арслоннинг ҳимояси учун мен билан курашган, шундан тўрттаси жон таслим қилган, бириси кўлидан ажраган, қолган олтитаси турли даражадаги тан жароҳати олган эдилар. Улар бир овоздан мени ўз ҳарбий бошлиқлари сифатида қайтадан тан олишди. Маошлари масаласида мурожаат этиб, хизматларига муносиб ҳақ тўланишини талаб қилишди.

Мен бу борада ўз фикримни айтдим: «Сизнинг маошларингиз қандай бўлиши керак бўлса, худди шундай бўлади. Мукофотларнинг ўз вақтида берилмаслиги туфайли кимнингдир рашжитилишига йўл қўймайман...»

Ўша дақиқадан бошлаб нафақат қўшин бошлиғи сифатида ўз ўрнимда қолдим, балки Амир Яхмакдан қолган мол-мулк бошқарувини ҳам қўлимга олдим.

Арслон кўрқувданми ёки бошқа бир сабабми менга қаршилиқ кўрсатмади. Мен эсам ундан устун эканимни, мартаба масъулиятини теранроқ англашимни намоён этиб, амакисининг ўлимидан кейин қолган мол-мулкнинг тенг ярмини унинг ҳисобига ўтказдим. Қолган ярмини эса газна манфаати, қўшин таъминоти ва бошқа масалалар учун ўз ҳисобимда қолдирдим. Худди шунингдек, мен шарият қонунларига таяниб Амир Яхмакнинг яккаю ягона меросхўри бўлмиш Арслонга тегиш-

ли мол-мулкни мусодара қилдирдим. Бир сўз билан айтганда, аввалига уни ҳеч вақосиз қолдирдим.

Шундан кейингина мен Амир Яхмакка бўлган чексиз ҳурматим туфайли, унинг жияни бўлмиш Арслонга мол-мулкнинг тенг ярмини топширдим. Бир вақтлари қариндошлар ўртасида шу мол-мулк туфайли пайдо бўлган низо барҳам топди – адолат тикланди. Шунинг баробарида мен Арслонга яна бир карра ҳақиқий олижаноблик ва бағрикенгликдан сабоқ бердим. Ҳокимиятга эришсам-да, унинг молига ҳам, жонига ҳам дахл қилмадим. Кейинчалик у менга нома йўллаб: «Аллоҳ адашган бандаларининг гуноҳларидан кечади. Сен Аллоҳнинг қудратини ерда намоён этиб келаётган зот сифатида узримни қабул эт!» – деб ёзибди.

Мен унга жавоб қайтариб узрини қабул қилганимни айтдим, гарчи кечирим сўрамаганида ҳам унга ёмонлик қилиш ниятим бўлмаганлигини билдирдим. Шунингдек, аскарлар ва уларнинг бошлиқлари ҳузурида мени «қўрс ва безбет бола» деб ҳақорат қилгани юрагимга битмас жароҳат солганини эслатдим. Зеро, қиличнинг жароҳати битади, аммо ёмон сўзнинг асорати ҳеч қачон тузалмайди. Мен унинг кўнглига бу гапларим билан гулгула солмоқчи эмасдим, балки яна бир карра инсоннинг кўнглини ранжитиш қанчалик ёмон эканини уқдирмоқчи бўлгандим, холос.

Эй сиз, қачондир менинг ёзганларимни ўқиб, ундан маъно изловчилар! Пешонада нима ёзилган бўлса – шу бўлади, дегувчилар. Унутманг: биримиз шоҳмиз, биримиз гадо, аслида ҳаммамиз ҳам Аллоҳнинг қулимиз. Шу боис ҳам мен болалигимдан дин билан машғулман. Беш вақт намозни канда қилмай ўқийман. Фақат жанг майдонида бўлган чоғимдагина намозим қазо бўлган бўлса бордир. Лафзимни шароб билан макруҳ қилмадим, қимор ўйнамадим – шариятда нимаики таъқиқланган бўлса, улардан тийилдим. Бутун умр дин пешволари, олимлар, уламоларнинг ҳурматини жойига қўйдим. Ҳар қандай масалаларда уларнинг маслаҳатлари билан иш қилдим. Шу сабабдан ҳам менинг атрофимда ҳамиша уламолар ҳамроҳлик қилишади. Мен улар билан диний масалаларда баҳслашиб тураман. Айрим ҳолларда ўзим фатво бериб ва шарият қонунларининг бажарилиши-

ни назорат қилувчи уламо сингари уларга маслаҳатлар бермаман. Баҳсларда гап бориб, Қуръони каримнинг бирор-бир оятига тақалса, мен ўша оятни дарҳол ёддан ўқийман. Бу жиҳатдан айрим уламолардан устунлигим бор. Қолаверса мен Қуръонни ёд билганим ҳолда, унинг оятлари тафсирини ҳам теран англайман.

Мовароуннаҳр ҳукмронлигини қўлга киритганимдан сўнг, ўзим учун сафарларда бирга олиб юриладиган масжид яшашларига фармон бердим. Қўли гул усталар, меъморлар ишга тушиб кетишди. Ёғоч қисмларидан йиғма минора барпо этилди. Уни икки хил рангда – қизил ва яшил бўёқ билан бўяшларини сўрадим. Зеро, яшил ранг Аллоҳнинг ва борлиқнинг қудратини, қизил ранг эса инсоннинг замин узра қудратини ифода этади. Кўчма, йиғма масжиднинг иккита минораси бўлиб, улар ҳам қизил ва яшил рангда. Масжиднинг алоҳида-алоҳида қисмлари йиғирмата аравага юкланар, аравалар юриши мумкин бўлмаган жойлардан, масжиднинг қисмлари 400 та от ва ёввойи эшакларга ортмоқлаб олиб ўтилар эди. Узоқроқ қолинадиган манзилларда масжидни йиғишар: муаззин минорага чиқиб азон айтар ва мен ўз масжидимда намоз ўқир эдим.

Айни шу дамларда Хитой сафарига отланиб турибман ва яқин келажакда мен бу юртни забт этаман. Ўшанда Хитойдаги минглаб бутпарастлар ибодатхоналарини масжидлар тарзида қайта қурдираман.

Шу ўринда таъкидлашим жоизки, менинг қўл остимда жанг қилган ва жонлари сабил бўлган сафдошларим ҳақиқий эътиқод йўлида қурбон бўлганлар билан тенг мартабага эгадирлар. Менинг ўзим бир умр ислом дини равнақи, унинг уфқларини кенгайтириш ҳаракатида бўлдим. Менинг жанггоҳларда қолиб кетган сафдошларим ҳам ана шундай улуғ мақсад йўлида жон бердилар. Улар пайғамбаримиз (с.а.в.) билан бир сафда туриб, ислом таълимоти тантанаси учун жон берган шаҳидлар сафида шарафли ўлим топганларига иймоним комил.

Мен адолат тарафдориман...

Ҳокимиятимни янада мустаҳкамлаш, Мовароуннаҳр дёри ҳукмдорининг қудратини яна-да юксалтириш фикри

овга бўлган иштиёқим туфайли пайдо бўлди. Ҳижрий 757 йил*нинг куз ойи. Йигирма бир ёшдаман. Кимсасиз чўлларга овга чиқдик. Аскарларимдан бир нечасини йўллаб, чўл бўйлаб доира ясаб ёввойи қушларни марказга томон ҳайдаб келишларини буюрдим. Ўзим эса бир неча ҳарбий бошлиқлар билан қушлар қочиб ўтадиган жойни ишғол қилдим. Бу жой Самарқанддан шимоли-ғарбда эди. У жой «Қурултой» қабиласига тегишли эканини билмаган эдим. Белгиланган жойга ўрнашиб овга киришган эдик ҳамки, «Қурултой» қабиласи вакиллари келиб, бу жойларда ов қила олмаслигимизни айтиб, бизга халал бера бошлашди. Мен сабабини сўрадим: «Нега бизнинг бу жойларда ов қилишимиз мумкин эмас?» «Чунки бу жойлар бизга тегишли», – деб жавоб қилди улар.

Мен ҳайрон бўлиб атрофга боқдим – бу ерларнинг уларга тегишли эканини англатувчи бирор белги бормикин дегандим: на уй кўрдим, на дарахт. Шу боис уларга дедим: «Агар бу ер сизларники бўлса, буни тасдиқловчи бирор-бир нарсани кўрсатинглар-чи! Агар сизлар бу жойларда ер ҳайдаб экин-текин қилганларингда, дарахт ўтқазган бўлганларингда, жиллақурса иморат кўтарган бўлганларингда эътирозга ўрин қолмасди. Аммо мен бу атрофда, бу ерларга эгалик ҳуқуқингизни тасдиқловчи ҳеч нарсани кўрмаяпман. Қолаверса, бу – дашт. Даштнинг эса эгаси бўлмайди, демак у ҳамманики!»

Шу гапларни айтиб яна атрофга алангладим. Ҳақиқатан ҳам, бирор-бир чодир ҳам тикилмаган эди...

Қурултойликлар менинг эътирозимни қабул қилишмади. Гапларида туриб олишди: бу жой уларники ва бу жойларда бегоналарнинг ов қилишга ҳаққи йўқ.

– Сизлар қонунни буздинглар, энди жарима тўлашларинг лозим, акс ҳолда сизларни ўлдиришдан ўзга чорамиз қолмайди, – деб дағдаға қилишга ўтишди.

Ўша пайт бизлар етти киши эдик. Улар элликдан нари. Бизнинг бир қисмимиз қушларни ҳайдаш билан машғул эди-

* Ҳижрий 757 йили – милодий 1356 йил.

лар, улар биздан анчайин узоқда, агар икки ўртада жани бошланса ҳам, уларнинг ўз вақтида етиб келишлари даргумон эди.

Менинг ёнимдаги олти нафар ҳарбий бошлиқлар асосан менга орқа қилишади. Улар менинг қанчалик қудратга эга эканимни, кутилмаган бир пайтда рақибларга уруш очшимни билишар эди. Аммо мен кучлар нисбати тенг бўлмаган бу шароитда урушишни унчалик ҳам истамаётган эдим. Шунинг учун вазиятни юмшатиш йўлидан бордим. «Балки улар ҳақдир. Эҳтимол, ҳақиқатан ҳам бу жойлар уларникидир. Ота-боболари бу ерларга эгалик қилгандир», деб ўйладим. Шундай кечинмалардан сўнг, уларга ён беришга қарор қилдим: «Майли, овлаган барча қушларимизни сизларга қолдириб, ўзимиз кетамиз – шу билан ҳисоб-китобими: тўғри бўлади».

Улар бунга унамадилар: «Бизга ёввойи қушларнинг кераги йўқ, зарурат бўлса ўзимиз овлаймиз. Сизлар рухсатси: ҳудудимизда ов қилганларингиз учун бизга минг тилла танга тўлайсизлар, шунда – орамиз очик!» – дейишди.

Мен яна келишув йўлини тутдим: «Биз овга чиққан эдик бу ерда жой талашиб, ҳақ-ҳуқуқларимизни савдолашамиз деб ўйламаган эдик. Шу сабаб ўзимиз билан пул олиб келмагандик».

– У ҳолда сизларнинг қўл-оёғингизни боғлаб, қабиламизга олиб кетамиз. Бирингиз бориб жарима пулини олиб келмагунингизча, гаровда ушлаб турамиз! – Қурултойликлар ҳақдиларидан ошишди.

Мен ўз одамларимга «Тайёр турунлар» деган маънода ишора қилдим. Сўнг бир сиқим ўқни тишимга қистириб отга сакрадим. Ёйнинг боғичини ечиб, эпчиллик билан уни қўлимга олиб ўқладим. Ҳамроҳларимга ана шу эпчиллик етишмади. Уловларига етиб олишга улгурмай, рақиблар уларни қуршаб олди. Мен эсам бу пайт биринчи ўқимни узишга ва душманлардан бирини қулатишга улгурдим. Ўқ отиш ҳадисини яхшигина ўзлаштирганим боис, рақиб икки марта киприк қоққунча мен битта ўқ узишни эплайман. Шунинг учун ҳам кўз очиб юмгунча бўлмай, мен яна тўртта рақибни ер тишлатдим. Буни кўриб, қурултойликлар шошиб қолишди.

Ҳамроҳларимни қўйиб, менга томон от суришди. Энди ўқ отишдан фойда йўқ, шунинг учун ёйни елкам оша кифтимга ташлаб, қилични қўлимга олдим. Орқасидан ўқ еб, отида осилиб қолган рақибнинг тақимидаги қилични ҳам оливоддим. Душманлар менга ёппасига ҳужум қилган палла ҳамроҳларим отларига етиб олиш учун имкон топишди. Хуллас, жанг қизиб кетди. Менинг отим Хоразм зотидан бўйи баланд, оёқлари узун – энг яхши от эди. Шундан душман билан жангга киришганимда устунлик мен томонда бўлди. Қурултойликлар охир-оқибат, қочиб қутулишни афзал билишди. Улардан йигирма икки нафари шу жойда ер тишлаганча қолиб кетди. Биз уларнинг ортидан таъқиб этмадик, аксинча лаш-лушларимизни йиғиштириб, ортга қайтдик. Ов овдек бўлмади, бироқ шу ов баҳона менда ўзимга ишонч яна-да кучайди. Келажагимни қатъий бир режага солиш фикри туғилди. Ўзимга-ўзим дедим: «Аллоҳ менга шунча куч-қудрат берди: ундан самарали фойдаланмасам, ношукрлик қилган бўламан. Имкониятларим чексиз! Башарти, шу имконият билан Амир Яхмақдан қолган оз сонли қўшинга раҳбарлик қилиш билангина кифоялансам – қиличим билан тўппа кесган бўламан. Ҳолбуки Чингизхон мендаги қобилиятнинг ярми билан қанчалар буюкликка эришган. Мен энди шундай юксакликни забт этишим керакки, у Чингизхон эришган даражадан баланд бўлиши лозим.

Дастлабки марра – Мовароуннаҳр. Кейинчалик эса салтанатим сарҳадларини дунёнинг ғарбий ва шарқий кенгликлари ҳисобидан кенгайтириш мақсадим бўлмоғи даркор».

Овдан ана шундай кечинмалар оғушида қайтдим. Шу кунгача эришган натижаларимдан кўнглим тўқ эди: «Мулким бор, кичик бўлса ҳам қўшинга эгаман, қолаверса Самарқанд аҳлининг ҳурматига сазоворман – бас, бир йигитга яна нима керак!» – деб ўйлар эдим. Лекин ўша куни қарашларим тамоман ўзгарди: «Аллоҳ мени буюк ишлар учун яратган, унинг иродасига бўйсуниб, ақл-идрок ва куч-қудратимга таяниб, яна ҳам юксакларга бўйлашим керак!» – деб ўзимни-ўзим руҳлантирдим. Овдан қайтсам, фарзандлик бўлганим ҳақида хушxabар етказишди. Буни ҳам яхшиликка йўйдим: Аллоҳнинг бир маънодор ишораси деб қабул қил-

дим. Ўша куни кўнглимда туғилган буюк орзуларга ҳамоҳанг бўлсин деб, ўғлимга Жаҳонгир деб ном бердим.

Орзумни амалга ошириш учун менга кўп сонли мукамал ҳарбий тайёргарликдан ўтган қўшин кераклигини, Самарқанддаги икки минг кишилик қўшиним билан қўшни вилоятларнинг ҳукмдорларига қарши беллаша олмаслигимни билар эдим.

Сир эмас, кучли қўшинга эга бўлиш учун кўп миқдорда пул зарур. Мен эсам етарли маблағга эга эмасдим. Шу кез қўл остимдаги мол-мулкни сотиб, нақд пулга айлантириш фикри туғилди. Ўшанда шу маблағ ҳисобидан қудратли лашкар тузишим мумкин, деган қарорга келдим. Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганида икки минг кишилик қўшинидан фойдаланиб талончиликка қўл урган ёки Самарқанд аҳлига зуғум ўтказиб, маблағ тўплаш йўлини тутган бўларди. Бироқ менинг ислом нури билан йўғрилган табиатим, бунинг каби ҳаром-ҳариш ишларни хуш кўрмасди. Карвонларни талаш, аҳолига зўрлик ишлатиш йўли билан бойлик топиш – чин мусулмон кишининг иши эмас. Шунинг учун мен ўзимга тегишли бўлган (Амир Яхмакнинг Арслонга тегишли ярим мулки бундан мустасно) мулкни сотишга қарор қилдим. Бундан хабар топган айрим кишилар «Эҳ, ношукр банда, жони ачимай топган-да, қадрига етмайди», деб маломат қилишгача боришди. Мулк арзон-гаров баҳода сотилди. Савдолашиш фурсати эмасди, шундан қирқ минг тангани қўлга киритгач дарҳол қўшин тузишга ва унинг сафларини кенгайтиришга киришдим. Шахсий тажрибамдан шу нарса аёнки, ҳарбий санъатни ўрганиш учун энг мақбул давр, бу йигирма-йигирма беш ёш оралиғидаги йигитлик айёмидир. Ундан ошган кишиларнинг жанг санъатини ўрганишлари қийин кечади. Шу боис баайни ана шу ёшдаги бақувват йигитларни ҳарбий хизматга ёллай бошладим.

БУХОРО ШАҲРИНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ

Қўшинга ёлланган ёш жангчиларга ҳарбий санъатни ўргатишда мен бир пайтлари ўзим ўрганган усулларни қўлладим. Зотан, Аллоҳ ҳар бир кишини имкониятлар захираси билан яратганига қатъий ишонар эдим. Фақат ана шу имкониятларни ишга сола билмоқ керак. Зеро, қобилият деган тушунча жуда теран: бинобарин, билим олиш қобилияти; куч тўплаш қобилияти; ҳарбий қуролларни ишлатиш қобилияти ва ҳаттоки қобилиятни йўқдан пайдо қилиш ва уни ўстириш учун ҳам қобилият бўлмоғи керак. Зотан, ҳар қандай илми ҳаминқадар, жисмонан заиф киши ҳам илмли ва бақувват инсонга айланиши мумкин. Фақат дангасалик унинг йўлига ғов бўлиши ёки уни ўсиш ва шаклланишга ундайдиган устоз қўлига тушмай, бир жойда қотиб қолиши мумкин. Ҳаммага бирдек тааллуқли бир қоида бор: илмли бўлиш учун мунтазам ўқиш керак. Кучли бўлиш учун эса танани доимо машқ қилдириш даркор – шундагина унга куч энади. Ёш йигитларни хизматга ёллаганимдан сўнг, уларнинг шарият қонунлари ва фуқаролик урфларига бирдек амал қилишлари устидан қаттиқ назорат ўрнатдим. Зеро, шарият ва дунёвий қонунларга амал қилиш ҳам жамият равнақи, ҳам инсон камоли учун бирдек муҳим. Ҳозир етмиш ёш остонасида туриб ҳам шу фикримда собитман!

Бутун умрини от устида ўтказган, подшоликнинг у бурчидан-бу бурчига тинмай кўчиб юрадиган ҳукмдор ҳам салтанатининг барча ҳудудлари ҳали ҳам унга бўйсунадими, йўқми – бир тўхтамга кела олмайди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун доимий ҳаракатнинг ўзи кифоя эмас. Чунки, жойларда шарият ва дунёвий қонунлар устуворлигини таъминламай туриб, бунга эришиб бўлмайди.

Бинобарин, салтанатимнинг энг чекка овулида тартиб ва қонун ўрнатилган бўлса, демакки мен ўша ерда бордекман. Шунинг учун ҳам ҳокимиятни қўлга киритган кунимдан шу пайтга қадар, ҳозир мана шу сатрларни ёзаётган да-

қиқаларгача нимайки қилган бўлсам – барчасини қонун доирасида қилдим.

Чингизхон давлат бошқарувида куч ва шафқатсизликка асосланган бўлса, мен барча ишларимни шариат аҳкомлари ва дунёвий қонунлар асосида адолат юзасидан олиб бордим. Халқ шуни чуқур англасинки, мен қайси масалада қандай қарор қабул қилган бўлсам, ҳам диний талаблар, ҳам ҳаёт талаблари нуқтаи назаридан муҳимлигига эътибор қаратганман. Шунинг учун ҳам қарорим ҳам руҳан, ҳам қалбан қабул қилинмоғи даркор.

Мен аскарларимни ҳам ана шу руҳда тарбияладим: уларни қонунларга сўзсиз итоат этишга ўргатдим. Унга хилоф иш қилсалар аёвсиз жазоладим.

Менинг қўшимда аскарларга икки маҳал овқат берилади: биринчиси тушлик пайти, иккинчи – кечқурун. Уларнинг зиммасида бомдод намозидан кейин ҳарбий ишларни ўзлаштириш машқларини бажариш мажбурияти бор. Чўлда ҳарбий машқларни ўтаётган пайтлари, менинг шахсан иштирок этишим аскарларнинг руҳиятига ижобий таъсир қилишини билардим – шу боис машғулотларда иштирок этишни қанда қилмас эдим. Менинг ҳузуримда улар машқларни янада маҳорат билан бажариш пайида бўлар эдилар. Машғулотлар чошгоҳ маҳалигача давом этарди.

Ҳижрий 758 йили.* Ўшанда ёшим 22 да эди. Бухоро амирининг бир гуруҳ жангчилари чўлдан қайтаётган олти нафар аскаримни ўлдирибди. Юқорида ҳам айтган эдим, шариат аҳкомларида ўлдирилган бир одам учун, агар у қасддан ўлдирилмаган бўлса, юз бош туя бадал тўлаш лозимлиги айтилади. Агар у қасддан ўлдирилган бўлса, ҳар бир ўликнинг хуни учун бадал белгилаш ҳуқуқи қони тўкилган томонга берилади. Шу ваздан мен Бухоро амирига нома йўллаб, унинг аскарлари томонидан олти нафар аскарларимиз ўлдирилганини, шу сабабли ҳар бир ўлдирилган аскаримиз учун 3000 мисқол тилла миқдоридан товон пули тўлашлари лозимлигини, акс ҳолда қотилликда иштирок

* Ҳижрий 758 йили – милодий 1356/57 йиллар.

этган 50 нафар аскарни жазолаш учун бизга беришлари лозимлигини баён этдим. Бухоро амири менга йўллаган жавоб хатида, бўлиб ўтган воқеада менинг ўлдирилган аскарларимнинг ўзлари айбдор эканини, чунки улар бири-бирига бўлиб жанжал бошлаганликларини, шунинг учун товон тўла-ниши ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмаслигини ёзиб жўнатди.

Англадимки, ё Бухоро амири тул拉克лик қиляпти, ёки аскарлари унга нотўғри маълумот берган. Зеро, Бухоро амирига нома йўллашдан олдин мен бу воқеага дахлдор барча далилларни ўрганган эдим. Бировни ноҳақ айбламаслик, даъво асоссиз бўлмаслиги учун воқеани ўз кўзи билан кўрган фуқаролар билан гувоҳ сифатида суҳбатлашган эдим. Бухоро аскарларининг 50 нафарча бўлганини ҳам уларнинг берган маълумотларидан билган эдим. Афтидан Бухоро амири бу масалани чуқур ўрганмаган бўлиб чиқади.

Ахир ноҳақ айблов – энг оғир гуноҳлардан саналади. Ўзини ҳурмат қилган мусулмон кишиси, мен ўзимни ана шундай мўминлардан деб биламан, бундай ишга қўл урмайди. Агар Бухоро амири аскарлари айбдор эканига заррача шубҳам бўлганида яна бир нома ёзмаган бўлардим. Унда қуйидаги сўзларни зикр этдим: «Сени аскарларинг алдаб, воқеани бузиб талқин қилишган ёки ўзинг атай ёлғон сўзла-япсан! Аскарларинг айбдор эканини била туриб, уларнинг айбини яширмоқчи бўляпсан. Мабодо шундай бўлса, сени Аллоҳнинг душмани дейишга асос бор. Шариат аҳкомларида ўғри ва қотиллар эмас, балки ёлғончилар Аллоҳнинг душмани дейилган».

Бухоро амири менинг иккинчи мактубимни жавобсиз қолдирди ва шу муносабат билан ўзим Бухорога қўшин тортиб боришга қарор қилдим. Рамазон ойининг тугаши, шаввол ойининг 3-куни ҳижрий 758 йил* жанговар қўшим билан Самарқанддан чиқиб Бухоро сари йўл олдик.

Жангчиларим асосан суворийлардан иборат бўлиб, ҳар бир аскар ўзи билан яна биттадан қўшимча захира улов ол-

* 3 шаввол 758 ҳижрий йили – милодий 11 октябрь 1357 йил.

ган эди: остидаги от чарчаса наригисига алмашиб олиши учун. Шахсий тажрибамдан биламанки, сафар чоғи отни алмаштириш имкониятига эга бўлган аскар улловининг тинкасини қуритмагани ҳолда узоқ масофанинг танобини тортишга муваффақ бўлади. Мен Бухорога тезроқ етиш истагида эдим. Мақсадим, Бухорога қўшин тортиб бораётганим ҳақидаги хабар мендан олдин етиб бормасин. Чунки Бухоронинг атрофи қалин девор билан ўралганлигини ва Бухоро амири ташрифимдан хабар топса қалъа дарвозаларини беркитиб, мен учун ортиқча ташвиш туғдириши мумкинлигини билар эдим.

Шунингдек, аскарларим Бухорога кундузи яқинлашмасликлари лозимлигини, акс ҳолда баланд девор устида турган пойлоқчилар бизни пайқаб, амирга хабар етказишлари мумкинлигини ҳам англаган эдим. Шу сабабли ташрифимни шундай ташкил қилдимки, кутилмаган ҳамлани амалга ошириш учун, Бухорога тун қоронғисида бостириб борадиган бўлдик. Самарқанддан чиққанимизда мен яна бир эҳтиёт чорасини кўрган эдим. Ҳар бир жангчига сунбул ўсимлиги тарқатилди. Бухорога яқинлашганимизда жангчилар ўсимлик билан отларнинг лунжини артишлари лозим, ўшанда отлар пишқирмайди. Гарчи отлар кечаси камдан-кам ҳолларда пишқирса-да, эҳтиёт шарт. Қолаверса, узоқ йўл босиб келган, манзилга етган чоғи тўхташ жойини аввалдан ҳис этган отларнинг пишқириш одати бор. Кечаси улар бу одатини такрорламаслигига ҳеч ким кафил бўла олмайди. Бу эса пойлоқчиларнинг эътиборини тортиши мумкин.

Яна бир муаммо: маълумки, кечаси қалъа дарвозаси берк бўлади, аммо уни бузиш чўт эмас. Бунинг учун «калла куч»* ва уни ишлатадиган аскарларимиз шу ишга шайлаб қўйилган эди.

* «Калла куч» – табриз дарахтининг танасидан ясалган улкан ғўла бўлиб, 40-50 киши уни кўтариб, ортга тисарилиб, сўнг югуриб бориб тўсинга зарба беради. Шундай 2-3 зарбадан сўнг ҳар қандай мустаҳкам дарвоза бузилади.

Бизнинг Бухорога яқинлашганимизни ҳеч ким билмади, сезмади. Отларимиз пишқириб, яширин режамизни ошкор этиб қўймади. Кутилганидек дарвоза берк экан. Уни бузишга амр қилдим: «калла куч» ишга тушди. Шу асно аскарларим қалъа деворига узун-узун нарвонларни тиркаб, девор устига чиқа бошладилар. Бухоро амири кечикиб бўлса ҳам воқеадан хабар топиб, аркка кириб яширинди. Аркнинг дарвозасини маҳкам беркитишди. Мен аркни қамал қилиш баробарида бутун шаҳарни ҳалқа қилиб ўрашни буюрдим. Чунки ҳарбий илмдан хабари бор ҳар қандай киши бунинг каби қалъаларда шаҳар ташқарисига олиб чиқадиган йўл ости йўлаги бўлишини яхши билади. Агар бу қалъада шундай йўлак бўлмаса, мазкур ҳарбий истехкомни барпо қилганлар ҳарбий эмас оддий деҳқон, уларнинг қўлига қурол эмас белкурак берган маъқул.

Аскарларим Бухоро шаҳри ва Аркни қамал қилгач, уларга ер ости йўлагининг чиқиш жойини аниқлаб, ўша жойда пойлоқчилик қилишларини буюрдим. «Агар одамлар чиқса қўлга олинлар, қочишга чоғланса – отинлар!» – деб кўрсатма бердим. Бироқ Бухоро амири айнан шу кеча қочишга уринмаслигини ҳис этиб турардим. Чунки у қочишдан олдин менинг қўшимини, унинг қанчалар қудратли экани ҳақида тасаввур ҳосил қилмоқчи бўлади, шубҳасиз. Шунинг учун ҳам тонгни кутади. Эрталаб кун ёришгач эса, ҳақиқатнинг кўзига тик боқиб, менга қарши тура олмаслигини англаб етгач, ер ости йўлаги орқали жуфтакни ростлайди.

Тонг отди. Бухоро амири аркнинг минораларидан биринда пайдо бўлди ва менга сўз қотди: «Сен қандай мақсадни кўзлаб келдинг ва сенга нима керак?» Мен нима мақсадда келганимни айтдим: «Сенга яхшиликча ҳат ёзиб, ноҳақ ўлдирилган аскарларим учун товон ҳаққи сўрадим. Сен рад эттинг. Мени қўшин тўплаб, узоқ йўл босиб бу ерларга келишга мажбур қилдинг. Агар сени омон қолдиришимни ва шаҳрингдан чиқиб кетишимни истасаң жами харажатларим учун 500 минг мисқол тилла миқдориди бадал пули тўла – мен ортимга қайтиб кетаман!» – дедим. Кейин: «Агар бунча тилланг бўлмаса, шунга яраша нарса, буюм ва зебу зийнатлар берсанг ҳам бўлади», – деб қўшиб қўйдим.

– Агар талабингни бажармасам нима қиласан?

– Унда мен сени аскарларим ўлимида айблаб қатл эттираман.

– Мен сенинг аскарларингни ўлдирганим йўқ! – зарда қилди у.

– Сен бўлмасанг, сенинг одамларинг бу ишни қилди. Сен эса уларнинг айбини яшириб, жиноятга шерик бўлдинг! – масалага аниқлик киритдим, сўнг: «Таклифимга унамасанг, сени қатл эттираман. Мол-мулкингни эгаллайман. Бухорода амирлик бошқарувини ҳам қўлимга оламан», – дедим.

Бухоро амири, агар мени ўлдира олсанг, мол-мулкимни ола қол, деди-да, кўздан пана бўлди. Орадан икки соатлар чамаси вақт ўтиб, қандайдир ғала-ғовурлар эшитилди ва менинг аскарларим асирга олинган бир гуруҳ одамларни бошлаб келди. Мен уларнинг орасидан амирни танидим. У бизнинг ер ости йўлаги ҳақида фараз қилиб, бунга қарши чора кўрганимиздан беҳабар, яқинлари билан шу йўл орқали қочиб қолмоқчи бўлган. Аммо аскарларимга асир тушган. Бухоро амири менга деди: «Мен сенинг шартингга кўндим, майли, 500 минг мисқол олтин баҳосида мол-мулким ва қимматбаҳо буюмларимни ол. Эвазига мени озод этиб, Бухородан чиқиб кет!»

Мен унга жавобан: «Бугун эрталаб шу таклифни айтганимда унамаган эдинг. Унда сен озод эдинг, мол-мулкингни ихтиёрингда эди. Энди эса сен ҳам, мол-мулкингни ҳам менинг ихтиёримда!» – дедим.

Шундан сўнг уни ўртага олиб чиқиб, ўтирғизиб қўйишларини сўрадим ва барчанинг кўз олдида бошини танасидан жудо қилдим. Бу билан мен Бухоро аҳлига бундан буён менга сўзсиз бўйсунушлари лозимлигини уқтириб қўймоқчи бўлдим.

Бухоро амири қатл этилгач, амирнинг бор мол-мулки ва бошқа ниманики олиб кетиш мумкин бўлса, Самарқандга олиб кетдим. Шунингдек, амирнинг бир қисм аскарлари ва аҳолисини гаровга олишга, шаҳар деворларини бузиб ташлашга амр қилдим, токи яна қайта Бухорога келсам ортиқча ташвиш туғдирмасин.

Бухоро ҳокимияти бошқарувини эса яқинларимдан бирига топширдим. Шаҳарни шариат ва ҳаётий қонунлар асо­сида бошқаришни тайинладим. Агар бирор муаммо туғил­са ва бирор масалада қийинчилик сезса, менга мурожаат қилишини айтдим.

Бухородан қайтганимдан сўнг бир оз вақт ўтиб қизиқ бир туш кўрдим. Қандайдир шаффоф ҳолатда қаршимда нарвон турарди. Унинг остки икки оёғи ерга қадалган, аммо юқоридаги икки учи ҳеч нарсага тиркалмаган эди. Ҳайрон бўлдим, бу қанақа нарвонки, ҳеч нарсага суянмай тик ту­рибди?! Шу пайт ғойибдан бир овоз келди: «Темур шу нар­вондан юқорига чиқ!» Мен: «Бу нарвон муаллақ турибди, агар пиллапоясига оёқ қўйсам – қулаши тайин», – дедим.

Ғойибдан овоз: «Қўрқма, нарвон қуламайди!» – деб тинч­лантирган бўлди ва юқорига чиқишга ундади. Мен чиқсам­ми, чиқмасамми деб иккиланиб қолдим.

– Темур, сен қўрқяпсанми? – сўради бояғи овоз.

– Ким ақлнинг йўриғидан юрса, унда қўрқув бўлмас. Гар­чи жасур бўлсам-да ёниб турган оловга ўзимни отмайман, чунки ёниб кетишимни биламан, – дедим унга жавобан.

Овоз эгаси яна таскин берди: «Менга ишон: нарвон қула­майди. Иккиланмай юқорига чиқ!»

Мен биринчи пиллапояга оёқ босдим. Мустаҳкамлигини синаб кўрдим. Ишонч ҳосил қилгач юқорилай бошладим. Маълум бир баландликка кўтарилагач, сездимки чап оёғим менга бўйсунмаяпти. Аммо унда оғриқ аломатлари йўқ эди. Шунчаки мен уни қимирлата олмасдим, холос. Шунда боя­ғи овоз яна тилга кирди: «Нега тўхтаб қолдинг ва кўтари­лишда давом этмаяпсан?» Мен сабабини айтдим. У: «Иш­дан чиққан чап оёғинг кўтарилишингга халал бермайди – баландлайвер», – деди.

Унинг ундови билан юқорига тирмашишда давом этдим. Яна бир оз юқорилагач, энди ўнг қўлим ҳам менга бўйсун­май қолди. Фақат батамом эмас, балки қисман. Бармоқла­рим етарли иш бажармаётганди. Охир-оқибат нарвоннинг энг юқори чўққисига чиқдим, ундан у ёғига пиллапоя йўқ эди. Шунда ғойибдан келган овоз сўради: «Нечта пиллапо­яни босиб ўтдинг – биласанми?» «Йўқ», деб жавоб қилдим,

ҳақиқатдан уларни санамаган эдим. «Билмаганинг яхши», – деди у овоз. – Чунки, нарвон сенинг умр йўлларинг: тирик экансан сен бу йўлдан юксалиб борасан ва ҳеч қачон пастга тушмайсан, деди. Кейин сўзида давом этиб: «Ёдингда тут, илм эгаларини, шоирларни, ҳунармандларни қадрла, ҳифзу ҳимоянгга ол. Агар улар рақиб кайфиятида бўлсалар ҳам – ранжитма. Динингни қабул қилмасалар ҳам ранжима», – деди. Шу сўзларни тинглаб туриб, уйғониб кетдим.

Бугун юқоридаги тушни кўрганимга ролпа-роса 48 йил бўлди. Шу йиллар мобайнида мен фақат ўсдим, юксалдим. Бойлигим ва қудратим кенгайди. Менга бўйсунмаган кишилар охир-оқибат ҳузуримга келиб бош эгдилар ёки ундан ажралдилар. Ўтган шу 48 йил мобайнида мен бирор марта муваффақиятсизликка учрамадим, аммо тўсиқларга дуч келганим, муаммолар гирдобида қолганим рост. Улардан идрок билан, тадбир ила чиқиб ҳам кетганман. Мана шу кунларда Хитой сафарига тараддулланиб турибман ва, иншоолоҳ, яқин келажақда бу мамлакат ҳам менинг қудратим қаршисида бош эгади.

Тушимда чап оёғим ва ўнг қўлимнинг ишдан чиққани бежиз эмас экан. Кейинчалик, жанглардан бирида чап оёғим қаттиқ жароҳатланди ва шундан бери у оқсайди. Тўхтамиш билан бўлган жангда эса ўнг қўлим яраланди ва бармоқларим ўшандан буён истаганимдек иш бажармайди. Шунинг учун ҳам бу сатрларни чап қўлим билан битмоқдаман.*

Сирасини айтганда, ўнг қўлим билан қалам ушлай олмасам-да, қиличнинг дастасини маҳкам тутишим, жанг қилишим мумкин эди. Ўтган шу 48 йил мобайнида мен жанггоҳларда жами 172 марта жароҳатландим – турлича тан жароҳатлари, бироқ бирор марта ҳам «оҳ» деган эмасман. Жароҳат олган чоғим, беихтиёр инграб юбормаслик учун тишимни-тишимга қаттиқ босар эдим.

* Фанда шундай хасталик аниқланган. Уни «Аграфия» деб номлашади. Унинг аломатлари шунда кўринадики, бармоқлар ҳаракатлангани ҳолда улар ёзув қобилиятини йўқотади. Афтидан Соҳибқироннинг ўнг қўли ҳам худди ана шу хасталикка чалинган.

Ўтган шу вақт ичида бутун дунёни қадам-бақадам босиб ўтдим. Кўп юртларда бўлдим, кўп одамларни кўрдим, кўп олимлар билан суҳбат қурдим. Тушда кўрган ҳосиятларга амал қилиб илм эгалари, шоирларни доимо ўзимга яқин олдим. Душман кайфиятида бўлганларига ҳам ҳомийлик қилдим. Алаҳусус, шундайлардан бири Шамсиддин Муҳаммад Шерозийдир.

Шероз шаҳрини ишғол қилганимдан сўнг, шаҳарнинг кўзга кўринган олим одамларини тўплашдан аввал ҳузуримга Шерозийни олиб келишларини буюрдим. Бир соатлардан кейин ёши ўтинқираб, қомати букчайиб қолган чолни ҳузуримга бошлаб кирдилар. Унинг бир кўзи ёшланар экан. Ундан: «Ҳофиз Шерозий сизмисиз?» деб сўрадим. Чол саволимни тасдиқлади: «Шундай, олампаҳоҳ!» Унинг ғазалидан бир байтни мисол келтирдим. Мазмуни қуйидагича эди: «Эй Аллоҳ, муҳтасибни (муҳтасиб – ахлоқий қондаларга риоя этилишини назорат қилувчи амалдор) сурнай ва сибизга оҳангларидан халос эт, бундан шарият сози ўз тараҳҳумини йўқотмагай!» Ундан мана шу мисраларга изоҳ беришини сўрадим: «Бу тўғридан-тўғри динни ёмонлаш-ку», – дедим.

«Камина бу ғазални динни ёмонлаш мақсадида ёзмаганман, – деди у ўзини оқлаб. – Шунчаки, сурнай билан сибизганинг оҳанги шунчалик аҳамиятсизки, у дин аҳкомларига зарар етказа олмайди, демоқчиман, холос». Унинг изоҳидан қониқмадим, шундан ўз фикримда қолдим. Кейин: «Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини кўришни хоҳлайсизми, ахир шеър ва ғазалларингизда бу шаҳарлар номини бот-бот тилга оласиз-ку!» – дедим. У кексайиб қолганини, узоқ йўлга ярамаслигини пеш қилиб, узрини айтди. Унга дедим: «Сиз Шероздан бошқа ўлкаларда бўлмагансиз, шунинг учун ҳам бу шаҳар сизнинг тасаввурингизда дунёдаги энг муҳташам жой бўлиб гавдаланади. Башарти, Самарқандни кўрсангиз – тасаввурларингиз тамоман ўзгариб кетарди», – дедим. Шу асно унинг мафтункор, сўлим манзараси беихтиёр кўз олдимда гавдаланди.

Ҳали Самарқандни қўлга киритганимга қадар ҳам, у дунёнинг энг муҳташам шаҳарларидан бири бўлган. Мен уни

янада музайян шаҳарга айлантирдим. Унда ҳар бири уч-тўрт гумбазли, тепасида соф олтиндан ишланган ярим ой рамзлари қўндирилган ўнлаб масжидлар мавжуд. Унга узоқдан боқсангиз яшилликка бурканган шаҳар, олтин ранггида товланиб худди ер юзининг сайқали бўлиб гавдаланади.

Хуллас, Ҳофиз Шерозий Самарқандга боришга иштиёқ билдирмади. Умрининг сўнгги дамларини Шерозда ўтказишни маъқул кўрди. Гарчи дунёқарашимиз турлича бўлсада, мен уни хафа қилмадим. Минг олтин динор ҳадя қилдим. Токи кексалик айёмида йўқчиликдан азият чекмасин. Нафсиламрини айтганда, ўша тушни кўрганимдан бери бирорта олим, шоир ёки ҳунармандни ранжитганим йўқ.

Шундай ҳоллар ҳам бўлганки, бўйсунмас шаҳарларни куч билан қўлга киритган чоғим шаҳар аҳлини қайсарлиги учун жазолаган пайтларим, оммавий қатли омга тушиб қолмасин деб уларнинг орасидан олим-у, шоиру ҳунарманд аҳлини ажратиб олар эдим. Агар саркашлиги боис бирор-бир шаҳарни кунпаякун қилсам, илм аҳллари, қалам соҳибларига хоҳлаган жойларига кўчиб бориб яшашлари учун имконият яратиб берар эдим. Ҳунар аҳлини эса Самарқанд, Бухоро ва Хоразм сингари Мовароуннаҳрнинг шаҳарларига кўчириб, эркин ишлашлари ва истиқомат қилишлари учун барча шарт-шароитларни муҳайё қилиб берар эдим.

Тан олиш керакки, олимлар, шоирлар ва ҳунарманд усталар ҳамиша менинг ҳифзу ҳимоямда бўлиб келмоқдалар. Ҳаттоки Султония шаҳрининг епископи менга қўрслик қилганида ҳам, унга ёмонликни раво кўрмаганман, аксинча Самарқандга кўчиб бориб, қолган умрини тўқинликда ўтказишини таклиф қилганман.

Бу насроний епископ дастлаб Нахечивонда яшаган. Насроний арманиларнинг диний раҳнамоси бўлган. Кейин уни Султония шаҳрига ўтказишган экан.

Ҳарбий юришлар, кўп сонли қўшиннинг таъминоти туфайли ўша пайт Султония шаҳрида вақтинчалик озиқ-овқат тақчиллиги юзага келган эди. Шундай шароитда ҳам ҳузуримга келган насроний епископни ёнимга ўтирғизиб таом ва ичимликлар билан сийладим. У эса меҳмондорчилик учун миннатдорчилик билдириш ўрнига, бетгачопарлик қилиб,

менинг фаолиятимни тафтиш қила бошлади. Гарчи унинг бу иши газабимни қайнатган бўлса ҳам, одатимга хилоф иш қилишдан тийилдим. Ўзга дин вакили, ажнабий олим бўлса ҳам унинг ҳурматини жойига қўйдим. Эътирозларини мантиқий фикрлар билан рад этдим. Шундан сўнг у кечирим сўради. Чамаси у мени шунчаки бир зўравон ҳукмдор деб ўйлаган. Қарасаки мен барча диний ва дунёвий билимларни мукамал эгаллаган зотман: идрок ва иқтидорим беназир эканига ишонч ҳосил қилгач – тан берди. У Самарқандга бормоқчи эканини айтди – юбордим. Бир муддатда сўнг уни элчим мақомида фаранглар мамлакатига жўнатдим. У фаранглар подшоҳига менинг мактубимни олиб борди.

Бухоро сафаридан қайтиб, ўша илоҳий тушни кўрганимдан сўнг, эшитдимки Мовароуннаҳр амирларидан беш нафари менга қарши бирлашиб, Самарқандга юз минг кишилик қўшин юбориш тараддудини кўраётган экан. Улар Бухоро амирининг дўстлари бўлиб, мендан ўч олишга қарор қилган эканлар. Мен туш кўришимдан бурун ҳам бунинг каби босқинларни мардонавор қарши олар эдим. Туш таъсирида яна ҳам дадилландим. Ахир Аллоҳнинг ўзи қўллашига ишора бўлди-ку! Шундай бўлса ҳам огоҳликни йўқотмадим. Эҳтиёткорликни кучайтирдим. Зеро, Аллоҳ ҳам ўзини асрагани асрайди.

Менда бир фикр туғилди: беш нафар рақибимнинг ўзаро бирлашиб, қачон Самарқандга юз минг кишилик қўшин билан кириб келар экан, деб кутиб ўтирмасдан ўзим уларнинг устига алоҳида-алоҳида бостириб бориб мавҳ қилсамчи! Шу муносабат билан Самарқанд бошқарувини яқинларимдан Шер Баҳодир исмли ишончли бир кишига топшириб, ўзим қўшин билан Жайҳун томон йўлга тушдим. Термиздан дарё орқали нариги соҳилга ўтмоқчи эдим. Қарасам, бу режамни амалга ошириш учун соҳилда бирорга ҳам қайиқ кўрмадим. Аскарлар ва от-уловлар учун ўша воситалар қанчалик зарур эканини айтишим шарт бўлмаса керак. Агар дарё бўралаб оқмаганида, мен аскарларимга от билан сувга сакраб, нариги соҳилга сузиб ўтишларини буюрган бўлар эдим. Бироқ дарё бул нав қутуриб турган пайт нанки отлар, ҳаттоки фил ҳам уни кечиб ўта олмасди.

Шунда мен Мовароуннаҳр каби кенг дарёлари кўп бўлган минтақада жанговар сафарлар уюштириш учун кўплаб сузиш воситаларига эга бўлиш керак экан, деган хулосага келдим. Улар енгил ва олиб юришга қулай бўлиши шарт.

Самарқандга Шер Баҳодир номига хат ёзиб жўнатдим. Унга ҳаялламай от-уловларни юклаб, дарёдан сузиб ўтиш учун «заураг»лар ясаб, Термизга етказишини амр қилдим. Мослама енгил ва олиб юришга қулай бўлиши лозимлигини уқдирдим. Бироқ бу иш анчайин вақт талаб қилишини ҳисобга олиб, аскарларимни теварак-атрофдаги қишлоқлар бўйлаб тарқатиб юбордим: улар аҳолидан сузиш мосламаларини сотиб олиб, бу ерга етказишлари лозим эди.

Кўп ўтмай Термизга кўплаб сузиш воситалари топиб келинди. Уларнинг ёрдамида қўшинни нариги соҳилга ўтказиб олдим. Бунинг учун менга бир кун кифоя қилди. Шундан сўнг амир Ғазанфар мулкига томон от сурдик. Келаётганимдан хабар топиб амир Ғазанфар қочишга улгурибди. Мен унинг мол-мулкани, асбоб-анжомлари, қурол-яроғларини ўлжа қилиб олдим. Яқин қариндошлари, оила аъзоларига зиён етказмадим. Чунки улар менга қаршилик кўрсатмадилар.

Амир Ғазанфар ерларидан ўтиб, менга қарши тил бириктирган бешликдан яна бири амирлик Тутун ҳудудига кириб бордик. Амирлик Тутуннинг тўрт минг нафар суворий аскарлари бўлиб, менинг қўшиним сони ҳам деярли шунча эди. Фақат улардан фарқли ўлароқ, менинг аскарларим биттадан захира отга эга эдилар. Сафар чоғи отлар галма-галдан алмаштириб минилса, салт югурган отлар ҳордиқ олиш имконига эга бўладилар. Мен бу усулни Чингизхон тажрибасидан ўзлаштирганман. У менинг жанговар юришларимда эришган жуда кўп муваффақиятларимга омил бўлган. Асосан, бу усул узоқ масофани белгиланган муддатдан тезроқ босиб ўтиш ва душманнинг устига қўққисдан бостириб бориш имконини берар эди. Чунки душман оралиқ масофа ва уни босиб ўтиш учун ўз тахминларини тузди. Биз эса захира отлар ва кечаю кундуз йўл босиш эвазига унинг хомчўтларини чиппакка чиқарар эдик. Худди шундай ҳол Хуросон замини қопқаси бўлмиш Сабзавор шаҳри-

ни забт этганимда содир бўлган эди. Бухородан Сабзавор-гача йигирма кун йўл юрганмиз. Бу жуда қисқа муддат. Бу эса англаганингиздек захира отларнинг шарофатидан, фақат захира отлар бўлгандагина кечаю кундуз тинимсиз ҳаракатланиш мумкин. Сабзавор қопқасига шу қадар қутилмаганда пайдо бўлдикки, шаҳар ташқарисидагилар бу хабарни қалъага етказишга ҳам улгурмадилар. Маълумот бериш учун қалъага томон чопқиллаган кишиларни аскарларим қувиб ўтиб, ортда қолдириб кетди.

Сабзавор шаҳри аҳолиси тамоман диндан қайтган кишилар эди. Шунинг учун ҳам мен бу шаҳар аҳлини уруш қонун-қондалари асосида жазоладим.

Ҳижрий 759 йил, зулҳижжа ойининг иккинчи куни* амирлик Тутун ва менинг отлиқ қўшинларим ўртасида жанг бошланди. Икки юз нафар аскарни захира отларга қараб туриш учун қолдириб, ўзим 3800 нафар суворийларим билан жанг майдонига етиб бордим. Танланган жой менга маъқул келди. У теп-текис, ўнқир-чўнқирлари йўқ – бийдек дала эди. Бу менга отлиқ қўшинни ўзим хоҳлагандек жойлаштириш, имконини берди.

Жанг тактикаси қуйидагича режалаштирилди. Урушнинг дастлабки дақиқаларида қайнағам Ҳусайн 500 чоғли жангчиси билан ортга чекинади. Шу йўл билан тахминан шунча душман аскарларини жанг майдонидан узоқлаштиради. Чекина туриб душман уни таъқиб этиб келаётганига ишонч ҳосил қилгач, шарт ортига бурилиб ҳужумга ўтади. Ўқ ёғдириб асосий қўшиндан ажралиб қолган бу тўдани қириб ташлайди ва душманнинг асосий қўшинига ортдан келиб зарба беради. Жангчиларимга эса найза улоқтириб, асосан душманнинг отларини сафдан чиқаришга, суворийларини пиёда қилишга эътибор қаратишларини тайинладим.

Мен отлиқ аскарларни энгиш пиёда аскарни энгишдан кўра мушкул эканини билар эдим, шунинг учун ҳам душманнинг асосан отларини сафдан чиқаришга буйруқ бердим. Бунинг биз учун биргина зарарли жиҳати бор эди:

* Милодий 5 ноябрь 1358 йил.

жангдан сўнг ўлжамиз бўлиши мумкин бўлган отлардан аж-раламиз. Бироқ аввал ғалаба ҳақида ўйлаш, уни қўлга ки-ритиш лозим. Ундан сўнг ўлжага навбат келади. Бу пайт менинг жангчиларим душман билан юзма-юз бўлиб, найза отиб унинг отларини қулатишга киришди. Қайнағам Ҳусайн эса ўз жангчилари билан, худдики ўзини қўрқиб қочгандек қилиб кўрсатиб, жанг майдонидан чекинди. Мен унинг ор-тидан уч юзтача, кўп борса беш юзта аскар қувлайди, деб ўйлаган эдим. Бироқ уни душманнынг мингдан ортиқ жанг-чиси таъқиб этишга киришди. Ҳусайннинг одамлари сон жиҳатидан икки карра устун душманга бас кела олармикин, деган ўйдан даҳшатга тушдим. Бироқ ўйлаб ўтирадиган пайт эмасди, шунинг учун ўзимни жангга урдим.

Агар сенинг жанг санъатидан хабаринг бўлса, жангда отларни сафдан чиқариш ноҳалол усул эмаслигини била-сан. Урушнинг талаби шу: душманга ҳар қандай йўл билан бўлмасин зиён-заҳмат етказишинг лозим. Мақсад эса бит-та – уни енгишинг керак. Пиёда аскарда суворийга чап бе-риш ёки муносиб қаршилиқ кўрсатиш имкони қолмайди – мен шунни кўзлаган эдим.

Хуллас, қатъият ва пухта ишланган режага биноан бош-ланган жангда кўп ўтмай Амирлик Тутуннинг жуда кўп ас-карлари пиёда бўлиб қолди. Мен Нусратли деган ҳарбий саркардаларимдан бирига беш юз нафар жангчи билан пиё-даларга қарши ҳужумга ўтишни буюрдим.

Орадан ярим соатлар муддат ўтиб, қарасам Нусратли ва у бош бўлган суворийлар Амирлик Тутуннинг пиёда аскар-ларини худди мўрчани эзфилагандек қириб бормоқда эди. Пиёда бўлиб қолган душман аскарлари отлиқлар зарбасига қарши қандай ҳаракат қилишни, ўзларини ҳам қай йўсин ҳимоя қилишни билмай тартибсиз хатти-ҳаракатлар содир этиб, ўзларини ҳар томонга ура бошладилар.

Ўша куни жанг воқеаларидан аён бўлдики, мендаги фав-қулодда топқирлик қобилияти камёб хислат бўлиб, бошқа-лар бу борада менга тенглаша олмас эканлар. Яна бир нар-сага амин бўлдимки, инсоннинг муайян соҳадаги муваффа-қиятига ундаги қобилиятнинг оз ёки кўплиги эмас, балки бошқаларнинг айнан шундай хислатга эга эмаслиги ҳам асо-

сий ўрин тутар экан – бу икки ҳолат ўзаро чамбарчас боғлиқ. Шундан ўша куни ўзим учун яна бир нарсани кашф этдим. Яъни, ҳеч қачон бировларнинг шон-шуҳрати ҳақидаги алдамчи таъсирларга берилмаслик лозим экан: токи уларнинг донғи сени чўчитмасин. Зеро, Амирлик Тутун Мовароуннаҳрнинг таниқли эрларидан эди. У ҳар гал отга миниб сафарга чиққанида, унинг олдидан тўққизта ҳўкизнинг думи билан зийнатланган ялов тутиб боришган. Ҳолбуки у ўзини турк ҳукмдорларининг ҳақиқий вориси деб ҳисоблар эди. Шунинг учун ҳам у ҳеч кимни ўз буюклиги ва аждодлари даражасига яқин йўлатмасди. Дабдабаси катта-ю, бироқ мана шу донгдор ҳукмдор ўз жангчиларига ҳарбу зарб санъатини ўргата олмаган экан. Қўшинининг маҳоратсизлиги ўша жангда яққол кўринди. Пиёда бўлиб қолган жангчилари отлиқлар ҳужумига қарши ҳеч қандай чора қўллай олмаганлари шундан далолат эди. Ваҳоланки, менинг отлиқ қўшинларим ҳужумга ўтганида, улар бир сафга тизилиб, найзалари билан тўсиқ ясаб, отларни яқинлаштирмаслик йўлидан боришлари лозим эди. Улар эса бир сафга уюшиб, мудофаа тўсинини вужудга келтириш ўрнига, овчидан чўчиб қочган қуён каби ўзларини ҳар томонга уриб, қочишдан ўзга чора топмадилар.

Амирлик Тутун жангчиларининг тумтарақай бўла бошлаганини кўргач, ғалаба биз томонимизда эканига тўла ишонч ҳосил қилдим. Зеро, ҳамлаларимизга дош бера омай, ҳар томонга сочилиб кетган душман қўшинини аскарларга эмас, заифаларга ўхшатса тўғрироқ бўлур эди.

Эй, менинг хотираларимни ўқиётган зот, бир оддий ҳақиқат бор – уни англа: ҳар доим ҳам агар қўшин жангда сусткашликка йўл қўйса, қўрқувдан қалтираса, билки уларнинг лашкарбошиси аслида қўрқоқ ва иродасиздир. Зеро, қўшин ўз лашкарбошисининг юзи ва унинг қиёфаси жанг кўзгусида ўз аксини топади. Яхши лашкарбошининг ёмон қўшини бўлиши мумкин эмас.

Бу жанг том маънода менга дарс бўлди: ҳеч қачон жангда қўшинимнинг қўрқоқлик ва уқувсизлик қилишига йўл қўймайман, деб ўзимга-ўзим аҳд қилдим. Чунки қўшиннинг ожизлиги лашкарбошининг лоқайдлигидандир.

Бир нарса аниқ: агар Амирлик Тутун вақтини кайфу сафо билан ўтказмай, ейиш, ичиш ва ухлашни камайтириб қўшни билан шуғулланганида эди, улар бугунги жангда бу қадар ожиз ва нотавон бўлиб кўринишмас эди. Ўша куни жангдан кейин Нусратлига, бундан буён ҳар куни бомдод намозидан сўнг, қуйидаги байтни мен учун овоз чиқариб ўқишини сўрадим: «Майли, тўс-тўполон жанглардан ўзга ҳеч нарсани кўрмасин кўзим!»

Қайноғам Хусайн, ўзига юклатилган топшириқни муваффақиятли адо этиб, сафимизга келиб қўшилди: агар амирлик Тутун қўшни шунчалик заиф эканини билганимда унга бундай топшириқ бермаган, ёнимдан узоқлаштирамаган бўлар эдим. Хусайннинг сафга қайтиши билан амирлик Тутун қўшинининг аҳволи янада танглашди. Чунки икки томонлама сиқувга тушиб қолди. Афсуски Хусайн мана шу жангда ҳалок бўлди. Мен уни жанг майдонидан олиб чиқиб, матога ўрашларини буюрдим. Кейинчалик Самарқандга олиб бориб дафн этдик.

Хусайннинг жангдаги улкан хизмати шундан иборат бўлдики, у Амирлик Тутуннинг қочиш йўлини беркитиб қўйди. Агар шундай қилмаганида Амирлик Тутун ўз жонини омон сақлаб қолиш мақсадида, аскарларини тақдир измига ташлаб, жанг майдонидан қочиб қолган бўлар эди.

Амирлик Тутун ёши қирқлар атрофида лўндадан келган одам экан. Ўша куни унинг бошида дубулға ва эгнида совут бор эди. Менинг бошимда ҳам дубулға бор эди-ю, ammo устимга совут эмас ҳалқали зирҳ ёпингандим. Чунки у совутдан мустаҳкам, тиг ботмас эканини жангда ўзим синаб кўрганман.

Мен хос соқчиларим ва кичикроқ бир гуруҳ ҳамроҳлигида Амирлик Тутунга яқинлашдим. У туркчалаб мендан: «Эй йингит сен кимсан?» – деб сўради. Мен унга жавобан форсчалаб: «Мени доям – сенинг ажалинг, деб атаган», – дедим. У яна туркчалади: «Гапингга тушунмаяпман!» Шундан сўнг мен юқорида форсчалаб ниманки деган бўлсам, туркчада яна бир бор такрорладим. Шундан сўнг жиловни тишимда маҳкамлаб қисиб, унга томон ташландим. Икки қўлимда иккита қилич билан уни қуршаб турган соқчиларини бир-бир қула-

тиб, ўзимга йўл очиб унга яқинлашиб боравердим. Бу орада мен томонга бир неча ўқ узишди, мен қиличим билан уларни бартараф қилдим. Амирлик Тутун ҳам жангчилари каби бир қўли билангина жанг қилар экан. Шундан уни енгишим осон кечиши тайин эди. Чунки унинг зарбасини чап қўлимдаги қилич билан қайтариб шу вақтнинг ўзида ўнг қўлимдаги қилич билан жавоб зарбасини беришим мумкин эди. Фақатгина бошидаги дубулға ва эгнидаги совут уни тезроқ бирёқлама қилишимга халал бермоқда эди. Охир-оқибат мен унинг оёғига жароҳат солдим. Қорамағиз юзли Амир эгар устига букчайиб қолди. Иккинчи зарбам унинг ўнг қўлини чўрт кесиб юборди. У ерга қулади. Бас, жанг тугади, дедим. Шундай бўлди ҳам: душман қўшини жанг қилишни, қаршилиқ кўрсатишни бас қилди. Дуч келган томонга қараб қоча бошлади. Алқисса, эрталаб бошланган беллашув пешин намозига етмай тугади. Мен аскарларимнинг бир қисмига душманларни таъқиб этишни буюрдим. Қолганларга эса Амирлик Тутунга тегишли барча мол-мулк, зебу зийнат, қурол-аслаҳа ва бошқа анжомларни бир жойга йиғишларини топширдим. Шунингдек, энг гўзал қизларни асир олишга амр қилдим. Зеро, шариат мусулмон бўлмаган қавмнинг барча мол-мулкани, хотинларини ҳам мусулмонлар томонидан ўзлаштирилишига монелик қилмайди. Шундан сўнг таҳорат олиб, пешин намозини ўқидим.

Ўша пайт менинг кўчма масжидим йўқ эди. Шунинг учун ҳам очиқ ҳавода ибодат қилдим ва Аллоҳга шундай осон ғалаба учун ҳамду сано айтдим. Икки кундан сўнг таназзулга учраган Амирнинг мол-мулкани араваларга ортиб олиб келишди. Шунингдек, жангчиларим 5 минг 100 нафар гўзал қиз ва жувонларни ҳам асир олиб келишди. Уларни қўшин бошлиқлари ва аскарларимга бўлишиб бердим. Ҳар бирига биттадан ожиза тегди. Қолганларини Мовароуннаҳрнинг қул бозорида пуллаш мақсадида қул-жаллобларга сотиш учун рухсат бердим.

Бу жангдан мен беш юз йигирма беш нафар ҳарбий бошлиқлару аскарларимдан жудо бўлдим. Шуларнинг сафида қайноғам Ҳусайн ҳам қурбон бўлди. Амирлик Тутуннинг ўлими билан менга қарши қаратилган фитна барҳам топди.

Самарқандга қайтсам меҳмон келган экан. Кимлигини суриштирдим. Иккиси ҳам машҳур сайёҳ, таниқли олимлар экан. Қаердан эканликларини сўрасам «Сўл томондаги мамлакатдан»* дейишди.

Кейинроқ маълум бўлдики, меҳмонларнинг бири – Ҳалаб фуқароси, иккинчиси эса дамашқлик экан. Инсон тақдирида кўп ажиб сир-синоатлар борким, уларни англашдан ожизмиз. Хусусан, ўша куни Самарқандда кўришганим икки сайёҳнинг авлодидан иккита олим чиқиб, иккиси ҳам мен ҳақимда китоб ёзиши хаёлимга ҳам келган эмас.

Бугун ёшим етмишда. Ортга назар ташлаб ўша ажиб синоатни кўраман. Сайёҳлардан бири шомлик Камолиддин хонадонидан улгайган Низомиддин Шомий мен ҳақимда «Зафарнома» китобини ёзди. Дамашқлик Арабшоҳ хонадонидан дунёга келган фарзанд, ҳозирда Ибн Арабшоҳ номи билан машҳур олим эса мен ҳақимда китоб бошлаб, ҳали ёзиб тугатгани йўқ. Мен бу китобни кўрганим йўқ, аммо унинг ўзи бу китобни «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») деб номламоқчи эканини айтди...

Ҳар икки сайёҳ Самарқандга ҳижрий 765 йилнинг жумод-ул аввал ойида* келишди. У пайтда ҳали Низомиддин Шомий ҳам, Ибн Арабшоҳ ҳам дунёга келмаган эди. Ҳар иккала сайёҳ ҳам сўл томон мамлакатининг таниқли олимлари эдилар. Улар билан алоҳида-алоҳида учрашиб суҳбатлашдим. Аввал Камолиддин Шомийни ҳузуримга чорладим. Уни ҳурмат юзасидан ўрнимдан туриб қаршиладим. Тўрга ўтқаздим, меҳмоннавозлик қилдим. Шундан сўнг мулоқотга киришдим. Илм доирасини синаш мақсадида, Нуҳ пайгамбар кемада нажот сақлаган вақти бўрон қачон бошланиб, қачон тугаган, деб сўрадим.

– Бўрон қачон бошланиб, қачон тинганини ҳеч ким билмайди, – дея сўз бошлади у менинг синовчан берган саво-

*«Сўл томондаги мамлакат» ибораси Шом мамлакатига нисбатан ишлатилган (Шом ҳозирги Сурия). Шом таржимада чап томондаги мамлакат, Яман эса ўнг томондаги мамлакат маъносини беради.

* Милодий 1364 йили 5 февраль бу ой кирган.

лимга жавобан. – Бироқ унинг 10 курур йил, яъни (1 курур 500 йилга тенг) 5 миллион йил давом этгани маълум.

– Қизиқ, шунча вақт мобайнида Нуҳ ва унинг ҳайвонлари кемада бўлганларми – уни тарк этмаганларми? – луқма ташладим мен.

– Нуҳ пайгамбар ва унинг ҳайвонлари кемада жон сақлаганлари бу афсона. Зотан Нуҳ 10 курур йил яшамаган. Қолаверса, шу вақт мобайнида муттасил ёмғир ёғиб турган. Бундан келиб чиқадики, Нуҳ ва ҳайвонларнинг беш миллион йил мобайнида сувда бўлиши, Аллоҳ уларни лой ва сувдан яратганига ишорадир.

Унга офарин айтдим, ҳақиқатан ҳам у Нуҳ пайгамбар воқеасини тўғри изоҳлади. Бундай дейишимга сабаб, мен бу воқеанинг талқинини устозим Абдулла Қутбдан эшитган эдим. Ҳақиқатан ҳам бўрон ва сел келиши, Нуҳнинг унга тушиб қолиши бутунлай бошқача талқинга эга. Беш миллион йил ёққан ёмғир, денгиз ва океанларни сув билан тўлдирган. Унгача бу жойлар улкан-улкан жарликлардан иборат бўлган.

Камолиддин билан мулоқотимдан бир неча кун ўтиб Арабшоҳни кечки овқатга таклиф қилдим. Меҳмондорчиликнинг барча таомиллари бажариб бўлингач, уни суҳбатга тортдим:

– Айтинг-чи, «Кўринмас арбоблар» кимлар (ражол-улгайб), улар қаерда яшашади; ҳақиқатан ҳам уларнинг сони 353 тами; кўпаймас ҳам эмиш, камаймас ҳам – шу тўғрими? Яна айтиладики, уларнинг мавжудлиги туфайли олам мустақкам ва барҳақ эмиш, улар йўқолса дунё ҳам яксон бўлар эмиш?

«Эй, Самарқанд ва Бухоронинг амири, – дея менга таъзим бажо айлади у, сўнг сўзида давом этди: «Кўринмас арбоблар» ибораси оддий одамлар тушунсин деб қабул қилинган. Уларда «парда ортида одамлар бор, улар дунёни бошқарадилар», деган тасаввур уйғотилган. Аслида эса «Кўринмас арбоблар» – бутун дунёни ҳаракатга келтирувчи кучлардир. Улар бўлмаса ҳақиқатан ҳам ҳаёт тўхтаган бўлар эди. Улар ўзгармас, чунки бу дунёнинг чиқиндилари тўпланадиган коинотда бошқа жой йўқки олиб бориб ташланса,

шунингдек, бу дунёда омбор вазифасини ўтайдиган яна бир жой йўқки, у ердан янги нарсалар олиб келиш имкони бўлса. Чунки атроф-борлиқ, теварак-атроф, ҳар қаер-ҳар жой бир бутун оламдир. Уни ҳаракатга келтирувчи кучлар эса абадий ўзгармасдир».

«Офарин!» Амин бўлдимки, «Сўл томон мамлакат»нинг олимлари ҳам Мовароуннаҳр олимларидан қолишмас экан. Тафаккур бобида дунёқарашлари жуда кенг экан уларнинг ҳам.

Камолиддин ва Арабшоҳ Самарқандда меҳмон бўлиб турган пайтлари уларга ҳурмат ва эъзоз кўрсатдим. Сафарлари қариб, ватанларига қайтиш учун изн сўраганларида муносиб кузатиб, ҳар бирига биттадан хачир ва 500 тилла динордан ҳадя қилдим.

ОЛТИНЧИ БОБ

ЧОЧ УЧУН ЖАНГ

Агар мен ҳаётимни кунма-кун тасвирласам, бу жуда кўп вақтни олади ва хотираларимни ёзиб тугатмай туриб, умрим поёнига етиши мумкин. Шунинг учун ҳам мен ҳаётимнинг бир қисмини қисқача изоҳлаб, энг муҳим воқеалар гирдобиди кечган даврларига тезроқ ўтсам дейман. Зеро, ҳижрий 760 (милодий 1369) йилдан бугунга қадар бошимдан кўп урушларни кечирдим.

Дастлабки 11 йил мобайнида мен Хоразм ва Мовароуннаҳрни қўлга киритдим. Салтанатим сарҳадлари Шарқда ёввойи совуқ ўлкаларгача, қарама-қарши томонда эса Хазар денгизгача кенгайди.

Ўша пайтдаги энг салмоқли юришларимдан бири Чоч (Тошкент) учун бўлган жанг бўлди. Ўша жангда чап оёғим жароҳатланди. Шундан бери ҳозирга қадар шу оёғим оқсайди. Унга қадар ҳам Чоч менинг қўл остимдаги шаҳар эди. Уни мен томонимдан тайинланган киши идора этарди. Аммо ишониб қўйган вакилимиз Ўлжа Той Муҳаммад Қўйлиқ бошқарувида бўлган, икки йил мобайнида жуда кўп бойликка

эга бўлиб, қўшин тўплаб менга қарши исён кўтарди. Мен Чочга иккинчи бор қўшин тортаман, уни такрор ишғол қиламан деб ўйламаган эдим.

Ҳижрий 768 йилнинг шаввол ойида* 70 минг кишилик қўшин билан Чочни қамал қилдим, қалъа девори оша чочликларни Ўлжа Той Муҳаммад Қўйлиққа қарши оёққа туришларини ва у хоинни ўлдиришга чақирдим. Аммо у томондан Чочнинг ўша пайтдаги ҳукмдорига қарши ҳеч қандай ҳаракат бўлмади. Чоч қалъасидан шаҳар ташқарисига олиб чиқадиган ер ости йўли йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, одамларимга икки томондан, яъни шимол ва жануб томондан иккита ер ости йўли кавлашини буюрдим. Режам бўйича лаҳим қалъа деворларигача кавланса бас эди. Аммо бу сирни ҳеч кимга билдирмадим. Яна бир сир, мен бу ишни ўта махфий амалга оширилаётгандек қилиб кўрсатсам-да, аслида ер кавлаётган белкурак ва чўкичнинг товушини қалъадагилар эшитишини билар эдим. Ҳар қандай киши ҳам ерга қулоқ қўйса бу товушларни эшитиши шубҳасиз. Хуллас, биз билдирмай лаҳим кавляпмиз гўё, қалъадагилар ҳам ўзларини бундан беҳабардек кўрсатмоқда эдилар гўё. Ўлжа Той эса одамларига кутиб туришни тайинлаб, ер ости йўлаги битиб биз ундан ўтиш ҳаракатига тушган чоғ, ерни усти-мизга қулатишни режа қилган.

Шаввол ойининг 18 куни ер ости йўли шаҳар деворигача кавлаб бўлинди. Мен ҳарбий бўлинма бошлиқларига эрталаб қўшин шаҳарни ишғол қилишга тайёр бўлиб турсин, деб топшириқ бердим. Эртаси куни эрталаб тонг ёришган чоғи амримга кўра тўрт халта порох, иккитаси шимолий, икки халтаси жанубий девор остига ўрнаштирилди. Ер ости йўлига кираверишгача пилик тортилди.

Шимолий ер ости йўлагидаги пиликни ўзим ўт олдирдим. Жанубий йўлакдаги пиликни Шер Баҳодир ёқди. Чоч қалъаси деворининг жанубий ва шимолий қаноти, даҳшатли портлаш натижасида қулаб тушди. Ҳосил бўлган туйнукдан отда ўтишнинг имкони бўлмагани учун ҳам жангчи-

* Милодий 1367 йил 31 май шаввол ойи кирган.

ларимиз пиёда ўша томонга ёпирилишди. Мен уларга ичкарига кириб, тезроқ дарвозани очишни буюрдим. Топширигим аёло даражада адо этилди. Кўп ўтмай шаҳар дарвозалари ланг очилди.

Мен, шунингдек, бир қисм аскарларни Чоч атрофини халқа қилиб қўриқлаш учун қолдирдим. Сабаби мабодо Ўлжа Той қочишга уринса, тутиб олишлари лозим. Ўзим эса отлиқ қўшин билан шаҳарга бостириб кирдим. Чоч ҳокими менинг қўлимга тушса тақдири не кечишини яхши биларди, чунки мен уни хоин сифатида жазолашим тайин. Ёшлик чоғларимдан ҳозирга қадар ишочимни суниестемол қилган, хоинликка юз бурган, душман томонга оған кишилардан нафратланаман. Улар қўлимга тушса аёвсиз жазолайман. Буни яхши билган Ўлжа Той Чоч ҳимоясига қаттиқ бел боғлади, зеро унинг шундан ўзга чораси ҳам йўқ эди.

Мен ҳар доимгидек икки қўлимга иккита қилич билан жанг қилмоқда эдим. Дубулғам, эгнимда совут «чаҳор ойна»* – танам, қисқаси, душманнинг зарбасидан яхши ҳимояланган эди.

Мен жангга берилиб кетган эдим. Ортимдан хавф йўқлигига имоним комил эди. Икки ёнимда аскарларим қилич чопишарди. Бироқ чап томондаги аскарларимдан бири жангда ҳалок бўлди. Ва унинг ўрнини бошқа жангчим эгаллаб улгурмай менинг оёғимга зарб билан отилган ўқ келиб қадалди. Зарба шу қадар кучли эдики, аввалига чап оёғим узилиб тушди деган хаёлга бордим. Шу кез жангчиларимдан бири чап томонда очиқ қолган бўшлиқни тўлдирди ва ҳимояни таъминлади. Оғриқ кучли бўлса ҳам, мен овоз чиқармадим, инграмадим ҳатто. Шунинг учун ҳам жангчиларим менинг шикастланганимни билишмади. Аслида ҳам раҳнамонинг мардлиги шундаки, ўлимга юзма-юз бориб, душманлар би-

* «Чаҳор ойна» – металл нимча, олд ва ортида силлиқ металл парчалари ёпиштирилган. Улар қуёш нурида ялтираб, ойна каби нурни қайтаради. Бу эса душманнинг кўзини қамаштириб, мўлжални аниқ олишга халал беради.

лан мардонавор курашиш баробарида, жароҳатланган пайти дод солмаслиги, инграмаслиги даркор. Бу жангчиларнинг руҳига ёмон таъсир кўрсатиши мумкин.

Оёғимдан оқаетган қонни кўрибгина ёнимдаги жангчи жароҳатланганимдан хабар топди: «Амирим, сиз оёғингиздан яраланибсиз!» деди ҳадик ва ҳаяжон ичра. Аммо мен бу гапни шамоллатмадим, жанг майдонини ташлаб чиқмадим. Бу ҳол қизигандан қизиб, ортиб бораётган куч-қудратимизни сўндиришга хизмат қилишини истамадим. Мен жангчиларим назарида туришим лозим. Бу уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшишини билардим.

Гарчи Ўлжа Тойни тириклайин қўлга олишни буюрган бўлсам ҳам бунинг иложи бўлмади. У жуда берилиб курашди. Кескин қаршилиқ кўрсатди, охир-оқибат қақшатқич жангда ҳалок бўлди. Аммо унинг ҳамтовоқларидан уч нафарини тириклайин қўлга олишга муваффақ бўлинди. Улар ҳам ишончимни суниестемол қилиб, хоинлик йўлини тутганлардан эди. Жаллоднинг қўлида жон таслим қилишди.

Оёғимни кўришга табиб келди. Тизза қисмида суяк қаттиқ жароҳатланганини айтди. Шунингдек, ҳаракатланиш мумкин эмаслигини, суяк битиб кетмагунча ётишим лозимлигини тайинлади.

– Агар бундай қилмасам-чи? – сўрадим ундан.

– Унда иккита хавф бор, – деди у яна жароҳатланган оёғимни кўздан кечира туриб. – Биринчиси, ўлик эт қорасонга сабаб бўлади, оқибати – ўлим; иккинчиси, бир умрга оқсоқ бўлиб қоласиз, амирим, – деб жавоб қилди у.

Эй сен, менинг хотираларимни варақлаб, сатрларимни ўқиб турфа ҳолатни бошидан кечираётган ўқувчим. Балки мендан: «Нега шундай идрокли, шарият илмининг билимдони бўла туриб одамларни қатл эттирдинг?» – деб сўрамоқчидирсан. Ёдинда тут: ҳокимиятнинг ҳеч қаерда ёзилмаган ўз қонунлари бор. Улар дунё яралган кундан шу пайтгача, бундан кейин ҳам охиратгача бирдек амал қилади. Ҳеч ким, ҳеч нарса уни ўзгартиришга қодир эмас. Мана шундай ёзилмаган қонунлардан бири, бу – қўрқув, қайси-ким халқ ҳар доим ўз ҳукмдори олдида уни ҳис этиб туриши лозим. Фуқаро ҳукмдоридан қўқмаса, унинг айтганла-

рини қилмайди, қароқчилар ва каззоблар эса халқ бошида зулм қамчисини ўйнатиб, молига, жонига, шаънига дахл қилиб жазосиз қолади. Чочда қўллаган чорам бошқаларга дарс бўлиши лозим. Ахир Ўлжа Тойни Чочга ҳоким қилиб тайинлаган мен-ку! Ўз валинеъматига очиқдан-очиқ хиёнат қилган кимсага эргашган аҳолини жазоламай бўлади-ми?! Билиб қўйсинлар, ҳақ ва адолат учун курашга отланган Темур Кўрагоннинг йўлига ким ғов бўлса, бошига оғир мусибат тушади.

Менинг қаттиққўллим, бағритошлигим энг аввало халқнинг тинчлиги, салтанатим равнақи учундир. Душманларимга аёвсизман, рост! Ўғирлик, талончилик, зўравонлик илдизларига қаттиққўллик билан болта урилмаса, мулоиммижозлик билан кутилган натижага эришиб бўлмайди. Бунинг исботи учун менинг салтанатимда ўрнатилган тартиб-қоидаларни кўр. Бинобарин, бирор-бир карвон бугун Анқарадан чиқиб Самарқандга боргунча бирор-бир киши карвонга ҳам, ундаги юкларга ҳам зиён етказишга журъат этмайди. Ёки бир ўсмир боланинг бошига тилла тўла баркашни қўйиб, мамлакатим бўйлаб сафарга жўнат – шимолдан-жанубгача, шарқдан-ғарбга борсин: бола улғайиб, балоғат ёшига етар, аммо баркашдаги тилла тангадан ҳатто биттаси ҳам йўқолмаслигига кафилман. Ҳатто норасида гўдакнинг нарчасига биров дахл қила олмайди мен бошқараётган мамлакатда. Сўраб кўр-чи, ҳудудсиз мамлакатимнинг бирор-бир шаҳар ёки қишлоғида, кент ёки овулида ўғри кечаси фалон хонадонга ёки дўконга ўғирликка тушибди, деган гапни эшитасанми? Имоним комилки, бундай гапни эшитмайсан, фақат ушбу тартиб ва қоидаларни ўрнатгунга қадар бўлган воқеалар бундан мустасно. Ўғирликни таг-туғи билан бартараф этадиган бир урфни жорий қилганманки, буни биздан кейинги ҳукмдорлар ҳам қўлласалар мақсадга мувофиқ бўлади, яъни агар ўғирлик содир бўлса, воқеа рўй берган маҳалла оқсоқолининг қўллари кесилади. Зеро, маҳалла раҳнамоси ўғри билан тил бириктирмаса ёки ўз вазифасига сидқидилдан ёндашса ўғирлик содир бўлмайди. Улуғ ва улкан мамлакатимдаги катта йўлларда талончиликнинг, шаҳарларда ўғирликнинг, тиланчиликнинг илдизини қурит-

дим. Бориб кўр, бирор-бир муҳтож, нотавонни учратасанми? Тиланчиликни йўқотиш учун қуйидагича йўл тутдим. Аввало уларнинг орасидан ҳақиқатан ҳам мурувватга муҳтож кўрлар ва майиб-мажруҳлар ажратилди. Уларга давлат томонидан нафақа белгиланди. Бунга қаноат қилмай, касбу корини давом эттирса қатл эттилиши муқаррарлиги огоҳлантирилди. Дастлабки пайтлари баъзилари ўрнатилган тартибни айланиб ўтиб, ўз ишини давом эттирмоқчи бўлганлар ҳам бўлди. Улар жазога тортилди. Охир-оқибат менинг амрим билан ўйнашиб бўлмаслигини англаб етишди. Меҳнатга лаёқатли тиланчиларни эса ишлашга мажбур қилдик. Бўйин товлаганларнинг бўйни узилди. Бугун менинг салтанатимда қийналиб, қисиниб яшаётган бирорта саййидни учратмайсан. Саййидлар – пайгамбар авлодлари. Менгача бўлган даврда шаҳарларда ўн минггача саййидлар яшар эдилар. Улар муҳтожликда кун кечирардилар. Бир парча нон топиш учун ўлиб-тирилиб меҳнат қилар эдилар. Пайгамбар (с.а.в.)га бўлган чексиз ҳурматим ҳаққи унинг авлодларини «хамса» ҳисобидан моддий даромад оладиган қилдим (хамса – ҳарбий ўлжанинг бешдан бир қисми). Сен менинг мамлакатим каби тинч-фаровон бошқа бир юртни кўрмагансан, кўрмайсан ҳам, чунки бунақаси бошқа жойда йўқ. Эл тўқ, эркин – шаъни, қадр-қиммати дахлсиз. Авваллари маҳаллий тўралар, нозирлар ўлигини халқнинг устига ташлаб олган эди: хоҳлаган бир хонадонга кириб, текинга овқатланиб, қоринини тўқлаб юраверган. Истаса уй эгасидан розилик сўрамасдан ҳам унинг уйида тунаган. Ҳозир шундай қилган амалдорнинг боши кетади.

Агар аскар, соқчи ёки миршаб фуқародан бир нима олса-ю, эл қатори пулини тўламаса – ваколатини сунистеъмом қилса, нафақат бош кийими, бошидан ҳам ажралади.

Азиз фарзандларим! Сўзларимни яхшилаб қулоғингизга қуйиб олинг, мендан сўнг мамлакатни бошқариш сизнинг зиммангизга тушади, шунинг учун мен ўрнатган тартиб-қоидаларга амал қилинг, унинг бошқалар томонидан ҳам бажарилиши қатъий назорат қилиб боринг. Талончи, ўғри, муттаҳам, сотқин ва ўзини нотавон кўрсатиб тиланчилик қилувчиларга қаттиқ туринг! Уларнинг урчишига йўл

қўйманг! Агар шундай қилмасангиз бор будингиздан ажрасиз. Бунинг ўрнига пайғамбар авлодларини ардоқланг, олимлар, шоирлар ва ҳунар аҳлига ҳомийлик қилинг!

Эҳтиёт бўлинг, шароб, май ва бошқа кайф берувчи нарсалардан сақланинг! Агар унга ружу қўйсангиз, билингки, мулкингиз барбод бўлади, ҳокимиятингиз қулайди.

Чочни қайта ишғол қилганимиздан сўнг, Мовароуннаҳрда менинг қўл остимга ўтмаган жой қолмади. Шундан сўнг етти йил мобайнида мулкимни обод қилиш билан машғул бўлдим. Самарқандда масжидлар қурдим. Шаҳарни ободонлаштирдим. Самарқанд, Бухоро ва Чочда ҳам янги-янги иншоотлар барпо эттирдим. Аму ва Сирдарёдан каналлар қаздириб сув олиб келдим. Деҳқонлар ерларини суғориш имконига эга бўлдилар. Минг йиллар мобайнида ишлатилмаган кўриқ ерлар ўзлаштирилди. Ўша йиллари ғалладан мисли кўрилмаган ҳосил олинди. Ҳижрий 775 йили Мовароуннаҳрда дон шунчалик кўп бўлдики, одамлар ҳосилни уддалай олмай қолдилар. Иш шу даражага бориб етдики, ҳосилнинг маълум бир қисми далаларда қолиб, ёмғир қор остида чириб кетди. Ҳижрий 770 йилдан 777 йилгача* халқ фаровонлигининг ўсиши, турмуш тарзининг яхшиланиши менинг ҳаётимга ҳам ўз нуқсини урмай қўймади. Хотинларга иштиёқим ошди. Унгача хотинларим сони иккита эди. Тўрттага етказдим. Шарият аҳкомларида тўрттадан ортиқ хотин ва шу билан бир қаторда жориялар тутнишга рухсат этилади. Менинг жорияларим эса сон-саноксиз эди.*

Мен ёнғоқдай қаттиқ эр эдим, ростини айтсам гулгун давралар, гўзал хонимчалар, бир сўз билан айтганда, беташвиш ҳаёт оғушида ўтган шу етти йиллик муддат мени хамиртуриш каби бўшанг қилиб қўйди. Шу ўтган етти йил мобайнида айтарлик бир иш қилмадим, демоқчи эмасман. Бир томони Сибиргача, бир учи Хазар денгизига қадар узалган мамлакатим бўйлаб доимий сафарлар уюштирдим. Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Хоразм, Бухоро ва Чоч син-

* Милодий 1368 йил 16 августдан – 1375 йили 2 июлгача.

* Соҳибқироннинг 17 хотини ва 24 қушо-жориялари бўлган.

гари шаҳарларида катта-катта иншоотлар барпо эттирдим. Каналлар қаздирдим. Боғлар барпо эттирдим. Аммо, бугун ёшим 70 ни қоралаган пайт, ўша 7 йиллик умрим беҳуда кетганига ачинаман. Зеро, бу муддат менинг энг гуллаб яшнган, вужудим роса кучга тўлган давримда 33 ва 41 ёш оралигида кечганидан таассуфланаман. Ахир ўзингиз ўйланг, мана шу даврни жангу жадаллар билан кечирсам салтанатим сарҳадларини яна қанчалар кенгайтиришим мумкин эди.

Эй, саргузаштларимни саҳифалаётган ўқувчим, тасаввур қил, ўтган шу етти йил мобайнида шу қадар танбаллашиб қолган эканманки, ҳарбий машғулотларни ҳам ташлаб қўйган эканман. Фақат Аллоҳга шукрим, шу вақт мобайнида ибодат амалларини ўз вақтида бекаму кўст адо этишни канда қилмадим. Мовароуннаҳр уламолари билан доимий мулоқотлар олиб бордим. Бироқ барибир ўша етти йил мобайнида вақтимни зое кетгизганимга ачинаман. Яна шуни таъкидлашим жоизки, агар ўша даврда Мовароуннаҳрга кучли бир душман бостириб борса, шубҳасиз мени енгган, мамлакатимни забт этган бўлар эди. Чунки дунёнинг кўплаб билимларидан бохабар, кўплаб салтанатлар тарихини ўқиган, ўзлаштирган олим сифатида бир ҳақиқатни биламан: қайси мамлакат, қайси ҳукмдор душман томонидан тор-мор этилган бўлса, у ҳалокати олдидан кайфу сафога берилган, танбаллик ботқоғига ботган бўлиб чиқади. Мана шу ҳақиқатнинг мантиқий давоми шуки, тинимсиз от устида юрган, ҳарбу зарб машғулотларини мунтазам бажариб турган, қўшинининг аҳволини яхшилаш ташвишида бўлган ҳукмдор борки, у мағлубиятдан йироқдир.

Азиз фарзандларим, набираларим! Ҳушёр бўлинг! Дунё пайдо бўлибдики, ҳукмдорнинг заволи ва салтанат таназзулига ана шу омиллар сабаб бўлиб келмоқда: кайфу сафо, хотинларга ўчлик – барча иллатларнинг ўзаги. Зеро, хотин киши билан ҳафтада бир марта қўшилиш кифоя, эҳтиёж ва эҳтиросларнинг мавжлари ана шу ўзандан тошса бу шубҳасиз сизни маишатбозликка мойил қилади. Куч-қувватингизни тезда сарфлаб қўясиз. Энг ачинарлиси, сарф бўлган куч-қувват, шу ишлар учун йўқотилган вақт. Охир-оқибат на эслашга, на мақташга арзигулик бирор-бир из қолдир-

майди. Байрамона кечган етти йиллик танаффусдан сўнг, бир куни иттифоқо қиличимни қўлга олдим: у қинсиз 1200 мисқол келарди. Уни ҳавода ўйнатдим. Ўнг қўлим толиққандай бўлди. Чап қўлимга олдим, бу қўлимда ҳам аввалги қудрат йўқлигини ҳис этдим. Ваҳоланки етти йил муқаддам бу қиличнинг мен учун дарахт пўстлогичалик вазни йўқ эди. Қолаверса, эртадан кечгача гоҳ у-гоҳ бу қўлда уни ўйнатиб ҳам толиқмас эдим. Юрагимнинг туб-тубидан бир ҳайқириқ отилиб чиқди. Англадимки, ҳашамга бурканиб хотинларнинг нозу истигносига чулганиб кўп нарсадан, энг асосийси кучқудратимдан мосуво бўлаёзган эканман. Яна бир гап: ўйинкулги, ишқий саргузаштлар билан бир қаторда чап оёғимдаги жароҳат ҳам менинг танбалликка мойиллигимни кучайтирган.

Ўша Чоч жангидан кейин тиззам қаттиқ жароҳатланганидан хабарингиз бор. Бир муддат даволандим. Қорасонга (яра) айланиб қораймади, аммо оқсоқланиб қолдим. Бу эса отга сакраб минишим, эпчиллик билан ҳаракатланишимга имкон бермайди. Ана шу омил ҳам мени анчайин дангаса қилиб қўйди.

Алқисса, ўша қилич қўлларимга оғирлик қилган куни, мен етти йиллик танаффусдан сўнг, илк бор ҳушёр тортдим. Ўзимни-ўзим тергадим: «Эй, ҳойи ҳавасга берилган вужуд, ахир ҳаттоки оқсоқлансанг-да, югура олмасанг-да, аввалгидек сакрай олмасанг-да, бу ҳаммаси томом дегани эмаску!» – дедим ўзимга-ўзим. Ахир елканг, қўлларинг бор-ку! Нега шулар воситасида бажариладиган амалларни ташлаб қўйдинг? Қиличбозлик, найза улоқтириш, ўқ отишни бас қилганингга оёғинг сабаб бўла олмайди-ку. Эй, ақли ноқис, ахир ўзинг-ку, худди шундай қўшинини муносиб тарзда тайёрлай олмаган, машғулотларга етарли эътибор қаратмаган, кайфу сафога берилган ҳукмдорларни мавф этиб, юртларини босиб олган – унутдингми? Наҳотки сенинг интилишларинг, ироданг бор йўғи мана шу лаззатлар билан, қайсиким ҳайвонларгагина хос бўлган ейиш, ётиш ва семиришдан иборат кун тартиби билан чегараланса? Наҳотки шу ҳаётдан қониқиш ҳосил қилган бўлсанг? Наҳотки Чингизхонни фотиҳлик бобида йўлда қолдириш ниятинг барҳам топди?

Наҳотки у эришган натижаларнинг ўндан бирини қўлга кирита олмасанг? Ёшликдаги шижоатинг, гайратинг қайда қолди? Қани ўша азминг, қароринг, қайсиким бутун дунёни забт этиб барчага бирдек тааллуқли ягона пул бирлигини – ўз пулингни зарб этмоқчи бўлганинг, бутун дунё халқлари амал қиладиган ягона қонун ўз «Ясо»нгни жорий этмоқчи бўлганинг! Қани...

Ўша дамдаги кечинмаларим жуда изтиробли эди, шундан, ўша дақиқаданоқ ҳозирги яшаш тарзимга нуқта қўйиб, аввалги жўшқин ҳаётга қайтиш фикрига келдим. Бунинг учун ҳозироқ Самарқандни тарк этиб, гўзал хотинлардан узоқлашиш, бориб яйдоқ чўлда яшашни ихтиёр этдим. Дарҳол от келтиришларини ва Самарқанддан олти фарсанг масофа нарида чодир тикишларини буюрдим. Белгиланган манзилга борганимда ҳали чодирларни тикиб, жой ҳозирлаб улгуришмаган эди. Мен одамларимдан узоқлашиб бир чеккага чиқдим-да, қўлимни осмонга чўзиб дедим: Эй, қудратли эгам, ўзинг гувоҳсан, мен шу ондан бошлаб хотинлар билан алоқамни узаман. Фақат ҳафтада бир марта завжаларим хобхонасига кираман. Шунингдек, токи тирик эканман танбаллик кайфиятига берилмасликка, ҳар бир дақиқани фойдали ишларга сарфлашга, фаолиятим фақат машғулот майдонлари-ю жангоҳларда кечишига, икки жанг оралигидаги фурсатлардагина ором олишга сўз бераман. Шунингдек, бундан кейин менинг хобхонам ҳарбий қароргоҳда бўлиб, шаҳар қопқасига арзирли сабаб бўлмаса яқинлашмасликка онт ичаман.

Ўша кундан ҳозиргача ўттиз йил ўтди. Ўшандан бери очиқ осмон остида яшаб келдим. Зарурат бўлмаса шаҳарга яқин йўламадим. Шу йиллар мобайнида, имкон қадар, гўзал аёллардан ўзимни йироқ тутдим. Узоқ йиллар қишнинг қаҳратон кунларида ҳам дала шаронтида яшадим. Эсимда, бир куни эрталабги намозга таҳорат олиш учун ташқарига чиқсам атроф-борлиқ оппоқ қор билан қопланган экан. Хонамни йиғиштиришга келган одамларимга ён чўнтагимдан бир ҳамён тилла олиб кўрсатдим-да: «Агар ким Қуръони каримнинг қайси оятида қор ҳақида гапирилганини айтса, мана шу ҳамён унга насиб этади!» – дедим. Хизматкорла-

рим юмушларини тугатгач, ўз чодирлари томон кетишди. Имоним комил, аини ўша пайтда улар оятлардан қор калимасини ахтаришмоқда эди. Мен эсам Каломуллоҳни ёддан биламан, илло Қуръоннинг ҳеч қайси оятида бу ҳақда сўз йўқ. Зеро, Арабистонда қор ёғмайди. Бинобарин, эрмак учун ёки атай савол бериб уларни овора қилиш фикридан йироқ эдим. Илло, мен шу йўл билан қўл остимдагилар Қуръон оятларидан нечоғли хабардор эканликларини синаб кўрардим. Шунинг баробарида мукофотга қизиқтириб Қуръонни ўқишга ундар эдим.

Тушдан кейин хизматкорларни тўплаб, уларга дедим: «Агар Қуръонни ўқиган бўлганларингда, унда қор ҳақида эслатма йўқлигини билар эдиларинг». Шу пайт тўнғич ўғлим мени саволга тутди: «Унда Қуръони каримнинг «Бирор-бир қуруқ ёки ҳўл нарса йўқки илоҳий китоб ҳақиқатларида у акс этмаган бўлса», деган оятини қандай изоҳлайсиз?»

«Азиз фарзандим, – дея мурожаат қилдим унга, – Қуръонни ўқиш, ёд олиш – уни билиш дегани эмас. Уни билиш учун оятлар замирида яширинган маъноларни уқа билиш лозим. Бинобарин, Қуръоннинг айрим оятларини тушуниш жуда мушкул. Буни теран англаш учун махсус тайёргарлик лозим. Узоқ йиллар мадраса тупроғини ялаб, илм ўрганадиган талабалар ҳам аслида ўзларини Қуръон оятлари мазмунини тушунишга тайёрлашади. Қуръон бир бутун ҳолда оятлар қатида яширинган сирлардан иборат китоб. Сирларнинг калити эса табиат, жамият ва инсон тафаккурида: уни қўлга киритиш учун иймон-эътиқод бус-бутун бўлмоғи лозим.

Қуръонни ана шундай тайёргарлик билан ўқиган кишигина оятлардан англашиладиган сир-синоатнинг тагига етади. Ўшанда тушунадикки, бу дунёда мавжуд бирор-бир нарса йўқки, Қуръони каримда у ҳақда гапирилмаган бўлса.

Яна шуни ёдда тутинг, юқоридаги оятда Аллоҳ: «Бирор бир қуруқ ёки ҳўл нарса йўқки, илоҳий китоб ҳақиқатларида акс этмаган бўлса», деб бежизга айтмаган ва бежизга «Илоҳий китоб ҳақиқатларида» деган жумла ишлатилмаган. Биласиз, ҳақиқат баҳс ва қиёс, далил ва ҳужжат талаб қилади. Башарти, сиз оятлар замиридаги маънони англа-

моқчи бўлсангиз масалага теран шўнғишингиз лозим бўлади – токи унда сиз тадқиқ этмаган жой қолмасин, шундагина унинг мазмун-моҳиятига етасиз».

Дамашқда эканимда ҳузуримга ташриф буюрган ибн Халдунга мана шу фикрларимни айтганимда у шунчалар қониқиш ҳосил қилдики, қўлларимни ўпиб: «Эй, ҳукмдор! Мен шу пайтга қадар мазкур Қуръон оятининг мазмунини шу қадар теран тафсир қилган одамни учратмагандим», – деди.

ЕТТИНЧИ БОБ

ФИРДАВСИЙ ЮРТИГА САФАР ВА НИШОПУР УЧУН ЖАНГ

*Муножот қилди у: Эй донгдор жангчи,
жанглар оромини олганинг етар.
Қаршила бу онни ва неки ишга
қўл урарсан бошингга кўтар...*

Фирдавсийнинг сатрларидан таралган оҳанглар қулогим остида жаранглаб турарди ва мен ҳеч қўним топмасдим. Етти йил мобайнида қиличим ва эришган ютуқларимни бир четга улоқтириб, ебман, ухлабман... Бироқ энди ғафлат уйқусини тарк этиш вақти келди. Яна дубулғамни бошимга кийиб, совутимни эгнимга илиб сафар истадим. Мендан 350 йил муқаддам юқоридаги сатрларни битган Фирдавсий яшаган заминга йўл олдим. Хоҳиш-истакларимни рўёбга чиқариш вақти етди. Оламни забт этиш мақсадида амалий қадам ташладим ва бу ишни Хуросондан бошлашни маъқул қўрдим.

Эшитдимки, Хуросон заминидан муаттар бўй таралиб турар эмиш. Ҳар бир хуросонлик ёки шоир, ёки машҳур олиммиш. Худдики Самарқанд ўзининг ширин-шакар қовунлари билан донг таратгани, дунёнинг бошқа бир жойида бунинг каби қовунларни етиштириб бўлмагани сингари Хуросон ҳам ўзининг адабиёти ва санъати билан бетакрор эмиш. Хуросоннинг олимлари ва шоирлари дунёнинг мана-

ман деган олимлари ва шоирлари сафидан жой олган, дейишди.

Мен ўша донғи оламга кетган юрт тупроғига қадам босадиган кунимни интизорлик билан кутмоқда эдим. Мақсадим ўша юртнинг эрлари билан ҳарбу зарб санъатида беллашмоқ, бу борада кимнинг маҳорати устунроқ: меникими, уларникими – мана шу масалага ойдинлик киритишдан иборат эди. Мен қароргоҳимда ҳарбий ҳолат эълон қилдим. Саҳармардондан қош қорайгунга қадар жангга тайёргарлик машқлари қизиб кетди. Мен ва жангчиларим танимиздаги заифликни бартараф этиш, олддаги беллашувга муносиб тарзда тайёр бўлиш учун жанг санъатининг барча қоидаларини ўзлаштиришга киришдик. От чоптириб, найза улоқтириб, ўқ отиш машқларини бажара туриб хаёлимдан бир ўй кечди: айти шу дамларда қирқ ёшни қаршилаб турган эканман.

Ахир бу ёш инсон умрининг энг гуллаган фасли: вужуди ғайрат ва шижоат, онгу шуури илм ва ҳикмат зиёси билан ёришган даври-ку! Баайни шу ёшда Тур тоғида, Муҳаммад (с.а.в.) Макка яқинидаги Ҳиро ғорида пайғамбарлик рутбасига ноил бўлган эди. Менинг айти шу ёшда ўзимни-ўзим тафтиш қилишим, танбаллик ва заифлик иллатларидан қутулиш учун чора излашим, кайфу сафо ва ҳою ҳаваслардан безишим – буларнинг барчаси тасодиф эмас эди, чамамда. Мен қирқ ёшга ўтган умримга баҳо бериш, бугунги ҳаётимни тартибга солиш, эртанги ишларимни режалаштириш даражасига эришдим, назаримда. Баайни қирқ ёш закоси ўтган етти йиллик умримга ачиниш ҳиссини туғдирди.

Ҳар қалай ҳижрий 777 йил* менинг ҳаётимга туб бурилиш йили бўлди. Мен яна ҳарбий машқлар, жанговар тайёргарлик синовлари бағрига шўнғидим, кураш мусобақаларида чиниқа бошладим. Чунки жангда шундай ҳоллар бўладики, душман билан қуролсиз юзма-юз келасан. Ўшанда ёқа ушлашиб, кураш усулида жанг қиласан. Ким жисман чиниққан, кураш усулларини яхши ўзлаштирган, эпчил ва чақ-

* Милодий 1375 йил 2 июлдан – 1376 йил 21 майгача.

қон бўлса бу курашда қўли баланд келади, рақибини ерга улоқтириб, уни яксон қилади.

Бир куни ўзимни ва жангчиларимни четдан туриб кузатдим. Жисмонан беқийс кучга тўлган, жангга тайёр ҳолатда эдик. Ҳижрий 778 йилнинг эрта баҳорида,* сигирларнинг елини сутга тўлиб, Самарқанд аҳолиси диққинафас хонашинликдан қутулиб, шаҳар ташқарисига чиқиб, табиат қўйнида қимиз ичиб ором олаётган пайт мен қўшинимни жанговар сафарга отлангирдим. Бундан сал аввалроқ иккита катта отлар уюрини, Хуросон чегараларида тўхтаб, бизни кутиб туришини тайинлаб йўлга кузатдим.

Хуросон чегарасигача одатий юриш билан, чегарадан ўтгач эса жанговар тезликда от чоптиришни режалаштирган эдим. Бунинг учун захира отларга эҳтиёж бор. Шундан чегарада отларни алмашгирдик, чунки бундан буён кеча-кундуз, тўхтовсиз ҳаракат қилишимиз керак.

Жанг санъатида ҳар бир нарса, каттами, кичикми аҳамиятга молик. Мен ана шу қоидага риоя қиламан. Масалан, сафарга чиқишимиздан олдин отларга фақат қуруқ ем-хашак беришларини тайинладим. Уларга қуритилган беда ва арпа еми беришар эди.

Чунки майдонда боқилган ва кўк ўт еган отлар узоқ масофага чопа олмайдилар, тезда чарчаб нафас йўллари бекилиб қолади.

Менинг Хуросонда биринчи борадиган манзилим Нишопур эди. Эшитгандимки, бу шаҳар Хуросоннинг асосий таянчи экан. Ўлкадаги энг бой шаҳар эканлигини таърифлашган. Айтишларича, ҳар куни 200 та савдо карвонлари Нишопурдан чиқиб шарққа – Хитойга қараб, ғарбга – Рум мамлакатига томон йўл олар экан.

Нишопурда ўзаро олди-сотди савдолари фақат тилла тангалар орқали амалга оширилишидан, кумуш тангалар муомалада деярли ишлатилмаслигидан хабарим бор эди. Агар кумуш тангалар билан савдо қилган тақдирда ҳам уни санаб ўтиришмас, тарозининг палласига тўқиб ўлчаб олишар-

* Милодий 1377 йилнинг баҳорида.

ди. Чунки савдо шартномалари жуда катта, пул кўплигидан кумуш тангаларни санаб ўтиришга нишопурлик савдогарларнинг вақти йўқ эди. Менга айтишдики, Нишопурнинг омборхоналари ипак матолар билан лиқ тўла, бошқача қилиб айтганда уларни Самарқанд билан Нишопур оралигидаги масофага поёндоз қилиб тўшаса бўлар эмиш. Қолаверса, Нишопур дунёда ипак матолар савдо маркази ҳисобланар экан.

Хуросонда Нишопурдан бошқа яна қатор йирик шаҳарлар, хусусан Сабзавор ва Башаруй сингари марказлар ҳам бор. Бириси Хуросон шимолида, иккинчиси жанубида жойлашган. Менга Сабзаворда уч юз минг нафар гилам тўқувчи усталар меҳнат қилишини, бу шаҳар дунё гиламдўзлик маркази эканини сўзлаб беришди. Сабзавор гиламдўзларининг сони сал муболаға бўлиб туюлган бўлса-да, аммо дунёда Сабзавордагидек энг кўп гилам тўқиладиган бошқа бир шаҳар йўқлигига боварим бор эди.

Башаруй* менда ўзгача таассурот уйғотди. Айтишларича, бу шаҳар илм аҳли билан лиқ тўла эмиш. Нақл қилшларича, бу шаҳарда илм билан машғул бўлмаган киши йўқ экан. Шаҳар аҳлининг бариси олим эмиш-у тирикчилик кечиринч, қора қозонни қайнатиш учун тер тўкиб қора меҳнат қилар экан. Эшитдимки, Башаруйда ўтин терувчилар чўлдан ўсимлик поясини териб келиб сотувчи кишилар бўлиб худди шу одамлар фанларнинг пешқадамлари ҳам эканлар. Масалан, шаҳар муфтийси ёки эшакда юк ташувчи кишилар олимлар бўлиб, улар араб тилида ёзилган китобларни ўқиб, ўзаро баҳс юритишар эмиш.

Мен бу қизиқарли юрт одамларини ўз кўзим билан кўрмоқчи бўлдим. Жуда ажабтовур нарсаларни эшитдим. Энди шу гаплар ростми ёки шунчаки уйдирмами кўриб нишонч ҳосил қилишим керак. Ҳозирча эса муболаға бўлса керак, деган фикрдаман.

Хуросонни қўлга киритишим учун унга тўсатдан ҳужум қилишим керак, деб ҳисобладим. Шунинг учун ҳарбий тай-

* Башаруй – Пешовар.

ёргарлик машқларини бошлаганимда, бу хатти-ҳаракатларнинг сабабини сўраганларга Аршак Ободни (Аршак Обод ҳозирги Ашхабод) босиб олмоқчиман деган жавоб билан чегаралангандим. Сирни ҳеч ким билан бўлишмадим. Чунки сир ичингда турсагина – сир, энг ишонган кишингга сўзлаган тақдирингда ҳам унинг сирлиги қолмайди.

Ҳамма мени Аршак Ободга йўл олди деб ўйлаган эди. Ҳатто ҳарбийдаги сафдошларим ҳам ҳозирча бу сирдан воқиф эмасдилар. Мен Аршак Ободга кирмадим. Агар кирсам Нишопурга тоғ ён бағридаги йўлдан боришимга тўғри келарди. Бу менга маъқул эмасди. Чунки Нишопурга тезроқ етиб боришим учун текис ва равон йўлдан юришим шарт эди. Марвада йўл бошловчиликка тўрт нафар кишини ёлладим. Улар шаҳарлар аро юк ташувчи ҳайвонларни ҳайдаш билан шуғулланганлари учун саҳродаги йўлларни улардан кўра яхши биладиган бошқа одамни топиш душвор. Қолаверса, мен ёллаган кишилар умр бўйи Аршак Обод билан Нишопур оралиғида қатнаган кишилар эди. Улар мени Нишопурга кузатиб боришга рози бўлишди. Фақат Нишопурга яқин жойда тоққа дуч келишимиз ва ундан ошиб ўтиш учун, албатта, довондан кечиш лозим бўлишини айтишди.

Мен ўша довоннинг манзарасини сўзда тасвирлаб беришларини сўрадим. Уларнинг айтишича, довон торгина тоғ йўлидан иборат бўлиб, бир томони худди осилган каби осма харсанглар, йўлакнинг иккинчи томони жарликдан иборат экан: тор йўлак кета-кетгунча жарлик бўйлаб чўзилган эмиш.

«Дарада одамлар яшайдими?» деб сўрадим улардан. «Бир нечта аҳоли турар жойлари бор» – жавоб қилди йўлбошловчилар. «Тоғ қишлоқлари қандай тартибда жойлашган?» – деб сўраган эдим, улар нега мени бу нарса қизиқтираётганини тушунишмади. Мен эсам бизга биринчи бўлиб дуч келадиган қишлоқлар кейингиларидан юқорироқда жойлашганми ёки пастроқдами шунини билмоқчи эдим. Сабаби бу қишлоқ пастда жойлашган бўлса, бизнинг бу қишлоққа кирганимизни кейинги қишлоқдагилар кўриб, Нишопурга хабар етказадилар ва нишопурликлар менга қарши мудофаа чораларини кўриб қўядилар. Шунинг учун ҳам тоғлик аҳоли менинг қўшинимни кўрмагани маъқул. Чунки мен Нишо-

пур устига бостириб борганимда унинг ҳукмдори ва аҳолиси бизга қаршилиқ кўрсатишга улгурмай қолишини истасандим.

Довоннинг узунлиги ундан бир кечада қўшинимни олиб ўтиш имконини бермас эди. Қолаверса, отлиқ қўшинни кечки пайт довондан олиб ўтиш хавфли, озгина эҳтиётсизлик туфайли кўп аскарларим жарга қулаб кетиши мумкин эди.

Шарт-шароитларни обдон ўргангач, мен у тоғни айланиб ўтишга қарор қилдим. Ҳар бир жангчига уюрдан биттадан захира от ажратилди. Жангчилар дарҳол тушундиларки, олдда уларни узоқ ва тўхтовсиз босиладиган масофалар кутмоқда. Мен қўшинга ҳаттоки овқатланиб олишга ҳам фурсат қолдирмадим – улар йўл-йўлакай отдан тушмай таомланишди. Ҳар бир ҳарбий бўлинма раҳбари муайян масофани босиб ўтгач, бўлинмасини тўхтатиб, жангчиларга дам берар, отлар алмаштирилиб, яна йўлга тушиларди. Жангчилар ҳордиқ чиқараётган пайтда отларга бир бўлакдан сули унидан тайёрланган хамир бериларди. Похол, беда ёки арпа беришга вақт йўқ эди.

Мен ҳамшиша Мовароуннаҳр баҳоридек баҳор, унинг мафтункор манзараларига монанд гўзаллик бошқа жойда бўлмаса керак, деб ўйлардим. Янглишган эканман, Хуросоннинг кўклами ҳам Мовароуннаҳрникидан асти қолишмас экан. Тоғ ёнбағирлари яшилликка бурканган, ирмоқлардан шилдираб оқаётган зилол сув худди биллур каби товланади – қисқаси, таърифга сўз йўқ.

Табиат ҳар қанча мафтункор бўлмасин, бизнинг тўхташ тугул отларни-да секинлатишга ҳаққимиз йўқ эди. Бундан ташқари, мен ҳарбий бўлинма бошлиқларига йўл бўйи ҳеч кимнинг биздан ўзиб кетишига йўл қўйиб бўлмаслигини, агар шундай ҳол содир бўлса, ўша суворий ким бўлишидан қатъи назар мавҳ этилиши лозимлигини тайинлаган эдим. Чунки ҳарбий сафарда қўшиннинг хавфсизлиги учун, таъқиқланган ҳудудга кириб қолган киши сўраб-суриштирилмай йўқ қилинади. Бу бир эмас бир неча киши ҳам бўлиши мумкин.

Жума кун биз «Деҳи боло» қишлоғига етдик. Масжид бор экан. Унга кириб ҳайрон бўлдим: у ҳувиллаб ётарди.

– Бирор-бир диний ходим борми? – деб сўрадим. Мошгуруч соқолли бир кишини ҳузуримга олиб келишди. Ундан бу қишлоқ аҳолиси қайси динга мансуб эканини сўрадим. Кекса чол қишлоқ аҳолисининг бари мусулмон эканини айтди. «Унда нега жума куни масжидда ҳеч ким йўқ?» – сўрадим ундан. «Ҳамма ўз уйида намоз ўқийди», – деб жавоб қилди у. «Ҳатто жума куллари ҳам масжидга чиқишмайдимми?» «Йўқ», деди у қисқагина қилиб. «У ҳолда сиз ҳам, бу қишлоқнинг аҳолиси ҳам кофир экансизлар!» – дедим. У «нега» деган маънода саволчан нигоҳ ташлади.

– Чунки, – дея сўзимда давом эттим мен, – дин аҳкомларида жума намозини жамоат бўлиб ўқишлик фарз қилинган.

Кекса киши менинг бу сўзларимдан хижолат бўлди.

– Сиз Қуръон ўқийсизми? – сўрадим ундан. «Ҳа», деб жавоб қилди у.

– Ёлғон айтяпсиз! Сиз Қуръон ўқимайсиз ёки ўқийсиз-у маъно моҳиятига эътибор бермайсиз, – деб унга яна танбеҳ бердим. – Агар Қуръон ўқиганингизда, Аллоҳ шу жума намозининг ажрини бошқа барча намозларникидан устун қилиб қўйганини, уни жамоат билан бирга ўқишни шарт қилиб белгилаганини билган бўлар эдингиз, – дедим.

– Яратган эгам «Жума» сурасида уч оятда бу намознинг шартли жиҳатларини марҳамат қилган. Сиз уларнинг мазмуни билан танишмисиз? – деб сўрадим ундан. Мени алдаб бўлмаслигини билиб «йўқ» деб тўғриси айтиб қўя қолди у. Мен эсам унинг жавобидан ҳайратландим. Ахир масжиднинг имоми Қуръон оятларининг мазмунини ҳеч бўлмаганда юзаки билиши керак эмасми?

«Араб тилини биласизми?» – яна сўрадим ундан. «Йўқ», деган маънода бош силкиди у. Қизиқ араб тилини билмаса, Қуръон ўқимаса, ўзини мусулмонман деб билса – у ўз вазифасини қай тахлит бажаряпти, қавмига нимаси билан ибрат кўрсатяпти?

– Менинг отам ҳам шу қишлоқнинг «пешнамоз»и бўлган, бироқ у ҳам араб тилини билмас эди, – деди чол хижолат бўлиб.

– Майли ҳозиргача нима бўлган бўлса – бўлди. Бундан буён қишлоқ аҳлини жамоат бўлиб намоз ўқишга унданг, –

дедим унга. Сўнг «Жума» сурасининг сўнги оятини изоҳлаб бердим. Унда жума намозини жомеъ масжидларида жамоа бўлиб ўқиш шарт экани англашилади. Зеро, бошқа намозларда бу нарса кузатилмайди. Илло, Аллоҳ марҳамат қилиб: «Эй мусулмонлар, жума намозига чорловчи азон қулоғингизга чалиниши билан, ҳамма ишларингизни қўйиб ибодат қилишга боринг», дейди.

Шундан сўнг амри маъруфга якун ясаб, муаззинга азон айтишни тайинладим. Таҳорат олиб бўлгач, ҳали ҳам жойидан жилмай амримни кутиб турган чолга таскин бериб дедим.

– Диний илмда омиё эканингизни чин кўнгилдан тан олганингиз учун сизни қатл эттирмайман, шунинг учун менинг ҳақимга дуо қилинг ва намоз ўқинг, – дедим.

Тоғни айланиб ўтганим учун ҳам йўлимиз хийла узоқлашди. Шу сабаб куннинг ярмига бориб Нишопур шаҳри жанубида ястанган водийга етдик. Энди ўзимизни бегона кўзлардан яшира олмас эдик. Атрофда қишлоқлар; водий бўйлаб савдо карвонлари қатнаб турар эди. Карвон сафида бораётган айрим отлиқлар, менинг қўшинимга кўзи тушиб, отига қамчи босиб Нишопур томонга йўрғалаб қолди. Мақсадлари аён: қалъага яқинлашиб келаётган хавф хабарини етказиш. Менинг жангчиларим уларни қувлаб кетишди. Ўқ отиб бир нечасини ер тишлатган бўлсалар-да, бир нечаси қалъага кириб беркинишга улгуришди.

Мен вазиятдан ўзиб, Нишопурнинг қалъа дарвозалари бекилмай туриб етиб боришга ҳар қанча ҳаракат қилмай, вазият томомила тесқари томонга хизмат қилмоқда эди. Йўллар карвонлар, деҳқонлар ва нимадир юмуш билан шаҳарга отланган одамлар билан тирбанд бўлгани боис отларимизни тезлата олмадик. Бу ҳудудни кесиб ўтишнинг ҳам имкони йўқ эди. Йўл бўйида ястанган боғлар, экинзорлар бунга халал берарди. Мен шу жойда ҳайдалган далаларга эътиборимни қаратдим – бир текис. Мен Мовароуннаҳр, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари атрофидаги қўриқ ерларни ўзлаштиришга кўп куч сарфладим. Нишопурда кўрган қўриқ ерларга бизникидан кўра яхшироқ ишлов берилган экан. Боз устига бу яқин орада бирор-бир дарёга кўзим

тушмади. Самарқанд билан Бухоро Амударё билан Сирдарё ёқасида жойлашган – биз ундан қанча хоҳласак шунча сув оламиз. Каналлар қазиб энг чекка ҳудудларга сув олиб борамиз. Ўша кунга қадар мен юзлаб «дўлоб» (сув чархпалаги) ўрнатган эдим. Улар дарё сувини ҳайдовчи каналларга олиб қуяди.

Аммо Нишопурда атрофга қанча алангламай мен дарё ҳам, канал ҳам учратмадим. Фақат шаҳарни қамал қилгач англадимки, водийни сув билан таъминлаш – ер ости суғориш каналлари воситасида амалга оширилар экан. Нишопур водийсида 4200 аҳоли турар жойлари бўлиб, ҳар бирининг худди шундай суғориш тизими мавжуд эди. Ер ости суғориш каналлари тизими тоғларнинг мавжудлиги билан пайваста. Чунки каналларни қозиш айнан тоғ чўққиларидан бошланади. Самарқанд ва Бухорода эса бунинг каби тоғлар йўқ, шу боис ер ости суғориш каналларини барло этиш мумкин эмас.

Қуёш ботар чоғи Нишопур остонасига етиб келдик. Қалъа дарвозалари берк эди. Унинг қанчалар мустаҳкамлигини синаб кўришларини буюрдим. Ортидан тош терилган экан, уни бузиш мушкул эди. Гарчи дарвозаларни беркитишга улгурган бўлсалар ҳам, биз Нишопурни тўсатдан босишга муваффақ бўлдик. Зотан, шаҳар озиқ-овқат захирасига эга эмас ва бу ҳадемай ўз таъсирини кўрсата бошлайди. Водийдаги 4200 та қишлоқ аҳолиси қамалдагиларга ёрдамга келиши мумкинлигини ҳисобга олиб Нишопурга яқин масофада жойлашган қишлоқларни шаҳар билан боғлайдиган барча йўлларни беркитишга буйруқ бердим. Бу ишнинг шу кеча тонгга қадар амалга оширилишини шарт қилиб қўйдим.

Шаҳарни қамал ҳолатида тутиб туриш биз учун ҳам кўнгилга хуш ёқадиган машғулот эмас. Мажбурий ишсизлик аскарларни танбаллаштиради ва аста-секинлик билан унинг жанговар руҳини туширади. Шунинг учун икки кунлик танаффусдан сўнг аскарларни яна жанг машқларини такрорлашга жалб этдим. Ўзим шахсан машқ ва машғулотларда барча билан бирдек иштирок этдим. Нишопур шаҳрининг деворлари Чингизхон томонидан аввал ҳам бузилган. Унинг ўзи бу ёқларга келмаган, ўгли ва икки нафар лаш-

карбошисини юборган. Улар шаҳарни забт этгач, унинг деворларини бузиб ташлаган эканлар.

Чингизхон даврида шаҳар девори лойдан тикланган бўлиб, чингизийлар босқинидан сўнг деворнинг бузиб ташланиши нишопурликларга яхшигина сабоқ берган шекилли бу сафар уни тошдан тиклашган.

Мен ўша ерлик қишлоқ аҳолисини қалъанинг пойдевор қисми ҳақида маълумот олиш учун гапга солганимда, улар қалъанинг тағзамини ҳам тошдан бўлиб, унинг ер остидаги қисми ҳам 10 заръ* чуқурликда эканини айтишди. Мен бу фикрга унчалик қўшила олмадим. Чунки бундай шароитда ерни бу қадар чуқур қазийш мушкул. Шаҳар атрофида баланд-баланд тепаликлар бўлиб, афтидан бу тепалар айнан қалъа деворининг пойдевори қазилганда чиққан тупроқдан ҳосил бўлган. Агар мана шу тупроқ тепаларга қараб хулоса қиладиган бўлсак, пойдеворнинг ер остидаги қисми ҳақиқатан ҳам 10 заръдан кам эмас ва у тўлалигича тош тўсиндан иборат эди. Нишопур қалъаси атрофида мудофаа хандақларининг йўқлиги уни ишғол қилишни бир мунча енгиллаштирарди.

Шаҳарни қамал қилган дастлабки куниёқ, унинг деворларини оддий воситалар билан бузиб бўлмаслигини англадим. Агар теварақдаги одамларнинг гаплари ҳақиқат бўлса-ю, пойдеворнинг ости улар айтганчалик чуқур бўлса – уни ҳаттоки дори (порох) билан ҳам жойидан силжитиб бўлмайди. Чунки 10-12 метр чуқурликда портлатилган дори (порох) пойдевори 10 заръ чуқур бўлган деворга шикаст етказа олмайди. Шаҳарни олишнинг иккита йўли қолган: биринчиси, деворни ошиб ўтиб ҳимоячиларга ёпирилиш; иккинчиси, шаҳар аҳолисининг тинкасини қуритиш, токи улар очликка дош бера олмай ўзлари таслим бўлсин.

Мен кўлгина қалъаларда шаҳар ташқарисига олиб чиқадиган ер ости йўллари борлигини билар эдим. Худди шундай лаҳим бор-йўқлигини билиш учун теварақ-атрофни синчиклаб ўргандим. Қамалнинг иккинчи ва учинчи куни шаҳарга борадиган барча сув йўлларини беркитдим. Тўртинчи куни

* Бир заръ – 104 см.

атроф қишлоқ одамларига арра, теша, болта бериб яқин ўртадаги барча чинор ва теракларни кесишларини тайинладим. Аскарларимга қўшни қишлоқлардан, керак бўлса Тус шаҳридан дурадгор усталарни топиб келишларини буюрдим. Улар кесилган дарахтлардан ғилдиракли жанговар миноралар яшашга киришдилар. Одамлар тез орада кимлигимни, айтганимни бажармасалар ёки топшириқларимни бажаришда сусткашлик қилсалар қандай жазога мустаҳиқ бўлишларини англаб етдилар. Иш бошланганининг еттинчи куни бир нечта жанговар миноралар тайёр бўлди. Бизга маъқул келгач усталар шошилишч равишда яна шундай мосламалар яшашга киришди.

Менинг қўшинимда шарқий совуқ чўлларда жойлашган Четин қабиласи вакиллари хизмат қилишарди. Биз мовароуннаҳрликлар қўй, от, сигир ва бошқа уй ҳайвонларини парваришлаб, сўйиб гўштини есак, четинлар ит парваришлаб, унинг гўштини тановул қиладилар. Бундан ташқари, улар муттасил хом гўшт ейишга одатланганлар. Мен уларни ит гўштини тановул қилишдан воз кечдирдим, бироқ хом гўшт ейиш одатини тарк эттира олмадим. Шунингдек, четинлар умуман қўй гўшти ея олмайдилар. Кўрсалар кўнгиллари айнийди. Лекин от гўштини хуш кўрадилар. Қўшинимдаги отларнинг жанговар ҳаракатларга яроқсиз бўлиб қолганларини сўйиб, гўштини уларга берардик. Тўйганча еб, қолганини отларнинг жабдуғи остида сақлашади. Шундай қилинса хом гўшт бузилмас эмиш. Отларнинг танасидан чиқадиған тафт гўштни бузилишдан асрармиш. Мен четинларни мусулмон қилдим. Бироқ намозни араб тилида ўқишга ўргата олмадим. Чунки улар оятларни талаффуз эта олмасдилар, айтишларича уларнинг тили арабча талаффузга мослашмаган эмиш. Шунинг учун мен ўз қўшинимнинг муфтиси сифатида, уларнинг ўз тилида намоз ўқишларига фатво бердим. Зеро, мусулмон кишиси ўз она тилида арабча сўзларни талаффуз эта олмаса, унинг ўз тилида намоз ўқишига рухсат этилади.

Четин жангчилари очликдан бошқа ҳеч нарсадан кўрқмайдилар. Шунинг учун ҳам мен уларни ҳеч қачон оч қолдирмайман. Улар ботирликда, кўрқмасликда менга тенглаша оладилар, лекин тафаккур имкониятлари жуда юпун эди.

Токи буйруқ бермасанг, у ёки бу ишни охирига етказа олмайдилар. Содда кўнгилликлари болаларникига ўхшарди. Ана шу кўрқмас, топшириқни бажариши чоғи ўлимдан ҳам қайтмайдиган четин жангчиларини ғилдиракли минорага ўтқазиб шаҳар деворлари устига ташладим, улар қалъа дарвозаларини очишга масъул эдилар. Айни шу вақтда бошқа жангчилар қалъа томон тўхтовсиз ўқ ва тош ёғдириб туришга буйруқ олдилар. Сирасини айтганда, айни ўша шароитда ўқдан кўра душманнинг бошига тош ёғдирган кўпроқ самара берарди. Шунинг учун ҳам бу ишга кўпроқ кишилар жалб этилди. Ўзим отда қалъа атрофини айланиб, баъзан минорага чиқиб жангнинг боришини кузатиб турдим. Шу жанг асносида миямга дори (порох)дан фойдаланишнинг янги, ҳали синаб кўрилмаган усулини қўллаш фикри келди. Бунинг учун хум ва кўзалар порох билан тулғазилиб оғзи маҳкам бекитилади. Пиликни ёқиб, палахмон ёрдамида душман тўдаси томонга улоқтирилади. Аммо Нишопур жангида бу усулни қўлламадик. Кейинчалик ёдимдан ҳам кўтарилган экан.

Бу усул орадан анча вақт ўтиб усмонли туркларга қарши олиб борилган жангда – Анқара жангида илк бор қўлланди. Йилдирим Боязиднинг жангчилари осмондан учиб келиб, олов сачратиб портлаётган идишлардан кўп азият чеккан эдилар ўшанда.*

Юқорида ҳам таъкидлаган эдим, муваффақиятларнинг омили сендаги қобилиятнинг у ёки бу даражада эканидан эмас, балки рақибнинг айнан қобилиятсиз эканига ҳам боғлиқ. Тафаккур қилинг, мен йўқ ердан қўшин туздим, салтанат барпо қилдим. Бунда менинг одамларни бир аҳил жа-

* Улоқтирилادиган замонавий порглатгичлар, бундан келиб чиқадикки, илк маротаба Амир Темур томонидан кашф этилиб, биринчи марта унинг ўзи томонидан амалда қўлланилган. Сирасини айтганда, бирор-бир тарихий манбаада Амир Темургача бошқа бировнинг мана шундай порохли мосламадан жангда фойдалангани ҳақида маълумот йўқ. Ҳарҳолда бизга маълум манбааларда бунақа маълумотларни учратмадик. Порох ёрдамида қалъа деворларини бузиш тажрибаси эса Чингизхон замонида ҳам қўлланган – бу ҳақда маълумотлар бор.

моага уюштириш қобилиятим иш берди. Душманларим эса худди ана шундай аҳиллик, бирдамликни вужудга келтира олмаганликлари туфайли ҳам салтанатларидан мосуво бўлмоқдалар. Бинобарин, мен Нишопурни қамал қилиб, Хуросонга хавф солиб турган чоғим Тус, Сабзавор ва Исфаҳон аҳлининг бу ҳолга эътиборсиз қараб туриши кишини ажаблантиради. Ахир бугун нишопурликлар бошида силкинган қамчи, эртага уларнинг бошида ўйнашини наҳотки англамасалар!/? Унда нега Нишопур аҳлига ёрдам беришга отланмаяптилар? Нега ўзаро бирикиб, катта бир қўшин тўплаб Нишопур томонга йўлламаяптилар – нега? Мабодо улар шундай йўл тутган тақдирда ҳам мени енга олмасдилар. Фақат халақит берганлари боис, қамални бекор қилиб шаҳарни айланиб ўтиб кетган бўлар эдим. Ҳар нима бўлганда ҳам улар Нишопурга ёрдамга келмадилар. Нишопурликларнинг ҳаёти эвазига ўз тинчларини бузгилари келмади.

Нишопурга уруш очган дастлабки дақиқаларимдаёқ, билдимки, бу шаҳарнинг ҳукмдори ақлсиз, иқтидорсиз киши экан. У жанг жараёнларида қамал қилинган қалъа ҳимоячиларини бошқариш салоҳиятига эга эмаслигини кўрсатди. У менинг жангчиларимга қарши айтарли бирор-бир чора қўллай олмади. Ақалли тошотар мосламалар ясаттириб, бошимизга тош ёғдирса – шу тадбирнинг ўзи ҳам бизга қанчалар ташвиш туғдирган бўлар эди. Қамал қилинган қалъаларда қўлланадиган ҳимояланиш воситаларидан бири, бу – кўндаланг ҳолатда ҳалинчакдек тебранадиган улкан ёғоч бўлиб, у тортиб туриб қўйиб юборилса девор бошига чиқиб улгурган аскарларимни ортга улоқтириши мумкин эди – нишопурликлар шу оддий усулни ҳам билишмайди, чама-си. Улар ўқ-ёй, қилич ва найза билан ҳимояланмоқда эдилар. Ваҳоланки, менинг жанговар минораларимни фақат тош отар мосламалар билангина чилпарчин қилиш мумкин эди ёки кераксиз латта-путталарни мойга белаб, уни ёқиб минораларимга отганларида ҳам – бизнинг анчайин тинкамизни қуритишарди.

Аммо Нишопур ҳукмдори гарангсиб қолганиданми ёки бошқа бир сабабданми, жанг тақдирига таъсир кўрсатувчи бирор-бир чора қўллай олмади.

Менинг четин жангчиларим истехком деворидан ошиб ўтишлари билан, шаҳар ҳимоячиларининг кескин қаршилигига дуч келишларини тахмин қилган эдим. Шунинг учун ҳам уларга бошларини дубулга, таналарини темир совут ва оёқларини махсус ҳимоя воситалари билан мустаҳкамлашларини тайинлагандим. Вазифалари нимадан иборат эканини ҳам тушунтирган эдим. Яъни, улар девор оша шаҳар ҳудудига киргач, асосан дарвозани очишга эътибор қаратишлари лозим эди. Шаҳар дарвозаси ортида нишопурликлар қандайдир иншоот тиклашган деган шубҳам бор эди. Шундан четинлар жанговар қуроллар билан бирга кирки каби қурилиш воситаси билан ҳам таъминланган эди.

Четинларни икки гуруҳга ажратгандим. Бириси дарвоза олдидаги тўсиқни бузиш билан машғул бўлганида, иккинчи гуруҳ уларга халал бермаслиги учун шаҳар ҳимоячилари билан қақшатқич жанг олиб боришларига тўғри келарди.

Эй, менинг ҳаётим ва жанговар фаолиятим ҳақидаги хотираларимни ўқиётган зот! Агар сен ҳарбий кўшин бошлиғи ёки кунлардан бир кун шу мартабага эришишни дилга туккан киши бўлсанг, бил! Агар қамал қилинган қалъани ишғол қилишга ёки худди шундай шароитда ер ости йўлагини эгаллашга жангчиларни йўлламоқчи бўлсанг, аскарларинг орасидан энг эпчил, энг ботир ва ўлимдан кўрқмайдиганларини танлаб олиб юбор. Чунки қамал қилинган қалъани ишғол қилиш машаққатли ва ўта хавфли юмуш. Зеро, улар қалъа ичкарасига кирар экан, ўзлари учун тамоман нотаниш ҳудудга қадам кўядилар. Ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган ҳолда номаълум вазиятга тушиб қоладилар. Нишопур ҳукмдори ўз уйида эсанкираб, муносиб қаршилик кўрсата олмай қолган шароитда, бу жангчиларнинг бировнинг ҳудудида эркин ҳаракат қилиши осон кечмайди.

Эй, менинг сардафтаримга термилган кўз соҳиби, эсда тут! Ҳар қанча довюрак бўлмагин, ҳар қанча эпчил – қамал қилинган қалъани ишғол қилиш чоғи ўзинг олдинги сафда борма! Бемаъни ўлим топасан, ахир бошсиз тана нима ҳам қила олади? Сен ўлсанг, раҳбарсиз қолган кўшининг парокандаликка юз тутади. Энг ёмони, девор устидан қулаган жасадинг ўз жангчиларинг бошига тушиб, уларни жароҳат-

лайди. Шу сабабли четин жангчиларини энг муҳим топшириққа юборар эканман, уларга бош бўлиб ўзим бормадим. Ўрнимга ўғлимни юбордим. Атай шундай қилдим. Жаҳонгир ҳали бундай жангларга кирмаган, ўлим билан юзма-юз келмаган – борсин, кўрсин, тоблансин дедим.

Ўғлимни аждаҳо комига жўнатар эканман, бундан икки мақсадни кўзлаган эдим: биринчиси – Жаҳонгир четинлар билан шаҳарга кириб, ўлим даҳшати нима эканини ҳис қилиши, тирик қолиш учун курашиши ва хавф қаршисида қўрқувни енгишни ўрганиши лозим эди. Иккинчиси – менинг ҳарбий бўлинма бошлиқларим, жангчиларим жангда мен ҳатто ўғлимни ҳам қурбон қилишга тайёр эканимни кўришлари, оддий жангчи билан менинг ўғлим ўртасида фарқ йўқлигини англашларини истагандим.

Жаҳонгир ўшанда барча жангчилар қатори довораклиги учун шу ишга танланди. Мен унга дедим: «Душман истехкоми деворига қадам босган онингдан, ўзингдан бошқа ҳеч кимдан мадад кутма! Ўзингдан ўзгага ишонма! Нафрат денгизи ичида ўзингни-ўзинг ҳимоя қилишинг лозим! Аммо мен сени ҳам, бошқа сафдошларингни ҳам тақдир измига ташлаб қўймайман. Ортларингдан ёрдамчи кучларни мунтазам юбориб тураман – руҳан қўллаб тураман!»

Пешин намозидан сўнг шаҳарга кириш учун қалъани кескин сиқувга олдик. Кўчма ҳарбий минораларимиздан душман устига тинимсиз тош ва ўқ ёғдирилди. Бу уларнинг кучини кесиб, бир мунча заифлаштириб қўйиши шубҳасиз эди. Шу орада Жаҳонгир ва четинлар қалъа деворига чиқиб олишди. Балли азаматлар! Қалъа ҳимоячилари билан жангчиларим ўртасида кескин кураш бошланди. Баракалла, менинг шунқорларим уларни ортга сиқиб, чекинишга мажбур этишди. Бир қисм жангчиларимиз девордан қулаб ҳалок бўлишди, ҳайтовур бир қисми шаҳар ичкарасига киришга муваффақ бўлди. Мен уларга қўшимча куч сифатида аввал иккинчи ва бир оздан сўнг учинчи гуруҳни жўнатдим. Жангчиларим йигирмата кўчма миноралардан ҳужум қилиб, шаҳарнинг шарқий дарвозасидан икки томонидаги деворларни ишғол қилишди ва шаҳар ичкарасига киришди. Шу асно қалъа деворининг бор бўйича ҳамлага ўтдик. Аскарларим

энди кенг қамровли ҳужум бошладилар. Шундай вазиятни вужудга келтирдимки, улар ҳар дақиқа шаҳар девори устида пайдо бўлиб қолишлари мумкин, аммо менинг мақсадим бошқа: кенг қамровли ҳамла усулини қўллаганим боиси, ҳимоячиларнинг диққат-эътиборини шу томонга жалб этиб, дарвозани очишга юборилган жангчиларимизга қаршилик кўрсатаётган душманнинг кучини кесиб қўйишдан иборат эди. Қалъа ичкарасидаги одамлар қулоқни қоматга келтириб аюҳаннос сола бошладилар. Айниқса аёлларнинг дод-фарёди даҳшатли тус олди. Худди охирзамон бошланиб, ҳар ким ўз амали ва аъмоли учун жавоб беришга киришгандек эди. Бироқ ҳақиқий жангчи бунинг каби ўтакани ёргудек бақириқ-чақириқларга парво қилмайди. Бундай усул билан экинга хуруж қилган қушларни чўчитиб, қочириш мумкиндир, аммо жанг тақдирига унинг ҳеч қандай таъсири йўқ.

Кечга яқин мен девор устига чиқиб, шаҳар ичкарасидаги вазиятни кўздан кечирдим. Майдонда айқаш-уйқаш думалаб ётган ўликларни кузата туриб, жангларда қурбон бўлган йигитларим сонини чамаладим – улар кам эмасди!

Четинлар зўр бериб дарвозага қопқоқ тарзида барпо қилинган тўсинни бузишар, қолган барча жангчилар шаҳар майдонида душман жангчилари билан мурасасиз курашмоқда эдилар. Четинларнинг иши деярли охишлаб қолганига ишонч ҳосил қилгач, дарвозани ташқари томондан бузишларига буйруқ бердим. Аскарлар остонада тайёр туришганди – дарҳол буйруқни бажаришга киришишди.

Орадан унча кўп вақт ўтмай, шарқий дарвоза ланг очилди. Аскарларим ундан ёпирилиб шаҳарга киришди. Ҳимоячиларнинг қаршилиги маълум маънода заифлашди. Аммо шунинг ўзи қаршиликларни батамом бартараф этиш учун кифоя эмасди. Шу боис бир бўлинмани ғарбий дарвозага юбордим. Улар ўша томонга жанг билан силжиб бориб, дарвозани очишлари керак эди. Бироқ бу иш осон эмас, чунки муносиб қаршилик кўрсатиш учун ҳали ҳимоячилар етарли кучга эга эди. Шунинг учун ҳам ташқаридан ғарбий дарвоза томонга ёрдамчи кучларни ташладим.

Шарқий дарвоза очилмагунга қадар шаҳар аҳолиси зўр бериб қаршилик кўрсатмоқда эди. Бироқ дарвоза очилиб,

жангчиларим шаҳар ичкарисига бостириб киргач, улар саросимага тушиб қолишди. Айримлари шу дарвоза орқали чиқиб қочмоқчи ҳам бўлди. Бу ёқда эса уларни муқаррар ўлим ёки таслим бўлиш қисмати кутмоқда эди. Қоронғи тушгач ғарбий дарвоза ҳам ишғол қилинди. Шу муносабат билан жангчиларимни жанг суръатини асло пасайтирмасликка, машъалаларни ёқиб уни янада жадал давом эттиришга даъват қилдим: «Бўш келманг, азаматлар! Токи жанг тақдирини шу кеч ҳал бўлсин, токи сафлари бузилиб кетган ҳимоячилар қайта бирикиб, янгидан қаршилиқ кўрсатиш имконини топмасин» – дея тайинладим уларга.

Нишопур учун жанг тонгга қадар давом этди. Кечқурун менга ўғлим Жаҳонгирнинг яраланганлиги ҳақидаги хабарни етказишди. Жароҳати унчалик оғир эмас экан. Шунинг учун уни хавфсиз жойга кўчириш ҳақидаги таклифларга унамадим. Сафда қолиб, жангнинг давом эттириши лозимлигини тайинладим. Чунки мана шундай вазият уни асил жангчи, ҳақиқий саркарда қилиб тарбиялайди.

Мен ҳақиқий эркаклик сифати деганда – унинг курашиш, жанг қила олиш лаёқатини тушунаман. Илм-фан, адабиёт ва ҳунар аҳлига алоҳида эҳтиромим бор, бироқ Аллоҳ эркак кишини мардлик ва матонат учун яратган, деган қатъий фикрдаман. Агар у жанговарлик сифатига эга бўлмаса, ўзини, оиласини, Ватанини қандай ҳимоя қила олади? Ахир Аллоҳнинг ўзи бизни заифалардан фарқли ўлароқ, куч ва қудрат соҳиби қилиб яратган-ку! Агар ким бу кучни маҳорат билан бошқаришни касб этмаса, яратганнинг марҳаматига ношукрлик қилган бўлади. Мен шунинг учун ҳам фарзандларимни шу руҳда тарбияладим. Эсини таниган кундан устозлар қўлига топшириб, ҳарбу зарб санъатини, жанг қилиш сир-асрорларини ўргатиш йўлидан бордим.

Тонг ёришган палла жанг тугади. Ўша пайт менинг ҳузуримга асир олинган Нишопур ҳукмдори Амир Ҳусайинни қўллари боғланган ҳолда олиб келишди. У менга юзланиб: «Эй, Амир Темур! Жангда сенинг қўлинг баланд келди ва Нишопур энди сеники, бироқ сендан бир нарсани ўтиниб сўрайман, нишопурликларга раҳминг келсин – уларни яқсон қилма, ҳолбуки улар ҳам Худонинг бандалари!» – деди.

Унга шундай жавоб қайтардим: «Худонинг бандалари ҳам ўз қилмишлари учун жавоб берадилар! Улар Худонинг ердаги соясига бўйин эгмай, уни муносиб қарши олмай, юзига эшикларини қаттиқ ёпдилар. Қамал қилишга мажбур эдилар! Кўчма миноралар қуриш учун қанча дарахтларни кесишимга тўғри келди – бунга ҳам уларнинг калтабиндиклари сабаб бўлди. Мени азиз меҳмон сифатида қарши олишлари мумкин бўлгани ҳолда, шаҳарга девор оша киришга ундадилар – қанчадан-қанча жангчиларимнинг жони сабил кетди!»

Нишопур ҳукмдори деди: «Эй амир, бунда шаҳар аҳлининг сира айби йўқ! Агар мен буюрмасам, дарвозаларни ёпиб олмас эдилар. Мен талаб қилмасам, сенга қаршилиқ кўрсатмаган бўлишарди. Башарти, бу ишларнинг ягона айбдори – мен! Шунинг учун мени жазола, аммо уларнинг гуноҳидан ўт!»

Ундан ёшини сўрадим. Олтмишда экан. Фарзандлари ҳақида савол бергандим, у: «Икки нафар ўғлим бор эди. Бириси – Шер Баҳром, иккинчиси – Шерзод; иккиси ҳам жангчиларинг томонидан ўлдирилди», – деди. Унга дедим: «Агар сенинг ўрнингда бўлганимда ўғлимни Шер Баҳром деб атамаган бўлар эдим. Чунки Баҳром – шер эмас, уни ҳеч ким шерга қиёсламаган. Алишер бўлса бошқа гап. Уни Сурх Баҳром деб атасанг мантиқли бўлар эди – чунки Баҳромнинг ранги қизил!»

Амир Ҳусайн менинг мантиқли фикрларимни эшитишга тоқати етмай, зарда қилди: «Ўғлимни Шер деб атайманми, сурхми – энди аҳамияти йўқ, улар ўлди!»

Мен унга дедим: «Ўлган фақат сенинг болаларинг эмас. Жанг майдонига қара, бесамар қаршилиқ кўрсатиб, менинг қанчадан-қанча жангчиларимнинг ўлимига сабаб бўлдинг! Улар ҳам кимнингдир фарзанди. Шу боис жангда ҳалок бўлган болаларингни пеш қилиб, юрагимни юмшатишга ҳаракат қилма!»

Амир Ҳусайн жавоб қилди: «Мен сенинг кўнглингни юмшатиб, ўзимга омонлик сўраётганим йўқ. Шаҳар аҳлига шафқат қилишингни сўраяпман. Уларнинг аксари жангларда қурбон бўлди, энди ҳеч бўлмаса қолгани яшасин!» Мен унга

дедим: «Эй, Амир Хусайн! Агар ҳозир сен ғолиб бўлганингда ёки ўзингни менинг ўрнимга қўйиб кўр, сен менинг жангчиларимга нисбатан қандай йўл тутган бўлардинг? Уларнинг қилган ишларини кечирармидинг? Олижаноблик қилишга қурбинг етармиди?» Амир Хусайн гапни чалғитди. Саволимга дангал жавоб қайтара олмади: «Бобокалонларимиз жангда аёвсиз бўлишни, бироқ ғалабадан кейин олижаноблик қилишни насиҳат қилишган», – дея яна мени чалғитмоқчи бўлди.

Унга шундай жавоб қайтардим: «Мен урушнинг тартибқоидаларидан воз кеча олмайман! Унга кўра шаҳар аҳли менга қаршилик кўрсатгани боис оммавий қатлга гирифтор бўлади. Агар мен бу қондани бузсам, кейин жанг қила олмайман. Қолаверса, бутун дунё аҳли билиб қўйсин: менга қарши бош кўтарган юртнинг ҳукмдори ўлимга маҳкум бўлади, фуқаролари қиличдан ўтказилади. Нишопур қисмати – Хуросоннинг бошқа барча вилоятларига сабоқ бўлсин, токи мен борганимда қандай кутиб олиш ҳақида ҳозирдан бош қотиришсин! Эшиklarини ёпиб қўймасин...»

Шундан сўнг Амир Хусайн билан асир олинган шаҳар ҳимоячиларини жаллод қўлига топширдим. Мол-мулкларини ўлжа қилдим, тўғрироғи салтанатим фойдасига мусодара этдим.

Нишопурнинг омборларида шу қадар кўп моллар бор эканки, уларни Мовароуннаҳрга юбориш учун теварак-атрофдаги қишлоқлардан жуда кўп юк ташувчи ҳайвонларни харид қилишимизга тўғри келди.

Нишопурда ҳам мен олимлар, шоирлар ва ҳунармандларга зиён етказмадим.

Нишопур омборларидан мусодара қилинган молларни давлат хазинасига жўнатиш ва бошқа юмушларни охирига етказиш (дарвоқе, шу ишлар қаторида шаҳар қалъа деворини таг-туғи билан қўпориб ташлаш ҳам бор эди) тадбирлари бир мунча вақт талаб қилгани учун бир ойча муддат Нишопурда турдим. Шундан сўнг ишни охирига етказиш вазифасини ўғлим Жаҳонгирнинг зиммасига юклаб, ўзим Тус вилояти сари йўл олдим. Тусда ҳеч ким менинг йўлимга ғов бўлмади. Шаҳарга киришим учун ҳеч қандай монелик бўлмади. Ўз на-

вбатида мен ҳам ҳеч кимнинг бурнини қонатмадим. Тусда ҳам одамлар худди нишопурликлар каби бошларига дастор кийиб юришар экан. Бошқача бир бош кийимини учратмадим. Эшитдимки, бу бош кийими бошқа барча мусулмон мамлакатларига айнан Хуросондан тарқалган экан. Хуросонга эса у қадимги Арманистондан ўтган дейишди.

Ўғлим Шайх Умар мен билан бирга Тус шаҳрига кириб келганида барчанинг дастор кийиб юргани ва арабча сўзлашаётганини кўриб, биз Ҳижозга келиб қолдикми, деган эди таажжубланиб.

Шаҳарнинг кўзга кўринган олимлари ҳузуримга келиб, мен билан суҳбатда бўлдилар. Мулоқотлар асносида араб ва форс тилида эркин сўзлашимни кўриб, лол қолдилар. Мени йўқлаб келган олимлар ичида Имоми Аъзам унвонли бир киши ҳам бор эди. Унинг билан баҳсга киришиб, сўрадим: «Турган гапки сен ҳар куни намоз ўқийсан – тўғрими?» У саволимни тасдиқлагач, фикримда давом этдим: «Унда намознинг ҳар ракати «Алҳамду» сураси билан бошланишини ҳам биласан?..» «Буни ҳамма билади», дея жавоб қилди у. Шу асно мақсадга кўчдим: «Фотиҳа сурасида Аллоҳнинг сифатларидан бири «Малики явм ид-дийн» қўлланган. Унинг маъносини биласанми?» У жавоб қилди: «Бу – қиёмат кунининг эгаси» деган маънони англатади».

– Энди мени «Қуръон»дан хабари йўқ бир омий одам деб тасаввур қилиб, тушунтириб берчи, қиёмат куни қанақа кун?

– Унинг маъноси суранинг яхлит мазмунидан англашилади, шунинг учун алоҳида талқин қилишга эҳтиёж йўқ, – дея баҳсга якун ясамоқчи бўлди у.

– Нега энди эҳтиёж бўлмасин, мана мен шу нарсани билишга иштиёқмандман – сенинг жавобингдан эса қониқмадим. Шунинг учун муфассал маълумот беришингни истайман.

У лом-мим демади. Шунда мен ўз қарашларимни баён қилдим: «Аллоҳ бу сурада «Явм ид-дийн» деган калимада амал ва аъмолар, гуноҳ ва савоблар сарҳисоб қилинадиган сўроқ – суд кунини назарда тутган. Аллоҳ эса ана шу куннинг малики – подшоҳидир. Даҳшатли суд куни замон ва макон тушунчасидан холи. Унинг муддати – абадиятга тенг

вақт. Ўша куни қуёш чиқмайди ҳам, ботмайди ҳам. Эҳтимол, қуёш умуман бўлмас. Сўроқ куни – чегараланмаган вақт дегани.

Ҳеч ким бу куннинг қачон келишини билмайди – башорат қилишга қодир эмас. Шунинг учун ҳам даҳшатли сўроқ куни нималар содир бўлиши ёлғиз Худога аён. Бу ҳақда ким нима деган бўлса, «Қуръон»да айтилганларидан ташқари шунчаки тахмин – бошқа ҳеч нарса эмас».

Имоми Аъзам сўзларимга ҳайратланиб қулоқ тутиб турди-да, сўнг: «Эй Амир, сен бу билимларни қаердан ўзлаштирддинг? Тафаккурингни шунчалар илм билан зийнатлаган инсон – устозинг ким?» – деб сўради.

Мен унга жавобан Мовароуннаҳрда бир қатор устозларим борлигини, бироқ энг катта устозим «Қуръон» эканини айтдим: «Мен «Қуръон»ни ўқиб ёд олганман, – дедим унга жавобан. – Аммо шу ишни қилган бошқа одамлардан фарқли ўлароқ, мен ҳар бир оятнинг мазмун-моҳиятини тегран англаб, сўнг шууримга сингдирганман».

Шунда Имоми Аъзам менга шогирд тушиб, сабоқ олиш истагида эканини билдирди. Мен шогирд тарбиялашга вақтим йўқлигини, ҳаётим бус-бутун жангчининг ҳаёти эканини – умрим жанггоҳларда кечишини айтиб узр сўрадим. Уни умидвор қила олмаслигимни билдирдим.

У таассуфланди: «Агар шундай бўлмаганида, мен сендан дарс олиб, Амир Темурнинг шогирди деган номни шараф билан қабул қилган бўлар эдим», – деди.

Хуросонга юриш қилишдан уч мақсадни кўзлаган эдим: биринчиси – Нишопурни бўйсундириш. Иккинчиси – Сабзаворни забт этиш ва ниҳоят учинчи мақсадим – Башаруйни бориб кўрмоқчи эдим.

Башаруйни кўришга иштиёқим баланд эканини аввал ҳам сўзлаган эдим. Сабаби у юрт ҳақида кўп ажиб суҳбатларни эшитдим. Аҳолисининг бариси – олим, бироқ шунга қарамай улар оддий одамлардек қора меҳнат билан кун кечирар эканлар. Ер ҳайдаш, мол боқиш кундалик машғулотлари экан. Ҳайвонлар терисидан пойабзал тикишар, чўлга чиқиб ўсимлик поясини дасталаб, шаҳарга олиб бориб новвойларга, ошпазларга пуллаб, тирикчилик қилишар эмиш.

Тусга келганимга икки ҳафта бўлгач, уни тарк этиб Саб-заворга юриш қилиш учун тайёргарлик ишлари билан шу-гулланмоқчи бўлдим. Шунда Фирдавсий шу ерда – Тусда дафн этилгани ёдимга тушди. Унинг шеърларини ёшлигим-дан мутолаа қилиб келаман. Шоирга ҳурматим баланд. Шу боис унинг қабрини зиёрат қилмоқчи бўлдим.

Менга Фирдавсий ҳақида сўзлаб беришди. У диндан чал-ғиган одам бўлгани учун мусулмонлар ўз қабристонлари-дан жой беришмаган, шунинг учун уни ўз боғида дафн этиш-ган экан.*

Фирдавсийнинг қабрига келиб кўрдимки, бу жойда боғ-дан асар ҳам йўқ эди. Эҳтимол, қачондир боғ бўлгандир, аммо орадан 350 йил ўтиб, бу жойлар ташландиқ, қаровсиз бир жойга айланиб қолган эди. Ҳамма ёқ ўт-ўлан билан қоп-ланган. Бир жойда дўппайиб турган дўнгликни кўрсатиб, мана шу Фирдавсийнинг қабри эканини айтишди. Қабр бо-шида туриб, изтиробли кечинмалар уммонига шўнғидим. Наҳотки инсон тақдири шу қадар чигал!? Ахир Фирдавсий сингари инсонлар ҳамиша ҳам туғилавермайди-ку! Нега тус-ликлар унинг қадрига етмаганлар? Ахир бутун дунё Тус де-ганда Фирдавсийни англайди-ку! Шундай буюк шоирнинг қабри наҳотки номсиз-нишонсиз нутилишга маҳкум бўлса! Қабри устига ҳатто бир тош қўйиб қўйишмабди – бу қан-дай бедодлик!?

Зиёратдан қайта туриб шоирнинг мазори бора-бора йўқолиб кетмасин, деб қабр тоши ўрнатишларини амр қил-дим. Шу пайт узоқдан чанг кўтариб от чоптириб келаётган суворийга кўзим тушди. У отдан тушиб, қўйнидан бир эн-лик хат олди-да, таъзим билан менга узатди.

Мен бу чопарни шахсан танирдим. Уни ишончли, тол-мас хабаркаш сифатида яхши билар эдим. Ундан қаердан

* Бир қатор манбааларда Фирдавсийни худосизликда айблангани ҳақида маълумотлар бор. Шоирнинг мусулмонлар мазорида кўмил-магани ана шу маълумотларга боғланган чамаси. Аммо бу асосланма-ган. Фирдавсийнинг ўзи ўз боғида кўмишларини васият қилган бўли-ши ҳам мумкин. Зеро, қадимда шунга ўхшаш ҳоллар кўплаб учрайди.

келаётганини сўрадим. У Самарқанддан келганлигини айтди. Шунингдек, бошқа саволларимга ҳам жавоб бериб, йўл бўйи ҳеч қаерда тўхтамай Шер Баҳодирдан мактуб олиб келганлигини баён қилди.

Шер Баҳодирни вақтинчалик Мовароуннаҳр ҳукмдори этиб тайинлаб келган эдим. Қароргоҳи – Самарқандда. Унинг мактубини очиб ўқидим:

«Шер Баҳодирдан буюк Амир Темурга! Хазар денгизи ортидаги ерларнинг ҳукмдори Тўхтамиш катта қўшин билан ҳудудимизга дахл қилиб, Мовароуннаҳрни босиб олмоқчи. Камина бу ерда муносиб қаршилик кўрсатиш учун тайёргарлик кўрмоқдаман, бироқ душманни еримиздан улоқтириб танилаш учун сизнинг иштирокингиз зарур. Шу вазедан, ушбу номани олган вақтингиздан йўлга чиқиб, имкон қадар тезроқ юртга қайтишингизни сўрайман».

Мен ўша пайтгача Тўхтамиш деган ҳукмдор борлиги ҳақида эшитмаган эдим. Ким у, салтанати қаерда – билмасдим. Хазар ортида салтанату давлатлар шу қадар кўп эдики, қайси бири уники – менга аён эмасди. Энди ўзим ўша томонга ўтиб, масалага ойдинлик киритмасам бўлмайдиганга ўхшайди. Чопардан сўрасам, у ҳам Тўхтамишни танимас экан. Кўрдингми десам – кўрмаган. Лашкари қанақа – билмайди. Айтишича, у Самарқанддан чиққан пайт Тўхтамишнинг фақат шамоли келган экан, холос.

Чопар олиб келган нома сабаб Сабзаворга қўшин тортиш фикридан қайтдим. Йўлни Мовароуннаҳр сари бурдим. Бироқ қўшинни биратўла олиб кета олмасдим. Шу сабабли энг довурак, чиниққан жангчилардан уч мингтасини ажратиб олиб йўлга тушдим. Қолганлар кейинроқ ортимиздан етиб келадиган бўлишди. Улар келгунга қадар захирадаги жангчилардан қўшин тўплаб, жанг қилиб туришни режалаштирдим.

Кечаю кундуз тўхтамай от сурдик. Фақат отларимизнинг ҳориққанлиги сезилгандагина қисқа муддатли тўхтаб, дам олиб олар эдик. Жангчиларимиз захира отларга алмашишар, сўнг яна йўлга тушардик. Узоқ масофаларни қисқа муддатларда зиён-заҳматсиз босиб ўтишда отларни қандай озиқлантириб, қай йўсин чанқоғини босиш ҳам муҳим аҳамият-

га эга. Мен ва менинг саркардаларим бу борада катта тажрибага эгамиз. Башарти отларни қонгунича суғориб бўлмайди. Агар шундай қилинганда уларнинг юрак қисмида санчиқ пайдо бўлиб, тезда сафдан чиқади. Суткасига икки марта оз-оздан озуқа берилса – бас, очликдан суллаийиб қолмаса бўлгани. Бундан ташқари узоқ сафарлар чоғи отларни икки-уч кун яйдоқ қўйиш керак, у оёғининг чигилини ёзиб, чарчоқдан тез фориғ бўлади.

Шундай қилиб, Тусдан чиққан кунимиздан ҳафта ўтиб Марвга етиб келдик ва ўша ерда Тўхтамишнинг ортга қайтиб кетгани ҳақида хабар олдим. У ҳақида айрим маълумотларга эга бўлдим: Тўхтамиш ўруслар ўлкасининг жанубидаги Қрим хонлиги ҳукмдори экан. Оз сонли аскарлари билан Мовароуннаҳрга бостириб келган ва Шер Баҳодирнинг қўшини тўплаб, унга қарши жанг қилмоқчи эканидан хабар топгач, қўрқиб ортига қайтиб кетган. Бир хаёл ортидан бормоқчи бўлдим – менинг ҳудудимга бостириб келишга журъат этган у зўравонни бир кўрсам дегандим. Аммо шароит буни тақозо этмас, мен у томонларда совуқ эртачи тушиб, қиш қаттиқ келишини билар эдим. Бу сафар учун махсус тайёргарлик кўришим, етарли маълумотга эга бўлишим зарур – шу сабабли ҳам Тўхтамишнинг эсини киритиб қўйиш ҳақидаги режамни кейинроққа қолдириб, Самарқандга йўл олдим.

САККИЗИНЧИ БОБ

ХУРОСОНГА ИККИНЧИ САФАРИМ ВА САБЗАВОРГА ЮРИШИМ

Орадан кўп ўтмай Хуросондаги қўшин ортимиздан етиб келди. Ўша йилнинг қолган қисмини мамлакатни ободонлаштириш, қўшинни тартибга келтириш ишларига бағишладим. Хуросондан қўшинга бош бўлиб қайтган ўғлим – Жаҳонгир ўзи билан тўрт нафар шиа мазҳабидаги уламоларни ҳам олиб келган экан. Улар Самарқандда менинг меҳмоним бўлишди ва бошқалардан ҳам уламоларга нисбатан ҳурмат

ва эътиборли бўлишларини талаб қилдим. Чунки мен қатъий амал қилиб келаётган ҳолида менинг одамларим ҳам риоя этишлари: олимлар; шоирлар ва ҳунармандларни доимо эъвозлашлари шарт!

Кундуз кунлари олимларни саройга таклиф қилиб, овқат маҳалигача ва ундан кейин улар билан қизғин суҳбатлар уюштирар эдим. Мулоқотларимизнинг дастлабки дақиқаларидаёқ англадимки, шиа олимларининг билимлари манбаалардаги маълумотлар билан чекланган экан. Уларда илмий тафаккур, теран мушоҳада муждаларини кўрмадим. Икки ҳафталик меҳмондорчиликдан кейин ҳар бирига тилла ва биттадан от ҳадя қилиб ватанларига жўнатиб юбордим.

Келаси йилнинг баҳор фасли менга Сабзавор шаҳри амири Мовароуннаҳрга юриш қилмоқчи бўлиб, қўшин тўплаётгани ҳақида хабар келди. Ўша пайтда мен ўрусия ўлкасига сафар қилиб, Тўхтамиш билан жанг қилиш ҳақида ўйлаб турган эдим. Сабзавор амирининг ғараз нияти мени фикримдан қайтиб, иккинчи марта Хуросонга юриш қилишга ундади. Аввалги сафар чоғи Хуросонга билдирмай кириб борган эдим. Шу бонс нишопурликлар эсанкираб қолган эдилар. Бу сафар бундай бўлмаслиги кундек аён эди. Аввалги юришимда йўлимга ғов бўладиган қўшин бўлмаган, шундан унинг хусусиятлари ҳақида маълумотга эга бўлмаганман. Бироқ бир нарсани ҳеч қачон унутмаслик лозим. Ҳеч қачон душманга ожиз ва аҳамиятсиз деб қарамаслик керак. Рақибга етарли баҳо бера олмаслик мағлубиятга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам Хуросон сафари олдидан катта қўшин тахладим. Бир юзу йигирма минг нафар аскарни уч қисмга бўлдим – қирқ минг кишилик учта қўшин вужудга келди. Бирига ўзим, қолган икки қўшинга ўғилларим Жаҳонгир ва Шайх Умар кўмондонлик қиладиган бўлишди.

Сафар олдидан ўғилларимни қошимга чорлаб, айтишим лозим бўлган гапларни айтдим. Ҳар сафар бирор-бир қарорга келишдан аввал қўшинда узоқ йиллардан бери хизмат қилиб келаётган тажрибали саркардалар билан маслаҳатлашишларини тайинладим. Ёшлик, қизиққонлик қилиб, ўзбошимчалик қилмасликларини уқдирдим. Донмий огоҳликка чақирдим, чунки бу сафар Хуросонзаминда бизга ҳар дам,

ҳар дақиқа хавф-хатар эргашиб юради. Пистирмаларда тиштирноғигача қуролланган душман бизни ғафлатда қолдириб, тўсатдан ҳужум қилиш ниятида пайт пойлаши турган гап. Душман ҳудудида парокандаликка учрамаслик керак – бу қўшинни таназзулга олиб боради – шунинг учун юрганда ҳушёрликни йўқотмаслик, жанг қилганда уюшқоқликни қўлдан бермаслик лозим, дея кўрсатмалар бердим.

Мен Хуросоннинг шимолида бир қанча жангари қабилалар борлигини билар эдим. Уларнинг айримлари Кучанда, баъзилари туркман чўлларида яшашарди. Шубҳа йўқки, Сабзавор амири, албатта, уларнинг ёрдамидан фойдаланиш ҳаракатида бўлади.

Шу сабабли мен Хуросонга юришнинг қуйидаги режасини туздим. Мен бошчилигимдаги қўшин Кучан ва Тус орқали, Жаҳонгир ўз қўшини билан Эсфарин ва Жавин орқали, Шайх Умар эса туркман чўлларидан ўтиб, Мазинан орқали Сабзаворга чиқиб борадиган бўлдик. Шундай йўл билан биз Хуросон шимолидаги ҳудудларни назорат остига олишимиз мумкин эди. Агар мазкур ҳудудларда чўғдеккина бўлсин душманлик кайфияти сезилса, уни жойида ўчириш имконига эга бўлдик.

Баҳор фасли тоғ этаклари, ўтлоқлар, яйловларда ўт кўп бўлишига қарамай, биз отларимизни қуруқ хашак билан озуқлантиришга мажбур эдик. Чунки баҳорда кўк ўт еган отлар узоқ масофага ярамайди. Шунинг учун бир юзу йигирма минг жониворни озуқа билан таъминлаш учун жуда кўп ем-хашак жамғариш лозим эди. Бу ишга минг нафар аскарлар жалб этилди. Таъминотчи бу гуруҳга мард, эпчил, жанг кўрган йигитлар танланди. Чунки душман ҳудудида улар ҳар қандай вазиятга дуч келишлари мумкин эди. Маълум бир миқдордаги ем-хашакни биз ўзимиз билан бирга оладиган, қолган қисмини таъминотчи гуруҳ йўл бўйи тайёрлаб берадиган бўлди. Биз забт этмоқчи бўлган мамлакатдаги ҳар бир қишлоқ ва кент бизнинг бу борадаги эҳтиёжimizни қондиришга мажбур.

Кучанга етиб борганимизда, у ерда баланд бўйли, жуссаси йирик одамларни учратдим. Баҳор фасли Кучанда ҳаво совуқ бўлишига қарамай, улар жуда юпун либосларда, ҳар

бирининг қўлида каттакон чўқмор таёқ, уни елкаларига ташлаб юришарди. Улар бизга ташланишни хаёлларига ҳам келтирганлари йўқ, аммо шунинг баробарида кўзларига қараб биздан сира чўчимаганларини ҳам билиш мумкин эди. Улардан айримларининг кўзлари мовий, сочлари эса қизғиш: гапиришлари на арабча, на форсча – тамоман бошқача эди. Кейин билсам, улар курдлар бўлиб, қачонлардир Курдистондан шу ёқларга кўчиб келиб, муқим бўлиб яшаб қолишган экан.

Тилмоч орқали бир нечаси билан суҳбатлашдим. Менинг қўшинимда хизмат қилишни хоҳлашмасмикин, деб берган саволимга жавобан улар кимлигимни сўрашибди. Мовароуннаҳр ҳукмдори эканимни, яқин келажақда Хуросон ҳукмдори ҳам бўлишимни айтдим. Улар таклифимни рад этишди. Хотин, бола-чақаларини ташлаб кета олмасликларини, боқиладиган моллари борлигини ва яна бир талай сабабларни важ қилиб кўрсатишибди – начора. Гарчи Кучан курдлари жангари одамларга ўхшаса ҳам, беозор экан. Бизга дахл қилмасликларига ишонч ҳосил қилгач, кўнгилни тўқ қилиб Тусга томон йўл олдик.

Тусда мен яна Фирдавсий қабрини зиёрат қилдим. Бир йўла шоирнинг мазорига қабртош ўрнатиш ҳақидаги топширигим бажарилдими, йўқми – билмоқчи бўлдим. Ўрнатишган экан, фақат унда шоирнинг исми-шарифи ва у ҳақидаги маълумотлар араб тилида ёзилибди. Фирдавсий эса асосан форс тилида ижод қилган. Шунинг учун тошни алмаштириб, ёзувларини ҳар икки тилда ёзишларини таъинладим.

Шундан сўнг Фарбга томон ҳаракатландик. Нишопур чўлларида ўтаётганимизда шаҳар ҳали ҳам вайрона ҳолда, аммо унга ёндош қишлоқлар ўз кўрку тароватини йўқотмай турганини кўрдим. Нишопурдан ўтганимиздан сўнг, аскарларимга энди тўлиқ жанговар ҳолатда йўл босишимизни билдириб, сафланишга буйруқ бердим. Чунки бундан буён ҳар дақиқа Сабзавор қўшини билан тўқнашимиз мумкин эди. Олдинга пойлоқчиларни юбордим. Улар агар қарама-қарши томондан душманнинг қораси кўринса, бизга хабар етказишлари лозим эди.

Хуросон заминига қадам босган кунимдан бери, ўғилларимдан бирор-бир хабар олмагандим. Жаҳонгир қаерда-ю, Шайх Умар қайда – билмас эдим. Турган гапки, улар ҳам мен ҳақимда ҳеч нарсани билишмайди. Ниятни яхши қилишдан ўзга чора йўқ. Душман юртида мамлакатнинг бу бурчидан-у бурчига чопар юбориб, боғланишнинг имкони йўқ. Шунинг учун улар ҳам, мен ҳам бир-биримизга ўзимиз ҳақимизда маълумот етказа олмасдик. Жанг соатлари яқинлашиб келаётганини ҳис қилмоқда эдим. Аскарларни ҳам, отларни ҳам чарчатмаслик учун аста юриб борардик. Ишончим комил, Сабзавор ҳукмдори бизнинг келаётганимиздан хабар топган, айти шу палла бизга томон қўшин тортиб келаётган бўлиши мумкин. Сабзавор амирининг қўшини 50-60 мингдан ошмаса керак, деб тахмин қилган эдим. Шунингдек, уларнинг аксари пиёда бўлса ажабмас, чунки сабзаворликлар отда жанг қилишни унчалик самарали усул деб ҳисобламайдилар. Улар шу масалада жуда хато қиладилар. Суворийлар жангда пиёдалардан кўра устунроқ имкониятга эга бўладилар. Айниқса, мана шундай Хуросон воқидасидек текисликларда жанг самарали кечади.

Агар Сабзавор амири жанг қилиш учун майдонга чиқмаган бўлса, мен уни аҳмоқ деб атаган бўлар эдим. Фақат аҳмоқ кишигина жанговар қўшини бўла туриб, қалъа ичида беркиниб, қамал қилишларига йўл қўйиб беради. Эртаси куни тонг маҳали, қўшин ҳозирланиб, йўлга тушишга тайёрланиб турган пайт пойлоқчиларимиз узоқда биз томонга номаълум бир қўшин ҳаракатланаётгани ҳақидаги хабарни олиб келди. Англадимки, бу – Сабзавор қўшини. Улар бизни янчиб ташлаш учун йўлга чиққани тайин. Мен уларни кўздан кечириш учун олдга қараб от чоптирдим. Баланд бир тепалик устига чиқиб, душманни кузатдим. Бир қарашда чамаладим, душман қўшини асосан пиёдалардан иборат – сони 70 минг атрофида.

Тўлиқ бир текис жанговар сафга тизилган. Улар кенг дала бўйлаб, шимолдан жанубга – биз томонга ҳаркатланмоқда эдилар. Сўл, марказ ва ўнг қанотлар орасида бўшлиқ йўқ – бир сўз билан айтганда, бизга қарши бирорта ҳам тирқиши бўлмаган жонли девор ҳосил қилиб келишмоқда эди.

Сабзавор амирининг жанговар тартиби менга хуш ёқди. Бу унинг донгдор жангчи эканидан, жанггоҳда вазиятни бошқара олишидан дарак берарди. Уларда 70 минг, менда 40 минг жангчи – сон жиҳатдан устунлик улар томонда, улар асосан пиёдалар, бизникилар эса отлик – бу жиҳатдан устунлик биз томонимизда эди. Қолганини кимнинг маҳорати устун бўлса, ўша ҳал қилади.

Менинг қўшиним ҳам жангга тўлиқ тайёр эди. Ўнг (шимолий) қанотни Қувнарбек деган саркарда бошқарарди. У ўрта бўйли, келиб чиқиши мўғуллардан, жуда жасур ҳарбий бошлиқларимдан эди. Сўл (жанубий) қанот бошқарувини Ургун Четинга ишонганман. У – четинлардан. Улар ҳақида аввал ҳам маълумот берган эдим. Уруғдошлари каби Ургун ҳам кўрқув билмас, ўлимдан қайтмасди. Марказ бошқарувини мен ўзим қўлга олган эдим.

Душман қўшинининг жанговар тартибини кўрганимдан кейин, ўзим биринчи бўлиб, марказга ҳамла қилиб, жонли деворни ёришга қарор қилдим. Қолган икки қанотнинг қандай ҳаракат қилишини Ургун ва Қувнарбек яхши билишарди. Улар ҳам ўз ҳудудларида аввало жонли деворни ёриб кириб, сўнг душманни ўраб олиб, агар таслим бўлмасалар янчиб ташлайдилар. Икки ўртадаги масофа ҳам ҳийла узоқ эди. Шунинг учун мен унинг қисқаришини кутиб туришга аҳд қилдим. Нимага деганда ҳали жангга кирмай туриб узоқ масофа чопиб борган отларимиз ҳансираб қолиши мумкин. Ўртадаги масофа қисқаргач яна бир муаммо пайдо бўлди: барча сабзаворликларнинг қўлида найза бор эди. Бу эса отлик қўшин учун жиддий хатар туғдиради. Найзалар воситасида суворийни пиёдага айлантириб қўйса, бу – қўшининг жанговар руҳини тушириб юборади.

Мен дарҳол Қувнар ва Ургун Четинни марказга, ёнимга чорлаб вазиятни маслаҳатлашдим. Улар менинг фикримни тасдиқладилар. Биз жанг режамизга бир оз ўзгартириш кiritишга келишиб олдик.

Мен режага кўра яна вақтни атай чўза бошладим. Ҳужумга ўтишга буйруқ бермадим. Сабзаворликларнинг биринчи бўлиб ҳужум бошлашларини кутдим. Шундай эҳтиёткорлик қилганимдан ор қилмайман, чунки ҳарбий саркарда ўзининг

мардлиги, ўлимдан қўрқмаслигини пеш қилиб, кўр-кўрона ўзини-ўзи нобуд қилмаслиги керак. Аксинча вазиятни тўғри баҳолай билиши, ҳарбий бошлиқлари билан маслаҳатлашиб, самарали жанг усулини танлаши лозим.

Сабзавор қўшини жуда яқин келгач, мен жангчиларга ўқ-ёйларини ҳозирлашларини ва ўқ отишга тайёр туришларини амр қилдим. Берган топширигимга кўра улар учи тобланган ўқлардан фойдаланишлари лозим эди. Бизнинг учи тобланган ўқларимиз ҳар қандай ҳимоя мосламасини тешиб ўтишга қодир. Яқин масофадан эса, ҳалқали зирҳнинг сим тўрини ҳам дабдала қила олади. Мовароуннаҳр усталари уни қуйидагича тайёрлайдилар: 100 манн миқдордаги тузни 100 манн миқдордаги сувга эритадилар (бир Мовароуннаҳр мани икки ярим Табриз манига тенг – бу 3 кг ни ташкил этади. – М. Брион). Натижада қуюқ, ёпишқоқ туз қоришмаси ҳосил бўлади. Ўқнинг учи оловда оқаргунга қадар қиздирилади ва ундан сўнг қоришмага солинади. Бу жараён уч марта такрорланади ва учинчи мартадан кейин ўқнинг учи олов билан сайқалланади. Ана шу тартибда тайёрланган ўқ – тобланган ўқ дейилади. У ҳаттоки мустаҳкам металлни ҳам тешиб ўтади. Қилич ва найзанинг тиғини ҳам шу тахлит тобласа бўлади. Аммо бизда, асосан, бу усулдан ўқ тайёрлашда фойдаланилади.

Сабзавор амирини Али Сайфиддин дейишар экан. У менга тенгдош бўлиб, айтишларича, қўрқмас, мард, ботир шунинг билан бир қаторда илмли киши экан. Мен уни жангчилари орасидан излаб топа олмадим, топганимда унга ўқ узиб мовароуннаҳрлик усталарнинг қуролсозлик маҳоратини, ўзимнинг тирандозлик қобилиятимни кўрсатмоқчи эдим.

Бизнинг яқин масофадан отган ўқларимиз Али Сайфиддин қўшинини тўзғитиб юборди. Ҳар гал ўқ отиб душман жангчисини қулатар эканман сабзаворликлар узун найзаларига ишонганликлари, шу найзалари билан отлиқ қўшинимга катта талофат етказмоқчи бўлганларига ишончим орта борди.

То уларнинг жанговар сафлари тартибсиз ҳолга келмагунча ҳужумга ўтмай турдим. Зеро, бир сафда тизилган жангчиларгина найзаларидан тўсин ҳосил қила оладилар. Душ-

ман қўшини яхшигина алғов-далғов бўлганига ишонч ҳосил қилгач, ҳужумга ўтдик. Шунда Али Сайфиддин фақатгина найзаларига орқа қилмаганлигини англадим. Улар биз томонга праш восита (праш – тош отар мослама)сида тош ёғдира бошладилар. Кўп жангчиларим ҳали жангга кирмай тутдай тўкилди. Талофат катта бўлса ҳам ортга чекинмасликка қарор қилдим. Ярим йўлдан ортга қайтиш аскарларимизнинг жанговарлик кайфиятини синдириши баробарида душман қўшинини руҳлантириб юборган бўлур эди. Яна бир ёмон томони душмanning тўзғиб қолган қўшини фурсатдан фойдаланиб ўзини ўнглаб олган, яна бир сафга тизилган бўларди. Сабзавор жангида бизнинг асосий жанг қурооларимиз ўқ-ёй, қилич ва ойболтадан иборат эди. Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, отлиқ суворий учун жангда қилич у қадар самара бермайди. Отда туриб қилич билан берилган зарба душманни сафдан чиқармайди. Токи бўғзи кесилмаса ёки қорни тешилмаса ёвни ерга қулата олмайсан. Қилични сирмаш чоғида чавандоз отнинг кучи ва ҳаракатидан ҳам тўғри фойдаланмоғи лозим. Лекин ҳамма ҳам бунга қила олмайди. Талатўп жанг чоғи суворийнинг остидаги отнинг ҳаракатини бошқариш имкони бўлмайди. Душманни қулатадиган зарба бериш учун отнинг кучи билан жангчининг кучи уйғунлашиши лозим. Яъни, от зарба берилаётган чоғ салчиб оёқларини ердан узиши керак. От устида қилинадиган жангда ойболтадан фойдаланган афзалроқ. Унинг дастаси анчайин узун ва ойболта билан берилган кучли зарба ҳар қандай ҳимоя мосламаси қалин жангчини ҳам ер тишлатади.

Икки қанотдаги жангчиларим самарали жанг олиб боришмоқда эди. Улар душман қобигини ёриб, рақибларнинг додини беришарди. Менинг жангчиларим жанг пайтида ҳам, душман билан саваша туриб ҳам уларнинг хатти-ҳаракатини кузатиб боришимни яхши билишарди. Менинг назаримга ёмон бўлиб тушишдан қўрқиб ҳар қандай вазиятда бўш келмаслик пайида бўлишарди. Улар икки ҳолатни кечира олмаслигимни яхши билишарди. Биринчиси – хоинлик, иккинчиси – қатъиятсизлик: шу боис вазият қандай бўлмасин қатъият билан жанг қилар эдилар.

Мен жангчиларимга нисбатан қаттиққўлман. Юмшоқ-кўнгиллик қила олмайман. Чунки ўзимга-ўзим талабчанман. Ўзимни асрашни билмайман. Шунинг учун ҳам жангчиларим менга сўзсиз бўйсунушади, балки ана шу жиҳатларимни қадрлашар! Ҳавф-хатарнинг юзига қараш учун менинг йўлимга чарчоқ ва кўрқув гов бўла олмаслигини жангчиларим теран англайдилар. Аксари ана шу сифатларни ўзига сингдирганини ҳам тан олиб айтишим керак. Ўрмонга шер ҳоким бўлса, қуёнлар ҳам шерюрак бўлиб, шерюриш қилади деганлари шу бўлса керак-да!..

Душманга яқинлашганимиз сари, унинг қаршилиқ кўрсатиши кескин тус олмоқда эди. Гарчи Али Сайфиддин қўшинини сочиб юборган бўлсак-да, улар тезда бирикиб, узун найзалари билан йўлимизга гов бўлмоқда эдилар. Найзалар қадалган отлар қулаб, пиёда бўлиб қолган жангчиларимиз захирага чиқиб кетмоқда эди. Бу шароитда уларнинг жангоҳда қолишларидан фойда йўқ. Душманнинг зуғуми дам сайин ортиб бормоқда, сон жиҳатдан устунлик шу ўринда уларнинг фойдасига ўйнаётгани аниқ эди.

Шундай бўлса ҳам қанотдаги жанговар ҳаракатлар мени қаноатлантирди. Уларнинг ҳудудларида душманнинг ҳоли танг эди. Буни уларнинг чекина бошлаганидан билса бўлади. Қанотдаги вазият марказга ҳам наф бера бошлади. Али Сайфиддин заифлашиб қолган қанотларни тетиклаштириш учун марказдаги жангчиларнинг бир қисмини қанотларга кўчирди. Бироқ марказга энг сараланган жангчиларини қўйгани боис, биз ҳар қанча уринмайлик душманнинг қаршилигини енга олмаётгандик. Жангни тўхтатиш эса мағлубият билан тенг. Шунинг учун ҳам кўп талофат кўраётган бўлсам ҳам марказдаги жанг суратини туширмадик.

Қанотлардаги жанг эса янада кўзни қувонтирарли манзара касб эта бошлади. Қувнар билан Четин душман личка-рисига жуда чуқур кириб бордилар. Ҳатто душман аскарларидан бир нечасини асирга олишга ҳам улгурдилар. Асирлардан бири Али Сайфиддиннинг укаси Муҳаммад Сайфиддин экан. Яхшилаб қўриқлашларини тайинлаб, яна жангга шўнғидим. Али Сайфиддин қанотлардаги вазиятдан росмана ташвишлана бошлади. Яна марказдаги сара жангчилар-

дан олиб, қанотга ташламоқчи бўлди. Кетма-кет ҳужумлар уюштириб бунга йўл қўймадим. Шунда Али Сайфиддин марказдаги жангчиларига чекиниш ҳақида кўрсатма берди. Шундай қилмаса улар ҳадемай қуршовда қоларди. Жанг менинг муваффақиятим билан яқун топди. Али Сайфиддиннинг чекинган қўшинини таъқиб қилмадим. Бунинг иккита сабаби бор эди: биринчиси – қуёш бота бошлаганди. Ҳадемай кеч тушади. Ўзим учун нотаниш бўлган ҳудуд шаронтида душманни таъқиб қилиш, фойдамга эмас, зараримга ўйнаб кетиши ҳам мумкин эди. Иккинчи сабаби – жангда кўп жангчиларимдан айрилдим. Душман эса талофати ҳар қанча катта бўлмасин, сон жиҳатидан ҳали ҳам биздан устун эди. Шунинг учун жангни ҳозирча тўхтатиб, эртагача кутишни маъқул кўрдим. Эҳтимол, бу орада янги кучлар келиб сафимизга қўшилар, деган илинжим ҳам йўқ эмасди.

Жанг тугагач, ҳарбий саркардаларимни ҳузуримга чорлаб, вазият ҳақида маълумот беришларини сўрадим. Жангда ўн беш минг отлиқ аскарларимиздан жудо бўлибмиз – начора! Етмиш минглик қўшинга қарши деярли ярим баробар жангчилар билан курашдик. Қолаверса, душман ҳам мардоновор жанг қилди. Жанг майдонида жанговар ҳайқириқлар садоси тингач, осмонда ўлаксахўр қушлар пайдо бўлди. Бу кеч улар байрам қиладиган бўлишди. Озуқа мўл – ана бир майдон жасад.

Қоронғи тушиб қолгани боис ўликларни териб, кўмишга улгурмадик. Бундан ташқари, мен Али Сайфиддин тўсатдан бостириб келиши мумкин, деган шубҳада эдим. Шу боис қўшинни мудофаа ҳолатида тутиб туришга мажбур эдим, агар уларнинг маълум бир қисмини ўликларни кўмишга жалб этсам, кучимиз қирқилиб яна-да заифлашиб қолишимиз тайин эди.

Лашкарбоши кундузги аёвсиз жангдан кейин, гарчи уни ғолибона яқунлаган бўлса ҳам бир қатор муаммолар гирдобда бўлади. Ҳарбий бўлинма бошлиқларининг маълумотларини тинглайди, ярадорларга зарурий ёрдам кўрсатилишини назорат қилади. Ўз қароргоҳини тартибга келтириб, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлайди. Эртага янгидан бошланадиган жанг режасини тузади.

Мен Муҳаммад Сайфиддиннинг чодирини менинг чодиримга яқин жойда тикишларини сўрадим. Мақсадим у билан суҳбатлашиб, Сабзавор қўшини ҳақида маълумот олиш эди. Кечки пайт унга намоз ўқишга имконият бердик. Шу пайт ёнимда Қувнарбек ўтирганди. У Муҳаммад Сайфиддиннинг намоз ўқишини кўриб, ҳайратланди: «Эй амирим, қаранг унинг намоз ўқишини! Қизиқ-а? – деди у. Гарчи Қувнарбекни ҳайратлантирган нарса нима эканини билсам ҳам, билмаган бўлиб сўрадим: «Нимаси қизиқ?»

– У қўлларини қовуштирмай намоз ўқияпти!

– Қувнарбек шиа мазҳабидагиларнинг ўзгачароқ тарзда намоз ўқишларидан беҳабар эди. Шунинг учун бу ҳол унга ғайритабиий бўлиб туюлганди. Унга оддийгина қилиб тунунтирдим: «Билки, ҳар бир мусулмон киши намоз ўқиётганида ўзини Худонинг ҳузурда тургандек ҳис қилади. Бу вақтда у қандай ҳолатда турмасин, ҳурматини, бандалигини ифода этади. Ҳар бир мусулмонга ҳурмат ва эҳтиромини ўзи қандай хоҳласа, шундай билдиришга рухсат этилган. Фақат унинг ҳолати ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш тартиб-қоидаларига мос келса – бас. Биз суннийлар Аллоҳга мурожаат этаётганимизда қўлимизни кўксимизга қовуштирамиз, шиалар эса қўлларини икки ёнига маҳкам қисиб намоз ўқишади. Агар мусулмонлар орасида икки қўлни бошига қўйиб, Аллоҳга ҳурматини ифодалайдиган қавм бўлганида эди, улар ҳам қўлларини бошларига чалма қилиб, намоз ўқишга ҳақли бўлар эдилар».

Шундан сўнг Муҳаммад Сайфиддин билан анчайин суҳбатлашиб ўтирдим. Акасининг қўшини ҳақида батафсил маълумот олиш учун уни тўхтовсиз саволга тутдим. Айтишча, кундузги жангда етмиш беш минг сонли қўшини билан иштирок этган экан. Қалъада яна ўттиз минг кишилик захира жангчилари бор, деди у. Бахтимизга ўша кеч, ўғлим Жаҳонгирнинг чопари пайдо бўлди. У менинг шу атрофда эканимни эшитиб, пойлоқчи юборган экан. Жаҳонгир ярим кечаси келиб, бизга қўшилди. Ундан Шайх Умар ҳақида сўрадим. Ҳеч қандай маълумот йўқлигини айтди. Сўнг: «Фақат, шартлашганимиздек у Сабзавор жанубидаги Мезанинга етиб келиши кераклигини биламан, холос», – деди

у. Жаҳонгир бошлиқ қўшиннинг келиб қўшилиши билан бизнинг куч-қудратимиз тикланиб, яна жанговар сафимиз кенгайди. Ўша кеч Сабзавор амири қароргоҳимизга ҳужум қилмади. Эртаси куни аскарларим ўликларни кўмиш билан машғул бўлдилар, аммо қушлар кўп жасадларни ним-талашга улгуришибди.

Қўшинимга янги кучлар келиб қўшилганидан хабар топган Али Сайфиддин очиқ майдонда яна бир карра мен билан беллашишни истамади. Бу унинг учун мағлубият билан тугагини англади. Шу боис зўр бериб чекинишга тушди. Сабзаворга етиб бориб, қалъа деворлари ортига беркинди. Аввал ҳам айтган эдим, қамал ўта ёқимсиз машғулот. Куттишдан чарчаб кетасан. Ғалаба қилишни истасанг – тоқат қиласан барчасига. Мен Сабзавор ҳақида Муҳаммад Сайфиддиндан олган маълумотлардан бошқа бирор-бир тасаввурга эга эмасдим.

Сабзавор водийси Нишопурники сингари муҳташам эмас экан. Айниқса, чўлни чангитиб эсаётган шамол қум зарраларини бетга сочиб бездириб қўймоқда эди. Бу ҳол хусусан қамал кунлари бизга роса ноқулайлик туғдирди. Сабзавор қамалида ҳам Нишопурда қўллаган усулларимни қўлладим. Сув йўллари бекитдим. Шаҳар атрофида узоқ ва яқин кузатув нуқталарини ташкил этдим. Улар мабодо шаҳар ичкарисини билан боғлайдиган ер ости йўллари бўлса, шу йўллар орқали шаҳарга ёрдам сифатида озиқ-овқат маҳсулотлари ва сув киритилишига йўл қўймасликлари керак. Теварак-атрофдаги қишлоқлардан уста дурадгор ва лаҳим қазувчиларни ёллаб келтирдим. Дурадгорларга дарахтларни кесиб, кўчма миноралар яшани, лаҳим кавловчиларга эса шаҳарнинг тўрт томонидан қалъа деворигача ер ости йўли қозишни буюрдим. Лаҳимнинг нарига бошида хандақсимон чуқурлар ҳосил қилишларини тайинладим. Бундан ташқари шаҳарнинг тўрт томонида ғишт ва тахтадан тўртта баланд минора қуришларини буюрдим. Токи ундан шаҳар ичкарисини кечаю кундуз кузатиб туриш мумкин бўлсин. Шаҳар аҳолисининг кўплиги, мени қувонтирди. Чунки бу озиқ-овқат тақчиллигини вужудга келтиради. Охир-оқибат шаҳар аҳли очликка чидай олмай, тор-мор бўлишдан ўзга

чора топмайди. Бироқ кейинроқ хабар топдимки, Савзавор ҳокими қамал муқаррар эканини билиб жуда кўп миқдорда озиқ-овқат ва сув ғамлаб олган экан.

Шаҳарни ишғол қилишга тайёргарлик ишлари кетаётган палла, Шайх Умардан ҳеч қандай дарак йўқлиги мени қаттиқ ташвишлантира бошлади. Қирқ минг кишилик қўшини билан Мезанинга келиши керак эди.

Мезанин бу ердан унча узоқ эмас. Лекин ундан ҳеч қандай хабар йўқ эди. Шу боис Жаҳонгирга тўрт минг кишилик суворийлари билан Мезанинга боришини тайинладим.

Жаҳонгир ва унинг суворийлари йўлга тушдилар, биз эса шаҳарни қамал этишда давом этдик. Биз ҳар куни ўққа нома боғлаб шаҳарга отардик. Унда шаҳар аҳли ва амир аскарларига мурожаатимиз битилган эди. Мурожаатда қаршилик кўрсатишни бас қилиб, таслим бўлиш таклифимиз акс этганди. Шунингдек, агар таклифга кўнсалар, шаҳар аҳлига омонлик берилиши, мол-мулкларининг дахлсизлиги кафолатланишини, акс ҳолда кескин жазо чоралари қўллашга тўғри келиши ҳақида огоҳлантирилган эди. Аммо қилган барча хатти-ҳаракатларимиз зое кетди. У томондан кутилган жавоб бўлмади.

Бир куни Али Сайфиддинга девор устига чиқиб мен билан мулоқот қилишини сўраб нома жўнатдим. Кечкурун у қалъа томида кўриниш берди. Унинг укаси Муҳаммад Сайфиддинни қалъага яқинроқ олиб боришларини айтдим. Бизнинг ўқчиларимиз уни нишонга олиб отишга тайёр туришарди. Агар қалъадан бизга томон битта ўқ учадиган бўлса, Муҳаммад жон беради. Али Сайфиддиннинг ўқчилари ёйлари орқаларида эканини кўрсатиб, ўқ отмоқчи эмасликларини намоён қилдилар. Жарчи ўртада туриб менинг номимдан Али Сайфиддинга гапимни етказди:

«Эй, Али Сайфиддин! Агар сен шаҳар дарвозаларини очиб, шаҳарни топширмасанг, кўз ўнгингда уканг Муҳаммад қатл этилади».

Али Сайфиддин баланд овозда деди: «Эй Темурбек, укам билан гаплашишга рухсат берасанми?» Рухсат бердим. У укасига: «Эй, Муҳаммад, – деб мурожаат этди, – сен қалъани топшириш эвазига тирик қолишни хоҳлайсанми ёки бундан кўра ўлимни афзал кўрасанми?» Муҳаммад акасига бир

оғиз сўз билан жавоб қайтарди: «Курашинглар!» Сўнг менга юзланиб деди: «Темурбек жаллодингни чақир, мен ўлишга тайёрман!»

Жарчига сўзларимни такрорлаб туришини тайинлаб, бир воқеани сўзладим. Жангчи уни баланд овозда такрорлаб турди: «Муҳаммад! Менинг аждодим Алп Арслон бундан эллик йил муқаддам Византия қироли Диоген IV билан жанг қилиб, уни енган ва асир олган экан.

Византия қироли Арманистонда асир олинган, уни занжирбанд қилиб, аждодимнинг ҳузурига олиб келишибди. Алп Арслон ундан: «Агар сен мени енгганигда ва мен сенинг асиринг бўлганимда нима қилар эдинг», – деб сўрабди. Диоген IV: «Мен сени сотган бўлар эдим», – деб жавоб қайтарибди. Алп Арслон таажжубланибди: «Ўлдириш ўрнига сотармидинг – нега?» У дебди: «Чунки сенинг ўлиминг – аҳамиятсиз! Бинобарин, занжирбанд ҳолатингни ўзи ўлганинг – ўликни яна бир бор ўлдиришдан не наф? Ундан кўра сени сотиб фойда олганим маъқул эмасми?» – деб бошида мантиқсиздек туюлган фикрига ойдинлик киритибди у. Алп Арслонга бу мулоқот маъқул келибди. Мантиқли мулоҳазакорликдан баҳридилди яйраб: «Хўш, мени кимга сотар эдинг», – дебди у ниҳоят қиролни чув тушириш учун.

– Ўзингга! – жавоб қилибди у ёки сотиб олишни хоҳлаган бошқа бировга.

Алп Арслон бу таклифга дарҳол рози бўлибди. Савдолашадиган бошқа одам йўқлиги туфайли Диоген IV ни унинг ўзига сотибди. Эй, Муҳаммад Сайфиддин, агар сен ҳам хоҳласанг – ўзингни сотиб ол, агар истаса акангга ҳам сотишим мумкин».

Али Сайфиддин овоз бериб, укаси учун қанча маблағ талаб қилишимни сўради. Мен унга Муҳаммаднинг баҳоси бир қурур (Бир қурур – 500 минг динорга тенг) динор эканини айтдим. У эса бутун бошли шаҳарда ҳатто бир қурурлик нақд динор йўқлигини баён қилди. Менга ёлғон сўзлаётганини, юз минг кишилиқ қўшини бор одамда беҳисоб қурур бўлишини таъкидладим. Чунки катта маблағга эга бўлмаган киши шундай катта қўшинни тўплай олмайди – бу рад этиб бўлмас ҳақиқат-ку!

Сабзавор амири сас берди: «Укамнинг ҳаёти учун сенга юз минг динор тўлашим мумкин – шу пулни ҳам тўплаб бераман».

– Юз минг динорлик савдо қандайдир бир савдогарвачча учун арзир эҳтимол, аммо Сабзавор амирининг укаси бунчалик арзонга сотилмайди, – дедим унга. Шунда амир савдога нуқта қўйди: «Ҳатто укам учун ҳам айтганимдан ортиғини тўлай олмайман».

Мендан гуноҳ соқит: «Алп Арслонга ўхшаб, укангни ҳаётини сотмоқчи эдим – сен эса Диоген IV каби уни сотиб олмадинг. Бошқа харидорлар бўлмаса, уни ўлдиришдан ўзга чорам қолмайди», – деб амирни охирги марта огоҳлантирдим. Сабаби уни бу ерда тирик сақлашдан ҳеч қандай фойда йўқ...

Ўша кечаси укасининг қасоси учун Али Сайфиддин бизга ҳужум уюштирди. Тун ярмидан ошганда тўсатдан шаҳар дарвозалари шарақлаб очилди. Ундан амирнинг аскарлари отилиб чиқиб, бизга ҳамла қилдилар. Яна мингга яқини нарвонлардан тушиб келди. Айримлари қўлларидаги машъалалар билан бизнинг чодирларимизга ўт қўйди. Шу йўл билан бизни эсанкиратиб қўймоқчи, бизнинг ўзимизни ўнглаб, кучларимизни саришталаб олишимизга халақит бермоқчи бўлишди. Мен бир қоидага амал қилиб келаман. Бирор-бир қалъани қамал ҳолатида тутиб турган чоғим, отларни қароргоҳимга яқин жойда сақламайман. Чунки қамалдаги қалъадан сирғалиб чиқиб, душман томон ҳужум қилиши тажрибада кўрилган. Шундай чоқда қароргоҳда отлар ҳам бўлса, бу ер шунақанги алғов-далғов бўлиб кетадики, босқинчиларга қарши эркин кураша олмай қоласан. Агар қароргоҳга ўт тушиб, аланга олса ана унда кўрасан томошани! Гарчи бизнинг отларимиз шовқин-сурондан кўрқмаса ҳам олов уларни чўчитиши мумкин. Тушовни узиб, узоқларга қочиб кетади. Ўшанда уларни кейинчалик тўплаш ҳам ортиқча ташвиш туғдиради.

Аввалдан отларимизни қўшиндан орқароқда жойлаштирганимиз сабабли ўша кеч биз айтарли азият чекмадик. Мен аввалроқ Қувнарбек ва Четинни огоҳлантирган эдим. Бизнинг кучларимиз жойлашуви жиҳатдан тарқоқ бўлгани ва

Сабзавор амири қалъа ичкарасида уюшган ҳолда тургани боис кутилмаган бир вақтда бизнинг тарқоқ кучларимизга ҳамла қилиши эҳтимолдан холи эмасди. Шундай ҳол содир бўлса, келишганимиздек Қувнарбек ва Четин қароргоҳларидан барча кучлар билан менинг ҳузуримга етиб келишлари ва биз кучларимизни мувофиқлаштириб, душманнинг ҳамласини бартараф этишимиз лозим эди.

Ўша кеч ҳамма ёқни сабзаворликларнинг бақириқ-чақириқлари, оҳ-воҳлари, сўкиниб алжирашлари босиб кетди. Мана шундай ярашмаган қилиқлари уларга куч бағишласа керак. Бу орада Қувнарбек ва Ургун Четинлар етиб келишди, биз кучларимизни мувофиқлаштирдик. Қувнарбек ўнг қанотни, Четин эса чап қанотни бошқарадиган бўлди. Қалъанинг шарқий қисмида жойлашган ҳужумкор қисмини мен ўзимга олдим ва биз қарши ҳужумга киришдик. Машъалабардорларимиз жанг майдонини ёритиб туришди. Қароргоҳимиз гуруллаб ёнаётгани боис, шуъласи жанг майдонининг маълум қисмини янада ёриштириб турарди. Мен қўлимда иккита ойболта билан чап ва ўнгдан ҳамла қилаётган сабзаворликларни ер тишлатмоқда эдим. Четин ва Қувнарбек бошлиқ жангчиларимиз ҳам бўш келмадилар. Ҳаммамизнинг мақсадимиз битта – фурсатдан фойдаланиб, шаҳарга ёпирилиб кириш эди.

Айни ўша пайтда менинг барча кучларим шарққа қаратилган эди. Ўнг қанот шаҳарнинг шимолий, сўл қанот эса *жанубий қисмининг қамраб – барчамиз биргаликда қалъанинг шарқий қисмида жойлашган иккита катта дарвоза томонга яқинлашиб бормоқда эдик. Сабзаворлик жангчилар қилич билан, биз эса ойболтада чопишар эдик. Душман жангчилари тутдек тўкилиб бормоқда эди. Биз уларни шаҳар дарвозасига эллик заръ (бир заръ – 104 см) масофа қолгунга қадар таъқиб этиб бордик. Шу пайт амирининг буйруғи билан дарвозалар беркилди. Ўшангача сабзаворликлар аёвсиз курашиб келаётганди. Укаси каби буларни ҳам тақдир измига топшириб, амир дарвозаларни ёпиб олгач, аскарларнинг жанговар руҳи тушиб кетди. Қалъадагилар дарвозани ёпгач, турган гапки, унинг ортида яна тош девор барпо этадилар. Агар биз бор кучимиз билан ҳаракат қилиб ташқарида қол-*

ган душман жангчиларини дарвозага сиқиб борсак, эҳтимол, тош девор қурилишига халал берамиз. Шуни режа қилиб турган эдим, чорасизликдан шалвираб қолган душман жангчилари қуролларини ташлаб таслим бўлишди. Бу ишимизни янада осонлаштирди. Биз дарвозага жуда яқин бордик, аммо дарвоза ортида тош деворни қалаб бўлишган эди. Ўша кеча бизнинг ҳамма нарсамиз ёниб кетди. Фақат отларимизга зиён-заҳмат етмади. Бундан ташқари, кечки жангда иштирок этган сабзаворликларнинг кўплари ўлиб кетди. Бир қисми ярадор аҳволда, бошқалари чорасизликдан бизга асир тушди. Эрталаб жароҳати оғир жангчиларни қатл этишга буйруқ бердим, чунки уларни сақлаш учун имкониятимиз йўқ эди. Енгил яраланган ва соғлом асирларини у-бу ишларга жалб этиб, қалъа ишғол этилганидан сўнг, тўлов эвазига озод қилиш мақсадида тирик қолдирдим.

Тонг ёришгач, бир сиқим кулга айланган чодирларимиз турган жойни, кечаги жангда ҳалок бўлган аскарларимнинг мурдасини кўриб ғазабим қайнади: Сабзаворни қўлга киритган куним, шаҳардагиларни битта қолдирмай қиличдан ўтказаман, – деб ўзимга-ўзим сўз бердим.

Кечки тўқнашувдан кейин мен саркардаларим олдига шаҳар деворлари оша ичкарига ёриб кириш ҳаракатларини ташкил этиш вазифасини қўйдим. Лекин бу иш жуда эҳтиёткорлик билан, кераксиз йўқотишларга йўл қўймаган ҳолда бажарилиши шарт эканини тайинладим. Аммо Нишопурда қўллаган усулимиз, яъни девор оша шаҳарни ишғол қилиш режаси бу ерда иш бермаслигини билар эдим. Чунки Али Сайфиддин Муъиданинг қўшини бунга йўл қўймайди. Бироқ самарасиз бўлса-да, бу усулни қўллаганим – душманнинг эътиборини асосий режамиздан чалғитиш учун эди.

Шубҳасиз, қалъа деворлари остида мунтазам тўқнашувлар, бақриқ-чақриқлар бўлиб турса, улар ер ости йўлаги қавланаётганидан беҳабар қоладилар: чўкич, белкурак ва бошқа асбобларнинг товуши эшитилмай туради.

Топширигимга кўра жангчиларимиз тўхтовсиз равишда қалъа деворларига ҳамла қилиб туришди. Ҳатто кечалари ҳам машғалалар ёруғида, ҳужумлар уюштириб, ҳимоячиларни саросима ҳолатида ушлаб турдилар. Бир неча доворак

жангчиларим мана шу жараёнларда девор ошиб, шаҳар ичкарисига киришди ҳам, аммо узоққа бормай душман ўқидан ҳалок бўлишди. Гарчи уринишлари зое кетган бўлса-да, қалъа ҳимоячиларини анчайин чалғитиб туришди. Бу вақтда бир гуруҳ аскарларимиз лаҳим кавлар, яна бир гуруҳи эса қўрхонада порох тайёрлаш билан машғул эди.

Порохнинг қароргоҳда эмас, Нишопурда тайёрланаётгани ҳам икки ваздан эди: биринчидан, бу иш ўта мураккаб ва хавфли бўлиб, ўта эҳтиёткорликни талаб этарди. Уни тайёрлаш чоғида порохли идиш портлаб, бир неча киши ўлган ҳоллар ҳам бўлган. Шунинг учун ҳам бу ишни тинч ва бежавотир жойда амалга оширган маъқул. Иккинчидан, бу ишни қароргоҳда амалга оширсак, Сабзавор амири хуфялари орқали бу сирдан воқиф бўлиши мумкин: «Сирни сендан бошқа яна биров билса, унинг сирлиги қолмайди!»

Эҳтимол, қишлоқ аҳолисининг ёрдамчи ишларга ёлланганлари орасидан кимдир амирга гап етказиб, бизнинг қилаётган ишларимиз ҳақида маълумотлар бериб тургандир. Балки у кўчма минора қурилаётганидан, ҳатто лаҳим кавланаётганидан ҳам хабар топиб улгургандир, аммо унинг порохли заряд ҳақида билишини сира-сира истамасдим. Чунки бу шаҳарни ишғол қилиш учун бисотимизда қолган сўнги имконимиз эди.

Мен одамларимни лаҳим кавлаш ишини тезроқ якунлашга шоширмақда эдим. Шароит менинг хоҳишим билан ҳамisha ҳисоблашавермайди. Шарқий ва жанубий йўналишдаги лаҳимлардан фарқли ўлароқ қолган иккита ер ости йўли қурилиши якунига етиши гумон эди. Чунки ғарбий йўналишдаги ер ости йўли ўпирилди. Бу ишга масъул бўлган жангчимни қаттиқ жазоладим. Бу бошқаларга ҳам сабоқ бўлиши керак. Мен берган топшириқлар бекаму кўст, заррача хатоликка йўл қўйилмаган тарзда бажарилиши шарт! Шимолий йўналишдаги лаҳим эса улкан тошга бориб тақалган. Уни на остидан, на ён-атрофидан айланиб ўтишнинг имкони бўлмагани туфайли ундан ҳам воз кечишга тўғри келди. Бу йўналишга масъул бўлган жангчим чўчиб турган экан: «Бунда сенинг айбим йўқ», – деб уни тинчлантирдим. Демак, бизнинг ҳисобимизда шимолий ва жанубий

томондан қалъа деворига бориб тақаладиган ер ости йўлак-лари қолди – шаҳарга ҳам ана ўша томондан кирамиз.

Ҳамма ишлар ниҳоясига етгач, ҳарбий бўлинма раҳбар-лари билан кенгашдим. Шаҳарга куннинг қайси қисмида ҳужум қилиш мақбул эканини маслаҳатлашдик. Кўпнинг фикри бир ердан чиқди. Ҳақиқатан ҳам Сабзавор катта шаҳар, боз устига биз унинг шарт-шароитлари билан та-ниш эмасмиз. Кечқурун ҳар қанча ёритқичларимиз бўлма-син, бегона ҳудудда жуда кўп чалғишлар, адашишлар рўй бериши мумкин. Кўплаб пистирмаларга дуч келиш эҳтимо-ли кўпроқ. Шунинг учун ҳам қалъага кундузи бостириб кир-ганимиз маъқул. Ҳамма жой кафтдек кўриниб туради. Ҳеч нима, ҳеч ким назардан қочмайди.

Лаҳим кавловчилар унинг сўнгида, шаҳар девори остида каттагина чуқур қазиган эканлар. Ҳар икки ўра ҳар бири юз Мовароуннаҳр мани миқдорида порох заряди билан тўлғизилди. Пилик тортилди. Энди унга фақат ўт қўйилса, бас. Қачон ўт қўйишни эса ҳарбий кенгаш ҳал қилади. Ҳар-бий кенгаш чақирилган куннинг эртаси, субҳи саҳар ҳужум вақти этиб белгиланди.

Айрим ёмон ниятда тайёрланадиган нарсаларнинг киши-га завқ бағишлайдиган фаройиб жиҳатлари борлигини би-лардим. Уларнинг намоишкорлиги ҳатто довьорак эрлар-нинг юракларини-да тўлқинлантириб юборади. Шунинг учун ҳам пилик ёқилган пайт сафед-муҳрэ (жанговар му-сиқа асбоби)ни қулоқни қоматга келтирадиган даражада ба-ланд қилиб чалишларини амр қилдим. Юсуф пайғамбар исроилийлар қабиласидан бўлган. Мусо пайғамбардан ке-йин Юсуф пайғамбар Хананс заминидаги Черихон шаҳри-ни ишғол қилганида худди шундай қилган экан. Хусусан, шаҳар устунлари қулаётган пайт жанговар мусиқа асбоби-ни чалдирган. Устунлар қулаганда қамалдагиларнинг юрак-лари қинидан чиққудек бўлган. Айнан шу асбобнинг тову-ши устунларни қулатди деб ишонганлар. Бир соат ўтмай таслим бўлишган.

Ҳарбий кенгашга йиғилган барча ҳарбий бўлинма бош-лиқларига шаҳар ишғол қилинганча қаршилиқ ҳаракатлари-ни аёвсиз бостиришларини, Ҳисомиддин Сабзаворий хона-

донида жон сақлаганларга тегинмасликни, худди шунингдек олимлар, шоирлар, ҳунарманд усталар ҳам жазодан мустасно эканини тайинладим.

Мен Ҳисомиддин Сабзаворий ҳақида кўп илиқ гапларни эшитган эдим. Бу беназир олим, шаҳар муфтиси, аммо муфтий сифатида эмас ўзининг илмий салоҳияти билан анчайин машҳур эди.

Эртаси куни эрталаб портловчи модданинг пиликлари ёқилди. Бир оздан сўнг қулоқни қоматга келтирувчи сур товуши янгради. Кўз юмиб-очгунча бўлмаё қалъанинг шарқий деворлари қулади. Ер ларзага келди. Порохнинг гумбурлаб портлаши ва деворларнинг қулашидаги даҳшатли манзарани тасвирлашга сўз ожиз.

Кейинчалик менга сўзлаб беришди. Модда портлаган чоғ шаҳар ичкарасидаги жуда кўп уйлар қулабди. Жуда кўп биноларнинг деворлари дарз кетибди. Бу табиий, чунки шу пайтгача биз бундай кўп миқдордаги порохли зарядни портлатмаган эдик. Менинг жангчиларим шиддат билан ичкарига отилдилар. У томондан, йиғи-сиғи, дод-фарёд кўтарилди. Мен аввалдан билган эдим. Худди айтганимдек барча қалъа ҳимоячилари шаҳарнинг шарқий ва жанубий ҳудудларига кўчиб келдилар. Натижада бошқа ҳудудлар ҳимоясиз қолди. Жангчиларимга шаҳарнинг ғарбий ва шимолий томонидаги деворлари оша шаҳарга киришни амр этдим. Шаҳарнинг тўрт томонида барпо этилган миноралар теласидан жангнинг боришини кузатдим. Воқеаларни бор бўйича кўра олмаётганим туфайли, шаҳар қалъаси девори устига чиқдим. Ичкарида ҳар қарич ер учун жанг бормоқда эди...

Шаҳар ҳимоячилари ўзларини аямай курашардилар. Аммо бизникилар уларни шаҳар маркази томон сиқиб борарди. Жангчиларимнинг юзи кўзларида ғалабага ишонч барқ урмоқда эди. Сабзавор ҳукмдори оиласидаги барча аёлларни ўлдириб, сўнг ўғли билан шаҳар ҳимоячилари сафига қўшилибди. Иккиси ҳам жангда мардларча ҳалок бўлибди. Бу хабар жанг итмомига етиб қолганидан, ғалаба муқаррар эканидан дарак берган эди. Бизнинг жарчиларимиз баланд овозда, барчага эшиттириб менинг фармонимни ет-

казарди: «Эй, Сабзавор аҳли, ким тирик қолишни истаса, Ҳисомиддин Сабзаворийнинг уйига ёки унга ёндош Мир масжидига борсин. Фақат ана шу жойлар дахлсиз!»

Мир масжидини дахлсиз ҳудуд деб, мен кейинроқ Ҳосомиддин Сабзаворийнинг уйи унчалик кенг эмаслигини, у омонлик истаган кўп одамни сиздира олмаслигини билгач, шундай қарорга келган эдим.

Эй, менинг сатрларимни ўқиб, жанглар суронини тинглаётганлар. Дахлсиз жой деб шиит Ҳосомиддин Сабзаворийнинг уйини белгилаганим учун мени койиманг. Ахир Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам Макка шаҳрини забт этганларида дахлсиз жой деб Абу Суфённинг уйини танлаган, жарчилар орқали буни ҳаммага билдирган эдилар. Ваҳоланки, Абу Суфён пайғамбаримизнинг ашаддий душмани, санамларга сажда қилган зот эди. Унинг билан қиёслаганда Сабзаворий шахс сифатида Абу Суфёндан устун, бу ҳар қалай яккахудолик тарафдори ва пайғамбаримиз (с.а.в.)ни Аллоҳнинг Расули деб тан олган.

Кечки ибодат пайтига келиб шаҳарда жанг суронлари тинди. Тирик қолганлар шошилиб, кимдир уйига, кимдир Сабзаворийнинг ҳовлиси ёки масжид томонга кетиб бормоқда эдилар. Кимлардир қуроолларини топшириб асир тушмоқда эди. Шундан кейин аскарларимнинг шаҳардан ўлжа олишларига рухсат бердим. Буйруғимга биноан ўша куни Ҳисомиддин Сабзаворийни шаҳар ташқарисидаги қароргоҳимга олиб келишди. Шайх келганида одамларим менинг кўчма масжидимни бўлақлардан яхлит ҳолга келтирмоқда эдилар. Мен унда шом намозини ўқимоқчи эдим. Шайх масжидга, айниқса гумбазларига суқланиб боқди, сўнг: «Нега уларнинг бириси қизил, иккинчиси яшил рангда?» – деб сўради. Яшил ранг Аллоҳнинг, қизил эса инсон қудратининг рамзи эканини айтдим.

Шайх Ҳисомиддин кексайиб қолган, узун оппоқ соқоли қолатига салобат бахш этиб турган киши эди. У: «Эй, Мовароуннаҳр ҳукмдори, сен бугун менга беқиёс ҳурмат ва эҳтиром кўрсатдинг. Менинг уйимни дахлсиз жой деб эълон қилдинг. Унда ўтирганлар омонлик топдилар. Мана шу олижаноблигинг мени сендан яна бир нарсани илтимос қилишга

ундаяпти. Сен ғалаба қозондинг. Шаҳар аҳолисининг аксари жангда ҳалок бўлди. Энди уларнинг мол-мулкларига дахл қилма!» – деб менга мурожаат этди.

Мен ҳурмат ва эҳтиром ила унинг илтимосини рад этдим: «Эй, шайх, жангда фақат Сабзавор шаҳри талофат кўрмади. Ўлган фақат сабзаворликлар эмас. Мен ҳам бу жангда минг-минглаб жангчиларимдан жудо бўлдим. Уларнинг хуни учун товон олмасам бўлмайди – шу боис сенинг илтимосингни қабул қила олмайман, узр!» – дедим.

Шу пайт муаззин азон айтишга чоғланмоқда, қуёш эса энг сўнги нурларини сарфлаб, ботмоқда эди. Мен шайх Ҳисомиддинни намоз ўқиш учун масжидга таклиф қилдим. У унамади: «Сен ўз масжидингда ўз намозингни ўқийвер, эй амир, мен эсам шу ерда ўқийман», – деди у.

«Масжид меники эмас – Аллоҳнинг уйи», дея унинг гапига тузатиш киритдим. Шайх ибодат таралдудида эди. Шунинг учун бошқа бир сўз демади. Чўнтагидан ниманидир олиб ерга қўйди ва азон айтилишини кута бошлади.

«Сен ҳозир ерга олиб қўйганинг нима?» – сўрадим ундан. «Бу муҳр, ҳар гал Аллоҳга сажда қилганимизда пешонамизни унга теккизамиз», – деди у. Мен ундан нима учун бундай қилинишини сўраганимда эса, у шундай қилинганида сажда жойи тозалигига ишонч ҳосил қилинади, деб жавоб қайтарди. Мен унга эътирозимни айтдим: «Агар шундай бўлса, сенга битта эмас, еттита муҳр керак!»

– Нега еттита? – ажабланди шайх.

Унга жавоб қилдим: «Негаки соф ислом арконларида айтилишича, Аллоҳга сажда қилган чоғ ернинг етти қисми тозаланади, яъни айни шу ҳолатда танамизининг етти аъзоси теккан жойлар. Бу икки қўл ва оёқ панжалари, иккала тизза ва пешона – тўғрими?»

У буни тасдиқлади. Мен эсам уни яна саволга тутдим: «Башарти нега фақат пешонага муҳр тегизилади? Мантиқан олиб қараганда, саждагоҳ ерга тегадиган ҳар етти аъзо муҳрга тегиши керак эмасми?»

Шайх жавоб қилмади. Шу асно муаззин азон айтди. Намоздан сўнг шайх билан узилиб қолган баҳсни давом эттирдим: «Эй, шайх, шайтон ким?»

Шайх бу саволга ҳам юзаки жавоб билан кифояланди: «Эй амир, шайтон фаришта эди, Аллоҳ уни ўз ёнидан қувди. Ўша вақтдан бошлаб ҳозиргача, ҳозирдан қиёматга қадар у Аллоҳнинг бандаларини ҳақ йўлидан чалғитиш билан шуғулланади», – дея ўз фикрини ифода этди у. «Шайтонга берилган шу таъриф сени қониқтирадимми?» – деб сўрадим ундан. У «ҳа»деб жавоб қайтарди. Мен бу борада бошқача фикрда эканимни айтдим: «Сен каби билимдон ва олим одам шайтонни бу тарзда таърифламаслигинг лозим. Бу таъриф авом учун – шайтонни тасаввур қилиши осон кечиши учун содалаштирилган талқин бу. Хоҳлаган бир одамдан сўра, у айнан сен айтган гапларни такрорлайди: шайтонни моддий, бор деб билади. Ҳар хил қиёфада тасаввур этади. Уларнинг наздида шайтон пистирмада туриб, гўё одамларни йўлдан уриш билан шуғулланади ва ҳоказо...

Аслида эса шайтон бу – бошвоқсиз эҳтирос, бирор-бир нарсага керагидан ортиқча майл. У ҳар бир инсоннинг табиатида мавжуд. Сирасини айтганда, ҳар биримизнинг борлигимизда иккита куч иштирок этади. Бириси Раҳмоний – Худодан ва иккинчиси шайтоний: у одамларни кайф берувчи нарсаларга тортадиган, қиморга майл уйғотадиган ва бошқа таъқиқланган нарсаларга ҳавасини қўзғатадиган куч. Шунинг учун ҳам таҳорат, намоз, рўза, никоҳ ва бошқа фарз амаллар кашф этилганки, токи одамлар ҳам руҳан, ҳам жисмонан, ҳам маънан ва ахлоқан тоза юрсинлар. Токи уларнинг зарарли одатларга вақтлари қолмасин. Агар билсанг, оламнинг барҳақлиги мана шундай кучларнинг мавжудлигида. Улар бордан йўқ, йўқдан бор бўлмайдилар, камаймайдилар ва кўпаймайдилар. Биз инсонмиз – заминнинг сарвари, коинот гултожи. Агар тоза юрсак, барча кучларни бошқара оламиз. Аллоҳ шунинг тарафдори. Ўзимиздан пайғамбар чиқариб, ваҳий юборгани ҳам шундан. Унинг талаби битта: бўйсуниш ёки бўйсунмаслик – ихтиёрий. Шундай қилиб, ким сидқидилдан ибодат қилса, рўза тутса, гуноҳ ишлардан тийилса покланади. Гуноҳ ишлар, бузғунчи хатти-ҳаракатлар эса унинг тозалик ҳолатига путур етказади. Аллоҳ менинг, сенинг ёки бошқа бировнинг намоз ўқишимизга зигирча эҳтиёж сезмайди. Бунинг унга заррача

аҳамияти йўқ. У бу нарсани ҳар лаҳза, ҳар дақиқа гуноҳ йўлига кириб кетишга тайёр эканимиз ҳақидаги хаёлга берилишдан асраш учун яратди».

Шайх Ҳисомиддин фикрларимни обдан тинглаб:

– Эй амир, тан олдим сен илмли кишисан ва шу қадар кўп нарса биласанки, сени тинглаб туриб, ҳеч нарса билмаслигимни англадим, – деди чин кўнгилдан.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

ЖАНУБИЙ ХУРОСОНГА ЮРИШ

Хуллас, Хуросондаги ўта қудратли душманам Али Сайфиддин Муъида – Сабзавор ҳукмдорини йўлимдан батамом олиб ташладим. Ундан кейин бу ўлкада мен билан беллашадиган бошқа бир зўр қолмади. Бироқ Хуросоннинг жанубида бир қанча амирлар бор эдики, эшитишимча ҳар бирининг ўз қўшини бор эмиш. Мен уларни ўзимга бўйсундириш ҳақида ўйлай бошладим. Сабзаворнинг харобага айлантирилиши ва аҳолисининг қатли ом қилингани ҳақидаги хабарлар бутун Хуросонга ёйилган ва ўйлагандимки, эси бор амир бундан керакли хулосани чиқариши лозим. Бинобарин, мен Жанубий Хуросонда шартшароит қандай экани ҳақида маълумотга эга бўлишим керак – ўшанда жанговар сафаримни жанубга томон давом эттирсам бўлади. Бироқ бу ишни ҳозир бир муддат кечиктириб туришга, ўғлим Шайх Умар қўшини билан келиб, сафимизга қўшилганидан кейин сафар тараддудини қилишга аҳд қилдим. Хабарингиз бор, ўғлим Жаҳонгирни Шайх Умарни излаб топиш учун жўнатган эдим. Шайх Умар топилиб келгач, маълум бўлдики, туркман қабилалари билан бўлган тўқнашувларда у қўшинининг ярмидан ажралибди.

Шайх Умар туркманлар ҳудудига кирган кунидан то уни тарк этгунга қадар, туркманлар ўзларининг тезчопар отларида кечки босқинлар уюштириб, роса тинкасини қуритганлигини сўзлаб берди. Оқибатда Шайх Умар жуда катта

талофат кўрган. У менга, агар қудратли ҳукмдор бўлишни хоҳласам, биринчи галда туркманларнинг эсини киритиб қўйишим кераклигини таъкидлади ва унга жавобан: «Албатта, шундай қиламан!» – дедим.

Шайх Умар туркманлар Нишопур, Сабзавор ва Хуросоннинг бошқа шаҳарлари аҳолисига сира ўхшамаслигини, бинобарин шаҳарларда яшамаслигини, шу сабаб уларни енгиш осон кечмаслигини сўзлади: «Улар хавф сезилди дегунча бўлмай, зумда жойларини ўзгартиришади. Отлари ҳам жуда бардошли – улар бир кечада йигирма фарсанг масофани босиб ўтишади».

Шайх Умарнинг катта талафот кўргани боис юраги қайнаётгани сўзларидан ҳам англашилиб турарди. Мен унга айни шу дамда таскин, тасалли бера олмасам ҳам бир озгина тинчлантиришга уриндим: «Ўғлим, узоқ масофаларни кечишда биз улардан устунмиз. Чунки улар оилалари, болабақралари билан сафар қилишади. Биз эса хотинларимизни олиб юрмаймиз, шунинг учун бу борада ноқулайлик сезмаймиз», – дедим.

Шайх Умар қизиққонлик билан мени ҳозирнинг ўзида туркманларга қарши қўшин тортишга ундамоқда эди. Уни тушунса бўлади, у туркман чўлларида тутдек тўкилган сафдошлари учун қасос олиш истагида эди. Бироқ ҳар нарсанинг ўз вақти бор. Унга ётиғи билан тушунтирдим: «Аввал Жанубий Хуросон, ундан сўнг туркманлар билан ҳисоб-китоб қиламиз».

Шайх Умарни Хуросон шимолида қолдириб, ўзим ўттиз минг кишилик қўшин билан жанубга томон йўл олдим. Сабзавордан Хуросоннинг жанубига – Каъин шаҳрига олиб борадиган тўғри йўл бор эди. Бироқ бу йўл машаққатли ва хатарли бўлиб, у чўлни кесиб ўтарди – энг катта муаммо сувсизлик эди. Чўлнинг яна бир жойида Эф зотли мингминглаб илонлар макони бор. Дунёнинг бошқа бир жойида бу қадар кўп илонлар бижғиган ҳудуд бўлмаса керак. Саҳронинг шундоққина ёнида тоғли ҳудуд ястанган. Унинг ёриқларида сон-саноқсиз кобралар ўрмалаб юрганини кўришингиз мумкин. Айтишларича, вақти-вақти билан эфлар ва кобралар ўртасида аёвсиз тўқнашувлар содир бўлиб турар эмиш.

Кўрган, кузатган кишиларнинг шаҳодат беришича, илонлар жанги юракни ўртагудек бўлармиш.

Агар илонларни мустасно қилганда ҳам бу йўлдан юриш, машаққатлардан холи эмасди. Чунки кета-кетиш қип-қизил яйдоқ чўл, бу саҳрода на сув ғамлашнинг, на отлар учун емхашак жамғаришнинг имкони бор. Шунинг учун ҳам мен Тусдан Гунободга, ундан Каъинга олиб борадиган йўлни танладим. Бу йўлда аҳоли турар жойлари кўп эканини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳеч қайси бир масалада муаммо туғилмаслиги аён.

Мен Жаҳонгирни минг кишилик бўлинма билан олдинроқ жўнатиб, унинг зиммасига отларимиз учун етарли қуруқ хашак жамғариш вазифасини юкладим. Бироқ минг киши бундай катта иш учун оз – буни билардим. Жаҳонгир бу минг кишини кези келганда беш қисмга, зарурат туғилса йигирма бўлакка ажратиб, қишлоқларга тарқатиб юборишга мажбур бўлишидан ҳам хабарим бор эди. Шундай қилмаса таъминот масаласини ташкил этиб бўлмайди. Уларнинг зиммасида озуқа топиш, уни жамғаришдан кўра ҳам муҳимроқ вазифалар бор. Улар жамғарилган озуқаларни йўл бўйлаб омбуллар ташкил этиб, жойлаштиришлари ва уни сақлаш ишларини ҳам ташкил этишлари лозим бўлади. Шунинг учун ҳам урушнинг юраги – таъминот деган ибора бор. Шундай чора-тадбирлар белгиланмаса, қўшин узоқ сафарга дош бера олмайди. Жангчилар очликдан заифлашадилар, отларнинг силласи қуриydi ва ҳоказо ва ҳоказо...

Мен Тусдан жанубга томон йўл олганимда, ҳаво бир оз совуқ эди. Ёзнинг охириги ойи бошланди. Биз «Вилоят-и Маҳ»* деган жойга етиб бордик.

Уша поёнсиз чўлларда қовун етиштиришар экан. Қайси томонга қарама, ҳамма ёқ экинзор. Менга қовун олиб келишди, эътибор берсам мағзи қип-қизил, худди тарвузнинг мағзига ўхшарди. Хуштаъм, бироқ таъм ва ҳид борасида

* Вилоят-и Маҳ – Маҳ вилояти ёки Маҳвиат бўлса керак. Бу жой ҳозир ҳам йирик вилоятлардан бири Торбети Ҳайдариядан жанубда жойлашган. У ўзининг подиз маҳсулотлари билан машҳур.

Самарқанд қовунларига тенглаша олмасди. Вилоят-и Маҳ аҳолиси юзининг ранги ва тўлалиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Бунинг сабаби шуки, улар қовун нима эканини англаган кунларидан бери, фақат қовун ейишар экан. Бошқа ҳеч қанақа овқатни тановул қилмас эканлар. Кечаю кундуз, токи совуқ тушмагунга қадар қовун уларнинг ягона озуқаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолган.

Бу ердан ўтиб Буджестон деган шаҳарга етдик. Шаҳар амири фарзандлари, ака-укалари билан мени муносиб қаршилаш учун истиқболимга пешвоз чиқди. Уйига таклиф қилди. Таомларидан татиб кўришимни сўради. Сўнг: «Мен сенинг жанговар жасоратинг ҳақида эшитгандим. Ўзингни кўришга зўр иштиёқим бор эди. Бироқ ёшим ўтинқираб қолгани боис, сени кўрмай бу дунёдан ўтиб кетаман деб ўйлагандим. Ўлимим олдидан дийдорингни кўрдим – энди армоним қолмади!» – деди.

Овқатдан олдин хонага бир неча патнисда анор олиб киришди. Буджестон амири меҳмоннавозлик қилиб лутф этди: «Амирим, бу жойларда анор сероб. Бизда таом олдидан иштаҳа учун анор шарбати ичиш расм бўлган», – деди ва ўз қўллари билан бир неча анорни сиқиб, лимо-лим бўлган жомни менга узатди. Ундан бир қултум ҳўплаб маза қилдим. Жуда хуштаъм экан – бунақасини ҳали татиб кўрмаган эдим. Буджестон амири бу ернинг анорларига хос бўлган яна бир хусусиятни сўзлаб берди: «Дунёнинг бошқа бир жойида бунинг каби анор йўқ, – деди у яна бир анорнинг пўстини арча туриб. Сўнг анорни менга тутди. – Эй, Амир Темур, бизнинг анорларимиз доналари данаксиз – шунақасини кўрганмисан?» – деб сўради.

Мен анор доналарини ситиб, оғзимга солиб чайнаб кўрдим – ҳақиқатан ҳам улар данаксиз эди.

Овқатдан кейин бир ҳолга эътибор бердим. Буджестон амири унчалик бой эмаскан, кейинги пайтларда эса яна ҳам юпунлашиб қолган экан. Шу сабаб мен унга икки минг динор ҳадя қилдим. Кетишимда у мени жуда узоқ масофагача, фарзандлари ва ака-укалари билан кузатиб қўйди.

Бир неча кун йўл юриб, ниҳоят Башаруй шаҳрига етдик. Бу шаҳарнинг таърифини аввалкўп эшитганман. Уни кўпдан кўриш

орзусида эдим. Ўша куни орзуимдаги шаҳар билан юзма-юз турардим – шукр! Хаёлимда бир фикр чарх урарди: «Бу шаҳарнинг барча фуқаролари олим эмиш – шу гап ростмикин?»

Шаҳар остонасига етганимда, қаршимдан келаётган одамларга кўзим тушди: барчаси пою пиёда келишмоқда эди. Маълум бўлдики, уларнинг барчаси ўша шаҳар фуқаролари, тўғрироғи шаҳарнинг юқори доира вакиллари бўлиб, мени қаршилаб чиқишган экан.

Бироқ у кишилар яқинлашгач, уларнинг юқори доирага алоқалари йўқлиги аён бўлди. Улар шу туришда кўпроқ деҳқонларга ўхшаб кетарди. Эгниларидаги камзуллари қалин қўпол матодан, ранги яшил эди. Ҳаво совуқ бўлишига қарамай, камзул устидан биргина жун нимча кийишганди, холос. Ҳаммасининг бошида хуросонликларнинг ягона бош кийими – дастор. Улар тўғри келиб менинг қаршимга тўхташди ва улардан бири, кўринишидан улардан энг каттаси мана бу мазмундаги шеърни ўқиди:

*«Эй, Амир Темури, қуёш, ой ва коншотинг сарвари,
Сенинг амринг бўлмаса, улар жойидан жилмас.
Хуш келибсан Башаруйга, биз шаҳарнинг одамлари,
Боримизни бағишлаб сени меҳмон қиламиз!..»*

У шеърини тугатгач, ундан: «Бу шаҳарнинг амири ким?» – деб сўрадим. Қария бу шаҳарда амир йўқлигини айтди. Мен таажжубландим: «Шундай ҳам бўлиши мумкинми, шаҳарда амир бўлмаса, тартиб ва хавфсизлик ишларига ким масъул? Ёки шариат аҳкомларига ва дунёвий қонун-қоидаларга риоя этилишини ким назорат қилади?» Қария деди: «Эй, улуғ ҳукмдор! Бизнинг шаҳримизда ҳақиқатан ҳам амир йўқ, ҳеч қачон бўлмаган ҳам. Шариат қонунларига риоя этишга ҳам, дунёвий масалаларни ечишга ҳам ўзимиз масъулмиз!»

– Мен сизнинг юртингиз ҳақида кўп ажабтовур суҳбатларни эшитган эдим, бироқ энг ажабланарлиси сизларнинг амирсиз юртда яшаётганингиз, – дедим уларга.

– Эй, улуғ ҳукмдор, шундай бўлса ҳам, юртимизга марҳабо! Амирсиз яшаётган халқимизнинг турмушини бир кўр!

– деб у мени шаҳарга таклиф этди. Башаруйга қадам босар эканман, шаҳар дарвозасининг бошқа дарвозалардан анчайин энли экани эътиборимни тортди. Ҳатто Самарқандда ҳам шаҳар дарвозаси бу қадар энли эмас эди. Биз бораётган йўлнинг икки чеккасида қандайдир юмуш билан машғул одамларни учратдим: уларнинг қўлларида тўрва, ундан ниманидир олишар, иккига ажратиб бир қисмини ўнг ва бир қисмини чап чўнтақларига солишарди – бу жараён худди шу тахлит узлуксиз давом этмоқда эди.

Мен бу қишлоқнинг энг кексаси, шаҳар бўйлаб менга ҳамроҳлик қилаётган кишидан, бу одамлар қандай машғулот билан банд эканликларини сўрадим. Қария жавоб қилди: «Эй, Амир, одамларнинг қўлидаги тўрвада эчкининг жуни бор. Улар жун билан момиқни ажратишади. Жундан гилам ва шол, момиқдан эса мато тўқилади».

– Нега сизлар қўй жунидан фойдаланмайсизлар? – деб сўрадим ундан.

– Чунки бизда қўй боқиш учун ўтлоқлар йўқ, – деб жавоб қилди у саволимга. – Шунинг учун эчки боқиш биз учун ҳам қулай, ҳам фойдали. Чунки эчки қўйдек нозик эмас, қуруқ хашак, бута билан ҳам кифояланади. Ундан жун ва сут оламиз.

Шундан сўнг мен ниҳоят ҳамроҳимнинг исми-шарифини сўрадим. У ўзини Ҳасан бин Исҳоқ деб таништирди. Унинг шаҳарда қандай вазифада экани билан қизиқдим. У шу шаҳарнинг имоми эканини, ибодат маҳали пешнамоз бўлишини, фуқаролар ўртасида чиқиб турадиган майда-чуйда келишмовчиликларга ҳакамлик қилишини сўзлаб берди.

Шу орада биз мўъжазгина тўқув устахонасига яқинлашдик. Унда тўрт нафар эркак мато тўқиш билан банд эди. Ҳасан бин Исҳоқ менга деди: «Эй, Амир, сен йўлда кўрганнинг, жундан ажратилаётган момиқдан биз мана шу жойда мато тўқиймиз, матомизнинг номи – «Барак».

Шундан сўнг у бир тўп мато олиб келишларини сўради. Уни менга кўрсатмоқчи эди. Ҳақиқатан ҳам бу мато майинлиги билан ҳам, нафислиги билан ҳам, ўша пайтлари Самарқанд бозорларини босиб кетган Хитой матоларидан устун эканига амин бўлдим. Мен мана шундай бир тўп мато

қанча баҳоланишини сўрадим. У бир тўп матонинг баҳоси ярим динор эканини айтди – жуда ҳам арзон экан.

Устахонани тарк эта туриб, ҳамёнимдан бир неча донна тилла танга олиб, уни тўқувчиларга ҳада қилмоқчи бўлдим. Бироқ улар менинг ҳимматимни рад этиб, муруватимни олишни исташмади. Аксинча: «Эй Амир, – дейишди улар таъзим бажо келтириб, – биз ўз меҳнатимиз билан ҳалол тирикчилик қиламиз – ортиқ ҳеч нарсага заруратимиз йўқ. Сенинг инъомингни олмаганимиз, ундан-да катта инъомни олиб бўлганимиздандир. Сен билан юзма-юз кўришишлик, сен каби дунёга машҳур инсоннинг дийдоридан баҳраманд бўлиш – ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Шунинг ўзи Аллоҳнинг бизга қилган марҳамати, инъоми эмасми?»

Устахонадан чиқиб, бир неча қадам босгач, бир дўконга рўбарў келдик. Аёл киши нимадир харид қилмоқда экан. Сотувчи эса тарозига қўл тегизишдан олдин, бир оятни ўқиганини эшитдим: «Вайлу-л-лилмутаффифин ал-лазийна изакталу ала-н-носи йаставфун».

Бу ҳолдан ҳайратландим. Қуръоннинг «Ал-мутаффифин» сурасидаги бир оятни ўқиган эди у. Арабий сўзларни талаффуз этишидан билдимки, у Қуръонни яхши билади. Оддий бир сотувчи, қанчалар зиёлий! Савдо тугаб, аёлнинг дўкондан узоқлашишини кутиб турдик. Кейин бориб дўкончини гапга тутдим: «Эй, одам, сен ҳозиргина ўқиганинг, оятнинг мазмунини биласанми?» У саволимни тасдиқлагач, яна сўрадим: «Вайлу-л-лилмутаффифин» калимасининг маъносини айт-чи». У: «Бунинг маъноси, ўлчов ва тарозидан уриб қолувчи кимсаларга ҳалокат бўлмай», – деди. Мен оятнинг бошқа бир калимасини ўқидим ва «Ал-лазийна изакталу ала-н-носи йаставфун» калимасининг мазмунини сўрадим.

Дўкон сотувчиси жавоб қилди: «Бу биринчи оятда келтирилган фикрни тўлдириб келади. Яъни «Улар одамлардан (бирон нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларда эса кам қилиб берадиган кимсалардир», бироқ...»

– Бироқ деб нимани назарда тутаяпсан?

«Бундан кейин Қуръонда яна бир оят борки, у аввалги оятлар мазмунини тўлдиради, – деди ва ўша оятни ўқиб

мазмунини тушунтириб берди. – Ва иза колухум ав вазанухум йуксирун» – бунинг маъноси шундай: «Ким харид қилишда ўлчов жоми ёки тарози палласини тўлдириб олгани ҳолда, аксинча, сотишда ўзгаларга кам сотишга уринса, яъни ўлчов жоми ёки тарозига керагича мол қўймаса, ўлчашда харидор ҳақиға хиёнат қилган бўлади». Қуръоннинг ана шу уч оятини қўшиб ўқиган киши, унинг маъносини тўлиқ англайди», – деди.

Мен унинг билимдонлигидан ҳайратландим: «Эй меҳрибон одам, агар болалигимда менга Қуръонни ўргатган муаллим, оятлар мазмунини сен каби тушунтириб бера олганида эди!» – дедим. Кейин сўрадим: «Нега бу оятларни айнаи ўша дамда ўқидинг?» У жавоб қилди: «Эй амирлар амири, ўша дамда тарозида мол ўлчашга киришаётган эдим. Шундан шу оятларни ўқиб, Аллоҳ ҳар бир хатти-ҳаракатимни кузатиб турганини, бировнинг ҳақиға хиёнат қилиб, тарозидан уриб қолиш гуноҳи азим эканини ўзимга-ўзим эслатдим», – деди.

Дўкондан чиқиб, бир уйга келиб кирдик. Бу уй менинг шаҳарга келишим муносабати билан махсус ҳозирланган экан. Шу кез кечки намозга азон айтаётган муаззиннинг овози эшитилди. Шунда Ҳасан ибн Исҳоқ мендан кетишга изн сўради: «Эй Амир, изн берсангиз, мен масжидга бориб, қайтсам. Келгач яна хизматингизда бўламан». Унга: «Мен ҳам намоз ўқийман, уни бугун сизлар билан масжидда ўқисам яхши бўларди», – дедим. «Унда кетдик», деди у мени шошилтириб, намозга кечикмаслик учун.

Оқсоқол билан бошлашиб кўчага чиқдик. Дўкондорлар коржомаларини ечиб, янги уст-бош кийишиб, масжидга отланганларини кўрдим. Шунингдек, бирорта ҳам дўкон беркигилмаганига, эшиклари очиқ ҳолатда қолдирилганига эътибор қаратдим. Дўкондорларнинг биридан кийимларини нега алмаштирганини сўрадим. У менга жавобан «Аъроф» сурасидаги қуйидаги оятни ўқиди: «Йа Бани Одама ҳузу зийна-такум инда кулли масжидин ва кулу ва ашрабу ва ло тусрифуннаҳу ло йухиббу-л-мусрифин» (7 сура, 31 оят).

Мен шу пайтга қадар ўзимни Қуръон ва унинг маъномазмунини теран билган ҳофизлардан бири деб ҳисоблар

эдим. Кўрдимки, бу ерда ҳамма ҳофиз экан. Кўрганларим, эшитганларимни яна бир бор тасдиқлаш учун, дўкончи йи-гитдан ҳозир ўқиган оятининг мазмунини сўрадим. У били-шини амалда исботлади: «Аллоҳ айтади: «Эй Одам болала-ри, ҳар бир сажда чоғида зийнатланингиз (яъни, тоза ли-босда бўлингизлар) ҳамда (хоҳлаганингизча) еб-ичаверинг-лар, фақат исроф қилманглар. Зотан, У исроф қилувчи ким-саларни севмас». Шунинг учун ҳам биз масжидга бора ту-риб, энг тоза кийимларимизни киямиз, ахир намоз вақти Аллоҳ билан юзма-юз бўламиз-ку!»

Ҳамсуҳбатимга ташаккур айтдим. Шу кез ўзимнинг узоқ йўл босиб келиб, ҳали либосларимни алмаштиришга улгур-маганим ёдимга тушди. Шу боис оқсоқолга узримни айтиб, ўзим учун ҳозирланган уйга қайтдим. Кийимларимни ал-маштириб, намозимни шу ерда адо этдим.

Шундан сўнг яна ташқарига чиқдим. Шаҳар аҳли билан кўп мулоқот қилгим келарди. Бунга ҳайрон бўлманг, мен ҳам кўп уламоларнинг, мадраса кўрган, умрини тақво би-лан ўтказиб келаётган кишиларнинг даврасида ўтирганман. Бироқ Қуръон оятлари ва унинг мазмун-моҳияти ҳақида оддий одамлар билан қилаётган мулоқотим, уларнинг ула-молар даражасида, айрим ҳолларда улардан ҳам яхшироқ Қуръон оятларини тафсир қилаётганлари мени росмана мафтун қилганди.

Яна бир дўкон қаршисида тўхтадим. Чунки сотувчиси бир оятни ўқиётганди: «Ва авфу-л-тайфа иза килтум вазину бил-қистаси-л-мустақим» («Ал-исро» сураси, 35 оят).

Ҳайратимни яшира олмай сотувчидан сўрадим: «Шу оят-нинг маъносини айтиб бер!» У маҳтал қилмади: «Ўртала-рингиздаги олди-берди, савдо-сотикдан бирон нарсани ўлча-ган вақтларингизда ўлчовни тўла-тўкис қилинглари».

Сирасини айтганда, шаҳарнинг барча савдо дўконлари-да худди шу манзарани учратиш мумкин эди. Дўкон сотув-чилари тарозида мол ўлчаётганида, албатта, бирор-бир оят-ни ўқир, бу оят эса савдонинг ҳалоллиги, унинг қоидалари-га риоя этиш зарурлиги ҳақида бўларди.

Эътиборимни тортган яна бир жиҳати, бу шаҳарнинг аҳолиси ибодат, таомланиш ва ухлашдан бошқа вақтларда,

албатта, нима иш биландир машғул эди. Бекорчи одамни учратмадим. Муқим иш жойи йўқлар эса, эчки жуни ва момигини ажратиш билан машғул эканлар. Уни нима қилишларини юқорида кўрдик.

Ҳасан ибн Исҳоқ кейинчалик менга Башаруйнинг ибрат олса арзирлик яна бир қатор хусусиятлари ҳақида ҳам сўзлаб берди. Айтишича, Башаруй деган жой пайдо бўлганидан шу кунга қадар шаҳарда бирор марта ҳам ўғирлик ҳодисаси рўй бермаган эмиш. Бирор-бир одамнинг иккинчисига дўқ ургани ёки бирор-бир эркакнинг хотини билан ажрагани кузатилмаган. Катта ёшли кишиларнинг шаҳодат беришлари-ча, муқаддам ҳам юқоридагига ўхшаш ва мерос талашиб бир-бири билан низолашиш ҳодисалари Башаруйда рўй бермаган. Биров-биرونинг мулкига дахл қилган ҳоллар учрамайди. Бу шаҳарда ҳеч қачон кечки қоровуллар бўлмаган. Қозихона, қамоқхона деган тушунчалар бу одамларга ёт. Томонлар ўртасида бирор-бир муаммо чиқса, одамлар Ҳасан ибн Исҳоққа мурожаат қилишар, у ўртада туриб масалага адолатли ечим топар экан.

Қўшинни жангга тайёрлаш ва сафар тараддуди, шунингдек, қишнинг яқинлашаётгани мени Башаруйда ортиқ қола олмаслигимни эслатиб, унинг суҳбатижонон одамлари билан хайр-маъзур қилишга ундамоқда эди. Башаруйда кечган дамларим мен учун бир умрлик сабоқ мактаби бўлди: бу шаҳарда мен бир ҳақиқатни англадим, яъни илм ва ҳикмат ўрганиш учун, албатта, инсоннинг мударрис бўлиши, мактаб ёки мадраса муаллими ёки мен сингари ҳукмдор бўлиши шарт эмас экан. Аксинча, иштиёқ бўлса, ирода ва қатъият бўлса, деҳқон ёки чорвадор бўла туриб ҳам, олимликни касб этиш мумкин экан. Ахир амал, даража ёки бисоти одамнинг комиллигини билдирмайди-ку! Башаруйда мен мана шу ҳақиқат билан юз кўришдим.

Башаруйдан кетишим олдидан мен янги фармон чиқардим, унда токи мен ва менинг авлодларим салтанат тутар экан, Башаруй аҳолиси солиқларга тортилмаслигини қатъий қилиб белгиладим. Ўша кезлари айрим шаҳарларга унвон берилиб, «Дор ул-улум» (илм доруғаси) ёки «Дор ул-омон» (тинчлик ва осийишталик доруғаси) сингари номлар

билан аталар эди. Мен башаруйга «Дор ул-улум ва ул-омон» деган унвон бердим. Ва белгилаб қўйдимки, менинг давомчиларим ҳеч қачон бу шаҳарга жанговар юриш қилмасинлар. Хайрлаша туриб Ҳасан ибн Исҳоққа от совға қилмоқчи эдим, яна унамади: «Эй Амир, бу шаҳарнинг одамлари фақат эшак минишади. Мен улардан ажралиб отда юрсам бўлмас», – деган пурмаъно сўзлар билан совғамни олишдан бош тортди.

Ҳасан бин Исҳоқнинг ўзи ҳам деҳқончилик, экин билан шуғулланар, эрталаблари бел курагини елкасига ташлаб шаҳар ташқарисидаги экинзорига борар, пешин намозига яқин шаҳарга қайтар экан. Тушликдан сўнг яна хўжалигига йўл оларди. Бу шаҳарнинг одамлари болаликдан Қуръон асосида ўқиш, ёзишни ўрганишади. Ҳатто аёллар ҳам бу борада эрларидан қолишмас экан.

Бу ерда ўзим учун янгилик бўлган яна бир қатор нарсаларни кўрдим. Масалан, чўл ўсимлиги илдизидан олинадиган «кутера» ва «нагузе» деган моддалар. Ҳар иккала модалага алоҳида аҳамият берилади.

Мен учун янгилик бўлган яна бир нарса – аллақандай қора тусли мой бўлиб, унинг ҳиди аччиқ, димоқни ёргудек эди. Ёқилғи вазифасини ўтовчи бу қора мойни Башаруйдан ғарбга томон йигирма фарсанг йўл босиб бориб олиб келишар экан. Менга ёғсимон бу суюқлик чўлда ернинг қаъридан отилиб чиқаётганини, худди ирмоқ бўлиб чўл узра оқиб ётганини айтишди. Жизғанақ этгувчи қуёшнинг тафтида унинг ҳиди узоқ-узоқларга таралиб турар эмиш.

Башаруйни тарк этиб Каъин шаҳрига қараб йўл олдим. У ернинг амиридан яхшилик кутиб бўлмасди. Менга нисбатан душманлик кайфиятида эди. Унинг охир-оқибат менга бўйсунушига ишонч ҳосил қилиш истагида эдим. Башаруйдан чиққанимиздан уч кун ўтиб кучли шамол бошланди. Билдимки, бу кузнинг бошланганидан дарак берарди. Шамол бир оздан сўнг қум бўронига айланди. Ҳеч нарсани кўриб бўлмади қолди. Мен ҳаттоки ўз отимнинг бўйинини ҳам илғай олмадим. Тўхташдан ўзга чорамиз қолмаган эди.

ЎНИНЧИ БОБ

ЗОБУЛИСТОН

Хабарингиз бор, ўғлим Жаҳонгирни озуқа ва ем-хашак жамғариш учун олдиндан минг кишилик бўлинма билан сафарга жўнатган эдим. У маҳаллий аҳоли вакилларидан икки-уч кишини ёллаб, улар билан қишлоқма-қишлоқ юриб, таъминот масалалари билан шуғулланарди. Йўл бошловчи кишилар уларга нафақат йўл кўрсатар, балки озиқ-овқат маҳсулотлари ва ем-хашакни қаердан арзон баҳода олиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериб ҳам туришган. Шу дамга қадар Жаҳонгир билан ўртамизда алоқа бор эди: ундан менга ва мендан унинг ёнига чопар қатнаб турган эди.

Бироқ қум бўронлари тиниб, ҳамма ёқ яна одатдагидек равшан бўлгач Жаҳонгирдан хабар келмай қолди. Тўхтаган жойимизда туриб, уни кутдик. У ёқдан хабар бўлмади...

Менинг чўлда туриб қолишим хоҳишимга қарши қўлланган чора эди. Қолаверса, бизнинг озиқ-овқатимиз тугаб борарди. Ҳали олдга анча йўл босишимиз керак. Бизга йўлбошловчилик қилиб бораётган ерлик кишиларни ҳузуримга чорлаб, бундай пайтда қандай тadbир қўллаган маъқул, деб сўрадим. Улар: «Ўғлинг аскарлари билан қумбўрони туфайли чўлда адашиб қолган бўлса керак. Чунки бундай тўс-тўполондан сўнг одатда йўлларни қум босиб, кўринмай қолади. Шунинг учун уларни излашга одам юборганинг маъқул!» – деб маслаҳат беришди. – Худога шукр қил, ҳозир куз – ҳаво салқин, агар ёзнинг чилласи бўлганида улардан умидингни узсанг ҳам бўларди, – дейишди.

Шундан сўнг маҳаллий аҳоли вакиллари зиммасига Жаҳонгирни излаб топиш вазифасини юклаб, ўзим сафарда давом этдим. «Бодомашк» деган қишлоққа бориб қўндик. Бу қишлоқнинг шундай номланишига сабаб, бу ҳудудда ёввойи бодомзорлар бисёр экан. Менга ана шу дарахтлардан тайёрланган ўрама таёқ кўрсатишди. Худди темирдан ясалгандек оғир эди у. «Бодомашк» нисбатан кичик бир қишлоқ бўлиб, менинг қўшинимдек улкан қўшинни ем-хашак билан таъминлай олмас эди. Шунинг учун бу ишга яна

бир бўлинмани жалб этиб, яқин-атрофдаги қишлоқларга жўнатдим.

Биз «Бодомашк»да бир муддат туриб қолдик. Бир куни қишлоққа 250 туяли карвон кўнди. Карвонбошини чақиртириб, унинг қаердан келаётганини сўрадим. Ўғлим бошлиқ минг кишилиқ суворийларга кўзи тушмадимикин – шу ҳақда суриштирдим. У Язд шаҳридан йўлга чиққанини, йўлда ҳеч кимни учратмаганини айтди. Бу ердан Яздгача масофа қанча эканини сўраганимда, у йигирма кечаю кундуз йўл юрганликларини сўзлади. Мен ундан йўл бўйи аҳоли турар жойлари борми, йўқлиги ҳақида ҳам маълумот беришини илтимос қилдим. У бу йўлларда умуман одам яшамаслигини, қишлоқ ёки овул учрамаслигини, қолаверса, чўлда бирорта ҳам гиёҳ унмагани боис, наинки олов ёқишга, ҳатто тиш кавлашга-да бир чўп топиш мушкуллигини маълум қилди. Сўнг: «Аллоҳ қуруқ, ҳосилсиз, ўт-гиёҳ унмайдиган бошқа бир саҳрони бу дунёда яратмаган бўлса керак», – деб яқунлади у ҳикоясини.

Мен карвонбошининг гапларидан чўлнинг даҳшатли манзарасини кўз олдимга келтирдим. Унга яна бир қатор саволлар бердим: «Менга айт-чи, агар бу саҳрони кесиб ўтиш шу қадар машаққатли бўлса, ўзинг нега бу йўлдан юрдинг?»

– Бунинг сабаби, – деди у саволимга жавобан, – саҳрони йилнинг икки мавсумида кесиб ўтса бўлади. Биринчиси – баҳорда, ёмғирлар мавсумида ва иккинчиси – кузда, ҳаво салқин пайти. Йилнинг бошқа пайтлари унга қадам босган жон зоти борки, завол топади.

Мен ундан яна сўрадим: «Туялар узоқ муддат сув ичмаслиги мумкин, аммо емишсиз юра олмайди – уларни нима билан озиқлантирасан?»

Карвонбоши жавоб қилди: «Язд шаҳридан қуруқ беда ва хашак ғамлаб олган эдик. Туяларга беда беришнинг афзаллиги – беда сувсатмайди. Аксинча, агар уларга «навола» (ундан тайёрланган озуқа) берганимизда улар тез сувсаб қолишарди».

Сухбат сабаб Кирмон ва Яздга бу саҳро орқали бора олмаслигимни билиб олдим. Чунки эллик фарсанг масофада бирорта ҳам қишлоқ ёки сув манбаи бўлмаса, бу йўлдан

юриш жуда таҳликали ва ҳеч қайси карвон ундан юришга журъат этмаса керак. Карвонлар ундан баҳор ва куз фаслларида ўтсалар-да, қўшинга бу имконият ҳам ҳеч қандай имтиёз бермайди. Айни ўша пайтда Кирмон, Язд ва Форс томонларга бориш ниятим йўқ эди. Бироқ маълумот олганим фойдага – у, албатта, бир куни менга асқотишини билардим. Демак, қачон йўлим тушса, юқорида номлари зикр этилган вилоятларга шимолдан эмас, балки ғарбдан – Рай ва Исфаҳон томондан бораман.

Язддан келган карвон «Бодомашк»да икки кун тўхтаб, шимолга томон йўлида давом этди. Мен эсам ҳали бу қишлоқни тарк эта олмас эдим. Чунки Жаҳонгир ва унинг одамларини ахтариб кетган кишиларни кутишим шарт эди. Язддан келган карвонлар кетганидан икки кун ўтиб, «Бодомашк»ка яна бир туя карвони келиб тушди. Карвондагилар туяларни юқдан халос этиб, чўлдан бута териб ейиши учун озод қўйиб юбордилар. Ўзлари олов ёқиб, атрофига ўчоққа ўхшатиб тош қалашди. Ҳосил бўлган мўридан тутун ўрлай бошлагач, унинг устига каттакон бир лаганни қўйиб, унга бир Самарқанд манига тенг миқдорда ёғ қуйишди. Бир муддатдан сўнг унга суюлтирилган қатик қотирмасини аралаштирдилар. Аралашма етарли миқдорда қайнагач, лаганни ўчоқдан олиб, унга патир тўғраб ботиришди. Уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатларини синчиклаб кузатиб турардим. Айниқса таомни паққос тушира бошлаганларида, бу етти эркакнинг катта-катта патир бўлақларини оғизларига солиб, чайнар-чайнамай ютишларини кўриб ҳайратландим. Улар бир оила (ота ва унинг олти нафар ўғли) экан. Ташқи кўринишлари ва овқат ейишларидан шу қадар ҳайратландимки, аста туриб ёнларига бордим ва қайси мамлакатдан эканликларини сўрадим. Оила бошлиғи, узун қўнғир соқолли киши «Зобулистон»дан эканликларини айтди. «Афсонавий баҳодир Рустамнинг юртиданми?» – деб сўрадим. Ота саволимни тасдиқлаб, ўғилларидан бирининг елкасига қоқиб: «Бизнинг ҳаммамиз Рустаммиз!» – деди.

Бу гапида жон бор эди. Чунки мен ўзим узун бўйли, бақувват эркакман, аммо чолнинг қаршисида кичрайгандек эдим.

Улар шу қадар улкан эдики, бўйлари бошлари билан қўшиб ҳисоблаганда тик турган туянинг ўркачи билан баббаробар эди. Шунга яраша бақувват ҳам эдилар. Бунни айнқса туяларга юкни қайта ортаётганларида, уларни чўк туширмай, тик турган туянинг устига юкни тахлаётганларидан ҳам билса бўларди. Мен, нима учун ҳаммага ўхшаб, туяни тиззалатмай юкни ортдиларинг? – деб сўраганимда, ота: «Биз бу ишни юкни тушираётганда қиламиз, чунки усти енгиллашган туялар дарҳол ўринларидан туриб кетишади. Аммо юк ортилгандан кейин, уларнинг ўрнидан туриши қийин бўлади, бирор аъзосига шикаст етиши ҳам мумкин», – деб жавоб қайтарди.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам чол ва унинг фарзандлари шу қадар кучли эдики, туялар ҳаттоки уларнинг олдида нозиктабиат бўлиб кўринишарди. Мен бу одамлар ўша афсонавий Рустамнинг авлодларидан бўлса керак, деган хаёлга бордим. Фирдавсий «Шоҳнома»сида кифтини келтириб таърифлаган Рустам ҳам худди шу кишиларга ўхшаган бўлса, ажаб эмас. Улар бор-йўғи етти киши бўлишларига қарамай, мендан ҳам, сал нарида қароргоҳ тузган қўшинимдан ҳам чўчишмади. Кетаётган чоғлари карвонбоши отадан яна бир гапни сўраб қолдим: фақат у ва унинг фарзандлари шунақа паҳлавонкелбатми ёки...

У менинг нима демоқчи бўлганимни англади, шундан саволимни охиригача эшитмай жавоб бериб қўя қолди: «Бизнинг Зобулистонда ҳамма одамлар шунақа, Эроннинг ҳақиқий эрлари айнан ўша ерда!» – дея туяларини ҳайдаб кетди у.

Чол Эрон деган номни «Шоҳнома»дан ўзлаштиргани аниқ. Чунки Хуросонга қадам босган кунимиздан бери бирор-бир одамнинг шу номни тилга олганини эслай олмадим. Чол ва унинг ўғиллари билан бўлган учрашувдан кейин, менда Каъиндан кейин Зобулистонга ўтиш истаги туғилди. Ўша баҳодирлар юртини ўз кўзим билан кўриш, уларнинг энг жасурларини ўз қўшинимга ёллаш иштиёқи пайдо бўлди.

«Бодомашк»да ўн кун турдим. Юборган одамларим очлик ва сувсизликдан озиб-тўзиб кетган, кўзлари киртайиб

қолган Жаҳонгир ва унинг етмиш икки нафар сафдошларини топиб келмагунларича кутиб турдим. Ўғлим менга бўлиб ўтган воқеани сўзлаб берди. Айтишича, қум бўрони бошланган пайт Жаҳонгир ва унинг барча суворийлари бир тўпда бўлишган экан. Фақат мен юборган маҳаллий одамлар билан топишган кунни бир қисм аскарларини йўқотиб қўйибди. «Бўрон бир сутка кўзни очиргани қўймади, – деди у. – Бўрон тиниб, кун ёришгач эса йўлни йўқотиб қўйдик. Мен сизнинг шимолда эканингизни билардим, бироқ биз нукул жанубга томон юрган эканмиз. Шунинг учун мен одамларимдан икки гуруҳини шимол ва жанубга – шароитни ўрганиш учун юбордим. Улардан дарак бўлмади. Шундан сўнг яна бир гуруҳни йўл ёки сўқмоқ топиш учун жўнатдим. Бир оздан кейин қум устида отларнинг изи шу қадар чалкашиб кетдики, туёқларнинг изидан кимнинг қаёқдан келиб қаёққа кетганини ажратиб бўлмай қолди.

Шундан кейин йўл топиш учун қилган барча ҳаракатларимиз зое кетди. Интилишларимиз умидсизлик ва хафагарчилик билан тугайверди. Охир-оқибат отларимизнинг сувсизликдан тиллари осилиб, ўзимиз очлик азобидан қийнала бошладик. Яхшиям ҳаво салқин, акс ҳолда сувсизлик ҳам очлик азобига қўшилиб бизни еб битирган бўлар эди. Шу пайт сиз юборган одамларга йўлиқдик...»

Юқоридаги воқеа Жаҳонгир учун ҳам, бошқа ҳарбий саркардалар учун ҳам сабоқ бўлди. Мен ҳам шуни англадимки, Эрондаги саҳролардан одимлаётган қўшин жуда эҳтиёткор бўлиши керак экан. Агар қум бўрони бошланиб қолса, жойида тўхтаб, найза ва ўқлардан йўл кўрсатгич ясаб, бўроннинг тинишини кутиши керак. Энг асосийси, озиқ-овқат, сув ва отларга ем-хашак топиш мумкин бўлган катта йўлдан узоқлашиб кетмаслик керак. Акс ҳолда чўлнинг марказига қараб силжий бошлайсан – бу асфаласофилинга кетиш билан баробар.

Чўлда адашган бир қисм аскарлар йўл топиб, сафимизга келиб қўшиладилар, деб умид қилишдан ўзга чорамиз йўқ. Шунинг учун йўлга отландик. Каъин амири, ўрта ёшли киши мени шаҳардан беш фарсанг масофа берида кутиб олди. Мени кўриши билан отидан тушиб, қаршимга келди. Қуллуқ

қилиб оёғимга бош урмоқчи эди, бунга йўл қўймадим. Ёши улуғ ахир! Қайга отга миннишини сўрадим. Каъин амири деди: «Эй, Амир Темур, сен ҳақингда эшитдим ва сени кўриш иштиёқида эдим. Бугун мана шундай шарафга муяссар бўлдим!»

Муҳташам меҳмонхонасида ўтирган чоғимиз, хазинабони бир патнис тўла тилла танга олиб келди. У патнисни олиб, менинг олдимга қўйди ва: «Бу менинг туҳфам», – деди. Унга шундай жавоб қилдим: «Мен сенинг мулкингни кавлагани келганим йўқ, агар хоҳласам буларнинг барисини бус-бутун эгаллашим мумкин. Бунинг учун устинга қўшин тортиб, жангда сени енгсам – бас! Мен бу ёққа Жанубий Хуросон амирларининг менга муносабатини билиш учун келдим – менга бўйсунадиларми ёки ўжарлик қилишни кўзлаганларми?»

У жавоб қилди: «Мен ўзим учун жавоб бераман. Сенга бўйсунаман ва мендан анчайин устун эканингни биламан, буюр нима топшириқ берсанг – бажараман».

Шундан сўнг биз Зобулистонга борадиган йўл ва унинг хусусиятлари ҳақида суҳбатлашдик. Каъин амири бу борда ўз қарашларини баён этиб, деди: «Агар у ёққа бормоқчи бўлсанг, йилнинг қулай вақтини пойлаганинг маъқул бўлади. Ҳадемай қиш бошланади. Агар ҳозир борсанг, қайтишда изғирин совуқда қолиб қийналасан. Қолаверса, бу ердан Зобулистонгача бўлган масофада сенинг қўшининг каби қўшинни қабул қила оладиган бирорта ҳам турар жой йўқ».

Бироқ шунча йўл босиб Зобулистон чегарасига келиб қўйдим. Уни кўрмай кета олмасдим. Менда ўша диёрни кўриш иштиёқини Фирдавсий уйғотган. Менинг Рустам туғилган ўша юртни кўришга ҳавасим зўр эди. Зобулистонлик отаболаларни кўргач, ҳавасимга ҳавас қўшилди. Унинг тилидан мен Эрон деган атамани эшитдим – энди ана шу Эронни бориб кўрмасам бўлмасди.*

* Қадимда Хуросоннинг барча вилоятлари ўз ном билан алоҳида мустақил давлат сифатида иш юритган. Фирдавсий Эрон деган умумий атамани тиклаган. Бу ном араблар истилосидан кейин нуқулган эди.

Кабинда Жаҳонгир ва қўшинни қолдириб, ўзим уч мингта сараланган аскарлар билан Зобулистон томон йўл олдим. Агар низо чиқиб, жанг қилишга тўғри келса шу миқдор менга етади, деган қарорда эдим. Чунки уларнинг сони унчалик кўп эмас, деб эшитгандим. Кабин амири менга тўрт нафар йўлбошловчини ҳамроҳ қилди ва уларнинг йўлни яхши билишини, бизни энг хавфсиз жойлардан олиб ўтишини айтди: «Айрим ҳолларда бу йўлларда шарқ томондан қароқчиларнинг кичик-кичик босқинчиликлари бўлиб тураркан, аммо сен қўшин билан боряпсан – тегинишга журъат этишмайди», – деди.

Қалъадан чиқишимиз билан совуқ бошланди. Шунинг учун мен жанговар сафар тезлигида юришга буйруқ бердим. Улар бунга ўрганишган. Ўтирозлари йўқ, бироқ йўлбошловчилар йўл бўйи бақириб-чақириб бордилар: «Қаёққа бунча шошилсан? Ахир сен жангга эмас, ўша юртни кўришга боряпсан-ку! Шунчаки сайрга чиққан одам бундай чопмайди!..»

Бир куни пешин пайти шарқ томондан тоғ кўринди. Яқинлашиб кўрсак, у қора рангда экан. Йўлбошловчилар: «У тоғнинг номи «Сиёҳ кўҳ» – Зобулистоннинг бошланиши», – деб маълумот беришди. Эсладим, Фирдавсий ўз шеърларида «Сиёҳ кўҳ» номини тилга олган, унинг Зобулистон ҳудудида эканини ҳам эслатган. Тоғдан ўтган эдик ҳамки, осмон тундлашди. Кечқурун осмонда ўрдакларнинг товушини эшитдик. Йўлбошловчилардан: «Шу яқин ўртада дарё борми? – деб сўрадим. – Одатда ўрдаклар дарё ва қўллар томонга қараб учадилар». Улар Зобулистонда бор-йўғи битта дарё борлигини айтишди – номи «Ҳамун» экан.

Биз олдга қараб ҳаракатланишда давом этдик. Йўлда бирорта ҳам турар жой учрамади. Ҳаво эса анчайин илиб қолган эди. Бундан шундай хулосага келдим: «Зобулистон – иссиқ минтақада жойлашган, шунинг учун бу жойларда ҳаво мўътадил».

Ва ниҳоят Ҳамун дарёсига етдик. У шунчалар кенг эдики, нариги соҳили кўринмасди. Соҳил бўйларидаги манзаралар нигоҳларни ўзига мафтун этадиган даражада гўзал эди: кенг ўтлоқлар ястанган, унда улкан шохли сигирлар... Дарёда эса қайиқ ва елканли кемалар...

Ахён-ахён қулоғимга аллақандай товушлар чалинарди. Йўлбошловчилар бунинг сабабини шундай изоҳладилар: «Зобулистонлик денгизчилар елканли қайиқда ёки кемада сузаётганларида бир-бирлари билан шу усулда сўзлашадилар. Бунинг учун махсус товушлардан фойдаланишади. Уларнинг овозлари шунчалар баландки, икки соҳилда турган кишилар бир-бирига товушини етказа олади», – дейишди. Бу товушларни яқиндан эшитганда эса, худди момоқалдиरोқдек гумбурлаган Рустамнинг ҳайқириғини эшитгандек бўлдим...

Мен Ҳамун дарёси ёқасига қўндим. Аскарларим тезгина қароргоҳ тикдилар. Зобулистон амирига элчи жўнатдим. Уруш нияти билан эмас, дўстона ташриф билан келганимни билдирдим. Бу ёввойи табиат қўйнидаги ўлканинг хусусиятларини ўрганишдан ўзга мақсадим йўқлигини аниқладим.

Ўша чоқда Зобулистон амири Гаршасп исмли киши эди. Айтишларича, унинг ёши ўшанда юзда экан. Элчим унинг ҳузуридан қайтгач, менга қуйидагиларни сўзлаб берди. Зобулистон амири элчидан қуйидаги сўзларини менга етказишини сўрабди: «Агар сен ростдан ҳам тинчлик йўли билан келган бўлсанг, марҳабо – қадамингга ҳасанот! Мабодо ғараз ниятда бўлсанг – уришамиз!»

Амир Гаршаспни ишонтириш мақсадида унга ҳадялар юбордим. Шундан кейингина у менинг ёнимга келаётгани, ҳурматли меҳмонни муносиб кутиб олишга аҳл қилганини айтишди. Узоқдан отлиқ суворийларни кўраман деган ўйда, йўл қараб тургандим, во ажаб, ҳўкиз устида елиб келаётган кишилар кўринди. Ҳўкиз минган кишиларни шу пайтгача кўрмаган эдим. Улар келиб тўхташди. Ҳўкизлар йирик, бақувват эди.

Ёши ўтинқираб қолган, қўнғир соқол, туриши ва салобатидан ўзи билан келганларнинг энг каттаси экани билиниб турган киши ҳўкиздан тушиб, кафтини соябон қилиб биз томонга қаради ва: «Мен Гаршасп – Гударзнинг авлоди! Бу ерда ким Амир Темур?» – деб сўради.

Гаршасп ҳўкиздан тушгач, бошқалар ҳам тушишди – уларнинг барчаси девдек улкан одамлар эди. Зобулистон

амири олға қадам босиши билан мен ҳам унинг истиқболига пешвоз чиқдим: «Эй, Зобулистон амири, мен бу юртга саёҳат истаб келдим, тинчлик ва осойишталигингга рахна солиш фикридан йироқман!» – дедим. У жавоб қилди: «Қадамнинг қутлуғ бўлсин! Юр энди сени уйингга кузатиб қўйай».

Мен ёлғиз эмаслигимни айтдим: «Мен учун ҳозирланган уй бизнинг барчамизни сиғдира оладими?» – дедим унга, учминг кишилик қўшинимга ишора қилиб.

Гаршасп ортига ўгирилди ва деди: «Одамларинг ҳам менинг меҳмонларим! Уларга қароргоҳнинг ўзида дастурхон ёзишади. Сен эса менинг уйимда меҳмон бўласан».

Гаршасп ва одамлари ҳўкизларига минишди. Мен эсам бир гуруҳ аскарларим билан отда, уларнинг ортидан юрдик.

Йўлда учраган ажойиботларни томоша қилиб бордик. Ҳар жой-ҳар жойда йирик жуссали, соқолли кишилар омочни елкасига ташлаб ёки йирик ҳўкизи билан ер ағдараётгани бу ўлкада чорва мўл, деҳқончилик зўр эканидан далолат эди. Шаҳар жуда катта экан. Кейинги кунлари мен бу ерда Ҳиндистондан келтирилган молларни учратдим. Демак, Зобулистоннинг Ҳиндистон билан савдо алоқаси яхши йўлга қўйилган. Гаршасп менинг ҳурматимни жойига қўйди. Мезбонликнинг ҳар неки олиймақом таомиллари бўлса – барчасини адо этди. Бунда кечаётган дамларимни мазмунли ташкил этиш ҳаракатида бўлди.

Эртаси куни у ҳўкизида, мен отда шаҳар ташқарисига чиқдик. Вайронага айланган бир қўрғонга олиб борди у мени: «Афсонавий паҳлавон Рустам ана шу ерда дунёга келган», – деб қальани кўрсатди. Мен ундан Рустам туғилган аниқ сана борми? – деб сўрадим. У: «Рустам бир ярим минг йил аввал таваллуд топган» деб жавоб қайтарди.

Шундан сўнг у мени Рустамнинг ёшлиги ўтган жойга олиб борди. У мана шу тоғ ёнбағирларида ўзининг бургутлари билан ўйинлар ташкил этар экан: «Қишда кўринмайди, ёз бўлганида ўша бургутларнинг авлодларини кўрар эдинг», – деди.

Гаршасп – Зобулистон амири менинг Фирдавсий шеърлятига ихлосим баланд эканини билиб, ҳар икки гапнинг би-

рида унинг номини тилга оларди. Бу ерда мен Фирдавсийнинг шеърларида тилга олинган кўплаб Зобулистон баҳодирларининг авлодлари билан учрашдим, суҳбатлашдим. Ростини айтсам, девмонанд бу одамларни она туққанига ҳам бирда ишонмай қоласан, киши. Ҳар бир зобулистонликни кўрганымда, уларнинг йирик ҳўкизларни миниб, шамолдек елишларини, форсийда сўзлашларини кўриб такрор ва такрор Рустамнинг юртида юрганымга амин бўлардим. Фирдавсий «Шоҳнома»да ёлғиз Рустамнинг номини тилга олган, мен эсам у ерда минглаб рустамларни кўргандек бўлдим.

Мен ҳали яна бир неча кун Зобулистонда қолишим мумкин, аммо вазият қайтишимни талаб қилмоқда эди. Қўшиним Каъинда, уларни ортга қайтаришим керак. Қайтишимдан олдин Гаршаспга, қўшинимга зобулистонлик йигитларни жалб этиш тўғрисидаги фикримни айтдим. У қуйидагича жавоб қайтарди: «Эй, Амир Темур! Сен менинг меҳмонимсан ва сенинг сўраган нарсангни беришим лозим. Аммо бу масалада бир нима дея олмайман. Чунки зобулистонликлар ажнабийлар қўшинига ҳеч қачон аскар бўлиб ёлланмайдилар. Агар мен хайрихоҳлик билдирган тақдиримда ҳам, улар бунга сира унамайдилар. Бу ер – Эрон ва Зобулистон ерлари. Рустам замонидан бери фақат Эрон қўшинига хизмат қилиб келишади».

Қайтадиган кунимиз Зобулистон амири менга ўнта миниладиган ёввойи ҳўкиз, жанговар қурол-яроғ: дубулға, совут ва тиззабоғичлар совға қилди. Бу нарсалар ҳозир ҳам менда сақланади. Улардан ҳеч қачон фойдаланмадим. Қолаверса, уларнинг бичими жуда катта. Хайрлаша туриб, Гаршасп биратўла видолашди ҳам: «Эҳтимол, биз қайта учрашмасмиз, ҳадемай оламдан ўтаман. Аммо, ўлнимдан олдин қавмимга сенга нисбатан ҳамиша дўстона муносабатда бўлишларини васият қилиб қолдираман», – деди. Мен ундан сўрадим: «Агар зарурат туғилиб қолса-ю, сендан ёрдам сўрасам – кўмак берасанми?» У деди: «Бир шарт билан: агар сен уруш очган одам, менинг дўстларимдан бўлмаса, ёрдам бераман!»

Қиш бошланди. Мен Рустам туғилган юртни тарк этиб, суворийларим билан Каъинга томон йўл олдим. «Сиёҳ кўҳ»

енидан утаётган пантимиз ҳаво чидао булмас даражада со-
вуди. Совуқ шу даражада қаттиқ эдики, чора қўлламасак
тарашадек музлаб қолишимиз мумкин эди. Шундан навкар-
лар шох-шабба, дарахт ва ўсимлик пояларини тўплаб ке-
лишди. Олов ёқиб жон сақладик. Унгача қор ёғди. Кун юм-
шади.

Йўлбошловчиларимиз жуда тажрибали эдилар. Гарчи
ҳамма ёқ оппоқ қор билан бурканиб, йўллар кўринмай қол-
ган бўлса ҳам, адашмай бизни манзилга етказдилар. Ва ни-
ҳоят Каъинга кириб бордик.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

ИСФАҲОН УЧУН ЖАНГ

Ўша қиш Мовароуннаҳрга енгилроқ, яъни айрим юкла-
римизни Хуросонга қолдириб қайтишга қарор қилдим: йи-
гирмата аравага юклаб олиб юриладиган кўчма масжидим-
ни, айрим оғир вазнли қурол-яроғларимизни қолдирадиган
бўлдик. Чунки, ҳали Хуросонга яна қайтамиз ва бу қурол-
лардан ўшанда фойдаланамиз. Ўғлимни яна ём-хашак ва
озуқа тўплаш, омборхоналар ташкил этиш учун жўнатиб
юбордим. Шунингдек, бу сафар ёқилғи ҳам ғамлашлари ло-
зимлигини тайинладим. Қиш палласи ёқилғи жуда ҳам му-
ҳим – худди озиқ-овқат каби аҳамиятли. Сафаримиз Тусдан
жанубга йигирма беш фарсанг масофада енгил кўчди. Бироқ
Гунободдан ўтгач, қийинлашди. Чунки тоғ олди ҳудудларга
етган эдик. Тусда тўхтамадик. Сафарни давом эттирдим.
Аммо Кучанда совуқ туфайли ўн беш кун туриб қолдик.
Бир нарса аниқ эди. Агар қўшинни шимолдаги баланд тоғ-
лар орқали олиб ўтганимда шубҳасиз совуқдан қирилиб кет-
ган бўлардик. Кучанда тўхтаганимиз боис нархлар кескин
кўтарилиб кетди. Масалан, иккита тухумнинг баҳоси бир
дирҳамга тенг бўлди. Шунинг учун кучанликлар менинг ҳузу-
римга келиб дедилар: «Эй, Амир Темур, агар қўшинингни
шу тахлит бу ерда ушлаб турсанг, нафақат биз, улар ҳам
ҳадемай очликдан ўлади!»

Шу орада ҳаво бир оз юмшади ва биз йўлга тушдик. Кучан шимолидаги тоғ ҳудудларидан ўтиб, Туркистон водийсига кирдик. Ундан Самарқандгача айтарли бир воқе содир бўлмади. Самарқандда менга бир қайғули хабарни етказишди. Устозим Самар тархон оламдан ўтибди. У менга қиличбозликдан сабоқ берганини, ўнг қўлимни боғлаб қўйиб, чап қўлда жанг қилиш маҳоратимни оширганини аввал ҳам сўзлаган эдим. Унийг ана шу сабоқлари жанггоҳларда менга кўп асқотди. Айниқса Тўхтамиш билан бўлган жангда ўнг қўлим жиддий жароҳатланди. Уни ишлата олмай қолганимда чап қўлим билан жангни худди ўша тарзда давом эттирган эдим. Агар ана шу қобилиятим бўлмаганида, ҳалок бўлишим муқаррар эди. Шунинг учун мен Самар тархон олдида нафақат устоз сифатида, ҳаётимни асраб қолган инсон сифатида ҳам доимо қарздорлигимни ҳис этман.

Ўша жангдан кейин жароҳатим тузалди. Яна қилич ушлашим, жанг қилишим мумкин. Бироқ ўшандан бери ўнг қўлда ёзув ёза олмайман – чап қўлимда ёзаман.

Самарқандга келгач, Садриддин Исфаҳонийдан мактуб олдим. У «Ҳакимудлоҳ» – «Аллоҳнинг ҳакими» унвони билан машҳур олим. У мактубида Яратганнинг иродаси ва шахс эркинлигининг моҳияти ҳақидаги ўз қарашларини баён этган эди. Ундан буни мен сўраган эдим. Ҳали Сабзаворга кирмай туриб, мен унга нома йўллаб, «Инсон бу дунёда ўз эрки биланми ёки Яратганнинг изми билан яшаб, хатти-ҳаракатлар қиладими?» – деган саволга фикрини сўраган эдим.

Айтишим керакки, бу мавзу донишмандлик ҳақидаги илмда муҳим ўрин тутди ва олимлар бу жумбоққа ҳанузгача ҳам нуқта қўя олганлари йўқ. Бу тугунни ечишда бир тўхтамга кела олмаяптилар. Шунинг учун ҳам Худо инсонни тақдири азалининг қўлида ўйинчоқ бўлишга маҳкум қилиб яратганми ёки у ўз хатти-ҳаракатларини эркин, ўзи нимани хоҳласа шуни бажарадими? – деган саволга мухтасар бир жавоб топа олмаяптилар. Исфаҳоний ўз жавобида Қуръон сураларидан, хусусан «Ал имрон», «Азҳаб» сураларига асосланиб, инсон бу дунёда эркин ва нимани хоҳласа ўшани амалга оширади. Бироқ, унинг эрки чекланмагани ҳолда меъёр

чегарасидан ошмаслиги лозим, – деб ёзибди мактубида. Исфаҳон олимининг изоҳидан мен шуни англадимки, у Қуръон оятларининг маъносини у қадар яхши очиб бера олмабди. Қори дегани Қуръоннинг асил моҳиятига етиши учун кўп ўқиши керак!..

Менинг бу борада фикрим қуйдагича: фақат туғилиш ва ўлим Яратганнинг хоҳиш-иродаси билан амалга ошади. Қолган барчаси инсоннинг ўз қўлида. У буткул эркин ва нима иш қилса ўз хоҳиши билан қилади. Инсон фақат бахтсизлик ва чорасизликда яшаш учун яратилган, деганлар хато қилади. Илло уларнинг бахтсизлиги хафсаласизлик ва иштиёқсизликлари туфайли туғилади. Мен Садриддин Исфаҳонийга жавоб хатини йўлладим ва ундан Исфаҳондан чиқиб бир йилча Тусда яшаб туришини илтимос қилдим. Агар Тусни кўнгли тусамаса Самарқандга келишини сўрадим. Аммо таклифимнинг сабабини мухтасар баён қилмадим. Сабаби яқин келажакда Исфаҳонга юриш қилиб, Хуросондан кейин Ироқ ерларини фатҳ этилган мамлакатларим сафига қўшмоқчи эканимни биров билишини хоҳламадим.*

Мен Ироқнинг қадимий шаҳарларидан бўлмиш Исфаҳон ҳақида кўп ажиб таснифларни эшитдим ва тезроқ бориб, уни ўз кўзим билан кўриш истагида йўлга чиқишни ўйлай бошладим. Қишнинг изғиринида Хуросондан Мовароуннаҳрга мени етаклаган нарса ҳам шу – Ироққа қилинадиган жанговар юришга яхши тайёргарлик кўриш эди ва ҳижрий 780 йилнинг баҳорида Исфаҳонни қўлга киритишни режа қилган эдим. Бироқ кейин нима қилишимни ўйлаб кўрмаган эдим. Исфаҳондан кейин Форсга юриш қилиш ҳақида ҳам ҳали бир тўхтамга келмаган эдим. Аммо агар шундай имкон бўлиб қолса Форс султони Мансур Музаффарини жазолаш ниятим ҳам йўқ эмасди (*Эрон манбаларида уни шоҳ Мансур Музаффари ҳам дейлади*).

* Амир Темур «Ироқ ерлари» деганда Эроннинг ўрта қисмида жойлашган ҳудудларни назарда тутган. Қадимда Эроннинг ўрта қисмидаги барча ҳудудлар Ироқ деб номланган. Ҳозиргача ҳам Мозандарон ва Филон аҳли Техрон, Кошон ва Исфаҳон фуқароларини ироқликлар деб аташади.

Султон Мансур Музаффари билан ёвлашганим сабабсиз эмас. Сабаби қуйдагича: Хуросонга қилган иккинчи сафарим чоғида, унинг ҳудудидан ўтаётган чоғимиз мен ўзимда кучли ҳолсизланиш ҳис этдим. Табиб унинг сабаби иссиғим кўтарилганидан эканини айтди. Агар Форсда тайёрланадиган лимон шарбатидан ичсам, тезда оёққа туриб кетишим мумкин экан. Хуросонда бундай шарбат йўқ эди. Шунинг учун Форс амиридан сўрасам ва у тез ҳаракатланувчи карвон ёки арава билан юборса бўлади, деб маслаҳат беришди. Тўғриси айтсам, менинг Амир Темур номимга ва ҳукмдорлик шаънимга бировдан нарса сўраш тўғри келмайди. Аммо ўша пайтдаги ҳолатимми ёки табибнинг ундови биланми Форс ҳукмдори султон Мансур Музаффарига қуйдаги мазмунда мактуб жўнатдим. Хасталаниб қолганимни ҳисобга олиб, табибнинг Форсда тайёрланадиган лимон шарбатини муолажа воситаси деб берган тавсиясига кўра, ундан тез юрадиган карвон ёки арава билан шу нарсани юборишини сўрадим. Шу билан бир қаторда агар касаллигим туфайли шунга мажбур бўлмаганимда ва ягона дори воситаси шу бўлмаганида уни бундай кичкина илтимос билан безовта қилмаган бўлишимни таъкидладим. Агар илтимосимни бажарса, унинг олдида қарздорлигимни доимо ҳис этишимни ҳам билдирдим.

Султон Мансур менга лимон шарбати ўрнига бошдан-оёқ ҳақоратли жумлалардан иборат жавоб хати йўллади. Мактубнинг аввалида ўз ҳудуди лимон шарбати сотиладиган атторнинг қутиси эмаслигини, ўзи эса аттор ёки майдачуйда нарсалар билан савдо қиладиган сотувчи эмаслигини таъкидлаган эди. У яна аччиқ-тизиқ гапларини қалампирмунчоқ каби тизганди. Хусусан: *«Эҳтимол, сен ўзингни Чингизхоннинг чурпасиман, деб мени ҳақорат қилишни ўйлагандирсан – устимдан кулмоқчи бўлгандирсан! Бироқ айтиб қўяй, ўша бобокалонинг Чингизхон ҳам Форсни бўйсундира олмаган, сенга йўл бўлсин! Сени Чингизхон билан қиёслаганда, унинг тўпиғига ҳам арзимаёсан. Агар аттор ёки лимон шарбати сотувчиси бўлган тақдиримда ҳам уни сенга юбормаган бўлар эдим, чунки, агар у касалингни тузатадиган ягона восита бўлса, ундан даво топишингни истамайман. Шу хасталик*

билан ўлиб кетишингни ва Чингизхон авлоди дунёдан батамом йўқ бўлишини истайман», – деб яқунлаган эди у мактубини.

Хатнинг мазмуни газабимни қўзғади. Билдимки, Форс ҳукмдори майдакаш, ғаразгўй, кек сақлайдиган, шунингдек, қўпол киши экан. Акс ҳолда менга бундай мазмунда хат ёзиб юбормаган бўлар эди.

Мактубни ўқиб, шундай аҳд қилдим: вақти келса шубҳасиз уни юз тубан гўрга тиқаман! Бироқ мен аввал Ироқни қўлга киритмай, Форсга юриш қила олмас эдим. Илло аввал ҳам айтганимдек Кермон, Язд ва Форсга бориш учун дашти кабирни катта қўшин билан кечиб ўтишининг иложи йўқ.*

Ҳижрий 780 йилнинг баҳори.* Мовароуннаҳрдан чиқиб, Хуросон сари йўл олдим. Ортимда 120 минг кишилиқ қўшин. Мен уни тенг учга бўлдим – ҳар бири 40 минг кишилиқ қўшинга мен ва икки ўғлим бош бўлдик. Тусдан Райга олиб борадиган кенг йўлдан ҳаракатландик. Ҳеч кимни учратмай, қаршилиқка учрамай Райга етдик. Бироқ шаҳар ўрнида улкан харобага дуч келдик. Теварақдаги қишлоқлар аҳолиси, бу вайроналар остида минглаб одамлар жасади борлигини айтишди.

Рай тоғ бағрида жойлашган каттагина шаҳар эди. Аҳолиси сон жиҳатидан Нишопурдан устун турарди. Ер ости сув йўллари, уни доимий оби ҳаёт билан таъминлаб турган. Ташрифимиздан икки йил муқаддам, шаҳар даҳшатли зилзила туфайли саноқли дақиқаларда вайронага айланган. Тоғнинг Шемуран ва Кўҳқан деган икки баланд чўққиси, худди мана шу даҳшатли воқеани юқоридан кўрган – ҳалиҳануз фарзандларининг қабри узра тош қотиб, ҳалиҳануз ўзига кела олмаётган ота-онага қиёс.

* Йирик тарихий воқеаларни келтириб чиқарган сабабларнинг оддий ва митти экани кишини лол қолдиради. Мана исботи: бир неча шиша идиш ёки бир неча хум лимон шарбати, кейинчалик Музаффарлар сулоласининг таназзулига сабаб бўлган.

* Милодий 1378 йили.

Зилзиладан омон қолган бир қисм шаҳар аҳли – аёл ва эркеклар, шаҳар ташқарисидаги далаларда манзил қуриб, яшамоқда экан. Рай кунпаякун бўлган кундан бери бу атрофдаги одамларнинг асосий машғулоти вайроналар остини кавлаб, у ёки бу нарсани топишдан иборат экан. Вайроналар остидан олтин, кумуш ва қимматбаҳо гиламлар топиб чиқиб, бойиб кетган одамлар ҳам бор экан. Бу одамлар бойиш илинжида ҳали узоқ йиллар шаҳар вайроналарини кавлашади, деган ўй кечди хаёлимдан.

Қўшинни жанговар ҳолатга келтиришга зарур бўлган ганимат дамни беҳуда сарфламаслик учун Райда узоқ ушланмадик. Исфаҳон томон йўл олдик. Биз, шунингдек, Кум деган жойдан, тўғри номланиши Гум, гўё Миср маъносини англатувчи жойдан ҳам ўтдик. Исфаҳонга яқинлашар эканмиз, қўшин жанговар ҳолатга келди. Олдинроқ икки нафар пойлоқчиларимни жўнатдим. Биринчи ва иккинчи пойлоқчининг ўртасидаги масофа беш фарсанг; иккинчи кузатувчи хабаркаш билан асосий қўшин орасидаги масофа ҳам шунча эди.

Қўшин олдида ва ортида юрувчи кузатувчи – хабаркашлар ҳам бор бўлиб, улар йўлнинг ҳар икки томонини синчиклаб кузатишдан, душман тўсатдан бизга қанотлардан ҳужум қилиб қолмаслиги учун қўйилган эди. Райга борган чоғимиздаёқ мен Исфаҳонга борадиган барча йўлларни беркитишга топшириқ берган эдим. Токи ҳеч ким биздан ўзиб, Исфаҳонга маълумот етказа олмасин. Мен шаҳарга кутилмаганда кириб боришни мўлжалладим, шу йўл билан биз узоқ чўзилиб кетадиган қамал қилиш машаққатидан қочган бўлар эдик. Исфаҳон жангсиз таслим бўлса, мен уни айланиб, Форсга ўтиб кетишга ҳам рози эдим. Шунда султон Мансур Музаффар билан тезроқ орани очик қилиш имконига эга бўлар эдим. Исфаҳонликлар қаршилик кўрсатсалар бу урушнинг маълум муддатга чўзилишига сабаб бўлади ва биз Форсга ҳужум қилишнинг қулай фурсатларини қўлдан чиқарар эдик. Эшитишимга қараганда, Форс Ироқдан анчайин иссиқ эмиш. Исфаҳонга етишимизга ўн фарсанг масофа қолганида бир қишлоқда тўхтадик. Қишлоқнинг номи – мўрча (чумоли) деган сўз билан бошланарди. Бош куза-

тувчи – хабаргир Исфаҳон ҳалитдан мудофаага тайёрланиб улгурганлиги ҳақида маълумот олиб келди. Шу кунга қадар мен исфаҳонликлар келишимни олдиндан билмасликлари учун бор чора-тадбирларни қўллаган эдим. Барибир билишибди. Мудофаага ҳам тайёрланиб улгуришибди. Шаҳар дарвозалари бекилибди. Садриддин Исфаҳоний менинг ташрифимдан ҳамшаҳарларини хабардор қилади деб ўйламагандим. Илло унга жўнатган мактубимда фикримни жуда мавҳум қилиб баён этган эдим. Хатдан режамни англаши мушкул эди. Демак, исфаҳонликлар бостириб келаётганим ҳақидаги хабарни бошқа манбадан олган бўлиб чиқади.

Ўша дастлаб тўхтаган қишлоғимиз аҳолиси билан суҳбатлашиб, Исфаҳондаги шароит ҳақида сўраганимда, улар шаҳарнинг қоқ ўртасидан Зайнида дарёси оқиб ўтишини айтишди. Бироқ унинг ўзани шундай жойлашганки, Исфаҳонга боргунга қадар биз уни кўрмаймиз. Бундан келиб чиқадикки, у шарқий йўналишда чўлга томон чўзилган, мен эса шимол томондан келдим. Дарёнинг шаҳарга кириш ва чиқиш йўналиши Исфаҳоннинг шарқ ва ғарб томонидан. Бу қўшини шаҳарга кириши учун яхши имконият берадиган йўл бўлиши мумкин – мен бу йўл қанчалар самарали бўлиши мумкинлиги хусусида бош қотира бошладим. Исфаҳондаги шароит ҳақида яна бир қишлоқда тўхтаб, сўраб-суриштирдим. Бу қишлоқнинг номи «Сада», жойлашиши жиҳатидан Исфаҳонга яқин эди. Ўша ерда мен атрофни кузатиш учун кузатувчи тайинладим. Мақсадим душманнинг шаҳар ташқарисида ҳам қўшинлари борми, йўқлигини билмоқчи эдим. Йўлимизга ғов бўладиган куч бор-йўқлигини билиш муҳим. Менга исфаҳонликларнинг шаҳар ташқарисида ҳеч қандай қўшини йўқлиги ҳақида маълумот беришди. Қишлоқликлардан яна бир бор Исфаҳоннинг ўзига хосликлари, айниқса, қалъа девори ҳақида сўраб-суриштирдим. Аниқлаганларим шу бўлдики, шаҳарнинг ҳимоя тўсини мавжуд, унинг айланма узунлиги етти ярим фарсанг, ҳар юз эллик газ масофада истеҳком минораси – улар жами тўсин бўйлаб уч юзтани ташкил этар экан. Исфаҳон деворининг ўзига хос хусусиятларидан бири, унинг эни – у шу даражада ўхшовсиз эканки, унинг сатҳи бўйлаб бир арава бемалол юриши мумкин экан. Бу эса қалъа ичкарасидаги-

ларга қатор имкониятлар берарди. Масалан, улар ўзига хос бу йўлак бўйлаб, ҳимоя чизигини ташкил этишлари, шунингдек хоҳлаганча тош ва қурол-яроқларни шундоққина қўл осларида захира қилишлари мумкин эди. Катта деворнинг сиртида яна бир кичик айланма тўсин барпо қилинган бўлиб, у айнан асосий девор остини кавламасликлари учун қурилган. Шундай қилиб, Исфаҳонни қўлга киритишга аҳд қилган қўшин ер ости йўлини шаҳардан хийла узоқроқ масофадан бошлаши керак бўлади. Кичик девор устидан ўтиб, уни қўлга киритгандан сўнг, асосий деворга яқин масофадан лаҳим қазиш мумкин эди.

Сада қишлоғидагиларнинг берган маълумотларидан яна бир нарсани билиб олдим: Исфаҳон ер ости қувури (каналлизация) тизимига эга экан. Шу кунга қадар мен бунақасини бошқа бирор-бир шаҳарда учратмаган эдим. Уч юзта истеҳком минораси мавжуд, айланма узунлиги етти ярим фарсанг, эни бир арава юрарлик даражада кенг ҳимоя девори бор шаҳарни ишғол қилиш куч ва матонат, ақл ва идрокдан ташқари чидам ва саботни ҳам талаб этарди. Бундай шароитда шаҳардан ташқарига олиб чиқадиган ер ости йўли ва эҳтимол биз билмаган ер усти йўлидан кириб-чиқишни назорат қилиш учун аскарларимизни шаҳар атрофига ҳалқа қилиб ёя олмаймиз ҳам. Бундай йўл тутсак кучларимиз анчайин пароканда бўлар ва шаҳардан қўққис сирғалиб чиқиб, бизга ҳужум уюштиришлари учун душманларимизга яхшигина имконият яратиб берган бўлар эдик.

Шунинг учун мен жангчиларимизни Исфаҳон атрофидаги маълум бир ўринларда жойлаштиришни кўзлагандим. Улар шаҳар атрофини кузатиб турадилар. Токи шаҳардан сирғалиб чиққан ҳар қандай куч қўшинимизга катта талофат етказа олмасин.

Исфаҳонга келганимизда баҳор ойи эди. Зайнида дарёси асов от каби гижинглаб, пишқириб оқмоқда эди. Худди ўзимизнинг Жайхун монанд. Сув кўплиги боис, жангчиларимиз сув йўли орқали шаҳарга кира олмасдилар.

Шунга асосан, шаҳарни ишғол қилишнинг энг маъқул воситаси, бу – ер ости йўли кавлаш деб ҳисобладим. Биз шаҳарнинг тўрт томонидан тўрт йўналишда йўлак қазиши-

миз, тўрт жойдан уни бузиб ичкарига киришимиз мумкин бўларди. Бошқа қалъаларда ҳам шундай қилганмиз. Битта фарқи Исфаҳон деворининг қалин ва мустаҳкамроқ экани. Бироқ менинг режамни амалга ошириш учун аввал кичик ҳимоя деворини эгаллашимиз лозим. Шунинг учун ҳам жангчилар менинг буйруғимга биноан, кичик деворга ҳужум уюштирдилар. Худди кутилган натижа – исфаҳонликлар кучли қаршилиқ кўрсатмадилар, бир неча соатдан сўнг ортга қайтишди.

Кичик истеҳком деворини қўлга киритгач, биз эгаллаб турган жой билан шаҳар оралиғидаги масофа бир мунча қисқарди. Тўрт томондан ер ости йўлини қазишга топшириқ бердим. Уни қалъа девори остига олиб бориш шарт эканини тайинладим: сўнг девор остига етарли миқдорда порох заряди ўрнатиб портлатилади.

Мен ер ости йўлини кавлашга кўрсатма берган куним, унинг якунланиши билан шаҳарни оламан деб ўйлаган эдим. Чунки унинг у томонидан ҳимоя деворларини портлатсак бас, марра бизники эди. Аммо устабошилар менга кутилмаган хабар келтирдилар. Қазиш ишлари ҳамма жойдан сув чиққани боис тўхтатилибди. Ер ости суви жуда яқин экан – начора бу табиий ҳол. Исфаҳон сувга сероб жой эди. Шундоқ ерни бир қулоч чуқурликда кавласанг бас, сув қатламига дуч келасан. Башарти бундай шароитда етти ярим фарсанг масофага тенг деворни қуриш мумкин эмас, агар унинг тағзамини тошдан бўлмаса. Энди эътибор қилинг, шу масофага тошдан пойдевор қуриш учун қанча вақт керак. Аслида эса девор узоқ йиллар мобайнида тикланган – йиллар эмас, асрлар сарф бўлган бу ишга. Агар сув халал бермаса-ю, биз лаҳимни кавлаб борганимизда девор остида барибир сувга тақалган бўлар эдик. Порох намиқиб портлашни амалга ошира олмас эдик.

Бу янгилик ва қишлоқ аҳолисидан олган маълумотларимиздан бир нарсани англагандек бўлдим. Шаҳарда ер ости қувурлар тизимининг мавжудлиги ҳам айнан шу – ер ости суви билан боғлиқ эди. Улар ахлат ўраси ва ҳожатхоналарини бошқалардек ерда қура олмаганларидан, тўғрироғи бунинг учун чуқур қазиш имкони йўқлигидан бўлган.

Бу иш самара бермагач бизнинг олдимизда иккита йўл қолди: Зайнида дарёси орқали шаҳарга кириш ёки уни кўчма миноралар воситасида девор оша ишғол қилиш...

Бироқ баҳор сувлари билан тўйинган дарё тўлиб оқаётгани сабаб, ҳозирги шароитда сув йўли билан шаҳарга кириб бўлмас эди. Унинг сувини камайтириш чораси топилса, масалан, бошқа бир ўзан қазилса-ю сув ўшанга ташланса, суви камайиб қолган ўзандан шаҳарга кириш мумкин эди. Аммо кўл билан кенгашиб шуни билдимки, янги ўзани барча куч ва имкониятларни сарфлаганда ҳам, оз эмас-кўп эмас уч ой ичида қазилар мумкин экан. Унгача дарёнинг суви ўз ўзидан камайиб қолади. Хуллас, биргина йўл қолди – уни девор оша забт этиш.

Шу муносабат билан мен яна тажрибамдан ўтган ўша усулни қўллаш учун яқин теваракдаги барча дарахтларни кесиб кўчма миноралар қуришни буюрдим. Сўнг жангчиларимга бирваракайига деворга ҳужум уюштиришни ва деворни бузишларини топширдим. Қалъадагилар жанг билан бўлиб, деворни бузувчиларга қарашга фурсатлари бўлмайди, деб ўйлаган эдим. Чунки аввалроқ деворни бузишга ҳаракатлар бўлганида, улар тош улоқтириб, кўл аскарларимизни сафдан чиқарган эди. Кўчма миноралар билан қалъа ҳимоячиларига ҳужум уюштириш орқали иккита мақсадни амалга ошириш мумкин: биринчидан, қалъа деворларини қўлга киритишга ҳаракат; иккинчидан, ҳимоячиларни чалғитиш орқали қалъа деворлари ост қисмини қазувчиларга шароит пайдо бўлади. Сирасини айтганда, саҳнида бир арава бемалол юрадиган бу қалин деворни чўкич ва белкураклар воситасида тешиб ўтиш мушкул вазифа. Мен бу иш туйнук очишга ҳам арзимаслигини билар эдим. Фақат девор остини чуқурроқ кавласалар бас, токи унга порох жойлаб портлатиш мумкин бўлсин. Аммо ҳар қанча ҳийла ишлатмайлик, ҳимоячилар буни дарҳол пайқаб қолишар ва зумда қарши чоралар кўришга киришар эдилар. Шу боис бир йўла икки мақсадни амалга ошириш режаси ҳам чиппакка чиқди.

Исфаҳон қалъасини очлик ва сувсизлик билан синдириш режаси ҳам истиқболсиз режа эди. Сув масаласида шаҳарда

ҳеч қандай муаммо бўлмасди, улар ердан бир қулоч чуқур қазиб хоҳлаганча сув олишлари мумкин эди. Маҳаллий аҳолининг айтишига қараганда, исфаҳонликлар кичик-кичик савдо қилишни ёқтирмасдан ҳосил ўрим-йигими даврида ёки уни янчиш маҳали бир йилга етадиган миқдорда сотиб олиб, оғборхоналарига захира қилишар экан. Башарти, агар исфаҳонликлар буёдоининг бир йиллик захирасига эга бўлсалар, турган гапки, бошқа маҳсулотларни, хусусан, мой, туз ўтин ва ҳоказо маҳсулотларнинг ҳам захирасига эга. Демак, Исфаҳонда ёзнинг охирларига бориб озиқ-овқат танқислиги юзага келиши мумкин, холос.

Бироқ мен Исфаҳон остонасида 120 минг кишилиқ кўшинимни шунчалар узоқ муддат ушлаб тура олмасдим. Кўшинини ушлаб туриш сарфу харажатлари билан бир қаторда шимолдаги вазиятдан ҳам жиддий безовталанмоқда эдим. Хусусан, Хузестонда мени жиддий вазият кутарди...

Қазиш ишларини тунда амалга оширмоқчи бўлдик. Тунда ҳимоячилар одамларимизни кўрмас, аммо чўкич ва белкурак товуши яширин режамизни ошкор қилиб қўйиши тайин эди. Шундай бўлди ҳам. Қалъадагилар настга ҳар-ҳар жойдан арқонга боғланган машъалаларни тушириб, жангчиларимиз турган жойни аниқлашди ва ўша жойга тош ташлай бошладилар.

Исфаҳон урушидан мен бир сабоқ олдим: ўзим билан ўргатилган лочин қушларини олиб юришим керак экан, деган бир қарорга келдим. Сабаби Исфаҳонга келганимда, шаҳар узра парвоз қилиб юрган кабутарлар галасига кўзим тушган эди. Сада қишлоғида қилган суҳбатларимдан аён бўлдики, исфаҳонликлар кабутарларни ғоят қадрлар эканлар. Уларни ҳали полалонлигидан қўлга ўргатиб, айрим вазифаларни бажаришга кўниктириб борар эканлар. Уларнинг асосий машғулоти эса бир манзилдан иккинчи манзилга нома олиб бориш, дарак, хабар, маълумот етказишдан иборат экан. Англадимки, менинг келаётганим ҳақидаги хабар уларга мана шу йўсинда етиб келган. Худди шу йўл билан улар иттифоқчиларидан ёрдам сўрашлари ёки шаҳар ташқарисиди бўлаётган ишлардан хабар олиб турган бўлишлари ҳам мумкин.

Кабутарларга хос бир хусусият: у қаердан учирилмасин, ватанига томон учади. Агар унинг ини Исфаҳонда бўлса, 15 фарсанг наридан учирилса ҳам айнан ўз инига келиб кўнади.

Исфаҳонликлар кабутарлари ёрдамида энг чекка ҳудудларда кечаётган воқеалардан ҳам бохабар эдилар. Бунга қарши ишлатиш мумкин бўлган ягона восита бу ўргатилган лочинлардан фойдаланиш эди. Хабарчи қушлар лочинлар учун хушхўр ўлжа бўлиши баробарида, кабутар билан унинг маълумот етказиши белгиланган манзил ўртасида ғов вази-фасини ҳам ўтарди. Ўшанда мен ўзим билан ҳамшиша лочинлар тўпини олиб юришга, унинг ёрдамида душманларнинг пайғомларини қўлга киритишга қарор қилдим.

Исфаҳонликларнинг саркашлиги газабимни қўзитди. Ўққа ўраб уларга мактуб жўнатдим ва агар шаҳарни куч билан қўлга киритсам, уруш қонун-қоидаларига тўла амал қилиб, аҳолини битта қолдирмай қириб ташлашга мажбур бўлишимни баён этдим. Аслида эса олимлар, шоирлар ва ҳунар аҳлига омонлик беришимни, ҳамшиша қатъий амал қилиб келаётганим – мана шу қоидага Исфаҳонда хилоф иш қилмаслигимни билар эдим.

Аввал ҳам эслатган эдим: Исфаҳон ўзининг ҳунарманд усталари билан машҳур эди. Айниқса қуролсоз усталари томонидан ясалган жанг анжомлари Форс ва Ироқда донг таратганди.

Менга бу каби усталар керак, уларнинг ўрни Мовароуннаҳрда деб ҳисоблардим. Шунинг учун ҳам уларни Самарқанд, Бухоро ва Хоразм шаҳарларига кўчириб боришни, уларнинг ҳунар мактабларини ташкил этиб, маҳоратларини кўплаб шогирдларга ўргатишни дилга тугиб қўйган эдим. Баҳор тугаб, ёз фасли бошланди. Аммо исфаҳонликларда ҳали ҳам озиқ-овқат тақчиллигини англададиган аломатлар сезилмаётганди. Дарвозаларни ҳали ҳам ўз ихтиёрлари билан очишга шошилмаётганлари ҳам шундан – ҳозирча қийинчиликка дучор бўлмаётганларидан эди, чамамда.

Шу орада айрим жангчиларим касалликка чалиндилар. Мен бу касаллик сувдан келиб чиққанига эътибор қаратдим. Мовароуннаҳрда ҳам худди шундай касаллик тарқал-

ганини эшитган эдим. Баҳор ва ёз ойлари айрим ҳудудлар аҳолиси, соғлиқ учун зарарли бўлган сувдан истеъмол қилиб, шу касалликка чалинадилар. Исфаҳонликлар бу хасталикни «балчиқ қалтироғи» деб атаркан.*

Гоҳо-гоҳо Исфаҳон қамалини қўйиб, Форс томонларга от сурсамми, деб ўйлаб қолар эдим. Бироқ ортимда шундай мустаҳкам қалъани қолдириб, Форс ҳукмдори билан жанг қилишга боришим ақлли тadbир эмасди. Жангдан қайтаётганимда йўлимга ғов бўладиган бу қалъани шу ҳолида ташлаб кета олмас эдим. Баъзан эса ўзимга-ўзим савол бериб, Мовароуннаҳрга қайтиб, келаси йил келиб Исфаҳонни олсам-чи, деган хаёлга ҳам борардим. Бироқ Исфаҳонни забт этмай уйга қайтишга ғурурим йўл бермасди.

Ёз кириб Зайнида суви анчайин камайган бўлса-да, ҳали ҳам ўзан орқали шаҳарга киришнинг имкони йўқ эди. Шундан хаёлимга бир ўй келди. Дарёнинг сувини, унинг бош томонидан бошқа ёққа буриб юборилса-чи? Шу муносабат билан уста мутахассисларни режамни жойида ўрганиб келиш мақсадида ғарб томонга юбордим. Улар уч кун ўтиб қайтишди ва дарёнинг соҳиллари ғарбга томон кўтарилиб борганини, уни ўзаннинг икки томонига оқизиб юбориш – жуда катта ва машаққатли меҳнат талаб қилишини айтишди. Бунинг учун эса жуда кўп қўл кучи керак экан. Бу ерда эса жангчиларим орасида касалга чалинганлар сони соат сайин ортиб бормоқда эди. Табибларнинг тавсиясига кўра, мен уларни «Мўрча» қишлоғига жўнатдим. У ерда сув булганмаган, соғлиқ учун зарарли эмасди.

Исфаҳонда ниҳоят озиқ-овқат тақчиллиги сезила бошлади. Лекин аҳоли ҳали шаҳарни топшириш фикридан йироқ эди. Улар узоқ муддатли қамалдан ҳафсалам пир бўлиб, ортга қайтиб кетишимдан умидвор эдилар, афтидан.

* Амир Темур бу касалликни соғлиқ учун зарарли бўлган сувни ичиш оқибатида келиб чиқишини таъкидлайди. Эрон табиблари ҳам қадимда унинг зарарли сувдан тарқалишини айтганлар. Ўша пайтлари Европа тиббиётчилари ҳам бу хасталикнинг манбаи – оқмас сув деб ҳисоблаганлар.

Мен Исфаҳон остонасида шу қадар узоқ туриб қолдимки – ёз ҳам тугаб, кузнинг салқин шамоллари эса бошлади. Бу пайтга келиб Зайнида суви анчайин камайиб қолди. Энди унинг ўзани бўйлаб наинки уловда, балки пиёдалар ҳам шаҳарга кириши мумкин эди. Қўл остимда 106 минг нафар навкар қолган: 5 мингини турли тўқнашувларда йўқотгандим, 9 минг нафари эса касаллиги туфайли ҳарбий ҳаракатларда иштирок эта олмасди.

Жанг арафасида қўшинимнинг эллик минг кишилик бир қисмини иккита йигирма беш минг кишилик бўлакка ажратиб, уларни захира сифатида шаҳар ташқарисида қолдирдим. Жангга отланган саркарданинг захира сақлашдан мақсади, вазият танг бўлган чоғда жангга янги кучларни киритиш орқали вазиятни ўнглаш ва ҳатто уни ўз томонига оғдиришга эришишдан иборат бўлади. Қолаверса, ҳаммани бирваракайига жангга киритиш – ҳаммани бир вақтда чарчатиш, ҳаммани бир вақтда хавфга рўбарў қилиш деб баҳоланади.

Қўшиннинг қолганини учта ҳарбий қисмга ажратдим. Биринчи ҳарбий қисмга шарқдан – дарёнинг чиқиш йўлидан шаҳарга ёпирилиб кириш вазифаси юкланди. Иккинчи ҳарбий қисм дарёнинг шаҳарга қуйилиш томонидан кирадиган бўлди. Учинчи ҳарбий қисм эса портлатгичлар билан деворни бузиш топшириғини олди. Режам бўйича жангчиларимиз ўзан бўйлаб шаҳарга ёпирилиб кирганларидан сўнг, қалъа ҳимоячиларининг аксари деворни қўйиб, ўзанга томон талпинадилар. Бу эса деворни бузувчиларга имкон берди.

Ҳижрий 780 йил жумода-ул аввал ойининг 15 кунини қуёш чиқиш арафасида* Исфаҳонни ишғол қилишнинг бош режасига кўра жанговар юриш бошланди.

Мен икки йўналишда шаҳарга кириши лозим бўлган ҳарбий қисмларнинг жангчиларига, жанг олдидан энг муҳим кўрсатма ва йўл-йўриқларимни баён этиб, улар учун ортга йўл йўқлигини, ортга фақат зафар билан қайтишлари ло-

* Милодий 1378 йили 9 сентябрь.

зимлигини, шаҳарни забт этгач қўлга киритиладиган ўлжа — шаҳар аҳлининг мол-мулки уларга тақсимлаб берилишини, қаршиликнинг ҳар қандай кўринишини аёвсиз бостиришлари лозимлигини уқтирдим.

Қисмлар урқо-ур деб шаҳарга ҳужум бошладилар. Мен Зайнида дарёси шаҳарга оқиб кирадиган жойда қолдим. Зеро, бу уруш аввалгиларидан фарқ қилгани, қўшин бир неча йўналишда бўлиниб кетгани туфайли жанговар ҳаракатларни мувофиқлаштириб туриш зарурати менинг ташқарида қолишимни талаб қилган эди.

Исфаҳон қамали менинг шу қадар асабимга теккан эдики, ўша кунга қадар кўнгилининг неча бир кўчасига кириб чиқмадим дейсиз. Дастлабки қадамларимизданоқ омадсизлик ортимиздан эргашиб юрди. Қилган барча ҳаракатларимиз зое кетди. Режаларимиз кетма-кет чиппакка чиқди. Ниҳоят шаҳарга бостириб киришга имкон туғилди. Энди у муваффақиятли яқун топиши керак.

Менинг бу жанг бошида ёки ўртасида ҳам ҳатто ўлишга ҳаққим йўқ эди. Чунки, мабодо мен ўлсам, бу шунчаки бир жангчининг сафдан четлашгани билан баҳоланадиган воқеа бўлмасди. Менинг ўлимим бутун бошли қўшиннинг жанговарлик руҳини тушириб юбориши мумкин эди. Мен душманларимнинг манфаатига хизмат қиладиган ўлимга рози эмасдим. Менинг ўлимим қўшинни бошсиз чавандоз қилиб қўярди. Эҳтимол, ўғилларимдан бири қўмондонликни қўлига олиб, жанг жараёнларини бошқарар, аммо улар қўшиндаги ҳамма жангчиларни мен билганчалик яхши билишига; улар ҳам ўғилларимни мени билганчалик яхши билишларига ишончим йўқ эди. Зеро, инсонларнинг ўзаро муносабатлари ва уларни боғлаб турган барча ришталар — уларнинг бир-бирларини қанчалик билишлари билан белгиланади.

Ойболта, қилич билан қуролланган пиёда аскарларимиз шаҳарга кирди. Аниқ билар эдимки, очиқ майдонда отда жанг қилиш қанчалар ўнғай бўлса, шаҳар ичкарасида пиёда ҳолда курашиш самарали. Чунки танг жойлардан отларнинг бурилиши, эркин ҳаракат қилиши қийин кечади. Аммо зарурат туғилиб қолса, айниқса, шаҳар майдони ёки катта кўча-

ларда қаршилиқ ҳаракати кескин тус олса, мен захирадаги отлиқ қўшинимни ҳам ичкарига киритишни мўлжаллаб қўйган эдим. Чунки отлиқ суворийлар қаршилиқни тезроқ бостира оладилар.

Юқорида Исфаҳон шаҳар деворининг таснифини келтирган эдим. Аммо унинг қачон қурилганини ҳеч ким билмас эди. Сада қишлоғининг имоми менга сўзлаб берган ривоятга кўра, бу қишлоқ Нуҳ пайғамбар томонидан қурилган экан. У шу қадар мустаҳкам бўлганки, Нуҳ пайғамбар нажот кемасини айнан шу жойда барпо қилган ва дунёни сув босган чоғ айнан шу жойдан сузишни бошлаган экан. Бу деворни портлатиб бузиш осон эмас, чунки у жуда қалин эди. Бироқ шаҳарга кириш учун уни бузишимиз шарт!..

Шаҳар ичкарисига жангчиларимиз киргунга қадар бирорта ҳам уй ҳайвони қолмаган экан. Очликдан ноилож қолган одамлар уларни еб битирган эди.

Ўша куни эрталабдан кўкда қуёш чарақлаб турган эди. Тушдан кейин осмонни қора булут қоплаб, ёмғир томчилай бошлади. Бу кузнинг биринчи ёмғири эди. Аста-секин кучайиб борган ёмғир бизнинг жангчиларимизга яхшигина халал берди, аммо улар жанг суръатини секинлаштирганлари йўқ. Гарчи очлик тинкасини қуритган бўлса ҳам, шаҳар ҳимоячилари ҳар икки йўналишдан ёпирилиб кирган бизнинг жангчиларимизга қарши мардонавор жанг қилдилар. Исфаҳон эркаклари қақшатқич жанг олиб бораётган бир вақтда, кексалар ва аёллар кўчаларда тўсиқлар қуриш билан машғул эдилар. Улар қўлларига илинган нарсаларни олиб келиб ғовлар ҳосил қилишарди. Бу эса жангчиларимизнинг олдга илдам силжишлари учун жиддий муаммолар келтириб чиқарарди.

Ёмғир ёққунга қадар мана шундай тўсиқлардан бир нечасини ёндиришди: бу ҳам бизникиларнинг олдга ҳаракат қилишларини бир мунча қийинлаштирди.

Шаҳар ташқарисида жангчиларимиз қалъа деворининг бир неча жойидан ковак очиб порохни жойлаштиришга муваффақ бўлишди. Бироқ ёмғирдан намиққан порохни портлатиш имкони бўлмади. Кечга яқин ниҳоят деворнинг бир неча жойидан туйнук очилди ва жангчиларимиз шаҳарга кира бошладилар.

Менинг отлиқ суворийларим шаҳар ташқарисиди жангга киришга шай ҳолда, буйруғимни кутиб туришар эди. Аммо тўсатдан ёққан ёмғир ва шаҳарда вужудга келган вазиёт туфайли отлиқ қўшинни ичкарига киритмадим.

Четинлар Исфаҳон жангида жасорат намуналарини кўрсатдилар. Улар тонг чоғи шаҳарга биринчилардан бўлиб бостириб кирдилар. Кун бўйи қилич чопишдилар. Кўплари ҳалок бўлди. Кечга яқин уларнинг саркардаси Ургун Четин ҳам қазо қилгани ҳақида хабар беришди. Исфаҳонликлар унинг бошини узиб ташлаган эканлар. Жанг либосини ечиб, уни муносиб тарзда дафн этишларини буюрдим. Унинг кесилган бошини сабзаворликлар найзага санчиб жанг майдонида намойиш қилиб олиб юришган, кейин нима қилганлари номаълум – энди топиш мушкул эди.

Куз кунлари қисқа: кеч тушди, аммо жангнинг охири кўринмасди. Ҳаво булутли бўлгани боис одатдагидан эртачи қош қорайди. Ўша пайт мен шаҳарга яна йигирма беш минг пиёда жангчиларни киритдим. Улар захирадаги эллик минг қўшиннинг ярми эди. Бундан мақсадим, борлиқни батамом зулмат қоплагунга қадар жанг тақдирини ҳал қилиш, бироқ ҳали жанг қизғин паллада эди. Ҳар қадамда шаҳар ҳимоячилари янгидан-янги ғов ва тўсиқларни ҳосил қилиб, жангчиларимизга олдга силжиш учун имкон бермаётганди. Жанг жараёнларини кузатиб, унинг барча бўғинларини мувофиқлаштириб туриш учун мен ҳали ҳам шаҳар ташқарисиди турардим. Ёмғир бошланиши билан мен чодирга кирдим. Кеч тушиши арафасиди жанггоҳдан Қувнарбек келди. У ҳарбий саркардаларимдан бири эди. Менга: «Эй, амирим, ёмғир ва қоронғилик жангга халақит қиляпти, уни бугунча якунлаб, эртага эрталабдан бошлашга рухсат этасизми», – деди.

– Ўзининг кучига ишониб, муносиб қаршилиқ кўрсатаётган душман билан жангни шу алфозда тугатиш ақлдан эмас, – дедим унинг таклифига жавобан. – Исфаҳонликларнинг очликдан силласи қуриган. Шундай пайтда уларга нафас ростлаш имконини бермаслигимиз даркор. Унутманглар, улар қамал давомида ҳам, ҳозир ҳам ўзларини аямай курашяптилар, қанчалик жасур эканликларини кўрсатяптилар.

Бизнинг қудратимиздан чўчимаяптилар, шону шавкатимиздан қўрқмаяптилар. Агар биз ҳозир жангни тўхтатсак улар тун қоронғисида шаҳардан чиқиб, бизга ҳужум қилишлари мумкин. Ёмон аҳволга солиб қўйишлари тайин...

Қувнарбек мени кўндиришга яна бир бор ҳаракат қилди: «Олампаноҳ, мен ҳам шуни айтаяпман. Жангни бугунча тўхтатиб, эртага бошлайдиган бўлсак, Исфаҳондаги барча уйларни бузиб, иншоотларни ер билан битта қилиб текислаймиз. Шундан ўзга чорамиз қолмаяпти. Бу ишни кечқурун, кучли ёмғир остида бажара олмаяпмиз. Эртага эса бир бошдан шаҳарни текислашга киришамиз, токи улар ҳар бир уйни истеҳком қилиб, томларидан бизга тош ва олов улоқтиришга имкон топмасинлар!»

Ўша кунни туш пайти исфаҳонликлар жангчиларимиздан бир нечасини асир олиб, барчанинг кўз ўнгида тириклайин ёқиб юборган экан. Жангчиларимнинг жанговар руҳини тушириш учун қўлланган бу тадбир, кейинчалик Ургун Четиннинг кесилган бошини намоён қилиш билан яна бир бор такрорланган.

Мен Қувнарбек бу борада яна сўз очмаслиги учун қатъий фикримни айтдим: «Такрор айтаман, жангни ҳозир тўхтатиш мақсадга мувофиқ эмас. Уларнинг нафас ростлаб олишлари учун йўл қўйиб бермаслигимиз керак. Улар ҳозир пароканда. Танаффус, гарчи у қисқа муддатли бўлса ҳам уларга роса асқотади. Бирлашиб, кучларини уюштирадилар. Бугун тунда босқин уюштирмаган тақдирда ҳам эртага жуда бардам бўлиб урушадилар. Биз учун жангни тўхтатиш, шаҳардан чиқишнинг битта йўли бор – ғалаба!»

Юқорида айтиб ўтганимдек, Исфаҳон жангида менинг 106 минг кишилиқ қўшиним иштирок этмоқда эди. Айни ўша дамда жангтоҳларда 75 минг пиёдаларимиз душман билан курашиб, жон олиб жон бермоқда эди. Олти минг нафар аскар мен билан бирга эди. Отлиқ бўлинмани ўша кеч жангга ташламадим. Ёмғирда ивиб қолмасликлари учун, уларни Сада қишлоғига жўнатдим. Кун бўйи давом этган қақшатқич жангда исфаҳонликлар саккиз ёки саккиз ярим минг жангчиларимни сафдан чиқарганлари ҳақида маълумот олдим.

Менинг ҳузуримда 6 мингта аскар қолган эди. Улар учун дарахт новдалари ва шох-шаббалардан қўлбола чайлалар тикланди. Жуда муҳташам бўлмаса-да, ёмғирдан асранса бўларди.

Ўша кеча ёмғир тинмади: эрталабгача ёғиб чиқди. Жангчиларимиз ҳам тин олмай шаҳар ҳимоячилари билан курашиб чиқдилар. Уларнинг уйларини, шаҳар деворини буздилар. Тонгда ёмғир тинди. Қуёш чиқиб, ҳаво илиди. Мен ҳарбий бўлинма бошлиқларимга, жангчиларни чўкич, болта каби қўшимча воситалар билан қуроллантиришларини буюрдим. Улар ўша кунни қилч билан душманнинг бошини узишга, чўкич билан уйини бузишга кўрсатма олдилар.

Қўл билан бузиш мушкул бўлган иншоотларни порох ёрдамида кули кўкка совурилди. Ўша кунни йигирма минг аскарни захирага қолдириб, қолган барчани шаҳар ичкарисига сафарбар этдим.

Бизнинг ҳал қилувчи ҳужумимиз бирваракайига тўрт томдан бошланди. Ўзим ҳам пиёдалар сафида шаҳарга кирдим. Ундаги манзара ҳақиқатан ҳам аянчли эди. Бузилиб вайронага айланган шаҳар, айқаш-уйқаш юмалаб ётган жасадлар зафар қозониш учун душманга қоплондек ташланган жангчиларимнинг қудратини ва ўзини ҳимоя қилиш учун унга муносиб қаршилиқ кўрсата олган исфаҳонликларнинг матонатини ўзида акс эттирган эди.

Эрталабгача ёғиб чиққан ёмғир туфайли вайроналар ботқоққа айланганди. Юриш оғир, тиззагача лой кечишга тўғри келарди. Зеро, жангчи бунга одатланган бўлмоғи лозим. У бўғзигача лойга ботганида ҳам қиличини қўлдан қўймаслиги даркор.

Шаҳарнинг ҳали ўзлаштирилмаган ҳудудларида қизгин жанг жараёнлари давом этмоқда эди. Исфаҳонликлар энди тўсиқлар ортида, уйларнинг томларида беркиниб урушишга ўтган эдилар. Ўша ерда туриб ўқ узишар, жангчиларимизнинг боши узра тош ёғдиришарди. Бунга жавобан жангчиларимиз уларнинг уйларини бузиб, истеҳкомларини яксон этмоқдан ўзга чора топмаётгандилар. Бундан хулоса шуки, улар жангчиларимни уйларини бузишга, ўзларини яксон этишга мажбур этмоқда эдилар. Демакки, отаётган

тошлари ўзларига қайтиб бориб, жароҳатламоқда эди. Вайронага айланган шаҳарнинг ҳам гуноҳи аслида уларнинг бўйнида.

Кўча жангларида Қувнарбек ва ўғлим Жаҳонгир ҳам иштирок этмоқда эди. Жаҳонгир жанг чоғи бир масжидга дуч келибди. Исфаҳоннинг энг катта масжиди экан у. Унда яшириниб олганлар, ўша ердан туриб жанг қилишаётган экан. Ўғлим жангчилари билан масжидни ўраб олиб, сўнг унга бостириб киришибди. Қаршилиқ кўрсатганларнинг барчасини мавҳ этибди. Менинг қондамга амал қилиб улардан учтасини, ўзларини имом деб таништирганлари боис, омон қолдирибди. «Қизиқ бир масжидда ҳам учта имом бўладими», деган шубҳа билан менинг ҳузуримга жўнатибди. Уларни сўроқ қилдим: «Ҳақиқатан ҳам ҳар учовингиз бир масжиднинг имоми бўлсангиз, намоз вақти галма-галдан имомлик қиласизларми?» – деб сўрадим улардан. Бирини жавобга юзланиб: «Эй, Амир, биз навбатма-навбат эмас, бир вақтнинг ўзида имомлик қиламиз», – деди. Унинг жавоби мени лол қолдирди: «Наҳотки! Сиз уч имом бир вақтнинг ўзида имомлик қиласизлар-у, қолганлар сизнинг ортингиздан эргашадиларми?»

Уларнинг жавобларидан шу нарсани англадимки, Исфаҳоннинг энг катта масжиди жуда кенг саҳнали бўлиб, имомларнинг ҳар бирининг ўз бўлмаси бор экан. Демакки, ҳар бир имомнинг ортидан унга эргшиб, намоз ўқийдиган одамлари бор. Бир масжидда учга бўлиниб намоз ўқиш – ақлга сиғмайдиган ибодат. Бунинг сабабини сўраган эдим, бириси қуйидаги жавобни берди: «Эй, Амир, бу ернинг одамлари қайси имомни ўзларига маъқул кўрсалар, уни нисбатан адолатли деб билсалар – ўшанинг ортида туриб намоз ўқишни маъқул кўрадилар».

Мен уларнинг ҳар учовига қарата дедим: «Агар этикдўзга пойабзал буюртма берсанг, устанинг бадфеълми ёки хушфеъллигига аҳамият бермайсан-ку, тўғрими? Ўз навбатида этикдўз учун ҳам сенинг қандай одам эканингни зиғирча аҳамияти йўқ. Башарти сенинг талабинг, мустаҳкам ва сифатли пойабзалга эга бўлиш, уники – хизматига яраша пулингни олиш.

Ислом динида ибодат маҳали, агар у бир масжидда адо этилаётган бўлса, бир киши имом ўтади ва қолганлар унга иқтидо қилиб ортидан эргашади. Бу жараёнда имомнинг хатти-ҳаракатлари ислом арконларига зид бўлмаса, бас – у адолатли ҳисобланади. Ҳеч қайси манбада айтилмаган, намозда имом ўтгувчи зот – фаришта бўлсин дейилмаган! Қолаверса, бир масжидда учга бўлиниб ибодат амалларини адо этсангиз, жамоа бўлиб намоз ўқишнинг савоби қаерда қолади? Бу ишларингиз пайғамбаримизнинг «Фирқаларга бўлинманглар» деган васиятларига зид!»

Ўша кун бу уч имом билан узоқ сўзлашадиган шароитда эмасдим. Акс ҳолда жамоа бўлиб намоз ўқишнинг моҳиятини уларнинг онгига яна ҳам чуқурроқ сингдирган бўлар эдим. Шу вайдан баҳсни шу нуқтада тугатиб, ташқарида кечаётган жанг жараёнларини кузатишда давом этдим.

Исфаҳон учун қизиқ кетган жанг шундай тус олдики, токи шаҳарда қад ростлаб турган энг сўнги бинони бузмагунимизча қаршилиқ кўрсатилиши аён бўлди. Ўша дақиқаларда Қувнарбек ва Жаҳонгир ўз ҳудудларида, мен ҳам ўз ҳудудимда қаршилиқ ҳаракатини бостириб зафар марраси сари илгарилаб бормоқда эдик. Кун ёришиб, қуёш нурлари ерни қуритди. Бу бизга ҳаракатларимизни тезлаштириш имконини берди. Қувнарбек билан Жаҳонгирнинг бўлинмалари уюшиб, шаҳарнинг шарқий ва ғарбий ҳудудларини тошпарронлардан тозаламоқда эдилар.

Мен томонга жадал келаётган одамлар тўдасига кўзим тушди. Уларни бошлаб келаётган кекса чол, кўринишидан тақводор – художўй киши, яқин келиб қўлидаги Қуръонни баланд кўтарди. Деди: «Эй, амир, сен мусулмонсан, мусулмонлар қонини тўкишни бас қил! Мана шу муқаддас китоб ҳаққи, бас қил! Исфаҳон аҳлига омонлик бер». Унга шундай жавоб қилдим: «Исфаҳон аҳлига мен жабр қилмадим, у ўзига-ўзи жабр қиляпти. Менга қаршилиқ кўрсатиб, ўзини-ўзи ўлимга маҳкум этипти. Қамал қилган кунимдан бери минглаб одамларимни ўлдирди. Мен эса бунга шунчаки қарай олмайман. Омонлик топишнинг биргина йўли бор: қаршилиқ кўрсатишни бас қилиб, таслим бўлсинлар. Қуролларини топшириб, уйларидан чиқсинлар!»

Чол йиғлади: «Эй, амир, шаҳар аҳли заиф, ҳолсизланиб қолди – шафқат қил!» Мен унга дедим: «Бу одамлар саркашлик қилмай, дарвозаларини очиб мени қарши олганларида жонларига омонлик, молларига даҳлсизлик бериб кетган бўлар эдим. Бунинг ўрнига минглаб жангчиларимни ўлдиришди. Мени қон тўкишга мажбур этишди. Ҳозир ҳам уларни заиф деяпсан-у, улар эса жанг қилишдан чарчашмаяпти».

Исфаҳоннинг тирик қолган аҳолисига омонлик бердим.

Аҳоли уйларидан чиқиб таслим бўлди. Уларни ўша дақиқадан бошлаб ўликларни кўмишга жалб этдим. Шаҳарнинг бузилмай қолган қисмидаги барча мол-мулклар, асир олинган қиз-жувонлар саркардаларим ва жангчиларим ўртасида тақсимланди. Жангнинг иккинчи куни етти минг жангчим ҳалок бўлди. Шаҳар аҳли бизнинг жангчиларимизни ҳам дафн этишди. Шундан сўнг шаҳар ва шаҳар ташқарисидаги аҳолини жалб этиб, қалъа деворини буздириб ташладим. Менга қаршилиқ кўрсатган барча шаҳарларда шундай қилганман ва бундан кейин ҳам шундай қиламан. Токи бу девор яна келганимда мен билан шаҳар ўртасида тўсиқ бўлмасин.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

МУҒУЛ ҲУКМДОРИ БИЛАН ЖАНГ

Аввал ҳам таъкидлаганимдек, Исфаҳонни забт этгач, Форс томонга юришни мўлжаллагандим. Ўзининг қўполлиги ва тарбиясизлигини намоеън этиб, ҳақоратомуз сўзлари битилган мактуби билан ғазабимни қўзитган Форс султонининг эсини киритиб қўймоқчи эдим. Бироқ Самарқанддан келган чопар, Тўхтамишнинг яна Мовароуннаҳрга босқин уюштиргани ҳақида хабар олиб келди. Бу сафар Тўхтамиш йўқлигимдан фойдаланиб, сал ҳаддидан ошибди. Менга тегишли бўлган ҳудудга бостириб келиб, анчайин одамларни ўлдириб, молларни ҳайдаб кетибди. Тўхтамишнинг босқинчилиги ҳақидаги хабарни олгач, ўйлаб қолдим: «Шу ердан тўғри Азербайжанга ўтиб, у ердан Тўхтамиш ҳудудига йўл олсам-чи!» Тўхтамиш ҳақида энди бир оз маълумот-

га эга эдим: у – қипчоқ дашти деб номланган ҳудуднинг ҳукм-дори. Унинг мулки Қоф деб номланувчи тоғнинг ортида жойлашган. Агар мен Азербайжан орқали борсам, унинг салтанатига ана шу тоғдан ўтаман.*

Эроннинг марказий ҳудудларини босиб ўтганимизда жангчиларимиз ҳали совуқдан азият чекмаётганди. Бироқ Райдан ўтиб, Эльбурс тоғи этакларига яқинлашганимизда аёз кучайганлигини ҳис этдик. Мана шундай совуқ иқлим шароитида бизнинг олдимизда Азербайжандан ўтиб, Кавказ тоғ тизмаларидан кечиб, қипчоқлар ерига боришдек оғир синов турарди. Қиш мавсумида Азербайжан ва Кавказ тоғларини отлик қўшин билан кечиб ўтиш машаққатли ва ўта хатарли юмуш – шунинг учун бу йўлдан воз кечдим. Қипчоқлар ерига бошқа йўлдан – Туркистон ва Хазар (Каспий) денгизи орқали боришни маъқул топдим. Бироқ бу сафарни келаси йилнинг баҳорига қолдиришга қарор қилдим. Қамал кунлари Исфаҳондан Мовароуннаҳрга қайтмоқчи бўлган дақиқаларимданоқ бир нарсага амин бўлдимки, ўша пайтга қадар жанговар сафарларим нотўғри ташкил этилар экан. Мен ҳар гал Хуросонга йилнинг иссиқ фаслида бориб, кузда Мовароуннаҳрга қайтган эканман. Баҳор билан куз ораси жуда қисқа фурсат бўлиб, бу вақт оралигида режамдаги барча ишларни бажаришга улгурмас эдим. Мовароуннаҳрдан чиқиш ва яна қайтиш катта сарфу харажатларга сабаб бўлиши баробарида, қўшин тўплаш ва уни жанговар сафарга тайёрлаш учун зарур бўлган вақтнинг кўп қисмини олиб қўярди.

* Кавказ тоғларини қадимда Қоф дейишган. Бинобарин, «Қоф-қоз» сўзи «Қоф» – тоғ маъносини англатади. Кавказ тоғлари ўша ҳудудни икки қисмга бўлади: бири – Қоф тоғидан жанубга томон ястанган текисликдан иборат. Бу ҳудуд Эрондаги Фатҳ Алимшоҳ мулкига қадар чўзилган. Иккинчи қисми – мана шу тоғдан шимолга томон Қрим ярим оролигача чўзилган ерлар бўлиб ҳисобланган. Бу ҳудуд Тўхтамишнинг қўл остида бўлган. Шунингдек, ҳозирги Россиянинг ғарбий ҳудудлари, Украина ва Болтиқбўйи давлатлари ҳам унинг таъсири остида бўлган.

Шунинг учун мен бундан буён ҳарбий ҳаракатларим учун камида икки-уч йилни қамраб оладиган режалар тузишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Токи, қиш мавсумида Мовароуннаҳрга қайтиб келиб, яна сафарга чиқиш учун баҳорни кутишимга зарурат бўлмасин.

Мана шундай кечинмалар оғушидан мени чидаб бўлмас совуқ суғуриб олди. Ҳали Сабзаворга етмагандик. Тўхташга буйруқ бердим. Ер қалин қор билан қопланган, озуқанинг озлигидан отларимиз ҳаёти хавф остида қолган эди. Отлар учун зудлик билан вақтинчалик сайисхона тиклашга топшириқ бердим. Буйруғимга биноан аскарларимиз дарҳол ишга киришишди: ёғочларни тиклаб, унга чодир тортишди, айвон ҳосил бўлди. Отларни ўша ерга жойлаштирдик ва совуқнинг захри сингач яна йўлга тушдик. Тус ва Кучан орқали Туркистон чегараларига етдик. Шу кундан эътиборан ҳаво илий бошлади ва Самарқандга яқинлашганимизда қишнинг охириги ойи якунланмоқда эди. Самарқандда мен беш кундан ортиқ турмадим, чунки Аллоҳга қасам ичганман, шаҳар ҳаётидан йироқ бўлишга ўзимни ўзим маҳкум қилганман. Илло, шаҳар ҳаёти вақтни маишатда ўтказишга бўлган мойилликни кучайтиради.

Самарқандга келганимнинг олтинчи кунни чўлга чиқиб кетдим. Қароргоҳ қуриб қипчоқлар ерида амалга ошириладиган ҳарбий сафарга жангчиларни тайёрлай бошладим.

Тўхтамиш ҳақида, унинг Дашти Қипчоқ ҳукмдори экани ҳақидаги маълумотдан ташқари яна билганим, у ҳам худди мендек бўйчан, жангчилари асосан Қоф тоғларида яшайдиган жангари қабилалардан экан. Уруш қуроллари ўқ-ёй, нафис эгри қилич бўлиб, у вазни енгил, жангда ишлатиш қулай, қўлни чарчатмайди. Айтишларича, Тўхтамишнинг одамлари уни моҳирона ишлатар эмиш.

Тайёргарлик ишларимиз муддатни баҳоргача деб белгилаган эдик. Сафарга чиқамиз, деб турганимда юртимизга аллақандай мўғул қўшини бостириб келаётгани ҳақида хабар келди. Сафарга чиқсам Мовароуннаҳрни ўша мўғул учун очиқ қолдириб кетган бўламан, бироқ Тўхтамишни жазоламасам ҳам бўлмайди. Шу сабабли мен Мовароуннаҳрда қолиб қипчоқлар юртига Шайх Умар-

ни қўшинга бош қилиб юборишга аҳд қилдим. Саксон минг жангчи бериб сафарга кузатар эканман: «Тўхтамишни ўлдириб бошини менга юбор! Агар қочишга муваффақ бўлса юртини вайрон қилиб, ортингга қайт!» – деб тайинладим.

Тўхтамишнинг қочиб қолишини кўнглим сезганди. Чунки у қўрқоқ. Агар қўрқоқ бўлмаганида, йўқлигимда уйимга босқин уюштирамаган, бор пайтимда устимга қўшин тортиб келган бўларди.

Мен ўз ишимни унутмайдиган одамман, бу борада бир донишманднинг: «Эртанги ишни ўз вақтида бошлашинг учун унга бугун киришининг керак» деган ҳикматига амал қиламан. Шунинг учун ҳам Исфаҳондан қайтишим биланоқ кабуларлар орқали хат-хабарлар етказиш тизимини йўлга қўйдим. Мўғулларнинг шарқ томондан кутилаётган босқини ҳақида маълумот олиш мақсадида бир неча кабуларларни шарқ йўналишида турфа узоқликдаги бир неча ҳудудларга учирдим.

Ўз инига қайтиб келган биринчи кабулар дастлабки хабарни олиб келди, ундан билдимки, мўғулларнинг ҳарбий саркардаси Бил Ургун исмли киши экан.

Афтидан бу Бил Ургун деганлари Чингизхоннинг ўрнини эгаллаб, дунёни фатҳ этишга бел боғлаганга ўхшайди. Шундан ўз-ўзимга дедим: «Эй, Темур, жаҳонгирликнинг ҳақиқий давомчиси – сен, қанақадир Бил Ургун эмас, буни энди унга исботлашинг керак!»

Учиб келган иккинчи кабулар муҳим хабарни олиб келди. Унда айтилишича, душманнинг қўшини ўн икки туманни, яъни юз йигирма минг кишини ташкил этар экан. Мўғулларнинг бу қадар секин юришидан шуни билса бўладики, улар хотин, бола-чақалари билан йўлга чиқишган ёки уларнинг тез юрар уловлари йўқ. Менинг кабуларлар орқали маълумотлар олиш хизматим ҳали унча ривожланмаган эди: Самарқанддан кабуларларни ҳаммаёққа учира олмасдим. Начора, ҳозирча бориға қаноат этиб турамиз. Шунинг учун ҳам мен мўғул қўшинининг нима учун секин юраётганини била олмадим. Шу сабабли унинг қаршисига пешвоз чиқишга қарор қилдим.

Хат ташувчи кабуатарлар мени мунтазам равишда душманнинг жанг ҳаракат йўналишидан хабардор қилиб турди. Демакки, уларнинг айна пайтда қаерда эканликларини ва мен билан қайси йўлда рўпарама-рўпара келишларини билар эдим.

Етмиш минг кишилик қўшин, ҳар бир жангчим иккитадан захира отга эга ҳолатда душманни тўсатдан қарши олиш мақсадида шарққа томон ҳаракатланмоқда эдик. Йўлда қўшинимни ҳар бири уч ярим минглик йигирмата бўлинмага ажратдим. Уларни манзилга тўғри йўналтириш учун шундай қилдим, чунки 70 минг кишилик қўшинни, боз устига ҳар бир жангчининг иккитадан захира оти бўлгани ҳолда бир тўда қилиб олиб юриш мумкин эмас эди. Йўлда биз тўхтамай отларимизни алмаштирар эдик: йўл-йўлакай бирдан иккинчисига ўтар эдик.

Душманга яқинлашиб қолганимни сезиб, мен олдга иккита хабаргир юбордим. Биринчи хабаргир билан менинг ўртамдаги масофа 15 фарсангни ташкил этарди. У менга душман қўшини сон жиҳатидан жуда кўп экани, бироқ захира отларга эга эмаслиги ҳақида хабар етказди.

Чингизхон йўлини тутиб, дунёни забт этишга бел боғлаган Бил Ургуннинг Чингизхон узоқ сафарларга ҳар бир жангчиси учун биттадан захира улов олиб чиққанидан, бу унинг жангларда зафар қозонишида асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилганидан хабари йўққа ўхшарди. У ана шу йўл билан узоқ масофаларни қисқа муддатларда босиб ўтишга эришган. Рақибни устига кутилмаган чоғ бос-тириб борган.

Яна шуни айтишим керак, биз йўлда отларимизни «навола» (сули ун хамирини қуритиб тайёрланган озуқа) билан озиқлантирдик. Чунки уларни яйловларда ўтлатишнинг ёки ўзимиз билан ем-хашак олиб юришнинг фурсати эмасди.

Биринчи хабаргир қисмининг душман кўрингани ҳақидаги хабарини олган ҳаманоқ, мен қўшинни сафар ҳолатидан жанговар ҳолатга келтириш учун қайта сафладим.

Таркибида беш минг кишини бирлаштирган бир қисм жанговар ҳаракатлар чоғи захирадаги 140 мингга от-уловга қараб туриш ва уни сақлаш вазифасини олди. Аскарла-

римдан олтмиш минг жангчини мен тўрт қисмга бўлдим. Ҳар бири 15 минг кишидан эди. Улар ўнг ва чап қанот ҳамда марказда жанг қиладилар. Қолган жангчилардан иборат яна бир захира қисм қолдирдим.

Хабаргир қисмнинг берган навбатдаги маълумотига кўра, душман қўшинида аёллар ва болалар йўқ экан. Демак, секин ҳаракатланишларига сабаб, улар кундузлари йўл босиб, ўзларини ҳориқтириб қўймаслик учун кечалари тўхтаб дам олишар экан.

Кейинги маълумотдан шу нарсани билдимки, душман менинг йўлда эканимни билмас, Мовароуннаҳрғача ҳали узоқ масофа бор деган таскин билан пешқадам хабаргир жўнатишга шошилмаётган эди. Менинг яқинлашиб қолганимни билишдан ташвишланиб, дарҳол бу йўлга туташ барча йўлларни беркитишга ва пешқадам ҳар икки хабаргир қисмни чақириб олишга буйруқ бердим. Олдда фақат битта кичикроқ гуруҳ юрадиган бўлди: у қўшиндан маълум масофа олдинроқда ҳаракатланиб, душмanning ҳар бир хатти-ҳаракати тўғрисида ҳар соатда маълумот юбориб туриши лозим эди.

Мен жанговар ҳолатимга кўра, душманга кечаси тўсатдан ҳужум уюштиришим мумкин эди, бироқ айрим сабабларга кўра бу режамдан воз кечдим. Кундузи ҳужум қилишга қарор қилдим: биринчи сабаб, душман қўшинининг сон жиҳатидан кўпчилик эканида эди. Қоронғида жангчиларимиз аралашиб кетса, кимнинг ким эканини англамай қолишимиз мумкин эди. Иккинчи сабаби эса, Бил Ургун билан юзма-юз жанг қилиб, уни тириклайин асир олиб суҳбатлашмоқчи, мендек одамга қарши нима учун бош кўтарганини сўрамоқчи эдим.

Ниҳоят душманга жуда яқин келдик. Орамиздаги масофа тўрт фарсанг эди. Шу ерда захира отларни, уни тутиб туриш ва сақлашга масъул бўлган махсус қисм ихтиёрига топширдик. Жангчиларни дам олишларига рухсат этдим. Биратўла отлар ҳам ҳордиқ чиқарадилар. Тун ярмидан оққанда биз яна йўлга тушдик. Отларни пиёдалар ҳолатида секин ҳайдаб бордик. Тонг оқариши билан қанот жангчиларини мен бош бўлган марказнинг икки томонидан саф тортишларини буюрдим.

Агар сен келажакда кўзга кўринган лашкарбоши бўлишни истасанг, билки жанг майдонида қўшинни жанговар сафга тизиш машаққатли иш: бунда ҳар бир жангчининг табиий уқувидан ташқари, унинг бу борада қанчалик кўникама ва малакага эга экани, машгулотларни қай даражада эгаллагани ҳам муҳим ўрин тутди. Уқувсиз жангчиларга сафланиш ҳақида буйруқ бериб, кун мобайнида ҳам кутилган натижага эришмаслигинг мумкин. Бунинг акси ўлароқ тажриба мактабини ўтаган жангчи жанговар сафда ўз ўрнини аниқ билади ва бу вазифани қисқа муддатда бажаради.

Буйруқ берганимдан сўнг бир соат ўтиб, қўшин марказдан икки қанот бўйлаб тизилди. Отлиқ қўшин билан жанг қилишимизни назарда тутиб, жангчиларни найза билан ҳам қуроллантирдим. У билан душманни хийла узоқроқ масофадан туриб ҳам эгаридан қулатиш мумкин. Шунингдек, найзадан ташқари ҳар бир жангчимиз сиртмоқли арқон, қилич ва ўқ-ёй билан қуроллантирилганди. Узун найза тутиб юриш жангчиларга ноқулайлик туғдирмаслиги учун, агар унга зарурат бўлмаса ташлаб юборишлари мумкин экани уқтирилган эди.

Кун ёришди. Биз кафтдек теп-текис очиқ чўлда турардик. Энди душманнинг кузатувчи нигоҳбонлари эътиборидан яширина олмасдик.

Мен душман қўшинида уюшқоқлик йўқлигини англадим. Улар биз бурунлари остига келганимизда ҳам қароргоҳларини йиғиштириб улгурмаган эдилар. Шунда Бил Ургун деганлари ҳеч қандай саркардалик қобилиятига эга бўлмаган, катта қўшинни бошқаришга нолойиқ одам эканига нишонч ҳосил қилдим: бундай кишилар аслида жанговар қўшинни эмас, от уюри ёки қўй сурувини бошқаришлари лозим, деган хулосага келдим...

Хуллас кун ёришган, Бил Ургун эса қўшинини жанговар сафга тизиш нари турсин, қароргоҳини йиғиштириб улгурмаган эди. Биз ҳам марказ, ҳам қанотлардан бирваракайига ҳужумга ташландик. Мен ҳам бир оддий жангчи каби қуролланган эдим: бошимда дубулға, эгнимда ҳалқали зирҳ, бисотимда эса ўқ-ёй, қилич, сиртмоқли арқон ва найза бор эди.

Жангдан олдин кўрган яна бир тадбирим ҳақида ҳам гапирмасам бўлмас: қўшинимнинг ҳаракат йўналишини ўзгартирдим. Сабаби жанг пайтида қуёш бизнинг ортимизда туриши лозим эди. Шунда у душманнинг кўзини қамаштириб, жанг тақдири бизнинг фойдамизга ҳал бўлишига ижобий таъсир кўрсатган бўларди. Шунинг учун жанг бошланиш арафасида бизнинг жангчиларимиз жанубдан шимолга ҳаракатланмоқда эдилар. Бу юриш ўзига хос манзара касб этди: қирқ беш минг кишилик қўшиннинг елиб бораётган арғумоқлари туёғидан таралаётган садо – чексиз, чегарасиз масофаларга чўзилган чўл бағрида худди момақалди роқ гумбурлагандек, лашкар эса худди жанубдан шимолга ҳаракатланаётган булут каби сузиб бормоқда эди. Бу манзарани сўзда тасвирлаш мушкул, эҳтимол бундай ҳолатни туслик шоир ҳам ўзининг машҳур асарида тасвирламаган бўлса керак. Менинг назаримда, ўша чоғ уфқдан энди-энди бошини кўтараётган қуёш ҳам, бу ғаройиб манзарани лол бўлиб кузатмоқда эди.

Биз тинмай олға борар эдик. Ортимиздан, тўрт фарсанг масофада 20 минг кишилик захира кучларимиз келмоқда эди. Улар ҳам худди асосий қўшин каби жанговар ҳолатга келтирилганди. Зарурат туғилган ҳар лаҳзада жангга киришга шай эдилар.

Бизнинг қудратли қадамларимиздан ер ларзага келганди. Мен бу қудратни ич-ичдан ҳис этиб, ҳузур қилиб ҳайқиришдан ўзимни тия олмадим. Бу ҳайқириш бошқаларга ҳам юқди. Давомий ҳайқириқлар кулоқни қоматга келтиргудек бўлиб янгради. Уларнинг қалбидан отилиб чиқаётган бу товушлар мана шу куч, қудрат, бетакрор салоҳиятга дахлдор эканликларидан эди.

Биз – жангчиларимиз! Аскарларим ҳам мен каби дунёдаги барча қувончлар жам бўлса ҳам, жанг завқига етмаслигини яхши билдилар. Шунинг учун ҳам эркак киши жангдан кечиб бошқа шодликлардан завқлана бошласа – эркаклик сиёғини йўқотиб, хотинлардан фарқланмай қоладилар. Зеро, бизнинг улардан фарқимиз, уларга насиб этмаган бир завқдан баҳраманд эканимиздадир – бу жанг завқи.

Мўғул қўшини яқинлашайтганимизни кўриб, дарҳол жанговар сафга тизилди, аммо улар бунга улгургунга қадар, рақибларимизнинг устига бостириб борган эдик. Мен ҳар иккала қанот қўшинларимга мўғул жангчиларини ҳалқа қилиб ўраб олишни буюрдим. Юқорида айтганимдек, биз ҳарбий қўшин устига эмас, балки чўпоннинг отарига кириб қолгандек эдик.

Айрим душман жангчилари ҳатто қиличини қинидан суғуришга-да улгурмай қолди. Улардан айрим қисмларгина биз билан жангга киришди, қолганлари қуршовда қолиб, бу томонларга нима учун келганларини ҳам унутиб, эсанкирай бошлаган – қассобнинг қошида жовдираб қолган қўйдан фарқланмай қолганди.

Мен аввалроқ Бил Ургун ва унинг яқинларини тирик-лайин қўлга олишга буйруқ берган эдим. Қароргоҳни қуршаб олганимиздан сўнг, уларни осонгина асир олдик. Мен уни ўзимдек йирик, бақувват одам деб тасаввур қилган эдим. Ҳузуримга олиб келишгач, қарасам паст бўйли, пачаққина киши экан. Унинг боши менинг белим билан баробар эди.

Мен ундан турк тилини билиш-билмаслигини сўрадим. У мўғул тилидан бошқа тилни билмас экан. Шундан тилмоч орқали мулоқот қилдим: «Менинг шон-шавкатимни эшитмаганмисан?» – дедим. У мени бунчалар қудратли деб тасаввур қилмаганини айтди. Мен унга дедим: «Сен шунчалар нотавонсанки, сени ўлдиришдан ҳатто ҳазар қиламан. Шунинг учун токи тўлов олмагунимча, сени ва яқинларингни асирликда ушлаб тураман».

Бил Ургун мени соддадил деб ўйлади, шекилли, шу ерда мавжуд от-уловларининг ярмини менга бермоқчи эканини, эвазига уни ва яқинларини озод қилишимни сўради. Унга шундай жавоб қайтардим: «Бу ерда нимаики бўлса унут! Улар шу пайтгача сеники бўлгандир, энди эса ўз-ўзидан менинг қўлимга ўтди – сен яхшиси бошқа таклифинг бўлса, ўшандан гапир!»

«Менинг Мўғулистонда отларим кўп, қўйларим беҳисоб – агар озод қилсанг, мен уларни сенга бераман», – деди. Тўлов миқдорини икки кун баҳслашдик. Ахийри мен қуйи-

даги аҳдлашувга рози бўлдим. Демак, Бил Ургунни озод этишим учун у менга олтмиш минг от ва икки юз эллик минг қўй берадиган бўлди. Унинг ҳарбий бошлиқлари эса, ҳар бири мингтадан от тўловини қилиб, озодликка чиқишлари мумкин.

Бил Ургун Мўғулистонга етиб бориши биланоқ, аҳдлашилган тўловни амалга оширажагини айтди. Бироқ мен унга, токи от ва қўйлар етиб келмагунча, Бил Ургун ҳам, унинг яқинлари ҳам Самарқандда ҳибсда сақланишларини таъкидладим. Бил Ургун: «Мен юборадиган одам Мўғулистонга бориб, молларни йиғиб, бу ёққа олиб келгунига қадар, қанча вақт ўтишини биласанми?» – деди. Сўнг: «Қолаверса, бу осон иш эмас», – деб қўшиб қўйди.

«Бу ҳақда аввалроқ, менинг устимга қўшин тортишдан бурун ўйлаш керак эди», – дедим унинг ёзғиришларига жавобан. Шундан сўнг унга ўзимнинг шартимни баён этдим ва Ақраб ойининг 15 кунига қадар тўлов учун берилиши лозим бўлган отлар ва қўйлар етиб келмаса, у ҳам, ҳарбий бошлиқлари ҳам қатл этилишини маълум қилдим. Мен Мўғулистондан олтмиш минг от ва икки юз эллик минг қўйни бир вақтнинг ўзида ҳайдаб келиш мушкул эканини билардим. Шунинг учун уни кичик-кичик сурув ва уюрлар тарзида белгиланган муддатга қадар бўлиб-бўлиб юборишларини тайинладим. Баҳор ўтиб, сўнг ёз ҳам охирлай бошлади. Аммо Бил Ургуннинг отлари ва қўйларидан дарак бўлмади. Ўша йили мен Мовароуннаҳрда қолишни ихтиёр этдим. Бир қисм вақтимни ҳарбий йиғинлар ва уларни жангларга тайёрлаш ишларига сарфласам, иккинчи қисмини давлатни ободонлаштиришга бағишладим. Шунингдек, мен фарзандларим тарбияси билан ҳам машғул эдим. Шоҳруҳ ўшанда саккиз ёшли ўсмир бола бўлса ҳам, от чоптириш, кичик ёйдан ўқ узиш ҳадисини олган эди.

Шоҳруҳ туғилганидан сўнг унга шу номни танлаб қўйганимиздан ва қулоғига азон айттирганимиздан сўнг, бир куни ғаройиб туш кўрдим: ҳузуримга етита чақалоқни олиб келишди. Улардан тўрттасининг исмини билганим ҳолда, қолган учтасининг номини билмас эмишман. Энг ажабланир-

лиси, тўртинчи боланинг бошидан тоғ ҳўкизининг думига ўхшаш пўпак ўсиб чиққан эди.*

Эртаси куни яқинларимга кўрган тушимни айтиб берганимда, барчалари бир овоздан бу менинг ҳаммаси бўлиб еттита ўғил кўришимга ишора эканини айтишди. Бироқ Шоҳруҳнинг бошидаги ҳўкизнинг думига ўхшаш пўпак, нимани англатишини ҳеч ким таъбирлай олмади. Ўзимнинг хулосамга кўра, кейинчалик фарзандларим орасидан Шоҳруҳ жуда таниқли инсон бўлиб чиқади ва, эҳтимол, менинг ўрнимни олади.*

Балки мана шу туш сабабми ёки ўғилларим ичида кенжа-тойи бўлгани учунми, уни бошқаларидан кўра кўпроқ яхши кўрар эдим. Қаерга борсам ўзим билан бирга олиб юрардим. Аммо ҳеч қачон талтайтирган эмасман. Зеро, уни яхши кўришим, довюрак, мард қилиб ўстиришимга халал бермаслиги керак.

Дашти Қипчоқ сари Тўхтамишнинг юртига қўшин тортиб кетган ўғлим Шайх Умардан мунтазам хабар келиб турарди. Шундан бизга маълум экани, у Тўхтамиш билан икки марта тўқнашибди. Аммо жанг якуни маълум эмаскан. Кузнинг иккинчи ойи бошланишида Шайх Умардан мактуб келди. У ёрдам юборишимни, қийин шароитда қолгани ва агар ёрдамчи куч етиб бормаса, қўшин ҳалок бўлиши мумкинлигини баён этган эди. Ўғлимга ёрдамчи кучларни ўзим бошлаб боришга қарор қилдим. Гарчи қўшинни йўлга ҳозирлаш учун қулай имконият ёки ўнғай вақт бўлмаса ҳам, начора, Шайх Умарга ёрдам бермаслик ҳам мумкин эмасди. Шайх Умардан мактуб келган куннинг эртасиёқ, ғарбга томон ем-хашак ва озиқ-овқат таъминоти билан шуғулланадиган қисмни жўнатиб юбордим. Ўзим эса шошилинич ра-

* Мўғул қабилалари жанговар қудрат тимсоли сифатида тоғ ҳўкизининг думи билан туғларини зийнатлашган. Темур ҳам Чингизхон авлодидан эканини таъкидлаб, жанговар байроқларида ана шу рамздан фойдаланган.

* Ҳақиқатан ҳам Темурнинг ўлимидан сўнг, унинг ўғиллари орасидан фақат Шоҳруҳ ҳукмдорлик қилади. Шунингдек, бошқа ўғилларининг авлодлари ҳам кейинчалик кўп йиллар салтанат бошқарганлар.

вишда қўшин тўплаш ва жанговар сафга ҳозирлаш ишени бошлаб юбордим. Аммо Мовароуннаҳрни тарк этишдан олдин бажаришим лозим бўлган бир иш бор эди – шуни якунига етказмай кета олмасдим. Бу мўғул ҳукмдори, асирим Бил Ургун билан қилган аҳдлашувимиз бўлиб, шартлашувимиз муддати ойнинг ўн бешинчи кунигача эди. Ўз юртим ҳудудидан чиқар эканман, уни тирик қолдириб кета олмас эдим. Гарчи бу одамлар найранг қилиб, атайин вақтни чўзаётганини, Мўғулистондан шу пайтгача келмаган от билан қўй суруви бундан буён ҳам келмаслигини яхши билсам-да, ойнинг 15 кунини кутишга мажбур эдим, чунки сўз берганман – лафзда туриш мен қадрлаган инсоний фазилатлардан бири.

Иккинчи томондан ўтаётган ҳар дам ғанимат эди. Қипчоқлар ерида танг шароитда қолган Шайх Умар йўллари-мизга интизор...

Ақраб ойининг 16 кунини сафарга отландим. Ўзим йўғимда ҳокимият бошқарувини ўғлим Жаҳонгир зиммасига юкладим. Йўлга чиқишдан олдин Бил Ургун ва унинг сафдошларини ҳузуримга чақиртирдим, унга аҳдлашув муддати тўлганлигини, аммо Мовароуннаҳрга битта ҳам ваъда қилинган қўй ёки от келмаганини, аслида эса Бил Ургун вақтни чўзиш учун ҳийла ишлатганлигини ва бу орада қочишни режалаштирганини айтдим. Шунинг учун бугун қатл этилишини, бу ҳийлада иштирок этган ҳарбий саркардалари ҳам шундай жазога тортилишларини билдирдим. Бил Ургун саркардаларини унутиб ўзига омонлик тилаб ёлворишга тушди. Бундан яна ҳам ғазабландим ва дедим: «Сен кофирсан ва куфур қиличингни яланғочлаб, устимга қўшин тортиб келдинг. Агар мен олдини олмаганим-да, сен юртимни талаб, муслмонларнинг қонини дарё қилиб оқизмоқчи эдинг. Бундан ҳам аянчлисиз, сен олчоқ муттаҳамсан. Сени кофир сифатида ўлдирмаган тақдирим-да ҳам, ёлғончи сифатида ўлдиришим шарт, зеро, лафзингда турмадинг!..»

Шу сўзларни деб уларни жаллод қўлига топширдим ва мўғул ҳукмдори билан бўлиб ўтган бу тарихга нуқта қўйиб, қипчоқлар даштида янги тарих очиш учун йўлга чиқдим.

Озиқ-овқат ва ем-хашак таъминотини ташкиллаштириш учун йўлга чиққан қисм бу ишни аъло даражада уддалаган эди. Хазар денгизигача бўлган масофада омборлар ташкил этилиб, керакли маҳсулотлар етарли миқдорда жамғарилганди. Фақат навбатдаги юриш қайси йўлдан бўлишини билмаганлари боис (бу ҳақда ҳали кўрсатма бермаган эдим), улар Хазар денгизига бориб тўхтаб қолган эдилар. Денгиздан қипчоқлар ерига боришининг учта йўли мавжуд эди. Мен шулардан бирини танлашим керак: биринчиси – денгиз орқали. Бу энг яқин йўл. Аммо бунинг учун сувда сузадиган воситалар керак. Бунинг каби воситалар менда йўқ, уни излаб топиб келиш учун вақтим ҳам йўқ эди. Иккинчи йўл денгизнинг жанубий қисмидан бориладиган йўл бўлиб, у Бурган, Табаристон ва Талиш мамлакатлари орқали ўтарди. Бу жойларда жуда кўп урушқоқ қабилалар яшар ва йўл бўйи бизга кўп ташвишлар туғдириши мумкин эди. Учинчи йўл денгизни шимолдан айланиб ўтиб бориладиган йўл: Шайх Умар ҳам шу йўлдан кетганди, бироқ у баҳор пайти, мен эсам уни қишда кечиб ўтишим керак эди.

Хазар денгизидан қипчоқлар юртига борадиган йўлимни танлагач, таъминотчи қисмни шимолий йўналишда йўлга чиқардим. Уларга йўл бўйи омборхоналар ташкил этиш шарт эмаслигини, фақат Тархон дарёси* бўйида катта бир омборхона барпо этиб, бир неча кунга етадиган озиқ-овқат ва ем-хашак ғамлашларини буюрдим.

Таъминотчи қисм кетгач, мен юз минг кишилик қўшинни ўн қисмга бўлиб, ҳар бирида ўн минг кишидан иборат ўнта таркиб билан, шимолий йўналишда ҳаракатланишни бошладим. Бу пайт ойнинг иккинчи ярми бошланганди ва биз дарҳол қаттиқ совуқ иқлимни ҳис этдик. Шундай бўлсада, кечаю кундуз от чоптириб борардик. Фақат қисқагина муддатга тўхтаб, отларимизга озуқа бериб, қорнини тўйдиргач, яна тўхтовсиз сафарни давом эттирар эдик. Бироқ отларимиз совуқ ва тўхтовсиз ҳаракатдан у даражада ҳолсизланмаганди. Шунини ҳисобга олиб жангчиларимга нафас рост-

* «Тархон» – ҳозирги Волга дарёси, у Каспий денгизига қуйилади.

лаб олишлари учун заррача ҳам имкон бермадим. Гарчи ҳар бир жангчининг захира оти бўлишига қарамай, отларимиз унчалик ҳам чарчоқни ҳис қилмаётгани боис, уларни алмаштиришга эҳтиёж бўлмади. Ва ниҳоят Тархон дарёси соҳилларига етдик ва у ерда қароргоҳ қурдик. Отларимизни таъминотчи қисм аввалдан тайёрлаб қўйган отхонада сақлаб, ўзимиз ҳам бир неча кун чарчоғимизни ёздик. Тўрт кунлик ҳордиқдан сўнг биз ҳам, отларимиз ҳам узоқ йўл босиб келганимиз боис вужудимизга инган чарчоқдан батамом халос бўлдик.

Тархон дарёси соҳилига келиб тушган кунимиздан икки кун ўтиб таъминотчи қисмни яна йўлга чиқардим. Энди қипчоқлар ерида омборхона ва отхона барпо этишларини тайинладим. Токи биз етиб борганимизда озиқ-овқат ва ем-хашак масаласида тақчиллик бўлмасин. Тўрт кундан кейин эса ўзимиз ҳам йўлга тушдик. Тархон дарёси ўша кезлари музлаган ва ундан ўтаётганимизда айрим отларимиз сирпаниб оёқларини синдириб олди. Мен бундай дарёдан, боз устига унинг музлаган сатҳида юриб кўрмаган эдим. Шунинг учун ҳам бу вазиятда қандай чора қўллашни билмасдим. Кейинчалик билсам, бу юртнинг одамлари қишда отларнинг тақасини алмаштирар, муз устида юриш учун мўлжалланган бу тақалар отларнинг сирпанишига йўл қўймас экан.

Менинг учун катта дарс бўлган нарса шу бўлдики, ҳақиқий лашкарбоши ҳеч қачон ўқишдан, ўрганишдан, янгиликларни ўзлаштиришдан чарчамаслиги ёки тўхтамаслиги лозим экан. Зеро, инсон учун бирор вақт йўқки унинг нарса ёки тажрибани ўзлаштириш зарурати бўлмаса. Гарчи шу пайтга қадар кўп жангларни бошимдан кечирган, кўп қалъаларни қўлга киритган бўлсам ҳам, совуқ иқлим шароитида жанг қилмаганим боис, бундай кезлари нима қилиш кераклигини (худди отларнинг тақасини алмаштириш кераклигини билмаганимдек) билмас эканман. Бироқ менинг қўшинимдаги (захирадагалари билан ҳисоблаганда) 200 мингта отнинг тақасини алмаштириш учун 800 мингта тақа керак бўлади. Агар мен теварак-атроф қишлоқлардаги барча темирчиларни шу ишга жалб этганимда ҳам, улар бу

ишни, яъни бизга шунча миқдорда янги тақа ясаб беришни уддалай олмаган бўлишарди. Шунинг учун қўлимизда боридан фойдаланиб, айрим отларнинггина тақаларини алмаштирдик. Бироқ натижа биз кутгандек бўлиб чиқмади. Янги тақалар билан тақаланган отлар аввалгидек юра олмай қолди. Бошқалар ҳам шундан арз қилдилар: уларнинг отлари ҳам худди судралгандек юришга қийнала бошлабди. Кейин билсак, махсус тақа бизнинг отларимизга мос келмабди. Бундан биз яна бир сабоқ олдик: бизнинг отларимиз нафис пошнали ва нозик туёқли бўлгани сабаб уларга тўғри келмас экан. Бу тақалар маҳаллий зотдаги йўғон оёқ, кенг туёқли отларга мўлжалланган бўлиб, шу сабаб отларимиздаги янги тақани яна эскиси билан алмаштирдик.

Ўша кезде агар отларни тўхтатсак, совуқдан тарашадек қотиши турган гап эди. Уларни омон сақлаб қолишнинг биргина йўли тўхтовсиз ҳаракатини таъминлашдан иборат эканини англагандим. Жангчиларимизнинг оёқларига дағал жун мато ўралган, акс ҳолда оёқлари аёздан музлаб ишдан чиққан бўларди.

Гарчи мен бу юртларда ҳеч қачон бўлмаган эсам-да, қиш фасли қандай қоидаларга риоя этиш кераклигини назарий жиҳатдан билар эдим. Айниқса, бу ердан ўтадиган қўшинлар албатта кигиз олиб юришлари шарт. Шунинг учун ҳам, Хазар денгизи ва Тархон дарёси бўйларидаги қишлоқлардан имкон қадар кўпроқ кигиз ва жун матолар жамғариш вазифасини таъминотчи қисм зиммасига юклаган эдим.

Жаъдий ойининг биринчи кунигача* мана шу тахлит тўхтовсиз от сурдик. Совуқ эса кучайганда кучайиб бормоқда эди. Шунда тушундимки, агар тўхтамасак бу совуқда нафақат отлардан ажраймиз, балки бутун бошли қўшиндан ҳам ажраб қолишимиз мумкин. Шу муносабат билан тўхтаб, отлар учун вақтинчалик бошпана тиклашга буйруқ бердим.

Деворлари баланд, том қисми ёпилган бу қўра отлар учун яхшигина бошпана вазифасини ўтади. Уларни беэиён сақлаб қолдик, аммо ўзимиз бу орада роса таъзиримизни едик:

* Жаъдий ойининг биринчи куни – 22 декабрь.

совуқ суяк-суякларимизгача сингиб бормоқда эди. Жаъдий ойининг иккинчи куни бошланган кучли қор икки кун тинимсиз ёғди. Биз қор босиб қолмасин деб, ҳар икки соатда қўранинг томини кураб турардик. Шундан сўнг ҳаво тиниқлашди, бироқ шунақанги совуқ бошландики, бундай совуқни мен умрим бино бўлиб бошимдан ўтказмаган эдим. Шу пайтгача ҳам бундай қақшатқич совуқ ҳақида эшитганим йўқ. Кундузлари қуёш чарақлаб турар, аммо иситмас, биз эса совуқдан қўрқиб, кигиз билан ўралган мўъжазгина қора уйларимизни тарк этгимиз келмас эди. Кечқурунлари эса бу чўл ўлжа илнжида юрган минглаб бўриларнинг ов майдонига айланарди. Агар биз аввалдан жўнатган таъминотчи қисмлар йўл бўйи биз учун озиқ-овқат, ем-хашак ва ёқилғи ҳозирламаганларида ўша қиш шубҳасиз ўлиб кетган бўлардик.

Атрофимизда очкўз йирқиқлар галаси изғиб юрар, биз эса отларимизга ҳужум қилмасин деб кечаси билан пойлоқчилик қилиб чиқар эдик. Акс ҳолда изғиринлар изғиган ўша чўлларда бизнинг суякларимиздан бошқа ҳеч нарсамиз қолмаган бўлар эди. Жаъдий ойининг совуқ кунлари бошланиши билан энди таъминотчи қисмлар ҳам фаолиятини тўхтатган бўлса керак деб ўйладим. Чунки бундай совуқда уларнинг қишлоқма-қишлоқ юриб, озиқ-овқат, ем-хашак, ёқилғи ва жун матолар ғамлаши қийин.

Улар ҳам қулайроқ бир жой топиб, худди биз каби, чидаб бўлмас совуқнинг заҳри синишини кутиб ётган бўлсалар ажаб эмас. Ҳаво бир оз илиса яна йўлга тушишлари, вазифаларига киришишлари мумкин бўлади.

Бир куни кечқурун қулоғимга аллақандай «дукур-дукур» товушлар чалинди. Биринчи хаёлимга келган нарса, Тўхтамиш қаерда эканимизни аниқлаб, устимизга билдирмай босиб келди, деган ўй бўлди. Чунки товушлар худди отларнинг туёқларидан тарқалаётгандек эди.

Гарчи бундай совуқда жанг нстаб биз томонга келиш эҳтимоли ҳақиқатдан анчайин йироқ бўлса ҳам, ҳушёрликни йўқотишга асло ҳаққим йўқ эди. Шундан қароргоҳимизнинг ҳар жой-ҳар жойида қўриқлаш хизматини йўлга қўйдим. Одамларимиз кечаю кундуз қароргоҳ худудига пой-

лоқчилик қилар эдилар. Ҳаво совуқ бўлгани туфайли, қороларни тез-тез алмаштириб турардик.

Эҳтиёт шарт, саркарда ёвнинг ҳеч қачон ўз устига тўсатдан босиб келишига йўл қўйиб бермаслиги лозим. Акс ҳолда бундай нўноқ саркарда, мўғул ҳукмдори Бил Ургун сингари ўзининг ва қўшинининг заволига сабаб бўлади.

Душманзимиз ерларига етиб боришимиз учун ҳали яна эллик фарсанг йўл босишимиз керак. Шундай бўлса ҳам мен душманнинг писиб келиб, кечаси ҳужум қилиши мумкинлигини эътиборимдан соқит қилмас эдим. Чунки мен рақибимга ҳеч қачон паст назар билан қарашга одатланмаганман. Ўзимни эр билсам, уни шер билганман. Тўхтамиш ҳам худди ўзимдек тинимсиз от чоптириб эллик фарсанг масофани жуда қисқа фурсатда босиб ўтиб, қаршимиздан чиқиб қолиши эҳтимолдан холи эмас – унга бу йўлда ҳеч нима тўсиқ бўла олмайд.

Ўша кеч аллақандай товуш қулоғимга чалинганч чодиримдан чиқиб қулоқ тутдим – бу ниманинг товуши эканини билмоқчи эдим. Аммо у тушунарсиз эди. Қорда югуриб бораётган отларнинг туёғидан чиқадиған товушга сира ўхшамасди. Афтидан бу товушни бошқалар ҳам эшитган шекилли, айрим ҳарбий саркардаларим ҳам иссиқ жойларини тарк этиб, ташқарига чиққан ва узоқ-узоқларга боқиб, ниманидир аниқламоқчи бўлгандек вужудлари қулоққа айланиб қотиб туришар эди.

Осмон очиқ, булутсиз эди. Бу товушни момақалдиروқнинг акс-садоси дейишга асос бўладиган сабаб йўқ эди осмонда. Менинг жангчиларим ва уларнинг ҳарбий бошлиқлари жуда ҳушёр ётишга одатланишган. Қаттиқ чарчаб уйқуга кетган чоғлари ҳам тиқётган товушдан уйғонишади. Бунга бугун яна бир карра амин бўлдим. Ажабтовур товушни эшитиб барча оёққа турган экан. Гарчи ташқарига чиқмаган бўлсалар-да, ёпинчиқлари остида сергак ётишарди.

Бояги товуш сира биз томонга яқинлашмади. Шу боис ёв биз томонга яқинлашяпти, деган қатъий қарорга кела олмаётган эдик. Мен бир неча жангчиларни теварак-атрофни кузатиб, вазиятни ўрганиб келиш учун сафарга чиқардим.

Бир қисмни эса шарқий йўналиш бўйлаб жўнатдим. Душман бизни айланиб ўтиб, ортимиздан, биз кутмаган томондан зарба беришни кўзлаган бўлиши ҳам мумкин. Ахир ўзимиз ҳам кези келганда шундай қилганмиз. Тўрт тарафга йўл олган жангчилар олдига бир вазифани қўйдим: «Манбаини топиб аниқланг: ким ёки нимадан тарқалаяпти бу товуш – ҳаракатдаги ёв қўшиними ёки бошқа нарса?»

Тонг отди. Ҳудудни кузатишга юборилган қисмлардан бири қайтиб келди. Уларнинг аниқлашича, бу отлиқ қўшин ҳам эмас, момақалдироқ ҳам, балки бир манзилдан бошқа манзилга кўчаётган буғуларнинг улкан тўдаси экан.

Бу маълумот мени бадтар таажжублантирди. Бир неча ҳарбий саркардаларим ҳамроҳлигида ўша ёққа отландим: ўз кўзим билан кўриб, бундай гулдурос товуш таратаётган ҳақиқатан ҳам ҳайвонлар эканига ишонч ҳосил қилмоқчи эдим. Қуёш чиқар чоғи биз ўша ҳайвонлар тўдасини кўрдик – бу ҳақиқатан ҳам ёввойи буғулар галаси эди. Жангчиларим уни биринчи бор кўрганлари учун бу ҳайвонни қайси зотга тааллуқлигини билишмаган. Мен эсам уларни Эронда ҳам учратгандим, бошларида бутоқсимон шоҳлари бор. Ўйлаганим рост бўлиб чиқди: товуш уларнинг туёғидан эмас, балки тўда бўлиб чопаётган буғу шоҳларининг бир-бирига қарсиллаб тегишидан ҳосил бўлган.

Мен ҳарбий саркардаларга кўпроқ жангчиларни олиб келиб, буғу овлашларини тайинладим. Уларнинг гўшти шундай совуқ кунлари жуда ҳам зарур, терисидан эса, отларимизнинг қўрасини ёпишда фойдаланишимизни айтдим. Бу жониворларни Аллоҳнинг ўзи бизга етказди – қўллаганига шукр, дедим.

Жангчиларимиз кўп ўтмай етиб келишди ва биз кун бўйи буғу овладик. Буғулар тўдаси шунчалар катта эдики, унинг чеки кўринмасди. Кечга бориб овни тугатдик, буғулар эса ҳали ҳам ёнимиздан югуриб ўтмоқда эди.

Биз ўша куни шунчалик кўп буғу овладикки, уларни тўплаш ва қароргоҳга олиб кетиш осон кечмади. Бутун тунни ўлжани ташиш билан ўтказдик. Ўшанда биринчи марта ўз ёғига қовурилган буғу гўштини татиб кўрдик: у юмшоқ ва мазали эди. Бироқ айримлари қаттиқ ва қайишқоқ чиқ-

ди – минг уринма чайналмайди. Шунда англадимки, юмшоқ гўшт ёш буғуники, қаттиқ ва қайишқоғи – кекса буғунинг гўшти экан.

Оч бўри фақат тирик ҳайвонга ташланади, дейишарди. У ўлган ҳайвоннинг гўштини емайди деб эшитгандим. Ўша кун бу гапнинг унчалик ҳам тўғри эмаслигига амин бўлдим. Чунки бўриларнинг биз олиб кетишга улгурмаган буғуларнинг жонсиз жасадларига қандай ташланганликларини ўз кўзим билан кўрдим.

Кекса жангчиларимиздан баъзилари кекса буғунинг гўштини қорда сақласа улар ҳам худди ёш буғунинг гўшти каби ҳуштаъм ва юмшоқ бўлишини айтишди. Биз шундай қилиб кўрдик ва амин бўлдикки, аёз ҳақиқатан ҳам уни юмшатар экан. Буғуларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши бизга қўл келди ўшанда. Бир неча кун буғу гўшти билан таомланганимиз туфайли асосий озиқ-овқат захирасини тежашга муваффақ бўлдик. Буғунинг терисига ишлов бериш имкони йўқ эди бизда. Шунинг учун ундан фақат отхонанинг том қисмини ёпишда фойдаландик.

Жаъдий ойининг ўрталаригача ўша ерда қолиб кетдик. Қаттиқ совуқ йўлга чиқишимизга изн бермаётганди. Ўғлим Шайх Умардан ҳам ҳеч қандай хат-хабар йўқ – шундан мен унинг ўша пайт қаерда экани, нима билан машғул эканидан беҳабар эдим. Менга бир илинж таскин берарди: совуқ ҳаммага бирдек таъсир ўтказди. Башарти, бу совуқ шу жойларнинг эгаси ва шу совуққа кўниккан Тўхтамишни ҳам ҳаракатсиз аҳволга солган бўлиши мумкин-ку!

Шу билан бир қаторда, бошқа бир фараз кўнглимга ғулуғула ҳам соларди: «Тўхтамиш ўз юртида ҳамма шароитни билгани ҳолда жанг олиб боряпти, устунлик бу борада унинг томонида. Шу иқлимга мослашгани ва ёшликдан совуқда тобланиб улғайгани боис аёз, изғирин бу жойда унинг иттифоқчиси бўлиши мумкин. У бутун қипчоқ даштида яшайдиган қабилаларни оёққа турғазга олади, мабодо шундай бўлса Шайх Умарнинг ҳар қадами хатарнок. У ҳар бир бурчакда пистирмага дуч келиши табиий, охир-оқибат қўшини билан қирилиб кетади ёки бу юрт сарҳадларидан қувилади. Шунинг учун мен нима бўлса ҳам Тўхтамиш барча қипчоқ

қабилаларни Шайх Умарга* қарши кўтарган бўлмасин-да, деб безовталанардим: нима бўлса ҳам қўшинини қириб ўзини ўлдиришга ёки асир олишга эришган бўлмасин ишқилиб!..»

Ҳар сафар Шайх Умарнинг ҳалок бўлиши ҳақида ўйла-сам, у қадар ташвишга тушмас эдим, қайғуга ботмасдим. Чунки мен жангчидан, жангчилар эса фарзандлари ва бош-қа яқинларининг ўлиmidан ғамга ботмайдилар. Фарзанд-ларимизни жангга юбора туриб, биз улар билан шунчаки хайрлашмаймиз – видолашамиз аслида. Чунки жангда ҳалок бўлиш эҳтимоли ўша ондан бош кўтаради. Қақшатқич оли-шувлар чоғи жанг майдонида ҳеч кимнинг тирик қолиш имтиёзи йўқ. Ўлим ҳаммага бир хил чанг солади. Ростини айтишим керак, мени ўғлимнинг ўлими безовта қилмаётган-ди. Мени кўпроқ ташвишлантираётган нарса, агар у асирга тушган бўлса, унинг ўлимини истамаган ота сифатида ўғлим-ни озод қилиш учун Тўхтамишнинг барча шартларини қабул қилишим кераклиги оғир кечмоқда эди.

Шунингдек, Шайх Умарнинг саксон минг кишилиқ қўши-нига нима бўлгани мени ташвишлантирмоқда эди. Мана шундай кечинмалар охир-оқибат йўлга ундади. Ҳали совуқ-нинг заҳри синмаган, ерни қалин қор босганига қарамай жаъдий ойининг иккинчи ярмида қўшинни яна сафарга от-лантирдим. Жангчиларим ҳордиқ олиб яна кишнаб турган тулпордек бардам қиёфада, отларимиз эса парвозга шай турган лочин каби узоқ масофаларни босиб ўтишга тайёр эди.

Қор устидан юриш осон, аммо қаердаки йўлимизда муз-лаган кўл ёки дарё учраса, унинг ойнадек силлиқ сатҳини кечиб ўтиш беқиёс қийинчиликлар туғдирмоқда эди. Мана шундай шароитда биз отларнинг туёқлари остига кигиз ўра-маларини тўшар эдик. Ва отлар ўтиб бўлгач, жангчилар уни йиғиштириб олишарди. Жаъдий ойининг йигирманчи ку-нигача, йўл билан боғлиқ муаммоларни айтмаганда, айтар-ли бошқа бир воқеа содир бўлмади. Бироқ ўша ойнинг йи-

* Айрим тарихчилар ўз асарларида Амир Темур ўғли Шайх Умар-ни Умар Шайх деб атайдилар.

гирманчи кунни совуқ шамол эса бошлади. У шу қадар кучли эдики, юзга теккан шамол қиздирилган темирни босган каби ачиштирар эди. У тонгда бошланди. Ва қуёш ботгандан кейин ҳам эсишда давом этди. Шамолда қулоқ, бурун ва қўлларни очик қолдириб бўлмасди. Бир онда қорайтириб ташларди. Айрим жангчиларимизда қўлқоқ бўлмагани тугайли улар бир қўлларини захира отнинг ёли билан, иккинчи қўлларини асосий отнинг ёллари ичига тиқиб асранмоқда эдилар. Қор оёқларимиз остидан музлаб силлиқлашди. Отларимиз сирпаниб тушар, айримлари қаттиқ жароҳат олгани боис қайтиб тура олмасди.

Мен ўзим ҳам жуда қийналдим, қалин кийинган эсам-да, бурнимни ёки қўлимни ташқарига сал чиқарсам бас – пичоқ кесгандек жазилларди. Жангчиларим орасида Абдулла дегани бўларди – у карамесин қабиласидан эди.*

Бухоро шаҳрининг шуҳрати оламга машҳур. Абдулланинг отаси Карамесиндан таҳсил олиш учун Бухорога келган. Ўқишдан кейин шу ерда қолган. Уйланган – Абдулла ўша никоҳдан тугилган. Отаси уни ўқишга юборган. У мактабни тугатиб менинг хизматимга кирди. Нишопур, Сабзавор, Исфаҳон жангларида мен билан қатнашди. Мўғул хони билан жангда ҳам бор эди. Араб тилини (гарчи менчалик билмасам ҳам) биларди. Унинг жасоратини қадрлар эдим. У менинг яқинларимдан бири эди. Хос ходимим сифатида менга шундай гапларни айта олардики, бошқалар бундай қилишга журъат этмасди. Бироқ мен ундан хафа бўлмасдим, чунки у ниманки демасин, қалб амрига итоат этиб айтар эди. Менинг манфаатимни кўзлаб, ягона бир мақсад – менга содиқ хизмат қилиш мақсадида гапирарди. Ўша кунни ҳам у менга дакки берди: «Эй амир, нега вазиятни кўра-била туриб бунчалик ўжарлик билан олдга интиласан? Ахир бунақада ҳадемай отлар битта қолмай қирилиб кетади, жангчиларинг пиёда бўлиб қолади-ку!»

* «Карамесин» – Кирмоншоҳни қадимда шундай номлашган. Қадимги ёзувларда Кирмоншоҳ вилояти Карамесин вилояти деб аталган.

Шу пайт узоқдан бир қора доғ кўринди. Ўша жойга бориб тўхташимизни айтдим. Чунки қора доғ бўлиб кўринган нарса дарахтзор эди. Унда ўтин тайёрлаб олов ёқиш мумкин... шу пайт осмонни қоп-қора булут қоплади. Ҳар нечук муздек шамол тинди. Биз ўша дарахтзорга боргунча бўлмай, атроф-борлиқ қоронғилашди. Булутнинг кўланкасидан ҳамма нарсанинг қорайишини биринчи бор кўришим эди. Дарахтлар ҳам худди куйган косовдек қорайиб кўринарди.

Бу ернинг дарахтлари бошқача экан. Мовароуннаҳрикидан буткул фарқ қилади. Бундай дарахтлар фақат совуқ ўлкаларда ўсиши мумкин. Танаси жуда биқир ва таркибида ёғ бўлгани боис яхши ёнади. Агар муздек шамол ҳали ҳам эсиб турганида биз бу дарахтзорда битта ҳам иш қила олмаган бўлар эдик: на отхона қура олардик, на ўзимизга бошпана.

Совуқнинг дастидан ҳатто қарғалар ҳам кўзга ташланмасди. Қоронғилик кишини бадбин хаёлларга ошно этарди. Жангчилар дарахтларни кесиб, каттакон гулхан ёқдилар. Атрофида исиндик. Олов ёниб бўлгач чўғни лаганларга солиб, отхонага олиб боришди. Оз бўлса ҳам унинг ҳили отхонани бир оз иситди.

Чодирларга жойлашиб олгач ҳарбий бошлиқларни кенгашга чақирдим. Бир ҳақиқатни уларга айтмоқчи, бир масала юзасидан улар билан кенгашмоқчи эдим. Барча тўплангач дедим: «Бизда бу ерда отлар учун «навола»дан бошқа озуқа йўқ, у ҳам оз қолган. Бундан ташқари, озиқ-овқат масаласида ҳам ҳадемай жиддий муаммоларга дуч келамиз. Сув масаласи ҳам – жумбоқ. Жангчиларга айтсак, идишларида қор эритиб сув ғамласалар. Отлари ва ўзлари учун, аммо бу муаммога ечим бўлмайди.

Мен бу гапларни айтаётганим, ҳар қандай вазиятда биз бу ерни тезроқ тарк этишимиз керак. Бугун бу жойда қулайгина жойлашгандекмиз, аммо бу узоққа чўзилмайди, – деб уларга вазиятни тушунтирдим. Сўнг: Энди сиз билан навбатдаги ишларимизни маслаҳатлашсак, – дея иккинчи масалага кўчдим. – Бундан буён бизнинг қай томонга юришимиз Шайх Умарнинг қаерда экани билан боғлиқ. Биз қандай бўлмасин уни топиб, кучларимизни бирлаштиришимиз

лозим. Келинг ўйлашиб кўрайлик-чи, у ҳозир қаерда бўлиши мумкин?»

Ҳарбий саркардаларим кўпни кўрган, дунёқараши кенг, тарихдан бохабар инсонлар бўлгани учун мен ҳар бир ишда, ҳарбий юришларимиз билан боғлиқ барча режаларимни улар билан маслаҳатлашиб, кенгашиб амалга ошириб келаман. Ҳозирги кенгашга ҳам муҳим бир масалани ечишда менга кўмак беришларига ишончим комил эди – шундан масалани савол тарзида ўртага ташладим. Ҳарбий саркарларимдан бир деди: «Менимча, Шайх Умар ҳозир Боб-ул Абвобда»*.

Абдулла ундан изоҳ талаб қилди: «Шайх Умар қайси йўлдан Боб-ул Абвобга борган бўлиш мумкин? Биз биламиз у денгиз йўлидан кетгани йўқки, кемаси Боб-ул Абвобга сузиб борган десак. Қуруқликдан эса у ёққа бора олмайди. Чунки Ануширвон тўғони унинг шимолдан ўша томонга ўтишига халақит беради».

Мен луқма ташладим: «Тўғонни Ануширвон қургани баҳсталаб, баъзилар уни шоҳ Жамшид қурган дейишади». Абдулла мени қўллаб-қувватлади. Тўғон ҳақида сўз очган саркарда фикрини шундай изоҳлаб, деди: «Тўғонни ким қурганини билмайман, аммо бир нарса аниқ: бугунги кунда бирорта ҳам кема шимолий йўналишдан Боб-ул Абвобга кира олмайди». Мен дедим: «Айтишларича, Хазарнинг шимолида яшаган қабилалар мунтазам равишда Эронга дахл қилиб келишган. Жамшид, Анушервон – икковидан бириси Боб-ул Абвобда тўсиқ қурган. Бу ўша қабилаларнинг йўлини тўсиб, Эронга қарши босқинчилик қилишларига барҳам берган. Хазарбўйи қабилаларнинг жойлашган ери – қипчоқлар ери деб номланади. Уларнинг бугунги ҳукмдори – Тўхтамиш». Абдулла сўради: «Хўш, Тўхтамишнинг ўзи Боб-ул Абвобга қайси йўлдан боради?» Тўғон масаласини кўтарган ҳарбий саркарда, денгиз орқали, деб жавоб қайтарди. Аб-

* Боб-ул Абвоб – ҳозирда бу жой Дарбанд деб номланади, у Боқунинг шимолида, Каспий денгизининг ғарбий соҳилида жойлашган йирик порт шаҳардир.

дулла унга қўшимча қилди: «Балки жанубдандир? Яъни, тўғондан қайрилиб жанубий йўлга чиқади. Ундан кейин «Олов мамлакати»* орқали Боб-ул Абвобга ўтади». Мен унинг фикрини маъқулладим: «Абдулла ҳақ, жанубдан борса ҳам бўлади». Ҳарбий саркардаларимдан яна бири сўради: «Оловлар мамлакати қаерда жойлашган ўзи?» Мен унга жавоб бердим: «Оловлар мамлакати» Боб-ул Абвоб жанубида Хазар денгизи бўйида жойлашган. Бундай номланишининг сабаби эса, у ерда ер остидан тез-тез қора мой отилиб чиқади. Баъзида улар ёниб осмону фалакка ўрлайди – уларни ҳали ҳеч ким ўчира олган эмас». Даврадагилардан бири: «Ўша ерда яшайдиганларга мазза экан, – деди. – Совуқ нималигини билишмаса керак, хоҳлаган пайтлари оловга исинишади». Мен унга ўша оловнинг моҳиятини тушунтирдим: «У оловда исиниб бўлмайди – яқинлашсанг куйдиради».

Ҳарбий саркардаларимдан бири баҳсга араллашиб ўз фикрини қуйидагича баён этди: «Менинг ўйлашимча, Шайх Умар Боб-ул Абвобда ҳам эмас, «Оловлар мамлакати»да ҳам. Чунки ҳар икки бу ер Хазарнинг ғарбий қирғоғида жойлашган. Агар Шайх Умар шу жойдан бирида бўлса, чопарни қуруқлик орқали юбормаган, қолаверса у ёрдамчи кучларни қуруқлик орқали юборишни сўрамаган бўларди. Аксинча, унинг чопари денгиз бўйлаб юрган Боб-ул Абвоб билан «Оловлар мамлакати» ўртасида қисқагина денгиз йўли орқали ўтиб, Мовароуннаҳрга тезроқ кириб боришини таъминлаган бўлар эди. Шундан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, Шайх Умар ҳозир қаерда бўлмасин, денгизга чиқишга имконсиз бир жойда».

Мен ўша пайтга қадар мана шу ҳолатга эътибор бермаган эканман. Масалага бир оз бўлса-да, оидинлик киритган саркардани олқадим ва дедим: «Офарин! Сенинг фикринг ҳақиқатга яқин. Шундай қилиб Шайх Умар шундай жойда-

* Азербайжаннынг Боку шаҳри. Филологларнинг эътирофича, Боку сўзининг ўзаги маҳаллий халқ тилида «олов», «олов ибодатхонаси» деган маънони англатади.

ки, чопарни денгиз орқали юбориш имкони бўлмагани учун ҳам қуруқликдан юборган. Бироқ унинг айнан қаерда экани бизга қоронғи. Шунинг учун биз тезроқ йўлга тушиб ўша жойга боришимиз, ерлик аҳолидан сўраб-суриштириб бир натижага эришишимиз мумкин».

Абдулла деди: «Эй, Амир, қипчоқлар ери бир денгиздан иккинчисига қадар икки юз фарсанг масофада экан. Биз шу ораликда яшайдиган аҳолидан сўраб Шайх Умарни қаерда экани ҳақида, албатта, маълумот оламиз. Ахир бор-йўғи икки юз фарсанг бўлган мамлакатда игна эмаски саксон минг кишилик қўшин зим-зиё бўлса».

Унга жавобан дедим: «Эҳ, Абдулла, сен қипчоқлар мамлакатининг энига диққат қиялсан. Сенинг кўз олдинда фақат водий ястанаяпти, тоғларни эса кўрмаялсан. Мамлакат жанубидаги тоғларни назарда тутялман. Ўша тоғларда билсанг одамларининг сони осмондаги юлдузларнинг саногича ҳар хил қабилалар мавжуд. Уларнинг ерига қадам босган қўшин ўзини ўлимга маҳкум қилган бўлади. Бу дунёда изи ҳам қолмайди».

Охир-оқибат кенгашда бир қарорга келдик. Унга кўра эртаси куни тонгда йўлга тушишга келишдик. Қипчоқлар юртига бориб, аҳолиси гавжум ҳудудлардан сўраб-суриштириб, қидирувни давом эттиришга аҳд қилдик.

Кеч кириши билан қор ёға бошлади, ҳаво бир оз юмшайди. Бу мени қувонтирди, чунки қорда отлар сирпанмайди. Шундай қилиб эртаси куни эрталаб йўлга тушдик.

Қўшинга йўлга чиқиш ҳақида буйруқ бердим ва одатдагидек бир кузатувчи гуруҳни олдга, яна бир қисм жангчиларни хавфсизлигимизни таъминлаб бориши учун қўшин ортига ташладим. Ҳар икки қисмга йўлнинг ҳар икки қанотини мунтазам кузатиб бориш топширигини бердим. Таъминотчи қисмдан эса ҳали ҳам дарак йўқ эди. Йўлда ундан нишона бирорта омборхона чиқиб қолар деган умидда олға юрдик.

Ҳар сафар булутлар орасидан мўралаган қуёш нурлари кўзимизни қамаштириб, йўлга қарашга халақит берарди. Бу менинг ҳам жангчиларимнинг ҳам гашига тега бошлаганди. Аммо биз қуёшнинг нуридан кўзларимизни қандай

асрашни билмас эдик. Бир куни аллақандай гилдираксиз аравада, қор устида сирпаниб бораётган одамларни кўрдик. Улар юзларига қандайдир қора ниқоблар тақиб олишган эди. Англадимки, улар шу йўл билан кўзларини қуёшдан асраб, бемалол чўлни кузатиб боришаётганди. Биз ҳам улардан ўрганиб юзларимизга қора матодан ниқоб тақиб олдик. Фойдаси тегди. Қора мато топа олмаганлар кўк матодан фойдаландилар.

Аввал эслатганимдек, биз жаъдий ойнинг 21 куни* йўлга тушдик. Қор ҳали ҳам ёғмоқда, шунинг учун ҳам ҳаво илиқ эди. Мана шундай вазиятда имкон қадар кўпроқ масофани босиб ўтиш истагида қўшинни олға ундар эдим.

Оч бўрилар галаси ҳар тарафимизда изғиб юришар эди. Олдда бораётган ва ортимиздан кузатиб келаётган қисмдагилар бир неча бор улар билан тўқнашиб, ўқ отиб бир нечасини ер тишлатишга мажбур ҳам бўлишибди. Уларни мен бежизга ўзимизга яқинроқ юришларини белгиламаган эдим. Агар асосий қўшиндан керагидан ортиқ масофада қолиб кетсалар ёки илгарилаб кетсалар, оч бўрилар галасига ем бўлишлари тайин эди.

Кеч тушганида ҳам қор тинимсиз ёғмоқда эди. Мен шундай қулай об-ҳаво шароитида кўпроқ масофани босиб ўтишга ҳар қанча уринмай, кутилмаган бир ишқаллик хоҳиш-истакларимни белига тепар эди.

Олдаги кузатувчи гуруҳдан маълумот олдик. Улар йўлни йўқотиб қўйишибди. Аниқлашнинг иложи бўлмаётган эмиш. Аслида кузатувчи қисмнинг отлари исковуч итлардек бу борада маҳорат касб этган бўлади. Ҳозирги шароитда улар ҳам ноиложликдан тўхтаб қолишибди. Бу, албатта, қорнинг кўп ёққани оқибатида вужудга келган муаммо эди.

Мен иккиланиб қолдим: «Нима қилишим керак? Агар саркашлик билан олға юрадиган бўлсак, қор босган бу чўлларда адашиб охир-оқибат барчамиз тарашадек қотиб, совуқнинг қурбонига айланамиз. Агар кузатувчи гуруҳ ва қўшинни тўхтатсам озиқ-овқат, ёқилги ва бошқа муаммоларга дуч келамиз».

* 11 январь куни.

Теваракда бу саволга жавоб бўладиган тик этган товуш йўқ, қоронғилик бағридан милт этган умид учқуни кўринмасди. Кўрингани, оч бўриларнинг зулмат ичра милтираб турган нигоҳлари эди. Ахийри, бу вазиятда ягона тўғри йўл – тўхташ деган қарорга келдим.

Биз суворийлар ҳар бир манзилда тўхтаганимизда, биринчи навбатда отларимизнинг ташвишини қилишга масъулмиз: улар учун қулай шароит яратилганига ишонч ҳосил қилганимиздан кейингина, ўз оромимиз учун тадорик юмушларга киришамиз.

Авалло, отлар учун вақтинчалик турар жой қуришга топшириқ бердим. Сўнг ўзимиз учун бошпаналар тикланди. Олов ёқмай дарҳол ўзимизни ичкарига олдик. Ўша тун менинг ҳаётимдаги энг серташвиш, энг машаққатли ва энг таҳликали кеча бўлди десам янглишмайман: аввалига бир оз пинакка кетдим. Қор тингач, жуда қаттиқ совуқ бошланди. Суякларни қақшатадиган даражада эди у. Ортиқ ухлай олмадим, сирасини айтганда, бундай совуқда ҳар қандай ҳушёрликни йўқотиш – ҳаёт билан видолашиш демакдир. Бутун йўл давомида ўша тун оч бўрилар галасининг қароргоҳимизга хуружи таҳликали кечди. Ҳатто Тўхтамиш ҳам бизни бунчалик ташвишга сола олмаса керак. Туни билан одамларимиз отларни бўриларнинг хуружидан ҳимоя қилиб, йиртқичлар билан олишиб чиқди.

Вазиятни ҳисобга олиб, теваракда кўриқчиларни кўпайтирган эдик. Ҳавонинг совуқлиги боис уларни тез-тез алмаштириб турардик. Қоровуллик муддатини ўтаган жангчиларимиз ўз бошпаналарига эмас, отхонага қараб чопишарди, чунки у ерда нисбатан иссиқроқ ягона жой – отхона эди. Кейинчалик бизнинг ўша тундаги чеккан азобларимиз афсонага айланиб кетди. Ўша минтақада яшайдиганлар бу чўпчакларни ҳозир ҳам сўзлаб юргандир. Эмишким, менинг бир неча жангчиларим қоровулликда турган чоғ, совуқдан ҳайкалдек қотиб музлаб қолган-у, орадан бир неча ҳафта ўтиб, ҳаво исиб, музлар эригач, маҳаллий аҳоли уларнинг ҳали ҳам худди жонли одамдек қурол тутиб турган ҳолида кўрган эмиш. Бу гапга оми одамлар ишониши мумкин, ҳар қандай ақли бор одам бунга бовар қилмайди.

Ўша кеча жангчиларимдан бирортаси ҳам совуқдан жиддий зарар кўрмади. Чунки қоровулларни тез-тез алмаштириб турдик. Қароргоҳ атрофини қўриқлаётганлар отхонада исиниб олишар ва доимий ҳаракатда бўлиб турганлари боис қаттиқ совуқнинг қаҳрига учрамадилар. Бироқ отларимиз очликдан бир оз азият чекди. Эртаси куни эрталаб бисотимизда қолган энг сўнги «навола» билан уларни озиқлантирдик: ҳадемай сафарга чиқамиз, отлар йўлга яраши керак.

Жангчиларим фақат дам ололмадилар. Совуқ бунга изн бермади. Башарти, агар биз шу алфозда яна бир кун қоладиган бўлсак, отлардан ҳам, қўшиндан ҳам ажраб қолишим мумкинлиги ойдек равшан бўлиб қолди.

Ўша кеч мен ўзимни-ўзим қийнаб чиқдим. Ўзимни лашкарбоши сифатида нўноқ, етарли тажрибага эга эмас деб баҳоладим. Совуқ ўлкаларга қиш фаслида қўшин олиб кириш нечоғли самарасиз тадбир эканини аввалдан билишим лозим эди. Совуқ ўлкалардаги чўллар билан Мовароуннаҳр, Хуросон, Райдаги яйдоқ чўлларнинг фарқланишини аввалдан билишим керак эди. Бу ерда қиш шу қадар совуқ бўлар эканки, темирга қўл тегизсанг у қўлингга ёпишиб қолади.

Агар мен тажрибали бўлганимда қишда қўшинни Дашти Қипчоққа бошламаган бўлардим. Иссиқ мавсумни кутишим лозим эди. Гарчи ўғлимнинг ҳаёти хавф остида бўлса ҳам, унинг жонига оро кириш учун юз минг сонли лашкарнинг тақдирини таҳликага солмаслигим шарт эди. Зотан юз минг сонли қўшин нишонга тегмаган ўқ каби беному нишон қирилиб кетиши мумкинлигини фикр қилмоғим даркор эди.

Ўша тун назаримда энг узун кеча бўлди. Гўёки ҳеч қачон тонг отмайдигандек. Мен бир неча бор чодиримни тарк этиб ташқарига чиқдим. Қароргоҳ атрофларини, отхонани ва бошқа барча бурчакларни кўздан кечирдим. Бироқ ҳеч ким билан сўзлашгим йўқ, афтидан бошқалар ҳам худди менинг кайфиятимда эди.

Қор тиниб, булутлар тарқагач, мен Жади (Қутб) юлдузига эътиборимни қаратдим. Агар совуқ бўлмаганида сафарни давом эттиришга амр қилган бўлардим, чунки йўлни мана шу юлдузга қараб тахмин қилиш мумкин эди.

Кун ёришгандек бўлди ва мен тонг отяпти деган хаёлда Қутб юлдузига қиёсан шарқни аниқладим. Аммо шимол томон ёришса-да, у қоронғилигича қолмоқда эди.

Мен каби ухлай олмай юрган бир неча ҳарбий саркардаларим ҳузуримга келиб, йўлга чиқамизми, йўқми деб сўрашди. Мен уларга ўша дамда хаёлим нима билан банд бўлса, ўша нарса ҳақида сўзладим: «Бу ўлкаларда тонг шарқдан эмас, шимолдан оқаради» – дедим. Шундан сўнг уларга Қутб юлдузини кўрсатиб, шарқ қайси томон эканини аниқлашларини сўрадим. Улар ҳам шарқни аниқлаб худди мен каби таажжубга тушишди. Чунки шарқ ёришиб бормоқда эди. Улар дедилар: «Балки биз янглишаётгандирмиз, эҳтимол биз Қутб юлдузи деб қараётганимиз умуман бошқа юлдузидир?» Мен уларга осмоннинг юлдузлар харитасини кўрсатдим ва: «Биз янглишмаяпмиз, аксинча тонг хато қияпти – у шарқдан эмас шимолдан отаяпти» дедим...

Биз ҳаммамиз ҳайратдан лол қолгандик. Шимолга кўз тикиб тонгнинг буткул оқариб, куёш чиқишини кута бошладик. Ростини айтганда ҳаммамиз даҳшатга тушдик. Ҳаттоки мен ҳам, шу пайтгача ўзимни ҳеч нарсадан кўркмайдиган, ўлимни назар-писанд қилмайдиган одам ҳам, кўркувдан ичимда қалтироқ ҳис этдим. Саркардаларим эсанкираб қолдилар: «Энди нима бўлади, амир?!» «Энди вазият бизга бўйсунмайди, энди фақат ва фақат Аллоҳнинг айтгани бўлади!» – деб жавоб қилдим уларга.

Безовталигимиз сабаби биз ҳаммамиз, агар куёш шарқдан чиқмай бошқа ёқдан чиқса, охирзамон бўлишини, қилган яхшиёмон ишларимиз учун жавоб бериш тадоригини кўришимиз лозимлигини яхши билардик. Бироқ кутилган ҳол – охирзамон юз бермади. Куёш чиқмади, аксинча қизариб келаётган уфқ аста-аста сўниб, қорайиб қолди. Шунда мен англадимки, мен тонгнинг отиши деб ўйлаган нарса тамоман бошқа табиат ҳодисаси экан. Бу субҳидам ёғдуси бўлиб, у Дашти Қипчоқ ва унга ёндош бўлган ҳудудларда қиш кунлари тез-тез пайдо бўлиб, осмоннинг шимол қисмини қисқа вақт ёритар экан.*

*«Шимол ёғдуси»ни айрим қиш кечалари шимолий Кавказда ҳам кузатиш мумкин. Амир Темур «субҳидам ёғдуси» деганда «шимол ёғдуси»ни назарда тутган.

Шундан кейин чодирга кирдим. Аммо кўнглимни банд этган кечинмалар тинчимни ўғирлаган эди – ухлай олмадим. Баъзан куни кеча ташлаб чиққанамиз дарахтзордаги қароргоҳга қайтсаммикин, ҳар қалай у ерда ёқилғи масаласида муаммо йўқ эди, деб ўйлаб қолардим. Аммо орқага қайтиш таназулга тенг тадбир эканини англаб, бу фикрларни калламдан қувиб солар эдим. Ҳадемай отларимиз ҳам, одамларимиз ҳам очликдан қулай бошлайди – шунинг учун бир қадам бўлса ҳам фақат олға юришимиз керак. Тонг отди, аммо бу алдамчи эмас – ҳақиқий тонг эди. Қуёш чўлни ёритгач, мен ғарбни кузатдим. Узоқ-узоқлардан қорайиб кўринган доғга кўзим тушди – дарахтзор бўлиши керак. Уни бошқаларга ҳам кўрсатдим. Улар ҳам тасдиқлагач, мен ҳаммани шошилинич равишда йўлга тайёр бўлишини, отларга энг сўнгги озуқаларини бериб, йўл олдидан бир фурсат эркин қўйиб қўйишларини буюрдим. Отлар қорга думалаб, тумшукларини унга ботириб, чанқоқларини қондириб олгач йўлга тушдик. Гарчи одамларим «ҳа» деганда дарахтзорга етиб борамиз, деб ўйлаётган бўлсалар-да, бу масалада катта ҳаётий тажрибам борлиги сабаб, кўзимизга яқин бўлиб кўринаётган дарахтзор биздан хийла узоқда, унга етиб боргунга қадар, кам деганда тўрт-беш фарсанг йўл босишимиз лозимлигини билар эдим. Саҳни теп-текис бўлган минтақаларда нарсалар худди ана шу тахлит кўринади. Лекин ҳар нима бўлганда ҳам жангчиларимизда умид уйғонган, ана шу умид уларни руҳлантирган эди.

Мен одатдагидек пешқадам кузатув гуруҳини йўлга чиқардим. Ортдан ўзимиз йўлга чиқдик. Биздан анчайин илгарилаб кетган кузатув гуруҳи дарахтзор деганимиз ҳақиқатан ҳам йирик ўрмон, улкан-улкан дарахтлар билан қопланган жой экани ҳақида маълумот юборди. Шунингдек, у ерда одамларнинг турар жойлари ҳам бор эмиш. Навбатдаги хабар яна ҳам қувонарли эди. Кузатув гуруҳимиз у ерда таъминотчи қисм билан учрашибди. Улар каттагина омборхона ташкил этиб, сўнг кузатув гуруҳини биз томонга юборган экан.

Кўнглим хотиржам бўлди: энди от озуқаси, ёқилғи ва озиқ-овқат масаласида ташвиш қилмасак бўлади. Аҳоли ту-

рар жойлари борми, бас – бу нарсалар топилади. Бизнинг таъминотчиларимиз бориб жойлашган жой – Келне деб аталар экан. Биз у ерга ҳориб-чарчаб, очликдан судралгудек бўлиб кечга яқин етиб бордик. Таъминотчи гуруҳ яқинлашаётганимизни билиб вақтинчалик отхона тайёрлаб қўйган экан. Етиб келишимиз билан отларни жойлаштирдик. Катта гулхан ёқиб, олов ёниб бўлгач галма-галдан отхонага чўғ ташиб, уни иситиш билан машғул бўлдик. Мен таъминотчи қисм раҳбарини чорлаб нега бизга хабар юбормагани ҳақида сўрадим. У қор ва бўрон йўлни беркитиб қўйгани сабаб шу жойда қамалиб қолишга мажбур бўлгани, аммо имкон бўлди дегунча теварак-атрофга қидирув гуруҳларини юбориб турганини айтди. Ундан Шайх Умар ҳақида бирор-бир маълумот бор-йўқлигини сўраганимда, у ерлик аҳоли охирги марта Шайх Умарни қор бўрони бошланишидан олдин кўрганлигини, шундан кейин йўллар ёпилиб, бошқа ҳеч нарса эшитмаганлигини сўзлаб берди. «Уларнинг айтишича, агар жойини алмаштирмаган бўлса – у Боб-ул Абвобда бўлиши керак, – деди».

Қишлоқнинг оқсоқолларини йиғишга буйруқ бердим. Улардан Боб-ул Абвобга қайси йўлдан бориш маъқуллиги ҳақида йўл-йўриқ олмоқчи эдим. Қишлоқнинг кексалари йиғилгач, оқсоқолдан сўрадим: «Бу ердан Боб-ул Абвобга неча кунлик йўл?» У жавоб қилди: «Эй, Амир, биз турган жойдан Боб-ул Абвобгача ўн беш кунлик йўл, бироқ агар отни чоптириб турсанг ўн икки кунда ҳам етиб борасан». Мен ундан яна сўрадим: «Агар кечаю кундуз от чоптирсамчи?» Оқсоқол бир нимани чамалаган бўлди-да, «Унда олти ёки беш кунда етасан, – деди. – Лекин қор эримай бу натижага эришишинг душвор, – дея сўзида давом этди у, – қиш мавсумида одам-ку одам, ҳатто Семурғ қуш ҳам Қоф тоғидан учиб ўта олмайди».

Мен ундан сўрадим: «Бу ердан Боб-ул Абвобга элтадиган йўл тоғ оша ўтадимми?» Оқсоқол жавоб қилди: «Эй, Амир, йўл Табар довони орқали ўтади. Довон йўли эса жуда энсиз – бор-йўғи бир зарча бор. Айрим жойлари бундан ҳам тор. Худо билади, қачон ва ким бу йўлга асос солган: у тўғри тоғнинг тепасига кўтарилиб боради. У ердан туриб ортинг-

да, олдингда нималар борлигини ҳаттоки денгизни ҳам бор бўйи билан кўрасан».*

Оқсоқол бу довондан бир неча бор ўтиб-қайтган, шекилли, батафсил маълумот бермоқда эди. Менга бу маълумотлар сув билан ҳаводек зарур бўлгани учун ҳам унинг ҳикоясини бўлмай, батафсил эшитдим.

– Ҳатто ёз кунлари ҳам бу довондан ўтиш мушкул, – ҳикоясида давом этди у. – Озгина эҳтиётсизлик қилинса, бас – от ҳам, отлик ҳам пастга қулайди. Жарлик эса у ерда шу қадар чуқурки, туби кўринмайди. Қишда эса йўловчилар бир фарсанг юрмаёқ ёки дарага қулаб, ёки қор остида қолиб нобуд бўлади.

Бундан бошқа яна бир йўл бор. У ҳам энсизгина сўқмоқдан иборат отлик одам ўта олмайди, пиёда ўтиши мумкин, бироқ кўп муаммоларга дуч келиши тайин. Илло, ҳозирги шароитда пиёда ҳам бу сўқмоқдан ўта олмайди. Мен шу нуқтада унинг ҳикоясини бўлдим: «Хўш, у ҳолда мен ўғлим Шайх Умарга ўзимни қаерда эканимни билдириб, қандай хабар етказишим мумкин?»

«Йилнинг бу фаслида Боб-ул Абвобга фақат денгиз орқали бориш тўғри бўлади, – деди у саволимга жавобан, – бироқ бу йўлнинг ҳам мавсумнинг моҳиятидан келиб чиқсак ўзига яраша мураккабликлари бор. Агар бу ердан денгизга олиб борадиган йўлда бирорта ҳам аҳоли турар жойлари йўқлигини ҳисобга олиб, йўлда озиқ-овқат, ем-хашак ёки сув ундириб бўлмаслигини назарда тутсак, суворий ёки пиёда захира озиқ-овқат ва сув билан таъминланган ҳолда денгизга бир шарт билан ета олади – у йўлда изғиб юрган бўрилар галасидан асрана олиши керак. Денгизга етиб олса бас, у ёғи осон кечади: кема ёллаб Боб-ул Абвобга етиб олади».

Тушиниб етдимки, Шайх Умар билан боғланиш учун чопар юборишдан ўзга чорам йўқ экан. Чунки етарли озиқ-

* Қишлоқ оқсоқоли «ортинда» деганда Кавказ тоғларидан шимолда жойлашган қипчоқ даштини, «олдингда» деганда Кавказ чўққиларининг жанубидаги мамлакатларни ва Каспий денгизини назарда тутган.

овқат ва сув захирасига эга бўлмай денгизга олиб борадиган нотаниш йўлдан қўшинни олиб ўтишим душвор. Қолаверса, денгизга етиб борган тақдиримда ҳам, уни Боб-ул Абвобга олиб ўтишнинг ўзи бўлмайди.

Қўшинимда Фатин Ғур исмли суворий бор эди. У Ғур мамлакатининг фарзанди.* Мовароуннаҳрда менинг хизматимга кирган, пиёда йўл босиб чарчамасди. Белгиланган манзилга етмагунча кечаю кундуз тўхтамасдан йўл юрарди.

Фатин Ғур текис йўлдан юрганда йўл-йўлакай ухлаб кетаверадиган одати бор киши эди. Аммо нотекис йўлда кўз юммасди. Мен унга иккита ҳамроҳ олиб денгизга, у ердан кемага ўтириб Боб-ул Абвобга боришни, Шайх Умарга мактубимни етказиш вазифасини топширдим. Хатни етказиб дарҳол жавоб мактуби билан ортига қайтиши лозимлигини тайинладим. Фатин Ғур билан унинг икки ҳамроҳи, бориш мумкин бўлган жойгача отда борадиган бўлишди. Отда юришнинг имкони қолмагач у ёғига пиёда йўл босишади. Шунингдек, уч киши кимсасиз жойларда анчайин ишончли ҳаракат қилади, бўрилардан ҳам ҳимоялана олади.

Шайх Умарга ёзган хатимда мен Тўхтамишнинг қаерда экани ва ўзининг аҳволи ҳақида маълумот беришини сўраган эдим. Шунингдек, қаерда ва қачон учрашишимиз мумкинлиги ҳақида ҳам ёзиб юборишини тайинлагандим. Хатда мен яна ҳозир Келне деган жойда ноиложликдан туриб қолганимни ва ҳўкиз нафас олиб, қор эриши билан йўлга чиқишимни баёт этган эдим.*

Чопарни чоптирганимдан сўнг ҳушёрликни янада оширдим. Бир гуруҳ жангчиларимга қишлоқ атрофи ва узоқроқ ҳудудларда доимий кузатув олиб бориш вазифасини юкладим. Токи Тўхтамиш ҳар қанча уринмасин, мени доғда қолдириб, устимга босиб келмасин. Шунинг учун қишлоқдаги қароргоҳимни ҳарбий ҳолат намунаси тарзида қурдирдим.

* Ғур – Афғонистоннинг пойтахти Қобул шаҳри жойлашган ҳудудлар Ғур мамлакати деб номланган..

* Қадимги шарқда ер курраси улкан ҳўкизнинг шоҳлари устида туради, ҳўкиз нафас олиб, нафас чиқарса иқлим ўзгаради деган ақида бўлган.

Мен ўзим неча бор душманни худди шундай доғда қолдирган лашкарбоши сифатида рақибимнинг ҳам бу масалада минг ҳийла-найранглари борлиги билан ҳисоблашмаслик, унинг режасини ўқишга ҳаракат қилмаслик, энг асосийси, огоҳликни қўлдан бой бериш қандай аячли оқибатларга сабаб бўлишини яхши биламан. Мен бир вақтнинг ўзида кўп иш билан банд бўлишга одатланганман. Кўп вақт мобайнида битта ҳам иш қилмаслик ёмон. Шунинг учун ҳам вақтни бекор ўтказмаслик мақсадида ов ташкил қилмоқчи бўлдим. Қишлоқнинг кексалари айиқ овини тавсия этишди. Бу мен учун янгилик эди.

Айтишларича, қишнинг қор-қировли кунлари айиқ чўлда кўринмас экан. У ўз уясида ухлаб ётар экан бу пайт. Айиқнинг уясини топиш мушкул дейишди менга, уни тулки ҳам, овчи ит – този ҳам топиши душвор экан.

Хуллас, қишлоқ одамлари билан айиқ овига чиқдик. Қарасам уларнинг бирортаси ҳам жанговар қурол олмаган, фақат тўқмоқ билан қуролланишганди. Чўлда биз тулкининг изига тушдик. Ҳамроҳларимдан тулкининг нима сабаб шундай совуқ ҳавода уясидан чиққанини сўрадим. Айтишларича, тулкининг жуни уни совуқдан асрар экан. Уясидан чиқишга мажбур қилган нарса эса – қорин ташвиши. Ҳозир дашт мушуги, юмронқозиқ ва шунга ўхшаш кемирувчиларни овлаш учун айиқнинг инини излаб кетган дейишди. Мен айиқнинг инида кемирувчилар нима қилади, деб савол бердим. Улар саволимга жавобан, айиқ совуқ кунлар бошланиб, узоқ муддатли уйкуга кетгунга қадар, озуқа учун яроқли барча маҳсулотларни ташиб келиб уясини тўлдириб ташлашини айтишди. Бу борада унинг ини омборхонага ўхшар эмиш. У уйкуга кетгач эса кемирувчилар уникига чақирилмаган меҳмон бўлиб кириб олишларини сўзлаб беришди. Айиқнинг уяси кемирувчилар учун яхшигана бошпана вазифасини ўтар экан: ҳам иссиқ, ҳам текин таом бисёр. Тулки ҳам текинтомоқликка борар эканда? – деб сўрадим улардан. Улар «йўқ» деб жавоб қилишди. Тулки аксинча, чақирилмаган текинтомоқ меҳмонларнинг танобини тортиш учун борар экан. Чунки тулки ўша жойда зараркунанда кемирувчиларни қийналмай ов қилиши мумкинлигини яхши билармиш.

Тулкининг изидан бориб, чўлни кечиб ўтиб тоғ остона-сига етдик. Из бир ёриқчача бориб, кейин ғойиб бўлган эди. Қишлоқ одамлари мана шу жой дейишди, сўнг ёриқдан итларини киритишди. Уларнинг акиллашидан айиқ уйғонди, чамаси, ичкари тўс-тўполон бўлиб кетди. Аввал ундан кемирувчи ҳайвонлар ва тулки отилиб чиқди. Тулкининг тумшуги қип-қизил қон эди: афтидан, унинг иштаҳасини бўғдиг-ов! Форнинг ичкарасидан айиқнинг қораси кўринди. Мен ўқни ёйга жойлаб нишонни мўлжал олдим. Шунда ҳамроҳларимдан бири: эй, Амир, отма терини бузасан! – деб бақирди.

Шунда мен нима учун ҳамроҳларим овга қилич, найза ёки ўқ-ёй билан эмас, балки тўқмоқ кўтариб чиққанларини англадим ва ўқни ўқдонга жойлаб, ёйни елкам узра ортимга ташладим.

Бу орада айиқ ташқарига чиқиб, ўзини бемаҳал безовта қилганларга эътирозини билдира бошлади. Икки орқа оёғида тик туриб қаддини ростлади. Шунда мен унинг нақадар улкан ҳайвон эканини кўрдим. Сирасини айтганда, айиқни аввал ҳам кўрганман. Аммо Эронда кўрганим бу зотдан эмасди.

Шундан сўнг қишлоқ одамлари ҳар томондан қуршаб олиб айиқни ура кетишди. Ҳамроҳларимдан бири менга ҳам тўқмоқ тутқазган эди – олмадим: меннинг қўлларим қиличга ўрганган. Одамлар эса бир пасда айиқни тинчитишди. Афтидан, у уйқудан тўлиқ уйғонмаган эди, аке ҳолда уни дарров енгиб бўлмасди. Хуллас, айиқнинг терисини шилиш ҳадисини олган киши пичоғи билан унинг терисидан кичик бир туйнук очиб, кейин оғзини қўйиб пуфлади. Айиқ пуфакдек шишди. Терисини шилишгач гўштини майдалашди: ундан кабоб қилиб ейишар экан. Менга илинишган эди – олмадим: «Мен мусулмонман, динимизда эса айри туёқли ҳайвонларнигина ейиш мумкин, – дейилган, – айиқнинг эса панжалари бор, биз учун у макруҳ таом», – дедим уларга.

Дашти Қипчоққа келганимдан бери менга бир савол тинчлик бермасди: «Нега Тўхтамишдан дарак йўқ? Бизнинг ташрифимиздан хабар топмаган бўлиши мумкин эмас. Ахир сенга қарашли бўлган ҳудудга юз минг сонли қўшин кирса-ю,

бундан сенинг хабаринг бўлмаса – ақлга сиғмайдиган гап бу». Шунинг учун ҳам нуқул Тўхтамиш мени доғда қолдириб, устимга бостириб келишни кўзлаган, деган шубҳа кўнглимни кемирар эди. Аммо у нега бу тadbирни кечиктираётганини тушунмасдим. Агар у менинг Дашти Қипчоққа келганимдан беҳабар бўлса, агар у шунчалар гўл бўлса, демак, мен ўйлаганчалик кучли рақиб эмас ва мен уни ер билан яксон қиламан.

Фатин Ғур сафардан кутганимдан ҳам тез қайтди. У Шайх Умардан мактуб олиб келди. Мактубида ўғлим қўшини билан Боб-ул Абвобда эканини, қўшинининг ярми Тўхтамиш билан бўлган жангда ҳалок бўлганини ёзибди. Аввалига у денгиз орқали Мовароуннаҳрга қайтмоқчи бўлгани, менинг ғазабимдан қўрқиб, ёрдам сўраб чопар юборганини билдирибди. Шунингдек, агар кўмак куч юбормасам ҳам шу ерда қолиб Тўхтамиш билан олишишга қарор қилганини, Мовароуннаҳрга мағлубият билан қайтиб шарманда бўлгандан кўра Тўхтамишнинг қиличидан мардларча ўлим топишга аҳд қилганлигини баён этибди.

Шайх Умар хатида Тўхтамиш айна пайтда Шенгари деган жойда эканини баён этиб, унинг қўл остида 60-70 минг кишилиқ қўшини борлиги ҳақида маълумот берибди.

Шайх Умарнинг тахминича, Тўхтамиш қор эриши билан Боб-ул Абвобга қўшин тортишини, аммо қуруқликдан (Табар довони оша) ёки денгиз орқали келишини билмаслигини айтибди. Фақат қиш мавсуми тугамагунча унинг йўлга чиқмаслиги аён экан.

Хатни ўқигач яна қишлоқ қарияларини ҳузуримга чорлатдим. Шенгари деган жой қаерда эканини сўраб билдим улардан. Бу жой қипчоқлар ерининг ғарбий қисмида, Қора денгизига яқин жойда экан. Бундан келиб чиқадикки, Тўхтамиш Боб-ул Абвобга бориш учун денгиз йўлини танлайдими ёки қуруқликними – барибир мана шу биз турган Келне қишлоғи орқали ўтади. Бошқа иложи йўқ.

Бундан ташқари, мен турган жой билан Шенгари ўртасида 80 фарсанг масофа бор экан. Қор эриши билан мен бу масофани тўрт-беш кунда босиб ўтишим мумкин эди.

Мен Шайх Умардан келган хатнинг мазмунини ҳеч ким билан ўртоқлашмадим, ҳаттоки ўзимнинг энг яқин саркардаларимга ҳам билдирмадим. Зеро, Шенгари ҳақидаги гап ҳозирча фақат мен биладиган сир бўлиб қолиши керак деб ҳисобладим. Ўта эҳтиёт бўлишим керак. Чунки бу хатнинг мазмунини қишлоқ аҳли билса, ким билади дейсиз, эҳтимол, уларнинг орасида Тўхтамишнинг хуфиялари бордир. Улар менда унинг турган жойи ҳақида маълумот борлигини етказса, вазият яна ҳам чигаллаши мумкин. Душмanning ҳудудида ҳар бир нарсадан – дарахтлар, қушлар, тоғлар – ҳамма ҳамма нарсадан эҳтиёт бўлиш шарт. Одамлари ҳақида-ку, гапирмасам ҳам бўлади.

Мен Фатин Ғурни яна йўлга ҳозирладим. У яна Боб-ул Абвобга, Шайх Умарга менинг мактубимни олиб борадиган бўлди. Унда мен қуйидаги кўрсатмаларимни баён этдим: «Денгиз орқали шундай сузки, ҳўкиз нафас олган чоғ соҳилга етиб кел. Ўзинг билан узоқ муддатга етадиган озиқ-овқат, ем-хашак ва сув захира қилиб ол. Чунки денгиз қирғоғидан мен турган жойга қадар бу нарсаларни топа олмайсан. Айниқса, қиш мавсумида бу йўл кимсасиз бўлар экан. Агар одамларнинг ва отларнинг учун етарли кема топа олмасанг, қуруқликдан – Табар довони оша ўт ва Келнега тезроқ етиб келишга ҳаракат қил».

Шунингдек, хатимда мен Шенгарига ўзим бориб, Тўхтамишни тўсатдан босмоқчи эканимни ҳам билдирдим. Ундан тезроқ етиб келиб, менга қўшилишини сўрадим.

Бир ҳафта мобайнида турган жойимиздан ғарбий йўналишда қирқ фарсанг масофа узоқликдаги ҳудудни ўргандим. Бу тадбиримиз Келне аҳолисида ҳеч қандай шубҳа уйғотмади. Чунки бу қишлоққа келган кунимиздан эҳтиёт чораси сифатида жангчиларим қишлоқ атрофи ва узоқроқ ҳудудларда от чоптириб юришарди. Шундай қилиб менда турган жойимдан ғарбий йўналишда, қирқ фарсанглик масофадаги ҳудуднинг аниқ манзараси ҳақида тасаввур ҳосил бўлди. Фақат дарёлар ҳақида яхлит бир маълумотга эга эмасдим. Қиш бўлгани ва ҳамма жойнинг музлаб ётгани боис, тўлиб оқадиган дарё қайси ва жангчиларимиз қайси дарёнинг қайси жойидан кечиб ўтадилар – шу масалаларга

ойдинлик кирита олмадик. Аммо мен бу ҳақда қишлоқ аҳлидан сўрамадим. Нималарни ўйлаётганимни уларга билдиргим келмади.

Ва ахийри ҳўкиз нафас олди. Қор эрий бошлади. Кечалари осмонда ўрдакларнинг «қурей-қурей» деган товуши қулоққа чалинадиган бўлди. Қўшинни оёққа турғаздим ва биз ғарбга томон йўл олдик. Энди Тўхтамишга бизнинг юриш бошлаганимиз ҳақида хабар етказишларидан чўчимай қўйдим. Чунки ҳеч ким бизни қувиб ўта олмайди. Агар ўзиб ўтадиган бўлса – ўлади!

Далв ойининг 17 куни* биз ғарбга томон ҳаракатланишни бошладик. Иккита кузатувчи гуруҳ қўшиннинг олд ва ён қанотида – узоқ ва яқинни назорат этиш вазифасини ўтаб борарди. Қўшин орқа томондан ҳам ҳимояланган эди. Душманни ғафлатда қолдириб устига бостириб бориш мақсадида, тўлиқ жанговар ҳолатда ҳаракатланмоқда эдик. Мен Тўхтамиш баҳор бошланмай туриб ўрнидан қўзғалмаслиги ҳақида маълумот олган эдим. Уни ўзининг қишлик қароргоҳида янчиб ташлашни кўзлаган эдим. Йўлимизда дарёлар учради, бироқ уларни кечиб ўтиш, деярли қийинчилик туғдиргани йўқ.

Ўша куни қуёш ботгунга қадар ва далв ойининг 18 кечаси эрталабгача йўл босдик. Қуёш чиққанида отларни алмаштирдик ва яна олға интилдик. Йўлимизда яна дарё ва сойлар учради – аҳамиятсиз. Тушга яқин энг пешқадам кузатув гуруҳидан, қарама-қарши томонда қандайдир қора тўда кўрингани ҳақида маълумот олдим. У қўшинга ўхшар эмиш. Тўхташга буйруқ бердим. Қўшин ҳаракатда бўлган пайт уни жанговар ҳолатга келтириб бўлмайди – бунинг учун ҳамма бир сира тўхташи керак. Белгиланган одатга биноан дарҳол марказ, қанот ва захира кучлар ташкил этилди. Дубулға ва ҳалқали зирҳ кийиб, қилич ва ойболгани жангга ҳозирладим. Гарчи Тўхтамишнинг қўққисдан қаршимдан чиққани менинг учун кутилмаган ҳол бўлса-да, мени асло ташвишлантиргани йўқ. Эсанкираб ҳам қолганим йўқ, чун-

* 16 февраль куни.

ки унинг ҳудудига қадам босган кунимдан мен ўзимни ана шу тўқнашувга тайёрлаб келмоқда эдим. Айтишим керак, фақат ўртамизда олишув бўлмаса таажжубланишим мумкин эди, холос.

Пешқадам кузатув гуруҳи ўз ишини яхши билади. Менга дастлабки маълумотни юборгач, душман қўшинини яқиндан ўрганишга киришади: ҳажми, сони, қуролланиши, таркиби ва бошқа қўлга киритган маълумотларини менга юбориб туради. Иккинчи маълумот чўлда кўринган қора тўданинг олға интилаётгани ҳақида бўлди. Мен душман қўшинининг сонини билмасдим. Шунинг учун тўхтадим. Ҳарбий саркардаларим жангга шай, буйруғимни кутиб туришарди. Учинчи маълумот пешқадам гуруҳдан иккинчи гуруҳ орқали келди. Душман қўшинида қора рангдан бошқа ранг кўринмас эмиш. «Табиий, – дедим бу хабарни эшитиб, – Тўхтамиш ва унинг қўшини қора либосда бўлиши – табиий. Чунки бу ерларда қора жунли эчки ва қўйлар кўп экан».

Бир соатлар чамаси биз кейинги хабарни кутиб туриб қолдик. Навбатдаги маълумот бизни тамоман ҳанг-манг қилди. Биз душман деб ўйлаганимиз, аллақандай қоп-қора ҳайвонлар тўдаси бўлиб, сиртдан улар ҳўкизга ўхшаб кетар эмиш.

Мен қўшиннинг жанговар ҳолатини бекор қилиш ҳақида буйруқ бердим ва ўша ҳайвонлар тўдаси томон юришга амр қилдим. Отларимиз тез юраётгани ва ҳайвонлар эса ўз майлича, бамайлихотир ҳаракатланаётгани боис, кўп ўтмай биз уларни қувиб етдик. Кўз олдимизда қора рангли улкан ҳайвонлар тўдаси пайдо бўлди. Уларнинг танаси ҳўкизникига ўхшар, лекин юз қисми қайсидир жиҳати билан одам қиёфасига монанд эди. Бошларида қўчқорники сингари иккита кичик бурама шоҳлари бор эди. Ҳайвонлар кўзларини лўқ қилиб бизга боқиб турарди.

Мен шу пайтгача бунақа жонзотни кўрмаган эдим. Уларнинг кўриниши мени лол қолдирди. Улар ниҳоят бизнинг кўпчилик эканимизни, боз устига қуролланганмизни англадилар шекилли, кўздан ғойиб бўлиш учун ура қочишга тушдилар. Мен уларнинг туёғи худди сигирникига ўхшаш айри-туёқ эканига эътибор бердим. Демак, гўшти ҳалол, еса бўла-

ди. Шунинг учун уларни овлашга буйруқ бердим. Гўшти жангчиларимизга бир марталик таом бўлади. Йигирмата-часини отиб қулатишга улгуришди – қолганлари қочиб кетишди. Мен ўлган молларнинг лошини кўздан кечирдим. Улар ҳақиқатан ҳам ҳўкиз ва сигир зотидан эди. Уй ҳайвонларидан биргина фарқи, қиёфасидаги беўхшовлик ва умуртқаларининг тоғ чўққиси каби бўртиб тургани эди. Биз бу ерда уларнинг гўштини нимталаб ўтирмадик. Олдда дарах-тзор бор – ўша ерда олов ёқиб, гўштни пиширишга қарор қилдик. Шунинг учун уларнинг энг мулойим, хуштаъм жойларини катта-катта бўлаклар олдик-да, мўлжалдаги манзилга томон юрдик.

Йўлда кичикроқ бир қишлоққа дуч келдик, унинг аҳоли-сидан бояги ҳайвонлар ҳақида сўраб билдик: уларни ўрмон ҳўкизлари дейишаркан. Ҳаво исиши билан жойларини ўзгартиришга одатланишган, ҳозир совуқ ўлкаларни ахтариб кетишаётган экан. Ёзда қипчоқ даштида уларни учратиш душвор, аммо қиш мавсуми бошланиши билан яна кўчиб келишармиш.*

ЎН УЧИНЧИ БОБ

ҚИПЧОҚЛАР МАМЛАКАТИДАГИ ЖАНГ

Йўлимизда йўлиққан ўша қишлоққа тушгач, мен ундан чиқадиган барча йўлларни беркитишга буйруқ бердим. Токи бу қишлоқдан бирортаси кўзимизни шамғалат қилиб, Тўхтамишга биз ҳақимизда хабар етказиш учун чиқиб кетмасин. Гарчи қиш ҳали тугамаган бўлса ҳам, ҳаво иссиқ эди. Бироқ

* Амир Темур қаламга олган бу ҳайвонларни ҳозир «оуруц» дейишади. Қадимда улар Россиянинг ғарбида, шимолий Кавказда, Польшада, Шарқий Германия ва қисман Австрияда мавжуд бўлган. Бироқ бу қудратли ва беозор ҳайвонлар кейинги замонларда шу қадар кўп ва аёвсиз тарзда қирилдики, охир-оқибат улар батамом йўқотилди. Айни пайтда фақатгина Польшанинг Прибат ҳудудида бармоқ билан санарли оурушларни учратиш мумкин.

унинг ўзгарувчан эканидан ташвишланиб, отлар учун махсус жой ҳозирлашга топшириқ бердим.

Биз аввалдан тўхтовсиз ҳаракатланишга келишган бўлсак ҳам, шу кеч жангчиларимга бир пас дам беришга қарор қилдим: «Тун ярмидан оққанда йўлга чиқамиз, ўшангача яхши дам олиб, сафарга тайёр туринг», – дедим. Ўзим ҳам ухлашга ётдим. Туш кўрдим: қор билан қопланган дарахтзорнинг бир чеккасида – водийда турган эмишман. Булут қоплаган осмон ҳам қоп-қора, ёғаётган қор ҳам ўша рангда. Шу пайт қаршимда Тўхтамишнинг қўшини пайдо бўлди. Мен ҳужумга тайёрлана туриб, унинг жангчиларига кўзим тушди: уларнинг кўриниши худди ҳўкизга ўхшарди. Бўкиришлари ҳам худди ўшанақа... Ҳужумга ўтишга буйруқ бердим. Қўшиним ҳеч иккиланмасдан уларнинг устига ташланди. Шу пайт ўнг қўлим менга бўйсунмаётганини билиб қолдим. Бу ҳол мени гангитиб қўйди. Мен яна ва яна нигоҳимни ўнг елкамга тикаман, йўқ – ўнг қўлим йўқ эди. Бу туш мени шу қадар мутаассир қилдики, уйғонганимдан кейин ҳам бир неча бор унинг тафсилотини тиклашга ҳаракат қилдим. Ўзимча таъбирладим: қор босган водийнинг қорайган манзараси – бу ҳолга мен Келне қишлоғига келгунимга қадар гувоҳ бўлган эдим. Ҳўкизлар – буни ҳам кўргандим. Одамнинг ҳушида кўргани айнан ёки бошқачароқ бир ҳолатда тушига кириши табиий ҳол. Менга мубҳам бўлиб қолаётгани ўнг қўлимнинг йўқолиб қолиши эди. Демак, яқин орада мен билан боғлиқ қандайдир кўнгилсиз воқеа содир бўлади, деган хулосага келдим. Начора бошга тушганини кўз кўради! Ўзимга-ўзим таскин бермоқдан ўзга нима ҳам келарди қўлимдан. Шундай қилиб кечки қушларнинг хониши қулоққа чалинган чоғ, қўшинни оёққа турғазиш учун ўрнимдан турдим. Бошқа одам бўлганида бундай бехосият тушдан кейин мақсадидан воз кечган, ҳеч бўлмаганда иккиланган бўлар эди, эҳтимол. Мен ўзимни бундай таъсирларга бериб қўядиган одам эмасдим. Илло, жанггоҳ сари отланаётган жангчи Азроил билан юзма-юз бўлишини, уни енгиб ўтса тирик қолишини, акс ҳолда ўлишини яхши билади. Башарти, худдики сафарга чиққан йўловчи, йўлда йўлиқиши мумкин бўлган машаққатларга тайёрлангани, яъни сувсизлик, очлик ёки

ёввойи йиртқишларга ем бўлмаслик учун озиқ-овқат, сув ғамлагани, қуроллангани каби жангчи ҳам жанг олдидан содир бўлиши эҳтимолдан холи бўлмаган барча вазиятларга тайёр турмоғи лозим. Токи ҳар қандай кўргулик қаршисида ожиз ва нотавон бўлиб қолмаслиги керак.

Болалик чоғимдан ҳозирга қадар жангда ўлишдан сира кўрқмайман. Шунинг учун ҳам қўшиннинг олдинги сафида курашга кираман. Бу билан мен умуман кўрқув ҳиссидан мосувоман, демоқчи эмасман. Айрим нарсалар мени ҳам кўрқитади тўғриси айтсам, ҳаттоки ўлимдан ҳам кўрқаман, қайсиким бемаъни ўлимдан.

Тун ярмидан оққанда йўлга чиқдик ва эрталабгача ҳеч қандай саргузаштларсиз йўл босдик. Ҳаво совуқ бўлишига қарамай, бизга ҳеч қандай ноқулайлик туғдирмади. Тонг отарда биз қор билан қопланган бир тепаликка етдик. Қуёш чарақлаб турар, ҳаво булутсиз бўлгани боис совуқдан азият чекмаётгандик.

Йўлда шахдам илгарилаб борар эканмиз, ҳар неча вақтда остимдаги отни алмаштиришларига изн берардим. Чарчаган вужудим бардам отнинг устида бирдан енгиллашиб, ҳориқишларим батамом унутиларди. От билан чавандоз бир вужуд дейишлари бежиз эмаслигига амин бўлардим ўша кез. Шу йўл билан биз жадал ҳаракатларимизни таъминламоқда эдик. Жангчиларим энди дам олишга фурсат бўлмаслигини, энди фақат жангдан сўнг нафас ростлашлари мумкинлигини яхши билишарди, руҳан шунга тайёр эдилар.

Тушга яқин маҳал пешқадам кузатув гуруҳидан бизга томон яна бир тўда ёввойи ҳўкизлар келаётгани ҳақида маълумот олдик. Кузатувчиларимиз энди ҳўкизлар подаси билан душман қўшинини фарқлай бошлаганди. Бу пода бизга қарама-қарши томондан тўғри шу тарафга қараб келаётганининг сабаби, аслида биз йўлимизни ўзгартирган эдик. Йўлнинг ноқулайлиги туфайли йўлнинг йўналишини ўзгартириб, шимолдан жанубга томон юрмоқда эдик. Биз Шенгаригача ана шу йўлдан бордик. Ёввойи ҳайвонлар подаси билан юзма-юз келганимиз шундан – улар одатича ҳавонинг исиши муносабати билан жанубдан шимолга йўл олганию, бизнинг йўналишни ўзгартирганимиз важдан эди. Кечга

яқин биз яна ўша поданинг олдидан чиқдик. Улар аввалига кўрқиб, ортга чекиндилар. Сўнг аксари ортга қайтди. Кейин яна ортга қайтиб қочишга тушди. Худди мана шу нарса бизга панд берди. Худди мана шу ҳолат Тўхтамишни ҳушёр тортирган. Дашти Қипчоқда улғайгани, бу ердаги шарт-шароитни яхши билгани боис, ёввойи ҳўкизлар подасининг шимолдан жанубга томон қочиб келаётгани унинг кўнглига шубҳа уйғотган. Ҳўкизлар ёки катта бир қўшинга, ёки уларни шу даражада чўчита олган жуда кўп одамлар тўдасига дучор бўлган, деган хулосага келган. Вазиятга аниқлик киритиш мақсадида кузатув гуруҳини юборган. Улар бизнинг кузатув гуруҳимиз билан юзма-юз келган. Шунинг учун ҳам менинг билдирмай бостириб бориш ҳақидаги режам амалга ошмади.

Бу воқеаларни баён қилишдан асосий мақсадим, азиз ўқувчим таъкидламоқчиманки, лашкарбоши ҳар қанча тажрибали, узоқни кўрадиган одам бўлмасин, ўзи учун нотаниш жойда, у жойнинг шарт-шароитларини, ўзига хос хусусиятларини тўла билмай, бу хусусда етарли маълумотга эга бўлмагани ҳолда ҳар бир нарсани ипидан игнасиғача ҳисоблаб чиқа олмайди. Қаердадир, ниманидир назардан қочиради. Ёввойи ҳайвонлар подаси билан худди ана шундай ҳол содир бўлди.

Далв ойининг йигирманчи куни пешқадам гуруҳ олда суворийлар гуруҳини кўрганликларини хабар қилишди. Улар бизнинг жангчиларимизни кўргач, тўхтаб бир оз кузатганини, сўнг айримлари ортга қараб от чоптириб кетганлигини маълум қилди. Мен кузатув гуруҳига ҳеч бўлмаганда биттасини тириклайин асир олишни буюрдим. Ундан айрим керакли маълумотларни олмоқчи эдим. Бироқ бизникилар бу вазифани бажара олмадилар. Чунки ҳадемай кеч тушди.

Ўша кеч мен ўта эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилдим. Тўхташ учун қулай жой топилса, қўшинга дам бериб, нафас ростлаб олишига имкон бермоқчи эдим. Бироқ бундай жой учрамади. Шу боис ҳаракатланишда давом этдик. Туннинг иккинчи ярмида осмонда ўрдакларнинг товуши эшитилди. Улар шимолга томон учмоқда эди. Шундан билдимки, бу мамлакатда ўрдаклар ҳам худди ёввойи ҳўкизлар каби ҳаво

исий бошлаши билан жанубдан шимолга томон парвоз қилар эканлар. Ўша кеч биз тонгга қадар отларни йўрғалатиб йўл босдик. Тонг ота бошлагач мен одатимча «Фалақ» сурасини ўқидим. Тонг арабчада «Фалақ» дейилади: «Қул аъзу би Рабби-л-фалақ (Айт, мен тонг Худосидан паноҳ истаяпман, тонгни яратган эгамдан...)»

Ўша чоғ нигоҳимга қарағай дарахтлари чалинди ва қўшимга дам беришга қарор қилдим. Барчага яхши ухлаб олишлари лозимлигини, олдда бизни қақшатқич жанг кутаётганлигини етказишларини буюрдим. Чунки айни шу дақиқаларда душманга жуда яқин турганимизни ва муқаррар жанг айнан шу бугун содир бўлиши мумкинлигини тахмин қилмоқда эдим. Қароргоҳ атрофида кузатув ва қўриқлаш хизматини кучайтирдим. Жангчилар тинч, осойишта ухлаб ҳордиқ чиқаришлари керак. Ўзим эса ухлай олмадим. Чунки яқин соатлар ичида нима воқеа содир бўлишини билмаганим боис, уни чамалаб, тусмоллаб ўзимча тахмин қилмоқда эдим.

Ташқаридан кузатув гуруҳи яна маълумот юборди: узоқдан душман қўшини кўринган эмиш. Бошларида тери телпак кийиб олишганмиш. Ортдан янги одамлар сафга келиб қўшилар, айримлари сафни тарк этиб ортга от чоптириб кетаётганмиш. Англадимки, Тўхтамишнинг ўзи қўшин билан эмас. Балки сафга келиб кетаётганлар қўшинга янги кўрсатмалар олиб келиб, вазият ҳақида унга маълумот етказиб турганлар эди. Мен Тўхтамишни доғда қолдириб, унга кутилмаганда ҳужум уюштирмоқчи эдим – бўлмади. Энди унинг жангга тайёрланиб, қўшинини яхшилаб тайёрлаб олишига йўл қўймаслигим лозим. Унинг қўшини тўла жиҳозланишга ва қуролланишга эришмаслиги керак. Қуёш бир найза бўйи кўтарилган чоғ, жангчиларимни сафга тизиш учун жанговар сур чалишга буйруқ бердим. Йўлга чиқишдан олдин мен қанотлар, марказ ва захира кучларнинг жойлашув тартибини белгиладим. Бу эса рақибларимиз билан юзмаюз келишимиз ҳаманоқ, уни зудлик билан жанговар ҳолатга келтириш имконини берарди. Шундан сўнг биз яна йўлга тушдик. Ўша куни осмон қуёшли, ҳаво иссиқ эди. Жангчиларим ҳамда отлар қисқа муддатли ҳордиқдан сўнг бардам ва дуркун эканларини кўриб қувондим.

Менинг пешқадам кузатув гуруҳим олдда душман қўшини пайдо бўлгани ва кучлар нисбати тенг бўлмагани боис ортга чекинганлари тўғрисида маълумот юборди. Аслида ҳам шу: уларнинг вазифаси душман кўзга ташланмагунча кузатув олиб бориш, вазиятни ўрганиб бу ҳақда маълумот бериб туришдан иборат. Душман қўшини яқинлашиши билан ортга қайтишларига кўрсатма берилган. Зеро улар катта қўшинга тенг келадиган куч ва сонга эга эмаслар.

Ёши катта жангчиларим орқали мен ўз мурожаатимни барча жангчиларимга етказдим. Айтинг, дедим, биз учун бу жангда ғалаба қозонишдан ўзга йўл йўқ. Чекиниш ҳам, мағлубият ҳам ўлим билан тенг. Чунки, чекинсак Тўхтамиш қипчоқ даштидаги барча қабилаларни бизга қарши қайради ва биз бу юртда омонлик топмаймиз. Бирортамиз ҳам Хазар денгизи қирғоқларига етиб бора олмаймиз. Шунинг учун ҳам енгинг ва ғалаба қозонинг! Қипчоқлар еридаги барча шаҳарлар сизнинг ихтиёрингизда бўлади: мол-мулкларини ўлжа қилиб оласиз. Қиз-жувонлари сизнинг хасмингизга ўтади. Бу ўлжанинг бойликлари – сизники, илло Тўхтамиш мусулмон эмас, у жоҳил кофир. Илоҳий битикларда уларнинг бойликларини ўзлаштиришга рухсат этилган.

Хуллас, мен уларга жасорат кўрсатиб, душманга бешафқат бўлиб, нимага эришишлари мумкинлигини, агар мағлуб бўлсалар, бу қандай оқибатларга сабаб бўлишини аңлатдим. Жангчиларим шусиз ҳам ғалаба учун курашишларини биламан, менинг мурожаатим уларни янада руҳлантириши шубҳасиз.

Орадан кўп ўтмай Тўхтамишнинг қўшини кўзга ташланди. Улар ҳарбий ҳолатда эди. Шунда маълум бўлдики, қўшиннинг учдан икки қисми пиёдалардан иборат экан. Тўхтамиш қўшинининг умумий сони юз минггача эди. Буйруғимга биноан бутун қўшин бир вақтда ҳаракатга келди. Эътибор қилсам, қипчоқ ҳукмдори пиёдаларни қанот бўйлаб, отличларни эса марказга жойлаштирибди. Шундан аён бўлдики, Тўхтамиш қўшинининг заиф қисми, унинг қанотлари. Шунинг учун қанот жангчиларимга душманнинг қўшини қанот қисмларига қақшатқич зарба бериш лозимлигини, улар кучли ҳамлага дош бера олмаслигини, агар бут-

кул янчилмаганда ҳам, тезда ортга чекиниб, қочиллари эҳтимолдан холи эмаслигини уқдирдим. Ўзимни эса худди душманнинг марказ нуқтасига ҳужум қилиб, қақшатқич зарба беришга тараддулланаётгандек қилиб кўрсатдим. Бундай қилишимдан мақсад, душман қўшинини кўзгагиш, ҳаракатга келтиришдан иборат эди, холос. Менинг икки қанот саркардаларим режамнинг моҳиятидан яхши хабардор эдилар. Уни амалга ошириш учун қандай йўл тутишни мен уларнинг ўзларига қолдирган эдим. Вазиятдан келиб чиқиб, тадбир қўллашлари лозим. Мен эса режамга кўра, душманнинг икки қанот жангчилари сафини ёриб кириб, уларни қириб ташлашлари учун марказни ҳаракатга келтириб, уни асосий қўшиндан бир оз узоқлаштиришни кўзлагандим. Шундан сўнг ҳар икки қанотимиз душман қўшинининг икки қанотини эгиб бориб, унинг ортидан зарба бериши мумкин бўлади. Ўша вақт менинг марказ қўшиним душманнинг отлич марказ қўшинига зарба беради ва душман ҳар томондан қуршов ичида қолади.

Жанг бўладиган водий теп-текис эди. Унинг бир чеккаси денгизбўйи ерларга бориб тақалишини билар эдим. Ўша водийда менинг жангчиларим хоҳлаган томонга от чоптиришлари мумкин эди ва уларга ҳеч қандай табиий тўсиқлар мавжуд эмасди. Мен бир қисм жангчиларни ортда, захира сифатида, шунингдек, захира отларга қараб туриш учун қолдирган эдим. Шунинг учун мен бир қанча жангчиларимни, агар зарурат бўлиб қолса ўша ёққа юборишим, у ёқдагилар билан алмаштиришим мумкин эди.

Тўхтамишнинг қанот қўшинида найза йўқ эди. Бунинг ўрнига улар ўқ ва ёй билан қуроолланган эдилар: қипчоқлар ўқ ва ёйдан моҳирлик билан фойдаланадилар. Улар бирваракайига ўқ узиб, рақиб ҳужумини қайтаришлари мумкин.

Эй, менинг жанговар ҳаракатларим ҳақидаги хотираларимни ўқиётган саркарда! Агар жангчиларингни жангда қурбон беришдан қўрқсанг, бу майдонга қадам босмаганинг маъқул. Ўз жонинг ширин бўлса, яхшиси жанговар либосларингни ечиб, мадрасага бориб, китоб ўқиганинг ва ибодат билан машғул бўлганинг дуруст. Чунки жанг майдонига кирган саркарда ўзи ҳам, жангчилари ҳам муқаррар

Ўлим ёқасида турганлигини теран англамоғи лозим. Ўша куни Тўхтамиш қўшинининг қанот жангчилари ўқ-ёй билан қуролланганини кўриб, жангчиларим унинг қанотларини мавҳ этгунга қадар кўплари ўлиб кетишларини билган эдим.

Қанот жангчиларим аввал отларини йўрттириб душман сафларига яқинлашишди, сўнг «чақар наъл» – тебранма юришга ўтдилар. Бу нафақат зарба кучини ошириш, балки душманнинг ўқига чап бериш учун ҳам қўлланган самарали усул эди. Агар суворий ўқ-ёй билан қуролланган рақибига аста юриб яқинлашса, у бир нафасда ёйдан ўттизта ўқ бўша-тиб, ўттизта зарба бериш имконига эга бўлади. Агар бу масофа тезлик ва усталлик билан босиб ўтилса, ўқлар нисбати ярмига, балки учдан икки қисмга қисқаради.

Эй, саркарда, эсда тут! Қачонки қўшининг билан душман қўшинига қарши борар экансан, сафга бориб тақалишинг билан тезликни камайтиришинг лозим. Акс ҳолда сафни ёриб ичкарига кирасан-у душманнинг ҳар томонлама қуршови ичида қоласан. Ортингда хавф сақланиб қолишига йўл қўйиб берма. Шунинг учун тезликни камайтириб, душманни пароканда қилишга, битта қолдирмай қиришга эриш. Душман фақат сенинг олдингда бўлсин. Агар барча шу тахлит курашса, душман сенга ҳатто ёндан ҳамла қила олмайди – сафдошинг бунга йўл қўймайди.

Менинг суворийларим душман томон от чоптира туриб, энгашиб олишарди. Бу ўққа озроқ нишон қолдирарди. Маррага етгач эса ростланиб, душманга қилич ёки ойболта билан қақшатқич зарба бера бошлардилар. Жанг жараёнида душман бизнинг кўплаб отларимизни сафдан чиқариб, суворийларимизни пиёдаларга айлантиришга ҳаракат қилишларини ҳам биламан. Шунинг учун мен жангчиларимга, шундай ҳол юзага келганида дарҳол ортга чекиниб, захира отлардан бирига ўтириб, ҳарбий саркарданинг рухсати билан яна жангга киришга кўрсатма берганман.

Менинг қанот жангчиларим душман қўшинининг қанотларига етиб боргунча, мен ҳам душман қўшинининг марказига яқинлашиб бордим. Лекин қипчоқлар ерининг ҳукмдори марказдами ёки қанот жангчилари орасидами – хаба-

рим йўқ эди. Умуман, у жангда иштирок этаяптими, йўқми бирор-бир маълумотга эга эмасдим.

Худуднинг текислиги менга ҳаракатлана туриб ҳам, ҳар икки қанотни кузатиш имконини берарди. Қанотларда ҳужумга кирган суворийларим душманнинг тинимсиз ёғдираётган ўқларидан худди кузги хазон каби тўкилмоқда эдилар. Ўйлаганимдек, душман кўпроқ отларимизни нишонга олмоқда эди. Ерга қулаган жангчиларимнинг аксари, худди тайинланганидек, ўрнидан тура солиб қўшин ортидан жой олмоқда, айримлари ўринларидан умуман қимирлай олмай қолмоқда эдилар. Хулоса қилиш мумкинки, улар ёки ўлган, ёки оғир жароҳат олган...

Мен ўз тажрибамдан биламан: ўқ агар инсоннинг муҳим ҳаётий аъзосини жароҳатламаса, унчалик жиддий хавф солмайди. Менинг ўзим жангларда бир неча бор ўқдан яранганман. Қўшинимда шундай жангчилар борки, танасига ўн марталаб ўқ қадалган тақдирда ҳам, уни қўллари билан суғуриб ташлаб, яна жангни давом эттирганлар.

Лекин шуниси ҳам борки, агар ўқнинг учи тобланган бўлса, у теккан жойнинг яраси битмайди ёки унинг битиб кетиши учун узоқ вақт керак бўлади. Қанот жангчиларимнинг душман қўшини қанотларидан ёғилаётган ўқдан хазондек тўкилгани кўнглимни хижил қилган бўлса, маррага етгач тинчландим. Чунки энди улар қилич ва ойболтани ишлатиш имконига эга бўлдилар. Шу пайт мен ҳам душманнинг марказига томон силжиб бормоқда эдим, бироқ ҳужум қилиш ниятим йўқ эди. Суворийларим аввалдан огоҳлантирилган: душман отлиқлари жойидан қўзғалиши билан, улар отларини ортга буриб йўрттиришлари ва «кейкач» усулида ёвга талофат етказишлари лозим эди.*

Мен жангчиларимнинг қанотлар бўйлаб ҳужумида кўп қурбонлар берганини кўрдим. Марказда бундай йўқотишлар бўлишига йўл қўя олмас эдим. Жанг майдонида қур-

*«Кейкач» – от устида елиб кета туриб, суворий танаси билан ортига ўгирилиб, ортидан таъқиб этиб келаётган рақибига ўқ узиш усули.

бонлар бўлиши табиий, аммо шунга яраша асос бўлса у ўзини оқлайди. Менинг марказдан ҳужумга ўтишни кечиктирганим қанот жангчиларимнинг душман ортига ўтишлари учун имкон бериш мақсадида қўлланган тадбир эди. Бу йўл билан душман суворийларини қуршаб, қириб ташлаш осон кечарди. Шунинг учун бу ўринда шошилишга ҳожат йўқ. Бироқ ҳамма ҳолларда ҳам вазият мен айтгандек бўлиб чиқавермайди: бу ерда ҳам шундай бўлди. Биз душманнинг отлиқ жангчиларини турган жойидан қўзғатишга қўзғатдиг-у, аммо ўқ-ёйни ишлатишга улгурмадик. Улар тезгина бизни қувиб етдилар. Бизнинг уларга ҳужум қилишдан ўзга чорамиз қолмади. Бу вазиятда отларимизга қамчи босиб душман билан оралиқ масофани узоқлаштиришимиз мумкин эди, лекин у ҳолда жанг майдонидан ажралиб қолардик, қанотлар ва захира кучлар билан алоқамиз узилиб қоларди.

Шунинг учун ҳам жанг майдонида қолишга мажбур бўлдим. Аввалги режамдан фарқли ўлароқ жангга киришдим. Шу лаҳза яловбардорим орқали саркардаларимга, улар орқали жангчиларимга ҳал қилувчи жанг бошланганини билдирдим. Мен ўша куни қўшинимдаги жангчиларнинг ўрнатилган тартиб ва интизомга қатъий риоя этишларидан қониқиш ҳосил қилдим. Ўзим шундай сифатларга эга эканимга, Аллоҳни ўртага қўйиб онт ичганимга, мана шу сифатларни ўзимда тарбият этганимга шукрона айтдим. Чунки жангчи ҳар борада ўз лашкарбошисидан андоза олади. Аскарларим ва ҳарбий саркардаларимда нимаики яхши хислатлар бўлса, ана шу жиҳатлар авваламбор менда мавжуд эканидандир. Агар мен ҳафсаласиз ёки майда-чуйда майлларга берилган бўлганимда эди, агар айрим ҳукмдорлар каби вақтимни майхўрлиг-у, вақтихушликка сарфлаб, бўкканча еб, бас дегунча ухлаш билан ўтказганимда эди қўшинимда қандай қилиб тартиб ўрната олардим. Акс ҳолда жангчиларимнинг ҳурматини қозона олмасдим. Агар ҳузур-ҳаловатдан кечиб, тинимсиз машқлар, машаққатли машғулотлар эвазига жанг санъати, қурол ишлатиш маҳоратимни оширмаганимда, жангчиларимдан шу каби натижани талаб қила олармидим? Жангларда пешқадам бўлмасам, душман билан юзма-

юз қилич чопишмасам, агар мен ўз тинчимни ўйлаб жангни чеккадан туриб бошқарсам, ғалабадан кейин ўлжанинг барини ўзлаштириш пайида бўлсам, ғайирлик қилсам – жангчиларимнинг ишончини қозона олмас эдим. Шунинг учун ҳам менинг ҳар бир сўзим жангчиларим учун ҳамиша қонун бўлиб келган. Ҳар бир топширигимга сўзсиз итоат этишади. Қаҳримдан кўрқишади, меҳримни қозонишга, жасорат кўрсатиб, назаримга тушишга ҳаракат қилишади.

Яловбардорим байроғини кўтариб, саркардаларим ва жангчиларимга ҳал қилувчи жангга киришганимизни ишора бериб билдиргач, қиличлар яланғочланди ва биз отларимизни ортга буриб душманга ташландик.

Душман билан олиша туриб унинг жасоратли ва бардошли эканига ишонч ҳосил қилдим. Бизнинг қақшатқич зарбаларимиз уларни гангитиб қўймади. Балки қилич ва найзаларини ишга солдилар. Мен яловбардорга яна кўрсатма бердим ва у барчага душман биз ўйлаганимиздан кучли ва матонатли экани, шу боис жиддий ва эҳтиёткор бўлиб ҳаракатланиш кераклиги ҳақидаги даъватимни етказди.

Бу чақиригим жуда қисқа муддатда барчага етиб борди. Жангда жонланиш сезилди. Ўлимни назар-писанд қилмай, Тўхтамишнинг қўшинини янчиб ташлаш учун жангчиларим яна ҳам шиддатли ҳужумга ўтдилар. Мен улар билан бир сафда эдим: ўнг қўлимда қилич, чапида ойболта. Ойболта билан ҳимояланиб, қилич билан ёвни қулатардим ёки аксинча.

Агар отнинг жиловини ушлаш зарурати бўлмаганида мен ҳар иккала қўлда жанг қилишда давом этаверардим. Аммо отни бошқариб ҳам туриш керак, шунинг учун баъзи-баъзида ойболтани эгарнинг қўндоғига илиб, бўш қўлим билан жиловни тутиб отни керакли томонга йўналтириб турардим. Жангчилар эркин, улар курашнинг умумий тақдирига масъул эмаслар – ҳеч қандай жавобгарлик ҳис қилмайдилар. Мен эса қилич чопиш билан бир қаторда жанг майдонини мунтазам кузатиб бориш, вазиятни баҳолаш, қайси нуқтага ёрдамчи куч ташлаш керак ва бошқа кўплаб масалаларда ҳам бош қотиришим, барчасини бошқариб туришим ҳам керак эди.

Оддий жангчи эса бу каби мажбуриятдан холи. Жанггоҳда унинг битта вазифаси бор – душманни бартараф этиш, ўзини асраш.

Ўша куни жангнинг умумий манзарасига қараб, вазиятни ўрганмоқчи бўлиб бир сонияга чалғиганимдан фойдаланиб, бир қипчоқ жангчиси ойболтаси билан ўнг қўлимга кучли зарба беришга улгурди. Мен яшин тезлигида чап қўлимдаги ойболта билан уни ерга қулатдим. Аммо у ўз ишини бажариб бўлган эди. Қўлимдан қилич тушиб кетди. Назаримда, ўнг қўлим йўқдек, у елкамдан чўрт узилиб тушгандек эди.

Ўнг қўлим ишдан чиқди. Аммо жанг майдонини ташлаб кетмадим. Чунки мен чап қўлим билан ҳам тўлақонли бир жангчи каби уриша оламан. Шундай кезлари беихтиёр менга қиличбозликдан дарс берган, маҳоратимни оширган Самар тархонни эслардим. Унга ҳар қанча ҳамду санолар айтсам ҳам оз эканини ҳис этардим. Агар унинг сабоқлари бўлмаганида мен ҳар икки қўлимда бирдек маҳорат билан жанг қила олмаган бўлардим. Мен унинг билан ўтказган машғулотларим нечоғли аҳамиятли бўлганини, менинг ҳаётимда унинг қанчалик хизмати катта эканини кўп жангларда гувоҳи бўлдим. Самар тархон чап қўлимни маҳоратли қилиш баробарида, аслида менинг бир жонимни яна биттага оширганини ўша куни теран англадим. Чунки агар чап қўлимда жанг қилишни билмаганимда ўша куни душмanning яна бир зарбасидан ерга қулаб, душман отларининг оёғи остида қолиб кетган бўлар эдим. Мени чап қўлим муқаррар ўлимдан сақлаб қолди.

Менинг жароҳатланган қўлимдан тинмай қон оқмоқда эди. Аммо, бунга сезмасдим. Кўзларим бир чеккада, туғбардорлари ёнида турган лашкарбошига қадалган – у Тўхтамиш эди, назаримда. Унинг Тўхтамиш эканини икки нарсадан тусмоллагандим: биринчиси – байроғи; иккинчиси – унинг эгнидаги жанговар либоси.

Тўхтамишнинг мурти ва соқолини қирдириб юришига эътибор қаратдим ўша куни. Кейинчалик билсам, у мана шу одати билан румликларга тақлид қилар экан. Тўхтамиш билан менинг орамиздаги масофа уни ўқ билан сийлашим учун кифоя қиларди. Аммо ўнг қўлим ҳаракатсиз бўлгани

сабаб, мен ёйнинг ипини торта олмасдим. Шунинг учун уни жангчиларимга кўрсатиб, унга томон ўқ узишларини буюрдим. Тўхтамиш ҳам мени илғаб қолди...

Жанг қилиб турган чоғим қанотлардаги аҳвол қандай эканини билмасдим. Бир пас тўхтаб воқеани кузатгач, билдимки, менинг икки қанотим Тўхтамишнинг қўшинини танг аҳволга солиб қўйибди. Уларнинг аксари янчиб ташланган, қолган қисми ҳам суворийларимиз ҳамласига дош бера олмай чекиниб бормоқда эди.

Тўхтамиш вазиятни мендан кўра яхшироқ биларди. Шунинг учун ҳам уни ўлдириш ёки асир олиш пайида эканимни пайқаб чекина бошлади. Чекинмаса бўлмаслигини англади. Бир оздан сўнг менинг қанот жангчиларим ўз қўшинининг марказ қисмини қуршаб олишини англади. Тўхтамишнинг чекиниши бизнинг қанотлардаги ғалабамиздан далолат эди. Шунинг учун мен байроқчиларим орқали, қанот саркардаларимга белги, ишора бериб, тезроқ Тўхтамиш қўшинининг марказини ҳалқа қилиб ўраб олишларини тайинладим. Яна ҳам яхшироқ тушунтириш учун қанотларга иккита жангчимни юбориб, Тўхтамишнинг марказдаги жангчилар орасида экани, агар тезроқ қуршаб олсак, уни тезроқ асир олишимиз ёки ўлдириш имконимиз бўлишини билдирдим. Чунки уни қўлдан чиқармаслик керак эди. Менинг қўл остимдаги отлиқ жангчилар буйруғимдан руҳланиб, душманнинг марказ қисмига босим ўтказиб, ҳужумкорликни кучайтирдилар. Муваффақият билан олға интилдилар. Бироқ биз қанчалик илгарилаб бормайлик, Тўхтамиш шунча масофага чекинарди. Охир-оқибат унинг чекинишлари қочиш билан якун топди. Унинг атрофидаги суворийлар ҳам ортга бурилиб, отларига қамчи босдилар. Мен захирадаги суворийларимни сафарбар этиб, унинг ортидан таъқиб этишни буюрдим. Шу йўл билан Тўхтамишни тўхташиб қолмоқчи эдим. Бироқ биз бу ишни уддалай олмадик. У ва унинг яқинлари ғойиб бўлишга улгуришди.

Тўхтамиш қўшинининг марказида қаттиқ қаршиликка учрадик. Айнан мана шу куч Тўхтамиш билан бизнинг орамизга ғов бўлди. Шуларнинг хизмати билан у қочишга ва яширишига муваффақ бўлди. Улар ҳукмдорлари қочиб кетганини,

жанг тақдири ҳал бўлганини билсалар ҳам қаттиқ туриб қаршилиқ кўрсатишда давом этишди. Бунақаси камдан-кам ҳолларда бўлади. Аксар ҳолларда лашкарбоши ўлса ёки қочиб кетса, қўшиннинг руҳи тушиб, қўли бўшашиб қолади.

Гарчи душманнинг жанговар тартибини парчалаб ташлаб, икки қанотда ишончли ғалабани қўлга киритган бўлсак ҳам, ҳали қанот жангчиларим душманнинг ортига ўтиб уни қуршаб олишга муваффақ бўлишмаганди. Сабаби душман пиёдалари тартибсиз равишда чекина бориб, бирдан ўзини ўнглаб олар, сўнг кескин қаршилиқ кўрсатишга ўтарди. Айрим ўринларда эса бизнинг ҳарбий қўшинлар, токи пиёдаларни битта қолдирмай қирмагунча олдга бир қарич ҳам силжий олмай қолгандилар.

Агар Тўхтамиш кўрқоқ бўлмаганида, агар қўшинини жангга тайёрлаш ва қуроллантиришга вақт ажратиб, етарли эътибор берганида эди, биз унинг қаршилигини енга олмасдик. Зеро, унинг жангчилари ўша жангда мардлик ва матонат кўрсатиб, менда ана шундай тасаввур уйғотди. Қаранг, бир кўрқоқ лашкарбоши юз минг жангчининг жанговар аҳамиятини йўққа чиқаришга қодир экан. Ўша куни Тўхтамишнинг қочини шунга яққол мисол бўлди. Биз қуёш ботгунга қадар жангни давом эттирдик ва бу пайтга келиб ҳар иккала қанот жангчиларим душман ортида бирлашиб, унга ортдан зарба бера бошлади. Тўхтамишнинг қўшинидан қолган-қутган қисмлар, том маънода қуршовда қолди.

Менинг ўнг қўлимдан аввалига қон оқиши тўхтамади. Кейинроқ қонга тўйиниб, жароҳатга ёпишиб қолган енгим қон оқшини тўхтатган эди. Кеч тушганига, қуршовга қолганига қарамай, душман жангчилари кескин қаршилиқ кўрсатишда давом этмоқда эди. Биз улкан гулхандан қолган мана шу миттигина чўғни ҳам ўчирмай туриб, тўлиқ ғалабага эришдик, дея олмасдик.

Мен жангчиларимга машъалалар ёқиб жанг майдонини ёритишга буйруқ бердим. Негаки қоронғида ёв аскарлари деб, ўзимизнинг жангчилар ўзимизникиларга зарба беришлари ҳам мумкин эди.

Мен душман билан олишаётган чоғим, оғриқни ҳис этмаган эдим. Жанг охишлаб, энди жанггоҳда туришимга за-

рурат йўқ, деб чеккага чиққан эдим ҳамки, жароҳатим чидаб бўлмас даражада оғрий бошлади. Чамамда, қўлимнинг суягига жиддий зарар етгандек эди...

Мен ўзим учун чодир тикдириб, у ерда дам олишим мумкин эди, аммо жангнинг тақдирдан шу қадар безовта эдимки, тезроқ унинг муваффақиятли якунини кўришни хоҳлардим. Мени безовта қилаётган бошқа сабаблар ҳам бор — шулардан бири Тўхтамишнинг қочиб кетиши билан боғлиқ. Ахир у мен каби ўз юртидан минг фарсангча нарида эмас, ўз ерида жанг қиляпти. Унда жангни давом эттириш, устимизга яна қўшин тортиб келиш имконияти бор. Жангчиларининг жон олиб, жон бериб олишишидан Тўхтамиш янги кучлар билан ёрдамга етиб келади, деган умидворликми ёки ишончми бордек эди. Шунинг учун жангни эрталабгача чўзилишига йўл қўймаслик керак. Эҳтимол, Тўхтамиш ҳозир янгидан қўшин тўплаётгандир!..

Биз имкон қадар кўп машғалалар ёқдик, жанг майдони ёритиб турдик. Ўша кеч далв ойининг йнгирма иккинчи кечаси эди. Мен ўша кечани ҳаётимдаги энг унутилмас дамлардан бири деб ҳисоблайман. Қўшин табиби ухлаб, ҳордиқ чиқаришим лозимлигини таъкидлаб, менга оғриқ қолдирувчи дори ичирмоқчи бўлди. Аммо жанг майдонида давом этаётган олишув боис мен ухлай олмасдим. Мен ҳарбий саркардаларимга ишонар эдим. Уларни мардонавор, жасур жангчилар сифатида кадрлар эдим. Аммо ҳеч қайси бирини ақл-идрок ва фавқулодда хулосалар чиқариш бобида ўзимга тенглаштира олмасдим. Шунинг учун ҳам мен дилимда, мен ётиб ухласам-у, булар жангни давом эттириб турган пайт Тўхтамиш ёрдамчи куч билан келиб қолса, қўшинимни битта қолдирмай қириб ташлайди, деган ҳадик бор эди. Туннинг биринчи ярми ўтди. Иссиғим чиқиб кетди. Гарчи устимга ёпинчиғим бўлса ҳам танамга қалтироқ кирди. Уни босиш учун табиб менга тинимсиз кўк чой ичириб турди. Бундан ичимга иссиқ кириб, бутун вужудимга ёйилди — қалтироқ босилди. Жанг майдонида Тўхтамиш қўшини жангчиларининг бақариқ-чақариқлари худди ёввойи ҳайвонларнинг бўкириғи каби қулоғимга чалинмоқда эди. Шунингдек, мен ҳарбий саркардаларимнинг: «Ур... ўлдир... тирик

қолмасин!» деган овозларини ҳам мунтазам эшитиб турдим. Вақти-вақти билан ҳарбий саркардаларим ҳузуримга келишар, вазият ҳақида маълумот бериб кетишар эди. Шунда мен уларнинг қанчалик мардонавор жанг қилаётганликларини ярим белгача қонга беланганликларидан, ҳатто отларининг қип-қизил тусга кирганидан кўриб турардим.

Жанг ярим кечагача давом этди ва бора-бора овозлар эшитилмай қолди. Демак, жанг бизнинг фойдамизга галаба билан якунланди.

Тўхтамиш қўшинининг қолган-қутган жангчилари мағлубиятни тан олиб, ортиқ қаршилик кўрсатишдан наф йўқлигини англаб, таслим бўлдилар. Улар орқали бошқаларига ҳам ким ихтиёрий равишда таслим бўлса, тирик қолиши ҳақидаги таклифимизни етказдик.

Жанг тугагач, дарҳол қароргоҳ тиклашга буйруқ бердим. Жангчилар дам олиши лозим. Ярадорларга зарур тиббий хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш вазифасини бир қисм жангчилар зиммасига юкладим. Отларга жавобгарликни захира қисм жангчиларига топширдим. Улардан жангда фойдаланилмади. Отларга қараш учун қолдирилган қисмларни ҳам жангга киритишга зарурат сезилмади. Шундай экан улар энди қоровулликдан тортиб, ярадорларга қарашгача – барча ишларни ўз зиммаларига олишлари лозим. Сабоби жангда иштирок этган аскарлар Шингарига қадар тўхтовсиз узоқ масофани босиб келдилар. Нафас ростлашга улгурмай жангга кирдилар. Тинимсиз душман билан қилич чопишдилар. Энди уларга ором керак – мириқиб ухлашлари лозим. Токи эртага яна бардам ва тетик, эҳтимоли бўлган барча хавфу хатарга тайёр турсинлар.

Жанг майдони ўликлар билан тўлиб-тошган эди. Шу кеч ҳалок бўлган жангчиларимизнинг жасадлари чиябўриларга ем бўлишини кўнглим сезган эди. Бироқ ўша туннинг ўзида уларни олиб чиқа олмасдик. Йиртқичларни ҳайдаб туришга ҳам имконимиз йўқ эди. Эртаси куни бирорта ҳам жасад йиртқичлар ўлжасига айланмаганини эшитиб хурсанд бўлдим. Зеро ўша пайтда ҳали далв ойна тугамай, у жойларда ўлаксахўр қушлар ва чиябўрилар изғимас экан.

Далъ ойининг йигирма иккинчи кечаси ўша жанг якунланган тунда қароргоҳда барча ташкилий ишларга бош-қош бўлиб, қоровуллар қўйилгач, ярадорларга шароитлар яратиб, отхона масъуллари ўз вазифаларини адо этишга киришгач ва бошқа барча зарурий чора-тадбирлар кўрилгач – шундан кейингина табиб тайёрлаб қўйган дорини ичиб, бир пас ухлаб олиш учун ўрнимга чўзилдим.

Эртаси кун и уйқумдан уйғониб қарасам, ўнг қўлим шишиб кетган. У худдики сув билан тўлатилган тери-ю, менинг ўнг елкамга осиб қўйилгандек эди. Бироқ дастлаб жонимни олган оғриқдан асар ҳам қолмаганди. Табиб ярамга сурги қўйиб, боғлагач, ўрнимдан турмоқчи эдим, бошим айланиб, жойимда ўтириб қолдим. Бу тафтим юқори бўлганидан экан.

Ўша кун и ўликларни кўмишга амр бердим ва бизнинг жангчиларимиз ўз сафдошларининг жасадларини дафн этишди. Ҳалок бўлганларнинг сони шу қадар кўп эдики, ҳар бирига алоҳида қабр қазишнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун битта яхлит катта чуқур кавлаб, ўликларнинг барини ўша ерга қўйиб, устидан тупроқ тортишди. Ўша жангда, кун ярмидан бошланиб, ярим тунгача давом этган тўқнашувда мен жами йигирма етти минг жангчимни йўқотдим. Илло, Тўхтамишнинг юз минг кишилиқ улкан қўшин и чилпарчин бўлди. Бизнинг жангчиларимиз билан бирга қурбон бўлганларни дафн этишда иштирок этаётган қилчоқлардан бир нечасини, асосан ҳарбий саркардаларини ҳузуримга олиб келишларини буюрдим. Улардан Тўхтамишнинг айни дамда қаерда экани, бу ёққа яна келиши мумкинми, йўқми – сўраб маълумот олмақчи эдим. Улар шимол томонни кўрсатиб: «Агар шу томонга кетган бўлса, янгидан қўшин тўплаб кела олмайди. Чунки у ёқда унинг билан адоватлашган қабилалар бор», дейишди. Сўнг: «Агар жанубга кетган бўлса ва «темир девор»дан ўта олган бўлса, Кавказ қабилаларидан қўшин тўплаб, қайтиб келиши мумкин», дейишди. Мен улардан «темир девор» қаерда эканини сўрадим. Уларнинг гапига қараганда «темир девор» Хазар ва Қора денгизи оралигида бўлиб, унинг ўтиш ва қайтиш учун бир нечта дарвозаси ҳам бор экан. Шунда мен улкан тўсиқ ҳақидаги афсо-

нани эсладим: уни Яъжуж билан Маъжуж қурган. Бу афсонани қачонлардир эшитган эдим. Демак, унда айнан мана шу темир девор ҳақида гапирилган. «У ҳақиқатдан ҳам темирданми?» – деб сўрадим улардан. Қипчоқлар деди: «Йўқ, аммо тошлар орасига «свинец» моддаси солинган – шундан уни «темир девор» дейишади». «Унда нега свинецли девор демай – темир девор дейишган?» – қизиқдим мен. Уларнинг айтишича, ота-боболаридан эшитишган экан, ўша қадимий деворнинг қайсидир қисмида ҳар нечук темир моддаси ҳам ишлатилган экан.

Иссиғим баландлиги ва қўлимнинг шишиб кетганига қарамай, янгидан-янги маълумотлар билан тафаккуримни бойитишга иштиёқим борлиги боис, яна сўрадим: «Уни қачон ва ким барпо этган?» Улар деворни қайсидир Эрон подшоҳи қурдирганини, аммо бу қачон бўлганини билмасликларини айтишди. «У нима мақсадда қурилган?» – деб берган саволимга, қипчоқ саркардалари: «Эронга қарши уруш қилмасликлари учун қурилган», – дейишди. Мен қатъий бир қарорга келдим: «Тузалишим билан ўша деворни бориб кўраман», – деб ўзимга-ўзим сўз бердим.

Қўшиним менга Тўхтамиш устидан зафар қозониб берди. Мен ҳам ваъда қилганимдек, қипчоқлар еридан хоҳлаган нарсаларини, оғирми у енгилми – кўтарганларича, олиб кетишга имконлари етганича ўлжа олишларига изн бердим. Фақат бир шарт билан: улар олган ҳар бир нарса Мовароуннаҳрга кириб бориши керак. Бошқа бирор-бир ерда сарфланмаслиги лозим. Ёши улуғ, тажрибаси катта жангчилар мағлуб мамлакатнинг мулкларини ўлжа сифатида қўлга киритар экан, уни жуда қадрлайди. Уни ўша душманнинг юртида ёки бирор-бир ўзга мамлакат ҳудудида сарфламайди. Балки ўз ватанига олиб боради. Бу мол-мулк унинг учун бисот бўлади. Шунинг эвазидан бировга муте бўлмайди. Меҳнат қобилиятини йўқотган чоғлари, яъни кексайганда қийналмай яшашади. Ёшлар эса улардан фарқли, узоқни кўра олмаганликлари туфайли вақтихушлик ортидан қувиб, қўлга киритган бор ўлжасини йўл бўйи бекорчи нарсаларга сарфлайдилар. Ватанга қайтиб борганларида эса бисотлари бўм-бўш бўлади. Сирасини айтганда, бу

масала мен учун муҳим аҳамиятга эга эмас. Жангчиларим бисотларини қай йўсин сарфлайдилар – бу уларнинг шахсий иши, бироқ бу ҳол ҳарбий жангчининг жанговар руҳига таъсири нуқтаи назардан ўта муҳим. Зеро, мол-мулкини ёки бисотини кайфу сафо йўлида сарф қиладиган жангчи ўзини таралла бедод ҳаётга ўргатиб қўяди. Унинг жангчи сифатида қадри пасаяди. Маишатпарастлик – мардонавор жангчининг руҳини ўлдиради ва ким унга интилса, майлнинг қулига айланиб кучини йўқотади. Айнан мен билан шундай ҳол содир бўлган. Бу ҳақда мен хийла аввалроқ батафсил сўзлаб берган эдим. Шундай экан ҳар ким бу сабоқдан хулоса чиқариши лозим. Мен жангчиларимга мағлуб бўлган мамлакатдан хоҳлаганча ўлжа олишларига рухсат берганман. Ёш қиз-жувонлардан жориялар олишлари мумкин. Бироқ жория олаётган эркакнинг моддий аҳволи яхши бўлиши керак: эртага жорияларни ҳар томонлама таъминлаши ҳам керак-да!

Чингизхон ўз жангчиларига босиб олинган юртдан чекланмаган миқдорда қиз-жувонларни, эркакларни ўлжа олишга рухсат берган. Улар ҳам олаверишган, кейинроқ қараса, уларни боқа олмайди. Нима қиларди – ўлдириб юборган. Мен эсам жангчиларимга жория ёки эркакларни ўлжа сифатида олаётганингизда, уларни боқишга қурбингиз етса олинг, дейман. Мен жангчиларимга ягона бир нарсани таъқиқлаганман. Ўлжа олаётганда ёки уни тақсимлаётганда ўзаро келишмовчилик бўлмаслиги лозим. Мен айтганман: агар ким ўз сафдошининг ҳақиқий қўлга киритган ўлжасига чанг солмоқчи бўлса – жазоси ўлим. Ҳар бир жангчи душманнинг мол-мулкини ўлжа қилишда одамлар ҳам, нарса ва буюмлар ҳам, бойликлари ҳам – биринчи бўлиб уларга қўл тегизган кишиники бўлади. Уларга яна битта эга чиқиши, зўравонлик билан тортиб олиши мумкин эмас.

Тўрт ҳафта мобайнида Тўхтамишга тегишли бўлган мол-мулкларни ҳарбий ўлжа сифатида ўзлаштирдик. Мен буларнинг барисини келган йўлимиз орқали юбориб бўлмаслигини билар эдим. Чунки бу йўлда нарса ва буюмлар ортилган карвонга кўз олайтирувчилар дахл қилишлари мумкин эди. Шу боис мен буларнинг барчасини денгиз орқали жўнатиш-

га қарор қилдим. Ана шунда барча нарсаларни тез ва ўз ҳолида Мовароуннаҳрга етказишга эришиш мумкин. Бу орада баҳорнинг биринчи куни – кеча ва кундузнинг мувозанати тенглашган кунга ҳам етиб олдик. Энди ўлжа қилиб олинган мол-мулкнинг бир қисми бўлган кўпдан-кўп қўйлар суруви билан қора мол подасини денгиз соҳилларига ҳайдаб бориш имкони туғилди. Бу пайт ўтлоқлар ям-яшил майсалар билан қопланган, уй ҳайвонларини йўл бўйи ана шу майсазорларда ўтлатиб олиб бориш мумкин эди. Денгиз соҳилларига етиб боргач, у ёғига бир оз муаммо пайдо бўлади. Яъни молларни денгиз орқали жўнатиш учун маълум миқдорда ем-хашак ва сув ғамлаш, бунинг учун йирикроқ бир кема ёллаш зарурати туғилади. Бироқ денгиз соҳилида поданинг маълум қисмини Кавказ ва Эрон бозорларида пуллаш учун воситачилар улгуржи нархда сотиб олди. Бу ҳам юкимизни анчайин енгиллаштирди. Аввал айтганимиздек, менинг ўнг қўлим шишиб кетган, шундан иссиғим ошиб, қалтирай бошлагандим. Тафтим уч кунча пасаймади. Ҳаттоки ҳаётимни сақлаб қолиш учун уни кесиб ташлашни таклиф қилишди. Бир куни менинг жароҳатимни ерлик одамлардан бири кўрди, уни тиб илмидан яхшигина хабари бор деб ҳузуримга олиб келишган эди. У ярамга «қозоқ ўти» боғланса, қўлни даъволаш мумкинлигини айтди. Мен бундай ўт борлигини биринчи марта эшитганим боис, унинг қандай гиёҳ эканини билмас эдим. Одамларимга уни топиб келишларини буюрдим. Ҳали ўтлоқларда бу ўт унмаган экан, аскарларим унинг қуритилганини топиб келишди. Ерлик киши малҳам тайёрлаб ярамга босди, сўнг дори қуриб қолиши билан янгилаб туришимни тайинлади. Уч кундан сўнг яра тузала бошлаганининг аломатлари сезилди. Бир ҳафтадан кейин эса тамоман соғайиб кетишимга ишонч ҳосил қилдим. Мени даволаган оддий қишлоқ одамига миннатдорчилигимни минг олтин танга ҳадя қилиш билан изҳор этдим ва у яшаб турган қишлоқнинг бундан буён дахлсиз эканини тайинладим.

Ўшандан бери мен ўнг қўлим билан қалам ушлай олмайман, бироқ қилични тутишим, худди аввалгидек жанг қилишим мумкин – фақат ёзув ёза олмайман. Шунга қарамай

мен чап қўлимда эркин ёза оламан ва ўнг қўлимдаги кичик-кина нуқсон унга халақит бермайди.

Қўлим буткул тузалганидан сўнг бориб «темир девор»ни ўз кўзим билан кўришга қарор қилдим. Яъжуж ва Маъжуж томонидан барпо этилган бу иншоот қандай хусусиятга эга эканинига ўзим амин бўлмоқчи эдим.

Асир олинган қипчоқлардан бирининг сўзига қараганда, бу деворни Эрон шоҳларидан бири қурдирган бўлиб, у Хазар денгизи билан Қора денгиз оралигидаги масофани тўлиқ қамраб олган экан. Девор барпо этилган ўша кундан эътиборан Қоф тоғининг шимолидаги чўллардан ҳар ким тоғ жанубидаги чўлларга фақат мана шу дарвоза орқали ўта олган. Қоф тоғ доволари бўйлаб чўзилган деворда бундай дарвозалар бир нечта бўлган, улар темирдан бунёд этилган бўлса-да вақт ўтиши билан емирилиб борган.*

Яъжуж ва Маъжуж деворини бориб кўрдим: унинг баландлиги ўн заръ ва эни уч заръ бўлиб катта харсанг тошлардан кўтарилган экан. Тошлар бир-бирига эритилган свинец қоришмаси билан бириктирилган. Мен бориб кўрган пайт деворнинг айрим қисмлари бузилган, аммо уни ҳали ҳам ошиб ўтиш мушкул, порохли заряд билан портлатибгина бу мақсадга эришиш мумкин эди.

Девор шу тарзда бунёд этилгандики, дастлаб ўтиш жойларида темир дарвозалар бўлган пайт, ҳатто тоғ чўққилари орқали ҳам ошиб ўтишнинг имкони бўлмаган. Чунки девор ўша чўққиларгача ҳам бориб етган.

Бу деворни қуришда бош-қош бўлган усталар унинг тоғли ҳудудлардан ўтишини яхши билганлар ва иншоотни тархини чизганда тоғ ва тоғ олди ҳудудларнинг барча хусусиятларини назарда тутганлар. Айниқса, тоғнинг айрим жойлари сел сувларига сероб экани, бунинг эса деворга жиддий хавф туғдиришини ҳисобга олиб, деворга зарар бермайдиган сув йўлларини ҳам барпо этганлар.

* Девор дарвозалари темирдан эмас, балки бронзадан ясалган бўлган – шунинг учун ҳам каррозияга учраб емирилган.

Мен деворнинг нечоғли салобатли эканини кўргач, у бир ёки икки йилда қурилмаганига, бунинг учун узоқ вақт керак бўлганига амин бўлдим. Шу ерлик қарияларнинг айтишича, девор қурилиши шунчалик узоқ давом этганки, қурилишни бошлаган шоҳ унинг якунини кўрмай ўлиб кетган экан. Бу ишни унинг ўғли давом эттирган. Ва эллик йил мобайнида 500 минг киши иштирокида олиб борилган меҳнат туфайли мана шу девор барпо бўлган. Бу деворнинг қурилиши Эрон заминига жангари қипчоқ қабилаларнинг талончилик юришларига батамом барҳам берган экан.

Баҳор фасли бошланиши билан қорлар эрий бошлади. Тоғ йўллари очилди ва улардан ўтиш мумкин бўлди. Уша пайтга қадар Боб-ул Абвобда турган Шайх Умар у ёқдан чиқиб келиб бизга қўшилди. Аввалига мен унга эътироз билдирмоқчи эдим, аммо Тўхтамишнинг қўшини билан жангдан кейин, унинг жангчилари нечоғли маҳоратли, жасур эканини ўз кўзим билан кўргач бу фикримдан қайтдим. Шайх Умар ҳам қаршисида кучли душман турганини, уни енга олмаслигини билгач Боб-ул Абвобда қолишга мажбур бўлган экан.

Баҳор бошланди, биз эса ҳали ҳам душман ҳудудида эдик. Тўхтамиш эса ҳар дақиқа-ҳар дам ўзига тобе қабилалардан янги қўшин тўплаб устимизга бостириб келиши мумкин. Мен унинг жуда қисқа муддатда қўшин тўплай олишига ишонар эдим. Шунинг учун Шайх Умарнинг қўшинини меникидан ажратиб, қипчоқлар еридан шу тахлит чиқиб кетишимиз керак эдики, токи Тўхтамиш бизга жиддий зарар етказа олмасин. Қипчоқлар мамлакатидан чиқиб кета туриб, мен қипчоқ асирлари масаласини ҳам охирига етказдим. Уларга жузия солиғини тўлаш муддати тугаганлигини, тўловни амалга ошира олмасалар, олдиларида иккита йўл қолганлигини: ёки менинг қўшимига киришлари, ёки ўлимни бўйниларига олишлари лозимлигини билдирдим. Фақат саноқпиларигина солиқни тўлаб озод бўлдилар. Тўлашга қурби етмаганларнинг бир қисми менга жангчи бўлиб ёлланди, қолган бир қисми эса ўлимни афзал билди. Мен уларни жаллод қўлига топширдим. Ўзгача йўл тута олмас эдим: чунки жузия (мусулмон мамлакатларида ўзга дин вакилларида оли-

надиган солиқ) тўламасалар, мен уларга омонлик бера олмасдим. Улар, албатта, яна Тўхтамишга ёлланиб, яна менга қарши қилич кўтарган бўлишарди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) мусулмонларга қарши жанг қилиб, асирга тушган ўз тоғаларидан бирига урушдан сўнг жузия солиғи тўлатган эканлар. Агар солиқ тўламаса, қариндошлари бўлса ҳам Муҳаммад (с.а.в.) у кишини озод қилмаган бўлар эди.

Шундан кейин мен Шайх Умар ва ҳарбий саркардаларим билан кенгашдим. Қайси йўлдан, қандай таркибда ортга қайтиш масаласида маслаҳатлашдик. Бу орада биз ўлжа олинган нарсаларнинг бир қисмини кема билан Мовароуннаҳрга жўнатдик. Бироқ қўшинни денгиз орқали кузатишнинг имкони йўқ – бунинг учун кемалар етишмас эди. Мавжуд кемалар билан биз қўшиннинг маълум бир қисмини жўнатсак, кейин бу кемаларнинг Мовароуннаҳрдан, тўғрироғи Туркистон қирғоқларидан қайтиб келишини кутишимиз керак бўлар эди. Агар кемаларнинг чегараланган миқдордагина қўшин ва отларни олишини ҳисобга олсак, бутун қўшинни денгиз орқали жўнатиш кузгача чўзилган бўларди. Бу орада эса Тўхтамишнинг қўл қовушгириб турмаслиги аниқ.

Денгиз йўлидан ташқари Мовароуннаҳрга қайтишнинг яна иккита йўли мавжуд эди: биринчиси, Хазар денгизи ва Тархон дарёсининг шимолидан, иккинчиси эса, Хазар денгизининг жанубий қисмидан – Мозандарон, Астрабод ва Хуросон орқали. Бундан ташқари, Қоф тоғининг довони оша ўтишимиз ва жанубдаги ҳудудларга киришимиз мумкин эди. Бироқ у ёқда Тўхтамиш бор. У токи биз атрофборлиқни ўргангунга қадар, барча тоғ йўлларини ёпиши мумкин. Тўхтамиш маҳаллий аҳоли вакили сифатида бир қатор имтиёзларидан фойдаланиб, бизга жиддий босқин ўтказиши, ҳатто асирга олиши ҳам мумкин. Қоф тоғидан ўтиб Азербайжан орқали ҳам боришимиз мумкин эди. Аммо бу ўта машаққатли йўл бўлиб, шу вайдан ҳам Хазар денгизининг шимолий ҳудуди бўйлаб кетишга қарор қилдик.

МОВАРОУННАҲРГА ҚАЙТИШ ВА ЧИГИРТКАЛАР
БОСҚИНИ

Қипчоқлар ерини тарк этиш арафасида мен учта пешқадам гуруҳни йўлга чиқардим. Бу уч бўлинманинг бири – йўл бўйи бизнинг озиқ-овқат, ем-хашак, сув ва бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёжимизни қондирадиган даражада таъминот ишларини ташкил этишлари лозим эди. Қолган икки бўлинма эса ҳудудни ўрганиш ва кузатув ишларини олиб боришга масъул эдилар. Одатда бу ишга битта бўлинма хизмати билан кифояланар эдик. Бу галги сафаримиз бошқаларидан фарқ қилгани боис ҳам, бу сафар ҳудудларда хавфсизлигимиз масаласи муҳим ўрин тутди. Чунки Тўхтамишдан ташқари қароқчи гуруҳлар ҳам бизни талаш пайида бўлишлари мумкин эди. Чунки бизнинг қипчоқлар юртидан олган ўлжаларимиз, хусусан, биз ўзимиз билан олиб кетаётган олгину кумушлар шунга асос бўларди.

Биринчи кузатув бўлинмаси, улар билан бир вақтда йўлга чиққан таъминотчи бўлинма ва иккинчи, учинчи қисм ҳамда қўшин ўртасида мунтазам алоқа ўрнатилган эди. Орқа томондан кўнглим тўқ эди. Чунки биз шунчалар шиддат билан илгариламоқда эдикки, орқа томондан бизга етиб олишлари мушкул эди. Шунинг учун мен олддан ва икки қанотдан бўлиши мумкин бўлган фавқулодда ҳужумлардан асранишга алоҳида эътибор қаратган эдим. Тархон дарёсига етиб боргунга қадар айтарли бир воқеа содир бўлмади. Тархонни мен аввал кўрганимда у музлаган аҳволда эди ва энди тўлиб-тошиб оқаётганини кўриб мафтун бўлдим.

Пешқадам кузатув бўлинмасидан олинган маълумотга қараганда, Тархон дарёси бўйида йирик савдо кўرғазмаси уюштирилаётган экан. Улар бизнинг келаётганимиздан хабар топиб, хавфсизликлари учун кафолат олиш мақсадида одамларимиз билан боғланишибди. Агар биз уларга ҳужум қилмасак, бунинг учун барча маҳсулотларни ҳажмидан келиб чиқиб тўлов қилиш истагини билдиришибди. Мен ўз жавобимни йўллаб, ҳеч қандай тўхфа олмаслигимни, сав-

до аҳлига ва уларнинг молларига тегмаслигимни, бироқ мабодо улар томонидан алдов ва олчоқликни сезсам ўзларини ҳам, бозорларини ҳам кунпаякун қилишимни билдирдим.

Бу улкан савдо кўргазмаси, билсам, ҳар йили қор ва муз эриган маҳалда ўтказилар, унда турли хил маҳсулотлар билан савдо қилиш учун юз мингдан ортиқ савдогарлар ва харидорлар тўпланар экан.*

Унда, асосан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шунингдек, эгар-жабдуқ, қилич, ханжар, турли хилдаги ипак ва жун матоларини ҳам учратиш мумкин. Буларнинг барчаси Хазар денгизи соҳилларида яшаб келаётган кўплаб қабилаларнинг турмуш тарзини ўзида акс эттирганди. Мен барча саркардаларимга тайинлаб, кимки ўша бозордаги савдогарлар ёки харидорларга, ёки уларнинг молига дахл қилса, қатл этилишини билдирдим ва буни ҳамма жангчиларга етказишларини тайинладим. Тархон дарёси устида кўприк барпо этилган экан. Унинг мустақкамлигини текшириб ишонч ҳосил қилгандан сўнг қўшинни ундан ўтказишга изн бердим. Мен бу дарёни унча катта деб ҳисобламадим. Бизнинг Жайҳун ундан беш карра каттароқ десам адашмайман. Хусусан, баҳор фасли тўлиб-тошиб оққан кезлари унинг бир қирғоғида туриб нариги соҳилни кўра олмайсан. Мен ўзим бир гал бу соҳилдан наригисига ўтганман. Ўшанда қайиқчилар роп-пал-роса икки соат мобайнида терлаб-пишиб эшкак эшган эдилар.*

Тархон дарёсидан ўтиб олгач, энди қўшинимга жиддий хавф туғдирадиган омиллар йўқлигига амин бўлдим. Хазар денгизидан шарққа томон узоқлашиб бордик ва кейин жа-

* Бу савдо кўргазмаси – «Ҳожи Тархон» – ҳозирги Астрахан бозори, у 1917 йилгача мунтазам фаолият юритиб келган, ундан кейинги йиллар фаолиятини тўхтатган.

* Амир Темур бу ўринда (Волга) Тархон дарёсининг бир шохобчасини кўрган ва шундай хулоса берган. Зеро, бу дарё Ҳожи Тархон худудида бир нечта шохобчаларга бўлинади ва грекча «делта» ҳосил қилади. Юқорида номи тилга олинган савдо ярмаркаси эса ана шундай шохобчалардан бирининг бўйида ўтказиб келинган.

нубга қараб бурилдик. Шундай қилиб дарё соҳилини Самарқанд билан боғлайдиган катта йўлга чиқиб олдик. Ўша вақтдан бошлаб юришни секинлатдик, чунки биз Туркистонга қадам босган эдик – буёғи энди биз учун хатарсиз эди. Шундай бўлса ҳам огоҳлик ва ҳушёрликни бир дақиқа ҳам бўшаштирганим йўқ. Чунки менинг бутун умр қўлга киритган муваффақиятларимнинг омили – ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик маҳсулидир.

Савр ойининг учинчи куни* биз ўша катта йўлдан кетиб бормоқда эдик. Узоқдан қандайдир қоп-қора нарса кўринди. У худди булутдек биз томонга бостириб келмоқда эди. Бизга яқинлашганида осмонни буткул қоплаб олди у: қуёшнинг юзини ёпди, чарақлаб турган кун тун бағрига чўккандек бўлди. Бошимни кўтариб ўша ёққа синчиклаб қарадим: у қандайдир қанотли ҳашоратлар – жанубдан шимол томон кўчаётган эди.

Мен ўша пайтга қадар чигирткалар лашкарини кўрмаган эдим, ўша куни биринчи марта гувоҳи бўлдим. Улар шунчалар кўп ва сафлари шу қадар зич эдики, улар ҳосил қилган деворда тангадеккина ёриқ йўқ эди. Шундан қуёшнинг юзи буткул ёпилган эди. Отларимиз кўрққанидан безовталандилар, чўл жониворлари ҳам ҳадик ичра жонсарақ бўлиб ўзларини инларига уришди. Бизни қуршаб олган кўрқув ҳисси ҳам уларникидан кам эмасди. Ҳарбий саркардаларимдан бири деди: «Эй, Амир, агар бу зараркунандалар боғ ва экинзорларга зарар етказса, бу йил мамлакатда йўқчилик ва етишмовчилик вужудга келади».

Унга жавобан: «Бандасидан келган балога чора топса бўлади, Аллоҳ юборган балога даво йўқ: башарти, мен чигирткалар босқинига қарши бирор-бир тадбир қўллашдан ожизман!» – дедим.

Ўша куни кечга қадар чигирткалар бошимиз устидан учиб ўтиб турди. Қоронғи тушгандан кейин ҳам уларнинг истилоси давом этди – қулоқларимизга қанот қоқаётганлари эшитилиб турди. Эртаси куни ҳам ҳаво чигирткалар туфай-

* 2 май куни.

ли тунд қиёфа касб этди. Бу карвоннинг кети кўринмасди. Ҳамроҳларим менга, бу балойи офат эканини ва Мовароуннаҳрга ҳам кўниб ўтса, ҳеч нарса қолмай ямлаб ютишини сўзлаб беришди.

Ўша куни чигирткалар кун бўйи учиб ўтди. Эртаси куни кечга бориб ҳам тўхтамади. Фақат ундан кейинги куни тонг маҳали ниҳоят тинди. Кабутарлар орқали маълумот олишимиз мумкин бўлган дастлабки манзилга етиб боришимиз билан Самарқанддан хабар олдим. Шубҳаларимиз тасдиқланди ва хабардан ҳаммамиз ғамга ботдик. Мовароуннаҳрга чигирткалар қум зарралари каби ёпирилган экан. Бу эса тақчиллик ва озиқ-овқат танқислигини вужудга келтириши тайин эди. Менинг жангчиларим сафардан ғалаба билан қайтмоқда эдилар – шундан кайфиятлари аъло эди. Кўплаб ўлжа қўлга киритиб, анчайин бисот билан уйларига йўл олишганди – шундан кўнгиллари тўқ эди. Чигирткалар босқини бунинг барчасига барҳам берди. Ахир очлик ва муҳтожлик ҳукм сурган юртда олтин-кумушнинг ерда ётган тошчалик ҳам қадри қолмайди-да!..

Мовароуннаҳрга яқинлашганимизда бизни кутаётган аянчли кунларнинг дастлабки нишонларини кўрдик. Чўлларда яшил рангни ўзида ифода этган бирорта ўсимлик қолмабди. Чигирткалар нафақат ўсимликларни, балки дарахтларнинг баргларини ҳам битта қолдирмай чайнаб ташлаганди. Биз отларимизни йилда уч марта ўтлатадиган яйловлар ҳам худди яралганидан буён бирорта ҳам гиёҳ унмаган тақир ерга ўхшаб қолган эди. Самарқандга келиб янада аячли бир манзарага дуч келдик. Бирорта ҳам новвойхонада ўт ёнмаётганди. Сотувда бир дона ҳам ғалла йўқ – халқ эса ҳадик ва хавотир ичра эсанкираб қолганди. Мовароуннаҳрнинг бошқа ҳудудларида ҳам аҳвол худди шундай: ғалла ва нон топиш мушкул бўлиб қолганди.

Мен Самарқанд ва бошқа шаҳарларда одамларни саратон ойининг охиригача таъминлашга етадиган ғалла захираси борлигини билардим. Бироқ чигирткалар воқеасидан кейин ғалласи бор одамлар келажакни ўйлаб, уни сотишга шўшилмаётганди. Савдо расталаридан озиқ-овқат маҳсулотлари бирданига ғойиб бўлди. Ёзда ҳосили олинадиган икки

хил деҳқончилик маҳсулоти – бодринг ва помидор кўчатлари ҳам кўзга ташланмасди.

Фақат одамларгина ҳозирча амал-тақал қилиб кун кечирмоқда, аммо уй ҳайвонлари очликдан тиришиб қолмоқда эди. Айримлар молларини ҳайдаб узоқ-узоқларга яйлов ва ўтлоқ ахтариб кетишган, бу ерда қолганлари эса қирилиб кетиш арафасида эди. Хуллас, мол зотига қирон келди ва Самарқанд бозорларида бир қадоқ гўшт топиш мушкул бўлиб қолди.

Биз Самарқандга савр ойида қайтиб келдик. Бу пайт дарёларимиз тўлиб оқади. Гарчи экинш мавсуми ўтган бўлса-да, мен захирага ушлаб туриладиган барча ерларга ғалла ва рож экиншларини буюрдим. Саратон ойнанинг ўрталаригача дарёларда сув мўл бўлишини билар эдим. Шунинг учун ўша пайтгача экинларни камида икки марта суғориб олишга эришиш мумкин эди. Мабодо бу экинзорлардан ҳосил олишнинг имкони бўлмаган тақдирда ҳам, унинг поясидан дағал хашак олишни кўзлагандим.

Шу билан бир қаторда мен Мовароуннаҳрнинг барча шаҳарларига жарчиларимни юбориб, уруғлик учун барча фуқароларимдан дон ва рожни сотиб олмоқчи эканимни эълон қилдим. Уларга қуйидагича нарх белгиллаганимни баён қилдим: юз Мовароуннаҳр мани миқдоридagi ғаллага уч мисқол тилла, шу миқдордаги рожга эса бир ярим мисқол тилла тўлашимни билдирдим. Шунингдек, ҳар бир киши тирикчилик учун оиласидаги ҳар бир жон бошига ўттиз манн миқдорида ғалла қолдириши мумкинлигини, қолган маҳсулотни эса юқорида белгиллаган баҳода менга сотишлари шартлигини етказдим. Ғалла ва рожнинг баҳоси чигирткалар босқинига қадар бир мунча юқори эди.

Фуқароларимга фармонимга итоат этмаганлар ёки уни бажаришдан бўйин товлаб, ғалласини яширишга уринганлар ўлим жазосига тортилишини, мол-мулклари давлат хазинаси ҳисобига мусодара этилишини ҳам етказишларини буюрдим.

Менинг мамлакатимга ёндош ва ғалла олишимиз мумкин бўлган ягона мамлакат – Хуросон эди. Шунинг учун ўша ёққа ишончли одамларимдан бир нечасини юбориб, улар-

нинг зиммасига Хуросон бозорларидан ғалла сотиб олиб, Мовароуннаҳрга мунтазам етказиб туриш вазифасини юк-ладим.

Бироқ Хуросондан ғалла олиб келишнинг ўзи бўлмаслигини билар эдим. Йўл йўқлиги туфайли араваларда юк ташиб бўлмасди. Туркман чўллари орқали ўтадиган йўл эса ҳаддан зиёд узоқ, шунинг учун Хуросондан Мовароуннаҳр чегараларигача ғаллани от ва эшакларда олиб келиб, сўнг араваларга ортиб ташишни йўлга қўйдик.

Мовароуннаҳрнинг ўзида эса, юқорида айтиб ўтганимдек захирага ушланган ерларга тўлиқ буғдой ва рож эқдик.*

Савр ва жавзо ойлари мобайнида экинларни дарё суви билан суғордик.

Хабарингиз бор, мен Аллоҳнинг гувоҳлигида ўз-ўзимга сўз бериб, ҳамиша вақтимни чўлда ўтказишга, агар жиддий бир сабаб ёки зарурат бўлмаса, шаҳар ҳаётидан йироқ юришга аҳд қилганман. Ўша йили шусиз ҳам умрим далада кечди. Мунтазам равишда экинзорларни айланиб, майсалар парвариши, уларни суғориш ишларини назорат қилиб юрдим. Мен фақат шу экинлар билан кифояланмадим. Балки полиз ва сабзавот экинлари етиштиришни ҳам йўлга қўйдим. Саратон ойи охирларига бориб, дарё сувлари кескин камайди. Бироқ Мовароуннаҳрда ўша пайт тинимсиз ёмғир ёғди. Худди шунингдек асад ойида ҳам бу ҳол такрорланди. Ваҳоланки, Мовароуннаҳрда асад ойида ёмғир ёғиши жуда камдан-кам кузатиладиган ҳолдир.

Бу ҳам Аллоҳнинг бизга кўрсатган бир марҳамати бўлди. Яратган эгамнинг муруввати билан ўша машаққатли дамларда менинг мамлакатим йўқчилик балосидан омон чиқди.

Сунбула ойида ғалла, ундан сал олдин рож ҳосили пишиб етилди. Деҳқонлар дарҳол ҳосил йиғим-теримига киришдилар. Чунки кузнинг ёгин-сочинли кунлари бошланиб қолса, ҳосилнинг кўп қисми нобуд бўлиши мумкин эди.

* «Захирага ушланган ерлар»га ҳар уч йилда бир марта уруғ сочи-ларди. Қолган пайтлари ерга дам берилган. Шунда ернинг унумдор-лиги ошган ва юқори ҳосилдорликка эришилган. Худди шу сабаб ҳам Амир Темур айнан захирага ушланган ерларга уруғ қадаган.

Ҳосилнинг чўғи баланд бўлди. Мўл-кўл маҳсулот йиғиштириб олинди. Натижада, буғдой ва рожнинг баҳоси анчайин арзонлашди, ўша пайтга қадар юз манн буғдойнинг баҳоси 3 мисқол тиллога – уч динорга тенг бўлган бўлса, бу пайтга келиб бир динорга тушди. Хуросондан ғалла сотиб олишни тўхтатдик.

Саратон ва асад ойлари ёққан ёмғирлар ва ундан сўнг сунбула ойидаги ёгинлар Мовароуннаҳр кенглиklarини яшилликка буркади. Узоқ ўлкаларга кетган молларимиз қайтди. Ўша йили агар мен қўлимни қўлтиғимга тикиб ўтирганимда, очлик ва йўқчилик ҳукмига бўйсунганимда мамлакатим фуқароларининг аксари ўлиб кетган бўларди. Бироқ тезкорлик билан кўрилган барча чора-тадбирлар туфайли бундай йўқотишларнинг олди олинди. Ўша йилнинг иккинчи ярми, кейинги йил ҳосилига қадар ҳеч ким етишмовчилик сезмади.

Чигирткалар туфайли вужудга келган вазият ўнгангач, мен яна қўшинимни жиҳозлаш билан шуғулланишга киришдим. Қипчоқлар ҳукмдори Тўхтамиш ўша йили қўшинимга катта талофат етказди. Унга қарашли бўлган ерда Шайх Умар билан, кейинчалик мен билан қилган жангда қўшинимнинг ярмини йўқотди. Энг яхши саркардаларим, жангчиларим Қипчоқ даштида қолиб кетди. Шунинг учун қўшин сафларини тўлдириш мақсадида мард, жасур, жисмонан бақуват ёш йигитларни хизматга олдим: уларни жанговар машқларни бажаришга, ҳарбий санъатни ўрганишга сафарбар этдим. Куз ва қиш ойлари мана шу юмушлар билан банд бўлдим. Шунинг баробарида кабуларларнинг даракчилик фаолияти қамровини кенгайтириш чораларини кўрдим. Чунки бу фаолият нафақат жанг мақсадлари учун, балки тинч турмушда ҳам, салтанатнинг энг чекка ҳудудлари билан боғланиш, у ердаги вазият ва кечаётган воқеалардан хабардор бўлиб туриш имконини бериши билан аҳамиятли.

Ўша йили қилган ишларимдан яна бири, бу сафарда ўзим билан бирга олиб юрадиган йиғма масжидимни бир мунча ихчамлаштирдим. Энди олиб юриш анчайин енгиллашди. Ҳатто йиғиш ва йиғиштириб олиш ишлари ҳам бир мунча осонлашди.

Узун қиш кечалари юмушларимни тугатиб, чодиримга қайтардим. Унда Хазар денгизи жанубидаги мамлакатларни ўрганиш билан вақтимни ўтказар эдим. Ёши улуғ саркардаларимдан шу борада маълумотлар олардим. Мен ўша мамлакатлар ҳақида маълумот олиш учун бир нечта китобларни ўқиб чиқдим. Аммо улар мени қониқтирмади. Тўлиқ тасаввур ҳосил қилишим учун улардан етарли маълумотлар ололмадим. Мен Хазар денгизидан жанубда жойлашган Табаристонда айрим қабилалар яшашини эшитган эдим. Айтишларича, улар эғнида либос ўрнига йўлбарс, арслон ва ҳўкизларнинг терисини ёпиниб юришар эмиш. Ўрмонларда ҳаёт кечиришар, таомлари ёввойи қушлар-у ёввойи дарахт меваларидан иборатмиш. Улар ҳеч кимдан қўрқмас ва ҳали ҳеч ким уларнинг юртини истило қилишга муваффақ бўлмаган дейишди. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида тилга олинган Оқ дев асли ўша юртдан экан.

Хазарнинг жанубидаги яна бир мамлакат Филон ҳақида ҳам ажабговур гапларни эшитган эдим. Уларнинг асосий таоми гуруч бўлиб, ундан муаттар бўй таралиб турар эмиш. Филоннинг аёллари дунёдаги энг чиройли, энг хушбичим аёллар деб таърифланади. Бунинг сабаби ҳам ўша хушбўй ҳидли гуруч билан таомланганларидан бўлса керак.*

Яна эшитган эдимки, Хазар жанубида Талиш деган мамлакат бор экан. Эркаклари паҳлавонкелбат, тиззасигача соқолини осилтириб юрар эмиш, сочлари ҳам узун бўлар экан. Ёввойи бугуларни жиловлаб минишаркан. Уларни ҳам ҳали ҳеч ким ўзига бўйсундира олмаган эмиш.

Хуллас, менда ўша ўлкаларга бориш, ўша паҳлавонкелбат эрларни, хушсураг аёлларни ўз кўзим билан кўриш, ҳали забт этилмаган ўша юртларни бўйсундириш иштиёқи пайдо бўлди.

Қишнинг узун кечалари ана шулар ҳақида ўйлар эдим. Шу сафарни амалга ошириш учун нималар қилиш, қандай

* Ҳозирги Филон аҳлининг айтишича, ҳақиқатан ҳам қадимда «Амбар биринчи» деган гуруч бўлган. Амир Темур ана шу гуручни назарда тутган.

тадбирлар қўллаш кераклиги ҳақида бош қотирардим. Яқинларим билан кенгашиб маслаҳатлашардим. Хусусан, даракчи қуш – кабутарлар фаолиятини кегайтириш чораларини кўрмоқда эдим. Агар Хазар жанубида туриб, Самарқанд билан боғланиб турсам, зарурат бўлиб қолса ёрдам сўрасам – алоқа учун энг самарали восита кабутар хизмати. Унинг йўлига ҳеч ким, ҳеч нарса ғов бўла олмайди. Рақибларимнинг калласига ўргатилган лочинлар ёрдамида даракчи қушларни овлаш фикри келгунга қадар, мен ишимни битириб бўламан.

Мен бу сафарга келаси йилнинг баҳоридан чиқишни маъқул топдим. Хазар денгизи жанубидаги юртларни ишғол қилиб, сўнг Азербайжанга ўтишни режалаштирдим. Ундан кейин нима қилишимни ҳали билмасдим: ғарбга томон юрсамми ёки жанубга? Агар жанубга йўналсам, Форс ҳукмдори Мансур Музаффарининг эсини киритиб қўйишга имконим бўлади, токи у бошқаларга ҳурматсизлик қилмасин!

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

ХАЗАР ДЕНГИЗИ СОҲИЛЛАРИДА

Баҳор фаслининг бошланиши билан мен ҳам режалаштирган ишларимни амалга ошириш учун юз минг сонли қўшимни олиб йўлга чиқдим. Шайх Умарни вақтинчалик Мовароуннаҳр ҳукмдори этиб тайинладим. Хазар (Каспий, Абескун) денгизи томон Жайҳуннинг эски ўзани бўйлаб юрдим. Қачонлардир Хазарга қуйилган Жайҳун дарёси йўлини ўзгартириб Мовароуннаҳр орқали оқа бошлаган. Бу ҳам Аллоҳнинг бир марҳамати, акс ҳолда мамлакатимнинг аксар қисми қип-қизил чўлу биёбондан иборат бўлар эди.*

Биз белгиланган масофани босиб ўтиб Хазар денгизига етказ, жанубга томон бурилдик. Кутилмаганда олдимиздан

* Каспий денгизининг қуриши Амударё ўзанини ўзгартирган пайдан бошланган.

улкан, тўлиб оқаётган Артек дарёси чиқди. Бир хаёл дарёни қўшин билан кечиб ўтмоқчи ҳам бўлдим, лекин айна баҳор фаслида асов отдек пишқириб оқаётган дарё жангчиларимни от-поти билан оқизиб кетишини истамадим. Шундан бу фикримдан қайтдим.

Дарёнинг айнан биз бориб тўхтаган ҳудудида аҳоли турар жойлари кўринмади. Аскарларимга ерлик одамларни топиб олиб келишларини буюрдим. Уларни олиб келишди. Айтишларича, дарёнинг энг саёз жойи биз турган жойдан уч фарсанг пастроқда экан. Лекин ҳозирги пайтда у жойдан ҳам дарёни кечиб бўлмасмиш. Яхшиси дарёга сув қуйиладиган мавсумнинг тугашини кутишни тавсия қилишди ерлик аҳоли вакиллари. Бунинг учун эса камида ўн беш кун кутишимиз керак экан.

Мен аввал ҳам айтган эдим: саркарда ҳар қанча моҳир, узоқни кўра биладиган киши бўлмасин, ўзи учун нотаниш бўлган ҳудудларда кутилмаган муаммоларга, вазиятларга дуч келади. Шундай чоғ у зудлик билан жўяли бир қарорга келиши керак. Агар биз турган жойда дарахтлар бўлганида эди, мен улардан сув устида кўприк қурган бўлардим. Сувда тебраниб турувчи ана шу кўприкдан қўшинимни олиб ўтардим. Бироқ бу ерда дарахтзор йўқ. Демак, бошқа бир йўлини излаб топишим керак.

Мен ерлик аҳоли вакилларини эшитиб, уларнинг маслаҳатига қулоқ солиб, кутиб ўтиргандан кўра, улардан бир неча тажрибалироғини ҳамроҳ қилиб дарёнинг денгизга қуйиладиган томонига бордим. Ўша томонда у бир нечта шохобчаларга бўлинишини, улар унчалик чуқур ва катта эмаслигини эшитган эдим. Шундай ҳам бўлиб чиқди...

Биз дарёни ортда қолдириб жанубга томон илгариладик. Ям-яшил ўлкага етдик. Гўзаллигига таъриф йўқ жойлар. Мовароуннаҳрнинг барча воҳаларидан ҳам яшиллик бобида устун эди бу ўлка. Ўтларнинг баландлиги отларнинг қорнига тегиб турарди. Агар ҳарбий ҳолатда бўлмаганимда, қўшинни тўхтатиб, ўша яшиллик бағридан 3-4 кун баҳра олган бўлардим. Аммо олдда бизни жанглар кутаётгани, отларимизни бу ерда 3-4 кун ўтлатсак, кейин узоқ масофага ярамай қолишини ўйлаб йўлда давом этдим.

Ўша яшил водий оралаб беш кун йўл юрдик. У ерда кўплаб туркман қабилаларнинг турар жойларини учратдик. Уларнинг оқсоқоллари менинг ҳузуримга бир неча қўй сурувини туҳфа сифатида олиб келиб, совғалар олиб кетишди.

Биз бу ўлкадан чиқишимиз билан табиат манзараси ўзгарди. Қаршимизда кенг ўрмон ястанди. Етиб келганимизда ўша ерлик одамлар, бу ҳали ўрмоннинг бошланиши, нариги ёғи оламнинг охирига бориб тақалади, дейишди. Бу муболаға, албатта. Мен ўрмоннинг у қадар поёнсиз эмаслигини, ундан юриш хавфли эканини ҳам билардим. Мабодо Астробод қўшини пистирмасига учраб қолсак, битта қўймай қириб ташлаши ҳам ҳеч гап эмас. Чунки ўрмонда биз ярим фарсанг ҳам нарини кўра олмаймиз.

Шу боис пешқадам кузатув гуруҳига ҳудудни ўта синчковлик билан ўрганиш, ҳар қадам, айниқса, атрофни кузатиш имкони бўлмаган жойларда дарахтларга чиқиб, ҳудудни қаричма-қарич кузатиш лозимлиги ҳақида йўл-йўриқлар бериб жўнатдим.

Вақти-вақти билан ўрмон бўйлаб ажабтовур товушлар эшитилиб қоларди. Юракка ҳадик соларди у, чунки ўрмонда юриш ҳадисини олмаган киши учун ҳар шарпа соя бўлиб, ҳар соя хатар бўлиб кўринади. Кейинчалик бу турли хил товушларнинг ўрмондаги акс-садоси эканини билдик. Ўрмон ҳаётига сингиб, унинг инжиқликларига кўникдик.

Бир куни баланд бир тепаликни кечиб ўтдик. Ўша пайтгача пастдан юриб бораётганимиз туфайли денгизни кўрмаган эдик. Баландга чиққач кўз ўнгимизда мафтункор бир манзара пайдо бўлди – беҳудуд тўқ яшил денгиз худди шундай беҳудуд осмон билан тутшиб кетган эди. Бу манзара мени шу қадар ҳаяжонга солдики, йўлда давом эта олмай қолдим. Бир соатча жойимда қотиб, ана шу ғаройиб манзарани томоша қилдим. Кимда-ким ана шу манзарадан баҳраманд бўлмоқчи бўлса, Астрободга борсин. Мен чиққан ўша тепаликка чиқиб, мен турган жойда туриб, бепоён осмон билан мовий денгизнинг туташувини кўрсин!..

Ўша куни англадимки, олам айлана шаклда экан. Унинг этаклари денгизга текканда худди яшил гумбазнинг пастки қисмига туташгандек бўлади. Мен ҳис қилган нарсани бош-

қалар ҳис қилгани йўқ. Сиз ҳам бу сатрларимни ўқиб, тўла англаб етмадингиз назаримда. Демоқчи бўлганим, агар имкони бўлганида, шу манзарани айлантира олганимизда эди, ҳеч нима ўзгармасди: осмон денгиз, денгиз осмоннинг ўрнини эгалларди.

Бу жойдан ўтиб биз бошқа бир жойга етдик. Айтишларича, ана шу жойдан жанубга томон юрилса, Ироқи Ажамга бориш мумкин экан. Бироқ Ироқи Ажамга етиш учун икки ярим минг зарълик довонни босиб ўтиш керак бўлади. Ўша пайт ғарбга томон юриш қилаётганим боис, ҳали у томонга ўтиш ниятим йўқ эди.

Ўша кун кучли жала қуя бошлади. Нуҳ тўфонига ўхшарди. У бизнинг сафаримизни тўхтатиб қўйди. Тўрт кун тинмай ёғди. Шундан сўнг ўрмонни туман қоплади. Агар мана шу пайт устимизга бирор ёв қўшини бостириб келса, бизни осонгина етгарди. Чунки тўрт кунлик ёмғир бизни жуда заиф қилиб қўйган эди.

Ёмғир ниҳоят тинди. Қуёш чарақлаб, ҳаво исиди. Шу даражада исидики, жангчиларимиз уст кийимларини ечишга мажбур бўдилар. Англадимки, у ернинг иқлими ўзига хос: ёмғир ёғса ҳаво совиб, ёмғирдан сўнг ҳаддан зиёд исиб кетар экан. Ҳатто қиш фаслида ҳам шундай, дейишади.

Ёмғирдан кейин ўша паҳлавонкелбат эрлар ва уларнинг қудратли ҳўкизлари яшаётган юртга етмагунча тўхтамай йўл босдик. У юртнинг номи Табаристон эди.

Табаристон халқи бир умр ўрмонда яшаркан. Баъзилари гуруч етиштиради. Гуручининг ранги қизғиш. Эркакларни узун соч қўйиб юради. Кийим-кечаклари ҳайвонларнинг терисидан тикилган. Эркакларнинг барчаси елкасига болта ташлаб юради. Чунки ўрмонда болта ҳаминша керак бўлади. У, шунингдек, ёввойи йиртқичлардан ҳимояланиш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Болтаси йўқлар эса, албатта, тўқмоқ кўтариб юради. Улар уни шунчалар маҳорат билан ишлата оладики, бир зарба билан йўлбарсни қулатишга қодир.

Табаристон ўрмонларида шер ва йўлбарслар изғиб юради. Айниқса, йўлбарслар кўп. Улар айрим жойларда шу қадар кўпки, Самарқандда мушуклар бу қадар кўпмас. Табарис-

тон аёллари худди эрлари каби қоматли. Улар ҳўкиз ва сирлар билан ҳайвонлар тилида сўзлаша олар экан. Қадимда Сулаймон подшо ҳайвонлар тилини билган. Табаристон аёлларида ҳам шундай қобилият бор, чамаси. Уларнинг тили форсча, бироқ фарқ қилади. Масалан, мен форсийни билман, аммо уларнинг сўзларига тушунмадим. Табаристонликлар ўзларини дев авлоди эканликларига қаттиқ ишонишади ва у ернинг ҳукмдорларини дев дейишади. Айримлари ўзларини оқ девга дахлдор эканликларини таъкидлайдилар.

Табаристонга келгач, бир ўй кечди хаёлимдан. Бу ернинг аҳолиси билан дўстона муносабатда бўлишга қарор қилдим. Шунинг учун Табаристон ҳукмдорига, бу ерга жанг қилиш учун эмас, балки йўлдан ўта туриб тўхтаганимни тушунтирдим. Озиқ-овқат ва ем-хашакка эҳтиёжим борлигини айтдим.

Табаристон ҳукмдори бизга қанча керак бўлса, шунча озуқа тайёрлаб берди. Бироқ уларда ғалла бўлмас экан. Менинг жангчиларим ҳам худди уларга ўхшаб, ноннинг ўрнига гуруч билан кифояланишди. Табаристонда қамиш ҳам етиштиришар экан. Аёллар уни туйиб, ичидан унини чиқазиб олишар, кейин гуручга аралаштириб тановул қилишар экан.

Табаристонда ҳўкизлар ҳам шу қадар йирикки, кўриб кўрқиб кетасан. Шуниси қизиқки, аёллардан бошқа ҳеч кимса уларга яқинлаша олмайди. Тилини билгани боис аёллар уларни ушлашар, тинчлантиришар экан. Эркаклар бундай қила олмайди, агар улар яқинлашгудек бўлса, ҳўкизлар ташланиб қолар экан.

Ўша мамлакатда кўрган ажойиботларимдан бири, бу – ҳўкизлар жанги бўлди. Майдонга уларни хотинлар олиб чиқдилар. Чунки юқорида айтганимдек, эркаклар уларга яқинлаша олмайдилар. Хуллас, аёллар ҳўкизларни чиройли зийнатлаб, ўртага олиб чиқишади. Улар токи бири ёки иккаласи ҳам йиқилиб ўлмагунча шохлашади.

Бир куни денгиз бўйида сайр қилиб юриб, бир қанча оқариб ётган бош суякларига кўзим тушди. Одамники эди у. Ерлик одамлардан, бу кимнинг бош суяклари эканини, нега бу ерда ётганини, вақтида кўмилмай нима учун чириш-

га маҳкум этилганини сўрадим. Уларнинг айтишича, тўрт йил муқаддам Хазар денгизининг шимолида яшовчи қабилалардан бўлган қароқчилар йигирмата қайиқда Табаристонга талончилик юриши билан келган экан. Улар мана шу соҳилга тушган, табаристонликлар уларнинг бир нечасини ўлдирган, қолганлари қочиб қолган. Ўлган қароқчиларни шу жойда чиришга маҳкум этишибди.

Табаристонда мен катта шаҳарларни кўрмадим – бариси кичик-кичик шаҳарлар. Унда ҳам худди Исфаҳондаги каби ер ости қувурлари тизими мавжуд экан. Чунки ҳожатхона учун улар ҳам ердан чуқур қазий олмас эканлар. Ёмғирлар мавсуми даврида сув ер сатҳи баробари кўтарилади. У барча ахлатларни дарёга ташлар, дарё эса денгизга томон оқизиб кетар экан.

Хазар денгизбўйи соҳилларида денгиз ҳайвонларининг суякларини ҳам учратиш мумкин. Мен бир гал соҳилда ўлиб ётган балиқни кўрдим. Ҳажми жуда катта эди унинг. Бунақа балиқларни ейиш таъқиқланган. Яна бир хил балиқлар борки, табаристонликлар уни ҳам емайдилар – таъқиқлангани учун эмас, балки таъми яхши бўлмагани туфайли. Биз борган пайтимиз балиқ овлаш мавсуми тугаган экан...

Табаристонда икки хил ўрмонлар бор: биринчиси, табий – уларда шер, йўлбарс ва айиқлар яшайди. Иккинчиси – бунёд этилган: унда мандарин, апельсинлар шу қадар серобки, баъзида ҳосили терилмай дарахтида қолиб кетади. Ўша пайт ҳосил йиғим-терими тугаган бўлишига қарамай, дарахтларда узилмаган мевалар турганини кўрдик. Улар бизнинг жангчиларимизга ҳосилни териб олишга рухсат беришди, фақат бир шарт билан – дарахт новдалари, бутоқларини синдирмаслик шарти билан жангчиларим мева териб олишди.

Самарқандда ҳам бу дарахтлар ўсади, аммо жуда кам. Самарқанд бозорларида ҳатто қиш фаслида ҳам апельсин, мандарин топса бўлади, бироқ жуда қиммат. Табаристонликлар меваларни сиқиб шарбатини олишади. Кейин уни қорайиб, қуюқлашиб қолгунича қайнатишади. Ҳосил бўлган маҳсулотга тил тегизсанг куйдургудек жазиллатади. Ерлик аҳоли уни овқатга аччиқ сифатида фойдаланар экан.

У мамлакатнинг жуда кўп одамлари дори-дармон савдо-я билан шуғулланади, илло ўша томонларда жуда кўп доривор гиёҳлар ўсади. Айтишларича, уларнинг йигирма мингдан ортиқ тури мавжуд экан.

Мен бу маълумотни бир оз муболағали деб қабул қилдим. Бироқ шу сонни камайтириб, доривор ўсимликларнинг тури мингга десак, шу ҳам Табаристонни дунё дори-дармон воситалари маркази дейиш учун кифоя қилади. Доривор гиёҳлар қуритилганидан сўнг Ироқи Ажамга юборилади. Шунинг учун ҳам, у ердаги кўплаб шаҳарларда Табаристон дорилари билан савдо қилишади.

Гарчи кўплаб дори-дармонлар Табаристонда ишлаб чиқарилса ҳам, одамлари сира касалликка чалинмайди. Ўрмонларда яшайдиганлари бундан мустасно. Ўрмонда яшайдиган табаристонликларнинг ёмон сув ва ёмон ҳаводан фойдаланганлари касалликка чалинадилар. Шу дард билан бир қанчаси ўлиб ҳам кетадилар. Шунинг учун ҳам табаристонликлар айрим жойларга оёқ босмайдилар: у ерларда ёвуз сув ва ёвуз ҳаво бор дейишади. Биз ҳам уларнинг айтганига амал қилиб, ўша ёқларга бормадик.

«Чиҳил дарё» деган жойда, менга айтишдики, агар боришни хоҳласам Қасри Хонга борадиган йўлни кўришим мумкин экан. Қасри Хон – исмоилитийларнинг қадимий қалъаларидан бири. Мен исмоилитийлар ҳақида кўп ўқиган эдим. Улар шиа мазҳабидаги бир фирқа эканидан ҳам хабарим бор эди. Бироқ мен у томонга бир ўзим ёки бир нечагина аскарим билан бора олмас эдим – бу жуда хавфли эди. Бутун бошли қўшин билан бориш учун эса Сияле дарасидан кечиб ўтишим керак эди. Унинг тор йўлақларидан эса фақат хачирлар ўтиши мумкин, менинг катта қўшиним эса ўта олмасди. Айниқса, чуқурлиги 500 заръ бўлган жарликлар бўйлаб ўтиш жуда хатарнок эди. Шунинг учун исмоилитийларнинг қалъасини кўриш фикридан воз кечдим.

Қўшиним ҳали ҳам ўрмон оралаб борар эди. Ҳушёрликни йўқотмай эҳтиёткорлик билан юра-юра Гил ёки Ғилон қабилаларига етиб бордик. Улар табаристонликлардан фарқланар эканлар: улардек забардаст ва бўйчан эмасдилар. Мусулмон бўлишларига қарамай, ёнларидан оқиб ўтган

«Сафид Руд» дарёсини илоҳий деб билар эканлар. Нимаки яхши нарсаларга эришган бўлсалар, дарёнинг эвазидан, деб уни олқишларлари шундан.

«Сафид Руд» – бу катта дарё бўлиб, биз Филонга борган пайтимиз ҳали дарё ўзанида сув кўп эди. У Хазар денгизига қўйилиш арафасида ўн-ўн бешта шохобчаларга ажралар экан. Филоннинг катта шаҳарлари орасида Решт алоҳида ўрин тутади. Фил заминида Лаҳиджан – бош шаҳар. У «Сафид Руд» дарёси денгизга қўйилиш жойининг шарқида жойлашган. Агар Лаҳиджандан денгизга томон юрилса, Гоутам бандаргоҳига борилади. У Хазар денгизининг йирик бандаргоҳларидан бири. Мен у ерда бўлганимда икки юзтача турли хил кемаларни учратдим. Улар ҳар томондан мана шу бандаргоҳга кириб келишар, юкларни тушириб, бу ердан ҳам юк олиб кетишади.

Филонзаминда жундан тўқилган мато жуда кўп экан. Таъбир жоиз бўлса, у бутун дунёга етиб ортади. Кейинчалик мен дунёнинг жуда кўп жойларида ана шу матонинг энг яхши намуналарини учратдим. Ва буларнинг барчаси ўша Филоннинг матолари эканига амин эдим. Бутун дунё бозорларида Филоннинг жун матоларидан ташқари яна кўп тарқалган маҳсулотларидан бири бу – «Биринжи амбарин» гуручидир. Мен Филонда уни татиб кўрган эдим. Таъми ва хушбўйлиги менга жуда ёқди. Ундан бир неча миқдорини денгиз орқали Мовароуннаҳрга юборишларини буюрдим: уни ўзимизда ҳам етиштиришни бошласинлар, деб топшириқ бердим.

Эй, менинг ҳаётим саҳифаларини варақлаётган, саргузаштларимни ўқиётганлар! Эсингизда тутинг, мен – Амир Темур! Биргина номимни эшитиши билан дунёнинг барча ҳукмдорлари титраб туради. Билингки, мана шундай одам Филондан қочиб чиқдим. Бунга мени Филоннинг гўзаллари, чиройда тенгги йўқ аёллари мажбур қилди. Мен дунёнинг бошқа бир мамлакатида уларчалик гўзал, уларчалик сулув қиз-жувонларни кўрмадим. Таъбир жоиз бўлса, Филон – жаннатнинг ҳуру малаклари яшайдиган жой экан: юзлари сутдек оқ, баданлари оқ, кўзлари қора, ҳаворанг – барчаси бўйчан.

Менга айтишларича, Филон аёлларининг оқ баданлиги, гўзал ва мулойим табиатлиги, кўп гуруч ва балиқ истеъмол қилганларидан эмиш. Мабодо шундай бўлса, нега эркаклар бунақа эмас. Менимча, гап фақат гуруч билан балиқда эмас. Балки уларнинг табиатида сиз билан мен билмайдиган яна бир нимадир бор, буни фақат одамзотнинг лойини қорган қодир Аллоҳ билса ажаб эмас.

Мен Филонга келганимда ҳаётимдаги энг хатарли жойга келганимни англадим. Бу ўлканинг заифалари ҳар қандай қатъиятли эркакнинг ҳам иродасини заифлаштириб, ўз тўрига туширишга қодир эди. Мен аввал ҳам бир неча бор айтганман Аллоҳни ўртага қўйиб, ўзимга-ўзим сўз берганман: кайфу сафо, маншатга мойиллик, гўзаллар нигоҳидан йироқ бўлишга қатъий аҳд қилганман. Бироқ жангчиларим ҳақида бундай дея олмайман. Қаршимдаги душманни енгишга мен ўзимда куч топа оларман, аммо бутун бошли қўшинни унга бой бериб қўйишим эҳтимолдан холи эмас. Шу боис шаҳар чеккасида қароргоҳ тикиб, интизомни жуда қаттиқ ушладим. Жангчиларимдан бирортаси Филон аёлига асир бўлиб тушмасдан бурун, тезроқ кетиш тараддудини қилдим.

Лаҳиджан – ғилзаминнинг бош шаҳри. Бинобарин, у мамлакатда яна бир шаҳар бор – Эспаҳбудан. Эспаҳбудан шаҳрига кириб келганимда биринчи кўрган нарсам шу бўлдики, бунда эркаклар, аёллар ва болалар ҳам оқ либосда юришар эди. Билсам, бу шаҳарда одамлар туғилганидан бошлаб то қабрга боргунича фақат оқ рангли матодан либос кияр экан – ётадиган тўшаклари ҳам оппоқ. Агар Филон ҳурларнинг макони бўлса, Эспаҳбудан ер юзидаги жаннатнинг сайилгоҳи дейишга муносиб жой экан. Филондан фарқли ўлароқ, Эспаҳбуданда эркаклар ҳам аёлари каби хушбичим, келишган... Уларни бирга кўрганингда худди ҳуру ғилмонга хизмат қилиб юрган хушсурат ёш ғулом деб ўйлайсан. Шаҳар аҳолисининг ўзига хос бир жиҳатига диққат қилдим. Эркагу аёл, болалари – барисининг кўзлари мовий рангда эди. Сабабини билсам, улар бошқа қабилалар билан қиз олиб қиз беришмас экан. Шунинг учун бошқа бир зотга мансуб бола дунёга келмаскан. Мовий кўзлик ўша шаҳар аҳолисининг маҳаллий зотдан эканини билдирувчи аломат экан. Яна

шуни эшитдимки, қадимда бу шаҳарда ҳарбий бошлиқлар ва лашкарбошилар яшаган эканлар. Уларни «Эспаҳбудан» деб аташган. Шаҳарнинг номи ҳам шундан келиб чиққан дейишди. Шаҳар аҳолиси, асосан, жун ип йигириш ва мато тўқиш билан шуғулланаркан; бутун бошли шаҳарда гуруч етиштирадиган ақалли биттагина бўлсин деҳқонга кўзим тушмади. Эспаҳбуданда барча – эркаклар, аёллар, ҳатто болалар ҳам ип йигириш ва мато тўқиш билан машғул. Мен уларнинг устахоналарида бўлдим: у ерда ҳур каби оқбадан аёллар дастгоҳлари қаршисида ўтириб, нозик бармоқлари билан нафис матолар тўқимоқда эди. Худди шундай яна бир нечта мато тўқиш устахоналарига кириб чиқдим – барчасида бир хил манзара. Шунда бир хулосага келдим: Эспаҳбудан матоларининг нафис ва бежиримлиги – унинг худди шундай нафис ва бежирим бармоқлар ила тўқилганидан. Шу кез Мавлавийнинг «Маҳсули гўзал унинг ижодкоридан» деган маснавийси ёдимга тушди. Агар ана шу маснавийнинг ижодкори Жалолиддин Румий тирик бўлганида эди, мен уни Кўнёдан Филон ва Эспаҳбудан устахоналарига юборган бўлардим. Ўшанда шоир бу ердаги манзарага мафтун бўлиб, таъсирланиб «Ижодкори гўзал ижодидан ҳам» деб бошқа бир маснавий ёзган бўларди. Чунки Эспаҳбудан гўзаллари тўқиган матолар қанчалар бежирим, нафис ва гўзал бўлмасин уларда фақат нигоҳ бор эди – қалб йўқ. Қарайсан, у ҳам сенга боқиб тураверади. Унинг ижодкоридан эса ҳам кўз бор, ҳам қалб! Қалбига бош суқсанг, у сенинг жанговар юрагингни асир қилади. Мовий кўзлари эса жангу жадаллар ичидан нигоҳингни юлқиб олиб, узоқ-узоқларга олиб кетади...

Мен Эспаҳбуданда ҳам узоқ ушланмадим. Филонда бир амаллаб таҳоратимни синдиришдан ўзимни тийган эдим. Эспаҳбуданда ибодатимни қазо қилишдан чўчидим. Шунинг учун Талишга ёки талишлар юртига от сурдим. Мақсадим Хазар денгизи жанубида яшаб келаётган халқлар орасида энг қудратли деб тарифланган эрларни кўрмоқчи эдим. Улар билан куч синашмоқни дилга туккандим. Қани мен билан беллашувга чиқа олишармикан?

Талиш Хазар денгизи жанубидаги мамлакатлардан кескин фарқ қилар экан. Шаҳарнинг эркаклари ва аёллари ба-

ланд бўйли, басавлат. Йилнинг ўша фаслида уларнинг эг-нида уят жойларини яшириб турган матоларни ҳисобга олмаганда ҳеч қандай кийим-бош йўқ эди. Менга айтишлари-ча, қиш пайтлари ҳам улар юпқа чармдан тайёрланган ёпин-чиқда юришар экан. Талиш эркакларининг овози жуда йўғон: бир-бири билан узоқ масофада туриб ҳам гаплаша оларкан. У ердаги итлар ҳам бошқача – жуда катта: уларга арава тақаганларини ва улар отга ўхшаб арава тортиб юр-ганини кўрдим. Шунингдек, у мамлакатда жуда кўп ёввойи буғуларни учратиш мумкин. Қиш мавсумида талишликлар уларга ҳам араваларни тиркаб ҳар хил юкларни ташишда фойдаланишар экан. Бироқ мен Талишда бўлган вақтимда, буғулар ўрмонга қўйиб юборилган эди. Баҳор ва ёзда улар юк ташишга жалб этилмас экан. Талишда мен яна бир ша-ҳарни кўрдим – Ҳашам.* Унинг ҳукмдорини Дойи деб ата-шар экан.

Дойи менинг келаётганимни эшитиб, истиқболимга пеш-воз чиқди, оёғим остига ҳўкиз келтириб сўйди. Ҳашам нис-батан кичик шаҳар эди, уйларининг томлари черепица би-лан ёпилган эди. Тушлик пайти ўз ёғига қовурилган буғу гўштини тортишди. Таомиллар адо этилгач, Дойидан Та-лишнинг энг зўр деб тан олинган эркакларини олиб кели-шини сўрадим: улар билан беллашмоқчи эканимни айтдим. Бунга жавобан у: «Эй, Амир, бу фикрингдан қайт! – деди. – Мабодо бу беллашувда сен ғолиб чиқсанг, ҳеч нима ўзгар-майди. Сен шусиз ҳам буюк ва қудратлисан, лекин аксинча бўлиб чиқса, мен улуғ ва муҳтарам меҳмонимга ҳурматсиз-лик кўрсатилганидан хижолат бўламан». Мен унга таскин бериб дедим: «Эй, оққўнгил инсон, мен бор-йўғи ўзимни синаб кўрмоқчиман, аввалги куч-қудратим сақланганми, йўқми – билмоқчиман холос». У икки нафар бақувват йи-гитни олиб келишга буйруқ берди. Ҳадемай улар келишди. Елкалари кенг, мушаклари бўртиб чиққан йигитлар эди. Би-рисининг бўйи менинг бўйим билан тенг, иккинчиси сал

* Юқорида номлари келтирилган айрим шаҳарлар каби Ҳашам шаҳри ҳам бугунги кунда мавжуд эмас.

пастроқ эди. Мен эгнимдан уст кийимларимни ечиб, енгил бўлдим. Сўнг бўйи-бўйимга тенг йигитни ёнимга чақирдим: мен билан гаплаша оладими – шуни сўрадим. У талишчада жавоб қайтарди: «Форсий тилнинг лаҳжаси бу». Мен унга дедим: «Сен менга амир деб эмас, ўзингдек оддий инсон деб қара, кейин ўзингда бор куч билан менинг қўлимни қайиришга ҳаракат қил».

Шу гапни айтиб оёқларимни кенг очдим, бармоқларимни кенг ёйиб, қўлимни олдга чўздим, у ҳам худди шундай қилди. Қоидага кўра ҳар икки беллашувчи бир-бирининг кафтига босим ўтказиб, уни чеккага, пастга эгишга ҳаракат қилади. Ким рақибининг қўлини тизза баробари букса ёки унинг тиззасига тегизса – енгган ҳисобланади.

Менинг ёш рақибим бор кучини ишлатиб қўлимни букишга ҳаракат қилди, аммо уддасидан чиқмади. У дам сайин оғир-оғир нафас олмоқда эди. Мен эсам аста-секин босимни кучайтириб бордим – у енгилди, сўнг: «Эй, Амир, сен жудаям кучли экансан» – деди. Мен унга бир нечта тилла танга бердим. Марҳаматимдан у жуда хурсанд бўлди. Шундан кейин иккинчи иштирокчини беллашувга чорладим. Аммо у унамади: «Эй, Амир, менинг шеригим, куч жиҳатидан мендан кўра анчайин устун – сен уни енгдинг, энди менинг ўртага тушишимдан маъно йўқ», – деди. Мен унга ҳам тилла тангалар ҳадея этиб, кетишлари учун рухсат бердим.

Талишда яна бир диққатга сазовор нарсанинг гувоҳи бўлдим. Бу мазкур ерда ўсадиган «Шажарае Моуз» – банан дарахтидир. У узун ва кенг учта япроқсимон бутоқдан иборат. Айримларининг ўртасидан битта ягона поя ўсиб чиққан: унда икки юздан ортиқ ингичка бодрингсимон мева. Бу дарахтлар бор-йўғи бир йил яшар экан, меваси пишгач, қуриб ҳалок бўлармиш. Одамлар унинг поясини кесиб олиб, ерга суқар эканлар. У келаси йили яна яшнаб мевага кирар экан.

БАҒДОДНИ ҚАНДАЙ ОЛГАНИМ ҲАҚИДА

Талишда узоқ ушланмадим. Чунки шошилмасам бўлмасди, акс ҳолда жангу жадал учун қулай мавсумни қўлдан бой беришим мумкин. Мен Бағдодга бориб, бир вақтлар Хулагу Хон истило этган унинг ерларини қўлга киритмоқчи эдим. Агар Талишдан Бағдодга йўл оладиган бўлсам, бу йўл бора-бора ўтиб бўлмас тоғларга тақалар эди. Шунинг учун ортга қайтиб, шарққа томон юрдим. Каспий денгизи соҳилларидан Қазвин томонга ўтишим лозим эди. Шундан сўнг менинг олдимда Бағдод йўли очилади. Мен кетиш фурсати етганда Ҳишом юрти ҳукмдори Дойига, агар зарурат бўлиб, ёрдамим керак бўлиб қолса, менга мурожаат этишини, ўзим кела олмасам, албатта, ўғилларимдан бирини бош қилиб қўшин юборишимни айтдим. Талиш Мовароуннаҳр ёки Хоразм билан бир йўналишда эмас: алоқа қилиб туриш мушкул. Шу боис мен у ерда кабутарлар учун иккита минора қурдирдим. Дойи билан мунтазам алоқани йўлга қўйдим.

Қўшиним билан Хазар денгизидан ўтиб, жануби-шарқ томонга бурилдик. Шефт деб номланган жойдан Қазвинга ўтиб, ундан Кирмоншоҳга, ундан Дажла дарёси қирғоқларига етиб бордик. Йўлда айтишга арзирлик бирор-бир воқеа рўй бермади.

Йўл бўйи бир қанча мамлакатларни босиб ўтдик. Барчасининг ҳукмдорлари ҳузуримга келишиб, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатдилар. Мен уларни шундай йўл тутишга мажбур қилганим йўқ. Меҳмоннавозлик кўрсатишларини сўрамадим. Фақат йўлда қўшиним учун озиқ-овқат ва ем-хашак жамғариб беришларини, эл қатори нарх белгилаб, ҳақини олишларини айтдим. Бу мамлакатлар аслида мен учун аҳамиятсиз. Улар менинг қўшинимдек улкан қўшинни бир кун боқишга қодир эмас аслида. Шунинг учун уларга қатъий қилиб текинга бир дирҳам ҳам олмаслигимни уқдирдим. Биргина талабим уларнинг ҳудудларида кабутарларга қўналғалар қуриш учун шароит яратиб беришларини сўрадим. Қаерда

бўлса ҳам бир нечта одамимнинг ишлашига қулай бўлишни тайинладим.

Ҳузуримдаги ҳукмдорларга, агар одамларимга суиқасд бўлса ўзлари ҳам, фуқаролари ҳам қатл этилишини, мол-мулклари мусодара қилинишини эслатишнинг ҳожат йўқ эди – ўзлари яхши билишарди. Қатъиятли эканимни, менга итоат этганларнинг бошини силаб, қарши чиққанларни не аҳволга солишимдан хабарлари бор эди.

Дажла дарёсига етишимдан уч кун бурун, иккита кузатув гуруҳини йўлга чиқардим. Энг пешқадам гуруҳдан кўп ўтмай йўлда қандайдир қўшин кўрингани ҳақида хабар олдим. Аниқ билдимки, бағдодликлар менинг келаётганимдан хабар топиб, қўшин жўнатган. Кузатув гуруҳи душман қўшинининг сони ҳақида ҳеч қандай маълумот юбора олмади. Шу кез менда маҳаллий одамлардан бири орқали маълумот олиш фикри туғилди. Мен икки нафар араб кишисини қабул қилдим: бирисининг исми Абу Саъда, иккинчисиники Важаҳиддин эди. Албатта, улар билан алоҳида-алоҳида учрашдим. Бирининг биридан хабари йўқ эди. Араб тилини билсам ҳам икки дарё оралиғида (Месопатамия) яшайдиган халқнинг шеvasини тушунмасдим. Шунинг учун тилмоч орқали гаплашдим. Бироқ бир оздан сўнг тилмочнинг кераги бўлмади, мен уларнинг лаҳжасини ўзлаштириб олган эдим. Бу бор гап: агар одам араб тилини яхши билса, у араб тилида сўзлашадиган барча халқларнинг шеvasини тез ўзлаштиради.

Абу Саъда ва Важаҳиддин ўша қўшинга юзма-юз бориб, унинг сони, таркиби ва қуролланиши ҳақида маълумот тўплаб келишга рози бўлишди.

Мен уларнинг ҳар бирига беш юз динордан бердим, керакли маълумотларни олиб келгач яна шунча миқдорда ҳақ олишларини айтдим. Улардан ҳеч қайси бири яна шундай топшириқ билан бошқа киши ҳам йўлга кузатилганини билмас эди. Бундай тadbир қўллашдан мақсад, менга қарши тил бириктирмасликлари, ёлғон маълумот бермасликлари, қисқаси алданиб қолмасликнинг олдини олиш учун эди.

Арабларни йўлга отлангиргач, пешқадам кузатув гуруҳига душманга имкон қадар яқин бориб, улардан асир олиш-

га уриниб кўриш вазифасини топширдим. Агар асир ҳарбий саркардалардан бўлса саз бўлишини тайинладим. Мақсадим асирлардан кўпроқ ва муфассал маълумот олиш эди.

Мен муфассал маълумот деганда, бу жумла ўзида жуда катта маънони қамраб олади. Масалан, юқорида айтганларимдан ташқари мени жанг бўладиган ҳудуднинг хусусиятлари – у ерда тоғ бор-йўқлиги, тепаликлар, қанча дарё бор: эни, чуқурлиги, қаерида саёз кечуви бор, уларнинг жойлашиш тартиби ва бошқа кўплаб масалалардан тўлиқ хабардор бўлишим керак.

Худди шу сабабдан ҳам орадан тўққиз йил ўтиб, Дамашқда эканимда (Дамашқ – Шом мамлакатида) Мағриб (Мағриб – Шимолий Африкадаги араб мамлакатлари) фуқароси Ибн Халдунга у жойдаги ерларнинг жўгрофик китобини ёзиб беришини сўраган эдим: унда тоғлар, тепаликлар, дарёлар, ўрмонлар, шаҳарлар ва қишлоқлар акс этган бўлиши керак эди. У китобни ўқиган киши Мағрибнинг қайси жойида тургани ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиши лозимлигини уқдирган эдим.

Ҳудудни ўрганиш мен учун жуда муҳим. Чунки пиёда аскар қандай шароитда бўлса ҳам жанг қилаверади, ҳар қандай тўсиқни ошиб ўтади. Бироқ юз минг кишилик отлик қўшинни жангга олиб кирганда, текис жой анчайин қулайлик туғдиради: жанг майдони ўнқир-чўнқир, баланд-паст бўлса унинг жанговарлик суръати пасаяди. Шунингдек, тошлоқларда, энсиз тоғ йўлларида ҳам жанг қилиш суворийлар учун ноқулайлик туғдиради.

Менинг пешқадам кузатув гуруҳим душман билан икки марта тўқнашибди. Аммо асир олишга муваффақ бўлмабдилар. Боз устига бир неча жангчиларим қурбон бўлибди. Бу эса душман қўшинини жуда ҳам моҳир, лаёқатли лашкарбоши бошқараётганлигини англатар эди. Сезгир ва эҳтиёткор, қўшинида ҳарбий интизом устун экани аён – акс ҳолда, менинг жангчиларим лоақал битта асир олишга эришган бўларди.

Орадан тўрт кун ўтиб Абу Саъда қайтиб келди ва душман қўшинида юз йигирма минггача жангчи борлиги, шулардан 15 минггачаси отлик суворийлар экани ҳақида маъ-

лумот берди. Шунингдек, қўшинга Бағдод амирининг ўзи бошчилик қилаётганини айтди. Мен ундан душманларнинг қурол-яроғлари ҳақида сўраганимда, у душман қўл остида икки юзтача ҳарбий ғилдиракли мослама, икки юзта қўл отар ва кўчма манжаңақ мосламалар мавжудлигини, жангчилар қилич, найза, ўқ-ёй ва фўтак билан қуролланганини айтди.

«Фўтак»нинг қандай қурол экани билан қизиқдим. Айтишича, «фўтак» узун найсимон дастак бўлиб, унга нисбатан кичикроқ ўқ ўрнатилиб, иккинчи томонида пуфланса жангчини яралар экан. Ўқи заҳарли бўлгани боис, бир неча дақиқадан сўнг яраланган жангчининг қўл-оёғи ишламай қолар экан.

Мен шу пайтгача қилган жангларимда ғилдиракли мосламаларни учратмаган эдим. Ўша куни биринчи марта унга йўлиқиб туришим эди. Шунингдек, фўтак ҳам мен учун янгилик эди. Абу Саъданинг айтишича, Дажла дарёси атрофларидаги қўлларда қандайдир жонивор бор бўлиб (улит), уларни ушлаб аввал офтобда қуритишар экан. Сал қуюқ ҳолга келгач, ўқнинг учига уни суркашаркан. Бундай ўқдан яраланган одам бирдан ҳолсизланиб, бир неча кундан сўнг буткул фалаж бўлиб қолар экан.

Иккинчи айғоқчи Важаҳиддин олиб келган маълумот Абу Саъданинг маълумотларини тасдиқлагач, билдимки, душман қўшини 120 минг кишидан иборат. Гарчи икки айғоқчининг маълумотлари бир-бирига мос келган бўлса-да, мен пешқадам кузатув гуруҳимдан мана шу маълумотларни тасдиқловчи хабар олмагунимча, бирор-бир қарорга келишга шошилмай турдим.

Душманнынги чипарчин қилиш учун менинг олдимда икки-та йўл бор эди: биринчиси, тўғридан-тўғри унинг устига ташланиб, катта талафотлар эвазига бўлса-да, уни мавҳ этиш ёки уни айланиб ўтиб, ортдан зарба бериш ва унинг учун ноқулай бўлган Цароитда жанг олиб бориш.

Душманнынги жанговар қудратини синаб кўриш мақсадида ҳийла ишлатиб кўрдим. Ҳар бири беш минг кишилик учта қисм худди жангга киришадигандек, душманга ҳужум қилмоқчи бўлган каби жанг майдонига тушди. Душман ўз манжанақларидан шунақанги даҳшатли тарзда тош ёғдир-

дики, тош теккан отларимиз қулади, жангчиларимиз ўлди. Қисмлар бундай қақшатқич қаршиликка дош бера олмай жойларида тўхташди. Душман ортида эса сон-саноқсиз тош уюмлари. Аскарлари эса қўлма-қўл тош узатиб, манжанақнинг мунтазам ҳаракатини таъминлаб туришибди.

Олд қанотда бизга қарши ҳарбий гилдиракли мосламаларини ҳам ишлатишди – ростини айтсам, ҳақиқатан ҳам даҳшатнинг ўзгинаси. У ҳаракатга келганида бизнинг сафларимизга жуда катта талафотлар келтириши мумкинлигини амалда кўрдик. Фақат мосламанинг бир муаммоси бор эди. Унинг найзаси от ва одам танасидан юлқиланган эт билан тўлиб қолгач, душман томон уни тўхтатиб тозалашга мажбур бўлар, бизнинг қанот жангчиларимиз ана шу фурсатдан фойдаланиб, уларга ҳужум қилишлари ва мосламани сафдан чиқаришлари мумкин эди. Шунингдек, ҳийла ҳужумда иштирок этган чап қанот жангчиларимнинг жуда кўпини йўқотдим. Улар душмanning тинимсиз ёғдираётган ўқ ёмғири остида қолиб кетди.

Ҳийла тадбирдан шундай хулосага келдим. Биз жуда яхши ҳарбий тайёргарликка эга бўлган душман қўшинига юзмаюз келибмиз. Улар зарба беришни ҳам, ҳимояланишни ҳам мукамал ўзлаштирган. Унга юзма-юз бориш ҳалокатга бориш билан тенг. Шунинг учун мен иккинчи йўлни, душманни айланиб ўтиб, унга ортдан зарба бериш йўлини танладим.

Бу мақсадни амалга ошириш учун мен шимолий йўналишда узоқ йўл босишга қарор қилдим. Майли душман мени жанг қилишдан чекиниб, ортга қайтиб кетди, деб ўйлай қолсин. Саркардаларимга сафарга тайёрланишларини ва бир неча кун мобайнида кеча-кундуз йўл босишимиз ҳақида жангчиларни огоҳлантириб қўйиш лозимлигини тайинладим. Тун қоронғисида ҳаракатга тушдик. Пешқаддам гуруҳ ҳам ўша кун билдирмай душмандан узоқлашди. Эҳтиёткорлик юзасидан Дажла дарёси соҳиллари бўйлаб эмас, ундан анчайин узоқроқдан юрдик. Чунки соҳил бўйлаб юрганимизда ҳамиша бағдодликларнинг назарида турган бўлар эдик. Беш кун мобайнида тин олмай йўл босдик. Бахт-ул Наср истехкомига етмагунча шаҳдимизни асло.

пасайтирмадик. Анча йиллардан кейин Шомга келганимда бир қатор олимлар билан учрашдим. Уларнинг орасида нестор мазҳабига мансуб монахлар ҳам бор эди. Улардан мен Бахт-ул Наср истеҳком девори ҳақида бир талай қизиқарли маълумотлар олдим.*

Айтиш лозимки, Бахт-ул Наср Дажла ва Евфрот дарёлари орасида барпо этилган истеҳком девори бўлиб, унинг бир учи шарқ томондан Дажла дарёсига, яна бир учи эса ғарб томондан Евфрот дарёсига бориб тақалади. У Месопатамияни шимолдаги қабилалар ҳужумидан муҳофаза қилиш мақсадида Бахт-ул Наср томонидан қурилган экан.

Нестор монахлари грек тили ва тарихи билимдонлари эди. Айтишларича, бу истеҳком деворини қадимда Вавильон девори деб ҳам аташар экан. Ўша кезлари икки дарё оралигида Вавильон шаҳри бўлган. У ўша давлатнинг пойтахти вазифасини ўтаган. Вавильон Дажла дарёси қирғоғида жойлашган Бағдоддан фарқли ўлароқ, Евфрот дарёси соҳилида жойлашган бўлган.

Монахларнинг грек солномаларида битилган тарихий маълумотларга асосланиб айтган гапларига кўра, ўша кезлари Эронда шоҳ Сирус ҳукмдорлик қилган экан. Ўша шоҳ Вавильонга ҳужум қилиб, икки дарё орасидаги истеҳкомни ошиб ўтган. Улар бунга Вавильондан оқиб ўтадиган Евфрот дарёсининг сувини бошқа ўзанга буриш орқали эришган эканлар. Улар суви қуриб қолган ўзандан шаҳарга кириб, вавильонликлар қўлида асир бўлиб турган яҳудийларни озод қилишган (Худди шундай усулни мен ҳам Исфаҳонда қўлламоқчи бўлганман). Бироқ несторларнинг айтишича, тарихнинг шу саҳифасини битишда Геродот адашган: у Вавильон билан истеҳком деворини чалкаштирган эмиш. Чунки Евфрот дарёси шаҳарнинг ўртасидан эмас, ёнидан оқиб ўтади. Сирус қуриб қолган ўзандан ўтиб шаҳарга эмас, балки Вавильон мамлакатига кирган.

* Несторлик – христиан динидаги секталардан бири. Издошлари ўзларининг раҳнамолари сифатида, асли суриялик Несторни тан олишади. У Константинопол епископи бўлган.

Лекин бу талқин ҳам тўғри эмас дейишди улар. Чунки дарёнинг юқорисида уни бошқа ўзанга буриб юборадиган бирор-бир жой йўқки, у буни қила олган бўлса. Шу сабабли энг тўғри талқин, Сирус Вавильонга икки дарё орасидаги истеҳком деворидан ошиб ўтиш орқали кирган, деб айтишимиз мумкин.*

Вавильон деворига етиб келиб кўрдимки, у бузилиб кетган, аммо ост қисми барибир ундан катта қўшинни олиб ўтишга имкон бермасди. Ўша ерда биз Дажла дарёси устидан кечиб ўтиш учун сув устида кўприк қуришга киришдик. Месопатамияда бу ишни дам уриб шиширилган терилар ёрдамида амалга оширишади. Аммо бу самарали усул эмас. Сабаби агар тери тешилса ёки ҳаво қўйворса кўприк ишдан чиқади. Шунинг учун бу ишни ҳеч қандай юк ортилмаган қайиқларни қатор қилиб териб, устига ёғоч ётқазиб ясаган дуруст.

Қўлбола кўприкдан ўтгач уни бузиб ташлашга буйруқ бердим. Бу ердан ўтганимизни билдирадиган бирорта ҳам белги қолдиришни истамадим. Шундан сўнг жанубга томон от сурдик. Биз шу қадар шитоб билан бормоқда эдикки, бирор-бир киши Бағдод амирига хабар етказмоқчи бўлса ҳам, аввало бизни қувиб етиши, ундан сўнг ўзиб кетиши лозим бўларди. Бу ишни фақат кабутарларгина амалга ошириши мумкин, илло осмонда ҳам ҳеч қандай хабарчи қушларга кўзим тушмади.

Мен Бағдод амирини доғда қолдириб, қўққисдан зарба беришга шошилмоқда эдим. Агар мен Бағдодга тезроқ етиб борсам, бу унинг учун кутилмаган ҳол бўлади. У ўз қўшинларини ғарбий қирғоққа ташлашга улгурмайди ва менинг йўлимга ғов бўла олмайди. Юз йигирма минглик қўшинини, ҳарбий ашқол-дашқоллари билан ғарбий қирғоққа олиб ўтиш бир мунча вақтни талаб қилади ва мен бу орада Бағдод-

* Амир Темур Сурияни беш юз йил муқаддам истило қилган ва у ерда нестор монахлари билан қилган суҳбатига асосланиб, ҳали фанга маълум бўлмаган маълумотларни баён қилган. Тарихчилар буни жиддий ўргансалар фойдадан холи бўлмайди.

ни қўлга киритаман. Месопатамия калити қўлимда бўлади. Ундан кейин гарчи қўшини бус-бутун бўлса ҳам, Месопатамия амири бизга жиддий хавф сола олмайди.

Агар сув муаммоси бўлмаганида мен Месопатамия чўлларининг марказий қисмидан юрган бўлар эдим. Ўшанда мени аҳоли кўрмас эди. Аммо сув муаммоси Дажла бўйлаб юришни талаб этарди. Чўл орқали ўтганимизда биз жуда кўп отларимиздан ажралишимиз тайин эди.

Бағдодга беш фарсангча масофа қолганда мен қўшинни тўхтатдим. Жангчиларим ва отларга қисқа муддатли дам бердим. Чунки олдда қаттиқ олишувлар бор: қўшин тетик ва бардам бўлиши керак. Зеро, мен Бағдод амирини доғда қолдириш истагида бўлсам ҳам, Дажланинг ғарбий қирғоғида юзма-юз келишимиз мумкинлигини ҳам назарда тутгандим.

Пешқадам гуруҳдан хабар олганимда қўшин дам олаётганди. Душман қўшини шарқий қирғоқдан ғарбий соҳилга ўтиш ҳаракатига тушибди. Мен зудлик билан қўшинни оёққа турғаздим. Шошилишимиз керак эди. Душман қўшинининг ғарбий қирғоққа ўтиб олишига йўл қўймаслигимиз керак. Ўшанда биз Бағдодни қўлга кирита оламиз. Жангчиларимга режамни тушунтирдим ва Бағдод олингандан кейин токи менинг буйруғим бўлмагунча, ҳарбий ўлжа олишни бошламасликларини тайинладим. Шунингдек, заргарлик, ипак ва жун матолари тўқиш устахоналари ва дўконлари дахлсиз эканини таъкидладим.

Мен Бағдодда жуда моҳир заргарлар борлигини билар эдим. Уларнинг қуролсоз усталари ясаган қиличлар бетакрор. Матолари нафис ва дунёнинг бошқа бир жойида бунинг каби тўқувчиларни топиш мушкул. Бу одамларни дахлсиз деганим, ўлжа олиш пайтида уларга бирор-бир зиён-заҳмат етишини истамасдим.

Жангчиларимнинг босими шу қадар кучли бўлдики, Бағдод амирининг ғарбий қирғоққа келиб тушишга улгурган жангчилари бир соатлик жангдан кейин батамом қириб ташланди. Бағдодга томон йўл очилди. Дажла дарёси соҳилида бир қисм жангчиларимни қолдирдим. Улар Бағдод амирининг йўлини тўсиб туриш топшириғини олдилар. Чунки,

амир қолган жангчилари билан дарёдан ўтиб, Бағдодга томон от солиб келиши эҳтимолдан холи эмасди.

Бағдодга кета туриб китоблардан, суҳбатлар асносида бу шаҳар ҳақида нимаики маълумотга эга бўлсам – барини хотирамга жамладим. Бу шаҳарга, мен унга юриш қилган кундан 641 йил муқаддам Аббосийлар сулоласидан бўлган Халифа ал-Мансур томонидан асос солинган. Мен Бағдодга борган пайтим шаҳар атрофи девор билан ўралмаган эди. Бироқ унинг муҳофаза девори бўлган ва Чингизхон авлодидан бўлган Халагу Хон уни ҳижрий 560 йили бузиб ташлаган. У, шунингдек, Аббосийлар сулоласининг энг сўнгги вакили бўлган халифани ўлдирган. Бу шаҳар дастлаб «Мудаввар» деб номланган. Бу айлана, доира маъносини беради. Чунки шаҳарнинг шакли ҳалқасимон кўринишга эга. Шаҳар ой тақвимига кўра ҳижрий 142 йили халифа ал-Мансур томонидан қурилган, унинг тўртта дарвозаси бўлган: Басра, Куфа, Шом ва Хуросон дарвозалари.

Халифа Мансурдан кейин шаҳар ҳам бўйига, ҳам энига ўсган. Бағдод деб номлана бошлаган. Шаҳар қабристони унинг ғарбий қисмида – икки томонидан сув ўтиб турадиган жойда. Уни эронликлар Козимин деб аташади. Сабаби унда Ҳусай бин Алининг авлодидан бўлган икки нафар Козим исмли киши дафн этилган.

Бағдодни қалъа ва саройлар шаҳри дейишади. Мен буни авваллари тасаввур қила олмас эдим. Бағдодга кирганимдан кейин баланд бир жойга чиқиб, шаҳарни бор бўйича кўрганимдан сўнг бу гапнинг ҳақиқат эканига амин бўлдим.

Аббосийлар сулоласи халифалари даврида Бағдодда ростдан ҳам жуда кўп саройлар барпо этилган. У ана шу сулола вакиллари ҳукмдорлик қилган 511 йил мобайнида ислом давлатлари пойтахти бўлиб келгани бежизга эмаслигига ишондим.

Ҳар бир ҳукмдор ўлими олдидан ўзига атаб сарой қурдирган, ундан кейин бу сарой унинг фарзандларига ўтган. Шу қадар кўп иншоотлар бунёд этилганки, у эски Мадаън (Ктесофан) шаҳри харобаларигача бориб етган. Саройларни барпо этишда айрим қурилиш ашёлари ўша харобалардан олиб ишлатилган. Биз борган пайтимиз эски шаҳар вай-

роналари билан Бағдод ўртасидаги масофа етти фарсанг эди. Мен ўша эски шаҳар вайроналари ҳали ҳам қадимги Бағдод меъморчилик санъатининг айрим жиҳатларини ўзида сақлаб келаётганини кўрдим.

Бағдоднинг ҳар бир саройи учун ўзига хос ранг танланган. Шунинг учун ҳам қуёш чиқар пайт ёки шафақ маҳали, шаҳарга баланддан боқсангиз, у худди турфа хил қимматбаҳо тошлар шодасидек товланишини кўрасиз.

Айрим иншоотлар қурилишига оқ ёки рангли мрамор тошлар ишлатилган. Уларни Месопатамияга Ироқи Ажам, Форс, Кармана ва Язд шаҳарларидан олиб келишган ва буюк ҳукмдорлар томонидан бунёд этилган саройлар қурилишида ишлатишган. Бағдодга киргач, жангчиларимга дам бердим. Чунки Дажла дарёсининг шарқий соҳилида бизга душман кайфиятида бўлган қўшин турганлигини унутмаслигимиз ва у билан курашишга ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёр турмоғимиз лозим эди. Зеро, икки ўртада қақшатқич жанг бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Гарчи айни ўша дамда мен унинг ғарбий соҳилга ўтиши учун ҳеч қандай имкон қолдирмаган бўлсам-да, у ҳам менинг йўлимни тутиб, дарёнинг уст ёки қуйи томонига бориб, етарли масофада узоқлашиб олгач, қўшинини дарёдан ўтказиб, менга ҳужум қилмаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ эди. Шунинг учун ҳам вазият қай томонга ўзгаришидан қатъи назар биз дам олиб, тетиклашиб, жанговар ҳолатда турмоғимиз шарт эди.

Дажла бўйида қолдирилган қисмга Қора Кўз исмли саркардамни бош этиб тайинлаб келган эдим. У елкалари кенг, ўрта бўйли чайир жангчи. Менинг хизматимга оддий аскар бўлиб келган эди. Жангларда кўрсатган мардлиги учун унинг аста-аста лавозимини кўтариб бордим. У мартабаси ошиб, мол-мулки кўпайгани учун мендан миннатдор. Бу учун ўзини олдимда қарздор деб билади. Сидқидилдан, садоқат билан хизмат қилади. Мен учун жонини ҳам беришга тайёр.

Бағдодда эканимда ундан хабар олиб келишди. Қора Кўз душман қўшини билан у бошчилик қилаётган қўшин ўртасида оғир жанг бўлиб ўтганини, хавфдан огоҳ этиш мақсадида хабар йўллаётганини билдирибди. Агар имкони бўлса, ёрдамчи куч юборишимни сўрабди.

Вазият дарров равшан бўлди. Худди ўйлаганимдек, Бағдод амири ўзининг ўн беш минг кишилиқ суворийларини худди биз каби дарёнинг узоқроқ масофасидан ўтказган эди. Суворийлар отларида сувни кечиб ўтганлар, дея олмайман. Чунки бундай қилиб бўлмаслигига тўла ишонаман. Дарёда айна ўша пайт сув кўп эди ва у ҳар қандай моҳир чавандозни ҳам от-поти билан оқизиб кетиши тайин. Бундан келиб чиқадикки, амир сув устида кўприк қурдирган. Аввал суворийларини ўтказган ва улар бизнинг ҳарбий қисмимиз билан жанг қилаётган айна шу чоғда пиёда қўшинлар дарёни кечиб ўтпти.

Бағдодга кирганимда эҳтиёт шарт амирнинг қариндошлари ва яқинларини асир олиб, қамаб қўйган эдим. Гаров сифатида асқотишини билгандим. Қора Кўзга ёрдам юборишдан олдин унга Бағдод амири билан боғланиб, оиласи бизнинг қўлимизда гаровда эканини, ҳарбий ҳаракатларни тўхтатмаса яқинларига нисбатан кескин чоралар кўришга мажбур бўлишимизни етказишини буюриб хабар жўнатдим. Шундан сўнг жанговар сур чалиниб, қўшин отланди.

Гаровга олинганлар ичида Бағдод амирининг икки нафар ўғли, уч нафар қизи ва унга яқин бўлган саркардаларнинг қариндошлари бор эди. Қора Кўзнинг огоҳлантиришидан сўнг, амир ва яқинларининг руҳи тушибди. У Қора Кўзга хабар юбориб, тинчлик йўли билан мулоқот қилишни таклиф этибди. Мен мулоқот ўтказишни Қора Кўзнинг ўзига қолдирдим. Ўзим эса шаҳарни қўлда сақлаб қолиш учун қизғин жангга тайёргарлик кўра бошладим. Чунки мулоқот таклифи шунчаки вақтни чўзиш ва шу йўл билан қўшинларини уюштириб олиш учун қўлланган чора бўлиши ҳам мумкин. Шу боис ҳушёрликни, эҳтиёткорликни бир дақиқа бўлсин бўшаштиришга асло ҳаққим йўқ эди.

Содир бўлиши эҳтимолдан холи бўлмаган душман ҳужумига муносиб қаршилиқ кўрсатишга тайёрланар эканман, уни ўта умидсизлик кайфиятига туширмаслик кераклигини ҳам яхши билар эдим. Акс ҳолда у ҳамма нарсадан воз кечиб, ҳатто фарзандларининг ҳам тақдирига лоқайд бўлиб, зўр бериб курашга тушиб кетиши мумкин.

Мен мулоқот чоғи Бағдод амирига тинчлик битимини тузиш учун ўз қўшинини тарқатиб юбориши лозимлигини етказишларини тайинладим. Шунингдек, қўшин тарқатилганига амин бўлганимдан сўнг унинг фарзандларини озод қилишимни, шундан кейингина у билан тинчлик битимининг бошқа шартлари, яъни моддий ва молиявий жиҳатлари ҳақида гаплашишим мумкинлигини билдириб қўйишларини етказдим.

Бағдод амири жавоб йўллаб, Бағдод аҳлининг моли ва жонига дахл қилинмаслигига кафолат бўлса, қўшинини тарқатишга тайёр эканини билдирибди. Унга жавобан мен, агар у ва Бағдод аҳли бож-хирож тўласа, нафақат Бағдод аҳлининг моли ва жонига дахл қилмасликни, балки унинг ўзини яна амирлик вазифасига тиклаб, ўзим кетишим мумкинлигини айттирдим. У тўловнинг миқдорини сўрабди. Мен адолатли иш юритиб, улардаги олтин ва кумушнинг тенг ярмини олишимни, шаҳарда мавжуд қимматбаҳо тошларга тегмаслигимни билдирдим.

Албатта, бағдодликларда қанча олтин ва кумуш борлигини ҳеч ким билмайди. Турган гапки, бойликларининг ярмидан айрилишини билиб, улар олтин ва кумушларини яширишга киришадилар. Мабодо шундай қилсалар, уларни бир оз силкилашга тўғри келади. Шунинг учун мен масалани кўндаланг қўйиб, унинг игна-ипигача айтиб ўтирмадим. Бағдод амири хирож олганимдан сўнг нима қилишимни сўради. Мен унга ҳокимиятни топшириб кетишимни айтдим. У ҳаммаси келишилгандек бўлиши учун кафолат талаб қилди. Кўришиб турибдики, у менинг сўзимда турмаслигимдан чўчияпти. Бу табиий! Мен унга жавоб йўлладим ва мен учун ягона илоҳий ва қадрли бўлган Қуръон номи билан қасам ичишимни билдирдим. Шунингдек, қўшин тарқатилган дамда гаровдагиларни озод қилишга, бож-хирож тўлангач, шаҳардан чиқиб кетишга сўз бердим. Бағдодни унинг ўзига топширишимни етказдим.

Эй, менинг сагузаштларимни ўқийётган зот! Билки, ҳокимият бошқаришнинг ҳеч қаерда қайд этилмаган қонунларидан бири – агар мағлуб бўлган ҳукмдор муомалага кўниб, тўлов беришга тайёр эканини билдираётган экан, демак,

унинг подшоҳлигига ҳам, ўзига ҳам ишониш керак. Буни, асосан, қадимий шоҳлар авлоди бошқараётган мамлакатларда қўлласа бўлади. Агар ғолиб ҳукмдор мағлубнинг барча шартларни бажарганига қарамай, унга шафқат қилмаса, бир қатор муаммоларга дуч келади. Масалан, бу юртда ҳокимиятини сақлаб туриш учун қўшин қолдириши, уни ўз ҳисобидан сақлаб туриши керак бўлади. Мағлуб ҳукмдор ёки унинг тарафдорлари халқни ҳар дам унга қарши қайраб исён кўтаришлари мумкин. Қолаверса, ҳар жойнинг ўз қоидалари ва таомиллари бор. Янги қоида ва таомилларни жорий этиши, уни халқ онгига чуқур сингдириш осон кечадиган, бир-икки йилда бажариладиган иш бўлмагани боис ҳам бу борада бирор-бир натижага эришиш душвор. У ёки бу мамлакатнинг асрлар оша шаклланган, сайқал топган қадриятларини ўзгартириш осон иш эмас.

Ғолиб ҳукмдорга мағлубнинг инъомидан ўзга ҳеч нарса керак эмас. Бу ишни мағлуб ҳукмдорнинг ўзи қилгани маъқул. Қўшинни ишга солиб, аҳолига зуғум ўтказиш орқали олинмагани дуруст. Агар ғолиб ҳукмдор мағлуб шоҳга кечиримли бўлса, уни яна ўз ўрнига қўйса, шу мамлакатни забт этиш орқали нимагаки эришмоқчи бўлган бўлса – барчасига эришади.

Бағдод амири сўзида туриб, қўшинини тарқатганига ишонч ҳосил қилгач, мен гаровдан унинг фарзандларини озод қилдим. Тутқунликда сақланаётган бошқа асирлар ҳам ўз яқинларининг бағрига қайтдилар. Шундан сўнг ўлжани олиш фурсати етди. Мен юқорида айтганимдек, тўрт йўналишдаги ҳунармандларни тўловдан озод қилдим.

Ўша чоққача учрашмаган эдик, Бағдод амири ҳузуримга келгач унга Бағдод аҳлининг ярим мол-мулкани беришни ўз хазинасининг ярмини топширишдан бошлашини айтдим. Шунингдек, бағдодликлардан тўловни ундириш вазифасини ҳам унинг ўз зиммасига юкладим. Чунки у ўз фуқароларини яхши танийди. Ҳамма ҳам яхши билади, ҳар бир шаҳарда мол-мулки беҳисоб одамлар бўлади, шуларнинг қаторида бирор чақаси йўқ одамлар ҳам бор. Буларга тегмаган маъқул. Бундан ташқари, давлат хазинаси билан тенглашадиган даражада сармояси бор бўлган кишилар ҳам мавжуд

– тўловни, асосан, ана ўшалардан ундириш керак. Хуллас, барчасига бир хил талаб қўйиб бўлмайди. Бағдод амири худди ана шундай йўл туттишига ишонаман, чунки у ўз хази-насидаги олтин кумушларнинг тенг ярмини менга топширди. Бу борада номардлик қилмади – шундан унга ишончим ортди.

Мен ўз жаҳонгирлик фаолиятимда жуда кўп юртларни ўзимга бўйсундирдим. Кўп жанглар қилдим. Қаршилиқ кўрсатганларга шафқатсиз бўлдим. Аммо ўз ихтиёри билан бўйсунганларга меҳр-мурувват кўрсатдим.

Қиличим қаршисида фарбу шарқ титраган мен каби ҳукмдор кези келганда меҳр-мурувватли бўлишим керак, деб ҳисоблайман. Айрим майда-чуйда нарсаларга кўз юмаман. Уларга эътибор берсам, буюк ишлар, юксак натижаларга кечикаман. Мен Бағдодда узоқ вақт ушланиб қолишим, тўловларни тўлиқ ундиришим ҳам мумкин эди. Аммо бу билан режамдаги бошқа йирик ишларни пайсалга солардим, холос. Қолаверса, бу ерни тезроқ тарқ этиб, Форсга юришим керак. Токи унинг ҳукмдори мени ҳақорат қилиб, жазосиз қолиши мумкинлигига ишониб қолмасин.

Бир куни Бағдод амири барча тўловлар тўплаб бўлинганини маълум қилди. Шаҳар аҳолиси орасида бисоти бор ва тўловда иштирок этмаган бирорта ҳам киши қолмаганини айтди. Сўнг 550 мисқол олтин ва икки қурур икки юз минг мисқол кумуш топширди. Олтин ва кумушларнинг бир қисми танга ҳолида, бир қисми зебу зийнат ва буюм-идиш тарзида эди. Олтин ва кумуш идишларда таом ейиш таъқиқлангани боис, уларни эритиб ундан тангалар зарб этишларини буюрдим.

Барча ишлар охирига етгач, кетишга тараддудландим. Шунда Бағдод амири тантанали кузатув маросимига таклиф қилди. Яқинларим қуршовида, Қора Кўзнинг ҳамроҳлигида шоҳона безатилган Амир дастурхонида меҳмон бўлдик. Саҳнада раққосалар пайдо бўлди ва рубоб, уд ва чанг садогарига мос муқом қила бошладилар.

Бағдод амиридан сўрадим: «Сен буларни ўзинг учун чақирдингми ёки мен учун?»

– Буларнинг барчаси сен учун, – деди у.

– Агар мен учун бўлса, уларга айт, бу ерни тарк этсинлар! – дедим уни лол қолдириб. Сўнг мен мусиқа тинглашни, раққосаларнинг рақсидан баҳра олишни – умуман ҳузур-ҳаловатдан воз кечганимни, бу борада Аллоҳни гувоҳ қилиб онт ичганимни ва бир умр шунга амал қилиб келаётганимни, бундан кейин ҳам то ўлгунимча амал қилишимни сўзлаб бердим.

Бағдод амири гап нимада эканини билгач, амр қилди ва кишини асосий мақсадлардан чалғитувчи мусиқа ва рақс тинди.

Шундан сўнг даврага бир олтин баркашда тилла буюмлар олиб келишди. Бағдод амири бу зебу зийнатларни ўз хазинасидан менга тортиқ қилганини айтди. Тортиқни қабул қилдим, бироқ патнисни олмаслигимни билдирдим.

Аҳолидан солиқ сифатида олинган олтин ва кумушларнинг бир қисмини ҳарбий саркардаларим ва жангчиларимга тенг тақсимладим.

Шундай қилиб Бағдоддан чиқиб, Кирмоншоҳ сари йўл олдим. Ундан Форсга ўтишни режалаштирган эдим.

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

ПАТАК ДОВОНИДАН ЎТИБ ФОРСГА КИРИШИМ ҲАҚИДА

Менинг Кирмоншоҳга йўлим Патак довони орқали ўтарди. Пешқадам кузатувчи қисмимиз довон жойлашган ҳудудда суворийлар ва пиёдалардан иборат катта қўшин кўрганларини хабар қилди. Улар бизга хавф солиши мумкинлигини огоҳлантирди. Пешқадам гуруҳга уларнинг ким экани, нега у ҳудудга жойлашганликлари сабабини билишни тайинладим. Улар сўраб билишибди. Маълум қилишларича, йўлимизни пойлаб турган бу одамлар Кирмоншоҳ атрофидаги қабилалардан бўлиб, менинг каттагина бойлик билан келаётганимдан хабар топиб йўлимизни тўсиб чиқишган экан. Уларнинг талабига кўра, агар мен ўша ҳудуддан ўтадиган бўлсам, бор бисотимни уларга беришим керак эмиш.

Менинг Бағдоддан олиб келаётган олтин ва кумушларим унчалик кўп эмасди. Бироқ, афтидан, унинг кўплиги ҳақидаги узун-қулоқ гаплар кўпайиб кетганга ўхшайди. Бундан ташқари, менинг ҳамёнимда бор йўғи бир мисқол бўлганида ҳам, мен уни Кирмоншоҳ қабилалари билан бўлишмаган, уни йўлдан ўтиш эвазига уларга бермаган бўлар эдим.

Патак довони, кўриб билдимки, шундай ҳудуд эдики, агар йўлнинг икки чеккасига душман ўрнашиб олган бўлса, қўшин ундан ўта олмайди ёки катта йўқотишлар билан ёриб ўтиши мумкин. Шунингдек, олддаги пистирмада туриб бизга қарши ўқ ёғдириб турганлар бир тўсиқ бўлса, минг-минглаб аскарларимни қириб ташлаш учун икки ёнимиздан бизга тош юмалатиб турилса бас, етади. Шу сабабли қўшинни ортга қайтармоқчи бўлдим. Ортимиздаги кузатув гуруҳи, даранинг кириш жойини ҳам қароқчилар эгаллаб олганини хабар қилди. Жангдан бошқа имконият қолмаган пайт, иккиланмасдан ўлимни қаршилаб курашга ташланиш лозим. Қўрқоқ минг марта, ботир бир марта ўлади. Ўлим ҳақ, ҳатто пайғамбарлар – Аллоҳнинг сеvimли бандалари ҳам шунга маҳкум этилганлар, биз бандалари ким бўлибмиз!

Дарҳол жанговар уст-бошимни кийиб, қуролбардоримга Чочда алоҳида ишлов берилган иккита ўткир тигли қиличимни тайёрлаб қўйишини тайинладим. Ҳарбий либосдаги суворийларни икки қисмга бўлиб, бирини ортимиздаги даранинг кираверишига ташладим. Даранинг чиқиш йўлагини тозалаш учун иккинчи қисмга ўзим бош бўладиган бўлдим. Бизнинг асосий вазифамиз, ҳар икки ҳудудда душманнинг дастлабки зарбасини ўзимизга олиб, ортимиздаги қўшинга йўл очишдан иборат эди. Улар душман билан ҳал қилувчи жангга киришиши учун имкон яратиб беришимиз лозим.

Агар бу жангда мен ўладиган бўлсам, ўрнимга Қора Кўз бош бўлиб қолишини ва қўшинни дарадан олиб чиқишини билдирдим. Ҳар икки ҳудудда жанг олиб бориш баробарида ўзаро боғланиб, бир-биримизга вазият ҳақида маълумот бериб туришга келишдик: шунда вазиятни яхлит ҳолда тасаввур қилиш, уни тартибли тарзда бошқариш мумкин бўлади. Шунга ҳам ёдда тутиш керакки, биз Кирмоншоҳ қўшини

билан бўладиган жангда кўп одамимизни қурбон бермаслигимиз керак. Шу боис ҳам дара йўлагини очиб, қўшинни беэён, беаҳмат олиб чиқишга муваффақ бўлиш мақсадида ўзим бош бўлган қисм билан олдга – йўлнинг Ироқи Ажамга олиб борадиган томонига қараб юрдим.

Дарадан чиқишда отлиқ суворийларни кўриб хурсанд бўлдим. Вазиятни чамалаб билдимки, бу шароитда юқорида турганлар бизнинг устимизга тош юмалата олмайдилар, чунки пастда ўз одамлари ҳам бор. Шу сабаб жиловни бўйнимга илиб ҳар икки қўлимга қилич олдим. Менинг ҳар икки ёнбошимда худди шундай ҳарбий уст-бош кийган, баланд бўйли чайир йигитлар келмоқда эди. Биз душман билан курашга кирдик, рақибларимиз жанговар ҳимоя уст-бошига эга эмаслиги ишимизни бир оз енгиллаштирди: зарбаларимиз самарали кечишини таъминлади. Менинг Чочда тобланган қиличим ҳар икки томондан душманга ўлим улашар экан, ўзим ҳам уларнинг бир неча зарбасини қабул қилдим. Бироқ жиддий зиён кўрмадим. Бошимдаги дубулға ва эгнимдаги совут бунга йўл қўймади. Кирмоншоҳ қўшини, гарчи ҳарбий уст-бошга эга бўлмаса ҳам қаттиқ қаршилик кўрсатди. Дарани улардан батамом тозаламай туриб, бу ердан омон чиқа олмаслигимизга кўзим етди – кучимга куч қўшилди. Мен ҳар иккала қўлим билан душманга қилич солар эканман, сенга бир нарсани уқдирмоқчиман: бу шунчаки бир қўлнинг маҳорати эмас, балки мен ҳар иккала қўлимни алоҳида иккита тана бошқаргани сингари жанг қиламан. Қаршимдаги ҳар икки душман билан бир вақтнинг ўзида қилич чопишаман. Бир вақтнинг ўзида уларнинг зарбаларига қаршилик кўрсатиб, жавоб зарбаларини йўллайман.

Ҳар гал икки қўллаб жангга киришган чоғим, беихтиёр менда бу маҳоратни камолга етказган азиз устозим Самар тархонни эсга оламан. Мен учун нечоғли улуғ хизмат қилиб кетганини теран англайман. Ҳозир у боқий дунёга кетган. Фарзандлари менинг қўл остимда хизмат қилишади. Улар салтанат девонда мўътабар мартабали лавозимларда ишлайди. Зотан устозларнинг фарзандларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларнинг руҳини шод қилиш демакдир.

Отнинг жилови бўйнимда эди, остимдаги арғумоқни шу зайл бошқармоқда эдим: агар отни секинлаштирмоқчи бўлсам бошимни орқага, ўнг ёки чапга силжимоқчи бўлсам ҳам худди шундай бўйнимни у ёки бу томонга буриб бажарар эдим. От одамнинг қаноти, унга озгина ишора берсанг кифоя.

Душманнинг оёғим остида бирин-кетин қулаб, думалаб бораётганини кўриб яна ҳам руҳланиб кетдим. Ўзимда ғайриинсоний бир куч борлигини ҳис этдим. Менгача ва менадан кейин ҳам қилич чопишда мен каби моҳир ўтмаслигига имоним комил. Агар шу дамда қаршимда юзлаб забулистонлик Рустам Таҳамтанлар турганларида ҳам, уларни ерпарчин қилган бўлар эдим, менга қарши турадиган бошқа бир куч йўқ бу дунёда.

Шундай кечинмалар билан бўлиб, дарани душмандан батамом тозалаганимизни, рақибларни битта қолдирмай ер тишлатганимизни сезмай қолибман. Тирик қолган саноқлигина душман довоқнинг бурама йўллари орқали қочиб қолган эди. Шу кез хаёлимдан бир фикр кечди. Жангларда тобланган эр йигитлар шароб ичиб, кайф-сафо қилувчилардан юз карра кучлироқ лаззат туядилар. Агар иложи бўлганида шароб ичишга ружу қўйганларни олиб келиб жангга солинганида эди, улар бу лаззат олдида шаробдан оладиган лаззатлари ҳеч нима эмаслигини ҳис этган бўлар эдилар. Зотан майнинг лаззати узоқ давом этмайди. У кишини ланж қилади, ҳолсизлантиради. Жанг эса битмас-туганмас завқ-шавқ беради кишига. Жангдан кейин жангчи майхўрдан фарқли ўлароқ ўзини тетик ва бардам, янада қудратли ҳис қилади.

Дара йўлини душмандан тозалаганимиздан сўнг нариги ҳудудга жанг қилаётганларга одам жўнатдим: зудлик билан жанговар ҳаракатларни тўхтатиб, ортга қайтишларига буйруқ бердим. Жанглар мобайнида мен нариги ҳудуддаги аҳволдан беҳабар эдим. Кейин билсам, у ерни душман қўшинининг унча катта бўлмаган қисми эгаллаган экан. Жанг мурасасиз курашлар остида бошланибди. Энг ёмони жангчиларимиз бошига юқоридан тош думалатиб туришибди. Гарчи ҳарбий уст-бошлар жангчиларимизга яхшигина ҳимоя воситасини бажариб турса-да, айрим ҳолларда жангчила-

римизга талафот етказибди. Улар биздан хабар бориши билан жангни тугатиб, сафимизга келиб қўшиядилар.

Мен отлиқ жангчиларимизга тоғ устига чиқиб, у ерда қолган ёвни қиличдан ўтказишни буюрдим. Акс ҳолда улар баландда туриб, бизнинг устимизга тош юмалатишлари мумкин эди. Аскарларимиз тоғ тепасига тирмашиб чиққунга қадар душманлар аллақачон қочиб яширинишга улгурган эканлар. Шундан сўнг йўлда тўсиққа учрамай дарадан чиқиб олдик.

Патак довоида биз тош остида қолган етмиш иккита жангчимиздан, жангларда қирқ тўртта жангчимиздан ажралган эдик. Бир неча аскарларимиз турли даражада танжароҳати олишганди. Гарчи бу жангда талафотимиз унча катта бўлмаса ҳам, мен ундан катта сабоқ олдим: бундан буён тоғ ва дараларда жанг қилишга ёки шундай ҳудудлардан ўтишга тўғри келганда, биргина кузатувчи гуруҳнинг маълумотлари билан кифояланиб қолмасликни, аввало, даранинг кириш ва чиқиш йўллари қўлга олиб сўнг қўшинни олға бошлаш кераклигини англадим. Ҳар қандай вазиятда ҳам ҳушёрликни йўқотмай ҳаракатланиш лозимлигини ҳис этдим. Чунки тоғнинг яширин жойларида пусиб ётган душманлар, ҳадеганда ўзларини ошкор этмасликлари, кузатувчи гуруҳга ўзларини кўрсатмай, ҳал қилувчи дақиқаларда бошимизга тоғ тошларни қулатишлари мумкинлигини унутмасликка қарор қилдим.

Бу кейинчалик менга жуда кўп жанговар юришларимда асқотди. Рум (Кичик Осиё, ҳозирги Туркия), Кобулистон (ҳозирги Афғонистон), ҳинд диёри ва Шом сафарлари чоғида Патак жангида орттирган тажрибаларимни қўлладим. Шу каби тоғли ҳудудлардан қўшинни олиб ўтиш учун, аввало, унинг кириш ва чиқиш йўлакларини эгаллаб, энг муҳим хавф келтирадиган нуқталарни душмандан тозалагач, қўшинни у ерга киритишга рухсат бердим. Олган сабоғим шу: қўшинни нотаниш йўлга бошлаб, уни хавф-хатарга қўйгандан кўра узоқ ва хатарсиз йўлдан бошлаган маъқул. Жангчиларимиз ҳалок бўлган сафдошларини дафн қилиб бўлганларидан сўнг, биз ҳеч қандай саргузаштларсиз Қазвинга етиб бордик. У ерда мен яна бетоб бўлиб қолдим ва

табибларнинг айтишича, ўша Сабзаворда ҳолсизлантирган хасталик яна хуруж қилган экан. Уларнинг таъкидлашлари-ча менинг мижозим иссиқликни кўтара олмасмиш, шунинг учун мен соғлигим ёмонлашмаслиги учун доим салқинланиб юришим керак эмиш. Сабзаворда эканимда лимон шарбати топиш имкони йўқ эди. Қазвинда эса уни қўлга киритиш мумкин экан. Бунда лимон мўл-кўл: уни Хазарнинг жануби-даги Мозандарон ўлкасидан олиб келишаркан. Фақат бир жиҳати, Мозандарон лимонининг таъми Форс лимон шар-бати таъмини бермасди. Қазвинда анор ҳам етарли эди. Табиблар анор шарбати ҳам менинг тузалишим учун муҳим эканини айтишди. Бетоблигим боис Месопатамиядан чиқ-қаннимдан сўнг, дарҳол Форсга юриш қила олмадим. Қўшин-ни Қазвиндан узоқроққа жўнатиб, ўзим батамом тузалма-гунимга қадар ўша ерда қолишим мумкин эди, бироқ токи ўзим бормасам Форс ҳукмдори ўзига яраша жазони олмай-ди, деб ҳисобладим.

Қазвинда олти ҳафта туриб қолдик. Мунтазам равишда лимон ва анор шарбати истеъмол қилдим. Ва, ниҳоят, ка-саллик мени тарк этди.

Қазвинликлар менга Форсни таърифлаб, у жой жангари қабилалар яшайдиган юрт эканини, агар Мансур Музаф-фари уларни менга қарши оёқлантирса, менинг қўшинимни муқаррар янчиб ташлашини айтишди. Уларга жавобан, ўлимдан кўрққан одам жангга кирмаслигини, курашга от-ланган киши эса ўлим муқаррар эканини билиб, шу йўлга қадам босишини баён қилдим.

Соғлигим тиклангач, шу ҳудудларни яхши билгувчи одам-лар билан маслаҳатлашдим. Улар менга Форс иқлими иссиқ ўлка эканини, агар Ироқи Ажам орқали бориб Форсга кир-сам, ўзимни худди ёз фаслида юргандек ҳис этишимни ай-тишди. Шунинг учун қишнинг совуғига қарамай йўлга ту-шишга қарор қилдим. Йўлда деярлик қийинчиликка дуч кел-мадик. Қилчоқлар даштидагидек ҳар хил тўсиқларга учра-мадик – Форс чегараларига кириб боргунга қадар бизга ҳеч ким ва ҳеч нима халал бермади.

Форс ҳукмдори Мансур Музаффари менинг келаётганим-дан хабар топиб, менга қарши Буюр қабиласининг минг

нафар жангчиларини юборибди. Мен маҳаллий аҳолидан душман ҳақида кўпроқ маълумот олиш пайида бўлдим. Айтишларича, Буюр қабиласи Жамшид сулоласининг ҳақиқий давомчилари экан. Мен Жамшид ҳақида «Шоҳнома»да ўқиган эдим. Унинг фаолиятидан хабарим бор. Эроннинг барча шаҳарлари унинг даврида барпо этилган. У ўз замонда эронликлар учун қонунлар ишлаб чиққан. Жамшиднинг саройи ҳали ҳам ўз ҳолича сақланаётганини, Форсни забт этганимдан сўнг ўз кўзларим билан кўрдим. Токи келажак авлод бу юртни забт этганимни билсин деб, унинг пештоқиға менинг номимни ёзиб қўйишларини амр қилдим.

Бироқ бу юртга қадам боса туриб – Жамшиднинг авлодлари борлигини билмас эдим. Бу мен учун янгилик бўлди.

Форсга киришдан олдим мен Истахр ҳудудларидан ўтдим. Бу шаҳар қадимда ҳам шу ном билан аталган, у Форс вилоятининг шимолида жойлашган бўлиб, номи «улкан шаҳар» маъносини англатади. Бироқ Форсни олганимдан сўнг мен бу шаҳарни бориб кўрдим: эллик хўжаликдан ортиқ бўлмаган уй-жойлардан иборат миттигина қишлоққа дуч келдим. Эшитишимча, араблар Форсни ишғол қилганларида Истахрни бузиб ташлаб, аҳолисини битта қўймай қиличдан ўтказган эканлар. Бу ернинг аҳолисидан ҳам Буюр қабиласи ҳақида айрим маълумотларни олдим. Айтишларича, Жамшиднинг авлодлари жангда ўлган-йитганига қарамай курашар эмиш. Агар рақиблари ўзларидан ўн карра, юз карра кучли бўлсалар ҳам жанг қилавераркан. Уларни буткул қириб ташламай туриб, ўтиб кетиш мумкин эмасмиш.

Шунингдек, Мансур Музаффари қўшини ҳақида бошқа маълумотлар ҳам тўпладим. Унинг жангчилари фақат Буюр қабиласидан иборат бўлмай, унинг қўшини таркибида бошқа кўплаб қабилаларнинг вакиллари ҳам бор экан. Улар ҳам мардлик-матонатда буюрлардан қолишмаскан. Форс – кўп сонли қабилалар аҳолисидан иборат бўлиб, улар йилда икки марта кўчар эканлар. Баҳорда тоғ олди яйловларга кўчиб бориб, молларни боқишар, кузда эса ўз қишлоқларига қайтиб келиб қишларар экан. Агар Мансур Музаффари уларни менга қарши кўтаришга муваффақ бўлса, икки курур (1 курур – 500000) – миллион сонли қўшинни сафга қўяр

эмиш, сўнг сўрашди: «Хўш, Форсни забт этишга муваффақ бўлдинг ҳам дейлик, бироқ «Се қалъа» билан қандай йўл тутасан?» (Се қалъа – уч қалъа, уч қўрғон).

«Се қалъа» ҳақида ҳам сўраб суриштириб қуйидаги маълумотларни олдим. Истахр шаҳридан шимоли-ғарб томондаги тоғларда учта қўрғон жойлашган бўлиб, форсийларнинг айтишича, бу қалъаларни ҳам шоҳ Жамшид қурдирган экан. Қалъаларнинг бири «Эстахриар», иккинчиси «Шэкастэ» ва учинчиси – «Шекуан» деб номланаркан.

Эстахриар қалъаси тоғнинг энг баланд жойида, жуда улкан саҳнда жойлашган бўлиб, бу саҳнда юз минг сонли қўшин бемалол жойлашиши, жанговар ҳаракатлар олиб бориши мумкин экан. Бу улкан саҳнда баҳор пайтлари ёмғир ва қор сувлари кўплаб сув йўлларини ҳосил қилар, бу сув эса бориб, қалъа ичидаги сув ҳавзаларига қуйилар эмиш. Мазкур сув омборлари ҳажман жуда улкан бўлиб, унда ўн минг киши бир йил давомида, агар сувни тежаб ишлатса, ҳатто икки йил мобайнида сувга зориқмай қамал ҳолатида туриши мумкин экан. Қолган икки қалъа биринчиси каби йирик бўлмаса-да, аммо худди бошқалари каби имкониятларга эга экан. Бундан ташқари, мазкур қалъаларда озиқ-овқат захираси ва сув омборлари аҳволидан хабар олиб турувчи махсус хизматчилар фаолият юритар экан. Мабодо Мансур Музаффари қўшинини ўша қалъаларга жайлаштирса, ҳатто Афросиёб ҳам уни забт этишга қодир бўлмайди, дейишди.

Қолаверса, қалъаларга олиб борадиган сўқмоқлар жуда тор бўлиб, sanoқли одамлар ҳам рақиб қўшинни қайтаришга қодир экан. Форсийлар менга ачинган бўлиб, қайси йўлдан келган бўлсам, ўша йўлдан қайтганим маъқул, бошимга оғриқ орттирмаганим дуруст эканини маслаҳат беришди. Сабаби мен форс қўшинини енгган тақдиримда ҳам Мансур Музаффари ўша қалъаларга беркиниб олса, мен уни забт эта олмай йиллаб Форсда ботиб қолишим мумкин экан.

Хали Керад деган қишлоқда туриб, Буюр ва бошқа қабилалар, шунингдек, «Се қалъа» ҳақида маълумот олиб турган пайтим, менга Мансур Музаффаридан нома олиб келишди. У ўз номасида аввалгидек ҳақорат қилиб, мени «ҳаром ва

вахший ўзбек» деб атаганди: «Форс бу шерлар макони ва сенга ўхшаганлар бу ўлкани ҳеч қачон бўйсундира олмайди, мени ҳам. Сенгача ҳам бу ишга жазм қилганлар бўлган. Уларнинг тақдири нима билан якун топганини билмоқчи бўлсанг, йўлиниг икки томонига боқ – душманларимнинг мурдалари чириб, ҳаммаёқ оптоқ суяк бўлиб ётганини кўрасан. Сен ҳам ана шундай қисматга дучор бўласан!»

Форс ҳукмдорига жавоб хатини мен чап қўлимда ёздим ва у қўйидаги мисралар билан бошланган эди.

*«Бузургаи нахонад аҳли хирад
Ки номи бузургон ба зишти барад»*

(Донолар қўйида туриб буюклик тушунчасини буллаган кимсани буюк санамайдилар).

Шу сатрларни битгач мактубни қўйидаги сўзлар билан давом эттирдим: «Оддийгина шарбатфуруидан сўрасам бериши мумкин бўлган лимон шарбатини деб мени бир марта ҳақоратлаган эдинг. Бу сафар ҳам кимлигингни яна бир карра намоён этдинг. Истиқболимга чиқиб, ҳурмат ва эҳтиром билан қарини олиши, туҳфалар юбориши ўрнига яна шаънимга номуносиб сўзларни айтдинг. Билиб қўй: мен ёвуз эмасман. Шу пайтгача нима иш қилган бўлсам, ҳақиқий эркакнинг ишини қилиб келдим ва бундан кейин ҳам шундай йўл тутаман».

Мактубимни жўнатгач, мен Керад қишлоғидан чиқиб жанговар сафар ҳолатида яна бир Хубдона деган йирик қишлоққа етдик. Ўша пайтгача бирорта ҳам Форс қўшинига алоқадор аломат учрамади. Икки кундан кейин менга «Арджан»ми ёки «Ардан» ўрмони ёнида Форс қабиласидан ташкил топган Форс ҳукмдорининг қўшини кутиб тургани ҳақида маълумот етказишди.*

Жанг олиб боришнинг қонун-қоидаларига кўра, билдимки, шоҳ Мансур Музаффарининг қўшини ўзи учун қулай

* «Ардан» ёки «Арджан» – йўғон ва оғир ёғочли, ўрмон бодоми дарахтининг номи. Бу жой ҳозирда Аржан чўли деб номланади.

жойни эгаллабди. Илло ҳар қандай қўшин урушда ўзи учун шундай жой танлайдики, бу жойда у бор ҳарбий қудрати ва маҳоратини намоён эта олсин. Масалан, отлиқ қўшинга текис ҳудудда, очиқ майдонда жанг қилиш ўнғай. Пиёдалар учун эса, агар улар камчилик бўлса, паст-баланд ёки тоғли жойларда жанг қилиш фойдали. Бундай жойларда улар яшириниб олиб, отлиқ ёки пиёда душман қўшинига қаршилиқ кўрсатиш имкониятига эга бўладилар.

Мен дарров англадим, Форс қўшини ўрмонда жанг ҳаракатларини давом эттиришни мўлжаллаган. Бу эса менинг суворийларим учун ўта ўнғайсизлик туғдиради. Душман ҳар бир дарахтнинг ортида яшириниб ёки дарахтнинг устига чиқиб олиб жангчиларимни ўқ ёмғири остида қолдириши мумкин. Ўрмонда эса отлиқ қўшин эркин ҳаракат қила олмайди. Қолаверса, дарахт устидаги душманни уриб тушириши ҳам осон кечмайди. Унинг турган жойи қанча баланд бўлса, душман биздан шунча устун бўлади.

Мен Аржан ёқасидаги жангга унчалик шошилмадим: уни айланиб ўтишни маъқул кўрдим. Энг ишончли йўлбошчилардан ўша майдонга дахлдор бўлмаган бошқа йўлдан бошлаб боришини сўрадим.

Менинг мақсадим Шерозни олиш эди. Уни қўлга киритганимдан сўнг шаҳарнинг энг кўзга кўринган ўқимишли одамлари билан суҳбатлашиб, илмий салоҳиятлари нечоғли теран эканлигини билмоқчи бўлдим. Шероз Хажаж бин Юсуфнинг акаси томонидан ҳижрий 64 йили барпо этилган. Мен Шерозда турган пайтимда унинг йигирмата дарвозаси ва учта катта масжиди бор эди: улардан бири Атиқ жомеъ масжиди эди. Бу масжидни Умар ибн Лайс Саффари 265 йил, улуг пайғамбаримиз ҳижрат қилгандан сўнг қурдирган. Мен мана шу масжидга тушиб, унда намоз ўқидим.

Шерозни ўраб турган шаҳар деворини мен Форсга келганимдан жуда кўп йиллар олдин Самсам ад-Доул қурдирган. Форсга келганимда Шероз девори ҳали жуда мустаҳкам ва агар Мансур Музаффари ана шу девор ортига яшириниб, мендан ҳимояланганида эди, мени анчайин қалъа деворлари остида михлаб қўйган бўлар эди. Аммо менинг энг мустаҳкам қалъаларни забт этиш тажрибамга асосла-

ниб, камоли ишонч билан айта оламанки, лашкарбоши ўта қатъиятли бўлса, олинмайдиган қалъа йўқ деб ҳисоблайман.

Шероз нафақат масжидлари ва истехком девори билан, балки ўқимишли, зиёли кишилари билан ҳам машҳур эди. Бу ернинг ёшлари – ўғил-қизлари Эрондаги энг хушбичим ёшлар экани эътироф этилган. Шерозни шунинг учун ҳам энг чиройли чеҳрали ёшлар ўлкаси дейишган. Ҳофиз ҳам ўз шеърларида бу мавзуга кўп бор мурожаат этгани шундан бўлса керак. Менинг саркардаларим Шерознинг ой чеҳраларини кўришга ошиқмоқда эдилар. Аммо мен бу нарсани ўзимга таъқиқлаганман. Бу нарса жангчининг жанговарлик сифатларини ўлдиради, деган фикрни ўзимга қатъий қилиб сингдирганман.

Кейинчалик мен Форсга кирганимдан сўнг, менинг ҳарбий саркардаларим собиқ хос ходимларимдан бири Низомиддиннинг атрофида гўж бўлишиб, Шероз ҳақида, хусусан, Шероз гўзаллари ҳақида сўраб-суриштиришаётганининг кўп бор гувоҳи бўлдим. Низомиддин ҳам ўз навбатида у паричеҳраларни мадҳ қилишдан чарчамасди. Унинг таърифича, Шероз қизларининг қошу кўзлари шу қадар қора эмишки, худди тун каби унга узоқ боқа олмас эмишсан – узоқ боқсанг беихтиёр ҳушингни йўқотиб, ўша тун бағрига сингиб кетар эмишсан!*

Шерозга кирганимдан сўнг Низомиддиннинг у жойнинг қизлари ҳақида барча айтганлари муболағали, бўрттирилган деган хулосага келдим. Балки бу нарсаларга қизиқишим йўқлиги учун мен сезмагандирман, бироқ Шероз қизларининг кўзлари унчалик ҳам мафтункор эмас экан...

Форс ҳукмдорининг қўшини билан бодом дарахтларидан иборат ўрмон ёнидаги майдонда тўқнашишни ихтиёр этмай, бошқа икки томони теп-текис жойни танладим. Ҳар

* Низомиддин – тарихчи: у Амир Темур ҳақида китоб ёзган, бироқ бу асар сақланмаган. Шарафиддин Али Яздий, машҳур «Зафарнома» асарининг жуда кўп ўринларида Низомиддиннинг ўша асаридан фойдаланган.

икки томон «анганара» (Артишоки) ўсимлиги билан қопланган эди. Унинг асосидаги гуж бўлиб ўсган ҳосилини еса бўлади, дейишди. Жангчиларимиз уни териб овқат тайёрлашди. Мен ҳам ундан татиб кўрдим – тотли экан.*

Анганар қоплаган жойдан ўтиб, мен шоҳ Мансур Музаффаридан яна бир мактуб олдим. У мактубида ўзининг келиб чиқиши билан мақтаниб, таниқли бобокалонларининг номларини қатор қилиб санабди. Чамаси, бу тарихни билмайди, деб ўйлаган, шекилли. Ваҳоланки, мен унинг зотини, бутун уруг-аймоғигача билар эдим. Бу сулолага ким ва қандай асос солгани менга аён эди. Айтиб беришим мумкин: асосчиси – камбағал оилада ўсиб улғайган, Хуросоннинг Хавоф шаҳридан бўлган Паҳлавон Ҳожи исмли киши. У жуда кучли, бақувват инсон бўлган. Бир парча нон топиш илинжида Хавофдан чиқиб Тусга борган. Қўлидан бошқа иш келмагани боис, кучини намоёиш этиб, шунинг орқасидан тирикчилик қилишни кўзлаган. Бироқ у шаҳарда «зўрхона»лар (Эроннинг *кураш майдонлари*) кўп бўлиб, уларда кўплаб баҳодирлар шуғуллангани боис, мусобақаларда ўзини намоён эта олмаган. Шундан кейин Нишопурга борган. Кўплаб мусобақаларда иштирок этиб, енгилган ва бу ерда ҳам омади чопмаган. Райга кетган. Унда ҳам ўша пайтлари ўзининг номдор полвонлари бўлган. Ноиложликдан у Исфаҳонга, ундан кейин Форсга ўтган.

Мен Форсга кирган кунимдан етмиш йилча муқаддам бу ерда бирорта ҳам кўзга кўринган полвон бўлмаган. Паҳлавон Ҳожи учун ана шу вазият қўл келган. Бошқа рақиби бўлмагач, ундан зўри йўқ-да! Бирдан назарга тушган. Ҳурмати ошиб танилиб қолгач, ҳукмдорликни орзу қилган. Бир амаллаб сарой аҳлига яқинлашган. Фитнада иштирок этиб охир-оқибат ҳукмдорликни қўлга киритган. Тахтга ўтирганидан кейин очкўзлик билан овқат ейишдан бошқа нарсани билмаган. Эрталабдан тушгача, ундан кейин ухлаб, кеч-

*«Анганар» – «Артишок» Европага Эрондан ўтган. Ҳозирда унинг асил номи қандай аталганини ҳам билишмайди. Эрон бозорларида савдо қилувчи кўкатчилар уни «ангашу» дейишади.

қурун тун ярмидан оққунга қадар дастурхондан нари кетмаган. Шу очофатлиги туфайли ўлиб кетган. Ундан эслашга арзигулик ҳеч нарса қолмаган. Мансур Музаффари мактубида оғиз кўпиртириб мақтаган бобоқалони мана шундай инсон бўлган.

Паҳлавон Ҳожининг ундан кейин ҳукмдор бўлган авлодлари ҳам ўзининг ҳафсаласизлиги, ақли ноқислиги ва лоқайдлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам Паҳлавон Ҳожи Хавофийдан кейин унинг тахтини бошқариб келаётган давомчиларидан бирортаси ҳам кўзга кўринарли бирор иш қила олгани йўқ. Барчаси ўзига бино қўйган, мақтанчоқ кишилар. Мен Форсга келган чоғимда Форс, Кермана ва Яздда ана шу сулола вакиллари ҳукмдорлик қилар эдилар.

Мансур Музаффари қўшини мени кутиб турган Аржан ўрмонида айлашиб ўтиб, Шерозга томон кетдим. Музаффари қўшинига йўлимни тўсиш nasib этмади. Чунки бизнинг отларимиз шу қадар учқурки, олдимизни кесиб чиқмоқчи бўлган душман лашкари ортимизда қолган чангни кўриб қолган бўлса ҳам катта гап. Биз бу пайт Шероз этакларида эдик.

Шоҳ Мансур Музаффари ўша пайт Шерозда эди. Менга унинг «Эстахриар» қалъасига қамалиб олмоқчи эканини айтишди. Агар у шундай қилса мегиндек бу қалъани бўйсундириш бизга роса бош оғриғи бўлади, деб огоҳлантиришди. Мен уларга жавобан, дунёда забт этилмайдиган қалъа бўлмайди, дедим. Ҳар бир қалъанинг табиатига мос равишда ишғол қилиш усуллари мавжуд. Эй Форс ҳукмдори, яшириниб ол ўша қўрғонингга! Мен эса ўз қўшинларимни тоққа юборишдан олдин (агар шундай қилсам мен уни тўғридан-тўғри Азроилга топширган бўламан) йўл қураман. У худди илон изи каби тоққа чирмашиб, энг баланд чўққига чиқади ва ўшандан сўнг забт этишга киришаман, деб ўйладим.

Бироқ шоҳ Мансур «Эстахриар» қалъасига бормади. Бунинг ўрнига Атиқ масжидига йўл олган. Менинг устимдан ғалаба сўраб Аллоҳга муножот қилган – ёлворган. Шероз шуниси билан машҳурки, агар кимда-ким Атиқ масжидига

бориб, Аллоҳга муножот қилиб сидқидилдан бирор нарса сўраса, минбардан меҳробга ўтгунича сўраган нарсаси ижобат бўлади: Аллоҳ нимани сўраган бўлса – ўшани беради.

Форс ҳукмдори менинг асир тушиб, қўшимин даф бўлишини сўраб Аллоҳга муножот қилибди. У менинг қўлларимни кесмоқчи, кўзларимни ўйиб олмақчи ва ҳоказо ва ҳоказоларни айтган. У душман билан жанг қилиб зафарга эришилишини англамаган. Агар ғалаба масжидда сўраб олинандиган нарса бўлганида пайғамбаримиз (с.а.в.) умуман жанг қилмаган бўлар эди. Аллоҳдан сўраб қўя қолган бўларди, қолаверса, ул зотнинг мурожаати шоҳ Мансурниқидан кўра тезроқ ижобат бўларди.

Қуёш ботар чоғи мен Патила деган жойга етиб бордим. Узоқдан кенг дала, унда душман қўшини тургани кўзга ташланди. Мен тўхташга буйруқ бердим. Саркардаларим бундай вазиятда қандай йўл тутишни яхши биладилар. Шундай бўлса ҳам ҳар томонлама ҳушёр бўлишлари лозимлигини яна бир карра тайинладим. Агар душман кечаси ҳужум қилгудек бўлса, унга муносиб қаршилиқ кўрсатишга тайёр турмоғимиз лозимлигини уқтирдим. Уларга яна қуйидагиларни эслатдим: «Биз бегона малакатдамиз. Ҳудуд ва душман қўшини ҳақида: унинг сони, таркиби, қуролланиши ва бошқа жиҳатлари хусусида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Улар эса ўз ерида ва шароит билан яхши таниш. Ажаб эмас, Аржан ўрмони ёнидаги душман қўшини ортимиздан қувиб келаётган бўлса. Ҳадемай устимизга бостириб келиши ҳам мумкин. Ёки шоҳ Музаффарининг водийдаги қўшинига бориб қўшилиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳар нима бўлганда ҳам эртанги кун – биз учун энг муҳим кун! Уруш тақдирини эртанинг ўзида ҳал қилишимиз керак. Эртага кечгача бу ишни қилмасак, икки ўт орасида қолишимиз тайин. Ортимиздан Аржанда қолган қўшин етиб келиб қолади – аҳволимиз танглашади!

Жангчиларга дам беринг – ухлаб тиниқсинлар! Эрталабки жангга тайёр бўлсинлар. Фақат тунги хизматдагилар ухламасин. Огоҳликни қўлдан бой берманг! Ва, ниҳоят, қўшинга айтинг, ҳушёр ётсин, ҳар қандай фавқулодда ҳодиса рўй берганда эсанкираб қолмасин – дарҳол жанговар ҳолатга кирсин...»

Агар имконим бўлганида эди ўша кеч қароргоҳ атрофида «дой»дан (*дой – лой билан кичкина тош қоришимаси. Қотганда жуда мустаҳкам бўлади.*) девор кўтарган бўлар эдим. Ўшанда душманнинг тунда ҳужум қилишидан сира ташвишланмаган бўлардим. Бироқ девор қуриш учун эрталабгача жангчиларимни ишлатишимга тўғри келарди. Чарчаб ҳолсизланган қўшин эртаси куни жангга ярамай қолиши мумкин эди. Шунинг учун девор қуриш ҳақидаги самарасиз якунланган фикрдан воз кечдим. Қоровул хизматини кучайтирдим.

Агар мен шоҳ Музаффарининг ўрнида бўлганимда ва Амир Темур менинг юртимга бостириб кириб пойтахтим остонасида қароргоҳ қурган бўлса, мен ўша кеча ухламас эдим. Туни билан унинг устига босқинлар уюштириб турар эдим. Гарчи тунги босқинлар айтарли катта натижалар бермаса ҳам, ҳеч бўлмаганда Амир Темур эрталаб ўз қўшинини сафга қўя олмасди – ана шу мақсадга эришган бўлар эдим.

Бироқ Мансур Музаффари кечаси менга ҳамла қилмади. Бунинг иккита сабаби бор эди: биринчиси, у ҳарбий ишлардан йироқ одам бўлгани боис, тунги босқинлар батамом ғалабага эришиш учун эмас, балки душманни ҳолдан тойдириш, унинг ҳарбий тартибини бузиш, мириқиб ҳордиқ олишига халал бериш мақсадида амалга оширилишини англамади. Иккинчи сабабини кейинроқ билдим – у Аржандаги қўшинини кутган экан: улар етиб келгач катта қўшин билан жангга кирмоқчи бўлган.

Патила водийсига келиб, унинг қўшинига кўзим тушгач яна бир бор унинг жанг санъатидан йироқ одам эканига, ҳарбий ишларга уқуви йўқлигига амин бўлдим. Башарти, у менинг отлиқ қўшиним билан жанг қилиш учун бундай текис майдонни танламаслиги керак эди. Ҳатто Кирмоншоҳ қабилаларининг Патак довоида мен билан жангга киришган жангчилари ҳам уруш усулларини Форс ҳукмдоридан кўра яхшироқ тушунар экан. Улар бизни текис жойда эмас, балки баайни дарада қарши олдилар. Агар одамларини қурбон қилишдан чўчимаганларида ўша дарада бизни енгган бўлишарди.

Турган гапки, шоҳ Мансур бу ҳудудни мен учун ноқулай деб танлаган. Мен унинг ўрнида бўлганимда Шерозни қўйиб

шаҳарнинг шарқ томонидаги Махлу дарёси қирғоғига қўшимни олиб борган бўлар эдим. У ҳудуд бир томондан баланд тоғлар билан, иккинчи томондан суви аччиқ ва шўр Махлу дарёси билан чегараланган.

Бундай жойда отлиқ қўшиннинг йўлини ёпиш осон кечади. У ўша томонга борса, мен ноилож уни таъқиб этиб, боришга мажбур бўлар эдим. Чунки шундай катта қўшин билан Шероздан шарққа томон чўзилган ҳудудни назорат этиб, менга доимо хавф солиб туришига йўл қўя олмас эдим.

Шундай қилиб Форс ҳукмдори ўша кеча бизга ҳужум уюштирамай, ҳарбий соҳада уқувсиз эканини намойиш қилди. Баайни ўша кеча ҳамла қилса, ўзига фойда етишини англамади. Ўша кеч мен бир неча бор уйғониб кетдим. Чодиримдан чиқиб қароргоҳнинг барча бурчакларини айланиб чиқдим. Узоқ-узоқлардан қандайдир товушлар қулоғимга чалиниб турди. Шу пайт Шероз боғларида хониш қилаётган булбулнинг овозини эшитдим. Билдимки, баҳор келибди. Шерозга баҳор бошқа барча жойлардан кўра биринчи бўлиб келади.

Ўша кеч кузатувчи гуруҳимиз уч марта душмanning кузатувчилари изғиб юрганини кўрганларини хабар қилишди. Ҳар сафар бизникиларни кўрганда, улар орқага чекинар эканлар. Аввалроқ мен саркардаларимга душман кузатувчиларининг пайдо бўлиши жангчиларни безовта қилишга асос бўлмаслигини, фақат ва фақат ҳужум бўлган тақдирдагина уларни уйғотиш лозимлигини тайинлаган эдим.

Эрталаб намозни ўқиб, жанговар уст-бошимни кийдим. Қўшинни жангга ўзим бошлаб бормоқчи эдим. Чунки Аржан томондан келаётган душман қўшинига ҳеч қандай имкон қолдирмаслигимиз лозим. Шундан ўзим жангга кирсам – жангчиларимнинг руҳи кўтарилишини, фаоллиги ошишини билар эдим.

Патила водийси катта, текис майдон бўлиб, Шоҳ Мансур қўшинига қақшатқич зарба бериш учун мен ғарбдан шарққа томон силжишим керак эди. Шу боис қўшин ҳарбий тартибда сафга тизилган бўлса ҳам, ҳужумга ўтишга шошилмай турдим. Қуёшнинг кўтарилишини кутдим. Ўшанда у жангчиларимнинг кўзини қамаштирмайди. Душман

қўшини ҳақида мен унинг шу қаршимда турган ҳолатидан бошқа маълумотга эга эмас эдим. Фақат эшитган эдимки, Форс ҳукмдорининг икки нафар номдор лашкарбошиси бор: иккиси ҳам ўзининг авлодидан. Бириси – Мўътасам бин Султон Зайнулобиддин ва иккинчиси – Яҳё Музаффари.

Менга сўзлаб беришларича, Мансур Музаффари ҳар икки қариндошидан ўлгудек қўрқар экан. Чунки ҳар иккиси ҳам ундан ҳар жиҳатдан устун эди. Унинг бу одамларни ҳали ҳам кўр қилиб улгурмаганининг боиси улар қариндоши бўлгани учун эмас, балки шу сулолага мансуб аёллар уни бу ишни қилишдан тўхтатиб келаётганларидан эди.*

Музаффарилар сулоласида шундай анъана бўлган. Ҳокимиятни қўлга киритган ҳукмдор ўз яқинларининг кўзини сурмалаб, яъни кўр қилиб тахтга даъвогар қолдирмаслик чорасини кўришган. Шундай ҳоллар ҳам бўлганки, ўғил ўз отасининг кўзига мил торттирган. Тахтни фарзандига топширган отанинг бир оз вақт ўтиб, яна ҳокимиятни қайтариб олиши эҳтимоли бўлган.*

Мен жанг бошланишига қадар бир нарсани англаган эдим. Агар Мўътасам бин Султон Зайнулобиддин ва Яҳё Музаффари бор куч ва маҳоратини ишга солиб, жангни самарали ташкил қилса, улар бу ишни бурчга садоқат юзасидан эмас, балки шоҳ Мансурдан қўрққанлари туфайли қилдилар. Чунки киши ҳеч қандай айби бўлмагани ҳолда кўр қилинишини билса, бу ишни қиладиган одамга сидқидилдан хизмат қилмайди.

* Қадимда ингичка, чўғда қиздирилган мил билан кўзни кўр қилиш анъанаси бўлган. У кўз косасидан ўтказилган яра битгандан сўнг, унга сурма суркалган. Бу тадбир ҳеч қандай чандиқ қолдирмай, кўзни кўр қилган.

* Музаффарилар сулоласидан тўққиз нафар ҳукмдор ўтган. Уларнинг фаолияти жуда ёвуз ишларга тўлиб-тошган. Улар Форс, Кармана, Язд ; баъзида Ироқи Ажамни идора қилганлар. Ҳофиз Шерозий шу сулоладан бўлган икки ҳукмдор замонда яшаган, унинг танҳолик истаб, кимсасиз харобалар ичида яшашга ўзини маҳкум қилишига сабаб ҳам аслида шу: музаффариларнинг зулми ҳаддидан ошгани ва уларнинг ёвузликлари бўлган.

Бошқарувнинг асосий шартларидан бири шуки, ҳукмдор ҳеч қачон айбсиз кишини жазоламаслиги, шунингдек, айбдорни жазосиз қолдирмаслиги лозим. Мен ўғилларимга ҳамиша сабоқ бериб, садоқатли хизмат қилган, алоҳида ўрнак кўрсатган кишиларни мукофотсиз қолдирмасликларни лозимлигини уқтираман. Айбдорни жазосиз қолдириш ҳам ҳукмдорнинг эл олдидаги обрўйини туширади.

Ҳукмдорнинг атрофидагилари гуноҳ қилган жазога мустаҳиқ бўлишини, содиқ хизмат қилганлар мукофот олишини билиши керак. Ваҳоланки, султон Мансур Музаффарининг хос ходимлари ҳар куни девонга келаётганларида, бу ердан ўзлари йўл топиб чиқадиларми ёки қўлларидан биров тутиб, уйларига кузатиб қўядими – билмаганлар. Бу одамлар унга қўрққанларидан хизмат қилганлар, илло унинг тарафдори бўлмаганлар.

Қуёш етарли даражада баландлагач, ҳужум бошлашга буйруқ бердим ва менинг отлиқ қўшиним олдга ташланди. Қўшинимнинг ўнг қанотини Фаттоҳ Бек бошқарар эди. Уни аввал Мир Фаттоҳ деб аташган. Менга бўлган ҳурмати, садоқати туфайли номидан «Мир – Амир» сўзини олиб ташлаган. Шу-шу мен ҳам уни Фаттоҳ Бек деб чақираман. У менинг энг яхши саркардаларимдан бўлиб, саркарда бўлиш учун нимаки сифатлар муҳим деб ҳисобласам, унда ана шу хислатлар мужассам эди. Фақат битта камчилиги – шароб ичарди. Гарчи менинг бу каби ичимликларга, уни истеъмол қилувчиларга тобим йўқлигини билса ҳам, мендан яшириб ичиб турарди.

Чап қанотни менинг ўғлим Мироншоҳ бошқармоқда эди. Ўша кунга қадар мен унга қўшинга бошчилик қилишни топширмаган эдим. Бироқ энди бунинг фурсати етди, у жангларда иштирок этиши, қаҳри қаттиқликни, ўлим қаршисида ўзидан кўрқувни қувишни ўрганиши керак, деган қарорга келган эдим. Жанг бошланиши арафасида унга дедим: «Сен қўшиннинг чап қанотига бошсан. Демак, сенга душманнинг ўнг қаноти қаршилиқ кўрсатади. Сенинг жангчиларинг отлиқ суворийлар, душман эса – пиёда. Жанг майдони текис, демак, бу борада устунлик сен томонда. Менда душман пиёда қўшинининг жанговар сифатлари ҳақида маъ-

лумот йўқ. Бироқ сенинг отлиқ қўшининг курашларда чи-
ниққан. Айримлари салкам ўн беш йилдан бери хизматда.
Буларнинг барини сенга айтаётганим, муваффақиятсизлик-
ка учрасанг, сендан ҳеч қандай сабаб, баҳона қабул қил-
майман. Сенинг ўлишинг мумкинлиги ҳақидаги эҳтимол ҳам
мени хавотирга солмайди. Ўғлим бўлишингга қарамай, се-
нинг жанг майдонида ўлишинг мен учун бир жангчимнинг
ўлими билан тенг – унга қанчалик куюнсам сенга ҳам ўшан-
ча қайғураман. Мен бу кунни кўпдан кутган эдим: султон
Музаффарини муносиб жазолашим керак. Жанг майдони
барча шарт-шароитлари билан менга маъқул. Агар шундай
кунда муваффақиятсизликка учрасам, бу фақатгина саркар-
даларимнинг қобилиятсизликларидан бўлиши мумкин.

Бироқ мен ўз саркардаларимнинг маҳоратига ишонаман,
илло улар менинг синовимдан ўтган. Сен ҳам жангларда
иштирок этиб, мардлик ва матонат мактабини ўтадинг. Ле-
кин бугун ҳарбий саркарда сифатида синовдан ўтишинг ло-
зим. Мабодо қақшатқич қаршиликка учрасанг, уни тўғри
ёриб киришга уринма, яхшиси айланиб ўт – душман қўши-
нининг ўнг қанотини ҳалқа қилиб ўраб ол. Фаттоҳ Бек ҳам
шундай қилади: сиз иккингиш душман қўшинининг ортида
бирлашасиз. Мен агар кескин қаршиликка учрасам, олд
қаторни – марказдаги кучни олдга тортиб олиб чиқишга
ҳаракат қиламан. Шунда сизларнинг душман ортига айла-
ниб ўтишларинг осон кечади. Мен Султон Мансурнинг ҳар-
бий саркардалари виждонан, жонбозлик кўрсатиб жанг
қилишларига ишонмайман, аммо сен душманга ўз ҳукмдо-
ри учун ўлишга тайёр жангчи сифатида қара!»

Менинг мана шу сабоқларимдан сўнг Мироншоҳ сапчиб
отига минди-да, ўзига топширилган чап қанотни бошқа-
ришга кетди. Мен ўша ондан эътиборан, унинг онасига ўғли-
нинг ўлими ҳақида мактуб жўнатишга тайёрлана бошладим.
Мабодо бу жангда у ўлса, бу – шарафли ўлим бўлади!

Отлиқ қўшинимнинг захирадан ташқари – барчаси олға
силжиди. Улар икки қатор, кетма-кет тизилдилар; мен мар-
казда ўз ўрнимни эгалладим ва анъанага кўра, агар ўлсам
қўшин бошсиз қолмаслиги учун ўринбосаримни тайинла-
дим.

Ўша куни мени ташқи жиҳатдан бошқалардан ажратиб турадиган ҳеч нарсам йўқ эди. Бироқ душман қўшинига яқинлашгач, Султон Мансурга кўзим тушди. У қўшинининг ўртасида эди, чиройли жанговар уст-боши қуёшда чарақлаб турарди. Кейин билсам у тилладан экан. Унинг атрофини ўзи сингари башанг кийинган суворийлар ўраб олганди. Кўриниб турибдики, бу – унинг шахсий қўшини.

Ўша куни қўшинни ўзим бошлаб жангга кирганим, марказда туриб, душманнинг сараланган марказий қисмига ҳужум қилганим бежизга эмас, зеро бу менинг жангим эди. Шунинг учун ҳам олдинги қаторда туриб жангга кирдим. Иншоолоҳ, бу жанг мағлубият билан тугамаслиги керак!..

Душманнинг олд қаторига етишимизга юз заръ масофа қолган чоғ, улар тинимсиз ўқ ёғдиришга тушди. Шу лаҳза биз отларга қамчи босиб тезликни янада оширдик, чунки душман сафларига қанча тез етиб борсак унинг ўқларидан паноҳ топган бўламиз. Султон Мансурнинг ҳарбий соҳада уқувсиз экани, отларимиз йўлига ҳеч қандай ғов қура олмаганида ҳам яққол кўринарди. Ҳеч бўлмаганда қозик қоқиб, ёки занжир тортиб ғовлар ўрнатиши мумкин эди-ку! Шунинг ўзи ҳам бизнинг шаҳдимизга анчайин салбий таъсир ўтказган бўларди.

Бундай тўсиқлар йўқлигини кўриб, аввалига бу ҳам бир тузоқ бўлса керак, шу йўл билан бирор-бир бошқа нарсани режа қилгандир, деган хаёлга бордим. Жанг тугагач эса бунинг ҳеч қандай тузоқ эмас, унинг ҳеч қандай режаси бўлмаганига ишонч ҳосил қилдим. Бу бор-йўғи султоннинг ҳарбий соҳадаги салоҳиятсизлигидан, тажрибасизлигидан бошқа нарса эмасди.

Душманнинг лашкарбошилари урушнинг мана шундай оддий усулларини қўллашга наҳотки фаҳмлари етмаган бўлса – ҳалигача шуни ҳазм қила олмайман. Назаримда, улар жуда кўп усулларни қўллаш имкониятига эга бўлганлари ҳолда, Султон Мансур учун бу ишни қилмаганлар. Унга нисбатан бўлган шахсий адоватлари туфайли ўз вазифаларига лоқайд қараганлар. Балки эртага кўр бўлиб қолгандан кўра, шу жангда Султон Мансур билан қўшмазор бўлишни афзал билганларидан шундай қилгандирлар.

Бизнинг олдимизда душманнинг пешқадам сафини ёриб кириш, унинг жанговар тартибини бузиш ва тўзғитишга эришиш биринчи навбатдаги вазифа эди. Иккинчи қатор жангчиларимизнинг зиммасидаги вазифа эса жанг майдонини душман жангчиларидан тозалаб, асир тушганларини қуролсизлантириб, саркашлик қилганларини аёвсиз равишда қиришдан иборат эди.

Душман сафига етиб бориб унинг ўқига нишон бўлишдан қутулдик. Бироқ шу лаҳза душман пиёдалари найзалари билан бизга ўқталди. Биз қўлдан уриб тушириш усулини қўлладик. Отнинг жиловини бўйнимга ташлаб, бир қўлимда қилич, бирида ойболта билан душман сафларини ўтдек ўриб бормоқда эдим. Улар мен томонга найза билан ҳамла қилдилар. Унинг хавфини тикиш қилаётган кекса хотиннинг қўлидаги игначалик кўрмадим. Тажрибали жангчи курашнинг дастлабки сонияларидаёқ душманнинг кучлими, кучли эмаслигини дарров билади. Мен ҳам аввалбошдаёқ Султон Мансурнинг жангчилари эринибгина жанг қилаётганларини пайқаб улгурдим. Уларнинг сафида Форс қабиласи жангчилари йўқ эди. Агар улар етиб келишга улгурса ва Султон Мансурнинг асосий қўшинига келиб қўшилса, Патила водийсидаги жанг тамоман бош-қача тус олиши тайин эди.

Султон Мансурнинг лашкарбошилари ланж бўлганлари сабабли ҳам, жангчиларининг шашти суст эди. Ҳамма жангда ҳам оддий жангчилар ўз саркардаларининг кўзгуси ҳисобланадилар. Бошлиқларининг кайфияти, масалага муносабати қандай бўлса – бу жангчиларнинг хатти-ҳаракатида ўз ифодасини топади. Агар жангчи жанг пайтида қўрқоқлик қилаётган бўлса, билингики, уларнинг бошлиқлари шунақа.

Менинг ҳар икки томонимда жангчиларим қилич чопишиб, душман сафларини қулатиб бормоқда эди. Шу пайт остимдаги аргумоқнинг юриши секинлашиб, кейин мункий бошлаганини сездим. Демак яраланибди. Бўйнимдан жиловни олиб ташлашга зўрға улгурдим – отим ерга қулади. Унинг қорнини найза тешиб ўтган эди. Оёғимни босиб қолмасин деб, сакраб тушдим-да, суворийларим қуршовида пиёдаларча жангга отилдим.

Улар бор-йўғи найза билан жанг қилмоқда эдилар. Мен эсам худди қаламни тарошлаган каби найзаларини синдириб, бир йўла бошларини ҳам каллаклар бормоқда эдим. Суворийларимдан бир нечаси келиб, отини менга бўшатиб бермоқчи бўлди – унамадим. Яна бирови ортига мингизиб олмоқчи бўлди, чалғима – уриш, дедим. Шу пайт худди Патак довоида бўлгани каби вужудимга аллақандай ғайринсоний куч эниб келди.

Ўзимга томон ўқталган найзаларни синдириб, олдга интилиб борар эканман, хаёлан Форс ҳукмдоридан омад юз ўгирди, дедим. Жанг майдонини мағлуб бўлиб тарк этдингми, билки сен ўзингни жангга тайёрлай олмагансан.

Эй, ҳаётим ва фаолиятим саҳифаларини ўқиётган зот! Омад ҳеч қачон нўноқ жангчи томонида бўлмайди – эсингда тут! Агар биров сенга: «Фалон жангда фалон саркарда укувсиз ва тажрибасиз бўлгани ҳолда, ўзига ўхшаган тажрибасиз жангчилари билан зафар қозонди», деса – ишонма! Бу гап асоссиз ва мантиққа зиддир. Ҳар қандай галабанинг замирида вақт ётади. Қайсиким, шу вақт мобайнида жангларда тажриба тўпланади. Шу вақт ичида жангга тайёрланилади. Шу вақт мобайнида жасур ва мард йигитлар танланади ва ҳоказо, ҳоказолар...

Мен дубулғамнинг юзга ёпқичини тушириб жанг қилмоқда эдим. Шунинг учун ҳам улар менинг юзимни кўра олмасди. Аммо ёпқични тушириб қўйганим, мени таниб қолмасликлари учун эмас, балки душман ўқи ва найзаларидан сақланиш учун эди. Шунингдек, эгнимда совут, белимда ҳимоя белбоғи, оёғимда ҳам худди шундай ҳимоя боғичи ва тиззамда ҳам боғичим бор эди. Душмanning зарбаларидан қандай ҳимояланганимни билмоқчи бўлсанг, ана шу мен санаб ўтган нарсаларни бир кийиб кўр – агар бунга кўникмаган бўлсанг, орадан кўп вақт ўтмай гандираклар йиқилишинг тайин.

Бундай уст-бошни кийиб жанг қилиш учун киши анчайин чиниққан бўлиши керак. Ўзини жисмонан тоблаган жангчиларгина уни кийиб эркин ҳаракат қила оладилар. Бу уларга заррача оғирлик қилмайди. Айрим жасур жангчиларга бу оғирликларни кўтариб жанг қилиш унча маъқул эмас, шу боис улар шу туриш жангга кирадилар. «Душман-

нинг зарбасидан қуламасман, аммо мана шу оғир либосларни кўтара олмай йиқилсам керак», дейишади улар.

Ўзим ҳақимда айтсам, менга бу либослар сира оғирлик қилмайди. Чарчатмайди ҳам. Мен тинимсиз машқлар билан ўзимни шунга тайёрлаганман. Ҳарбий уст-бошим чочлик усталар томонидан тайёрланган. Гарчи улар, асосан, енгил жангжомалар тайёрлаш билан шуғуллансалар-да, менинг уст-бошимни энг қалин металдан, оғир қилиб ясашган.

Ўша лаҳзада мен яна ҳаммадан устун эканимни, минглаб одамларнинг ўлиши ёки тирик қолиши менинг иродамга боғлиқ эканини ҳис этдим. Бир қўлимда қилч, бирида ойболта – бошларни чошиб борар эканман, Исфандиёрдан ҳам анчайин қудратлиман, деб ўйладим. Чунки Исфандиёр эғнидаги ҳарбий уст-бошига ишонган эди – уни ўлдиришди. Мен эсам ўзимнинг жасоратимга ишонаман. Вақти-вақти билан бошимни кўтариб кўкка боқардим. Қуёшнинг қанчалар кўтарилганига қараб, куннинг қайси вақти эканини тусмоллаб билимоқчи бўлар эдим. Сўнг яна жангга киришардим. Менинг ҳар икки томонимда отлиқ суворийларим душман билан олишарди. Душман шунинг учун ҳам менга ён томондан ҳамла қила олмасди. Биринчи қатордаги жангчиларим ўз олдиларига қўйилган вазифани бажаришди. Иккинчи қатордагилар эса жанг майдонини тозалаш билан машғул эдилар. Шу пайт отлиқлардан бирининг: «Амир қани, амир?» – деган товушини эшитиб қолдим. «Амир кимга ва нимага керак бўлиб қолди?» – сўрадим ундан, жангни бир дақиқа бўлсин тўхтатмай. У менинг овозимни таниди, сўнг: «Эй Амир, мени Фаттоҳ Бек жўнатди ва сизга бир хабарни етказишимни топширди», – деди у шошила-шошила. Шундан сўнг худди шу алфоз Фаттоҳ Бекнинг ўнг қанотдан душман ортига айланиб ўтгани ва ортида душман жангчиларининг мурдасини хирмон қилиб илгарилаётганини айтди. Унга дедим: «Фаттоҳ Бекка айт, душманни айланиб ўтишда давом этаверсин. Токи Мироншоҳ билан бирлашмагунча, шу зайл давом этаверсин. Чунки Мироншоҳ худди шундай айланиб ўтишга улгурмаслиги мумкин».

Мен чопар билан туркийда гаплашдим. Билардимки, Султон Мансурнинг одамлари бу тилни билмайдилар. Шундан.

бизнинг нима ҳақда гаплашганимизни ҳам тушунганлари йўқ. Шунинг учун ҳам нималар ҳақида гаплашганимиз хусусида ўз ҳукмдорларига бирор-бир маълумот етказа олмайдилар.

Султон Мансурнинг қўшини шу қадар заиф эдики, гоҳи-гоҳида ўзимни ёш болалар билан уришаётгандек ҳис этардим. Гарчи уларни ёш жиҳатидан бола деб бўлмаса ҳам, уқувсизлиги, жанг санъатини билмасликлари уларни бола қилиб қўйган эди. Масалан, уларнинг орасида ақалли битта ҳарбий жанг санъатидан хабардор киши бўлганида, менга тинимсиз тиг санчиб, найза билан зарба бераётганларга эғнимдаги шунча ҳимоя воситаси билан менга зарар етказиб бўлмаслигини тушунтирган, ундан кўра чўқморни олиб, бошимгами ёки бўйнимга зарба берса – қулатиш осон бўлишини англатган бўлар эди.

Султон Мансур қўшинидаги ҳафсаласизлик, жангчиларнинг курашишга тоби келмаётганини яна бир ҳолатда яққол кузатиш мумкин эди. Бу – ярадорларнинг ўзларини қандай тутаётганлари. Мен ҳамиша жангларда кузатганман, яраланиб йиқилган жангчи, агар у ўрнидан туриш қобилиятига эга бўлса, дарҳол оёққа туриб, ўзини ҳимоя қилишга ёки зарба беришга уринади. Одамнинг табиатига хос бўлган мана шу унсур, яъни сўнгги кучи қолгунча тирмашиши, йиқилганда сапчиб ўрнидан туришга ҳаракат қилиши – урушда жуда кўп кузатилади. Бироқ Султон Мансурнинг қўшинида негадир бунинг тескарисини кўзга ташланмоқда эди. Тан жароҳати олиб ерга йиқилган жангчи ўрнидан туришни истамаётганди. Ваҳоланки, улар итаса мени ҳам ортимдан келиб йиқитиши мумкин эди. Улар эса ярадор бўлиш бахтига муяссар бўлганларидан мамнун эдилар, чамаси. Ётган кўйи жанг манзараларини кузатиш билан кифояланмоқда эдилар. Баъзилари отларнинг туёғи остида қолмаслик учун жанг майдонининг хавфсиз чекка жойига судралиб чиқиб, ўша жойда томошабинга айланмоқда эди. Бунинг барчаси Султон Маҳмуднинг қобилиятсизлигидан, қўшини орасида зигирча ҳурмати йўқлигидан далолат эди. Ўз қўшинида ўзи учун жон фидо қиладиган тарафдорлари йўқлигини кўрсатиб турарди.

Жангчи оладиган ойлик маошидан ташқари маънавий рағбат ҳам олиб туриши керак. У ўзига ҳукмдорининг ёки лашкарбошисининг хайрихоҳ нигоҳлари қадалиб турганини ҳис этиб туриши лозим. Мен кекса жангчиларимнинг барчасини исми билан чақираман. Менимча, дунё пайдо бўлгандан бери ҳали бирорта лашкарбоши қўшинидаги барча жангчиларни номма-ном билмаган бўлса керак. Ислонни жорий қилиш учун бўлган жангларда шундай бўлган, ammo унда қўшиннинг сони 700-800 кишидан ошмаган.

Мен ҳар бир жангчининг исмини олиб чақирганимда, мен уни танишимни англайди. Назаримда эканидан мағрурланади. Уни жангчим сифатида қадрлашимни ҳис этади. Бунга жавобан у жангда жасорат кўрсатиб, менга ғалабалар олиб келади. Яхши жанг қилса, жасорат намуналарини кўрсатса – тақдирланишини, акс ҳолда жазоланишини ҳам яхши билади.

Салтанатимдаги барча шаҳар ва вилоятларни менинг собиқ жангчиларим бошқарадилар. Мен билан бир сафда туриб, садоқат билан хизмат қилганлари учун ҳокимиятни улар билан бўлишганман. Ўғилларимга мендан давр ўтгандан кейин ҳам улар билан яхши муносабатда бўлишларини тайинлагаиман. Уларга ҳокимиятни ўзларида тутиб қолиш учун ҳарбий саркарда ва жангчиларга доимо ғамхўрлик қилишлари лозимлигини уқдирганман.

Чангиб ётган жанггоҳда таниш бир овоз қулоғимга чалинди: «Эй Амир, сен нима қилиясан?» Товуш эгасини танидим. У менинг солномачим – Низомиддин эди. У яна безовталаниб деди: «Эй Амир, сен бу ишинг билан ўзингни хавфга рўпара қилаётганингни билаяпсанми?» Мен ундан: «Қандай таклифинг бор?» – деб сўрадим. У менга деди: «Амирим, мен сенга от олиб келдим – уни миниб ол!» Мен душманнинг зарбаларини назардан қочирмай аста ортга чекиндим. Юз ёпқичимни кўтариб Низомиддинга қарадим, у: «Эй, Амир, сен бугун шундай бир ишни қилдингки, на Афросиёб, на Рустам бу ишни қилган», – деди. Сўнг менинг уст-бошимга назар ташлаб: «Ўзингга бир қара, худди қон билан тўлатилган ҳовузда чўмилиб чиққандексан!» – деди. Мен шундан кейин ўзимга қарадим: оёғимдан кўкрагимгача қип-қизил қонга бўялган эдим. Йилномачим деди: «Мен ҳали бирор-

бир китобда душманнинг минглаб жангчилари билан, сен каби яккама-якка жанг қилган бошқа бир жангчи ўтганлиги ҳақида ўқимаганман. Сен каби одамнинг ўтмаганига имоним комил!» Унинг мақтовларидан хурсанд бўлдим, бироқ сўзлари муболағали эканини ҳам эслатдим: «Бўртираяпсан! Илло, мен якка жанг қилаётганим йўқ, суворийларим мени ҳар томондан ихота қилиб туришибди – шунинг учун душман жангчилари мени ўраб ололмапти. Бундан ташқари ҳимоя мосламаларим бор: найзалар зарбидан улар асрапти. Қолаверса, мен ҳали ғўр жангчилар билан курашдим. Улар жанг санъатидан мутлақо беҳабар! Улар қўллаган жанг қилиш услубининг ўзи урушнинг хулосасига умуман бефарқ эканликларини кўрсатиб турибди. Ана шу омиллар бўлмаганида сен ҳозир мени отга миндирмас эдинг, аксинча юк-лаб олиб кетардинг!» – дедим.

Низомиддин олиб келган отининг жilовини менга тутқазди: «Эй Амир, отга мин! Мен ҳалитдан кўраяпман – ғалаба яқин!» – деди у. Мен қиличимни қинига солмоқчи эдим – сиғмади. Низомиддин уни ювишга бериш учун қўлимдан олди. Мен сапчиб отга миндим, ойболгани эгарга илиб, Низомиддинга дедим: «Низомиддин! Сен ҳамиша менга хушхабар олиб келгансан! Ҳозир ҳам ғалаба яқинлигини айтиб кўнглимни кўтардинг – буни мукофотлаш керак...»

Шу лаҳза ўғлим Мироншоҳдан чопар келди. У отлиқ қўшини билан Фаттоҳ Бекнинг қанот қўшинига қўшилганини айтиб юборибди. Душманни биргаликда ҳалқа қилиб қуршай бошлашган эмиш.

Отга яхши ўрнашиб олиб, яна бош лашкарбошилиқ вазифамни адо этишга киришдим. Фаттоҳ Бек, Мироншоҳ ва марказ саркардаларимга одам жўнатиб, Султон Мансурни тириклайин қўлга олиш, қочиб кетишига йўл қўймаслик вазифасини топширдим. Шунингдек, жангни тезроқ яқунлаш мақсадида, душман қуршалган ҳалқанинг ҳар жой-ҳар жойидан бўшлиқлар қолдириш лозимлигини, агар душман жангчилари қочиб чиқмоқчи бўлса имкон бериш кераклигини, ордидан таъқиб этмасликни тайинладим.

Шу асно қирқ-эллик кишидан иборат душман жангчилари, уларнинг орасида отлиқлари ҳам бор эди, чекина бош-

лаганига кўзим тушди. Улардан бири душман қўшинининг ўнг қанот саркардаси Мўътасам бин Султон Зайнулобиддин эканини кўрдим. Улар бизга жиддий хавф туғдирмайдди, кейинроқ қайта ҳужум қилади, деб қараш ҳам ноўрин. Шунингдек, чап қанот лашкарбошиси Яҳё Музаффари ҳам жанг майдонида мардларча ўлишдан кўра, шармандали қочишни афзал кўрди. Уларнинг қочиб қолганидан хурсанд бўлдим – бу бизнинг манфаатимизга хизмат қилади.

Маълумки, агар лашкарбошилар жанг майдонини ташлаб қочса, аксар ҳолларда кичик саркардалар ва жангчиларнинг руҳи синади. Бошқарув йўқолади. Бу ерда ҳам шундай бўлди. Бошсиз қолган душман қўшини қуроолларини ташлаб, ёппасига таслим бўлди. Мен қўлимга қиличимни олиб, бир гуруҳ суворийларим қуршовида тўғри Султон Мансур Музаффари томон от сурдим. Мен унинг сараланган шахсий қўшини бизга кескин қаршилиқ кўрсатади, сўнгги томчи қони қолгунча олишиб ҳукмдорини ҳимоя қилади, деб ўйлаган эдим. Аксинча бўлиб чиқди. Ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмай таслим бўлишди. Султон Мансурнинг бир ўзи, бошида соябон тутиб турган малайи билан қўққайиб туриб қолди. Хизматкори қора танли эди. Султонга садоқатли биргина одам шу экан. Барча яқинлари уни тарк этди. Мансурнинг ёнида фақат у қолди.

Мен отимни унга томон бурдим. Қиличимни ечиб яқинларимдан бирига узатдим. Сўнг Султон Мансурга юзландим: «Мени танидингми?» Султон қўрққанидан дағ-дағ қалтирамоқда эди. Лаблари пирпираганча: «Сен форсчани биласанми?» – дея саволимга жавоб бериш ўрнига мени сўроққа тутди у. Мен унга дедим: «Ҳа, биламан, қолаверса форсчани сендан яхшироқ биламан». Кейин унга дастлабки саволимни эслатдим: «Сендан мени танийсанми, деб сўрадим – жавоб бермадинг!» У: «Йўқ, сени танимадим, лекин англашимча, – деди у менинг бошдан-оёқ қон сачраб, қипқизил тусга кирган уст-бошимга қараб, – сен Амир Темурнинг яқинларидан бири бўлсанг керак!»

«Мен Амир Темурман!» – Унинг яшин ургандек бир сапчиб тушиши учун шу сўзнинг ўзи кифоя қилди. У яна бир бор оёғимдан бошимгача қараб, титрай бошлади. Мен унга

дедим: «Ҳали зарурат бўлмаган чоқда, мен сендан от уюри-ни сўрамадим, харвар олтин талаб қилмадим, бор-йўғи касалимга шифо бўлиши учун лимон шарбати сўрадим. Шарбатчидан сўрасам берарди. Сен пасткаш эса, шарбатни дариф тутганинг етмагандек, нома йўллаб мени қаттиқ ҳақорат қилдинг – энди тайёр тур, нима эккан бўлсанг шуни ўрасан!» Султон Мансур сўради: «Мени нима қилмоқчисан?» Унга дедим: «Сени ўлдираман, уруғингни қуритаман!» Султон минғирлади: «Бу ишга авлодимнинг нима алоқаси бор». Мен айтдим: «Мени ноҳақ ҳақорат қилган одамнинг бу дунёда авлоди қолмаслиги керак!» Шундан сўнг у ялтоқланиб: «Эй, Амир Темур, агар менга омонлик берсанг – қизимни сенга хотинликка бераман!» – деди. Жавоб қилдим: «Сен ҳали ҳам тушунмаган кўринасан: мен уруғингни қуритаман, дедим. Қизингни хотин қилиб, уруғингни кўпайтириш ниятим йўқ. Қолаверса, қизингни хотинликка олишим учун энди сенинг рухсатинг шарт эмас – у шундай ҳам менинг кўлимда. Бироқ мен унақа қатъиятсиз одам эмасманки, хотин эвазига аҳдидан қайтадиган. Эҳтимол қачондир, ёшлик кезларим жононлар макрига учгандирман, лекин майлларимни жиловлаганимга анча бўлди. Акс ҳолда мен бу муваффақиятларга эришмаган бўлар эдим». Султон Мансур деди: «Овора бўлма, Амир! Менинг асир тушганим ҳали ҳаммаси тугади, тамом дегани эмас. Шероз қалъаси ҳали қаршилиқ кўрсатади!»

«Буни ҳали кўраимиз!» – дедим унга қисқагина қилиб.

Аржан ўрмониға юборилган қўшиннинг келиб қолиш эҳтимоли бўлгани сабаб, мен шу кундаёқ шаҳарға киришни мўлжаллагандим. Ярим кун жанг билан ўтди. Султон Мансурнинг бир неча ўғиллари ҳам бизға асир тушди. Мен Фаттоҳ Бекка Шерознинг шарқ томонидан, Мироншоҳға эса жануб томонидан шаҳарға қараб юришларини буюрдим. Ўзим ҳам Султон Мансурни эргаштириб йўлга тушдим. Менинг ҳарбий бошлиқларим шаҳар қаршилиқ кўрсатса, оқибати нима бўлишини билар эди.

Кечки намоз вақти Шерозға етиб бордик. Шаҳар дарвозалари берк эди. Истеҳком девори устида одамлар кўринди. Шаҳар ҳокимини сўраттирдим. У деворда пайдо бўлгач, жар-

чи орқали қўйидаги гапларимни етказтирдим: «Султон Мансур қўшини енгилди. Унинг ўзи асир олинди». Шу ўринда биз Султон Мансурни олдга чиқариб ҳокимга кўрсатдик. Сўнг давом этдим: «Бундан буён қаршилиқ кўрсатиш бефойда. Зеро, шаҳарда қўшин йўқлигини биламан ва усиз шаҳарни узоқ ушлаб тура олмаслигинг ҳам кундек равшан. Мабодо таклифимга кўнмай, шаҳарни барибир ҳимоя қилмоқчи бўлсанг, марҳамат! Фақат уни куч билан олганимдан кейин, сени ва шаҳар аҳлини омон қўймайман. Шерозликларнинг бор мол-мулклари, қиз-жувонлари қўшиним ихтиёрига ўтади. Бироқ ўз хоҳишинг билан, ихтиёрий равишда дарвозани очсанг, ваъда бераман, Шероз аҳлининг молига ҳам, жонига ҳам даҳл қилмайман. Мен ҳали болалигимданоқ Ҳофиз Шерозийнинг шеърларини севиб мутолаа қилганман. Шероз олимларига ҳурматим баланд. Ўшаларнинг ҳаққи ҳурмати Шерозга зиён-заҳмат етказмайман! Мен бу ёққа уруш истаб келмадим. Ташрифимдан биргина мақсад ҳукмдорларингни жазолаш эди. Айбини бўйнига қўйиб жазолайман ва ишим битгач, аскарларим мириқиб дам олгач, мен кетаман».

Шаҳар ҳокими дарҳол жавоб қилди ва ҳозироқ дарвозани очиб ўзи пешвоз чиқишини билдирди. Шубҳам тўғри бўлиб чиқди. Шаҳар ҳокими Султон Мансур менинг асирим эканлигини ва унинг бундан сўнг ҳукмронлик қилишига энди ҳеч қандай умид йўқлигини англагач, дарров шаҳар дарвозаларини ланг очиб юборди. Ўзи эса қўлида китоб тутиб, бир гуруҳ амалдорлар билан қаршимга пешвоз чиқди. У қўйидаги икки мисрани ўқиб келарди:

*«Икки кўзим меҳмоннавоз, очдим уни сен учун
Меҳрингни дариг тутма, илло, бу уй сенинг ҳам уйиңг».*

Мен сўрадим: «Бу Шамсиддин Ҳофизнинг шеърими?» У жавоб қилди: «Бале, амир!» Сўнг уст-бошимга ишора қилиб деди: «Эй Амир, наҳотки сен жароҳат олган бўлсанг? Ахир бош-оёқ қонга белангансан-ку!» Мен дедим: «Мен ярадор эмасман, уст-бошимдаги қон эса жанггоҳда сачраган!»

Шаҳар ҳокими қўлидаги Қуръон китобини баланд кўтариб деди: «Эй Амир, мен биламан, сен меҳрибон мусулмон-

сан! Мана шу муқаддас китоб ҳаққи, ўтинаман Шероз аҳлига раҳм қил, зиён-заҳмат етказма!»

«Қуръон ҳурмати сенга тегинмайман, – дедим унга. – Акс ҳолда, шу жойда бошингни танангдан жудо қилган бўлар эдим. Ахир мен сенга айтдим-ку, берган ўша ваъдам сенга ҳам, бошқаларга ҳам кифоя бўлмоғи даркор! Сен англашинг керак, мен ваъда бериб, сўзидан қайтадиган одам эмасман!»

Шаҳар ҳокими тек қотди, сўнг кечирим сўради. Мен унга дедим: «Жарчига айт, шаҳар аҳлига етказсин. Тинч-хотиржам ухлайверсин. Ҳатто эшикларини очиқ қолдирсалар ҳам, ҳеч қандай хавф йўқ. Биз шу ерда бўлган вақтимиз, мабодо бировнинг уйидан бирор нима йўқолса, ишонч билан айтаманки, буни менинг одамларим эмас маҳаллий ўғрилар қилган бўлади. Мен одамларимга ишонаман, улар менинг рухсатимсиз, бировнинг игнасига ҳам тегмайди. Агар бирорта биз томонимиздан шундай ҳол содир бўлса, айбдорни қаттиқ жазолаб, жабрдийдага зарарини ундириб бераман».

Шундан сўнг шаҳар ҳокимига эртаси куни қуёш бир найза баробари кўтарилган чоғ барчани шаҳар майдонига тўплашни буюрдим. Сўнг шаҳарнинг ҳимояси билан шуғулландим. Шаҳар ҳарбийларини тўлиқ қуролсизлантириб, ҳокимиятни тўлиқ ўз қўлимизга олдик. Мироншоҳни шаҳар хавфсизлиги учун масъул этиб тайинладим. Жангдаги ғалабамиздан сўнг Аржан томонга юборилган қўшиннинг келиб биз билан жанг қилишига унчалик ишонмасам-да, эҳтиёт чораларини кўриб қўйдим. Ўша кеч мен Шерозда қолмадим. Чунки агар мен «Дорул ҳукм» – ҳукмдор саройида қолсам, мени қуршаб олишлари ёки ўлдиришлари мумкин. Яхшиси, чўлга кетганим, қароргоҳимда тунаганим дуруст.

Тонг отди. Намозни ўқиб, яна йўлга чиқдим. Фаттоҳ Бекни қароргоҳга масъул этиб, ўзим шаҳарга томон юрдим.

Шаҳар майдонида кўп одам йиғилган эди. Кечаси катта саҳна ясаб қўйишган экан. Ҳар жой-ҳар жойда аскарлар. Султон Мансур Музаффар билан яна II нафар шаҳзолани саҳнага чиқаришди. Жарчи баланд овоз билан одамларга мурожаат қилди: «Эй, Шероз аҳли! Воқиф бўлинг, бундан бир неча йил муқаддам Амир Темур Кўрагон Хуросонда

бетоб бўлиб қолган. Табиблар унга дори сифатида Форс лимон шарбатини тавсия қилган. Амир дўстона нома йўллаб, шоҳ Мансур Музаффаридан – унга бир оз лимон шарбати юборишини илтимос қилган. У эса жавоб мактуби йўллаб, Амир Темурни қаттиқ ҳақорат қилган. Мана ўша мактуб...

Амир Темур Форсга биргина мақсадда ташриф буюрди. Мана шу одамни қилган қилмиши учун жазолаш мақсадида келди. Энди сиз ана шу жазо қандай амалга ошишини кўрасиз». Жарчи сўзини тугатгач, Султон Мансурнинг ҳиқиллаши эшитилди: «Эй, Амир Темур! Агар хатога йўл қўйган бўлсам – кечир мени!» Мен унга дедим: «Мен сени кечира олмайман! Чунки сендан ўша ҳақоратомуз мактубни олганимдан то кеча устингдан галаба қозонгунга қадар мен қаҳр-ғазаб ўтида ёниб келдим. Сен ёш бола эмассанки, хато қилсанг! Ҳозир ҳам имконинг бўлса, мени темир қафасга тиқиб, қатл эттиришдан тоймайсан. Мен сени ўлдиришга, уруғингни қуриштишга онт ичганман – бунга сен, сенинг мактубинг мажбур қилди мени!»

Султон Мансур айбдор ўзи экани, жазони ҳам ўзи олиши кераклигини айтиб илтижо қила бошлади. Қондошларининг бу воқеага дахли йўқлигини важ қилиб кўрсатди. Уларга омонлик сўради. Мен унга илонни ўлдириб, илончасини қолдириб бўлмайди дедим. Чунки қачондир улар ҳам худди шу илондек бўлиб улғаядилар.

Шундай қилиб жаллод ишини бошлади. Қизиғи шундаки, тўпланган Шероз аҳли жазодан хурсанд бўлди, тўғрироғи уни эзиб келаётган сулоладан батамом қутулганига хурсанд эди.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

ШЕРОЗ ҚУЛАГАНДАН СЎНГ

Ўша куни кечки пайт солномачим Низомиддинни ҳузуримга чорлаб, ваъда қилганимдек уни муносиб тақдирладим. Бироқ Низомиддинни ҳаяжонлантирган нарсага мен

ортиқ қизикмай қўйган эдим. Шунинг учун айримлар каби, бу мавзунинг майда-чуйда тафсилотларига берилиб ўтирмасдан, дарҳол муҳим масалаларга эътибор қаратганим маъқул.

Ўша куни кўрган чора-тадбирларимдан бири, аҳдимни тўла бажариш, яъни Музаффарилар авлодини батамом қириб ташлаш учун, унинг омон қолган икки вакилини излатишга буйруқ бердим – орадан кўп ўтмай хабар келди. Султон Яҳъё Кемше шаҳридан паноҳ топган экан. Зудлик билан шаҳар ҳокимига чопар юбориб, агар мен билан муносабати бузилишини хоҳламаса, Султон Яҳъёни менга юбориши лозимлигини етказдим. Шунингдек, беш минг динар мукофот беришимни ҳам эслатдим.

Бир куни менга ўзини Кемше шаҳри ҳокими деб таништирган Абул Боқи исмли киши узоқ йўл босиб келиб, қабул қилишимни сўраётганлигини айтишди. Қабул қилдим. У Султон Яҳъёнинг бошини кесиб келган экан. Таниб бўлмас даражада эди у: бузилиб кетмасин деган мақсадда тинимсиз йўл босиб келганини айтди. Шаҳарнинг казо-казоларига каллани кўрсатиб, унинг ҳақиқатан ҳам Султон Яҳъё эканини тасдиқлаб олгач, Абдул Боқига ваъда қилинган пулни бердим. У тилла халтани олиб кетишга тараддусланаётган чоғ сўрадим: «Уни қандай қилиб ўлдирдинг?» У жавоб қилди: «Эй Амир, юборган чопаринг менга номангни етказгач, ўз жонимнинг ҳузури учун уни ўлдиришдан ўзга чорам қолмади. Уйимга меҳмонга чақирдим. Дастурхон бошида таомланиб турган жойида одамларим қўққисдан унга ташланиб, чавақладилар. Дарҳол бошини кесиб, ҳузурингга ошиқдим», – деди. Мен унга, мен бундай қила олмаслигимни, агар душманим бўлса ҳам, дастурхонимдан нон еб ўтирган бўлса, ўлдира олмаслигимни айтдим. Абдул Боқи ҳадиксирай бошлади: «Эй, Амир, наҳотки сенинг амрингга бўйсуниб, душманингни бошини кесиб, қирқ тўрт фарсанг масофа босиб келиб ҳам – гуноҳ иш қилган бўлсам?» Унга жавобан: «Йўқ, сенинг асло гуноҳинг йўқ! Мен фақат, ҳатто душманимни ҳам худди сен каби ўлдиришга жазм эта олмаслигимни айтдим, холос», – дедим. Сўнг унинг кетишига рухсат бериб, кесилган бошни ҳам ола кетишини айт-

дим. «Эй, Амир, сен бу каллани мен олиб кетишимни хоҳлайсанми? – таажжубланди у. – Уни нима қиламан?»

«Душманнинг кесилган боши нимага ярардики, уни мен олиб қолсам! Олиб келдингми, олиб кет – нима қилиш ихтиёрингда», – дедим. Абдул Боқи олтин солинган хуржуннинг бошқа кўзига каллани солиб, инқиллаб-синқиллаб чиқиб кетди.

Султон Яҳъё мавҳ бўлгандан сўнг, Мўътасам бин Зайнуллобиддиннинг қаердалигини суриштирдим. Менга унинг Шом (Сурия) мамлакатада экани, қўшин тўплаб Форс вилоятини забт этиш ҳаракатида юргани ҳақида маълумот етиб келгач, Шом подшоҳига чопар жўнатдим. Дарвоқе, у пайт мен Форсда эмас, Мовароуннаҳрда эдим.

Чопар олиб борган мактубда мен Шом подшосини огоҳлантириб, Мўътасам билан ҳамкорлик қилишдан тийишликни, бунинг ўрнига уни тутиб, менга юборишини маслаҳат берган эдим. У менга жавоб йўллаб, қуйидаги сатрларни битибди: *«Афтидан, ортиқча гурурга берилиб, бурнинг кўтарилиб қолибди. Акс ҳолда ҳаддинги билган бўлар эдинг: менга йўл-йўриқ кўрсатиб, тоштириқ беришга журъат этмас эдинг. Мўътасам бин Зайнуллобиддин менинг меҳмоним ва эътиборинг учун мен унинг ҳар қандай илтимосини бажараман!»*

Бу мактубни олгач Шомга юришга аҳд қилдим, бироқ хийла аввалроқ Ҳиндистонга ўтишга қарор қилиб қўйган эдим. Бориб шу мамлакатни ўз кўзим билан кўрмоқчиман. Менга айтишларича, у ерда бойликлар шу қадар кўп эмишки, оёқлар остида думалаб ётармиш.

Охир-оқибат Султон Мўътасам бин Зайнуллобиддин менинг саркардаларимдан бири билан бўлган жангда ўлдирилди. Унинг бошини ҳам кесиб менга юборишди. Шу билан Музаффарилар сулоласи батамом тугатилди. Ва шу кунга қадар бу сулола ортиқ бош кўтармади. Чамаси, мен унинг барча вакилларини йўқотдим ёки барча бойликларини олиб қўшин тўплаб ҳокимиятга интилишлари учун имкон қолдирмадим.

Ҳамма ишларни битиргач Шерознинг олиму уламолари билан учрашмоққа қарор қилдим. Уларни Умар бин

Лайс масжидида тўпланишларига изн бердим. Аввал ҳам айтганимдек, у бу масжидни ҳижрий 285 йили қурган.

Дастлаб олимлар шарбат билан сийландилар. Шундан сўнг шерозлик олимларнинг энг кўзга кўринган вакили Шайх Баҳовуддин Ардастонийдан сўрадим:

«Таҳорат амали бажараётганда масиҳ тортиладими ёки оёқ ювиладими?» Шайх Баҳовуддин Ардастоний жавоб қилди: «Оёқ ювилади». Мен сўрадим: «Нима учун ювилади?», «Аллоҳнинг иродаси шу», – деб жавоб қилди у. Мен яна сўрадим: «Нега Аллоҳ шуни хоҳлади?» У жавоб қилди: «Тозаликка риоя этишимиз учун». «Аллоҳ Қуръоннинг қайси оятларида буни марҳамат қилган – биласанми?» Шайх Баҳовуддин жавоб қайтара олмади.

Даврадагилардан бири бу саволга жавоб бермоқчи эканини айтди. Мен бунга изн бермадим, чунки саволни унга бермаган эдим. Шайх Баҳовуддин тилга кирди: «Мен Қуръон оятларида таҳорат ҳақида оятлар борлигини биламан, ammo қайси оятлар – эслолмаяпман», – деди у ўзини оқламоқчи бўлиб.

«Биламан-у, фақат эслай олмаяпман!» – бу вазиятдан чиқишнинг осон йўли. Бинобарин, сен Шерознинг диний раҳнамоси, ўқимишли олим бўла туриб, таҳорат амали ҳақида Қуръоннинг қайси оятларида эслатмалар киритилганини билмаслигинг, бу моҳир жангчининг жангга қуролсиз чиқиши, қиличини унутиб уйда қолдиргани билан баробар ҳолат. Шу асно мен Шайхга Қуръон сураларининг қайси оятларида таҳорат ҳақида кўрсатмалар борлигини айтиб, «Моида», «Нисо» сураларини ўқиб бердим, оятлар мазмуни унга танишми, йўқлигини сўрадим. У таниш эканини айтгач, бошқа олимга юзландим: «Бомдод намози ислом дини арконларида алоҳида имтиёзга эга. Айт-чи, унинг ана шундай алоҳида имтиёзга эга эканлиги нима билан асосланади?» Ҳожи Муса Чах Кутачи жавоб қилди: «Имтиёзга сабаб, у бошланаётган кунни очиб беради». «Бу қандай талқин қилинган?» – сўрадим ундан. Ҳожи Мусо Чах бу саволга жавоб бера олмади. Шунда ким жавоб беради деб давра аҳлига юзланган эдим, бир соқолсиз йигит жавоб бермоқчи эканини айтиб, изн сўради. Айт дедим. У шундай

деди: «Аллоҳ Бани Исроил (17) сурасида бомдод намозини «Қуръон-ул фажр» деб айтади, яъни бомдод Қуръони. Барча ислом уламолари бу масалада ҳамфикр: Аллоҳ бу оятда Қуръон деганда намозни назарда тутган, шунга асосан Худо намозни Қуръон деб атаган одамлар онгига бомдод намозининг алоҳида фазилатга молик эканини сингдирмоқ бўлган. Бомдод намозини бир бутун Қуръон мақомига тенг қилган. Шунинг учун ҳам биз мусулмонлар бошқа намозларни ҳам муҳим, ўз ўрни ва аҳамиятига эга эканини эътироф этган ҳолда бомдод намози хос фазилатга эга деб қараймиз».

Мен уни олқадим: «Офарин, эй нуктадон йигит! Тур ўрнингдан ва менинг ёнимга келиб ўтир, илло, сенга ўхшаган кишиларнинг ўрни менинг ёнимда бўлмоғи лозим!» У келиб ёнимга ўтирди. Унинг уст-боши жуда юпунлигини кўриб, сўрадим: «Исминг нима? Тирикчилигинг қалай?» У ўзини Ҳасан бин Қурбат деб таништирди, тирикчилиги ҳаминқадар эканини айтди. Мен унга минг тилло динор ҳадя қилдим. Шайх Ҳасан бин Қурбат миннатдорчилик билдирди, сўнг юзини яқин келтириб, қулоғимга шипшиди: «Эй Амир, бу ерда ўтирганларни ортиқ мулзам қилмаганинг маъқул. Буларнинг аксари исломга фақат либоси ва ташқи кўриниши билангина эътиқод қўйган. Билиб-билмай, тушуниб-тушунмай амалларни бажариш билан кифояланишадди. Улар Қуръоннинг маъноси, сура ва оятларнинг мазмун-моҳиятини тушунмайдилар! Ҳатто кўплари араб тилини билмайди. Зеро, дин пешволари Қуръон маъноларини тушуниш учун ҳам араб тилини билишлари даркор».

Мен дедим: «Бу анжуманни чақиришдан мақсад, Шероз уламоларини мулзам қилиш эмас, уларнинг илмий салоҳиятларини кавлаштириб, ўзим ҳали ҳеч кимдан эшитмаган янги фикрларни эшитмоқчи эдим».

Шайх Ҳасан бин Қурбат аста гапирди: «Эй Амир, Шерозда чинакам олимлар бор. Бироқ улар хилватга чекинганлар. Танҳоликни ихтиёр этганлар. Сўфийлик таълимоти таянадилар. Шерознинг мана булар сингари олимлари, уларни диндан қайтганликда айблайдилар. Чунки улар ўз шеърларида шароб, майхона, най, гўзаллар ва чангни

куйладилар. Бу одамлар эса уларни майхўр ва зино, фаҳш ишларни қилувчилар дея қоралайдилар. Ваҳоланки, улар орифлар. Илм-ирфонни жуда теран тушунадилар. Агар диний масалаларда, Қуръон маъноларини теран англаш борасида янги бир гап эшитмоқчи бўлсанг – ўшалар билан суҳбат қил».

«Мен сенинг маслаҳатингга амал қилиб, албатта, орифлар билан суҳбатлашаман», – дедим унга.

Шайх Қурбатнинг маслаҳати билан Шероз орифларини ўз қароргоҳимда тўплаб суҳбат қилдим. Мен ўша мажлисда иштирок этган барча орифларни номма-ном келтириш фикридан йироқман, айримларинигина эслашни жоиз деб ҳисоблайман. Булар: Закариё Форсий – тахаллуси «Вомиқ»; «Ориф» тахаллуси билан машҳур Сабоҳиддин Сумбули ва «Ҳофиз» номи билан шуҳрат қозонган Шамсиддин Муҳаммад Шерозий.

Мажлисда иштирок этаётганлар орасидан фақат биттасининг – Шамсиддин Муҳаммад Шерозийнинг шеърларини ўқиган эдим. У «Ҳофиз» номи билан машҳур эканини ҳам билардим. Бироқ қолган икки суҳбатдошимнинг ҳатто исмини ҳам эшитмаганман. Ўша пайт Ҳофиз анчайин қартайиб қолган, қомати букчайиб, кўзлари нурсизланганди. Мен ҳам мана ҳозир бирмунча қаридим, аммо ҳали ҳам кучимни йўқотганим, ором истаб қолганим йўқ. Илло, мен оромни ўзимга таъқиқлаганман.

Кучли бўлишни истаган инсон, оромга, ҳузур-ҳаловатга, қайсиким инсоннинг жисмоний қуввати ва қалбини емирадиган бу «ёстиқ»қа бош қўймаслиги керак. Орифлар билан суҳбатимиз жуда мароқли кечди.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

ЛУРИСТОН ЎЛКАСИГА ЮРИШ

Орифлар билан тез-тез учрашишим керак экан, деган ис-так уйғонди менда. Бир ташвиш туғилмаганида эҳтимол ҳали улар билан яна бир неча бор учрашиб, мажлисларида ишти-рок этган бўлар эдим. Аммо ташвишли бир хабар мени йўлга

чиқишга ундади. Суҳбатимда бўлган орифларнинг барчаларига минг динордан тилла танга улашдим. Шайх Қурбатга яна 500 динор бериб хайр-хўшлашдим. Форсни бошқариш вазифасини ўғлим Мироншоҳга топшириб, ўзим бир қисм қўшинни олиб Луристон сари йўл олдим. Кетишим олдидан Мироншоҳга Форсни идора қилишда нималарга эътибор бериш лозимлигини уқтириб, ҳеч кимни эгаллаб турган лавозимидан бўшатмасликни, ҳар ким ўз ўрнида қандай ишлаб келган бўлса, шундай ишлайверишлигини, агар бирортасининг манфаатига зид иш қилинса – маҳаллийлигидан фойдаланиб исён кўтариш мумкинлигини тайинладим. Шундан сўнг қўшинни уч қисмга ажратиб, юқорида айтганимдек, бир қисмини олиб Луристон сари юрдим.

Луристонга юрганимнинг сабаби, отабеги Афросиёб бин Юсуфшоҳ унинг ерларидан ўтаётган бир ҳарбий бўлимамининг йўлини тўсиб, ҳудудидан ўтганлари учун ҳақ талаб қилибди. Тўловдан бош тортгани сабаб 150 кишини қириб ташлабди. Бу хабар мени кескин чора кўришга ундади.

Луристонга кета туриб, йўлнинг ҳар бир бекатида тўхтаб, ўша ўлка ҳақида маълумот тўпладим. Барча мени бу самарасиз сафардан қайтармоқчи бўлар, Луристон отабеги Афросиёбнинг қароргоҳи тоғ ортида, ҳеч қандай қўшин етиб бора олмайдиган ерда жойлашганлигини, унинг ҳудудига кирган қўшин муқаррар ҳалок бўлишини важ қилиб кўрсатар эди.

Айтишларича, ўша ҳудуд баланд тоғлардан иборат бўлиб, чўққилари осмонга етар эмиш. Даралари шу қадар чуқур эканки, ости кўринмасмиш. Башарти, биз унинг қароргоҳига худди ўша дарадан ўтиб боришимизга тўғри келар экан. Бундай жойда душманнинг 150 нафар жангчиси менинг юз минглик қўшинимни қириб ташлашга қодир эмиш. У ерда Симра деган дарё ҳам оқиб ўтар экан ва ундан ҳали бирор-бир қўшин кечиб ўтолмаган, дейишди. Шунингдек, Луристонда шундай одамлар яшар: уларнинг бўйи 2 заръга етармиш. Агар улар бўкиргудек бўлса, тоғлардан тошлар кўчиб тушар эмиш. Улар узоқ умр кўрар экан. Масалан, эркаклари 150 йилгача умр кўрар, аёллари 80 ёшгача бола туғармиш.

Улар шу каби гапларни айтиб, менинг ташвишимни қилиб, йўлдан қайтармоқчи бўлишди: «Эй, Амир, 150 киши учун қасос олиш фикрингдан қайт, ўзингни муқаррар ҳалокатга олиб борма. У тоғлик ҳудудда ҳамма нарса сенинг зарарингга ишлайди». Мени сафардан қайтармоққа уринганлар яна шундай дедилар: «Агар Луристон ҳукмдори Афросиёб бин Юсуфшоҳ пойтахти Ҳусайнободда бўлса ва у ерни тарк этмаса, сен у билан жанг қила олмайсан. Чунки сенинг қўшининг йўлдаги ғовларни – тоғ, дара, дарёларни кечиб Ҳусайнободга етиб бориши амримаҳол». Айрим ҳудудларда шундай қуюқ ўрмонлар бор эмишки, кундузлари ҳам машъала ёқиб юрилмаса, қоронғиликда адашиб қолиш ҳеч гап эмаскан. Шу ва шунга ўхшаш кўп ажойиб-ғаройиб нарсаларни айтиб беришди. Ўтган улуғ жаҳонгирларнинг номларини ҳам тилга олишди: «Македониялик Искандар ҳатто у жойларга чиқиб бора олмаган, сен қандай қилиб отабек Афросиёб билан жанг қилмоқчи бўлясан?»

Мени сафардан қайтармоқчи бўлган кишилар оддий, авом одамлар эди. Улар тарихни билишмасди. Македониялик Искандарнинг Луристон билан неча пуллик иши бўлсин агар бир воқеа сабаб бўлмаганида, менинг ҳам ишим йўқлигини билишмас эди.

Мен анча илгари бу жой ҳақида кўп маълумотлар тўплагандим. Сабаби, Бағдод ва Форсга айнан Луристон орқали бормоқчи бўлган эдим. Бироқ кейин билдимки, мамлакатнинг ғарбий томонида улкан тоғ тизмаси жойлашган бўлиб, у 60 фарсанг масофага чўзилган эди. У ўтиб бўлмас даражада мураккаб бўлгани туфайли, шу пайтгача Луристонга бирор-бир қўшин ғарбий томондан кирмаганлигини англагандим.

Бироқ шарқ томондан Луристонга кирса бўлади. Мен бу ҳақда тарихий китоблардан ўқиган эдим. Ўша томондан ажнабий мамлакат қўшинлари бир неча марта бостириб кирганлар. Нафақат Амир шаҳрини, балки Ҳусайнободни ҳам ишғол қилганлар.

Шероздан чиққанимда ёз фаслининг ўрталари эди. Агар Луристон сафари чиқиб қолмаганда эди, Мовароуннаҳрга

қайтишни режалаштирган эдим. Аввал эслатганимдек, Мовароуннаҳрдан Астрободга, кейин Мозандаронга келакелгунча, қаерда имкони бўлса кабутархоналар – даракчи қушлар учун қўналғалар қуриб келмоқда эдим. Бу менга қўл остимдаги мамлакатлардан мунтазам равишда маълумотлар олиш имконини бериши керак.

Мен билан Мовароуннаҳрда қолган ўғлим Шайх Умар ўртасида мунтазам алоқа бор эди. Агар Луристон масаласи чиқмаганида, Шайх Умарни Форс ўлкаси ҳукмдори этиб, Мироншоҳни ўзим билан олиб қайтмоқчи эдим. Лекин кутилмаган мана бу воқеа сабаб, режамдаги ишларни бир оз кечиктиришимга тўғри келади.

Луристонга борадиган йўл бўйлаб кабутарлар қўналғаларини ташкил этдим. Қўл остимдаги мамлакатлар билан мунтазам алоқада бўлишим лозимлиги бир дақиқа бўлсин мени тарк этмас эди.

Луристонга киришимиз билан қўшин ҳарбий юриш тарзига ўтди. Олд, ортда ва икки қанотда кузатув қисмлари барча томонни ўрганиб, назорат қилиб бормоқда эди.

Бир куни қуёш ботар чоғи бир ҳудудга бориб қолдик. Мен билар эдим, айни ана шу ҳудудда дара жойлашган, ундан ўтишда жуда эҳтиёт бўлишимиз керак эди. У ерда 3-4 та пастаккина уйлар, тегирмон кўзга ташланди. Ўтлоқда эса қўй суруви ва отлар ўтлаб юришарди.

Узун бўйли, бақувват жуссали, узун соқоли оқарган бир чол пайдо бўлди. У бошига телпак кийган эди – телпаги худди катта чалмага ўхшарди. Чолни ҳузуримга олиб келишларини буюрдим. Олиб келишгач ёшини ва қайси диндан эканини сўрадим. У шундай жавоб қилди: «Ёшим 170 да. Худонинг кўп дини бўлмайди, Худо битта ва унинг дини ҳам битта!» Ундан бирор-бир истагинг борми деб сўрадим. У ҳеч қанақа истаги йўқлигини айтди: «Ўлимдан-чи, ўлимдан қўрқмайсанми?» – деб сўрадим ундан. У кулди: «Ўлимни ўзидан бошқа яна нимаси борки, ундан қўрқсам!»

Мен дедим: «Эй, отахон, мен бир йўлчиман, сафаримда давом этишим керак, акс ҳолда ҳузурингда қолиб, сен билан узоқ-узоқ суҳбатлашар эдим. Сен кўп нарсани кўрган-

сан. 170 йиллик умринг давомида кўп нарсага гувоҳ бўлгансан», – дедим. У жавобан деди: «Йўлингдан қолма йўловчи: мен тоғлар, далалар ва мана шу манзарадан бошқа ҳеч нарса ни кўрганим йўқ».

Унинг сўзларини эшитиб ўзимга-ўзим савол бердим: «Наҳотки, инсон узоқ йил яшаши учун ҳеч нарса ни билмаслиги керак?»

Чолнинг хўжалигини тарк этар эканман унинг 120 ёшлик ўғлидан сўрадим: «Биз Ҳусайнободга боришимиз керак – бизга йўлбошловчи бўласанми?» Унинг исми Гив экан. У: «Агар Ҳусайнободга мана шу йўлдан бормоқчи бўлсаларинг, отларни қолдиришларингга тўғри келади. Чунки олдда доvon бор, отлар уни кечиб ўтолмайди. Лекин яна битта узоқроқ йўл ҳам бор. Унда биттагина катта тўсиқ бор, у ҳам бўлса Симра дарёси. Дарёнинг саёз жойи бор – кечиб ўтсаларинг бўлади», – деди.

Мен мана шу йўлдан борилса Ҳусайнободга бориш учун неча кун керак бўлади, деб сўрадим. У яхши чопағон отлар 10 кунда боришини, бизнинг қўшинимиз 15 кун йўл юришини айтди.

Луристонга борадиган бу йўлни билар эдим, аммо унинг узоқлиги мени иккилантириб қўйди. Икки йўл бор: бири си доvon орқали уч кунлик йўл: иккинчиси текис йўлдан 15 кунлик йўл. Иккиси ҳам Асийаб орқали ўтади. Доvon йўлига юборилган кузатувчиларимиз қайтиб келди. Улар доvon йўли жуда тор эканини, отсиз пиёда ҳолда ҳам ўтиш ўта мушкул ва хатарли эканини айтишди.

Мен кекса жангчиларимнинг мулоҳазаларини қадрлайман. Улар кўп нарса ни билишади. Тажрибалари катта. Айтгани тўғри чиққанига кўп марта гувоҳ бўлганман.

Катта кузатув гуруҳига хабар юбордим. Ҳозирча тўхтаб фавқулодда ҳужумлар бўлмаслиги учун назорат олиб бориб туришларини, эртага ортга қайтиб Ҳусайнободга текис йўлдан кетаётган қўшинга келиб қўшилишларини тайинлаб чопар жўнатдим. Гив қишлоқдошларидан бирига биз билан кетаётганини отасига айтиб қўйишини уқтиргач, тайёр бўлган қароргоҳга томон йўналдик. Эртаси куни эрталаб сафарга отландик.

Мен бу 120 ёшли кишига ишонч билдирдим. У мени алдамаслигига, ҳийла йўли билан бизни душманнинг тузоғига тушириш фикридан йироқ эканига шубҳам йўқ эди. Олдга кузатувчи қисмини юборгач, Гивга отга миншини тайинладим – йўлга чиқамиз, дедим. Гив оёқларини кўрсатиб: «Мана менинг отим, мен уларда отдан кўра тезроқ чопаман», – деди. У ҳақ эди. Дастлабки кунларданоқ Асийаб Айездан чиққанамиздан буён, у суворийлар билан баб-баробар йўл босиб келмоқда эди. Тоғ йўли ўнқир-чўнқир, бироқ отларнинг ҳаракатига қулай эди. Аҳён-аҳён йўлда қарама-қарши томондан келаётган лурларни ҳам учратиб қолар эдик. Шу сабаб саркардаларимга бизни ҳеч ким қувиб ўтмасин, биздан ўзиб ҳам кетмасин, дедим. Луристон ҳукмдорининг бораётганимиз ҳақида аввалдан хабар топишига йўл қўймаслик керак.

Бир куни кечқурун узоқдан гумбурлаган бир товуш эшитдим. Гивдан сўраб билсам, бу Симра дарёсидан тушаётган сувнинг шовқини экан. Биз илгари борганимиз сари бу товуш кучайиб борди. Кечқурун биз тўхтаган жой ўша сув тушардан ярим фарсанг масофада бўлса ҳам, товушларнинг тоғдаги акс-садолари шу қадар кучли эдики, худди ўша дарёнинг бўйида тургандек эдик. Турли хил товушларга, ҳатто порох зарядларнинг портлашларига ўрганган отларимиз, бу даҳшатли товушдан бесаранжом бўлиб, аввалига емга ҳам оғиз урмади. Бу товуш улар учун янги эди. Аммо кўп ўтм и кўникди, шекилли, отлар озуқаларини ейишга киришди.

Менинг юртимда Сайхун ва Жайхун дарёлари бор, уларда Симрадаги сингари улкан шаршаралар йўқлиги туфайли кемалар қатнови йўлга қўйилган. Симра суви жуда тез оқар, шаршаралари кўп бўлгани боис бундай имкониятга эга эмас эди.

Сувдан таралаётган гумбурлаган товуш шу қадар даҳшатли эдики, мен шу пайтга қадар сув шундай товуш чиқариши мумкинлигини тасаввур ҳам қилмаган эдим. Эртаси куни тонгда биз йўлимизда давом этдик ва ўша улкан шаршара яқинига етиб бордик. Мен уни яхшироқ томоша қилиш учун отдан тушдим. Ерга тушиб, тушаётган сувнинг

шиддатидан чиқаётган гумбурлаган товуш таъсиридан ернинг ларзага келаётганини ҳис қилдим. Гив сўзлари менга етиб келиши учун бор овозда гапирди. Айтишича, ҳозир сув кам эмиш. Баҳор фасли сув кўпайганда бу товуш шу қадар кучли бўлар эканки, ҳатто тоғдан тошлар кўчиб тушар эмиш. Шундай деб сўзининг исботи учун тоғ томонни ишора қилиб кўрсатди. У ёқдан бир тош юмалаган эди. Гив яна бўғилгудек бўлиб, бу дарёда шунга ўхшаш сув тушарлар кўп эканини, бироқ ҳеч қайси бири мана шу каби катта эмаслигини айтди. Мен унинг баландлигини кўзда чамаладим: 30 заръча бор эди.

Сув тушарни томоша қилиб бўлгач ортга қайтдим. Чунки бу атрофда дарёни кечиб ўтса бўладиган жойни учратмадим. Биз йўлга тушдик ва Гив яна яёв бизни кечув сари бошлаб кетди. Кечув жойи жуда кенг эди. Эни чамамда 400 заръ чиқарди. Гарчи ости унча чуқур эмаслигини билиб турсам ҳам, эҳтиёт шарт, аввал бир нечта суворийни сувга тушириб, синаб кўрдим. Чунки дарёларда шундай ҳоллар учраб туради. Ўзимизнинг Жайҳунда ҳам кўрганман. Кечув сой сайёз кўринади, аммо ўртасига борганда чуқурга тушиб, чўкиб кетганлар бўлган. Хайрият, бу жой унақа эмаскан. Қўшин мана шу жойдан соғ-саломат дарёни кечиб ўтди.

Дарёдан ўтгач яна олд кузатувчи қисмни йўлга чиқардик. Гарчи Гив ҳали олдинда яна дарёлар учрайди, деган бўлса-да, қўшин сувдан қийналиб қолмаслиги учун чоралар кўришни тайинладим. Чунки айрим дарёлар баҳорда тўлиб-тошиб оқади-ю, кузга борганда батамом қуриб қолади. Тўғри, Гивга ишонмаслигимиз мумкин эмас, аммо у табиатнинг қандай инжиқликлари борлигини билмайди, шунинг учун қўшин кутилмаганда сув муаммосига дуч келмаслиги керак.

Олд кузатувчи гуруҳдан, шундай бир жойга келдикки суворийлар ўта олмайдилар, деган хабар олдик. Гивдан йўлимизда ўтиб бўлмайдиган тоғ йўқми, деб сўрадим. У олдимизда қалин тоғ ўрмони борлигини, ундан ўтиш ва пастга тушиш учун шошилишимиз ва жангчилар отларнинг жиловини тубидан ушлаб олишлари лозимлигини тушунтирди.

Ўрмонга етиб келиб, кўрдикки, у жуда қалин эди. У Аст-робод, Филон ва Мозандаронда кўрган ўрмонларимиздан фарқ қиларди. Дуб дарахтидан ташқари бу ўрмонда бошқа нав дарахтлар ҳам кўп эди. Гив айрим дарахтларни кўрсатиб, уларнинг ёши минг йилдан ҳам ошади, деди. Биз жиловларнинг тубидан ушлаб, мана шу ўрмон билан қопланган тоққа томон юрдик. Ер қумлоқ эди, шундан отларимизнинг юриши қийинлашди. Ўрмонда айиқларни учратдик. Улар бизни кўриши билан ғойиб бўларди. Бу ердан ҳеч қачон карвон ўтмаган бўлса керак. Сирасини айтганда, узоқ йиллар мобайнида бу жойлардан ўтган ягона йўловчи биз бўлсак ажаб эмас. Гивнинг айтишича, шу ўрмонни кечиб ўтмай, Хусайнободга бориб бўлмас экан. Яна, бу тоғдан тушиш чиқишимиздан кўра қийинроқ бўлади, деб огоҳлантирди.

Тушга бориб тоғнинг энг баланд жойига чиқдик. Кейин пастга эна бошладик. Тушиш жойи қалин дарахтлар билан қопланган, у шунақа айланма эдики, агар каллани ишла-тиб отларимизни бир-бирига арқон билан боғлаб олмаганимизда, отларимиз пастга сирғалиб кетишлари тайин эди. Жангчилар отлари пастга сирғалиб кетмаслиги учун дарахтларнинг танасига қўлларини қўйиб, бутун вужуди билан қаршилиқ кўрсатишга ҳаракат қилар эдилар.

Тоғ пастида кичкина дарё оқиб ўтар экан. Биз уни юқоридан кўрдик. Одамларимиз ҳам, отларимиз ҳам роса чанқанган, айниқса, отларнинг тинкаси қуриб бормоқда – сувга етишимиз учун эса пастга тушиб олишимиз керак эди.

Кечки пайт қўшиннинг ярми ҳали тепада эди. Аммо бахтимизга тун жуда ойдин бўлди. Тўлин ой ҳамма ёқни сугдай ёритиб турарди. Ана шу имкониятдан фойдаландик. Эртани кутиб ўтирмай қўшиннинг қолган ярмини ҳам шу кечанинг ўзида пастга туширдик. Гарчи жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилсак-да, барибир элликта отимиз пастга сирғалиб кетди. Аксари жойида ўлди, айримлари оёғини синдириб олди. Юзлаб жангчиларим турли даражадаги тан жароҳати олишди, бироқ қурбонлар бўлмади.

Энг охирида ўзим тушиб келдим. Пастга оёқ босган чоғим юлдузлар тун ярмидан оққанини кўрсатмоқда эди.

Чарчаган бўлсам-да, уйқум келмади. Қароргоҳ ўрнатиш ишлари билан машғул бўлдим. Тонг отгач, намоз ўқиб, сўнг бир оз дам олиш учун оёғимни чўздим.

Гивнинг гапига қараганда, Хусайнободгача бир кунлик йўл қолибди. Бироқ шундай йўл босишимиз лозимки, унга тонг чоғи кириб боришимиз керак экан. Кўз юмганимга ҳали бир соатча ҳам бўлмайдан жанговар сур товушидан уйғониб кетдим. Ҳарбий юришлар чоғи уст-бош билан ётишга одатланганмиз, шунинг учун ортиқча ҳаракатларсиз, отилиб ташқарига чиқдим: «Нима гап?» Олд кузатув қисмидан хабар келган экан. Маълум бўлишича, қарама-қарши томондан бизга қараб пиёда қўшин ҳаракатланаётган эмиш, Қўшин Хусайнободдан чиққанга ўхшар экан.

Мен Гивдан бу қўшин ҳақида нимани биласан, деб сўрадим. Гив бу атрофда Луристон отабегидан бошқа ҳеч кимда қўшин йўқлигини айтди. Менинг «Улар бизнинг келаётганимизни қандай пайқади?» деб берган саволимга у: «Асийаб Айезда сени ҳамма кўрди, қаёққа кетганингни ҳам биледи. Йўлни ўзгартирганингни кўриб, улар қайси йўлдан кетаётганингни дарҳол англаганлар-да, қаршингдан чиқишга ошиқиб келяптилар», – деб жавоб қилди. Отабегининг қўшини ҳақида нималарни билишини сўраганимда у, бу яқин орада Афросиёб отабегининг қўшини ҳақида маълумотга эга бўлмаганлигини, бироқ у зарурат туғилган чоғлари Биранвенд қабиласини оёққа турғазини, улар эса ҳаммаси пиёда жангчилар эканини айтди.

Гив адашмагани, ҳақиқатдан ҳам воқеалар ривожи худди у айтгандек бўлган. Менинг келаётганим ҳақидаги гап қулоғига чалиниши билан қайси йўлдан бораётганимни англаган. Чунки Афросиёб бин Юсуфшоҳ бу ерларнинг шарт-шаронтини беш қўлдек биледи.

Отабеги Афросиёб менга пешвоз чиқишга сал шошқалоқлик қилган эди, илло, у яхши ҳимояланган тоғли ҳудудини ташлаб чиққан, боз устига пиёда қўшинини бошлаб келмоқда эди. Мен қароргоҳимни ўрнатган жой – дарёдан тоғ этакларига қадар текис водий ястанган эди. Ва бу водий бўйлаб мен отлиқ қўшинимни хоҳлаган томонга ҳаракатлантиришим мумкин. Агар у ўзининг тоғли ҳудудида

қолганида ва мени ўша ёқда қарши олганида анчайин устунликка эга бўларди. Хуллас, душманнинг шаҳд билан олға силжиётгани бизнинг фойдамизга эди. Ёки Фирдавсий ёзганидек, отабеги Африосиёб ўз оёғи билан ўзининг мозорига келмоқда эди.

Душман қўшини кўрингунга қадар биз қароргоҳимизни йиғиштириб, қўшинни ҳарбий ҳолатга келтирдик. Олд кузатувчи қисм келиб, асосий қўшинга қўшилди. Қўшинни тўрт қисмга бўлиб, учтасини марказ ва қанотларга, бир қисм жангчиларни эса захирага қолдирдим. Шу пайт узоқдан отабегининг қўшини кўринди. Улар ҳозиргина дарадан чиқиб, биз томонга илдам юриб келмоқда эди.

Узоқдан қанчалик фарқлаш мумкин, билмадим-у, ҳар қалай, отабегининг жангчиларида найза кўрмадим. Демак, улар фақат яқин масофада жанг қилиш қуроллари билан жангга отланганлар. Бироқ жангчилар сон жиҳатидан кўп эди: менинг хомчўтимча, саксон минггача бор эди. Улар ҳеч қандай ҳарбий тартибга риоя қилмасдан, гала-гала бўлиб югуриб келишарди. Отабегининг барча жангчилари бўйчан, узун соқолли ва ҳатто соқолига оқ оралаганлар ҳам бор эди. Уларда биздан чўчиш аломати сезилмасди, яқинлашгач, сангдондан биз томонга тош ёғдирдилар.

Биз фаолиятимиз давомида бундай ҳужумларга кўп бор дуч келганмиз. Бошимизга тош ёмғири ёққан ҳоллар кўп бўлган. Сабзаворда Али Сайфиддиннинг қўшини ҳам шундай йўл тутган эди. Бу бизни ҳеч қачон кўрқитмаган ва биз ҳаминша ғалаба қозонганмиз. Жангда душман томон нимаки ёғдирмасин – тош бўладими, ўқми, энг оқилона тадбир тезроқ бориб унинг сафига тақалиш кераклигини яхши биламиз. Мен Гивга жанг майдонидан узоқроқ бўлишини тайинладим. Биз ҳаммамиз қуроолларни жангга шай қилиб, душманнинг сафларини ёриб кириш учун унга томон от чоптирдик.

Шу ўринда балки сиз, нимага дастлаб биз ҳам тош ёки ўқ ёғдириб душманга бир оз талофат етказмаганимизга ҳайрон бўлаётгандирсиз. Шундай қилишимиз ҳам мумкин эди. Аммо бу оқибат жанг тақдири учун умуман

аҳамиятсиз тадбир экани намоён бўлади. Уришиш галаба қилмоқ демакдир. Шундай экан охирида натижаси ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган майда-чуйда ишларга вақт сарфламаган маъқул. Ҳар икки томон: менинг қўшимини ҳам, отабегининг жангчилари ҳам ўн кун тўхтамай бир-биримизга тош ёғдиришимиз мумкин, аммо натижа қани?..

Қайтага менинг шиддаткор ҳужумим душманнинг истеҳком чизигини бузиб, галабанинг дастлабки шартини рўёбга чиқаради. Шунинг учун ҳам барча жангчиларим, ўзим ҳам шиддат билан душманга томон от сурдим. Отларнинг бўйнига ёпишиб, букчайганча борилади бундай чоғ – бу тошга нишон бўлмаслик шарти. Фақат бошни бир кўтариб, йўналиш тўғри эканига ва оралиқ масофа қанча эканига назар ташланади. Мен пешқадам бўлиб, олдинги сафда қўшинни жангга бошлар эканман, жангчиларимга ўз жонимни уларникидан азиз деб билмаслигимни, жанг майдонида ҳамма бир тан-бир жон эканини фақат сўзда эмас, амалда намоён этаман. Шарқ ва ғарб ҳукмдори бўла туриб ҳам жанггоҳларда оддий аскарман, ўз жонимни бошқа ҳеч бир аскарнинг жонидан ортиқ баҳоламайман. Ҳалиҳануз ажалнинг менадан қочиб юргани шундандир, эҳтимол. Менинг бу борада қатъий фикрим бор: ким ўлимдан қўрқса, шубҳасиз уни топади, бегумон ҳалокатга учрайди. Айни шу сўзларни Рум султони Йилдирим Боязидга ҳам айтганман. Агар у ўлимдан қўрқмаганида мағлубиятга учрамаслигини таъкидлаганман (бу ҳақда кейинроқ батафсил ҳикоя қиламан). Аввал ҳам айтганман, қалъаларни ишғол қилганда мен жангчиларнинг ортида, очикдан-очик жангларда эса олд қаторда тураман. Ва бундан сира афсусланмайман. Менинг бу ишим бошқаларга ўрнак, уларни янада шижоат билан жанг қилишга ундайди.

Мен билардим. Отабегининг қўшини билан жангга киришгунга қадар бир қисм жангчиларим ёки отларимдан ажралишимни билар эдим. Зеро, ҳар қандай жангда бунинг каби қурбонликлар берилади – бусиз душманга яқинлашиб бўлмайди. Мен жангчиларимнинг жанг чоғи наъра тортишларини истамайман, бу ҳақда уларга айтмаганман, бироқ ўйлаб қарасам, ўзим ҳам баъзида жанговар овоз

чиқарар эканман. Шундай экан бундай қилмасликни улардан қандай талаб қилишим мумкин? Бундан ташқари, мардонавор жангчини чекламаслик керак. Масалан: «бўкирмай олиш», «отингни астароқ ҳайда» – у қил-буни қилма ва ҳоказо деб ақл ўргатаверсанг ёки талаб қўйсанг, у эркин жанг қила олмай қолади. Бу унинг жанговарлик сифатларига таъсир этмай қолмайди.

Отабеги қўшинининг биринчи қаторига етиб келгач, шу пайтгача ўнг қўлимда тутиб келган жиловни бўйнимга ташладим, бўшаган ўнг қўлга қиличимни олдим. Лур жангчилари қилич, жанговар болта ва санчқилар билан қуролланишган эди. Улар жанг қилишни билишлари дастлабки тўқнашувдаёқ намоён бўлди.

Жангнинг дастлабки дақиқаларидаёқ бир нарсани ўйладим. Агар отабеги Афросиёб жангчиларини найза билан ҳам қуроллантирганида, мен иложсиз равишда чекинган бўлар эдим. Ўшанда улар бизнинг кўплаб отларимизни сафдан чиқарган бўлишарди. Жангчиларимиз пиёда бўлиб қолар ва ўзимиздан кўра бўйчан ҳамда жисмонан кучли рақиб билан қилич чопишишига тўғри келарди.

Чап томонимда лур жангчиси санчқи билан жангчиларимдан бирининг отини қулатди, мен ёрдамга боргунимга қадар суворийни тинчитди. Менинг ойболтам унинг томонини чўрт кесганида у даҳшатли бўкириб отларим туёқлари остида қолиб кетди. Шу пайт ўнг томондан биттаси ҳамла қилиб қилич сирмамоқчи бўлганида, чаптастлик билан унинг қўлига зарба бердим. Гарчи қўли узилиб тушмаган бўлса-да, аввал қиличи, ортидан ўзи ерга қулади.

Икки қанот жангчиларимга саркардалик қилаётган ҳарбий бошлиқларим ўз ишларини яхши билсалар-да, уларга чопар юбориб, душман метиндек мустаҳкам, мардонавор жанг қилаётганини, қанотларни айланиб ўтиб, ортдан зарба беришни тезлаштириш лозимлигини уқтирдим. Олишувлар жараёнида бошимни кўтариб, атрофни синчиклаб кузатдим. Афросиёб бин Юсуфни кўриш илинжида эдим. Бироқ, уни эслатадиган ёки англатадиган бирор белги кўрмадим.

Лур жангчиларида жангжомалар йўқ эди. Бошларида фақат қозонга ўхшаш катта телпак кийиб олишганди. Бош

кийимлари қиличнинг зарбасини сал юмшатишини айтмаганда, бошқа ҳеч қандай ҳимоя аҳамиятига эга эмас эди. Лурликлардан фарқли ўлароқ бизнинг жангчиларимиз жанговар жанг либосларига: дубулға, ҳалқали зирҳ, лат, совут, белбоғич, тизза боғич каби ҳимоя уст бошига эга эдилар. Ҳеч бўлмаганда «кэж-аканд» кийишганди.

Бу каби жангжомаларини тайёрлаш қийин ва машаққатли, шундан қиммат турар эди. Шунинг учун ҳам ҳукмдорлар бундай сарфу харажатлардан қочар ва жангчилари жангга шуларсиз чиқар эди. Мен ҳам ёшлигимда бу нарсаларни олишга қурбим етмаган. Уларни тайёрлатиш жангчига жуда қимматга тушади.

Салтанатимнинг кенгайиб, жанговар тажрибамнинг ошиб бориши билан мен жанг либосларининг аҳамиятига алоҳида эътибор қарата бошладим. Яна бир нарсага амин бўлдимки, агар ҳукмдор кучли ва енгилмас қўшинга эга бўлмоқчи бўлса, жангчиларини ўз хазинаси ҳисобидан, худди жангчиларига маош бергани каби, мана шундай жиҳозлар билан ҳам таъминлаши лозим. Мана шундай қарорга келган кунимдан Кермон, Исфаҳон, Рай ва Чочнинг энг моҳир усталарига жангчиларим учун мана шундай либосларни тайёрлаб беришларини сўраб, буюртмалар берардим. Ҳозиргача ҳам Мовароуннаҳр ва Эроннинг моҳир усталари мунтазам равишда менинг қўшинимни жангжомалар билан таъминлаб келишади. Менинг қўшинимдаги барча саркардалар, оддий аскарлар ҳам жангга мана шу либосларда чиқишади.

Луристон отабегининг захира қўшини йўқ, шунинг ўзи унинг ҳарбий ишда тажрибасизлигини кўрсатиб турарди. Унинг вазиятни баҳолай билмаслиги, жанг жараёнини бошқара олмаслиги яна бир неча ҳолатларда кўзга ташланди. Масалан, у чекиниш усулидан умуман фойдаланмади. Ваҳоланки, вазиятнинг ўзи шу нарсани талаб этмоқда эди. Чунки душман қўшини қуршаб олинаётганини кўрдими, қаршилиқ кўрсатишнинг фойдаси бўлмаётими, дарҳол ортга чекиниб ҳарбий ҳолатини ўнглаб олиши керак. Агар ўша кун Луристон отабегини қўшинига чекиниш ҳақида кўрсатма бериб, янгидан жанговар тартибини таш-

кил этганида биз қийин аҳволда қолган бўлар эдик. Тоғли ҳудуд шароитида, яна Лур жангчиларидек кўрқмас, мард жангчилари бор қўшинни енгишдан умидимни узиб, қанча-қанча қурбонлар бериб, эвазига ҳеч нарсага эришмай ортимга қайтиб кетган бўлар эдим.

Кейинчалик билсам, Лурлар чекинишни ўзлари учун орбилишар экан. Ҳаттоки ҳарбий усул сифатида ҳам чекинмас эканлар, улар учун жанг майдонидан иккита йўл мавжуд экан: ёки душманнинг зарбаларини синдириб вазиятни ўзлари томонга оғдириш, ёки турган жойларида олишиб жон бериш. Гарчи шундай бўлса ҳам, ўша кунни Луристон отабеги ўзининг уқувсизлигини кўрсатди. У бошқача йўл тутиши мумкин эди. Аввалбошданоқ жангчиларини текисликда сафга тизмай, дарага олиб бориб, тоғ тепасига одамларини жойлаштира, улар ўша ёқдан бизнинг устимизга тош думалатиб турса, биз ҳаттоки тоғни ўраб олган тақдиримизда ҳам (буни ҳам жуда кўп йўқотишлар эвазига) бирор-бир натижага эриша олмасдик. Сабаби, ўша тоғларда жуда кўп дуб дарахтлари бор. Лурлар ундан бемалол ун олиб, нон пишириб еб (сув дегани у жойларда сероб), вақтни ўтказишлари мумкин эди. Аксинча, бизни ёмон аҳволга солиб қўйган бўлар эдилар.

Луристон отабегининг қўшини ҳар қанча кескин қаршилиқ кўрсатишига қарамай, бизнинг қанот жангчиларимиз барибир уларнинг қанотидан сиқиб бориб, душман ортига чиқиб, кучларни бирлаштиришга муваффақ бўлдилар ва орқадан қақшатқич зарбалар бера бошладилар. Ниҳоят, қуршов муваффақиятли амалга ошгач ва бу ҳақда менга маълумот беришгач, мен ҳам марказдан босимни кучайтирдим. Шу пайт узун қора соқолли, қўлида санчқи тутган, бошида катта кигиз телпак кийган кишини кўриб қолдим. У мени яккама-якка жангга чорламоқда эди. Отимни илдам унга томон ҳайдадим. У ҳам шахт билан менга томон талпинди. Бироқ у мен билан беллашиш бир эмас икки жангчига юзма-юз бўлиш билан баробар эканини билмасди. Беллашувимизнинг дастлабки дақиқаларидаёқ у буни сизди, бироқ фишт қолипдан кўчиб бўлганди. Ойболтамнинг зарбидан оғир жароҳатланган Лур отабеги улкан чинор каби

ерга қулади. Уни чодирга олиб бориб, тиббий ёрдам кўрса-тишларини тайинладим. Шу асно жанг якунига етди. Лурлар қуроолларини ташлаб ортга чекинишди. Уввос солиб йиглаганлари узоқдан эшитилиб турарди.

Мен Гивга дедим: «Лурлар бугун мардонавор курашишди, қизиқ, энди эса кўз ёш тўкишяпти». Гив ўз муносабатини баён қилди: «Лурлар, бу – Лурлар! Эркак киши йигламайди, бундан бир ҳолат мустасно: лурлар ўз раҳнамоларини йўқотдилар, отабегиларидан ажрадилар – шундан кўз ёш тўкяптилар». «Ундай бўлса йиғлайверсинлар, – дедим ўзимга-ўзим. – Энди бу кўз ёшларни ҳеч ким, ҳеч нима тўхтата олмайди. Чунки Луристон отабегини энди оёққа турмайди». Шундай бўлса ҳам Гивдан бориб унинг аҳволдан хабар олиб келишини сўрадим. У бир муддатдан кейин қайтиб келди ва отабегининг аҳволи жуда ёмонлигини, табиблар ҳар қанча ҳаракат қилмасин ярасидан сизиб оқаётган қонни тўхтата олмаётганларини айтди. Мен унга дедим: «Қон кетишини тўхтата олмайдилар, чунки бел суяги чўрт узилган. Табиб суякни суякка бириктириш учун нимаки истеъдоди бўлса – барини ишга солди, фойдаси йўқ. Бироқ, табиб бу икки суякнинг бирикиб кетиши учун отабегини қимирламай камида бир ой ётиши керак деяпти. Ваҳоланки, уни бугун бир неча бор бир жойдан иккинчи жойга кўтаришди. Эртага эса ўлганларни дафн қилиб, яна уни ўзимиз билан олиб кетамиз».

Гив сўради: «Агар шундай бўлса, у шубҳасиз ўлади». «Ўзи айбдор! Менинг одамларимни ўлдирди. Кейин мени яккама-якка жангга чақирди. Оқибатда, менинг ўтқир ойболтам унинг бел суягини нимталади», – дедим.

Кечқурун алламаҳалгача лурларнинг йиғи-сиғиси, ноалари эшитилиб турди, кейин ухлаб қолибман. Саҳардан биз қурбон бўлганларни дафн этиш билан шуғулландик. Сўнг қўшинни сафарга ҳозирладик: яна келган йўлимиздан кетамиз, яна ўша тоққа чиқиб тушишимиз керак. Шу пайт узоқдан яна лурларнинг тўдасига кўзим тушди. Улар водийнинг нарига чеккасида туришарди, уйларига қайтмоқчи эмас...

Тушга яқин Луристон отабегини ўлим олди талвасага тушганини айтишди. Мен унинг олдида бордим. Ҳақиқатан ҳам

у жон талвасасида эди: қуёш ботгунгача бормай унинг жони узилди. Афросиёб бин Юсуфшоҳ – Луристон отабеги бу дунёни тарк этди. Унинг жасадини лурларга беринглар, деб амр этдим.

Менинг бир неча отлиқ аскарларим Гив ҳамроҳлигида лурларнинг ёнига бориб, отабеги ўлганини, бориб жасадини олиб кетишлари мумкинлигини айтишди. Улар хурсанд бўлиб кетишди. Худди галаба хабарини эшитгандек қувонишди. Отабегининг жасадини олиб кетишди. Бу жангдан менинг жангчиларим ҳеч қандай ҳарбий ўлжа олмадилар. Чунки Луристонда олтин, кумуш йўқ. Кўпдан-кўп қўйлар бор, холос. Қўйларни ўлжа олган билан уни нима қиласан? Шаҳарма-шаҳар ҳайдаб борасанми сотиш учун. Хуллас, Путэ Куҳэ худудида Ҳусайнобддан бошқа шаҳар йўқ ҳисоб. Қолаверса, биз бу ёққа, шунча йўл босиб ҳарбий ўлжа оламиз деб келмадик. Балки ноҳақ ўлдирилган сафдошларимиз учун қасос олишга келдик – олдик ҳам. Ўзимизнинг бундан кейинги хавфсизлигимизни таъминлаш учун келдик – таъминладик ҳам. Қани бундан буён Темур қўшинининг жангчиларини асосиз ранжитишга ким журъат қиларкин!..

Мақсад Луристон отабегини ибратли тарзда жазолаш эди. Буни амалга оширдик. Ундан аскарларимнинг ўчини олдим. Энди ортга қайтиш керак эди – қайтдик.

Ўша ойнинг 16-куни биз тоғ бошига кўтарилдик. Қайси йўлдан келган бўлсак, ўша йўлдан қайтдик. Мен тоғ остонасида туриб, жангчиларимни тоғ тепасига кузатиб турдим. Бу жойни энг сўнгги жангчи билан бирга тарк этдим. Менда бир шубҳа бор эди. Қайтаётган чоғимиз лурлар бизга ҳужум қилиб қолиши мумкин, деган хаёлда эдим. Шунинг учун жангчиларимнинг соғ-саломат юқорига чиқиб олишларини шахсан назорат қилиб турдим. Атрофни кўздан қочирмадим. Аммо кейинчалик билсам, отабегининг жасадини олиб кетаётган лурлар тезроқ манзилларига бориб, мурдани эгаларига топшириб, анъанага кўра ўз ҳукмдорларининг жасадини олиб келганликларини, анъанага содиқ эканликларини исбот этишдан ўзга нарсани ўйламаган эканлар. Лекин барибир огоҳлик зарур!

Биз отларимизни тўғри ўша тоққа ҳайдай олмас эдик. Шунинг учун масофанинг ярмигача, энсизгина ёйиқ йўлак қуришларини буюрдим. Ўша жойгача бориладиган, ундан у ёғига отларни арқон билан деярли тортиб олинадиган бўлди. Уч кун ана шу йўлакни қуришга сарф бўлди. Сўнг худди юқорида айтганимдек, от ўша жойгача ўзи юриб борди: ундан у ёғига ип билан тортиб олишди. Отнинг ўзи ҳам орқа оёқларига таяниб юқорига чиқиб олишга ҳаракатланарди.

Қўшинда бир нечта хачирлар ҳам бор эди. Гарчи уларни ҳам ип билан тортиб олишган бўлса-да, улар унчалик қийинчилик туғдирмади. Зеро, бу жониворлар нотекис жойларда, баландликларга чиқишда яхши ҳаракатланишади – отлар ундай эмас. Бундан ташқари отлар баландликларга юқорилаганда нафаслари тикилади, хачир ва эшакларда бундай ҳол юз бермайди – нафас олиши текис, бир хил тураверади. Шунинг учун юк ташишда ҳайвонлар ичида улардан афзали йўқ.

Тоққа кўтарилишимиз уч кун давом этди. Йигирматача одамларимиз пастга қулади. Уларнинг бир нечаси ўлди, қолганлари жароҳатланди. Отларимизнинг бир нечасидан ҳам ажрадик. Ахийри тоғ тепасига чиқиб олдик. Мен юқорига энг охирида чиқдим. Ундан сўнг тушиш бошланди. Бу орада совуқ тушди. Симре дарёси кечувига келганимизда эса куз ёмғири ёға бошлади. Тинимсиз уч кун ёғди. Бу орада биз «Асийаб Айез»га етдик.

Уч кун ёмғир остида юрилгани сабаб, жангчиларимиз касал бўла бошладилар. Мен дарахтларни кесиб, бошпана ясашларини буюрдим. Унга беморларни жойлаштирдик. Тиббий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Бошқа жангчилар ҳам ҳордиқ олишга киришдилар. Шундан кейин Гивдан менга яхши хизмат қилганини, агар у бўлмаса у жойларни топиб бора олмаслигимни, эвазига нима яхшилиқ қилишимни исташини сўрадим. Гив: «Эй Амир, лурлар сенга йўлбошловчи бўлганимни кўришди. Сен кетгач улар мени энди тинч қўйишмайди. Бир куни келиб, мени, болаларимни ва кекса отамни ўлдириб кетишади», – деди маъюсланиб. «Бу ерни ташлаб, мен билан Форсга борсанг-чи? – дедим унга. – Форсда эканингни билишмайди».

«Шундай қилсам ҳам бўлади-ю, мана буни нима қилсам экан?» – деди у тегирмонини кўрсатиб. Уни сотишини маслаҳат бердим. «Ёки ҳамма нарсани ташлаб, отангни, болаларингни олиб мен билан бирга юр, сенга Форсдан яхши экинзор ер олиб бераман, тегирмонинг ҳам бўлади», – дедим унга. У шундай қилди. Ҳозир ёшим етмишда, ушбу сатрларни ёзаяпман. Айни шу чоқда Гив – ҳаёт. Аммо отаси юз етмиш ёшда оламдан ўтди. Уларга Форсдан ер олиб берган эдим. Тегирмон қуриб бердим. Хўжалигини йўлга қўйиб олиши учун кўп ёрдамлар кўрсатдим. Қўлига икки минг динор тилла танга тутқаздим. Хайрлашар чоғимиз у менинг юзимдан, пешонамдан ўпиб, мамнун кузатиб қолди. Худди фарзандини кузатгандек. Ўшандан бери уни кўрганним йўқ. Хотирамда қолгани эса – унинг мамнун жилмайган қиёфаси!

Бир неча кундан сўнг, Форсда эканимда кабутарлар орқали ўғлим Шайх Умардан мактуб олдим. У хатида Самарқандга Хитойдан элчилар ташриф буюришганини баён этиб, қачон қайтишим мумкинлиги ҳақида сўраганди. Шунингдек, хитойлик элчилар жуда қимматбаҳо совғалар олиб келгани ва Хитой хоқони Амир Темур билан дўстона алоқада бўлиш истагида эканини айтиб, мени кутаётганини ёзиб юборганди.

Мен дарҳол унга жавоб мактубимни йўлладим. Форс ва Луристондаги ишларимни охирига етказганимни ва яқин орада Мовароуннаҳрга етиб боришимни билдирдим. Боргунимча Хитой элчиларига юксак иззат-икром кўрсатишини тайинлаб, яна бир карра тез кунда боришимни таъкидладим. Агар мен Самарқандга Исфаҳон ва Рай орқали қайтсам йўл узайиб кетади. Зобулистон сафари ҳақидаги хотираларимни битганимда Каир чўли ҳақида сўзлаган эдим. Қўшин билан ёз ойлари у чўлдан ўтиб бўлмайди. Аммо ҳозир – куз! Ҳаво салқин, шу боис Каир чўли орқали Хуросонга қараб йўлга чиқдик ва Биржандга ҳеч қандай қийинчиликсиз етиб олдик.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

ЭБДАЛА ГИЛЗАЙИ КИМ ЭДИ ВА У ҚАЕРНИНГ ҲУКМДОРИ

Биржандан чиқиб бир бекатда тўхтадик. Олд кузатувчи гуруҳдан одатимча маълумот кутмоқда эдим. Лекин ҳадеганда хабар бўлмагач, бошқа бир кузатув гуруҳини ташкил этиб, дастлабки гуруҳнинг ортидан жўнатдим. Мен ўша пайтгача кузатувчи гуруҳ чўлда адашиб қолган ёки хабарнинг етиб келишида нимадир халақит берган деган хаёлда эдим. Кўп ўтмай иккинчи гуруҳдан маълумот олдим. Биринчи кузатув гуруҳимиз номаълум кишилар томонидан ўлдириб кетилган экан. Битта қолдирмай икки юз элик нафар жангчини ер билан яксон қилишибди. Ҳеч нарса қолдирмай олиб кетишибди. Ўша пайт Хатрак деган жойда турган эдим. Биржандга яқин эди бу жой.

Ҳузуримга Биржанд ҳукмдорини олиб келишларини буюрдим. Келгач, ундан менинг жангчиларимни ким ўлдирган бўлиши мумкинлиги ҳақида сўрадим. Биржанд ҳукмдори деди: «Эй Темур, бу атрофда сен каби ҳукмдорнинг жангчиларига қўл кўтаришга журъат эта оладиган бир куч борлигини билмайман. Улар хуросонликлар бўлганига ишона олмайман. Агар рухсат берсанг, мурдаларни кўздан кечирсам, қотиллар ким эканини аниқлашим осон кечар эди». Бир неча саркардаларим билан воқеа жойига бориб келгач, у: «Эй Амир, сенинг одамларинг гилзайи қабиласи одамлари томонидан ўлдирилган», – деди. Мен у қандай қабила эканини сўраганимда, у: «Улар Ғур мамлакатада яшашади. У Ҳиротдан Кобулистонгача бўлган катта ҳудудни қамраб олади. Унинг ҳукмдори Эбдала Гилзайи», – деб жавоб қайтарди.

Мен ундан яна сўрадим: «Ғурга бориш учун қайси йўлдан юрганим маъқул? Агар Ҳирот орқали борсам, йўл анча узоқлашади. Менинг одамларимни ўлдирган гилзайилар бу ёққа қандайдир бир яқин йўлдан келган бўлишлари керак?» Биржанд ҳукмдори деди: «Эй Амир, сен бу ердан тўғри Искандарга, у ердан эса шимолга бурилиб, Ғур мамлакатига бо-

ришинг мумкин (*Искандар – Қандаҳор шаҳри. Бу шаҳар ўз вақтида Искандар Зулқарнайн томонидан барпо этилган*). Бироқ мен бу сафардан тийилишингни маслаҳат берган бўлар эдим. Гилзайи бош бўлган ўша қабиланинг одамлари жуда қўрс ва қўрқмас». Мен унинг аввал берган хулосасига изоҳ талаб қилдим: «Айт-чи, нимага асосланиб, менинг жангчиларимни айнан гилзайилар ўлдирган деган фикрдасан?» У жавоб қилди: «Бирор-бир жиноят йўқки, қотил воқеа жойига бирор-бир ашё қолдирмаса. Мен ҳам воқеа жойини синчиклаб қараб чиқдим ва «тулвар» топиб олдим. Бу эса айнан шу ишни Гилзайининг одамлари қилганини тасдиқлайди, чунки «тулвар» уларнинг анъанавий қуроли (*«Тулвар» – шакли кичик, оғир қилич*).

Мен: «Бу ердан Искандаргача йўл узоқми», – деб ундан сўрадим. У бир нималарни чамалаган бўлиб: «Бу ердан Искандаргача етмиш фарсанг, ундан Фур пойтахти Ферузободгача олтмиш фарсанг масофа», – деди.

Шундан кейин у Ферузободнинг катта шаҳар экани, атрофи метиндек мустаҳкам девор билан ўралгани, уни Гилзайининг аждодлари барпо этганини сўзлаб берди: «У шаҳарни ўн йил қамал қилсанг ҳам, забт этишинг мушкул», – дея яқунлади у ўз ҳикоясини.

Мен ундан гилзайи қабиласининг одамлари ҳақида сўрадим. Бўйчан, жуда жангари одамлар эканини сўзлади у. Енгмасалар ҳам ўзлари ўлиб кетмагунча жанг қилаверадиган ўжар табиатли бўлишларини маълум қилди: «Сенинг одамларинг билан бўлган жангда ҳам худди шундай ҳол юз берган. Дарвоқе, Фурда олтин ва кумуш сероб бўлган тоғлар бор», – деди у.

Мен воқеа жойига йўл олдим. Уни ўз кўзим билан кўрмоқчи эдим. Улар менинг кузатувчи қисмимдан 250 кишини, битта қолдирмай ўлдириб, ҳеч нарса қолдирмай олиб кетибдилар. Жумладан отларни ҳам. Воқеа жойидаги вазиятдан билдимки, менинг одамларимни улар доғда қолдиришган. Чунки бу қисмнинг вазифаси ҳудудни ўрганиш, маълумот тўплашдан иборат эди. Улар атрофни синчиклаб кўздан кечиришлари, душманнинг пистирмаси борми, йўқми – аниқлашлари керак эди, биринчи навбатда. Шунингдек, дар-

ҳол маълумот беришлари, ўз томонидагиларни огоҳлантиришлари лозим эди.

Кузатувчи қисмининг ўзи пистирмага тушибдими, демак, душман айёр ва элчил бўлган. Улар бутун бошли ҳарбий қисмини қандай қилиб тузоққа туширишни яхши билишган. Мен Биржанд ҳукмдоридан бир неча изтопарлар беришини сўрадим. Уларнинг ёрдамида душманнинг изидан бормоқчи эканимни айтдим. Хуросоннинг изтопарлари ўзларининг моҳирликлари билан машҳур эканини билар эдим. Улар ҳатто қумларда туянинг изини олишади, катта бир отлиқлар тўдаси ҳақида-ку, гапирмасак ҳам бўлади. Гилзайилар отда бўлишган. Бундан ташқари, бизнинг отларимизни ҳам олиб кетишган. Уларнинг изини топиш унчалик мушукуллик туғдирмайди, чунки улар қумда ўзига хос из қолдиради.

Биржанд ҳукмдори томонидан бизга тавсия этилган изтопарлар гилзайиларнинг изидан йигирма беш фарсанг юришгач, бир нарсани аниқлашди. Улар Искандарга эмас, тўғри Ферузободга томон кетишибди. Бу йўлда сув сероб бўлиб, отлари чанқамаслиги аниқ. Буни билгач, мен яна Биржанд ҳукмдори билан маслаҳатлашдим. У: «Бу ҳолат сенин жангчиларингни ўлдиришга Гилзайиннинг ўзи шахсан топшириқ берганини англатади, — деди. — Қолаверса, ўша қотил тўдага ўзи бош бўлган».

Мен бу ишни шундай қолдириб кета олмас эдим. Қўрслиги ва ҳурматсизлиги учун унинг яхшилаб жазосини беришим керак. Мен ҳеч қачон қаршимда бош эгган кишини хафа қилмаганман. Онт ичишим мумкин, ҳеч кимга ҳеч қачон қасддан ёмонлик истамаганман. Бироқ ўзимга нисбатан қилинган қўполлик ва ҳурматсизликни асло кечира олмайман. Шу боис Эбдала Гилзайи қилмиши учун муносиб жазо олиши керак. Шу билан бир қаторда менга бир савол сира тинчлик бермаётгани: «Қандай қилиб улар икки юз эллик кишилик ҳарбий қисмга билдирмай қўққисдан ҳужум қилдилар — битта қўймай қириб ташладилар?»

Биржанд ҳукмдори ўз тахминини баён қилди: «Афтидан, гилзайилар бу томонга бирор-бир карвонни талаш учун келганлар. Табиатан қўрс ва ёвуз бўлганлари боис сенин

суворийларингни кўргач, уларга ташланишган – қурол-яроғ ва отларни ўлжа қилишган».

Искандарга қадам босишим билан душман ҳудудига кирдим. Энди ҳар бир бурчакда бизни хавф қаршилаши мумкин. Менда бу юрт ҳақида маълумот йўқ эди. Унда кўп ажабтовур одамларни кўрдим: бўйлари баланд, мовий кўз, сочлари ялтироқ... Уларнинг либослари ҳам узун ва кенг матодан иборат эди. Уни таналарига ўраб, бир учини елкаларига ташлаб олишганди. Менга бу одамларнинг патан қабиласидан эканини айтишди. Уларнинг қабиласи жуда улкан тоғли ҳудудда жойлашган бўлиб, шаҳарга вақти-вақти билан ул-бул харид қилиш учун келиб туришар экан.

Мен у ердан янги йўл бошловчилар ёлладим. Улардан бир қисмини таъминотчи қисм билан озиқ-овқат ва ем-хашак жамғаришга юбордим. Уларга имкон қадар кўпроқ жун ва тери маҳсулотларини сотиб олишларини тайинладим. Чунки биз ана шу нарсалар мўл-кўл бўлган мамлакатда эдик. Бу бежизга эмас, қиш яқинлашаётгани кундек равшан ва бизга кўпдан-кўп иссиқ кийим-кечаклар зарур. Қолаверса, айтишларича Эбдала Гилзайи ҳокимиятининг пойтахти Ферузобод шаҳри ҳам жуда совуқ иқлимли жой бўлиб, у ерга борганимизда қор бўронлари остида қолишимиз ва совуқдан қийналишимиз тайин экан.

Мен уларга жавобан шунақа гулханлар ёқайки, жангчиларим совуқни сира ҳис этмасинлар, дедим. Суҳбатдошларим мени ўзларича тушуниб, мен ёқмоқчи бўлган оловга шунча ўтинни қаердан олишимни англай олмай, бир-бирларига ажабланиб боқишарди – мен умуман бошқа маънода ўт ёқмоқчи эканимни тушунишмади.

Искандардан чиққач йўлда шошмадим. Зеро, қўшиним ва отларимизни ҳориқтириб қўйишни истамасдим. Мен атайин аста юра бошладим, сабаби Шайх Умарнинг қўшини келиб сафимизга қўшилишини кутдим. Мен бораётган йўл бир пайтлари Маҳмуд Фазнавий Сумнатни* забт этиш учун

* Сумнат – ҳиндуларнинг улуғ ибодатгоҳи, бугунги Бомбей ҳудудида бўлган. Маҳмуд Фазнавий ўша ибодатхонани қўлга киритиб, ичидаги барча санамлари билан бирга бузиб ташлаган.

Ҳиндистонга қўшин тортиб борган йўл эди. Бу йўлнинг ҳар жой-ҳар жойида Маҳмуд Ғазнавий ёки Чингизхоннинг Ҳиндистонга зафарли юришини эслатиб турган иншоотларини, ёдгорликларни учратиш мумкин эди. Баъзан тоғнинг тепасида қачон ва ким томонидан қурилганлиги номаълум, ким яшаб ўтгани ноаниқ қалъалар ҳам кўзга ташланарди. Бир куни биз Бомийан деган жойга яқинлашиб бордик. Йўлбошловчиларнинг айтишича, қадимда у бутпарастларнинг улкан ибодатхонаси бўлган экан. Ўша пайт ҳам унинг қадимий устунлари бус-бутун турган эди. Бу устунлар улкан-улкан тошлардан йўниб барпо этилганди. Чамаси, бу ишга бир неча йил сарф бўлган. Мен Бомийанда бўлган кезлар бу ерларда бутпарастлик мавжуд эмас, бироқ ибодатхоналарининг қолдиқлари мавжуд эди. Мен унинг қолдиқларини ҳам қолдирмасдан бузиб ташлашим мумкин эди, аммо бунга иккита омил монелик қиларди: биринчидан, бу ишга ажратадиган ортиқча фурсатим йўқ эди, иккинчиси ва асосийси – мен ҳамisha тирик одамлар билан жанг қилиб келганим, ўлик жонга тиг санчиб ўрганмаганим эди. Мен юз минглаб жангчиларни жангда енгиб, қиличим билан уларнинг додини берганман, аммо беозор бир кимсага игна ҳам санчмаганман. Жонсиз, тош танага тош отишга ор қиламан. Бировнинг қабрини очиб, танасини куйдирмаганман ва ҳоказо...

Бомийандан сўнг йўл четга қайрилди ва биз совуқ бир ўлкага кирдик. Менинг барча жангчиларим иссиқ терипўстинларга ўраниб олишганди. Шунинг учун совуқ уларга таъсир этмаётганди. Тўхтаган жойимизда қалин кигиздан отларимиз учун катта ва иссиқ қўналға қурдик. Озиқ-овқат ва ем-хашак ҳам етарли миқдорда жамғарилган, фақат совуқ бизга бир оз муаммо туғдирмоқда эди. Мен фақат Ферузободга борибгина, шаҳарда бир оз ҳордиқ чиқариб, исиниб олишдан умидвор эдим.

Бундан сал аввалроқ мен ўғлим Шайх Умарга мактуб юбориб, йўлда фавқулодда вазият юз берганини, Эбдала Гилзайи менинг одамларимга ҳужум қилгани ва аини дамда ўша томонга кетаётганим сабаб, Мовароуннаҳрга ҳали-бери қайта олмаслигимни баён этдим. Шунингдек, Хитой элчиларига,

агар кутиш имкониятлари бўлса яна бир-икки ой кутишларини, ўшанда учрашишимиз мумкин эканлигини айтиб қўйишни тайинладим. Унинг зиммасига Хитой элчиларига юксак даражада иззат-икром кўрсатиш, Самарқандда қолсалар ҳам, Хитойга қайтсалар ҳам эътиборсиз қолдирмаслик вазифасини юкладим. Зеро, элчига кўрсатилган ҳурмат унинг ҳукмдорига кўрсатилган эҳтиромни англатади. Бир мамлакат ҳукмдори иккинчи бир мамлакат ҳукмдорига иззат-икром кўрсатиш орқали, аслида ўз буюклигини намоён этиди.

Шайх Умарга булардан ташқари, мен томонга камида йигирма минг кишилик қўшин юборишини буюрдим. У Бадахшон ва Кобулистон орқали юриб, Фур мамлакати ҳудудларидан биз билан учрашиши лозимлигини тушунтирдим.

Мен Бадахшон ҳукмдорининг бизга дўстона муносабатда эканини ва у ҳудудлардан қўшинимиз зиён-заҳматсиз ўтишини билар эдим, аммо Кобулистонга нисбатан бундай дея олмасдим. Кобулистон ҳудудида қўшин душманлар билан тўқнашиши ҳам эҳтимолдан холи эмасди. Мазкур вазиятдан уларни фақат ҳарбий саркардаларнинг маҳорати ва ҳар бир жангчининг жасорати олиб чиқиши мумкин эди.

Гилзайи жангчилари Ферузобод сари юрган йўл ҳақиқатан ҳам сув ва озуқа топса бўладиган ҳудудлардан ўтган экан. Лекин бу миқдор Гилзайининг санокли кишилардан иборат бўлинмасининг эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлгандир, бироқ менинг катта қўшиним агар унинг ортидан борадиган бўлса, баримиз оч қолишимиз тайин эди. Чунки бу ҳудудда яшовчи одамлар ҳаттоки пулимизга бир нарса беришга бахиллик қиладиган кишилар эдики, улардан бир нима ундира олмаслигимиз аниқ эди.

Шунинг учун Ферузободга томон Искандар орқали йўл олганим яхши бўлди. Биржанд ҳукмдори йўл бўйи менинг онгимга бир фикрни сингдиришга ҳаракат қилди. Фурга отланиб чакки қилаётганимни, бу ишим билан қўшинимни катта хавф остига қўяётганимни уқдирмоқчи бўларди. Мен унга: «Одам токи хавфни учратмаса, муваффақиятга эришмайди», – дедим.

Мен бораётган йўл чўлдан ўтарди. Шунинг учун Биржанддан ўзим билан йўлбошловчи олдим. Етмиш фарсанг

масофада бор-йўғи ўн битта сув манбаи мавжуд эди. Мабо-до бу йўлдан ёз фаслида ўтсам, сувсизликдан қўшинимнинг катта бир қисмини бой беришим аниқ эди. Бироқ ўша пайт кузнинг салқин ҳавоси ҳукм сургани сабаб, чанқоқ азобини сезмасдик.

Мен иккита кузатув-назорат гуруҳини олдга ташладим. Уларнинг ҳушёр ва огоҳ бўлишларини тайинладим. Зеро, аввалги кузатув гуруҳининг қисмати биз учун сабоқ бўлиши лозимлигини таъкидладим. Душманнинг ҳийла ва найранглари-ни пайқамай, тузоққа тушишдан сақланишларини, пистирма-сига нишон бўлиб қолмасликларини қайта ва қайта уқдирдим. Шунингдек, яна бир кузатувчи қисмни ортга ташладим.

Карвон секин одимлаб, етмиш фарсанг масофани ҳар куни беш фарсангдан йўл юриб ўн беш кунда босиб ўтади. Мен эса бу масофани 4 кеча ва 5 кундузда босиб ўтиб Искандар-га етдим.

Искандар шаҳри Македониялик Искандар шон-шавкати-га умуман мос келмасди, мен у ерда қишлоққа ўхшаш макон-ни кўрдим. Ҳатто қачонлардир шаҳарда унинг томонидан барпо этилган қўрғон ҳам аллақачон йўқлик сари равона бўлган. Агар Искандар Ҳиндистон йўли ёқасида бўлмагани-да, у қачонлардир ер юзидан йўқолиб кетган бўлар эди. Унинг мавжудлиги Мовароуннаҳрдан Ҳиндистонга қатнайдиган сав-до карвонлари туфайли эди. Чунки карвонлар Ҳиндистонга боришда ҳам, қайтишда ҳам унда қўноқ бўлганлари туфайли шаҳар ободонлашиб, равнақ топган эди.

Узоқдан Ферузободга кўзим тушди. Шунда англадимки, бу шаҳар ҳарбий мақсадлар учун қурилган экан. Чунки унинг қурилишига қараб, унда ҳарбий истеҳкомларга хос бўлган барча хусусиятлар мавжуд эканини кўриш мумкин эди. Жум-ладан, шаҳар тепалик устида бунёд этилганди. Ким шаҳар-га бормоқчи бўлса, аввало ўша тепаликка чиқиши лозим бўларди. Тепаликка чиқадиган йўл эниш бўлгани туфайли, у болалар ва кексалар учун оғирлик қиларди. Шаҳар дево-ри катта-катта тошлардан терилган бўлиб, кесиб ишлов бе-рилган тошлар билан сайқалланган. Бу ўлкада тошлар мўл-кўл бўлиб, бу ерда жуда кўп тош кесувчи усталарни учра-тиш мумкин эди. Тош кесиш уларнинг анъанавий ҳунари

бўлиб ҳисобланарди. Бу касбу кор авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда экан. Узоқдан Ферузобод шаҳри кўринган чоғи иқлим жуда совуқ, бироқ ерда қор йўқ эди. Мен шаҳарга яхшироқ разм солиш учун, баланд тепалик устига чиқдим. У тош тўсиқ билан ўралган эди. Шунда ўйга толиб қолдим. Хаёлга фарқ бўлиб, бўлажак жанг билан боғлиқ жараёнларни чамалаб кўрмоқда эдим.

Ферузободнинг қамали узоқ давом этади, деган фикрда эдим. Истеҳком деворини бузишнинг иложи йўқ. Мени шаҳар тепалиги устига чиқиш масаласи ўйлангирмоқда эди. Чунки унга чиқиш машаққат экани кундек равшан. Шу асно шаҳар остонасида турган қандайдир қўшинга кўзим тушди. Англадимки, бу – Эбдала Гилзайи: жанг қилиш учун мени кутиб турарди. Менга гилзайиларнинг «тулвар»и ҳақида гапириб беришди. Бу қурол жуда даҳшатли эмиш. Оғир бўлганидан унинг ҳар зарбаси бир жангчини ерга қулатар экан. Мабодо жангчи ундан шикастланса ҳам сафдан чиқиб кетармиш. Менинг жангчиларим бу қуролни ишлатишга одатланишмаган. Улар найзадан фойдаланганлари маъқул. Қўшинимнинг битта устунлик жиҳати – бизнинг отлик эканимиз. Эбдала Гилзайида эса бу нарса йўқ, демак, улар пиёда жанг қиладилар. Ғур жангчиларига қарши найза билан жанг қилишга қарор қилдик. Ана шунда улар жанговар тулварларини ишлата олмайдилар, деб ўйладим. Жангчиларга найзалар билан қуролланишга буйруқ бердим-да, сўнг қўшинни уч қисмга бўлдим: марказ ва икки қанот. Хужум тўлқинсимон тарзда ташкил этилишини тушунгирдим. Яъни, бир бўлинма душманга зарба бериб, четга чиқади; иккинчи бўлинма янги зарбани амалга оширади. Жойини бўшатиб берган бўлинма ортга ўтиб яна кейинги зарбага тайёрланиб туради. Ҳарбий саркардаларимга жанг тақдири шу бугуннинг ўзида ҳал бўлиши кераклигини, қаршимизда турган душман қўшини ер билан яксон этилиши лозимлигини қатъий тайинладим. Мабодо душман қалъага кириб яширинишга улгурса, уларни камида бир йил қамал қилишимиз керак бўлишини, бундан оз муддатда биз қалъани ишғол қила олмаслигимизни яхшилаб уқтирдим.

Шаҳар аҳолиси қишга тайёргарлик кўриб, ҳамма нарса-ни захира қилгани, қамалдаги шаҳар ҳимоясини синдириш осон кечмаслигини таъкидладим. Шу боис душманнинг жанг майдонини ташлаб шаҳарга томон чекинишларига асло йўл қўйиб бўлмаслигини тушунтирдим. Қандай бўлмасин жангни ғалаба билан шу бутуннинг ўзидаёқ ниҳоясига етказишимиз лозим эди.

Бошқалар қатори ўзим ҳам найза билан қуролланиб, қўшинни ҳужумга бошладим: отларимиз шиддат билан Эбдала Гилзайи қўшини томон елиб кетди. Гилзайи қўшини ҳалқасимон сафга терилганди. Улар ўз вақтида пайғамбаримиз (с.а.в.) қўллаган усулни қўлламоқда эдилар.

Алқисса, гилзайилар шундай саф тортишдики, уларга қайси томондан яқинлашма, рақибга юзма-юз турган бўлишарди. Орқаларида эса фақат ўзларининг одамлари.

Найза билан қуролланган менинг суворийларимдан эса ўта эпчиллик талаб этиларди. Улар душманга зарба берганларидан сўнг, найзани тезроқ суғуриб олишлари лозим, акс ҳолда қуролсиз қолиб кетишларига тўғри келарди. Ҳар гал душманнинг кўксигами ёки танасининг бошқа бир жойига найза санчган жангчим уни тезроқ суғуриб олмаса, душманнинг зарбасига нишон бўлиб қолиши турган гап эди. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир жангчига яна биттадан ёки бир нечтадан найза бериш оқилона иш бўларди, аммо бир нечта найзани олиб юриш заҳмати жангчининг ҳаракатини, ҳужумнинг шиддаткорлигини бир мунча сусайтириб қўйиши мумкин эди. Шу боис кўпгина жангларда йўл имконияти бўлса, найзалар юкланган араваларни қўшиннинг ортидан юришини таъминлаб қўяр эдим.

Бироқ бу араваларни бирор марта жанг майдонига қўшиннинг ортидан юбора олмаганман. Шунинг учун ўша кунги жангда менинг жангчиларим ана шундай чорасизликка учрашлари мумкин эди. Душманга қарши борар эканмиз, душман, албатта, бизнинг устимизга тош ёки ўқ ёмғирини ёғдиради, деб ўйлаган эдим. Аммо бу нарса содир бўлмади. Чамаси, Ғур подшоси Эбдала Гилзайи жанг бошланиши олдидан амалга ошириладиган бу тадбир ўзлари учун нечоғли фойдали кечиши мумкинлигини у қадар билмайди, шекилли.

Душманга аста юриб яқинлашиб бордик. Оралиқ масофа эллик заръ қолганда тезликни оширдик ва қушдек учиб уларнинг сафларига етиб бордик. Бундай пайтда душманга бериладиган зарба жуда кучли бўлади. Найза уларнинг бир томонидан кириб, иккинчи томонига тешиб ўтади Чунки отларнинг тез ҳаракати жангчининг зарбасини кучли қилади. Мен қаршимдаги душманга худди шундай зарба бердим. Найзани суғуриб, кейинги зарбага тайёрланиб турганимда, аллақандай нарса мен томонга учиб келганига кўзим тушди. У темир совутимга тегиб, йўналишини ўзгартирди. Менга уни улоқтирган душман жангчисини найзам билан қулатгач, атрофга боқиб нима бўлаётганига тушунмай қолдим. Жангчиларимнинг бир қисми отдан қулаганди. Гилзайилар аллақандай биз билмаган қуролни ишлатишмоқда эди. Кейин билсам, бу ўзига хос қармоққа ўхшатиб тайёрланган қурол бўлиб, унинг бир томони ингичка сим-занжирга бириккан эди. Гилзайи жангчилари ҳадисини олмаганми, уни шундай моҳирлик билан улоқтиришардики, у жангчиларимга санчилгач, қўлларида қолган сим-занжирни тортиб, уларни қулатишарди. Шундан сўнг тулвар билан янчишарди. Уларнинг зарбаси шу қадар кучли эдики, жангчиларимнинг қоқ иккига бўлиниб кетганларини ҳам кўрдим.

Мен юқорида ёзиб, тасвирлаган воқеалар саноқли сониялар ичида бўлиб ўтди. Бу вазиятда найзаларимизни ишлатишдан бизга наф камлигини англадим. Душман бизга қарши янги қурол воситасини ишлатди. Биз эса унга қарши қандай ҳаракат қилишни, ўзимизни қандай қилиб ҳимоя қилишни билмас эдик. Мени совутим асраб қолди, акс ҳолда мени ҳам пастга тортиб тушириб олишган бўлишарди. Фикримча, Хуросонда менинг кузатувчи-назорат қисмимни ҳам улар ана шу қурол билан бартараф этишган. Мен чекиниш керак деган қарорга келдим. Жанговар сур садоси барчага қароримни етказгач, жангчиларимиз ортга чекиндилар. Отларидан қулаган жангчиларимизнинг барчасини душман битта қолдирмай ўлдирди. Демак, улар асир олишни ўйламайди. Ўша куни мен ҳар бир жангчимни жанговар уст-бош билан таъминлашим керак экан, деган фикрга келдим. Биз ортга

чекиндик. Аммо гилзайилар қандай турган бўлсалар, ўша ҳалқасимон алфозда қолдилар.

Мен Фур ҳукмдори ва унинг жангчилари асир олмаслик ва душманни битта қондирмай жойида ўлдириш қондасига қатъий амал қилаётганларига амин бўлдим. Чунки вазият бир соатдан кейин қай томонга ўзгаради, асир олинган жангчилар ўч олиш имкониятига эга бўлиб қолишмасмикин, деган тахминдан шундай ҳулосага келган бўлишлари табиий. Ушбу мамлакатда – Кобулистондан Ҳиротга қадар бир ибора ишлатилади: «Кесилган бош гапирмайди», яъни жонсиз ёвдан қўрқмаса ҳам бўлади, деган маъно бор унда.

Мен аксар ҳолларда асирларимни ўлдирмас эдим. Ҳар бирига яшаш учун имконият берганман. Агар бўйин эгиб, хизматимга кирса ёки кимдир бадал тўлаб сотиб олса – уларни озод қилишдан сира чўчимаганман. Агар мана шу талабларим бажарилмаса, қул қилиб сотиб юборганман.

Хуллас, гилзайилар ҳали ҳам ўша ҳалқасимон сафда, худдики «Агар яна ҳамла қилмоқчи бўлсаларинг, муносиб қарши олишга тайёрмиз», деган каби жойларида қойим туришарди. Барча ҳарбий саркардаларимни кенгашга чақирдим. «Гилзайилар қўллаган қуролга қарши нима қила оламиз?» – ўртага шу саволни ташладим. Сўнг дедим: «Жангчиларимизнинг қўрқмас ва мард эканларини биламан. Ҳозир уларни тўхтатмаганимда ўлгунча жанг қилиб, жанггоҳни тарк этмаган бўлишарди. Аммо бундай қаҳрамонликнинг биз учун фойдаси оз. Бугун мен жанг олдидан ҳар қандай йўқотишлар бўлишига қарамай, курашиш лозимлигини, кечга қолмай жанг ҳаракатларини тугатиш кераклигини айтган бўлсам-да, вазият бундай бўлишини билмаган эдим. Биз учун кутилмаган ҳол рўй берди. Шунинг учун вазиятни ўнглаш борасида кимда қандай таклиф бўлса, ўртага ташласин – маъқулини бирга қабул қилайлик».

Саркардаларим орасида Латиф Чулак дегани бор эди, ўша айтди: «Эй, Амир, ахир сизнинг қўлингизда порох бор-ку, наҳот уни ишлатиб, бир натижага эришиб бўлмаса!» Мен унга жавобан: «Порох қамал қилинган қалъа деворини қулатишга қўл келади. Бироқ бу ерда ундан бир самара бўлиши мушкул», – дедим. Латиф Чулак, ҳали ёши

қирққа тўлмаган саркарда, ўз фикрида қолди: «Эй, Амир, сизнинг ўрнингизда бўлганимда, порохни душман қўшинининг оёғи остида портлатган бўлар эдим». Унинг нима демоқчи бўлганини аввалига пайқамадим. Чунки мен бошқа бир воситалар ҳақида таклиф тушади, ўшанда қароримиз самарали бўлади, деган умидда эдим. Порох ҳақида эса тўхталиш бефойда, деган қатъий фикрда бўлганим боис, Латиф Чулакнинг гапига унчалик эътибор бермаган эдим: «Майда болалардек фикрлашни бас қил, – дея унга танбеҳ бердим, – ахир душманнын оёғи остида лаҳим кавлай олмаймиз-ку!»

Бошқа одам бўлганида ёки бошқа бир вазиятда менинг танбеҳимдан кейин Латиф Чулак тилини тишлаб қолиши керак эди. Аммо у ўжарлик билан айтганида туриб олди. Чунки ҳақлигига ишонган. Менинг табиатимни ҳам яхши билади. Мен ҳақлигини исботлай олмайдиган тортинчоқ кишиларни ёқтирмайман. Шунда Латиф Чулак фикрини яна ҳам очикроқ баён этди: «Эй Амир, мен ҳам душманнын оёғи остида лаҳим кавлашни назарда тутмадим, балки порохни қолгами, теригами ёки кўзага солиб, пилигини ўт олдириб, душманга томон отсак-чи!» – деди у мени лол қолдириб. Тўғриси, мен ўша пайтгача аҳён-аҳён шу борада бош қотирганман. Аммо Латиф Чулак айтган усул билан порохдан очик майдондаги жангда фойдаланиш хаёлимга келмаган эди. Латиф Чулакнинг таклифи мени қизиқтириб қолди ва ўйладим: «Синаб кўриш керак, агар натижа бермаса, зарари ҳам йўқ!»

Шундан сўнг кичикроқ бир халтачага порох солиб, синаб кўрдик – маъқул! Латиф Чулак аввалбошда самарасиздек бўлиб туюлган фикрини қуйидагича якунлади: «Агар биз ана шундай халтачалардан бир нечасини душманнын устига улоқтирсак, уларнинг жанговар сафини бузиб, таркибига саросима солишга эришамиз – ўзимиз эса уларга босим ўтказиб, янчиб ташлаймиз!»

Мен дарҳол теридан халтачалар тикишга ва пиликлар тайёрлашга буйруқ бердим. Ишни жадаллаштириш лозимлиги, қуёш ботгунга қадар ҳужумга ўтишимиз кераклигини таъкидладим.

Хуллас, биз ўша куни душман устига мана шу портлатгичларни улоқтириб турдик. Жангчиларимиз пиликни ёқиб туришди. Бир гал пиликнинг калталигиданми ёки бошқа сабабми, халтача жойида портлаб бир жангчимиз ёниб кетди.

Мен ҳали ўша пайтда порохли кўзага майда тош аралаштириб солишни, кўза портлаганда минглаб майда тошлар душманнинг кўплаб жангчиларини жароҳатлашини билмас эдим. Бор-йўғи душманни ёқиш ва саросимага солиш ҳақида ўйлардим, холос. Қўллаган тадбиримиз кутганимиздан ҳам аъло бўлди.

Мен порохли халтачаларимиз Гилзайи жангчиларини саросимага солишини кутгандим. Уларга ўз қуролларини ишлатиш имконини қолдирмайди, деб ўйлагандим. Уларнинг сафларини ёриб, ҳосил қилган жонли деворини бузамиз, деб режа тузган эдим. Бу вазифаларнинг жуда кўп қисмини порохнинг ўзи бажариб қўя қолди. Порохнинг портлаши душманни мисли кўрилмаган қўрқувга туширди. Унинг сафи бузилди. Бунни кўриб зудлик билан ҳужумга ўтишларига буйруқ бердим. Саркардаларимга, уларнинг сафида Латиф Чулак ҳам бор эди, жангни бугуноқ муваффақиятли яқунлаб, шаҳарни қўлга киритишимиз лозимлигини уқтирдим. Чунки кечаси билан шаҳардан ташқарида қолиб кетадиган бўлсак, эрталабгача совуқдан бир ёқли бўлишимиз аниқ. Ўлмайд қолган тақдиримизда ҳам, душман билан уришиш қобилиятига эга бўлмаймиз.

Хулласи калом, Эбдала Гилзайи қўшинида аҳвол маймунларни йиғлатгудек эди. Кўп ўтмай бир нарсани пайқаб қолдим. Уларнинг барчаси ҳам бизга номаълум бўлган қурол билан таъминланмаган экан. Фақат алоҳида жангчилар қисмигина ана шундай қуролга эга эди: жангчиларимиз Эбдала Гилзайи қўшинига шиддат билан ташланиб, уларни найза ва қилич билан қира бошлашди. Ахир улар пиёдаларга қарши самарали жанг қилиш тажрибасига эга. Гилзайиларнинг жанговарлик сифатига ҳам путур етган эди: энди улар қармоқсимон қуролларини аввалбошдаги каби ишлата олмаётганди – бирда нишондан адашишар, бирда қуролни отишга улгурмай жангчиларимнинг зарбасига учраб қолишмоқда эди.

Шаҳар остонасида кечани ўтказиш менинг ўзим учун унчалик ўнғайсизлик туғдирмас, зеро менинг қалин кигиздан тайёрланган иссиқ чодирим бор. Бироқ, мен ҳар қандай шароитда, энг аввало, жангчиларимнинг ташвишини қилишим керак. Уларга ғамхўрлик қилмасам, бош лашкарбошилиқ мартабамнинг ўзигина менга нима беради? Мен қўшинсиз кимман?

Шунинг учун ҳам суворийларим ва гилзайи пиёдалари ўртасида жанг қизиб турган палла, мен бир қисм жангчиларим билан шаҳарга томон от сурдим. Юқорига чиққунча отларимиз ҳарсиллаб қолди. Шаҳар қўриқланмаётганди. Аммо шаҳар аҳолиси бизни кўриши билан дарвозаларини ёпиб олди.

Шундай бўлишини аввалдан билганим учун ўзимиз билан порох олгандик. Унинг ёрдамида дарвозанинг кулини кўкка созуриб, шаҳарга йўл очишимиз мумкин эди. Бизнинг қўшинимиз тепалик пойида душманни шу қадар сиқиб қўйгандики, Эбдала Гилзайи шаҳарга томон бораётганимизни кўриб, билиб турса ҳам бунга қарши бирор чора қўллашдан ожиз эди. Бирорта ҳарбий қисмини бизнинг йўлимизни тўсиб, қаршилиқ кўрсатиш мақсадида юбора олмасди, чунки имкони йўқ. Мазкур ҳолат ва унинг шаҳардан чиқиб, мен билан очиқ майдонда жанг қилмоқчи бўлгани унинг ҳарбий соҳадан жуда-жуда йироқ эканидан далолат берарди.

Мен ҳамиша бир фикрни таъкидлайман: жангда мардлик ва жасорат муҳим ўрин тутади. Бу сифатлар кишининг фақатгина жисмоний қувватини англамайди, балки жангчида катта қалб бўлиши лозимлигини ҳам билдиради. Бундан ташқари, унда ақл-идрок ва билим бўлиши керак. Агар Эбдала Гилзайи аввалбошданоқ бизнинг йўлимизни тўсиб чиқмасдан, шаҳар дарвозаларини ёпиб, мудофаа ишлари билан машғул бўлганида эди, қишнинг қаҳратонидан ё қирлиб кетардик, ёки ортга қайтиб кетишдан ўзга чорамиз қолмасди.

У эса жангчиларининг кучига ва қуролларига ортиқча баҳо бериб, ташқарида жанг қилишни маъқул кўрди. Ўзини бизнинг найзаларимизга тутиб берди. Тўғри, аввалига унинг

омади чопгандек ҳам бўлди. Аммо вазият охир-оқибат биз томонга ўзгарди...

Шаҳар деворига етиб келгач, мен ҳарбий қисмимни уч бўлинмага ажратдим. Бирига дарвоза остини кавлаб, порохни жойлаштириш вазифасини топширдим. Иккинчи бўлинмани юқорини кузатиб туриш, агар дарвоза остини кавлаётган одамларимизга хавф туғилса, девор устида пайдо бўлган ҳимоячиларни дарҳол бартараф этиш ишига масъул этиб тайинладим. Учинчи бўлинмага эса орқа томонни ҳимоя қилиб туришни буюрдим. Чунки Эбдала Гилзайи шаҳар ҳимояси учун бир қисм жангчиларини юборади, деган шубҳам йўқ эмасди.

Шаҳар дарвозаси устида пайдо бўлган бир неча киши жангчиларимизнинг ўқидан завола топди. Улар учун бизнинг бу ерда пайдо бўлиб қолганимиз кутилмаган ҳол эди. Улар Эбдала бизни бу ёққа ўтказмаслигига қаттиқ ишониган кўринади. Шундан эсанкираб қолиб, нима қилишни ҳам билишмасди.

Бироқ шаҳарга киргач унинг аҳолиси томонидан қаттиқ қаршиликка учрашимиз тайин эканига ишончим комил эди. Чунки жангнинг дастлабки дақиқаларида бир жангчимни тулвари билан қоқ икки бўлак қилиб чолиб ташлаган гилзайи мана шу шаҳар аҳли. Ўшандайларнинг бир қисми ичкарида, шаҳарга киргач уларнинг қаршилигини синдириш осон кечмаслигини ҳис қилмоқда эдим. Бир қатор чора-тадбирларни белгиладим. Биринчидан, Латиф Чулакка одам юбориб, жанговар сур товушини эшитиши билан шаҳарга от суриб келишини етказдим. Зеро, шаҳарни ишғол қилишда кўшимча куч зарурати туғилиб қолиши мумкин эди.

Ёнимдаги жангчиларга шаҳарга киришлари биланоқ азон айтишларини тайинладим. Чунки гилзайилар учун азон тинчлик ва сулҳ рамзи. Бошқа бирларига жарчилик қилиб, агар қаршилик кўрсатмасалар, шаҳар аҳлининг моли ва жонига дахл қилинмаслигини етказишларини топширдим.

Дарвоза остини портлатиш ишини охирига етказган жангчилар, менинг ишорамдан сўнг пиликни ёқишди. Даҳшатли гумбурлаш ҳамма ёқни ларзага келтирди. Дарвоза бўлак-бўлақларга парчаланиб кетди. Жангчиларим азон

айтиб ичкарига кирдилар. Жарчиларимизнинг хитоблари ва азон ижобий натижа берди. Биз билан курашиш учун тулварларини ялонғочлаб турган кишилар ҳам уни қинига тикдилар. Жангчиларимизга аркни ва кечкурун тунаш мумкин бўлган барча катта иншоотларни қўлга киритиш вази-фасини топширдим. Улар ана шу ишларни бажаришга ки-ришдилар.

Мен ўзим шаҳарга кирмадим. Чунки ҳали тепалик пойи-даги жанговар ҳаракатлар давом этмоқда эди. Дақиқа са-йин камайиб бораётган Гилзайи жангчилари ҳали жангни тўхтатмоқчи эмас, асир тушишни исташмаётганди. Агар мана шундай жангчиларга моҳир саркарда бошчилик қил-ганида эди, ҳолимизга вой бўларди. Уларнинг устидан ғалаба қозонишим даргумон эди. Эбдала Гилзайининг ҳарбий со-ҳада нўноқлиги туфайли, улар мағлуб бўлишди. Кеч тушган чоғ жанг садолари тинди. Душман қўшинининг салкам ҳам-маси қирилиб кетди. Асирга тушганлари тўрт юз киши ат-рофида эди, холос.

Уруш тугаганига тўлиқ ишонч ҳосил қилгач, шаҳарга кириб аркка томон ўтдим. Эбдала Гилзайининг аҳли оила-сини аркдан олиб чиқиб, шаҳардаги хонадонлардан бирига жойлаштиришди. Улар уерда назорат остида бўлиши, бироқ дахл қилинмаслиги тайинланган эди.

Аркни айланиб, уни олов ёқиб иситишларини буюрдим. Чироқларини ҳам ёқишга амр қилдим. Кейин шаҳарга чи-қиб, жангчиларим ва ярадорларга ҳозирланган жойларни бориб кўрдим. Отлар учун ҳам қўналғалар тахт этиб қўйил-ганига ишонч ҳосил қилгач, аркка қайтиб, қабулхонага ўтдим.

Хонанинг ўртасидаги манқалда қизариб ёнаётган чўғ хонага анча тафт берган, «мардончи» лампалари ёруғлик таратиб турарди.*

* «Мардончи» – шакли лолани эслатадиган чироқ. Ўртасида пи-лик ёниб туради. Устига шиша қопқоқ ёпиб қўйилади. Эронда ҳиж-рий 1206 йилгача – Насриддин шоҳ ҳукмдорлигининг бошланишига-ча, уйларда ана шу чироқни кўриш мумкин бўлган.

Хузуримга Эбдала Гилзайини олиб келишди. У юз қисми ва қўлидан яраланган, жароҳати боғланган эди. Уни олиб киришганида хафагазак оҳангда сўради: «Нима учун мени бу ёққа чақиртирдинг?»

Мен унга дедим: «Менинг икки юз эллик нафар жангчимнинг умрига зомин бўлган одам қанақа экан – бир кўрмоқчи эдим!» Эбдала Гилзайи яна ҳам маъюсланиб деди: «Мана мен – ўша одам! Агар бугун олов ишлатмаганингда ҳамма қўшинингни қирган бўлардим. Сенинг эса кесилган бошинг олдимда турган бўларди». Мен унга дедим: «Сен жасур жангчисан, кўксингда шернинг юраги уриб турибди. Шунинг баробарида кўрс ва аҳмоқсан – ҳозирги гап-сўзларинг шунинг яна бир исботи. Агар сенда ақл ва идрок етарли бўлганида, менинг хузуримда ўзингни тарбияли одамдек тутишинг керак эди. Ахир сени ҳозир асфаласофилингга жўнатиш учун менинг бир ишорам кифоя-ку!»

Эбдала Гилзайи деди: «Менинг бу гапларни айтаётганим, гарчи мағлуб бўлсам ҳам, жароҳатланиб асирликка тушган бўлсам ҳам – сендан асло кўрқмаслигимдан. Агар ишонмасанг жаллодларингни чақир – мени қийма-қийма қилсинлар. Барибир сендан шафқат сўрамайман!» Мен айтдим: «Кўриб турибман кўрқмас ва жасурсан. Агар гуноҳсиз одамларимни ўлдирмаганингда сенинг билан ишим йўқ эди. Биржандан бу ёққа 130 фарсанг йўл босиб, устингга қўшин тортиб келиш ниятидан йироқ эдим. Дарвоқе, нега менинг одамларимни ўлдирдинг? Улар билишимча, сенга халақит беришмаган, ўз йўлларида кетаётган бўлишган. Сен худди заҳарли чаён каби, дўсту душманнинг фарқига бормай нишини санчган ўша ҳашорот каби, асоссиз равишда барчасини ўлдирдинг!» У менинг гапларимни тинглаб, дур каби оппоқ тишларини кўрсатиб табассум қилди. Кейин деди: «Буни сен тушунмайсан. Ва ҳеч қачон ҳис қила олмайсан: Амир Темурдек одамнинг жангчиларини ўлдиришнинг завқу шавқи қанақа бўлишини билмайсан!»

Унга дедим: «Эбдала, бугун мен сенинг устингдан зафар қозондим. Шаҳрингни олдим, бироқ уни ғорат қилишдан тийилдим. Боз устига ҳамманинг молу жонига омонлик бердим».

Эбдала Гилзайи кўзларини лўқ қилиб деди: «Менга садақанинг кераги йўқ! Агар сен шаҳарни ғорат қилсанг – аҳоли тинч қараб турмасди».

Мен дедим: «Шариат қонунлари ва урушнинг тартиб-қоидаларига кўра, сен жазога мустаҳиқсан. Менинг икки юз элликта жангчиларимни, қайсиким сенга мутлақо зарари тегмаган одамларимни ўлдирганинг учун сени қатл эттиришим керак. Бироқ бир шарт билан сени тирик қолдиришим мумкин. Бундан буён менга бўйсунасан, гилзайиларни менинг қўшинимга хизматга юборасан. Ғур аҳолисидан жангчиларим бўлишини истайман. Агар мана шу шартларимни қабул қилсанг, сени омон қолдираман: яна аввалгидек бепоён Ғур мамлакатини бошқараверасан. Ҳокимият сендан сўнг ўғлингга ўтади. Таклифимни қабул этмасанг – қатл этиласан!»

Эбдала Гилзайи таклифимга жавобан шундай жавоб қилди: «Мени ўлдир тезроқ, таклифинг менга маъқул эмас. Қолаверса, гилзайи ҳукмдорлари ҳеч қачон ҳеч кимнинг олдига бўйин эгмайдилар!»

Унга дедим: «Сени айни шу дамда ўлдирмайман. Умрингни эрталабгача чўзиб, яна бир имконият бераман. Агар эртага қуёш чиққунга қадар, сендан ижобий бир жавоб олмасам – бошинг танангдан жудо бўлади». У деди: «Агар умримни минг йилга узайтирган тақдирингда ҳам, мендан ижобий жавоб ололмайсан: мен ҳеч қачон сенинг олдингда қарздор бўлиб қолишни истамайман. Сенга бўйсунмайман. Ғур мамлакати биргина Ферузободдан иборат эмас. Бу ерда ҳали юзлаб қабилалар бор. Ҳали улар оёққа туради! Менинг ўлимим учун қасос олади – қўшинингни тириклайин ютиб юборади. Агар, албатта, қочиб қолмасанг...»

Эрталаб шунақа совуқ бўлдики, хизматкорларимдан бири ноҳосдан темирга қўл тегизган экан, металл қўлига ёпишиб қолибди. Агар қўшиним ўша кеч шаҳарга кирмаганида шаҳар қопқасида совуқдан тарашадек қотиб қолиши аниқ эди. Кун ёришиб кетгач, Эбдала Гилзайини ҳузуримга олиб келишларини амр этдим. У бу кечни иссиққина хонада ўтказган эди. Мен ундан сўрадим: «Хўш, яхшилаб ўйлаб кўрдингми?» Ғур ҳукмдори деди: «Мен ҳаммасини кечанинг ўзида

ўйлаб, жавобимни айтиб бўлганман! Мени ўлдиравер, илло, мен сенинг олдингда қарздор ҳам бўлиб қолишни истамайман, сира бўйсунмайман ҳам!»

Мен афсус билан бош чайқадим: «Ҳайф аслида сендек одамни ўлдириш, қўл остингда қанчадан-қанча мард жангчиларинг бор. Келаси йили ёки ундан кейинги йили мен Ҳиндистонга ҳарбий юриш қиламан. Ўшанда сенинг мамлакатинг ҳудудидан ўтаман. Чунки Ҳиндистонга Хуросон ёки Зобулистон орқали юргандан кўра, Фур орқали ўтган маъқул. Агар дўст бўлишга ва Ҳиндистонга биргаликда юришга сўз берсанг – сени ўлдирмайман. Ҳатто Ҳиндистонни забт этгач, ҳарбий ўлжадан ўз улушингни оласан».

Эбдала Гилзайи бу гапларимдан кейин бир оз мулоқотлашди: «Мен сен билан дўст бўлишим мумкин!» – деди у. Мен унга дедим: «Дўстликнинг шартларини биласан: ҳеч қачон менинг юртимга ва одамларимга дахл қилмайсан, қачон ёрдам сўраб чақирсам – ҳаялламай етиб борасан!» – дедим. У: «Албатта, шундай қиламан», – деди.

Мен дедим: «Мен сенинг лафзингга ишонаман. Шунинг учун кафолат талаб қилмайман. Агар сенинг ўрнингда бошқа одам бўлганида, болаларини гаровга олган бўлар эдим. Мабодо берган сўзингдан қайтсанг – у ёғини ўзинг биласан!.. Аммо сен сўзида турадиганлардансан – шунинг ўзи кафолат!» Эбдала деди: «Агар дўст тутинган эканмиз, менинг аскарларимни тутқунликдан озод эт!» Мен унинг талабини зум ўтмай бажардим. Сўнг ундан Самарқандга бориш учун энг мақбул йўл қайси эканини сўрадим. У шундай жавоб қилди: «Аёз бошланиб, Фур ва Кобулистондан Бадахшонга борадиган барча доволар музлади. Агар шошилмаётган бўлсанг Ҳиротга бор, ундан Хуросон орқали Самарқандга ўтасан».

Шундан сўнг биз яна бир оз суҳбатлашдик. Мулоқотимиз асносида ундан, одамларинг менинг жангчиларимга қармоқсимон қуролни ишлатишни ўргатсин, деган эдим у эвазига порохни ишлатиш сирини сўради. Мен бундай қила олмасдим, шунинг учун бу масалада келишувимиз амалга ошмади. Сўнг мен унга ўз табибимни тавсия этдим. У мар-

ҳаматимни рад этиб: «Ўзимнинг табибим маъқул, агар жароҳат чуқур бўлмаса табибсиз ҳам битиб кетади», – деди.

Ўша кун Ферузободга чопар келди. Менга унинг ажаб-товур пойабзали ҳақида сўзлаб беришди. У ўша пойабзалида шаҳар кўчаларидан ўқдек учиб ўтган эмиш. Ишонмай, ўзим чиқиб қарадим. Ҳақиқатан ҳам у Ғур мамлакатининг тоғли қабиласидан экан. Унга яқин борганимда у қўлида ўша ёғоч пойабзалини тутиб турарди. У иккита тўғри бурчакли ясси тахта бўлиб, оёғига маҳкамлаб, қорда сирпаниб кета-верар экан. Бунақасини аввал кўрмаган эдим.

Эбдала Гилзайи менга сўзлаб берди. Тоғда яшайдиган одамлар йўлларни қор босиб, юриш қийинлашган кезлари мана шундай пойабзалдан фойдаланишар экан.

Бу чопар Эбдала Гилзайига хабар олиб келган эди. Шундан маълум бўлдики, ўғлим Шайх Умар мен томонга юборган йигирма минг кишилик қўшин Ғур тоғларида ботиб қолибди. *Мактуб Ғур мамлакати подшосига йўлланган эди.* Эбдало Гилзайига бу қўшин менга тегишли эканини, уни мен чақиртирганимни ва уни менинг ўғлим бошлаб келаётганини айтиб, дўстлигини исботлашга фурсат етганлигини эслатдим. Ғур тоғларида ботиб қолган қўшинимни қутқаришда ёрдам беришини сўрадим.

У деди: «Кўриб турганингдек жароҳатим туфайли шахсан ўзим у томонга бора олмайман. Бироқ маҳаллий ҳукмдорга топшириқ бераман, нимаки чора бўлса – барини қўллаб, ўғлинг ва унинг қўшинини қутқаришга уринади». Унга дедим: «Мактубингда алоҳида таъкидлаб, ўғлимга озиқ-овқат, отлари учун ем-хашак ва кигиз, чодир ва иссиқ пўстинлар билан таъминлашларини топширсанг». У котибини чақириб маҳаллий ҳукмдор номига хат ёздирди. Унинг мазмуни қуйидагича: Шайх Умар ва қўшини – менинг дўстларим. Уларни қутқариш учун барча зарур чоралар кўрилиши керак. Бу ишларга сарф бўладиган барча харажатларни Амир Темур томонидан қопланишини Ғур ҳукмдори кафолатлайди...

Мен ҳам Шайх Умарга мактуб йўллаб, бўлиб ўтган воқеаларни қисқача баён этдим. Ғур мамлакати ҳукмдори билан дўстона муносабатларни йўлга қўйганимизни, улар ва маҳаллий аҳоли билан яхши муносабатда бўлишларини та-

йинладим. Тоғ йўлидаги тутқунликдан қутулгач, Ҳиротга томон юришини таъкидладим. Ўша ёқда кўришишимизни ёздим. Ёғоч пойабзалли чопар ҳар икки хатни олиб йўлга тушгач, Эбдала Гилзайи чопар 4-5 кунда мактубларимизни айтилган манзилга етказишини айтди. У шундан сўнг дўстлигимиз шарафига дастурхон ёзди ва менга қилич совға қилди. Унинг ҳолати оғир жароҳати битиб кетишидан далолат берар эди. Мен Ферузободда узоқ ушланиб қололмас эдим. Чунки бу ерда бизга зарур миқдорда ем-хашак топишнинг имкони йўқ эди. Шунинг учун беш кундан сўнг, ҳавонинг шашти бир оз босилгач, икки нафар йўлбошловчи олиб шаҳардан чиқдик. Йўл хийла узоқлашди-ю, бироқ совуқдан азият чекмайдиган бўлдик. Шундай қилиб айтарли қийинчиликсиз Ҳиротга етиб бордик.

Аввалроқ Ҳирот ҳукмдорига мактуб йўллаб, сафардан қайтишимда мен ва қўшимим шу шаҳарда бир муддат қолишини, ортимдан келаётган қўшинни кутиб туришимни, шунинг учун етарли миқдорда озиқ-овқат ва ем-хашак тўплашга одамларини жалб этса, боргач нархини келишиб сотиб олишим мумкинлигини баён этган эдим.

Ҳирот ҳукмдори элчимни ўлдириб, хатимга жавоб қайтармади. Мен Ҳиротдан йўл-йўлакай ўтиб кетмоқчи бўлгандим. Элчимни ўлдирадилар деб сира ўйламагандим. Ҳиротнинг ўша ҳудуддаги обод шаҳарлардан бири эканини билардим. Иқлими мафтункор, ёз бўйи шимол шамоли эсиб туради. Бу эса ёзнинг иссиқ кунлари ҳам шаҳар ҳавосини салқин сақлайди. Узум, қовун бу ерда ёзнинг охирларига бориб пишиб етилади – мевалари сархил ва машҳур. Мен Ҳиротга келганимда қуёш Ҳут буржига ўтган эди. Ҳаво юмшаб қолган, жангчиларим ҳатто гулхан ёқмай қўйишганди. Мен қўноқ бўлган жойдан Ҳиротнинг шимолидаги тоғлар кўриниб турарди. Мен ана шу тоғларнинг тепасида ибодатхона борлигини билар эдим. Унинг маъбудлари ҳам бу оташкаданинг қачон ва ким томонидан қурилганини билишмас эди. Унинг бағрида ёниб турган олов, айтишларича, пайғамбаримиз (с.а.в.) туғилган куни ўчган экан.

Шундай бўлса-да, ибодатхонанинг ўзи яхши сақланган. У шу қадар мустаҳкам қилиб барпо этилганки, баъзи ҳирот-

ликлар ўша ёққа чиқиб, чўкич ёрдамида ҳам унинг гиштини кўчира олмаганлар.

Мен мактубимга жавоб кутмоқда эдим. Ҳадеганда жавоб бўлмагач, иккинчи мактубимни жўнатдим. Яна жавоб бўлмади. У бу сафар ҳам чин олижаноблик тартиб-қоидаларини оёқ ости қилиб, мактуб олиб боришдан бошқа ҳеч қандай айби бўлмаган элчимни ўлдирибди. Иккинчи мактубимга ҳам жавоб бўлмагач, англадимки, Ҳирот ҳукмдори менга нисбатан душман кайфиятида ва шаҳарга киришимни хоҳламайди. Ҳиротнинг Чингизхон томонидан истило этилгунга қадар олти минг карвонсаройи, ҳаммом ва тегирмони, уч юзу эллик тўққизта мадраса ва хонақолари ҳамда қирқ тўрт минг уйлари бўлган.

Ҳиротда исломнинг бир қатор кўзга кўринган уламолари дафн этилган. Масалан: Ҳирот пири Хўжа Абдулла Ансорий, имом Фахр Розий, Хўжа Муҳаммад Абу ал-Валид. Чингизхонга қаттиқ қаршилик кўрсатгани учун шаҳар вайронага айлантирилган бўлса ҳам, кўп ўтмай у қайтадан қад ростлаган. Мен борган пайтимда у ҳар томонлама расо шаҳар, бурунгисидек бўлмаса ҳам, энг обод шаҳарлардан бири эди.

Ҳирот ҳукмдорининг менга нисбатан душман кўзи билан қарашига ишонч ҳосил қилгач, унга томон юрдим: қани кўрайлик-чи, мен билан очиқ майдонда жанг қиладими ёки қалъасига кириб беркиниб оладими?

Маълум бўлдики, Ҳирот ҳукмдори мен билан очиқдан-очиқ жангга чиқмоқчи эмас. Шаҳар девори ортида яшириниб, қаршилик кўрсатишни маъқул кўрди. Агар ўғлим Шайх Умарга Ҳиротда учрашишни айтмаганимда бу шаҳарни айланиб ўтиб, Хуросонга кетган бўлар эдим. Аммо ўғлимни кутиш учун тўхтамоқчи бўлганимда унинг ҳукмдори томонидан кўрсатилган мазкур муносабатдан кейин мен бу жойдан шундай ўтиб кета олмадим. Уни босиб олишдан ўзга чорам қолмаганди. Шаҳарни шу ҳолича қолдириб кетсам, ортимдан ўғлим мен билан шу ерда учрашиш илинжида келса, кўшинни қириб юборишлари мумкин эди. Ферузободаги жангда жуда кўп жангчиларимдан ажралдим, мавжуд аҳволимда Ҳиротни олишим мушкул эди. Шундан тишни-

тишга босиб, ўғлимнинг етиб келишини кутишга қарор қилдим.

Ҳиротдан пастроқда «Ҳери-руд» дарёси бор. Дарёнинг бир шохобчаси шаҳарнинг жануб томонидан оқиб ўтади. Жангчиларимга ўша шохобчанинг сувини бошқа ёққа буриш учун катта ариқ қозишларига топшириқ бердим. Чунки шаҳарнинг сув таъминоти мана шу шохобча ҳисобидан эди. Жангчиларим дарҳол ишга тушиб кетдилар, аммо ишни тўхтатишга тўғри келди. Бунга иккита ҳолат сабаб бўлди: биринчиси – ўғлим Шайх Умар етиб келди. Иккинчиси – маълум бўлишича, Ҳиротда сув захираси ҳаддан зиёд кўп экан. Сув ҳовузлари деярли ҳар бир уйда мавжуд бўлиб, боз устига аҳоли шаҳарнинг улкан-улкан сув манбаларидан ҳам текинга сув олишлари мумкин экан. Шаҳарнинг сув омборлари вақф мулки бўлиб, уларнинг ҳар бирига масъул – мутавали тайинланган эмиш. Улар ҳовузларнинг сақланишига, тозалигига, ҳар йили бир марта – куз фасли тозалашга масъул эканлар. Шунинг учун Ҳери-руд шохобчасининг сувини бошқа ўзанга буриш тадбиримиз кутилган натижани бермаслиги аён бўлиб қолгач, ишни тўхтатдик.

Шайх Умар ўн олти минг кишилик қўшини билан келиб сафимиздан жой олди. Тўрт мингта аскар совуқ ва касаллик туфайли ўлган, айримлари Ферузободда қолган эди. Шайх Умарнинг айтишича, Гур ҳукмдорининг мактуби фойда берибди: маҳаллий одамлар уларга катта ёрдам кўрсатишибди. Озиқ-овқат, ем-хашак, кигиз, чодир ва бошқа кўплаб керакли нарсалар билан таъминлашибди. Агар ана шу ёрдам вақтида кўрсатилмаганида қўшиннинг тоғлар орасидан омон чиқишига умид йўқ экан.

Шайх Умар шаҳар қамалида иштирок этмайдиган бўлди: мен уни уч минг кишилик кичик бир ҳарбий қисм билан Шероз юртини бошқариш учун жўнатиб юбордим. У ерни бошқариб турган Мироншоҳни эса ёнимга чақириб олдим. Икки сабабга кўра шундай йўл тутдим: биринчидан, Мироншоҳ ҳали ёш, мамлакат бошқариш учун етарли тажрибага эга эмас эди. Иккинчидан, мен Мироншоҳни ўзим билан Ҳиндистон сафарига олиб кетмоқчи эдим.

Ҳиротда иқлим кун сайин илиб борди. Демакки, баҳор яқин.

Шайх Умар уч минг суворийси билан Форсга кетгач, шаҳарни ишғол қилишга киришдим. Назаримда, энди сифимизга ўн уч минг киши келиб қўшилганидан сўнг, қудратимиз анчайин мустаҳкамланган эди.

Ҳирот ҳукмдори Малик Муҳаммад Зашкини енгишнинг энг осон йўли, қалъа деворларини порох ёрдамида бузиш эди. Бироқ унинг жуда кўп қисми Ферузободда сарфланган, қўлимизда қолгани арзимас миқдорда бўлиб, деворни бузишга етмасди. Агар хом ашё бўлганида порохни шу ернинг ўзида ишлаб чиқарардик, аммо Ҳирот ҳудудларида бундай хом ашё йўқ эди. Демак, битта йўл қолганди ва мен уни тўғридан-тўғри ишғол қилиш йўли билан забт этишга қарор қилдим.

Шайх Умарни кутиб турган пайтимиз аскарларимиз бўш ўтирмадилар. Атрофдаги дарахтларни кесиб, нарвон, тошотар мослама ва бошқа жанговар воситаларни ясашга киришдилар. Шаҳарни ишғол қилиш ҳаракатларини Ҳамалнинг биринчи куни бошлашга қарор қилдим. Ўша куни жанговар жангжомалар кийган иккита қисм шаҳарнинг шарқий ва ғарбий томондан қалъа деворини ишғол қилишга киришдилар. Барча моҳир мерганларимга қулай жой танлаб шай бўлиб туришларни буюрдим. Улар шаҳар ҳимоячилари девор устида кўриниши билан ўқ узиб, уларни сафдан чиқариш топширигини олдилар. Тошотар мосламалар тинмай ишлашини таъминлаш мақсадида, уларга масъуллар белгиладим. Хуллас, мерган жангчиларим ва тошотарлар шаҳар деворини ишғол қиладиган сафдошларига шароит яратиб беришлари лозим – бунинг учун эса тинимсиз ўқ ва тош ёғдириб, душманларнинг кўзини очирмай қўйишлари керак эди.

Малик Муҳаммад Зашки биринчи куни деворни ишғол қилишга уринаётган жангчиларимиз устига қайнатилган ёғ тўкди. Таналарида ҳимоя мосламалари бўлса ҳам, кўп жангчиларимиз жароҳат олди. Ҳирот ҳимоячилари шаҳар девори устида дастали катта-катта қозонларни осиб, ичини мой билан тўлдирган эдилар. Остига ўт ёқиб, қайнаш ҳолатига

боргач улкан чўмичлар билан жангчиларимиз бошидан қуйишарди. Аскарларимнинг жуда кўплари куйиб, пастга қуладилар. Маълум қисми ўлди, тирик қолганлари ҳам жангда иштирок эта олмасди. Зеро, чидаб бўлмас даражадаги куйиш азоби тан-жонини азобламоқда эди. Мен мерганлар орасида эдим. Икки марта ўқим нишонга текканини кўрдим. Қиздирилган мойни олаётган душман ўқим тегиб қуларкан, ўз ёғига ўзи қовурилиб қолди. Биз жуда қисқа вақт мобайнида шаҳар деворини қўлга олмоғимиз учун ҳаракатларимизни шиддат билан давом эттиришимиз лозим эди. Шундай бўлди ҳам. Бир ярим минг жангчимиз сафдан чиқарилган пайт, деворнинг шарқий томонидан бир ҳудудни қўлга киритдик. Назоратимизга ўтган ўша ҳудудга кетма-кет жангчиларимни юбориб турдим. Шаҳарга киришлари биланоқ уйларни ёқишларини буюрдим. Чунки тажрибамдан ўтган, шундай қилмаса ҳар бир уй ҳимоячиларнинг истеҳкомига айланади. Шоҳруҳ шундай топшириқни олиб шарқий деворга томон кетди. Бир муддатдан сўнг шаҳар ичкарасидан осмонга ўрлаётган тутун ичидан оловнинг қип-қизил тили кўринди. Англадимки, жангчиларим ёндирувчи аралашма билан уйларни ёқишни бошладилар.

Шоҳруҳга топшириқ бериб юборишимдан олдин, унинг қулоғига қуйиб дедим: «Урушда ҳар қандай сусткашлик ва мулойимлик мағлубиятга олиб боради. Ўлдир, ёқ, буз – токи душманнинг қаршилиги тугамагунча ёки асир тушмагунча! Бироқ асир тушса – уни ўлдирма. Чунки сенинг олижаноблигингга умид қилиб асир тушишни маъқул кўрган кишини ўлдириш оқилона иш эмас. Бу шариат қонунларига ҳам зид. Агар шунга лойиқ бўлса – бу бошқа гап!»

Мен жангчиман! Қулоқларим отларнинг дупури, қиличлар жаранги, жангчиларнинг ҳайқириқларига ўрганган. Шунинг учун ҳам чанг, уд каби мусиқий асбобларни унча хушламайман. Менимча, дунёдаги энг қизиқарли машғулот – жанговар машғулот, энг шарафли касб – ҳарбий бўлиш.

Агар буюк бўлишни, дунё ҳукмдори бўлишни истасанг, ҳарбий касбни танла! Агар фарзандларинг сендан кейин буюкликка ва салтанат ҳокимлигига эришсин десанг, ҳарбий соҳани ўргат. Туслик шоир (Абулқосим Фирдавсий)

мозорини мен тартибга солиб, қабрига ёдгорлик ўрнатган эдим. У шундай деб ёзади:

*«Дабири аст аз пешаҳо арзманд,
Аз он мард афканда гардад баланд».*

(Носирлик – касбларнинг энг бебаҳоси, инсонни буюклик даражасига кўтаради).

Аммо, ёзувчи, олим – унинг касбу қори ҳар қанча шарафли бўлмасин, ҳеч қачон бутун жаҳон ҳукмдори деган мартабага эриша олмайди. Агар ҳарбий соҳада шуғуллансагина шундай мавқе тутади.

Мен ҳар сафар бирор-бир юртни эгалласам, унинг олимлари, шоирларига ҳурмат кўрсатаман. Уларни сира хафа қилмайман. Ҳадялар бераман, лекин бундан уларнинг ҳурмат ва эътибори ҳеч қачон маънавий-руҳий қадриятлар даражасига қадар ўсмайди. Агар у мен каби моҳир қиличбоз бўлиб, ўзининг асосий касби деб ҳарбийни танламаган, урушни касбу кор қилмаган бўлса. Менга ўхшаган жангчилар дунёнинг юз минглаб олиму шоирлари устидан ҳукм-фармолик қилади. Олиму шоирлар дунёнинг энг улуғ олими Ибн Халдун каби менинг ҳузуримда бош эгишдан ўзга чора топмайди (у ҳақда ва у билан Шом мамлакатида қилган суҳбатларимиз ҳақида кейинроқ тўхталаман).

Мен аминман, агар бирор марта бўлса ҳам жангда иштирок этган, унинг манзарасини ўз кўзи билан кўрган одам ҳар қандай латиф мусиқадан, раққосаларнинг бежирим хиромидан баҳра топмайди. Чунки унинг учун жанггоҳларда олган лаззатидан ортиқ лаззат йўқ бу дунёда.

Шаҳар ичкарисидаги жанглар қақшатқич тус олди. Ҳимоячиларнинг ярми деворни тарк этиб, шаҳар ичкарисидагиларга ёрдамга ошиқишди. Ҳамал ойининг биринчи куни қуёш уфққа яқинлашган чоғ, жангчиларимиз ҳимоя деворининг беш жойидан ёриб ўтишга муваффақ бўлишди. Шу пайт шаҳардан чиқиб, мен томонга бир гуруҳ одамлар кела бошладилар. Замбилда кимнидир олиб келишарди. Яқинлашганларида танидим, у менинг ўғлим Шоҳруҳ эди. Ҳали тирик экан, агар ўлганида ҳам қайғуга ботмаган бўлар эдим.

Кейинчалик Шайх Умар ҳалок бўлганида ҳам, заррача ғамга ботмаганман. Чунки, аввал ҳам айтганман, ўғилларимни жангга кузата туриб, улар билан хайрлашмайман – видолашаман аслида.

Шоҳруҳ бел қисмида кучли қилич зарбасидан жароҳат олган экан. Шу боис ўрнидан қўзғала олмаётган эди. Уни ўз чодирига олиб боришларини буюрдим. Жароҳатини боғлаб, аҳволи яхшиланмагунча ўша ерда туришларини тайинладим. Шом намози вақтида шаҳарни тутун қоплади. Жангчиларим кўпроқ уй ва қўрғонларни ёқишарди. Кечки ибодатимни бажариб, масжиддан чиққанимда, Ҳирот ҳукмдори Малик Муҳаммад Зашки ва унинг икки нафар ўғли асир олингани ҳақида хабар беришди.

Шаҳарда жанг ҳамон давом этмоқда эди. Ҳиротнинг енгилмас ҳимоячилари таслим бўлишни исташмаётганди. Малик Муҳаммад Зашки билан мулоқот қилишга умуман хоҳишим йўқ эди. Зеро, унинг айби билан менинг қанчадан-қанча жангчиларим ҳалок бўлишди, ярадор бўлишди. Шунинг учун уни қатл этишга амр қилдим, токи тарафдорлари унинг ўлимини кўриб қаршилиқ кўрсатиш бефойда эканини англаб, жанговар ҳаракатларини тўхтатсинлар. Шундай бўлди ҳам, Ҳирот ҳукмдорининг боши энди иш берди. Ваҳоланки, у бу каллани кесилмасидан аввалроқ ишлатиши керак эди: унинг пажмурда ҳолати ҳимоячиларнинг руҳини синдирди. Қуролларини ташлаб таслим бўлдилар. Жангчиларим уларни тўплаб, шаҳар ташқарисига олиб чиқдилар. Шаҳар тўлиқ қўлимизга ўтгач, жанговар ҳаракатларни тўхтатишга, уруш қонунига кўра ҳарбий ўлжа олишга рухсат бердим.

Ўша кеч вақтимиз, асосан, тутқунларни шаҳар ташқарисидан тўплаш ва ярадорларга тиббий ёрдам кўрсатиш билан ўтди. Кейинги куни асирларни ўз ҳамшаҳарларининг мурдаларини кўмишга жалб этдим. Ундан кейин эса Ҳиротга ёндош қишлоқлар аҳолисини тўплаб, асирлар билан бирга шаҳар деворини бузиш ишига сафарбар қилдим. Истеҳком девори батамом бузиб ташлангач, Малик Муҳаммад Зашкининг фарзандларини ҳузуримга олиб келишларини буюрдим. Тўнғич ўғли ўн саккиз ёшда, кичиги ўн бешда экан.

Уларга дедим: «Сизларнинг отангиз менинг икки нафар элчимни ўлдириб, менга ҳурматсизлик қилди. Қилмишига яраша жазосини ҳам олди. Сизларда ортиқ адоватим йўқ. Агар менга бўйсунсангиз каттангизга Ҳирот тахтини топшираман. Мабодо иродамга қарши борсангиз – қатл эттираман!» Зашкининг тўнғич ўғли менинг амримга бўйсунилларини айтди. Шундан сўнг унга дедим: «Шу кундан эътиборан сен Ҳирот тахтининг ҳукмдорсан. Уни ўзинг истаганингдек идора қил. Уканга ҳам Ҳирот шаҳарларидан бирини беришинг мумкин. Кўриб турганингдек, шаҳар қисман вайрон бўлди. Бунга бизни отанг мажбур этди. Энди сен уни тиклаш йўлини тут! Бироқ шаҳар деворини тиклама. Мабодо шундай қиладиган бўлсанг, сени айтганимни бажармай, итоат қилмаганликда, менга қарши исён кўтаришга уринганликда айблайман. Устингга қўшин тортиб келишга мажбур бўламан!»

Маҳмуд қатъий ваъда берди: «Эй Амир, мен ваъда бериб, ишонтириб айтаманки, сенга қарши ҳеч қачон бош кўтармайман!»

Мен унга дедим: «Отангни ўлдирганим сабаб, менга сидқидилдан хизмат қилишингга унчалик ишонмайман. Бироқ сенинг ҳолинг шундай бўлади: молинг-мулking дахлсиз! Ҳокимият кейинчалик болаларингга ўтади. Менинг итоатимдаги ҳукмдор сифатида бирор-бир муаммога дуч келсанг, менга мурожаат қил – ёрдам бераман, сени ҳимоя қиламан!»

Ферузобод ва Ҳирот жанги бизни анчайин заифлаштириб қўйган эди. Бу ўлкаларда ортиқ қолишга тоқатимиз қолмаганди. Аҳволимиздан душманлар хабар топиб, бизга ҳужум қилсалар – енгилгина мағлубиятга учратишлари тайин эди. Шунинг учун ҳам Мироншоҳнинг Форсдан қайтишини кутиб ўтирмай, қолган-қутган қўшиним билан йўлга тушдим. Мўлжалим Тус ва Кучан орқали Эрондан чиқиб, Мовароуннаҳрга кириб бориш эди. Мен Ҳиротдан тўғри шимолга ҳам юришим мумкин, аммо унда шундай ҳудудлардан ўтишимизга тўғри келардики, ҳукмдорлари бизга ҳужум қилиб қолишлари эҳтимолдан холи эмасди. Тус ва Кучан орқали юриладиган йўл – ўша кезлари биз учун яго-

на хатарсиз йўл эди. Тусга етганимизда қуёш бузоқ буржига етган, ҳаво анчайин исиб қолганди.

Мен Тусда икки кундан ортиқ тўхталмадим. Шунда ҳам фақат отларга дам бериш учун қўноқ бўлдик. Фирдавсийнинг қабрини бориб кўрдим. Мозори қай аҳволда эканига назар ташладим. Унинг хоки туроби барҳақ бўлган боғда сархил гуллар очилиб ётганини кўриб кўнглим тоғдек кўтарилди. Икки кундан сўнг сафарни давом эттирдим. Кучанда яна ўша мовий кўзли, ялтироқ сочли одамларни кўрдим. Кучан эрларига яна қўшинимга кириш таклифини бердим, яна рад жавобини олдим.

Ҳаво яхши, сув етарли, ем-хашак мўл бўлган ҳудудлардан ўтиб, айтарлик бир саргузаштларсиз ватанга қайтдик. Самарқандга киришдан аввал Кешга ўтдим. Уни дунёнинг гўзал шаҳарларидан бирига айлантириш учун обод қилишга буйруқ берган эдим – шу сабаб топшириқларим қай йўсин бажарилаётганини кўрмоқчи эдим.

Дунёни забт этишга киришган кунимдан бошлаб, қайси юртни забт этган бўлсам, юқорида ҳам бу ҳақда эслатганман, ҳунарманд аҳлига ҳеч зиён-заҳмат етказмас эдим. Уларнинг неча-нечаларини Самарқанд, Бухоро ва Хоразмга кўчириб олиб ҳам келганман. Бағдод ва Эроннинг энг моҳир усталари ўша пайт Мовароуннаҳрда яшашарди.

Кешдаги менинг қароргоҳим қурилишига тошни Бадахшондан, безак қисмларини Хуросондан олиб келишларига топшириқ бердим. Шунингдек, Форсдан мрамор олиб келиб, уни девон ва саройнинг ост қисмига ишлатишга кўрсатма бердим. Исфаҳоннинг энг моҳир усталари зиммасига саройнинг ташқи безак ишларини юкладим. Кешда бағдодлик икки нафар тархчи-меъморлар ҳам бор эди. Улар Румда касбу кор ўрганиб, тажриба орттиришган. Шунинг учун ҳам арк гумбазларини Румдагидек қойилмақом қилиб бажаришар эди. Тархчи-меъморларга Кешдаги қароргоҳимнинг барча гумбазсимон аркларини Рум услубида қуришларини буюрдим. Рум услубида қурилган арklar минг йилга, эҳтимол ундан ҳам кўпга кетади. Фақат зилзила унга заҳмат етказиши мумкин.

Шерозда пиёдалар йўлагининг икки томонида қатор қилиб дарахт ўтқазилганини кўрган эдим. Кешда ҳам худди

шундай қилишларига амр қилдим. Илло, шаҳарнинг бундай кўчаларидан ўтган киши худди боғ оралаб юргандек бўлади. Ҳали эсдаликларимнинг бошида менга устозлик қилган мулла Алибек ва Шайх Шамсиддин ҳақида сўзлаган эдим. Мулла Алибек оғзида битта ҳам тиши қолмаган кекса чол эди. У Кешнинг маҳаллаларидан бирида болаларга ҳарф танитиб, ёзишни ўргатар эди. Мен етти ёшгача ана шу инсоннинг қўлида таҳсил олиб, сўнг Шайх Шамсиддиндан сабоқ ўрганганимни ҳам сўзлаб берган эдим. Кешда қурилиш ишларини бошлаган кезларим, ҳар икки устозим оламдан ўтиб кетишганди. Шайх Шамсиддиннинг фарзандлари яхши яшар, аммо мулло Алибекнинг болалари муҳтожликда кун кечиришар экан. Шунинг учун устозимнинг ҳар бир фарзанди учун алоҳида уй қурдиририб бердим, уларга нафақа тайинладим. Ўша пайт мен Ибн Халдун айтиб берган мана бу ҳикматларни билмас эдим. Шомда у билан учрашганимизда айтган эди: «Инсонга Аллоҳнинг буюк иноятларидан бири, унинг улуғ, қудратли инсонлар билан дўстлиги. Мана шу яқинлик барча хоҳиш ва истакларини амалга ошувида асос бўлади!» Гарчи ўша пайтгача бу ҳикматни эшитмаган бўлсам-да, кейинчалик уни ҳаётимнинг мазмунига айлантирдим. Олампаноҳ эканман мен билан бир сафда туриб, мақсадларимни амалга оширишимда менга елкадош бўлган, ўз хизматини аямаган инсонларнинг болалари хорлик ва зорликда яшамаслиги керак, деган қатъий қарорга келдим. Ким менинг камолимга ҳисса қўшган бўлса, бир сафда туриб, жонини қурбон қилган бўлса, уларнинг фарзандларига ғамхўрлик қилишни бурчим деб билдим. Мулла Алибекнинг фарзандларига уй қуриб берганимдан сўнг, миямга бир фикр келди: «Кеш – бу мен туғилган жой. Шу ерда улғайдим. Маълум бир муддат яшадим. Шунинг ўзи ҳам ҳамшаҳарларим олдида бурчли эканимни англаатади. Ахир жаҳонгирнинг ҳамшаҳарлари муҳтожликда яшаса шаънимга яхши гап бўлмас. Мен шаҳар аҳолисига нафақа маблағлари жорий этдим. Токи бирор нарсага дард қолиб, чорасизлик исканжасида қолмасинлар, тўқ ва фаровон яшасинлар, дедим.

Мен дунёда Кешдан кўра чиройлироқ яна бир шаҳар борлигига ишонмайман. Унинг марказий кўчаси шунчалар

кенги, йўлнинг икки ёқаси ўртасидаги масофа эллик заръ келади. Бу йўлдан бир қатор бўлиб, елкама-елка туриб йи-гирма беш нафар суворий юриб ўтиши мумкин. Гарчи у дунё-да ягона бўлса ҳам, саройим бетакрор бўлишига қарамай, унда узоқ турмадим.

Чўлга ўз жангчиларим ва саркардаларим ёнига бордим. Ҳиндистон сафарига жиддий тайёргарлик машқларини бош-лаб юбордим.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

ШАЙХ УМАРНИНГ ФОРСДА ЎЛДИРИЛИШИ

Бадахшон сафарига чиқмоқчи бўлиб тургандим. У ер-дан Кобулистонга, ундан Ҳиндистонга ўтишни режалаш-тирган эдим. Йўлга чиқишимга икки кун қолганди: Форс-дан нохуш хабар келди. Кабутар – даракчи қушлар хизма-тини йўлга қўйганим боис, дунёда нима ишлар содир бўла-ётганидан, қўл остимдаги мамлакатларда аҳвол қандай эка-нидан мунтазам маълумот олиб турар эдим. Шундай қилиб, хабарчи қушлар менга Форсда ўғлим Шайх Умар ўлдирил-гани ҳақида хабар олиб келди. Мен қайғуга ботганим йўқ. Бу борадаги фикрларимни юқорида баён қилган эдим. Мени безовта қилган нарса, мендек одамнинг ўғлини ўлди-ришга кимнинг журъати етди, деган тизгинсиз саволлар эди. Қисқагина хабардан менга маълум бўлгани шуки, Шайх Умар Шероз яқинидаги Диёр Бакр водийсига овга чиққан. Ўша ерда унга ва унинг одамларига аллақандай суворийлар тўдаси ҳужум қилган ва Шайх Умарни ўлди-ришган. Қотиллар Форс қабилаларидан бўлган, бироқ қайси қабила экани ҳақида мактубда ҳеч нарса дейилма-ган. Мактуб муаллифи – асли чочлик Шероз ҳукмдори яна бир безовталигини баён этиб, Шайх Умар вафот этгани-дан сўнг Форс қабилалари гимирлаб қолгани, агар аҳвол шу зайл давом этса, улар исён кўтариб Шерозга ҳужум қилишлари мумкинлигини маълум қилибди. Шероз ҳукм-дори имкони етгунча бу ҳаракатларга қаршилиқ кўрсати-

шини, бироқ вазият бутунлай издан чиқиб кетмаслиги учун қўшимча куч юборишимни сўрабди.

Бу сафар ҳам кутилмаган низо туфайли режамни ўзгартирадиган бўлдим. Айни ўша дамда Ҳиндистон эмас, балки Форсда бўлишим муҳим эди. Агар мен Форсга Рай ва Исфаҳон орқали борадиган бўлсам, йўл узаярди. Шу сабабли Хуросон ва Язд орқали боришга қарор қилдим. Бироқ бу йўлда сув танқислиги бизнинг асосий муаммомиз бўлиши турган гап. Мовароуннаҳрга ўз ўрнимга Мироншоҳни қолдирдим. Ўзим эса етмиш минг қўшин билан сафарга равона бўлдим. Мовароуннаҳр ва Хуросондан ўтиб, яна бир бор Башаруйга бордим. У жойда тўхтаб, аҳолиси билан, қайси-ким оддий ўтинчисидан тортиб дўкончисигача дониш бўлган одамлар билан суҳбатлашишга иштиёқим кучли бўлишига қарамай, вақт бунга имкон бермади. Шунинг учун у ерда тўхтамадим. Юрагимни биргина истак қамраб олган, у ҳам бўлса тезроқ Форсга бориб, Шайх Умарнинг хуни учун ўч олиш ва содир бўлиши мумкин бўлган исённинг олдини олишдан иборат эди.

Башаруйдан ўтиб Работи Хон деган манзилга йўналдим. Бу сафаримиз учун кўпроқ сув ғамлашимиз мумкин бўлган ягона манзилгоҳ эди. Работи Хон кичикроқ бир аҳоли яшайдиган жой бўлиб, унда катта карвонсарой фаолият кўрсатар эди. У худди ҳарбий истеҳком тарзида қурилган бўлиб, бу бежизга эмасди. Чунки бу ҳудудларда қароқчилар изғиб юрар, вақти-вақти билан сув ғамлаш мақсадида Работи Хонга кириб туришар эди. Туз татиб, тузлиғига тупурган каби айрим ҳолларда ўша қишлоқ аҳолисини талаб кетишар экан. Шунинг учун Работи Хон аҳолиси уларга қаршилик кўрсатишга тайёр туришар, мабодо қароқчилар галаси кўпчилик бўлса, карвонсаройга кириб яширинар эканлар. Ўша ердан туриб қароқчиларга қаршилик кўрсатганлар, худди ҳарбий истеҳкомда турган каби.

Работи Хонга киришим билан маҳаллий қишлоқ оқсоқолларини суҳбатга чорладим. Улар билан маслаҳатлашиб олмоқчи эдим. Қишлоқ кадхудоси, кулранг соқолли чол деди: «Эй Амир, олдинда эллик фарсанг масофада чўл ястанган. Унда сув йўқ, ўт ўсмайди. Ҳатто қовжираган поя ҳам йўқ

чайнашга. Худо бошқа бир бунақа саҳрони яратмаган бўлса керак ва сен бундай улкан қўшин билан уни кесиб ўтишинг мушкул. Сафарнинг иккинчи куниёқ сувсизликдан ҳалок бўласизлар. Эллик фарсанг масофани бу чўлда фақат туя билан босиб ўтиш мумкин, аммо отда эмас. Ҳатто туя билан кетаётганлар ҳам йўлда ҳеч бўлмаса бир марта жониворларнинг томоғини ҳўллаш учун ўзлари билан кўп миқдорда сув олишлари керак бўлади. Шунда ҳам чўлда танҳо юрмаслик лозим, карвон катта бўлиши шарт. Туяларинг тенг ярмига сув ортилиши зарур. Акс ҳолда улар ҳам бепоён қум барханлари ичида изсиз йўқолиб кетиши тайин. Гўштлари йиртқишларга ем бўлади. Шундай воқеалар бўлган, бир эмас, бир неча бор. Карвондагилар қуёшнинг тиғида оқариб ётган одам суякларини кўп кўрганларини айтишади».

Мен дедим: «Хуросондан Зобулистонга ва Форсдан Хуросонга ўтган чоғларим сувсиз саҳрони босиб ўтишимга тўғри келган». Кадхудо деди: «Сен айтган у чўлларда сув бор. Айниқса, баҳор ойлари сероб бўлади. Аммо, ҳозир сен кечиб ўтмоқчи бўлаётган саҳро тамоман сувсиз. Уни юқорида айтганимдек, фақат туяда кечиб ўтиш мумкин».

Мен унга дедим: «Бундан келиб чиқадики, мен шунча йўл босиб келиб, сувсиз бир саҳрони кечиб ўта олмас эканман, деб ортга қайтишим керакми?» Кадхудо чол шарқ томонни кўрсатиб деди: «Агар бу ердан ўннга қараб юрсанг, икки кундан кейин тоғни кўрасан: у шимолдан жанубга томон ястанган. Тоғ ёқалаб юриб, шундай бир жойга етасан – у мана шу чўлнинг тугаш жойи. Мен ундан «Ўша жойларни яхши биласизми?» – деб сўрадим. У беш қўлдек билишини айтди. Шундан кейин менга йўлбошловчилик қила оладими, йўқми – шуни сўрадим. У ўғли билан бирга бизни манзилга кузатиб қўйиши мумкинлигини билдирди. «Агар шу чўлдан ўтишимга кўмаклашсангиз, сизга жуда катта мукофотим бор!» – дедим. «Менинг бурчим – бу, ўғлим билан ана шу бурчни адо этиш учун ниманки қилиш керак бўлса – қиламиз!» – деди у.

Мен қарияга ва унинг ўғлига от беришларини буюрдим. Улар қўшиннинг олдига тушиб йўл бошладилар. Чол менга чўл ҳақида яна сўз очди: «Салм ва Тур ҳалок бўлган воқеага

сабаб бўлиб, доврўғи афсона бўлган саҳро шу: агар сен ҳам ундан ўтганигда, Салм ва Тур каби афсонага айланар эдинг».

Кадхудо бизни ўша тоғнинг этагига олиб борди. Мен ундан, бу йўлдан Форсга қатнаб турасизми, деб сўрадим. У: «Эй Амир, бу йўлдан якка тартибда юриб бўлмайди, бу ерларда ҳамиша қароқчи тўдалари изғиб юради. Улар якка йўловчиларни, ҳимоясиз карвонларни талаб туради. Молларини олиб, одамларни ўлдириб кетишади, бироқ сенга яқинлашишга журъат этишмайди, чунки катта қўшининг бор», – дея жавоб қилди у.

Мен сўрадим: «Бу ернинг ҳукмдорлари бу каби ҳолатларга барҳам берса бўлмайдими?» Чол елка қисди: «Эсимни танибманки, бирор-бир ҳукмдор бу ерларда тартиб ўрнатиш ҳаракатида бўлганини эслай олмайман», – дея жавоб қилди, сўнг: «Бу тоғнинг пастки этаги Зобулистонга бориб тақалади, қарама-қарши томони эса, Ғур ва Кобулистонга – шу сабабли ҳам бу ҳудудлар хавфу хатарга тўлиб тошган», – деди у. Тоғ этаги бўйлаб бормоқда эдик. Бу йўлнинг ҳар жой-ҳар жойида сув сероб бўлиб, биз айна ўшандай жойларда тўхташ учун ҳисоблаб йўл босмоқда эдик. Гарчи бу йўллардан танҳо юриб бўлмайди, дейишига қарамай, чолнинг ҳар бир тош, ҳар бир жилғани таниб бораётгани мени таажжублантирди: «Сиз бу йўлдан юрмагансиз-ку, уни яхши билишингиз сабаби нима?» – сўрадим ундан. У жавоб қилди: «Эй Амир, болалигим, ёшлигим мана шу тоғ этакларида кечган. Бу ерларда қўй боқиб катта бўлганман». Яна сўроққа тутдим уни: «Унда бу жойлар қўрққинчли эмасмиди?» У жавоб қилди: «Эй, Амир, ўша кезлари Биржанд ва Каъин ҳукмдорлари жуда қудратли эди. Улардан қароқчилар ҳам чўчирди. Шунинг учун ҳам менинг қўйларимга тегинишмасди. Чунки мен ўша ҳукмдорларнинг чўпони эдим-да!»

Бир куни туш пайти, тоғ этаги бўйлаб оқаётган сойга дуч келдик. Жангчиларим унинг соҳилида жойлашиб, дам олдилар. Мен узоқроқ кетдим. Таҳорат олиб, намозимни ўқиғач, чодиримга қайтдим. Ётиб, бир оз дам олмоқчи эдим. Шу пайт кўзим илонга тушди. Мен уни ўлдирдим, аммо у ҳам чақишга улгурди. У тўпиғимнинг тепароғидан чаққан

эди. Унинг танасини ташқарига тепиб чиқардим. Сўнг йўл бошловчи кадхудо чолни чақиртирдим. Унга илон чаққаннини айтиб, «қаранг-чи, у қанақа илон», дедим. Чол илонни кўриб: «О, бу «капча» илон-ку! – деди у росмана саросималаниб. – Агар тезроқ олдини олмасак, оқибати ёмон бўлади!»

Мен бундан эсанкираб қолганим йўқ. Начора ажалим шу ерда бўлса – тақдирга тан бермай иложим йўқ. Бу пайт кадхудо чол ҳаракатга тушиб кетган эди. Унинг талаби билан кимдир ип топиб келди. Чол тиззамнинг пастроқ жойидан маҳкам боғлади. Кейин илон чаққан жойни пичоқ билан кавлаб олди-да, лабини босиб қонини сўриб ола бошлади. Бу жуда узоқ давом этди назаримда. Бир оздан сўнг аъзои баданим ёниб бораётганини ҳис этдим. Чолдан сўрагандим, у тасдиқлади: «Илон чаққанда шундай бўлади». У оғзида тўпланиб қолган қонни тупуриб ташлагандан сўнг: «Лекин биз олдини олдик назаримда, – деди у ниҳоят қон сўришдан тўхтаб. Сўнг давом этди: эй Амир, оёғингни жуда маҳкам боғладим. Заҳар юрагингача бормаслигига аминман. Қолаверса заҳар тарқалиб улгурган қонни сўриб олдим. Худо хоҳласа, ҳаммаси жойида бўлади. Сен ўлмаслигинг керак, энди эса қимирламай ёт!» Кейин бир нималарни мушоҳада қилиб деди: «Қизиқ, ҳеч тушуна олмаяпман. Бу илон «капча» зотидан. Тоғда улар кўп, аммо йилнинг бу пайти улар одатда инидан чиқмай ётишади. Чунки шу қадар нозикки, қуёшнинг нурига тоқатлари йўқ. Бир нарса ҳеч ақлимга сигмаяпти, бу илон сенинг хобхонангга қаёқдан пайдо бўлди?»

Уч кун шу ҳолатда ётдим. Ниҳоят вужудимни қиздираётган тафт пасайди. Аммо чап оёғим шишиб кетди, у худди сув тўлатилган мешкобга ўхшарди. Бироқ ҳадемай шиш қайтди ва биз яна йўлга тушдик.

Чол йўл-йўлакай менга «капча» илони ҳақида маълумот бериб борди. Айтишича, бу илоннинг тухумидан ўнтадан ўттизтагача илонлар чиқар экан. Шунинг учун ҳам бу тоғда мўрчадан кўра илонлар кўп экан. Шу воқеа сабаб энди қачон чодиримга кирсам, ҳамма ёқни бир сидра кўздан кечирадиган бўлдим. Такрор айтаман, мен ўлимдан кўрқмай-

ман. Фақат эҳтиётсизлик қилиб илонга чақтириб қўйишни истамайман, холос.

Биз пойида йўл юриб бораётган тоғлар турли рангда эди: бириси яшил, бириси сариқ, бириси эса оч қизил... Уларнинг бирортасида дарахт кўрмадим. Астрабод, Филон ва Мозандарон тоғлари бундан фарқли ўлароқ қуюқ дарахтзорлар билан қопланган эди. Бироқ бу тоғларда дарахт ўсмаган бўлса ҳам сув сероб эди. Ҳар жой-ҳар жойда юқоридан пастга шилдираб оқаётган жилғалар кўзга ташланиб турарди. Улар бора-бора чўлнинг қумларига сингиб кетмоқда эди.

Бир куни кечқурун мана шундай ирмоқлардан бирининг бўйида ўтирганимда сув остидаги ялтироқ тошга кўзим тушди. «Олтин эмасмикин», деган ўй кечди хаёлимдан. Чол шубҳамни тарқатиб юборди: «Бу тошлар олтинга ўхшайди, лекин олтин эмас. Аммо биз бораётган томонда, тоғнинг қўйи этагида олтин бор», – деди у ўша ёққа ишора қилиб.

Тоғ этагидан ўтиб, кекса йўлбошчи ва унинг ўғли ёрдамида ниҳоят ўша қўриқ, ҳеч ким кечиб ўта олмайдиган чўлнинг бошига етдик. Ўша жойда қария деди: «Мана, эй Амир, белгиланган манзилга етиб келдик. Бу ёғи энди хатардан холи. Отларингни ҳам, жангчиларингни ҳам бус-бутун Форсга етказиб борасан!»

– Келган йўлимиздан қайтасизларми? – сўрадим ундан.

– Йўқ, у сизлар борингизда хавфдан холи эди, ҳозир яна қароқчилар қўлига ўтди. Мен яхшиси Работи Хонга чўл орқали бораман. Фақат бир жуфт туя берсанг, – деди у.

Чолга туя, пул ва яна керакли анжомлар бериб жўнатиб юбордим. Йўлнинг қолган қисмида биз сув, ем-хашак ва бошқа муаммоларга дуч келмадик. Йўлда бу нарсалар мўл эди. Хуллас, Форсгача ҳеч нарсага зорикмадик.

Форсда ҳузуримга келган Шероз ҳукмдори ўғлимнинг фожиасини батафсил сўзлаб берди: «Қотиллар Буюр қабиласининг одамлари. Улар Шайх Умарнинг жонига қасд қилганларидан сўнг, ўз ўлкаларига қайтиб кетишди. Уларнинг юрти қалин ўрмонлар билан қопланган, ҳар бир жангчиси паҳлавонкелбат. Жангда ҳеч ким уларга бас кела олмайди. Енголмайди ҳам. Шунини айтишим керакки, – деди у мени огоҳлантириб, – агар уларнинг юртига борсангиз, қўшинни му-

қаррар ҳалокатга бошлаган бўласиз. Чунки уларни ўз юртида енгиб бўлмайди!»

Мен унинг гапларини обдан мушоҳада қилиб, бир қарорга келишимни айтиб, унга рухсат бердим.

Мен Шерозга томон йўл олдим. Бориб ўша ерда масалани муҳокама қилмоқчи эдим. Шероз ҳукмдори айтганлари қанчалик ҳақиқат эканини чуқур ўрганмай бир қарорга кела олмасдим. Шундай ҳам бўлиши мумкин-ку, кимдир ўзининг душманларини йўқотиш учун, қулай вазиятдан фойдаланиб, мени унга қайраётган бўлса-чи! Шунинг учун масаланинг тагига етмай бир тўхташга кела олмайман. Бирор-бир қабилага нисбатан ҳукм чиқара олмайман. Акс ҳолда ноҳақликка йўл қўйишим мумкин!

Текширишлар Шероз ҳукмдорининг гапларини тўла тасдиқлади. Шайх Умарни ҳақиқатан ҳам Буюр қабиласи одамлари ўлдирган экан. Унинг қаерда дафн этишни менинг ихтиёримга қолдириб, ўлдирилган жойида қолдириб кетишибди.

Гарчи орадан ҳали унча кўп вақт ўтмаган бўлса ҳам, бурунги ташрифим чоғи мен суҳбат қурган Шерознинг орифалломаларидан бир нечаси боқий дунёга риҳлат қилибдилар. Вафот этганлар сафида Шамсиддин Муҳаммад Шерозий ҳам бор эди. Тириклар сафида Сабоҳуддин Юсуф ҳам йўқ эди. Ҳасан бин Қурбат, Закарӣ Форсий ҳаёт эканлар. Улар мени йўқлаб келишди. Таъзия изҳор этишди. Совғасаломлар билан жўнатдим. Бироқ аввалгидек орифларни тўплаб мажлис қуриш, айрим масалалар устида баҳс юртишдан тийилдим. Шерозда мен Буюр қабиласи устига қўшин тортиш учун тайёрлана бошладим. Менга улар яшайдиган ўлкани таърифлашди. Улар улкан ва бепоён тоғлар занжиридан иборат ҳудудда яшар эканлар. Ўрмонларида дарахтлар шу қадар қуюқ эканки, ерга тангадек офтоб нури тушмас эмиш. У ерда дарё ва жилгалар шу қадар кўп эмишкки, агар буюрлар деҳқончилик билан шуғулланганларида энг қудратли ва гуллаб-яшнаган ўлгага айланиши мумкин экан. Бироқ улар деҳқончилик қилишни истамас, тирикчилик манбаи эса бировларнинг устига босқинчилик қилиб, ҳатто ён қўшниларини-да талаш орқали топиладиган ўлжа ҳисоби-

дан экан. Менинг ўғлим ҳам худди ана шундай талончиликнинг қурбони бўлган эди. Улар Шайх Умарнинг бор-йўқ нарсасини олиб кетмоқчи бўлганлар. Бироқ Шайх Умар ориятли йигит – бунга жим қараб тура олмаган. Жангга кирган.

Менга яна айтишдики, буюрлар ерига борадиган икки йўл мавжуд экан. Ҳар иккиси ҳам тоғ орқали ўтар эмиш. Тоғ йўллари тор ва агар буюрлар ўша тоғларга одамларини жойлаштирган бўлса, камгина сонли душман катта қўшини ҳам енгиши мумкин экан.

Буюрлар мамлакати ҳақида менга маълумот берган ҳар одамнинг бариси мени ўша ёққа сафар қилиш фикридан қайтармоқ бўлди. Барчалари, агар борадиган бўлсам, қўшинимни муқаррар ҳалокат сари етаклаган бўлишимни таъкидлашди. Боз устига ўша юртга ҳали бора оламанми, йўқми – шундан фол очиб, сафарим самарасиз тугашидан башорат қилишди.

Шунинг учун мен буюрларни доғда қолдирадиган бир ҳийла ишлатишга қарор қилдим. Жангчиларим ва Шероз аҳли орасида барча олтинларимни Исфаҳонга юбориб, ўзим Форсда қолаётганим ҳақида миш-миш тарқатдим. Узунқулоқ гаплар шу қадар ишончли чиқдики, шерозликлар-ку майли, ҳатто жангчиларимиз ҳам унга чиппа-чин ишонишди.

Шундан сўнг мен беш юзта от ва карвонни йўлга чиқардим. У буюрлар қабиласига яқин жойдан ўтиши лозим эди. Сабаби буюрлар унга осонгина ҳужум қилишларини мўлжаллаган эдим.

Карвоннинг таркибий тузилишини қуйидагича ташкил этдим. Буюрларни чўчитмаслик учун қўриқчилар сонини кўпайтирдим. Чунки шундай қимматбаҳо карвон нега битта ҳам қўриқчисиз кетяпти, деган саволга ўрин қолдирмаслик керак эди.

Ҳамма нарса тайёр бўлиб, карвон йўлга чиққач, мен энг сараланган ҳарбий бўлинмаларим олдига буюрлар карвонга ташланиб уни талашга тушган чоғ қуршаб олиш вазифасини қўйдим. Шу билан бирга қон тўкмаслик, буюрларни тириклайин қўлга олиш лозимлигини тайинладим. Мен улар-

дан буюрлар ўлкасига қилинадиган юришда фойдаланмоқчи эдим. Режам самарали кечди. Ҳаммаси хамирдан қил сугургандек тез ва сифатли амалга оширилди. Минг чоғли буюрлар карвонни талаш учун ташланган пайти менинг қўшиним уларни асир олди. Исфаҳонга қараб йўлга чиққан карвон яна Шерозга қайтиб кирди.

Мен асирларни яхшилаб сўроқ қилишга топшириқ бердим. Буюрлар ерига борадиган, бизга маълум бўлган иккита йўлдан бошқа яна йўл борми, йўқми аниқлаш вазифасини қўйдим. Сўроқлардан кейин маълум бўлдики, бошқа йўл ҳам бор экан. Бироқ у тоғ эчкилари юрадиган сўқмоқ йўл бўлиб, одамлар ундан ўта олмас, жарга қулаши тайин экан. Шунинг учун ўзимизга маълум ўша икки йўлдан бирини танлашдан ўзга иложимиз қолмади.

Яна шуни айтишим керак, мен бу орада дори ишлаб чиқаришга буйруқ бердим. Форсда бунинг учун хом ашё етарли эди. Буюрлар юртини забт этиш учун мен иккита самарали воситадан фойдаланишни кўзлагандим: биринчиси – тутқун буюрлар ва иккинчиси – порох.

Бундай хулосага келишимга Ғур мамлакатадаги жанг воқеаси сабаб бўлди. Мен шунга амин эдимки, буюрлар ҳар қанча жасур бўлмасин, Ғур гилзайиларидан устун эмасдилар. Башарти, порох Ғур гилзайиларини шу қадар саросимага солган экан, буларнинг тамоман ўтакасини ёрса керак, деган тахминим бор эди.

Шундай қилиб етарли миқдорда дори ишлаб чиқарилгандан кейин, уларни тери ва халтачаларга солиб, худди ана шу модда аралаштириб тайёрланган пиликларни ўрнатиб, ишлатиш учун тахт қилиб қўйилди.

Отлиқ суворийларимдан бир қисмини буюрлар ери сарҳадларига жойлаштирдим. Бир қисм жангчилар эса отлиқ сафдошларининг олдидан пиёда борадиган бўлишди. Менинг саркардаларим буюрлар ўлкасига олиб борадиган ҳар икки йўлдан юришни таклиф қилишди. Ҳар икки йўлдан юрилганда душман ҳимоячилари иккига бўлиниб кучлари кесилиб қолади, деган фикр билан изоҳлашди ўз таклифларини. Бироқ мен бу таклифни қабул қилмадим. Чунки бу тадбир туфайли биз кўп аскарларимизни йўқотишимиз мум-

кин эди. Шунинг учун икки йўлдан бирини танлаб, ўша йўлдан боришимизни айтдим ва дедим: «Мана шундай қилсак, биз кўп талофат кўришдан сақланган бўламиз!»

Ҳарбий юришга ҳамма нарса тахт бўлгач, мен туткун буюрларни саф олдига тизиб қўйишларига кўрсатма бердим. Улар менинг пиёдаларимни қабиладошларининг ўқидан асрайдиган жонли девор вазифасини ўташлари лозим эди. Орқадан отлиқ жангчиларим қўлларида порохли халтачалар билан боришарди. Фурсат етган чоғ менинг буйруғим билан пиликларни ўт олдириб, душмanning устига улоқтиришга шай эдилар. Бу восита, албатта, буюрлар ўлкасига кириш учун йўлимизни тозалаб беришига катта умид боғлаган эдим.

Мен ўзим вазиятни баҳолаш ва ундан келиб чиқиб, режамга ўзгартириш ва тузатишлар киритиш мақсадида, пешқадам қисмининг биринчи сафида борар эдим. Бу ишни орқада туриб ҳам бажаришим мумкин эди. Саркардаларим юбориб турган маълумотларга асосан зарурий хулосалар чиқарсам ҳам бўларди, аммо вазиятни бор бўйича тасаввур қилиш учун унга ўз кўзинг билан боққанинг маъқул. Ҳарбий саркардаларим қайсидир ҳолатни назардан қочириши ёки қайсидир бир ҳолатни кўриб тургани ҳолда аҳамиятини англамаслиги мумкин. Ваҳоланки, бундай чоғлари ҳар бир ҳолатни майда-чўйдасигача таҳлил қилиш керак. Арзимас бўлиб кўринган нарса катта аҳамият касб этиши мумкин. Шунинг учун барчасини ўз кўзим билан кузатиб боришга қарор қилдим.

Пешқадам қисм жангчиларимизнинг барчалари таналарининг асосий қисмини ҳимоя қиладиган жанговар жангжомалар билан таъминланган. Шу боис буюрлар ўқ узиб, уларнинг ҳужумини тўхтата олмас эдилар. Биз юқорига тўғри олиб чиқадиغان йўлдан пиёда илгариламоқда эдик. Буюрлар юртига олиб борадиган йўлнинг бошига етган эдик ҳамки, душман биз томонга ўқ ёғдира бошлади. Агар эғнимизда совут, ҳалқали зирҳ ва бошимизда дубулға бўлмаса, барчамиз ҳалок бўлишимиз тайин эди. Буюрлар ҳатто сифимиз бошида бораётган ўз қабиладошларини ҳам аямадилар. Оқибатда, уларнинг кўплари ўз қабиладошларининг ўқидан ўлиб кетди.

Биз бошимиз устига ўқ ёгилиб турганига қарамай, илдам олға борардик. Олдда бирорта ҳам камончини учратмадик. Англадимки, душман жангчилари дарахтлар устига чиқиб олишган. Ўша ердан туриб бизни мўлжалга олишаётганди. Қуюқ шох-шаббалар эса уларга паналаш имконини бермоқда эди.

Улар дарахтлар устида ўзларини қанчалик хавфсиз ҳис қилаётган бўлсалар, бизнинг қўлларимиздаги порох тўлатилган халтачалар айна шу вазиятда самарасиз эди. Чунки душманни кўрмай туриб, уни қаёққа ҳам отишинг мумкин.

Юқорида айтганимдек, саркардаларнинг жанг майдони ҳақида берган маълумотлари ўз кўзинг билан кўрганчалик тасаввур ҳосил қилмайди. У ҳар қанча аниқ маълумот бўлмасин, ўзинг кўриб мушоҳада қилганчалик хулоса бермайди. Зотан ҳозир ўзим жанг майдонида бўлмасам ва буларнинг барчасини ўзим кўриб турмаганимда, эҳтимол вазиятдан чиқишнинг чорасини ўйлаб топа олмаган бўлар эдим. Хаёлимда бир фикр ярқ этди: хўш, истеҳком девори устидаги душман билан дарахт тепасидагисининг нима фарқи бор? Қалъа девори остига порохни портлатишдан мақсад нима? Йўл очиш ва шунинг баробарида ҳимоячиларни қулатиш эмасми? Башарти, бу ерда ҳам шундай қилсак-чи! Дарахтларни қулатсак, ўз-ўзидан душманни қулатган бўламиз ва йўлимизни улардан тозалаймиз. Дарахтларга назар ташладим. Жуда улкан, танаси бақувват дарахтлар! Дилимда бир шубҳа пайдо бўлди: «Қулата олармиканмиз бу дарахтларни?»

Суворийларга пиликни ёқиб, халтачаларни дарахтлар остига отишларини буюрдим. Даҳшатли гумбурлаш ортидан димоқни ёргудек ҳид тарқади. Ундан мен ўзим ҳам акса урдим, аммо зум ўтмай шамол уни узоқ-узоқларга олиб кетди. Танаси ингичка бир-икки дарахтни айтмаганда бошқа дарахтлар қилт этмади. Аммо улар гуруллаб ёна бошлади. Афтидан, улар танасида мой сақловчи дарахтлар эди. Енгил ва гуруллаб ёниши шундан далолат бермоқда эди. Бу манзарадан ўзимиз ҳайрон қолдик – ўрмон ёнмоқда эди.

Аланга буюрларга ортиқ ўқ отишга имкон бермади. Айримлари дарахтдан тушиб, қочиб қолишди. Оловнинг қам-

рови кенгайиб борди. Унинг иссиқ тафтидан биз ҳам ортга чекинишга мажбур бўлдик.

Олов тез тарқади. Чапдан ҳам, ўнгдан ҳам дарахтлар ўтга туташиб, улкан аланга содир бўлди. Кўз билан чамалаб, унинг баландлиги ўттиз заръ деб ўйладим. Бу улкан алангдан содир бўлган қоп-қора тутун қуёшнинг юзини тўсиб қўйди. Теварак-атроф зулматга чулғанди. Бу худди дўзахнинг олови эди. Олов жангни тўхтатиб қўйди, аммо мен йўлимизни тозалаб берадиган янги, самарали восита топилганидан хурсанд эдим. Токи бу ўрмонда танасида ёғ сақловчи дарахтлар бор экан, энди юз минглаб душман қўшини яшириниб ҳам бизга хавф сола олмайди. Ўрмон энди уларнинг эмас, айна шу дақиқадан бошлаб, бизнинг фойдамизга хизмат қилади. Душман эса ёки ортга чекиниб бораверади, ёки тириклайин оловда қовурилади.

Буюрлар ерида уруш ўн кун давом этди. Шу вақт мобайнида Форснинг бошқа барча ҳудудларидан баландда жойлашга бу ер алангаланиб турди. Ҳамма таркибида мой бўлган дарахтлар ёниб бўлгач, олов ўчди. Аммо яна бир кунча бу тупроққа оёқ босиб бўлмади. Бу жой юқорида жойлашгани боис, шудринг тушиши ва ёмғир ёғиши натижасида қизариб турган чўғлар кулга айланди. Биз гўё улкан кулдонни босиб олдга ҳаракатландик. Ҳеч ким йўлимизни тўсмади. Чунки душман учун бошқа яширинадиган жой қолмаган эди. Аввалроқ эшитган эдим: буюрлар юртини ердаги жаннат деб аташар экан. Хирмон бўлган култепаларни босиб ўтиб, буюрлар ерига кирдик. Ҳудуд буткул ям-яшил бедазорлар билан қопланган, табиатнинг ўзи қаршимизда улкан бир ўтлоқни яратиб қўйган эди.

Бизнинг Жайхун бўйларида ҳам шундай табиий ўтлоқлар, қир ва яйловлар бор. У ерда кўплаб отлар, сигир ва қўй сурувлари ўтлаб юради. Бу ерда эса бир фарсангдан ортиқроқ масофани босиб ўтиб, на бирорта қўй, на бирорта эчки учратдим. Жанг бўлиши муқаррар эканини билиб, буюрлар ё уларни бошқа ёққа кўчирдимикин, деган хаёлга ҳам бордим.

Ўша ўтлоққа етиб борганимизда, Қора Хон исмли ҳарбий саркардаларимдан бирига пастга тушиб отларни олиб

келишини буюрдим. Биз уларни пастда қолдирган эдик, энди олов ўчиб, отда юришимиз учун ҳеч қандай тўсиқ қолмади. Отларимизни пастда ушлаб туришда ҳеч қандай маъно йўқ. Қолаверса, текис ва равон майдонга чиқдик. Душман билан отда жанг қилганимиз афзал.

Қора Хонга отлар учун ем-хашак олиб келишини ҳам тайинлаган эдим. Буюрлар ерида ўт сероб бўлса-да, биз отларимизни кўк ўт билан озиқлантира олмасдик. Чунки отларнинг қорни дамлаб, юролмай қолади.

Отларимизни олиб келишгач, биз ниҳоят текис, ям-яшил ўт билан қопланган майдондан елиб ўтдик. Буюрлар ўлкаси томон илгариладик. Буюр жангчилари бу майдонда биз билан жанг қилмаса керак, деган фикрда эдим. Дарҳақиқат, бу майдонда жанг қилиш ўзлари учун ҳалокатли эканини англашибди. Улар бизни ёки дарахтзорда, ёки тоғли ҳудудда кутишмоқда, чамамда.

Буюрлар ерида икки кун йўл юрганимиздан сўнг, бир дарёга дуч келдик. Суви кўп эди. Сув сокин оқаётгани сабаб, кечувдан осонгина ўтиб олдик. Агар баҳор фасли бўлганида биз бу дарёдан кеча олмасдик. Менга ҳали йўлимизда яна иккига шунақа дарё борлигини айтишди. Улар ҳам худди ана шу дарёдек экан. Қизиқ, дарёнинг суви қирғоқнинг энг узоқ бурчакларигача етган бўлса ҳам, яқин ўртада экинзор ёки боғларни учратмадим. Айтишларича, ҳеч қайси ҳукмдор буюрларни деҳқончилик қилишга мажбур қила олмаган экан. Мен учун ҳам улар бу иш билан машғул бўладиларми, йўқми — аҳамиятсиз эди. Мен қилмишига яраша уларни жазолаш учун келяпман, холос. Ўша куни, биз суви кўп дарёни кечиб ўтган кунимиз олд кузатувчи қисмдан маълумот олдим. Улар тоғли ҳудудга етиб боришибди. Ҳали ўтиб бўладими, йўқми аниқлашга улгуришмабди. Яна бир соатлардан кейин янги хабар келди. Тоғ йўлидан тўғри ўтиб бўлмас экан, шунинг учун улар айланиб ўтишга уриниб кўришмоқчи эканини билдиришибди. Бир оздан кейин яна маълумот олдик. Ўша тоғдан шарққа томон йўл бор экан, фақат уни буюр жангчилари эгаллаб олган эмиш. «Бу тўсиқдан ўтиб бўлмайди, чунки тоғнинг тепасида буюрлар ўрнашиб олиб, тош юмалатишга ҳозирланиб туришибди. Агар

олдга юрсак тоғ кўчкиси остида қоламиз», дейилганди хабарда.

Кузатувчиларга ўша тоғ йўлининг ёнида тўхтаб туришларини амр этдим. Қора Хонни икки минг жангчи билан ўша ёққа юбордим: унга дарани яхшилаб ўрганиб, ўтиш мумкинми, йўқми – аниқлашни буюрдим. Агар душман тоғнинг энг баланд чўққисини эгаллаб, ўша ердан тош думалатиш билан пўписа қилиб турган бўлса, уларни ўша баландликдан уриб тушириш керак, дедим.

Биз бутун бир ҳудудни қуршаб олганимизда ҳам тоғ тепасида турган одамларни мавҳ эта олмаймиз. Чунки мен Форс аҳолисидан эшитдим. Тоғда қамал бефойда экан. Чунки у жойларда сув етарли, ёввойи қушлар сероб... Дуб дарахтининг мевасини икки тош билан ишқалаб ун тайёрлаб олишлари мумкин экан. Буюрларнинг деҳқончилик қилмасликлари ҳам шундан – табиатнинг ўзи уларга донни бериб қўйибди. Дуб мевасининг уни ҳам буғдойникидан қолишмас экан.

Қора Хон деди: «Эй Амир, буюрсангиз бўлди, мен ўша йўлдан жангчиларим билан душманнинг тўсиғини ёриб ўтишга ҳаракат қиламан!»

Мен унга шундай жавоб қилдим: «Мен сенинг жасоратли, қўрқмас жангчи эканингни биламан. Жангчиларинг ҳам ўлимдан қўрқмайди. Бироқ бекордан-бекор ўлиб кетишларингга йўл қўйиб бера олмайман. Бундан ташқари йўлимиз ёпилиб қолиши мумкин, чунки юқоридан юмалатилган тошлар одамларнинг мурдаси билан аралашиб, шунақанги ғовга айланадики – уни кейин тозалашнинг ўзи бир муаммо бўлади – шунинг учун бошқа бир нарса ўйлашимиз керак».

Юқорига қараб бирорта ҳам буюр жангчисини кўрмадик. Улар улкан харсанг тошлар ортига яшириниб олишган эди. Шунчалик моҳирлик билан яширинган эдиларки, ҳаттоки Қора Хон уларнинг мавжудлигига шубҳа билан қаради. Мен унга кузатувчи гуруҳларимиз буюрларни кўрганлигини айтдим. Қора Хон деди: «Изи беринг, мен дарадан йигирматача кўнгиллилар билан ўтишга уришиб кўрай. Агар бизга тош думалатишса, уларнинг шу ерда экани аён бўлади. Акс ҳолда сиз бемалол қўшин билан ўтасиз». Мен унга

дедим: «Қора Хон бу одамлар неча юз йиллардан бери шу тоғларда яшаб келади. Бу ернинг шароитини сен билан менадан яхши билади. Эҳтимол, шу йўлдан ўтиш учун оз эмаскўп эмас элик мартача ажнабий қўшин келгандир. Ҳар сафар буюрлар уларни ҳийла билан тузоққа туширгандир». Қора Хон сўради: «Эй, Амир, улар қандай қилиб тузоққа тушириши мумкин?» Жавоб бердим: «Аввалига йўлдан ўтаётган кичик суворийлар гуруҳини ўтказиб юборишади, шу йўл билан лашкарбошида хавф йўқ деган ишонч уйғотилади. Асосий қўшин йўлга тушгач, тошлар хирмонини бошига ёғдиришади. Мен ҳамиша ҳам шундай бўлган демоқчи эмасман, бироқ кўп қўшинлар мана шу жойда ҳийла ва найрангга учраб завоп топганига ишонаман».

Қора Хон бу томонини ўйламаган экан, шундан бир оз ҳаяжонланди: «Эй, Амир, Аллоҳ сизни ақл-идрок ва бетакрор иқтидор билан сийлаган. Шунинг учун ҳам сиз биз оддий одамлар кўролмайдиган нарсаларни олдиндан кўрасиз! Лекин барибир бу жойларгача бирорта ҳам қўшин кела олмаган, деб ўйлайман. Буюрлар уларни ўша йўлдаги ўрмондаёқ тўхтатиб қолишган бўлса керак». Мен унинг фаразини тасдиқлаб, дедим: «Сен тўла ҳақсан! Эҳтимол, бирорта ҳам бегона қўшин бу ёққача кела олмагандир. Уларни ўша ўрмондаёқ бир ёқли қилишга эришишгандир. Бироқ биз ўтиб келдик. Улар энди ўша ўрмонда қила олмаган ишини бу ерда қилишга ҳаракат қилишади».

Қора Хон сўзида туриб олди: «Рухсат этинг, мен мана шу йўлни йигирмата жангчим билан босиб ўтай. Иккидан бири содир бўлади: агар тош юмалатишса, демак юқорида одам бор, деган қатъий қарорга келасиз. Мабодо тош юмалатишмаса, ҳар қалай йўлнинг нариги бошини ҳам эгаллаган бўламиз». Шундан сўнг у бармоғи билан тоғ йўлига ишора қилиб, деди: «Эй, Амир, агар қадимда бу йўлдан лаклак лашкар ўтган бўлса, бошларига ёғдирилган тошдан ҳалок бўлган бўлса – уларнинг суяклари қани?» Мен дедим: «Уларни йўқотиш қийин эмас!» Шу мулоқотдан сўнг уларнинг йўлдан ўтишга уриниб кўришларига рухсат бердим. Қора Хон баланд овозда қўшинга юзланиб деди: «Менга йигирма нафар кўнгилли керак. Тоғ йўлини менинг етакчилигим».

да босиб ўтамиз. Ҳаётини хатарга қўйиб, мен билан шу ва- зифани бажаришга ким боради?» Шундан сўнг у хоҳиш бил- дирган жангчилардан йигирма нафарини ажратиб олди-да, ўзи бош бўлиб тоғ йўлидан от чоптириб кетди. Мен уларга қараганим йўқ, юқорини кузатмоқда эдим. Душман томо- нида қандайдир жонланиш бўлса, назардан қочирмаслик учун кўзим чўққиларга қадалган эди.

Қора Хон лаёқатли саркардаларимдан бири эди. Мен уни ҳарбий жиҳатдан унчалик катта аҳамиятга эга бўлмаган бир мақсад йўлида йўқотишни асло истамасдим. Бироқ билар- димки, Қора Хон ўзи бош бўлиб бормаса, жангчиларининг бирортаси ҳам бекордан-бекорга жонини хатарга қўйиш- ни истамасди.

Қора Хон ўзи бош бўлиб, ортидан елиб бораётган ўн олти нафар суворийси билан йўлнинг нариги бошига муваффақиятли ўтиб олишди. Қолган тўрт нафар суворий ўтишга улгурмади. Юқоридан думалаган тошлар уларни ер- парчин қилиб ташлади. Агар овозим етганда бақириб, улар- ни огоҳлантирган бўлардим. Жиловни қаттиқ тортиб, от- ларини куч билан тўхтатиб қолсалар, балки омон қоли- шарди. Кузатувчи қисм ҳақ бўлиб чиқди. Тоғда буюрлар бор экан. Бироқ мен ўйлаганчалик айёр эмаскан. Акс ҳолда улар бу йигирма кишининг зиён-заҳматсиз ўтиб олишлари- га қўйиб беришлари керак эди, ўшанда улар каттароқ ўлжани қўлга киритиши мумкин эди.

Қора Хон ўн олти нафар ҳамроҳи билан ўтган йўл тор эди. Йўлда тошлар орасида қолган тўрт нафар жангчимиз эса, отлари билан йўлга ғов бўлиб қолишганди. Бу йўлдан эркин юришимиз учун уларни ва йўлдаги тошларни олиши- миз керак. Мен яна ўн нафар отличларни ажратиб, йўлда мурдалар ётган жойга яқинроқ бориб туришларини, олдга бир қадам ҳам силжимасликларини тайинлаб дара томон жўнатдим. Чунки мен тоғнинг айни шароитини, ҳудуднинг хусусиятини ўрганиб бўлган эдим. Душман тоғнинг бир жо- йидангина тош юмалатиши мумкин, қолган жойларида бун- дай имконият йўқ эди. Ўн нафар суворий кўзларини тоғ тепасига тикканча, айтилган жойга бориб тўхтадилар. Шу пайт яна думалаб келаётган тошларнинг товуши эшитилди.

Суворийлар ўзларини ортга ташладилар, бироқ бунинг ҳожати йўқ эди. Чунки тош ўша ҳудуддан, аввал қайси жойдан оқиб келган бўлса, яна ўша жойдан юмалатилди – гумоним ўз тасдиғини топди.

Аниқ бўлдики, душман менинг қўшинимга тоғ йўлининг маълум бир масофасидагина хавф сола олиши мумкин экан. Арзимасгина масофа, балки бу унчалик муҳим масала эмасдир, бироқ жангда душманнинг тутган ўрнини билиш орқали ўзинг учун фойдали хулосалар чиқарасан.

Мен тоғ йўлини қандай тозалаш ҳақида ўйлаб турганим, қарама-қарши томондаги тоғнинг чўққисидан қандайдир бир киши менга қўл силкиётганига кўзим тушди. Синчиклаб қарасам – Қора Хон! У аввалига шарқ томонга ишора қилиб, сўнг бармоғини лабларига босди. Тушундим, демак душман ўнг томонда. У овоз чиқармаслигимизни сўраяпти – душман пайқаб қолмасин демоқчи.

Аниқ бўлдики, Қора Хон қоянинг нариги бошига ўтиб олгач, отини қолдириб тоғнинг ўша чўққиси томон чиқиб борган. У бораётган йўлак пистирмада турган буюрларнинг кўзидан пана эди. Улар Қора Хонни кўра олмасалар-да, биз уларнинг назарида эдик. Шунинг учун Қора Хон бизни эҳтиёткор бўлишга чақиряпти. Агар биз унга ҳадеб қарайверсак, буюрлар уни пайқаб қолишлари мумкин. Мен саркардаларимга, улар орқали барча жангчиларимга, душманда шубҳа уйғотадиган ҳеч қандай хатти-ҳаракат қилмаслик, Қора Хон турган томонга умуман қарамасликни қатъий қилиб огоҳлантирдим. Қора Хоннинг ёнида яна бир нечта жангчиларимизнинг қораси кўринди. Бу ўша йўлдан ўтишга муваффақ бўлган ўн олти нафар жангчиларимизнинг айримлари эди. Шу пайт Қора Хон ўзидан чап томонга ишора қилди. Ўша томондан боришимиз лозимлигига ишора қилди, чамаси. Душманлар бизни кузатиб тургани боис, жангчиларимдан бирини Қора Хон ишора қилган томонга юбордим. Қора Хон нима демоқчи эканини билиб келишини тайинладим. Мабодо билолмаса ўқнинг учига ингичка ип боғлаб отиши лозимлигини уқтирдим. Сўнг унинг бир учига арқон боғласак, Қора Хон ёрдамчи куч юбормоқчи эканимизни англайди, дедим.

Шундай қилиб арқон воситасида биз Қора Хон билан алоқа ўрнатдик. Бир қисм одамларимиз арқон орқали Қора Хоннинг ёнига чиқиб боришди. Мен жангчиларимиз жасад ёнида турган ўн нафар аскарларимга, худди хавфли ҳудуддан ўтмоқчи бўлган каби чалгитувчи ҳаракатлар қилиб туришни буюрдим. Бу билан улар буюрларнинг бор диққат-эътиборини ўзларига тортиб туришлари керак эди. Бу орада беш юз нафар жангчиларимиз Қора Хонга бориб қўшилди. Мен уларга тош ва ўқ юборишларини амр этдим. Гарчи тоғ тўла тош бўлса ҳам, жангчиларимиз керакли ҳажмдаги тошни топа олмай қолишлари мумкин эди. Палахмонга ҳар қандай тош кетавермайди-да!

Тоғ чўққисидаги жангчиларимизга бошчилик қилишни Қора Хонга топширдим. Улар тоғ бошида танда қўйган ва бизга тош думалатиб хавф туғдираётган душманни барта-раф қилиши лозим эди.

Қора Хон ва унинг жангчилари душман тўдасига ташлангач, нима воқеа содир бўлгани бизга номаълум. Чунки тоғнинг жойлашуви душман эгаллаб турган ҳудудни кўришга имкон бермасди. Бироқ икки ўртада муросасиз жанг бўлаётганини билиб турардик. Чунки ўша чўққи томондан бақриқ-чақриқлар қулоғимизга чалиниб турарди. Кимлардир жарга қулаганини ҳам билиб турдик: товушлардан ажратадиган бўлсак, жарга қулаганлар ичида биздан ҳам, буюрлардан ҳам бор эди.

Маълум вақт ўтгач чўққи бошидан Қора Хоннинг овози келди: «Эй Амир, бу ерда душманлардан ҳеч ким қолмади – йўл очиқ!» Гарчи Қора Хон тоғ бошида душмандан асар ҳам қолмади, деган бўлишига қарамай, мен олдга кузатувчи гуруҳни юбордим, улар биз босиб ўтадиган масофаларни қаричма-қарич текширдилар. Дақиқа сайин, йўлнинг хавф-хатардан холи экани ҳақида маълумот етказиб турдилар.

Отлиқ қўшинимиз тоғ йўлидан омон-эсон ўтиб, водийга чиқди. У ердан дарё оқиб ўтганди. Мен қуёшга қарадим – кун ботишига ҳали анча вақт бор. Илло, олдимизда бўй кўрсатиб турган тепаликларгача масофа яқин эмасди. Уларга етиб боргунимизча, қоронғи тушади. Қоронғида тепалик-

лар оралаб ўтиш ўзимиз учун нотаниш бўлган душман ҳуду-
дида, айниқса ўта хавфли.

Шундан сўнг ўша водийда, дарё бўйига қароргоҳимизни ўрнатдик. Атрофга уч қатор қилиб қоровуллар қўйдик. Чунки буюрлар тунда ҳужум қилиб қолишлари мумкин.

Таом тайёрлаш учун олов ёқилган пайт Қора Хон қолган одамлари билан етиб келди. У тоғдаги жангнинг биз учун қоронғи бўлган тафсилотларини сўзлаб берди. Айтишича, тоғ бошидаги одамлари билан буюрларни енгишга қодир эмас экан. Биз томонимиздан беш юз киши бориб қўшилгач ғалаба қилиш имконияти пайдо бўлибди. Буюрлар икки қисмдан иборат экан. Бир қисми белкурак, чўкич ва бошқа қурилиш қуроллари билан тош кавлаб туришган. Қолганлари уни ташиб, белгиланган жойларда ғарам қилиб уйиш билан машғул бўлган. Қора Хон ва унинг одамлари буюрлар устига қўққисдан бостириб боришган. Улар токи ўзларини ўнглаб олгунча, ўқ отиб жуда кўпчилигини ер тишлатишган. Жангнинг муваффақиятли яқун топишида мана шу тадбир ҳам муҳим ўрин тутган. Шундан кейин икки ўртада қисқа муддатли жанг бўлиб ўтган. Ҳар икки томондан жарга қулаганлар бўлган. Буюрлардан тирик қолганлари асир олинбди. Қора Хон ҳикоясининг сўнгида менга деди: «Эй Амир, одам кўриб бунақа ўжарини кўрмагандим: ўзи рамақижон бўлиб думалаб ётибди, тинчгина ўлиш ўрнига ханжар силкигани нимаси», – деди. Хуллас, тоғда қолишдан энди маъно йўқлигини англагач, буюрлар Қора Хон чиқиб борган йўлак орқали қочиб қолишган. Ўша жангда биз икки юз қирқта жангчимизни йўқотдик. Ярадорларни қароргоҳга олиб келишди.

Қора Хон ҳикоясини тугатгач, ундан сўрадим: «Бугунги кўрсатган беқиёс хизматингни нима билан тақдирлашимни хоҳлайсан?» У жавоб қилди: «Эй Амир! Сизга хизмат қилишни ўз бурчим деб биламан!» Мен дедим: «Қора Хон сенинг жасур жангчи эканингни биламан! Бироқ сен ташаббускор эканингни ҳам кўрсатдинг. Агар ана шу тадбирни қўлламаганингда, вазиятни ўзинг баҳолаб, ўзинг тўғри қарор чиқармаганингда биз ҳали ҳам ўша жойимизда ботиб тураверган бўлар эдик. Бир ҳафта кутар эдик, бир ой... охир-

оқибат душманга аталган сўзимизни айтмай, муносиб зарба бермай ортга қайтган бўлар эдик». Қора Хон мақтовларимдан ўнғайсизланди, сўнг хижолат бўлиб: «Амирим, ботирлик... ва сиз учун жон беришга бурчлиман», – деди.

Мен: «Сенга ўн минг динор мукофот бераман, Самарқандга қайтгач эса, қизим Зубайдани никоҳингга оласан, ҳозир айна балоғат ёшида!» – дедим.

Қора Хон саросималаниб қолди: «Мен бир оддий хизматкорингизман, сизга куёв бўлишга арзимаيمان!» – деди у ўзини қўярга жой топа олмай.

Уни юпатдим: «Менинг куёвим бўлишга лойиқлигингни бугун исботладинг!»

Қора Хоннинг мукофотини олиб киришганида мен беихтиёр тоғ томонга қарадим ва юрагим титраб кетди. Қўрққанимдан эмас, балки тузатиб бўлмас бир хатога йўл қўйганимдан. Бутун умри курашларда тобланиб келаётган мендек инсон зиғирча бўлсин хатоликка йўл қўйиши мумкин эмас: тоғ йўлини қўлга киритиб, уни қаровсиз қолдирганим боис ўзимни кечира олмаётгандим. Ахир, бу – душман уни қайта қўлга киритиши учун имкон қолдиришдан ўзга нима бўлиши мумкин. Оқибатда, яна қайтиш йўлимиз ёпилиб қолади. Гарчи буюрлар юртидан чиқиб кетадиган яна бир йўл бўлса-да, уларга ҳеч қандай имкон қолдирмаслигимиз лозим. Ахир у йўлда ҳам аҳвол бундан пеш бўлмаслиги мумкин. Лашкарбоши йўлни қаровсиз қолдирмаслиги керак. Айниқса, бугунгидек қийинчилик билан қўлга киритилган йўлни қаровсиз қолдирмаслиги керак!

Қора Хонга дедим: «Балки чарчагандирсан, уйқунг келаётгандир?» У жавоб қилди: «Амирим, гарчи чарчаган бўлсам ҳам, сизнинг хизматингиз учун оромим майли, жон бўлса – жондан кечаман!» Унга очигини айтдим: «Бугун мен бир хатоликка йўл қўйдим, уни ҳозиргина пайқадим: не-не азоблар билан қўлга киритилган тоғ йўлини қаровсиз қолдирдим. Уни қўриқлаш учун қанча жангчи кифоя қилади?» «Беш юз киши етади», – деди Қора Хон. Шунда мен дедим: «Бироқ сен ҳозир борсанг, шубҳасиз улар билан жангга киришишинг мумкин – шунинг учун минг киши ва кўпроқ машъала – ёритқичлар ол!»

Қора Хон деди: «Амирим, амрингиз вожиб! Аммо у ёққа боришдан олдин қўлимизда асирлар бор – уларни бир сўроққа тутиб кўрсак-чи?» Буйруғимга биноан асирларни олиб келишди. Уларнинг биридан, айна пайтда қабиладошларинг тоғда нима қилишяпти, деб сўрадим. У: «Мурдаларни йиғиш, ярадорларга ёрдам кўрсатиш билан шуғулланаётган бўлсалар керак», – деди. Унинг жавоби қоникарли, аммо тўлиқ эмасди. Шунинг учун иккинчисидан сўрадим: «Нега қабиладошларинг бу ишларни бугун тунда қилишяпти – эртага кундузи қилсалар бўлмайдимми?» У жавоб қилди: «Эй, улуғ амир! У ерда йиртқичлар кўп, улар эрталабгача мурдаларни қолдирмайди – ярадорлар эса ёрдамга муҳтож!» Унинг жавоби ҳақиқатга яқин эди. Учинчисига юзландим. Уст-боши башанглигидан, мартабаси катта экани кўриниб турарди: «Айт-чи, – дедим унга, – биз ўтиб келган йўлни яна қўлга киритишга қабиладошларинг ҳаракат қилишадими?»

У жавоб қилди: «Уларга у йўлни қайта қўлга киритишнинг нима зарурати бор? Нима наф бу ишдан?» – саволимга савол билан жавоб қилди у.

Мен дедим: «Фойдаси шуки, биз ортга қайтганимизда, йўлимизни ёпиб қўйиш учун». У жавоб қилди: «Сени ортга чекинтириб бўлмайди, деб ўйлайман. Сен бу ердан қачон ўзинг хоҳласанг, ўшанда кетасан!»

Қора Хонга юзландим: «Бир дақиқа ҳам кечиктириб бўлмайди. Одамларингни ол-у, бориб йўл билан шуғуллан. Ўша ёқда ухлаб оласан. Сув, озиқ-овқат олиш эсдан чиқмасин!»

Қора Хон минг кишини олиб ўша ёққа кетди. Яна қўшимча одам ҳам ола кетди – улар отларни олиб қайтишади.

Мен кўзимни ва эътиборимни ўша тоғ томонга тиккан эдим. Назаримда, у ёқда Қора Хон билан буюрлар ўртасида мурасасиз жанг бўлиб ўтаётгандек, ўзимча вазиятни мушоҳада қилмоқда эдим. Агар буюрлар у ерга фақат мурдалар ва ярадорлар учун борган бўлсалар, тоғда қолмайдилар. Қора Хон уларни йўлда учратса жанг қилмайди, чунки ярадорларни ташиётганларга даҳл қилмайди. Аммо йўлда улар ўзларининг қоровулларини қолдиришдими, йўқми –

текширади. Бу масалада Қора Хонга маслаҳат беришга зарурат йўқ – бу ёғига энди вазиятдан келиб чиқиб иш кўради.

Тоғ бошида олов шуълалари кўринди. Аллақандай товушлар қулоғимга чалинди: ингроқ, нолага ўхшарди...

Асирлардан бу ниманинг товуши эканини сўрадим. Улар: «Бу ҳалок бўлган ёки яраланганларнинг аёллари, – дейишди. – Улар тоғ пойида кутиб туришган, йиғи-сиғи бошланганидан, ўликлар ва ярадорларни тоғдан пастга олиб тушишган бўлса керак».

Буюрлар афтидан тўғри гапни айтибди. Тоғ этагида машъалалар кўринди. Асирларни олиб кетишларини амр этдим – уларни чодиримдан олиб чиқишди. Аёлларнинг йиғиси яна бир муддат эшитилиб турди-да, сўнг аста-аста тинди.

Менинг уйқум келмади. Ҳали ҳам ўзимни-ўзим кечира олмаётгандим. Қора Хондан чопар келгач, бир оз таскин топдим. У ҳамма ёқни кўздан кечириб чиқибди, пастда ҳам, юқорида ҳам душманлар йўқ экан. Ўзи эса мустаҳкам ўрнашибди – бу мени тинчлантирди.

Шундан кейин қароргоҳни айланиб чиқдим. Саркардаларимга тунги ҳужумга тайёр бўлиб туришларини уқтирдим. Сўнг чодиримга қайтиб, одатимча жанг кийимим билан ўрнимга чўзилдим. Эрталаб уйқудан туриб, ташқарига чиқдим. Ҳамма ёқ тинч, осуда! Жангчилар ҳам ухлашмоқда эди. Таҳорат олиб, сафар масжидимда намоз ўқидим. Кўнглим таом тусагани боис, овқат олиб келишларини буюрдим.

Мен ҳарбий ҳолатда овқат емаслик қондасига амал қилман. Айниқса, тунги ҳужум эҳтимоли бўлган паллалар. Чунки овқатдан сўнг одамнинг вужуди оғирлашиб, уйқу элита бошлайди. Лашкарбоши сергак ва ҳушёр ухлаши лозим: тиқ этган товушдан уйғониб кетадиган даражада зийрак ётиши даркор. Жангчиларимнинг мириқиб ухлашларини хоҳлайман, ўзим эса кам уйқу бўлишим керак, деб ҳисоблайман.

Қўшинни йўлга чиқаришдан олдин, аввалги кунги хатоликни қайта такрорламаслик учун бир қатор чоралар белгиладим. Қора Хон билан асосий қўшин ўртасида доимий алоқани йўлга қўйдим. Душман бу алоқани бузишга қодир

эмас. Мен Хуросон ҳукмдорларидан бири Баҳзарнинг ўғли Амир Ҳусайни ҳузуримга чорлаб, дедим: «Сени мана шу минг кишилиқ қўшин билан қолдираман. Ўзим эса асосий қўшин билан кетаман. Сенинг вазифанг, қўшин билан Қора Хон ўртасидаги алоқанинг бузилишига йўл қўймаслик. Биз кетганимиздан сўнг, душман пайдо бўлиб яна бу жойларни қўлга киритиш ҳаракатига тушиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Шундай вазиятда Қора Хон ўз одамлари билан тоғ тепасида қуршовда қолиши, мабодо шундай ҳол содир бўлса, душман ҳудудида унга ёрдам беришга улгурмай қолишим мумкин». Ўттиз ёшлар чамаси Амир Ҳусайн деди: «Амирим, кўнглингиз тўқ бўлсин, шу ерда туриб сиз билан ҳам, Қора Хон билан ҳам доимий алоқани ушлаб тураман. Душманнинг бу алоқани бузишига асло йўл қўймайман!»

Ўша пайтга қадар мен буюр заминида бирорта уйга ўхшаш иморат кўрмагандим. Тутқун буюрларнинг биридан сўрадим: «Сизларнинг мамлакатларингда яшаш учун уйлар қурилмайдими?» У жавоб қилди: «Бизнинг уйларимиз ана у ёқда!» – қўли билан шимол томонни кўрсатди. Ҳар қандай қўшиннинг у хоҳ отлиқ бўлсин, хоҳ пиёда кафтдек текис бўлмаган ҳудуддан юриши хавфли. Ҳар бир тепалик ёки баландлик ортида уни нима кутади – ёлғиз Худога аён! Ҳатто эллик заръ нарида ҳам душман пистирмаси бўлиши мумкин. Менинг кузатувчи гуруҳларим қўшиннинг олд ва қанотларида эҳтиёткорлик билан ҳаракатланиб, ҳар бир тепалик, ҳар бир баландликни пухта ўрганиб, бизга йўл очиб бормоқда эди. Ортда ҳам мана шундай бир қисм бўлиб, у оптимиздан бўлиши мумкин бўлган қўққис ҳужумлардан бизни муҳофаза этишга масъул эди. Мен ҳар бир тепалик ёнидан ўтар эканман душманнинг тезроқ пайдо бўлиб қолишидан умидвор эдим. Чунки бу жойлар жанг учун жуда қулай, биз учун ўнғай эди. Бироқ буюрлардан негадир ҳадеганда дарақ йўқ эди: биз худди ўзлаштирилмаган кимсасиз ерларда юргандек эдик.

Кутилмаганда олд кузатув қисмидан маълумот келди. У душман қўшини кўринганидан хабар берди. Ҳарбий сафда, жанговар ҳолатда одимлаётган қўшинни тўхтатиб, кейинги маълумотни кута бошладик. Бундай пайт маълум-

мотлар байроқчалар билан, белги-ишоралар воситасида етказилар эди. Баланд тоғ бошида байроқчилар қўйиларди. Кузатувчиларимиздан бошқа маълумот келмади. Мен эса бир қисм жангчиларни олдга жўнатдим. Улардан маълумот келмаётганининг сабабини аниқлаш вазифасини топширдим.

Улар кетгач, орадан бир фурсат вақт ўтиб, тепаликлар ортидан бақир-чақир овозлари эшитилди ва бир оздан сўнг тинди. Мен яна одам юбормоқчи эдим, ammo улгурмадим: устимизга худди баҳорги дўл каби душман ўқлари ёғилди. Ўқлар шу қадар қалин эдики, чигирткалар қуёшнинг юзини буткул ёпиб қўйгани каби, у ҳам бошимизга соя солди. Бундан шундай хулоса чиқардимки, агар қўшинни ҳужумга бошласам, барча жангчиларим ва отлиқларимдан ажралишим турган гап. Чунки аксар жангчиларимиз таналарида ҳимоя воситалари – жангжомаларга эга эмаслар. Шунинг учун чекинишга буйруқ бердим. Душманнинг иккита ўқи менга ҳам тегди. Кетма-кет учиб келган ўқлар гарчи танамга санчилмаган бўлса-да, унинг зарба кучини вужудимда ҳис этдим. Бу эса ўқчи мерганнинг қандай куч билан ўқ йўллаганини англашга имкон берди.

Душман ўқи бизгача етиб келмайдиган масофага чекиндик.

Мен асирлардан шубҳаландим. Улар бизга йўл бошловчилик қилиб келишмоқда эди. Бизни атайин шу йўлдан олиб келганлар деган хаёлга бордим, бироқ улар онтичиб, тепаликлар ортида қабиладошлари борлигини билмаганликларини таъкидладилар. Сирасини айтганда, бизга қарши курашишда мана шу тепаликлар душман учун истеҳком вазифасини ўташи мумкинлигини билар эдим. Тутқинлар бизни қабиладошлари учрамайдиган бошқа йўллардан олиб ўтармикин, деб умид қилгандим.

Ортга чекинганимиздан сўнг вазиятни мушоҳада қила бошладим: душман айёр ва эпчил, олд кузатув гуруҳимизни ҳам худди ана шундай қўққисдан ҳужум қилиб, сафдан чиқаришган. Душман ўқ отишда моҳир, ўқни дўл қилиб ёғдиради.

Буни мен иккинчи марта ўз тажрибамда синиб кўрдим. Биринчи мартаба буюрлар ерига қадам босганимизда гувоҳи бўлган эдим. Ўшанда душман бизни тўхташга мажбур қилган эди. Энди эса чекинишдан бошқа чорамиз қолмади.

Жанговар вазиятда мен ўзимга тобе бўлган ҳарбий саркардаларимга маълумотларни бор ҳолича етказаман, вазият ҳақида тўғри хабар бериш керак, деб ҳисоблайман.

Амир Ҳусайндан чопар келди: у ўзи ва Қора Хон ҳудудидида тинчлик эканини баён қилиб, биздаги аҳвол қандай экани ҳақида маълумот беришимни сўрабди. Мен буюрлар томонидан кучли қаршиликка учраганимиз, ўқ ёмғирлари бизни чекинишга мажбур қилгани ҳақида хабар жўнатдим. Бир томондан тўғриси айтиб, у ёқдагиларнинг дилига гулгула солиб қўйиш ҳам мумкин. Аммо улар хатоликка йўл қўймасликлари ва, энг муҳими, ҳушёрликни қўлдан бермасликлари учун рўй берган вазият ҳақида тўғри маълумот бериш керак, деган фикрдаман.

Асирларимизнинг айтишларича, у қабиланинг одамлари болалигиданоқ ўқ отишни машқ қилиб келар эканлар. Дастлаб катталари уларга ёйлар ясаб беришаркан. Улғайгач эса ўша таркиби ёғли дарахтлардан ўз камонларини ясаб олишар экан. Бунақа дарахтлар у ерда сероб. «Ёйнинг ипини ҳам жангчиларнинг ўзлари танлайдилар, – дея гапида давом этди асирлардан бири. – Ёй учун энг яхши тор тоғ эчкисининг ичаги, бунақа эчкилар ҳам бунда мўл».

Ёй, унинг терисини тайёрлаш ва шу билан боғлиқ сир-синоатларни жангчилар босқичма-босқич эгаллаб боришар экан. Буюрларнинг ўқлари сал бошқача: учи темирдан эмас – тошдан. Бу ўлкаларда гранитнинг муайян бир тури бўлиб, ўқни ана шу тошдан йўнишади. Учи ўткир қилиб ишлов берилган бу ўқлар темир турдошларидан асло қолишмайди.

Асирлардан яна бошқа маълумотларни ҳам олдим. Масалан, буюрларнинг учта асосий катта байрамлари бор

экан. Буларнинг биринчиси «Наврўз» – қуёш тақвимиға кўра янги йилнинг бошланиши бўлиб, баҳор фасли, кун ва тун тенглашадиган ойнинг 21-куни нишонланар экан; иккинчиси ўқ отиш мусобақалари ташкил этиладиган олов байрами. Наврўзни баҳорда, олов байрамини эса кузда нишонлашаркан. Буюрлар – мусулмон, бироқ исломни қабул қилгунларига қадар оловга сифинишган. Шунинг учун ҳам унинг билан боғлиқ кўпгина анъаналар сақланиб қолган. Кузги олов байрами ҳам шунинг бир мисоли.

Оловга сифинувчиларнинг ўз ибодатхоналари бўлади. «Бу ерда ҳам шунингдек зиёратгоҳлар борми?» – деб сўрадим асирлардан. Улар «йўқ» деб жавоб қилдилар. Кейинчалик мен Сурияда бўлганимда Ибн Халдундан кўп қизиқарли маъумотларни олдим. Оташпарастларнинг ибодатхоналари, унинг айтишига қараганда, одамлар ҳали чақмоқ тошнинг нималигини билмаган замонларда барпо этилган экан. Ўшанда ўтпарастлар қозонни қайнатиш, қиш кунлари уйлари иситиш учун йил-ўн икки ой давомида оловни ўчирмай сақлашга мажбур бўлган эканлар, мабодо ўчиб қолса уни қайта ёқишни билмаганлар. Шундан ҳар бир қишлоқда оташкадалар қурилган, шаҳарларда уларнинг сони бир нечтагача бўлган. Бу ибодатхоналарнинг ўз коҳинлари бўлган – улар мунтазам ўтин қалаб оловни ўчиб қолмаслиги учун масъул бўлганлар. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси олов билан боғлиқ барча муоммоларини ана шу оташкадалар ҳисобидан қондирганлар. Олов керак бўлганида ўша ўтхоналардан махсус идишда уйлариға олов, чўғ олиб келишган. Шунинг учун ҳам оташпарастлар олов билан сув, тупроқ билан ҳаво Худо берган энг олий неъмат деб қарашган. Кейинчалик чақмоқтош пайдо бўлгач, келин учун тўланадиган қалиннинг энг қимматбаҳоси чақмоқтош бўлган.

Асирлардан олдимизда турган тепаликни айланиб ўтадиган бошқа йўл борми, йўқлигини суриштирим. «Токи уларга тик бориб, ўқига ем бўлмайлик!» – дедим. Улар ишонч билан шундай йўл борлигини, шимол томонға юриб ўша йўлни топишим мумкинлигини айтишди. Шунинг баробарида, йўл яқин эмаслигини таъкидлашди.

Бу энди ортиқча изоҳ эди. Зеро, мен ва менинг жангчиларим учун йўлнинг узоқ-яқинлиги ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, муҳими у бизни мақсад манзилига элтса бас!

Шундан сўнг ҳарбий саркардаларимни кенгашига тўпладим ва вазиятдан келиб чиқиб кўриладиган чора-тадбирларни маълум қилдим: «Бизга хавф солиб турган тепаликни айланиб ўтиш имконини берадиган йўл бор. Уни топиш учун шимолга қараб юришимиз керак. Таъкидлашим керакки, бу маълумотни асирлар орқали олганим боис унинг тўла ҳақиқат эканлигига ишонч йўқ. Бироқ ёлғон маълумот учун қатл этишимизни билишади, шундан ростини айтдилар, деб умид қиламан.

Шунингдек, душман бизнинг жойимиздан жилганимизни пайқаб қолса, Амир Ҳусайн ва Қора Хонга ҳужум қилиб, биз учун муҳим бўлган истеҳкомни қўлга киритиши мумкин. Шунинг учун бу ерда иккита кузатув минораси қуришни ва ҳудудни доимий назорат қилиб туришни буюраман. Ҳудди шундай минорани, чопар юбориб етказинг, Амир Ҳусайн ҳам курсин. Миноралар қуриб бўлингач, биз бу ерда бир қисм жангчиларимизни қолдириб йўлга чиқаримиз».

Кузатув минорасини қуриш учун яхшироқ хом ашё, анжом бўлмагани боис, жангчиларимиз уни хом ғиштдан тикладилар. Амир Ҳусайн ҳам ўз жойида шундай минора кўтарди. Шундан сўнг мен у ерда 500 кишидан иборат ҳарбий қисмни қолдириб шимолга томон йўл олдим.

Кўм-кўк ўтлар билан қопланган ясси водий бўйлаб бордик. Ҳудуд душманга қўққисдан ҳужум қилиш имконини бермади. Биз жуда тез ҳаракат қилмоқда эдик ва икки кундан сўнг яшил водийнинг нариги бошига етдик. Олдинда қақшатқич жанг турганини ҳисобга олиб жангчиларга дам бердим. Жангжомалари бўлган суворийларни алоҳида ажратиб олиб, улардан алоҳидан ҳарбий қисм туздим. Бу – пиёда қисм, акс ҳолда душман кўпдан-кўп отларимизни сафдан чиқариши мумкин эди. Отлар эса отлич қўшиннинг энг муҳим бойлиги бўлиб ҳисобланади.

Яшил водийнинг шимолидан кесиб йўлга чиқдик. Биз ана шу йўлдан бориб, сўнгра шарққа томон бурилдик. Ўша кенг

йўлда бизга ҳеч ким хавф сола олмасди. Бироқ бир оз юриб яна тепаликлар оралаб юришимизга тўғри келди. Олдга кузатув гуруҳини ташладим. Улар жангжомада эдилар. Гуруҳнинг ортидан яна бир жангжома кийган қисм ва улар ортидан мен бош бўлган отлиқ қисм бормоқда эди.

Жангжомали пиёда қисм отлиқлар билан бир вақтда ҳужумга кириши ва душманга икки ёқлама зарба бериши белгиланган эди. Биз унча кенг ва чуқур бўлмаган, ёриқлари бор, ўтар жойларига эга тепаликлар оралаб бормоқда эдик. Агар душман ўқ ёғдиришга улгурмаса, отлиқ қўшиннинг ҳужумга ўтиши учун қулай эди бу жой: унинг ҳар қайси томонидан душманга ташланишимиз мумкин эди. Мен бўлажак жангни қўйидагича режалаштирган эдим: ҳимоя уст-бош билан таминланган пиёда қисм душман билан бевосита жангга киришади. Чунки асосий қуроли ўқ-ёйдан иборат бўлган душман билан олишиш учун пиёда жанг қилиш кифоя қилади. Пиёдаларим ва жангчи-буюрлар ўртасида жанг қизиган палла яшин тезлигида отлиқ қўшиним ортдан зарба бериб, уни улоқтириб ташлайди. Турган гапки, бу вазиятда буюр қўшини иккига бўлинади ва бир қисми бизни ўққа тутеди. Ҳарҳолда бу барча буюрлар бирваракайига ўқ отгандагидек талофат етказмайди.

Тушга яқин олд кузатувчи гуруҳ душманни кўргани ҳақида хабар қилди. Мен пиёда қисмга ҳужумга ўтиш учун буйруқ бердим. Буюр ўқчилари ўзларининг одатий усуллари билан пиёдаларимга қарши камондан ўқ ёғдира бошладилар. Вазиятни назорат қилиб, отишма бўлаётган жанг майдонини кузатиб, олд кузатув гуруҳи маълумотларини ўрганиб, фурсат етганини англадим. Бир қисм жангчиларни захирага қолдириб, жанггоҳнинг кўламини кўзим билан чамалаб душман устига от сурдик. Мен сафнинг бошида эдим. Юрагимда бир ғайрат жўш урмоқда эди: тезроқ душман билан юзма-юз бўлсам-у, Амир Темур Кўрагон исмли жаҳонгир қандай жисмоний кучга эга эканлигини буюрларга бир кўрсатиб қўйсам.

Менинг саркардаларим саркаш табиатимни яхши билишади. Шунинг учун қачон жангда қўшиннинг олдида туриб, урушга кирмоқчи бўлсам, бу йўлдан қайтаришга урин-

майдилар – бефойда эканини билишади. Мен бундай гамхўрликка хавфсизлигимдан ташвишланиш деб эмас, менга яхши кўриниш учун қилинган меҳрибонлик деб қарайман.

Мен бир мутлақ ҳақиқатни биламан: агар ҳарбий лашкарбоши кўшиннинг биринчи сафида туриб, жангга кирса, унинг бошқа жангчилари икки ҳисса куч билан олишадилар. Буюр ўқчилари ниҳоят бизнинг ортдан келаётганимизни пайқашди, бир қисми биз томонга ўгирилди. Бироқ улар ёйларини ўқлашга-да улгуролмай қолдилар – менинг отлиқларим уларнинг устига худди кўчки каби ёпирилдилар.

Бизнинг ҳужумимиз шунчалар шиддаткор бўлдики, Буюр жангчилари биз томонга ҳатто бир марта ўқ узишга муваффақ бўлмай, отларимиз туёқлари остида топталдилар. Мен душманга узун дастали ойболта билан ташландим, унинг ҳар бир зарбаси душманнинг бир жангчисини ерга қулатарди. Шунингдек, пиёдаларимиз ҳам ўқ-ёйларини йиғиштириб қилич ва ойболталарини қўлга олиб, душман билан яқин масофадан жангга киришди. Ҳар бир қочишга уринган буюр жангчиси пиёда кўшин жангчиларимга рўбарў бўлар, худди ёмғирдан қочиб, дўлга йўлиққан одамдек чорасиз аҳволга тушиб қолмоқда эди. Бир сўз билан айтганда, буюрлар учун чекинишга ёки қочиб қутулишга имкон қолдирмагандик. Қуршовни ёриб чиқишга муваффақ бўлганлари ҳам узоқ кетолмасдилар: улар билан захира қисмимиз шуғулланмоқда эди.

Жанг кун ярмидан кечки намоз вақтигача давом этди. Ўша пайтга қадар буюр жангчиларининг қаршилиги батамом бостирилди, тирик қолганлари асир олинди.

Мен буюр юртида ва, умуман, Форсда қанча аҳоли яшашини билмасдим. Бу ҳақда ҳеч кимда аниқ маълумот йўқ эди. Бу ердаги оилалар сонини биров юз минг деса, яна биров тўрт юз мингта дер эди. Шунинг учун мен кўшиннинг орқа томонидан ҳаминша хавфсирар эдим. Гарчи Амир Ҳусайн ва Қора Хон ортда бўлса ҳам, нимагадир душман орқамиздан пайт пойлаб қўққис ҳужум қилади, деган фикр менга тинчлик бермасди.

Бироқ бизга ҳеч ким ҳужум қилмади ва биз токи аллақандай шаҳар ҳудудига кириб бормагунимизча олға юриб боравердик.

Бу шаҳар жуда кенг ва баланд тепаликлар устида, сув тошқинларидан талофат кўрмаслик мақсадида шу тарзда қурилган эди. Тепаликлардан бирининг устида тутун бурқсаётганини кўриб, асирларнинг биридан сўрадим: «Бу тутун нимани англатади?»

Уларнинг айтишларича, бу олов ибодатхонаники экан. Ўша пайтга қадар мен оташкадани кўрмаган эдим ва ўтпарастлар у ерда нима иш билан машғул бўлишларини ҳам билмас эдим. Асирларнинг биридан ибодатхонани бир оз тасвирлаб беришини сўрадим. Унинг сўзига қараганда, мана шундай ибодатхонада битта коҳин ва ўтгизтагача хизматкорлар бўлар эмиш. Ҳар куни ибодатхона хизматида ўтгизта хизматчидан иккитаси иштирок этаркан. Уларнинг вазифаси битта – манқалдаги олов ўчиб қолмаслиги керак. Ҳар ой шаҳар аҳли ибодатхонага ўз ҳисобидан бир боғлам ўтин бериб тураркан. Шунинг учун ибодатхонанинг ёқилғи масаласида муаммоси йўқ, зеро унда ҳамиша икки йилга етадиган ўтин захираси сақланар экан.

«Оташпарастлар ибодатхонаси Мусулмон масжидлари каби «вақф» мулкига эгами?» – деб сўрадим тутқин суҳбатдошимдан. У буни рад этди. Кейин ибодатхона хизматчиларининг маоши ва бошқа сарфу харажатлар аҳолининг садақа маблағлари ҳисобидан эканини айтди. Ҳар йили оташпарастлар еттита байрамни нишонлашар экан. Ҳар бир кун бир фариштага бағишланаркан. Ҳафтанинг кунлари ҳам Худонинг ўша фаришталарига аталган эмиш. Ҳамалнинг биринчи куни Наврўз байрами нишонланган кун оташпарастлар етти кун мунтазам ибодатхонага қатнаб, Коҳинга атаганларини Худо йўлига садақа қилишар, қурбонликлар беришаркан.

Буюрларнинг эътиқоди оташпарастлик ва исломнинг қоринмаси эди. Ўзларини мусулмон аташади-ю, оташпарастлар ибодатхонасига қатнашади, унинг тирикчилик манбаини таъминлайдилар. Қайсиким, бу маблағлар тўғридан-тўғри коҳиннинг ихтиёрида бўлади.

«Улар намоз ўқийдиларми?» – сўрадим ундан. У тасдиқ маъносида бошини қимирлатгач, отнинг жиловини тортиб тўхтатдим-да, «Қани намоз ўқи-чи, буни сен қандай бажарасан?» – дедим.

Асир юзи билан қуёшга томон ўгирилди. Қўлини бир неча бор силкиди, сўнг пичирлаб ичида бир нималарни ўқиди. Шундан сўнг мен томонга ўгирилиб, намозни ўқиб бўлганини айтди.

«Намоз пайти қиблага қарамайсизларми?» – ҳайрон бўлдим мен. У «Қараймиз, мана қибла» – деди қуёшни кўрсатиб. Шундан кейин бўлиб ўтган қисқагина савол-жавобдан шуни билдимки, улар қуёшни қибла деб, коҳинни имом деб билишар экан.

Қуёш ботди, кеч кирди. Биз эса ҳали буюрлар шаҳригача анчайин йўл босишимиз керак. Кечки пайт шаҳарга жуда яқин борсак, ўзимизни хавф-хатарга қўямиз деган фикрда қўшинга тўхташ тўғрисида буйруқ бердим. Қароргоҳимизни шу ерда тикдик. Ҳарбий саркардаларимизга айтдим: «Биз ҳозир шундай ҳудуддамизки, ҳар бир гиёҳ, ҳар бир қум зарраси бизга душман кайфиятида. Одамларини айтмасам ҳам бўлади. Эсдан чиқарманг, бизга ҳар дақиқа, ҳар дам кутилмаган томондан ҳужум қилиб қолишлари мумкин».

Қароргоҳимиз унча баланд бўлмаган тепаликлар ва унча чуқур бўлмаган кўлмаклар бор ҳудудда, душман ҳужум қилиши учун қулай жойда эди. Шу боис қароргоҳда гап-сўзлар тўхтаб, жангчилар уйқуга кетган маҳали мен тепаликлар устига ҳам қўриқчи қоровуллар қўйдим ва қоровуллар хизматини назорат қилиб юрадиган назорат гуруҳини оёққа турғаздим.

Узоқ масофаларда юриб чарчаган, жангда душман билан олишиб ҳориган жангчи қоровулликда ўтириб ухлаб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам уларни текшириб, айланиб юрадиган назорат гуруҳи даркор. Гуруҳ аскарлари мунтазам равишда қоровул жангчиларнинг ҳолидан хабар олиб, ухлаган бўлса уйғотиб, уйқусираган бўлса тетиклаштириб юришади.

Мен қоровулда туриб ухлаган аскарга шафқат қилмайман. Агар у узоқ сафардан ёки қирғин-барот жанг-

дан кейин, ҳали ҳордиқ чиқаришга улгурмай қоровуллик хизматига қўйилган бўлса – уни кечираман. Чунки бундай жангчидан ухламасликни талаб қилишнинг ўзи ноўрин. Мана шундай аскар хизматни ўтаётиб ухлаб қолса, унга қўлланиладиган чора уни уйғотиш ва қайтиб ухлашига йўл қўймасликдир.

Ўша кеча мен ухлаб қолмаслик учун таом емадим. Тунда эса жуда безовта ётдим: вақти-вақти билан туриб кетар эдим. Ташқарида шитир этган ҳар бир товушга қулоқ тутар эдим. Баъзида чодиримдан чиқиб теварак-атрофни кўздан кечирардим. Ҳамма ёқ тинч, осуда эди.

Тонг отди. Мен намоз ўқиб, сўнг қўшин уйғонгунга қадар озгина ором олиш учун ётдим. Қароргоҳни йиғиштириб, жанговар сафга тизилиб, буюрлар шаҳри сари йўлга тушдик. Узоқдан шаҳарга боқиб, унинг катталигидан ҳайрон қолдим. Самарқанддан каттароқ эди у. Асирлардан бири бу алдамчи тасаввур эканини айтди. Аслида одамлар уйларини ёнма-ён қилиб эмас, ҳар бири тепаликларга алоҳида-алоҳида қургани боис, узоқдан қараган кишига шаҳар жуда йирик бўлиб кўринар экан. Аслида унинг хонадонлари бўлса мингтача эмиш.

Мен тепаликдан туриб ҳали ҳам шаҳар уйларини томоша қилиб турардим. Биздан анчайин узоқда ҳаракатланаётган кузатув гуруҳи душманнинг қораси кўрингани ҳақида хабар берди. Қанотларни огоҳлантирдим: «Хужум ҳар дақиқада содир бўлиши мумкин – огоҳ бўлинг!» Бу ҳақда оптимиздаги муҳофаза қисми ҳам хабардор қилдим. Шу пайт кутилмаганда барча томондан – ўнгдан, сўлдан, олддан, орқадан буюрлар биз томонга ташландилар. Улар шу қадар кўп эдики, худди ердан ўсиб чиққан майсадек бирдан пайдо бўлишди. Эркаклар сафида қуролланган аёллар ҳам бор эди.

Марказ ва қанотлардаги суворийларни ҳаракатга келтирдим. Душманни битта қолдирмай ер тишлатиш кераклигини тайинладим. Жинсига эътибор бермаслик лозимлигини уқтирдим. Чунки бу – жанг! Жанггоҳга кирган киши жинсидан қатъи назар – жангчи! Бу хотинлар ўртага тушиб орача қиладиган оддий даҳанаки жанг ёки ёқала-

шув эмас, балки қон кечиладиган жанг. Урушнинг ўз қонун-қоидалари бор: «Юртингга ҳужум қилишимни истамасанг, менинг одамларимга ҳужум қилмагин эди!»

Эркак ва аёллардан иборат буюрлар қабиласи дам сайин тутдек тўкилиб борди. Аввалгидек дарахтлар йўқки, ортига бекиниб олишса. Очиқ майдонда жанг қилиш уларга ҳеч қандай устунлик бермаётганди. Ҳар томондан ёпирилиб келганлари ҳам уларнинг манфаати учун ҳеч бир хизмат қилмади. Отлиқ аскарларимнинг кетма-кет берган зарбалари охир-оқибат уларнинг сафини ситиб юборди. Сийраклаша борди, ахийри шаштлари синди. Қаршилик кўрсатмай қўйдилар. Буюрларнинг аксари жанг майдонида отларимиз оёғи остида қолиб кетди. Бир қисми қочиб, чўл бағрига сингиб кетди. Англадикки, бу буюрларнинг сўнгги жанги. Бундан буён бош кўтариб, жанг қилишга журъат этмайдилар. Хуллас, шаҳарга йўл очилган эди ва менинг қўшиним унга кирди.

Ҳали шаҳарга кирмай туриб, одамларимга оташпарастлар ибодатхонаси ва унинг қоҳинларини ўлдирмасликларини, бошқа ҳар қандай қаршиликни жойида бостириш ҳақида буйруқ берган эдим. Шаҳарга кириб борар эканмиз уйларнинг деразаларидан, томларидан биз томонга ўқ ёки тош ёғилади, деган хаёлда эдим. Аммо, бундай бўлмади. Уйлар тинч, кўчалар сокин эди. Уйларда ҳеч ким йўқ, жанг қилишга қобилиятли кишилар жангга, қолганлари шаҳарини ташлаб, дала-даштларга чиқиб кетишган, чамаси.

Шаҳарда ҳеч ким йўқлиги боис ортиқ тўқнашув ва қон тўкишлар бўлмади. Мен олов ибодатхонаси томон юрдим. Кираверишда турган одамларни кўриб, улардан кимлигини сўрадим. Улардан бири – оқ соқолли киши, ибодатхона хизматчилари эканини айтди.

Мен ундан: «Шаҳар аҳли буткул кўчиб кетибди, сизлар нега кетмадингизлар?» – деб сўрадим. Чол жавоб қилди: «Биз муқаддас оловни қаровсиз қолдириб кетолмаймиз. Чунки у ўчиб қолиши мумкин». Мен унга дедим: «Агар мен оловларингизни ўчирсам-чи, унда нима қиласизлар?»

«Эй, улуғ Амир! – деди у илтижо оҳангида. – Ҳатто араблар ҳам бу оловни ўчирмаган, сен – қўл остингда қанчадан-

қанча бандаларнинг моли ва жони тобе бўлган зот, бу ишни қилма!»

– Сен қайси арабларни назарда тутаяпсан? – шунчаки эмас ҳақиқатдан қизиққанам боис сўрадим ундан. У шундай жавоб қилди: «Бундан саккиз юз йил аввал араблар бизнинг юртимизга бостириб келиб, ажам мамлакатларига ислом динини ёйганлар. Ўшанда ибодатхона хизматчилари қочиб кетиб, олов кимсасиз қолса-да, араблар уни ўчирмаган».

Англадимки, қаршимдаги одам ўқимишли, кўп нарсани биладиган одам эди. Мен учун бундай кишилар билан суҳбатлашиш мароқли. Шу боис уни яна бир оз суҳбатга тортдим. Оловни кўрмоқчи эканимни айтдим. У айтди: «Оловни кўриш ҳеч кимга таъқиқланмаган: фақат унга яқин борма. Нафасинг тегмасин, ҳатто биз ҳам унга яқин бормаймиз!»

Мен ибодатхонага кириб, унинг жуда хароб аҳволда эканини кўрдим. Бинонинг тепаси гумбазсимон, унда эса мўри тарзида туйнук очилган эди. Тутун ана шу туйнукдан чиқиб кетади. Гумбазнинг остида, ерда манқалга ўхшаган катта темир идишда (унда ҳам бир қанча тешиқлар кўзга ташланади) олов ёнмоқда эди. Оловга яқин турган ҳаворанг либосдаги киши вақти-вақти билан унга ўтин ташлаб турарди. Мен бу ерда аллақандай илоҳий бир гўзалликни кўраман, деб ўйлаган эдим, аммо деярли заифгина гулханни: Самарқанднинг қишлоқларидаги ўчоқларда кўришим мумкин бўлган манзарани кўрдим, холос.

Ибодатхонадан чиқа туриб, чолдан сўрадим: «Сен шу ерлик мусулмонларнинг имоми ҳам экансан – шу гап тўғрими?» У саволимни тасдиқлагач, нима учун мусулмон бўла туриб, оловга сиғинишларини сўрадим. У: «Биз ўз аجدларимиз анъанасини унута олмаймиз», – деди. Сўнг у менинг нима учун бу томонларга қўшин тортиб келганимни сўради. Мен унга буюрларнинг қароқчилик ҳаракатлари ҳаддидан ошиб кетаётгани, бегуноҳ ўғлимни ўлдирганлари боис хунини олиш учун келганимни айтдим. Сўнг: «Башарти, буюрлар деҳқончилик қилишдан кўра қароқчилик қилишни, чорвачилиқдан кўра талончиликни хуш кўрар эканлар, улар диндан йироқ. Уларни инсофга келтириш, фойдали ишлар-

га жалб этиш учун сен ёққан оловнинг кучи етмаяпти», – дедим.

Қайтиш фурсати етганида мен барча қўшинни олиб буюрлар юртидан чиқиб кетдим. Форсга кета туриб йўл бўйида Сулаймон тахтини кўрдим. Менга айтишларича, у шамолнинг эсишидан ҳаракатланар экан. Тахтнинг қолдиқлари ҳам унинг нечоғли қудратли иншоот бўлганлигини яққол кўрсатиб турарди. Таажжубландим: шамол қандай қилиб бу залворли тошлардан қурилган тош тахтни осмону фалакка кўтариб, шарқдан ғарбга олиб учган бўлса! Кейинчалик Шомда бўлганимда ва ўша ерлик олимлар билан учрашганимда, бу саволга жавоб топгандек бўлдим. Улар юнон алломаларининг тарихий асарларига асосланиб, Форсдаги «Тахти Сулаймон»нинг Сулаймон пайғамбарга алоқаси йўқлигини айтишди. Балки у қадимги Форс ҳукмдорларидан бирининг пойтахти бўлиб, уни кейинчалик Македониялик Искандар буздирган экан.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

ЎЛАТ

Мен яна бир карра ватанимга Хуросон орқали кетишга қарор қилдим. Гарчи йўлим қўл остимдаги Форс ҳудудларидан ўтса-да, олд кузатув қисми ҳудудни кузатиш ва ўрганиш учун юбордим. Қўшин ортида ҳам ҳар доимгидек яна бир ҳарбий қисм уни қўққис ҳужумлардан муҳофаза этиб боришга масъул бўлди.

Тахти Сулаймондан чиққанимизнинг иккинчи куни, олд кузатув қисм қарама-қарши томондан қандайдир одамлар тўдаси кўрингани, улар қуролсиз экани ҳақида маълумот берди. Кейинги маълумотда қуролсиз одамлар тўдаси – қочоқлар экани айтилган эди. Жангчиларимиз улардан сабабини сўраганларида, улар ўлатдан қочаётганларини маълум қилишибди. Мен улардан бир нечасини ҳузуримга олиб келишларини сўрадим. Бу касалликнинг қаердан келиб чиққанини билмоқчи эдим. Улар менга Форс жанубида жой-

лашган шаҳарларда одамлар ўлатдан қирилаётганини айтишди. Қочоқлар айтган шаҳарлар Форс ҳудудида жойлашган денгиз бандаргоҳлари эди.

Ўша кундан эътиборан йўлимизда кўплаб қочоқлар учрай бошлади. Мен уларни сўроққа тутиб, билдимки, менинг йўлимда, яъни Форсдан Хуросонга қадар ўлат ҳақида ҳеч қандай гап йўқ эди. Мен ўлат тарқаган ҳудуддан тезроқ чиқиб кетиш учун, қўшинга тезроқ юриш ҳақида буйруқ бердим. Шунингдек, таъминотчи гуруҳни зудлик билан йўлга чиқардим: қўшин озиқ-овқат, сув ва ем-хашак танқислигига дуч келмаслиги керак – шуни қатъий қилиб тайинладим уларга.

Дарабуржирдга етган чоғимиз қўшинни тўхтатдим. Отларга дам бериш мақсадида икки кун шу ерда турадиган бўлдик. Биринчи куннинг ўзиёқ бир неча жангчиларимиз касаллангани, бошлари оғриб, иссиқлари баланд эканидан шикоят қилишаётганини маълум қилишди. Қўшин табибидан улар ўлатга чалинишмадимикан, деб сўрадим. У касаллик сабабини аниқлай олмаганини, бироқ ўлат аломатлари ҳам кузатилмаганини айтди. Иккинчи куни касалланганлар сони яна кўпайди. Биринчи куни касалланганлар қўлтиқлари остида ва биқинларида ёнғоқдек шиш пайдо бўлиб, кучли оғриқ бераётганини билдиришибди. Шундан кейингина табиб қатъий бир қарорга келди – бу ўлат эди.

Табибдан сўрадим: «Бу касалларни қандай даволаса бўлади?» У деди: «Бу касалликнинг давоси йўқ: улар энди ё ўладилар, ёки ўз-ўзидан тузалишади!»

Кечқурун мен ҳарбий саркардаларимни кенгашга чақирдим. Уларга эртаси куни тонгданоқ касалларни шу ерда қолдириб, қўшинни иложи борича узоқроқ олиб кетишларини буюрдим. Биз агар касалланган жангчиларимиз туфайли Дарабуржирдда узоқ ушланиб қоладиган бўлсак, ҳамма ўлиб кетади, дедим. Қуёш ботиб, кечки намозни ўқиб, кечки овқатга таралдуланиб турганимда, негадир ўзимни лоҳас ҳис қила бошладим. Кўп ўтмай вужудимда кучли қалтираш ва ҳолсизлик бошланди.

Табиб менга «гавзабон» гиёҳидан дамлама тайёрлаб ичирди. Яхши терлашим кераклигини айтди. Кейин у бир нечта

тошни оловда қиздириб, уларни манқалга терди. Менинг бошимни манқалга эгиб, устимга кўрпа ёпиб, қизиб турган тошларга сув пуркади. Тошлардан кўтарилаётган буғ чидаб бўлмас даражада эди. Юзларим ловуллаб ёнаётганга ўхшадди. Мен тоқат қилдим, бир оздан сўнг терладим ва бош оғригим бир оз пасайгандек бўлди. Бироқ кўп ўтмай оғриқ жуда зўрайди. Такрор қилинган муолажа таъсир қилмади...

Тонга бориб бош оғригим ва тафтим шу қадар кучайиб кетдики, ҳатто намоз ўқишга ҳолим қолмади. Табибни чақириб, ўлатга чалинмадиммикин, деб сўрадим. У жавоб бермади. Нега гапирмаётганлигининг сабабини сўрадим. Уни дадиллантириш учун дедим: «Сен қўрқма, айтавер, ахир мен Амир Темурман-ку! Ўлимдан қўрқмайман. Биз ҳаммамиз ҳам бу дунёдан кетамиз. Ҳатто пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам бу дунёни тарк этган эдилар, мен ҳам қачондир ўлишим керак-ку, ахир! Фақат бир нарсадан афсусланаман – тўшақда жон беришимдан таассуфдаман!»

Мана шу гапларимдан кейин табибга тил кирди: «Амирим, сенинг касалиңг ҳам ўша... жангчиларнинг касалидан!»

Мен қоғоз, қалам ва дори олиб келишини сўрадим. Ҳали буткул кучдан қолмай туриб, васият қолдирмоқчи эдим. Сўраганларимни олиб келишгач васиятни ёзишга киришдим. Агар ўлатдан ўладиган бўлсам, қўшинга Қора Хон бош бўлади. У қўшинни Самарқандгача олиб боришга ва катта ўғлимга топширишга масъул. Шундан кейин қўшиннинг бош лашкарбошисини тайинлаш катта ўғлимнинг ихтиёрида, менимча, бу лавозимга Қора Хонни тайинлаш мақсадга мувофиқ бўларди. Қора Хон Самарқандга келиши билан менинг ўғлим ва ворисим синглиси, менинг қизим Зубайдани Қора Хонга хотинликка бериши керак. Ўша васиятномада мен яна, мабодо Қора Хон ҳалок бўлса, қўшинга Амир Ҳусайн бош бўлишини киритган эдим. Ўзимнинг бор молмулкимни барча ўғилларимга қолдириб, у ислом шариати йўл-йўриқлари асосида ўртада тақсимланишини маълум қилдим. Таъкидладимки, ўлимимдан сўнг жасадимни Қора Хон Самарқандга олиб бориб, ўша ерда дафн этсин.

Васиятномани ёзиб бўлгач Қора Хон ва Амир Ҳусайнни, шунингдек, бошқа ҳарбий саркардаларимни ҳузуримга

чақиртирдим. Уларга васиятнома ёзганим ва тахтимни ўғлим ва ворисимга топширганимни, бош лашкарбоши тайинлаш ваколлатини ўғлимга қолдириб, бу борада ўз фикримни билдирганлигимни, қўшинга Қора Хон ундан кейин Амир Хусайн бош бўлишини, ҳарбий газна Қора Хон ихтиёрига ўтиб, ундан жангчиларимнинг маоши берилишини ёзиб қолдирганимни баён этдим.

Мен бу гапларни айтиб тугатмай, Қора Хон оҳ тортиб йиғлаб юборди. Ундан сўрадим: «Қора Хон, сен менинг ташвишимда йиғлаяпсанми ёки энди Зубайда менга насиб этмас экан-да, деб қайғураяпсанми? Хавотир олма, васиятномада бу масалага ҳам ўрин берганман – Самарқандга қайтишинг билан тўй тадоригини кўравер!» – дедим зўрма-зўраки табассум қилиб.

Қора Хон энди бўкириб юборди: «Эй Амирим, мен ўзимнинг ташвишимни қилаётганим йўқ, Зубайдани ҳам ўйламаганим, онажонимиз Замин яна сиздек ўғлонни туғишга қодирмикин, деб қайғураяпман!» – деб кўз ёшларини шашқатор қилди у.

Мен унга дедим: «Кўз ёшларингни арт ва мажбуриятингни бажаришга кириш. Билиб қўйки, лашкарбоши қўшинда меҳнат, машаққат ва уйқусизликни кўтара оладиган ягона одам бўлади!» Қора Хон кўз ёшларини артди. Унга дедим: «Биласанми, мен касалларни Дарабуржирдда қолдириб, ўзимиз бу ердан кетамиз деб ўйлаган эдим. Энди эса вазият ўзгарди. Энди мен ҳам қоладиган бўлдим. Аммо қарорим ўз кучида: қўшинни тезроқ олиб кетиш керак. Токи касаллик бошқаларга ҳам тарқаб улгурмасин! Тезроқ Самарқандга етиб олишларинг керак. Мен касалланган одамларимиз билан бирга қоламан. Бу ерда кичикроқ бир қўшинни қолдирсангизлар, ўлганимдан сўнг мени асосий қўшинга ёки тўғри Самарқандга етказишади».

Қора Хон деди: «Эй амирим, ўзингиз бунда қолиб, менинг қўшин билан кетишимни хоҳлаяпсизми? Наҳотки мени шу ишни қилишга қодир деб ўйласангиз! Йўқ, мен ҳеч қачон бундай қила олмайман. Тўғри, сиз қўшинни қутқариш учун шундай қилмоқчисиз, бироқ қўшиндагилардан сўраб кўрингичи, сизни қолдириб бирор киши жойидан жилишга рози

бўлармикин? Сиз, бунда қолсак, ҳаммамиз қирилиб кетамиз, деган ҳадикдасиз. Аммо менинг ҳаётим, бутун қўшиннинг ҳаёти – барчаси бир бўлиб ҳам бир сизнинг ҳаётингиздан қиммат эмас. Қўшин-ку майли, бутун дунё одамларининг ҳаёти ҳам сизнинг ҳаётингиз олдида ҳеч нарса эмас!»

Мен айтдим: «Қора Хон лашкарбоши биринчи навбатда қўшин ҳақида қайғуриши керак. Шу кундан эътиборан, сен менинг ўринбосаримсан. Ўлимимдан кейин эса уни мустақил равишда бошқарасан – демак, сен унинг манфаатларини барча нарсадан устун қўя олишинг керак».

Ўжар табиатли Қора Хон ўз сўзида туриб олди: «Агар сиз оддий лашкарбоши бўлганингизда, эҳтимол шундай қилсак бўларди. Аммо сиз Амир Темур Кўрагонсиз! Мен то соғайиб кетмагунингизча ҳеч қаёққа кетмайман – ёнингизда тураман! Агар Аллоҳ жонингизни олса, васиятномада айтилганидек, ўзим сизни Самарқандга олиб кетаман!» Унга: «Қолсанг қолавер, аммо қўшинни юбор!» – дедим. У яна асосли важ топди: эмишки қўшин бу ердан жилса, касаллар сони яна кўпаяр эмиш ҳоказо ва ҳоказо...

Унинг билан баҳслашишга ортиқ ҳолим қолмади. Ҳаммага жавоб бериб, жойимга чўзилдим. Эртаси куни қўлтигим остида без пайдо бўлди. Учинчи куни у кўкарди. Кейин жон талвасасига тушдим. Иссиғим шу даражада баланд эдики, ҳузуримга келганлар тафтимни узоқдан ҳис этарди. Худди манқалда қизариб турган чўғдек аъзои баданим ёнмоқда эди. Атрофимдагиларни танимай қолгандим – қаерда эканимни ҳам билмасдим: бирда Самарқандда юргандек ҳис қилардим, кейин Тўхтамишнинг ҳудудида тоғлар орасида адашиб қолгандек ҳис қилардим ўзимни. Музаффарилар сулоласини қатл этиш маросимида иштирок этиб тургандек эдим бирда. Шу пайт қулоғимга бир товуш чалинди: «Очилди! Очилди!..» Шундан сўнг оғриқ аста-секин тинди – ўлаётган бўлсам керак, деб ўйладим.

Эртаси куни кўзимни очиб, атрофимни ўраб турган мамнун чеҳраларга кўзим тушди. Кечаги овозлар ҳам шуларники бўлган. Менинг ярам, яъни пайдо бўлган шиш ёрилган – йиринг ва бошқа ихлар оқиб тушган ва аҳволим яхши бўла бошлаган экан. Бироқ мен ҳали ҳам ҳолсиз эдим – ўрним-

дан тура олмасдим. Ёстиққа орқамни суяб ўтирардим, холос. Дарабуржирддан ҳамма кетиб, шаҳарда фақат яккам-дуккам чоллар қолган эди ўшанда.

Бир куни менинг ҳузуримга бир чолни олиб келишди. Уни «Дастур» деб таништиришди. У оташпарастрларнинг бош қоҳини экан.

Оғзида битта ҳам тиши қолмаган чол деди: «Эй Амир, эшитдимки, оғир касални енгиб ўтибсан. Мана бу асалдан есанг – кучга кирасан», – дея у олиб келган асалига ишора қилди. Мен ундан нега ҳамма кетиб, унинг шаҳарда қолганини сўрадим. Ахир ўлатга чалинишдан қўрқмайсанми, дедим.

Дастур чол жавоб қайтарди: «Мен ҳар куни озгина-озгинадан асал еб тураман! Ким асал еб турса, унга юқумли касалликлар юқмайди». Мен ундан сўрадим: «Буни сенга ким айтди? Наҳотки ҳар куни асал еб турган одам вабога чалинмаса!» Дастур жавоб қилди: «Бу ҳақда биринчи марта билган одам Гаю-март бўлади». Мен ажабландим: «Бу номни биринчи бор эшитишим – ким у Гаю-март?» Дастур саволимга савол билан жавоб қайтарди: «Эй Амир, сен Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини ўқигансанми?» Мен ўқиганлигимни билдиргач, у деди: «Гаю-март унда Каюмарс деб келтирилган, аслида Гаю-март (Гава марта – Улуғ эр) – бу эса «эр, билим эгаси» деган маънони англатади».

Мен дедим: «Бу борада сен ижодкорнинг ўзидан ҳам кўп нарсани биладиганга ўхшайсан!»

Дастур айтди: «Ҳа, Амир, мен шеър тўқий олмайман, бироқ уларнинг муаллифларидан кўра кўпроқ нарсаларни биламан! Эроннинг қадимги ҳукмдорларининг исмларини номма-ном биламан. Улар бизнинг китобларимизда келтирилган. Фирдавсий эса бу китобларни ўқимаган. Шунинг учун ҳам қадимги номларни қандай эшитган бўлса – шу тарзда асарига киритган».

Шундан сўнг дастур олиб келган асали ҳақида гапирди. Уни ўзининг шахсий хўжалигидан олиб келганини, агар есам тезда кучга киришимни айтди. Мен унга бир неча олтин тангалар ҳадя қилган эдим, у олмади: «Эй Амир, сенинг ҳузурига асалимни сотиш учун келмадим, билакс сенга озгина ёрдамим тегсин деб келдим», – деди у самимий.

Мен бир неча кун ўша асалдан едим ва ҳақиқатан ҳам фойдаси тегди. Тез кучга кирдим. Ҳозиргача танамда ҳолсизлик сезсам, асал ейман. Ҳаммаси тезда ўтиб кетади.

Мен табиатан илмга чанқоқ одамман. Олимларнинг суҳбати жону дилим. Уларни қадрлайман. Мен дастур билан узоқ суҳбатлашсам, дегандим. Аммо Дарабуржирдда узоқ ушланиб қола олмасдим. Чунки кўшиннинг ҳаёти хавф остида эди. Касалларнинг олдида кичикроқ бир қисмни қолдириб, ўзимиз йўлга тушадиган бўлдик. Қоладиган қисмга касалларга қараб туриш, ўлганларни дафн қилиш ва соғайганларни олиб қайтиш вазифаси юкланди.

Йўлга чиқадиган кунимиз дастур келди. Қаёққа кетаётганимни сўради. Мен унга юртимизга қайтаётганимизни айтдим. У деди: «Эй, Амир! Агар шу алфоз уйга қайтсаларинг, бутун мамлакатингга ўлат оралайди. Ахир у ёқдагилар ҳар кун асал емайди-ку, тўғрими?» – деб сўради. Мен дедим: «Биз томонда умуман асал ейиш урф эмас, фақат Хоразмда асал ейишади».

Дастур деди: «Ундай бўлса ватанингга киришдан олдин, аскарларингни яхшилаб тутунга тўйинтир! У ўлатнинг ҳидини ўлдиради!»

Мен ундан сўрадим: «Бу қандай қилинади?»

Дастур жавоб қилди: «Йўлда бирор манзилда тўхтанглар. Уйлари кенг бўлсин. Чўлдан тикан тердириб, устига сув сепиб ҳўллайсизлар. Кейин ўша уйларга одамларингни киритиб, ост қисмида ҳўл ўтинни ёқасан. Ўтин ёнмасин, балки тутасин. Одамларинг ўн кун давомида, ҳар кун бир соатдан ана шу муолажани ўташи керак – ўшанда топ-тоза бўлишади!»

Мен дедим: «Тутунда нафаслари бўғилиб қолади-ку?» Дастур бу саволга қуйидагича жавоб қилди: «Уйларнинг эшигини очиб қўйинглар, ёқиладиган ўтин ҳам кўп бўлмасин. Ўн кун шу амални қилсанг, одамларингни баданидаги ўлат чанги, ҳиди ўлади. Натижада Мовароуннаҳрга ўлат тарқалишининг олдини оласан!»

Мен унинг хизматларини яна тақдирламоқчи эдим, у яна қўлимни қайтарди. Ўзининг камтаргина ҳаёти учун меҳнат қилиб топаётгани кифоя қилаётганини айтди. Далада экин-текини, чоғроққина боғи, асалари хўжалиги борлигини,

шунинг эвазидан ҳеч нарсага зориқмай яшаётганини айтиб, яна бир карра узр сўради.

Шундан кейин биз Дарабуржирддан чиқдик. Форс ва Хуросон ўртасидаги чўлни қийинчиликсиз босиб ўтдик. Исикда сувсизлик азобини сезмадик ҳам. Бироқ касаллик биздан қолмаётганди. Ҳар куни ўнлаб одамларимиз касалланиб, оғримоқда эдилар. Ахийри Корез Арабда тўхташга қарор қилдик. Қўшинни тутунга тўйинтириш тадбирини ташкил этдик. Бу жой шундай номланар экан. Айтишлари-ча, Табоса ҳукмдори амир Араб аҳолиси учун – «корез» (ер ости суғориш қувури) қаздирган экан. Бу қудуқ ўша пайтгача одамларни сув билан таъминлаб келар экан.

У ерда иккита катта отхонали қўрғон бор экан. Мен жангчиларимга ўша жойда тутунга тўйинтириш муолажасидан ўтишлари учун буйруқ бердим. Ўн кун мобайнида жангчиларимиз ҳар куни бир соатдан тутун ютдилар. Тадбир тугаган куни Самарқандга қараб от сурдик. Шундан кейин йўл бўйи ҳеч ким касалликдан шикоят қилмади. Самарқандга қайтгач Форсга мактуб жўнатдим ва дастур чолга бизга кўрсатган хизматлари учун миннатдорчилик билдириб, барча оташпарастларни беш йил мобайнида ҳамма солиқлардан озод қилишимни билдирдим.

Форс ҳукмдори менга даракчи қуш – кабутар орқали мактуб йўллаб, дастур чол оламдан ўтганини, унинг жасади даҳмага кўчирилганини маълум қилди.

Форс ҳукмдорига яна мактуб йўллаб, фармоним ўз кучида қолишини, Дарабуржирддаги зардуштийларга дастурнинг хизматлари эвазига беш йил солиқлардан озод этилганликларини етказишни тайинлаб, фармонимга қатъий амал қилинишини талаб қилдим.

Юртга қайтганимдан сўнг, Кеш шаҳрига бориб, қурилиш ишлари мен айтгандек бўлаяптими, йўқми – кўрмоқчи бўлдим. Аввал айтганимдек, мен Кешни оламдаги энг обод шаҳарга айлантиришга қатъий аҳд қилган эдим. Кешга келгач, унинг марказий кўчаларидан пиёда юриб ўтдим. Бу йўлнинг эни 50 заръ экани ҳақида аввал айтиб ўтган эдим. Одамларнинг эшигини тақиллатиб, уйларига кирдим. Турмуши, яшаш шароитлари билан танишдим...

Кўрдим, барча уйлар яшаш учун барча қулайликларга эга экан. Хонадон соҳиблари хурсанд. Ҳаётларидан мамнун. Шаҳардаги айрим иншоотларда ҳали ҳам қурилиш-пардозлаш ишлари давом этмоқда эди. Уларда мен дунёнинг турли бурчакларидан олиб келган энг зўр меъморлар, тош йўнувчилар, пардозловчилар ишлашарди.

Кешни кўриб Самарқандга қайтдим. У ерда ўн кунча туриб, яна ҳарбий қароргоҳимга – чўлга чиқиб кетдим. Чунки аввал ҳам айтганман, шаҳар ҳаёти инсонни нозиклаштириб қўяди. Ўзини лаззатга мойил қилиб қўйган ҳар қандай ҳукмдор охир-оқибат таназулга юз тутади. Бегумон бир кучли рақиб чиқади-ю, унинг нозик танасини қон ва тупроққа белади.

Ўн кундан сўнг Самарқандни тарк этдим. Чўлда қароргоҳимни тиклаб, Ҳиндистон сафари учун зарур бўлган тайёргарлик ишларини бошлаб юбордим. Бир томондан қўшинни қурол-яроқ билан таъминлаш ишлари олиб борилаётган чоқ, жангчилар тинмай (жума кунидан ташқари) ҳар куни мунтазам жанговар машғулотларда иштирок этишарди. Ўзим ҳам ҳар куни жангчилар билан бир сафда туриб ҳарбий тайёргарлик машқларини бажарар эдим. Чунки менинг вужудим ҳам бошқаларники сингари машқ қилсам чиниқади. Куч ва лаёқатни йўқотмаслик, сабр-бардошли бўлишнинг ягона йўли танани мунтазам чиниқтириш орқали қўлга киритиладиган сифатдир.

Мен кўпдан бери Ҳиндистон сафарини орзу қилар эдим. Ва ўша мамлакатга борадиган икки йўл борлигини яхши билардим: бири Хуросон орқали Зобулистон, Мекран ва Туран йўли*. Иккинчи йўл – Кобулистондан Гур мамлакатига, ундан Искандар ва у ёғи – Ҳиндистон! Биринчи йўл узоқ ва ундан ташқари бу йўналишда бир неча бепоёну бешишон чўллардан ўтишга тўғри келади. Айримларида умуман жон зоти йўқ, озуқа топиш муаммо. Бу йўлдан юриш

* Туран – Мекран мамлакатининг шарқида, ҳозирги Покистоннинг ғарбий қисмида ва Эрон ҳудудига қарашли Блужестоннинг шарқида жойлашган. Бу изоҳни берганимиз баъзилар Туран Хуросондан шимолда деб ўйлайди.

қўшинни азоб-уқубатга дучор қилиш билан тенг! Шу сабабли Ҳиндистонга иккинчи йўлдан боришни маъқул топдим. Қолаверса, бу йўл ҳам қисқароқ, ҳам сувга сероб. Биринчи йўлдан юрсам, айрим маҳаллий амалдорлар билан низолашиб қолишим мумкин эди. Масалан, Туран ҳукмдорининг менга муносабати қандай экани маълум эмасди. Менинг қўшинимга ҳудудидан ўтиш учун рухсат берадими, йўқми – билмасдим. Ёки йўл-йўлакай куч ишлатиб, ўз йўлимни очиб боришимга тўғри келарди. Туран мамлакати билан бўладиган қарама-қаршилиқлар Ҳиндистонга сафаримнинг кечикишига сабаб бўларди. Боз устига қўшинни ҳам бир оз кучсизлантларди.

Иккинчи йўлда эса аниқ билардимки, менинг душманим йўқ эди. Кобулистон, Ғур мамлакати ва Искандар ҳукмдорлари билан дўстона муносабатда эдим. Уларнинг ичида энг кучлиси Ғур подшоси бўлиб, ўз вақтида мен унинг устидан ғалаба қозонган эдим. Мен унга нома йўллаб, олдимизда турган урушда мен билан ҳамкорлик қилишини сўрадим. Шунингдек, унинг ўзи ва ботир жангчилари мен билан дунёдаги энг бой мамлакатга жангга борсалар, шу қадар кўп бойлик тўплаб келишларини, жангдан кейин қўлга киритадиган ўлжалари етти пуштларига етишини тушунтирдим. Эбдаланинг ўзига олтин ва кумуш ваъда қилдим. Хатимнинг хулосасида қанча кўп қўшин тўпласа, шунча яхши бўлишини, ҳар қалай жангчилар сони йигирма мингдан оз бўлмайди, деб умид қилишимни билдирдим. Шунингдек, Ғур жангчиларининг ўз юртидан чиқиб, қайтиб келгунларига қадар сарфу харажатлари менинг хазинам ҳисобидан бўлишини ваъда қилдим.

Эбдала Гилзайи жавоб мактубида қайси мамлакатга юрмоқчи эканимни билишини, бу ҳақда аввал унга айтганимни ва йигирма минг кишилиқ қўшин билан боришини билдирибди. У жангчиларининг оилалари борлигини ва ҳақиқатан ҳам уларни ҳарбий ҳаракатларга тортишимни истасам, сарфу харажатлар учун тўланадиган маблағнинг бир қисмини олдиндан тўлашимни сўрабди.

Мен уларнинг йиллик сарфу харажатларининг ярмини аввалдан тўлашимни етказдим. Улар бу маблағларни оила-

ларига қолдириб, кўнгилни тинч қилиб, сафарга чиқишларини хоҳлашимни изҳор этдим.

Мен Ҳиндистонга «Барсат» – ёмғирлар мавсумидан олдин бормоқчи эдим. Шунинг учун Кобулистон сари тезроқ йўлга чиқишга шошилдим.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

МУЎЖИЗАЛАР МАМЛАКАТИ – ҲИНДИСТОН

Ҳиндистонга юриш режасини амалга ошириш учун, мен қўл остимдаги мамлакатлардан ўз қўшинларини менинг ихтиёримга юборишларини талаб қилишим мумкин эди. Бироқ бундай катта қўшинни бошқаришнинг ўзи бўлмайди. Биргина ем-хашак билан таъминлаш заҳмати – бу тадбирнинг унчалик оқилона эмаслигини кўрсатиб турибди. Ундан ташқари ҳаво нобоп бўлиб қолган кезлари жой топиб, бунча одам, шунча отларни жойлаштириш осон эмас эди. Мен ҳамиша қайси мамлакатга қўшин тортиб борган бўлсам, қаерда ким билан жанг қилган бўлсам, ҳамиша юз минг кишилик қўшиним бўлган. Нарӣ борса 120 мингдан ошмаган.

Ҳиндистонга ҳам юз минг кишилик қўшин билан чиқдим. Фақат йўлда бу сон яна йигирма мингтага кўпайди. Сафимизга Эбдала Гилзайи қўшини келиб қўшилди – 120 000 кишилик қўшин бўлди. Оз кишилик қўшиннинг афзаллик томони шундаки, агар бир-икки ўтиб бўлмас биёбонларни айтмаганда, ҳамма жойдан ем-хашак, сув топса бўлади.

Аксинча қўшиннинг сони бир неча юз минг бўлса, уни озуқа билан ҳам, сув билан ҳам таъминлаш мушкул бўлади. Эй, менинг ҳаётим ва фаолиятим саҳифаларини варақлаётган зот! Агар биров сенга икки курур одам билан ҳарбий сафарга чиқдим деса, ишонма сира: илло, бунча одамни ва отни сақлашнинг иложи йўқ.

Қўшиним билан Самарқанддан чиқдим. Ўшанда мен осмонга боқиб, дедим: «Эй, қудратли Аллоҳ! Биласан, на қилич, на найза ва на ўлимдан қўрқаман. Ҳақиқий эркакнинг ором оладиган жойи – жанг майдони. Унга жангда ўлиш

ярашишини биламан, ammo мана шу жангдан омон қайтсам, сенга эҳтиромим ва таъзимим сифатида улкан бир масжид биноси қурдираман!»

Шундай деб оёғим билан отнинг қорнига ниқтадим ва Кобулистон орқали Фуристонга – Ферузобод шаҳрига келдим. Уларга йигирма минг аскарнинг олти ойлик маошлари миқдорида тўлов бердим. Эбдала Гилзайи қўшини билан сафимизга қўшилгач, Искандарга келдик. Бу сафарда менинг барча ҳарбий саркардаларим, битта Қора Хондан ташқари, ҳамроҳлик қилмоқда эди. Қора Хон Самарқандга қайтгач, қизим Зубайдани унга никоҳлаб бердик. Урф-олатларимизга кўра уйланган йигитлар уч ой мобойнида ҳарбий хизматдан озод этиладилар. У мана шу уч ойни рафиқаси билан бирга ўтказиши керак. Қора Хон менга дедикки, уч ойдан кейин йўлга тушиб, бизга қўшилиб олар экан. Искандарга ўн фарсанг масофа қолганда унинг ҳукмдори бизга пешвоз чиқди. Ҳурмату эҳтиромини изҳор қилиб, минг тилло танга инъом этди. Мен Искандар ҳукмдорининг бойлиги унчалик катта эмаслигини эшитган эдим. Уни хафа қилмаслик учун тилла тангалардан биттасини олдим, қолганини ўзига қайтариб, оиласи, хизматкорлари ва бошқа юмушларига ишлатишини айтдим. Шу важдан ҳам уникида узоқ меҳмон бўлмадим. Қовурилган қўй гўштидан тановул қилдим. Искандар ҳукмдоридан сўрадим: «Ҳиндистонга бориш учун Хайбар довонидан бошқа йўл ҳам борми?»

У жавоб қилди: «Йўқ, улуғ амир. Кимки Панжобга боришни хоҳласа, албатта, Хайбар довонидан ўтиши керак бўлади. Бироқ у довондан кўрқ!» Мен ундан нима учун кўрқишим кераклигини сўрадим. У: «Ўша довоннинг лойли йўлларида йўловчиларни талаб, ўлдириб қароқчилар тўдаси юради», – деди. Мен ундан ўша довоннинг узунлиги қанчалигини сўрадим. У «ўн бир фарсанг», дея жавоб қилди ва йўлнинг ҳар икки ёқасидаги тоғлар устида қароқчилар танда қўйиб олганликларини сўзлади.

Искандардан чиқишимиз арафасида унинг ҳукмдори менинг ихтиёримга 12 нафар йўлбошловчиларни бериб, улар йўлни яхши билишларини айтди. Қўшинимни ҳар бири йигирма минг кишидан иборат олти қисмга бўлган эдим.

ҳар бир қисмга икки нафардан йўлбошловчилар бердим. Ва яна илдам йўлга тушдик. Гарчи қароқчилар яхши қуролланган қўшинга ҳужум қилишга журъат этмасликларини билсам-да, ҳар эҳтимолга қарши иккита кузатув гуруҳи ташкил этдим. Улар тоғ йўлининг икки чеккасини назорат қилиб, вазиятни доимий кузатиб боришга ва қароқчилар мабодо ҳужум қилган тақдирда, қўшиннинг тоғ йўлида ботиб қолишига йўл қўймасликка масъул эдилар.

Мен биринчи қисм билан энг олда борар эдим ва ортимдан ҳаракатланаётган қисмларнинг барчасидан аҳвол қандай экани ҳақида мунтазам хабар олиб турар эдим. Ҳозирча доvon бўйлаб ҳаракатланаётган ҳарбий қисмларимиз бир маромда, ҳеч қандай тўсиқ ёки ғовга учрамай илгариламоқда эдилар. Биз эрталаб доvon йўлига кирган эдик. Агар йўлимиз кўтарилиш ва тушишлардан, қия ва энма масофалардан иборат бўлмаганида эди, балки қуёш ботгунгача ундан чиқиб олишга улгурардик. Бироқ йўл текис эмас, лойчан. Айрим жойларида йўлимиздан чиққан тошларни айланиб ўтиш учун, бир оз ортиқча куч сарфлашимизга ҳам тўғри келарди.

Йўлбошловчилар тунни доvonда ўтказишни, эртаси куни сафарни давом эттириш таклифини айтишди. Мен уларнинг таклифини бир шарт билан қабул қилдим. Агар тунаш учун қулай жой топилса – тўхтаимиз. Улар минг заръ нарида яхши бир сайхонлик борлигини, унинг тўрт томони тоғлар билан ўралганлиги сабаб, тунни беҳавотир ўтказиш учун боп жой эканини айтишди. У жойни Патан водийси деб аташар экан.

Баҳор яқинлашаётганлиги боис тоғларда қор эриб, тоғ бошида жилға ва ирмоқлар шилдирай бошлаган эди. Патан водийсида сув сероб бўлса керак, деган тахминда эдим. Бунга ишонч ҳосил қилиш мақсадида тўхташ жойимизни яхшилаб ўрганиб келиш учун бир гуруҳ жангчиларимни йўлбошловчи ҳамроҳлигида ўша ёққа юбордим. Улар қайтиб келишгач, водий анчайин кенг, жойлашиш учун қулай ва у ерда сув етарли эканлигини айтишди.

Водийга кириб борганимизда қуёш чўққилар ортига яширинганди. Тоғ ёнбағирлари энига водийга келиб тақал-

ган бўлса-да, бироқ тоғлар баланд бўлгани боис бу томонга тўғридан-тўғри ўтиш имконини бермас эди. Биз турган водий хавфу хатардан холи бўлса ҳам, негадир тоғларга боқсам алланечук безовталана бошлаётгандим. Ваҳоланки, ҳеч қандай тоғ муқаддам мени ҳаяжонлантирмаган эди.

Ҳақиқатан ҳам тўрт томонимиз тоғлар билан ўралган, орасида сўқмоқ ҳам йўқ эди. Қорайиб турган бу тоғларнинг баланд, қиррадор чўққилари худди осмонга ўқталган найзага ўхшарди. Бўртиб чиққан қоялари бошимиз узра осилиб тургандек, мана-мана ҳозир узилиб тушадигандек тасаввур уйғотарди. Жилғалар ёнида унча катта бўлмаган чуқурлар қазинишга буйруқ бердим. Отлар қониб-қониб сув ичсинлар дедим. Шундан кейин намоз ўқиб, озгина таомландим. Қайтгунимча чодиримни тоғ ёнбағридаги баландроқ жойда ўрнатишларини буюриб, ўзим қароргоҳни айланиб келишга кетдим.

Чодиримга киришдан олдин яна тоғларга боқдим. Яна бадбин хаёллар чулғади мени. Бошимиз узра осилиб турган чўққилар худди ҳали-замон узилиб тушадигандек, остидаги барча нарсаларни босиб қоладигандек бўлиб туюлаверарди. Мен ўта ҳушёр ухлайман. Айниқса, хавфсизлик масаласини ўйлаган кезларим ёки жанг арафасида уйқудан тез-тез уйғониб кетаверадиган одатим бор. Бу фақат юрагимда тоғлар туфайли туғилган безовталиқдан эмас, ҳар қандай шароитда ҳам шу ҳолат содир бўлаверади. Қарсиллаган бир товушдан уйғониб кетдим. Ташқарига чиқиб, жанговар сурчалиб барчани уйғотишга буйруқ бердим. Ҳарбий саркардаларимга барча одамларни ва отларни тоғ ёнбағрига тўплаш вазифасини топширдим.

Шунда кейин иккинчи гумбурлаш содир бўлди. Осмонда чақин чақнади. Момақалдиуроқнинг товуши бутун водийга тарқади. Шу асно бўртиб турган чўққиларга боқдим: «Узилиб тушмасин-да, ишқилиб!»

Яшин ва момақалдиуроқ кетма-кет яна бир неча бор такрорланди. Мен атрофимдаги одамларни шошилтира бошладим. Водийда ҳеч ким қолмаслиги лозимлигини, уларни тезроқ тоғ ёнбағридаги сайхонликдан юқорига олиб чиқиш кераклигини уқтира бошладим. Яшиннинг чақнаши ва мо-

мақалди роқнинг гумбурлашидан кучли тошқин бўлишини кўнглим сезган эди — шундай бўлди ҳам.

Сув тошқини шу қадар кучли эдики, худди Нуҳ тўфони дейсиз. Ҳарбий саркардаларим челақлаб ёғаётган шаррос ёмғир остида ҳали ҳам қўшинни хавфсиз жойга кўчириш билан банд эди.

Осмонда гумбурлаш бошланган дамдаёқ мен икки нарса-ни ўйлаган эдим: тоғлардан тошиб келадиган тошқин бизни тўлиқ босиб қолишидан безовталандим. Бироқ тоғлар у қадар баланд эмаслиги боис, тошқин одамларимизни ва отларимизни босиб қолмаслиги аён бўлса-да кучли сел келиб, Патан водийси улкан денгизга айланиши мумкинлигини тахмин қилгандим. Шунинг учун ҳам барчани тоғ ёнбағрига тўплашни буюргандим.

Ҳаммаси ўйлаганимдек бўлиб чиқди. Осмоннинг бўкиришидан ларзага келган тоғлардан шиддат билан кўчкилар оқиб кела бошлади. Кўз очиб, юмгунча Патан водийси ўрнида улкан денгиз ҳосил бўлди. Шунда мен яна Нуҳ тўфонини ёдга олдим. Ўзимни ва жангчиларимни унинг фарзандларига ўхшатдим. Улар отасининг гапига кирмай, кемага чиқишдан бош тортган. Дунёни сув босганида улар тоғларга, кейин чўққилар сари қочиб чиқадилар, аммо сув шу қадар кўп эдики, тоғлар ҳам сув остига қолиб кетган ўшанда.

Сел келишда давом этарди. Омадимиз чопганидан биз барча қўшинни тоғ этагидаги баланд жойларга чиқариб олишга улгурган эдик. Агар тошқинлар шу зайлда давом этаверса, Патан денгизи тез орада катта уммонга айланиб, биз унда фарқ бўлиб кетишимиз мумкин эди. Бироқ ҳадемай ҳаммаёқ тинчиб, сел келиши тўхтади. Водий узра юлдузлар чарақлай бошлади. Патан водийсида ҳосил бўлган денгизда эса ой нурлари жилваланди.

Қаёққа қарамай сув эди. Қоп-қора. Кейин билсам, унинг қоралиги тоғдан сув оқизиб тушган қумнинг қоралигидан экан. Жангчилар ва уларнинг отлари бутун тоғ ёнбағирлари бўйлаб ёйилганди. Баландда эканлари боис гўнғир-гўнғир товушлари қулоққа чалиниб турарди. Мен зудлик билан жангчиларни санашга, қанча одам йўқотганимизни аниқлашга буйруқ бердим. Маълум бўлдики, битта ҳам одамимиз қур-

бон бўлмабди. Фақат айрим нарсалармизни олиб чиқишга улгурмабмиз. Бу нарсалар сафаримиз учун муҳим эди. Шуларнинг қаторида менинг сафар масжидим ҳам сув остида қолиб кетибди. Уни олиб чиқиб бўлармикин – билмасдим.

Нима қилиш керак? Ортга қайтиш керакми ёки Панжобга қараб юрсакми? Ўша кеча тонг отишини кутишдан бошқа чорамиз қолмаган эди. Кун оқаргач нима қилиш ҳақида бир қарорга келишимиз мумкин. Тонг отгач жангчиларимиз ҳосил бўлган сунъий денгизнинг чуқурлигини текширдилар – унчалик чуқур эмас экан. Демак, ундан кечиб ўтишимиз мумкин. Ҳатто айрим жойларда йиғиштирилмай қолиб кетган чодирларимизнинг тепа қисми сувда бўртиб турарди.

Қўшин хазинаси бус-бутун эди. У ҳамиша менинг ёнимда юрарди. Мана шу нарса бизни яна олдга томон йўл бошлашимизга асос бўлиши мумкин, зеро йўқотилган нарсаларнинг ўрнини фақат шу билан тўлдириш мумкин эди.

Қўшинни Хайбар довонига қараб бошлашга буйруқ бердим. Водийда бир қисм жангчиларни қолдирдим. Улар сув остида қолган нарсаларимиздан ҳали олса бўладиганларини олишлари керак эди. Масаланинг икки томони бор эди. Бириси, сел сувлари водийда кўп сақланиб турмайди. Икки, уч кунда у қаёққадир сингиб, маълум қисми буғланиб кетади. Аммо яна бир томони, тўрт тарафи тоғ бўлгани боис ва улардан тушаётган соялар сувни узоқ вақт сақланиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Бироқ мен одамларимнинг водийда узоқ вақт қолиб кетишларига йўл қўя олмас эдим. Фақат қўлга илашганча нарсаларни олсалар бас, асосийси қурол, эгар-жабдуқ – жангчиларим ҳақиқий баҳодирлар аъналарига амал қилиб, тошқин пайти бу нарсаларни тўлатқис ўзлари билан олиб чиққан эдилар.

Қўшин водийни тарк этди. Бир қанча суворийларимиз ортда сув кечиб боришарди. Айримлари тоғ ёнбағри бўйлаб сувни айланиб ўтмоқда эдилар. Барчамиз водийнинг бошига қараб интилмоқда эдик. Мен бу қўрқинчли жойни тарк этар эканман, ўзим учун яна бир сабоқ олдим. Ёмғирлар мавсумида ҳеч қачон тоғ ёнбағридаги сайхонликларга тўхтамаслик кераклигини билдим.

Ўша куни Хайбар довонидан чиқишда мўъжазгина қишлоққа дуч келдик. Аҳолиси патанлар экан. Эркаклари бўйдор, елкалари кенг, соч-соқоллари ялтироқ, кўзлари мовий эди. Хотинлари ҳам худди шундай: бўйчан, қадди-қомати келишган эди. Биздан юзларини яширмадилар, чўчимадилар ҳам. Патан эркаклари қилич тақиб юришар экан. Менга айтишдики, бу қабила аёллари эрлари билан баб-баробар жангга кира олишар эканлар.

Патанлар бошқа қабила одамларига ўхшамасдилар. Бу ерда яшовчи маҳаллий аҳолидан фарқланиб турадиган жиҳатлари кўп эди уларнинг. Шундан айтиш мумкинки, улар бу ернинг туб аҳолиси эмас, бошқа бир жойдан келиб қолган қавм. Мен саркардаларимдан бирини ана шу масалага ойдинлик киритиш мақсадида, уларнинг ёнига жўнатдим.

Улар осмонни кўрсатиб, аввал ўша ёқда яшаганликларини, сўнг ерга тушганликларини айтишибди. Шундан сўнг биз бу қишлоқни ортда қолдириб, Ҳиндистон заминига оёқ босдик. Гарчи маҳаллий аҳоли томонидан қаршилик ҳаракатлари кузатилмаса-да, мен қўшинни ҳарбий ҳолатга келтирдим. Олдда иккита кузатув гуруҳи, ортимиздан битта муҳофаза этувчи қисм ҳаракатланмоқда эди. Бир неча кун ўтиб билдимки, бу ерларнинг аҳолиси менга қаршилик кўрсатишни хаёлига ҳам келтирмаётган экан – уларнинг бариси мусулмонлар эди.

Қизиғи шундаки, уларнинг одамлари ҳинд тилида намоз ўқишар экан. Биз бунақасини ҳеч қачон ҳеч қаерда кўрмаган эдик. Шунинг учун ҳам мендан фатво беришимни сўрашди: «Арабчадан айри бошқа тилда намоз ўқиш мумкинми?» Мендан жавоб кутиб турган саркардаларимга дедим: «Ислом дини арконларида намозни фақат араб тилида ўқиш таъкидланган. Бундан кўзланган мақсад ёки ижобий натижа шуки, мусулмонлар қаерда бўлмасин, қайси қавм ёки қабилага мансуб бўлмасин, яхлит бир Аллоҳнинг бандаси эканликларини англайдилар. Айрим ҳолларда баъзи халқлар арабий сўзларни талаффуз қилишдан қийналадилар. Сўзни нотўғри талаффуз этиб, маъносини бузиб қўйишлари мумкин. Шу боис уни ўз тилларида ҳам ўқийдилар. Ле-

кин мусулмон киши Аллоҳнинг каломини у нозил бўлган тилда ўқишга қунт қилиши керак».

Улар мендан бу одамлар қачон ислом динига кирган деб савол бердилар. Мен уларни Маҳмуд Фазнавий исломга киритганлигини айтдим, бироқ орадан уч йил ўтиб Шом юртида яшайдиган, таниқли олим Ибн Арабшоҳ (унинг отаси билан ҳам мулоқотда бўлганман) менинг бу масалада адашаётганимни исботлаб берди (Мен ўшанда уни Шомдан Самарқандга олиб келиб, унинг билан қилган суҳбатларимдан кўп маълумотлар олганман).

Ибн Арабшоҳ менга Ҳиндистон халқлари Маҳмуд Фазнавий томонидан эмас, балки унгача Садрил-ислом (Муҳаммад с.а.в.)нинг саҳобалари давридаёқ бу динни қабул қилганликларини асослаб берди. Маҳмуд Фазнавий эса ҳинду ва будда ибодатхоналарини яксон қилиб ҳам, Ҳиндистоннинг мусулмонлар яшайдиган ҳудудларини бир қарич бўлсин кенгайтира олмаган экан. Исломни ёйиш учун қилган ҳаракатлари зое кетган*.

Ибн Арабшоҳ менга сўзлаб берди. Ҳиндистонга биринчи бўлиб ислом динини пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг яқин қариндошларидан Муовия олиб кирган экан. Аммо унинг ўғли Язид, отасига қарама-қарши ўлароқ, у ўлкада исломни ёйиш борасида ҳеч нш қилмаган.

Ундан кейин исломни ёйилишида Уммавийлар сулоласи вакиллари ҳам камарбаста бўлганлар. Бироқ Ҳиндистонни буткул исломлаштиришга муваффақ бўлмаганлар. Сабаби: бу мамлакат шунчалар каттаки, унда биргина маданиятни таркиб топтириш амримаҳол.

Ибн Арабшоҳ ҳозир мен ҳақимда китоб ёзаётганини ва уни ёзиб тугатгач менга кўрсатишини ваъда қилган эди.*

* Амир Темурнинг юришидан сўнг Ҳиндистонда ислом дини янада қулоқ ёзган. Бунда унинг авлодидан чиққан ва Ҳиндистонни узоқ йиллар бошқарган шохларнинг таъсири катта бўлган. Буюк мўғуллар сулоласи деб ном олган династияга Заҳириддин Муҳаммад Бобур асос солган.

* Бу китобни Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг тириклик чоғида ёзиб тугата олмаган. Соҳибқирон оламдан ўтгач тугатилган. «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» деб номланган.

Мен Ҳиндистоннинг мусулмонлар яшайдиган ҳудудларидан ўтиб бораётганимизни ҳисобга олиб, яшил байроқ кўтариб юришларини, қаерда тўхтасалар баланд овозда Азон айтиб, намоз ўқишларини буюрдим. Токи ерлик аҳоли ислом кўшини ўтаётганини билсин.

Биз қўллаган бу тадбир иш берди. Ҳеч қандай тўқнашув ва қаршиликсиз узоқ йўл босдик. Кветтигача бориб етдик. Кветти ҳукмдори Абдулла Вали ул Мулк оппоқ соч-соқолли кекса киши эди. У мени иззат ва эҳтиром билан қаршилаб, меҳмондорчиликдан сўнг, дўстона муносабат билдириб сўради: «Эй, улуғ Амир! Агар сир бўлмаса қаёққа отланганини ва мақсаднинг нима эканини билсам бўладими?» Мен жавоб бердим: «Ҳиндистонда ўз ҳокимиятимни ўрнатмоқчиман ва уни қўл остимдаги менга бўйсунадиган мамлакатлар сафига қўшмоқчиман». Вали ул Мулк деди: «Эй, Амир, илтижо қиламан, Ҳиндистонни забт этиш фикридан қайт!» Мен ундан нега бундай деганининг сабабини сўрадим. У айтди: «Ҳиндистонда икки мингдан ортиқ ҳукмдорлар ҳокимият юритади – уларни Рожа деб аташади. Агар Аллоҳ умр бериб, юз йил уруш олиб борсанг ҳам уларнинг ҳаммасини бўйсеундиришга муваффақ бўлолмайсан». Мен дедим: «Унда Маҳмуд Фазнавий бунга қандай эришди?» У жавоб қилди: «Маҳмуд Фазнавий Ҳиндистоннинг бир бурчагини эгаллаган, холос. Бошқа ҳукмдорлар ҳам бу юртни бус-бутун қўлга кирита олмаганлар. Эй, Амир, сен ҳатто тасаввур қила олмайсан, унинг қанчалар катта эканини. Бу ерда минглаб қабилалардан таркиб топган кўплаб халқлар яшайди. Унинг бир чеккаси совуқ ўлкаларга, иккинчи чеккаси эса жазирама мамлакатларга бориб тақалади: Ҳиндистоннинг бир чеккасида одамлар совуқдан жунжиккан пайт, иккинчи чеккасида одамлар иссиқдан либоссиз юришади. Унинг бир чеккасида одамлар қўй, сигирларнинг гўштини емайдилар – таъқиқланган дейишади. Бошқа бир чеккасида одамнинг гўштини ҳам ейдиганлари бор. Бу ерда ўлган эркакка қўшиб унинг хотинини тириклайин оловда куйдиришади». Мен унга жавобан дедим: «Омиларни санаб фикримдан қайтармоқчи бўлаяпсан, биламан. Бироқ, Ҳиндистонда агар икки минг эмас тўрт мингта рожа бўлса ҳам, барчаси билан жанг қилиб

– ҳаммасини бирма-бир ўзимга бўйсундираман. Мени бу йўлдан ҳеч нарса қайтара олмайди, чунки мен ўлимдан қўрқмайман! Ўзим мансуб бўлган дин тартиб-қоидаларидан кейин мен уруш қонуниятларига бўйсунаман. Менинг танамда жанглардан орттирган жароҳатларим шу қадар кўпки, санаб санаётига етиб бўлмайди. Бироқ шундай бўлсада, ажалнинг юзига тик қарай оламан».

Вали ул Мулк илтижо қилди: «Эй, улуғ Амир! Сенинг қўрқмас ва ботирлигингни ҳеч нимага қийслаб бўлмайди. Ҳатто Салм ва Тур ҳам сенга бас келолмайди – шубҳам йўқ. Сен шу қадар қудратлисанки, ҳар қандай вазиятда ўз йўлингни топа оласан. Бироқ сенинг йўлингни Ҳиндистонда Салм ва Тур қўшинига ўхшаган куч эмас бошқа нарса тўсади!» Мен ундан у қандай куч эканини сўрадим. У мени саросимага солмоқчи бўлиб, салмоқдор қилиб деди: «Бу – ўлат!» Мен кулиб юбордим ва: «Шу пайтгача йўлимни ҳеч нарса тўса олмаган, ҳаттоки – ўлат», дедим, сўнг унга форсада ўлатга чалиниб, тузалганимни сўзлаб бердим.

Вали ул Мулк деди: «Эй, улуғ Амир! Барча жаҳонгирлар ана шу касаллик туфайли Ҳиндистонни ташлаб чиқиб кетганлар – охир-оқибат «ўлат»дан қочиб қутулишдан ўзга чора топмаганлар. Бу касаллик ерлик одамларга унча таъсир қилмайди, аммо келгиндиларни оёқдан қулатади.

Мен унга киноя қилдим: «Мана икки ҳафтадирки Ҳиндистондаман, лекин ҳали мени оёқдан қулатгани йўқ!» Вали ул Мулк деди: «Бу ерларда иқлим яхши – ўлат хавфи йўқ, қолаверса, бу ҳали ҳақиқий Ҳиндистон дегани эмас. Сен яхшиси менга қаерга бораётганингни айт, мен сенга қаерга қандай борганинг маъқуллигини айтаман. Иншооллоҳ, ҳақиқий Ҳиндистонга энг қулай йўлни кўрсатаман».

Мен айтдим: «Аввал Деҳлига бормоқчиман. Уни забт этиб, кейин бутун Ҳиндистон бўйлаб зафарли юриш бошламоқчиман!»

Вали ул Мулк деди: «Бу ердан Мўлтонгача бўлган масофада ястанган ҳудуднинг иқлими яхши. Мўлтондан ўтганингдан сўнг сен ҳақиқий Ҳиндистонни кўрасан!»

Мен ундан: «Ҳақиқий Ҳиндистон деганда яна ўлатни назарда тутаяпсанми?» – деб сўрадим. У саволимни тасдиқ-

лаб, «Сен ўлатдан қурқмасанг ҳам, жангчиларинг битта қолмай қирилиб кетади – қўшинсиз қоласан!» – деди.

Мен унга ўлатга чалинмагунча у хавфли эмаслигини, агар шундай ҳол содир бўлса, шундагина нима қилиш ҳақида ўйлашимни айтдим.

Шундан кейин Вали ул Мулк менга Мўлтонгача йўлим хавф-хатарсиз кечишини, аммо ҳиндулар ерига қадам қўйишим билан қаршиликка учрашимни, мўлтонлар ўқ-ёй ишлатишга қодир эканликларини, жанговар филлари борлиги ҳақида маълумот берди. У мендан нима учун Деҳлига яқин йўл қолиб, бу йўлдан юрганимни сўради. Яқин йўлдан юрсам, жуда кўп майда-чуйда тўқнашувларга учраб, Деҳлига сафарим чўзилиб кетиши мумкинлигини айтдим. Ва ундан Деҳлида бўлган бўлса, бир оз маълумот беришини сўрадим. У деди: «Деҳлининг атрофи улкан тошлардан қурилган мустаҳкам девор билан ўралган. Атрофида чуқур хандақлар қазилган. Аҳолисининг кўплигидан қанча хоҳласа, шунча қўшин тўплай олади. Бойлиги катта, шунинг учун ҳар қандай катта қўшинни таъминлашга қурби етади. Беш юз минг кишилик қўшин билан йиллаб жанг қилиши, ҳар қандай қудратли душман қўшинини ҳолдан тойдириши мумкин».

Ҳижрий 800 йил эди.* Мен Ҳиндистонга кирдим. Бу воқеа саккизинчи асрнинг тугаши ва тўққизинчи юз йилликнинг бошланишига тўғри келди. Мен англадимки, тўққизинчи юз йилликнинг бошланиши, тўғрироғи, 801 йил мен Ҳиндистонда уруш ҳаракатларини олиб бораман. Ундан, Султон Маҳмуд Халложни кўрганмисан, деб сўрадим. Вали ул Мулк бир муддат менга қараб турди-да, сўнг: «Эй, Амир! Султон Маҳмуд Халлож ортиқ Деҳли ҳукмдори эмас!» – деди. Бу маълумот мен учун кутилмаган янгилик бўлди. Чунки, мен айнан шу одам Деҳлини бошқармоқда, деб ўйлагандим. Бу ҳақда Эбдалла Гилзайи билан бир неча бор суҳбатлашгандим. Мазкур Халложлар сулоласининг асосчиси ўша Ғур мамлакатидан эди.

Вали ул Мулк масалага аниқлик киритиб қуйидагиларни айтди: «Эй, улуғ Амир! Маҳмуд шу йилнинг бошига қадар

* Милодий 1397/98 йиллари.

Деҳли ҳукмдори эди. Бироқ унга Малу Эқбол ҳужум қилиб Деҳлини босиб, Маҳмуд Халложни эса асир олди. Энг сўнгги маълумотларга қараганда, Маҳмуд Халлож ҳозир ҳам тутқинликда эмиш». Шу гапларни гапириб у бир муддат тўхтади, сўнг нафасини ростлаб олгач сўзида давом этди: «Малу Эқбол Маҳмуд Халложнинг лашкарбошиларида бири эди. Исён кўтариб, ўз ҳукмдорига қўққисдан ҳужум қилиб, уни енгди. Мана бир йилдирки Деҳлини у бошқараяпти».

Мен шундан сўнг Маҳмуд Халложнинг ёшини сўрадим. У 46 ёшда эканини айтди. Малунинг ёшини билмас экан. «Кўрмаганман ўзини, – деди Вали ул Мулк. – Бироқ айтишларига қараганда, у анча навқирон, 34-35 ёшларда бўлса керак».

Вақт зиқ эди. Шунинг учун йўлга тушдим. Қўшиним билан Мўлтон сари отландим. Унга етгач Вали ул Мулк «ҳақиқий Ҳиндистон» деганда нимани назарда тутганини англадим. Мўлтонда биз ҳеч қандай қарама-қаршиликка учрамай, Форс заминидаги Буюрлар шаҳрига ўхшаган шаҳарга кириб бордик.

Шаҳарнинг уйлари бир-биридан алоҳида-алоҳида, узоқ-узоқ жойлашган эди. Мўлтон ва Буюрлар шаҳрининг фарқи шундаки, буюрларнинг уйлари тепаликлар ёнбағирларида қурилган бўлиб, худди осиб қўйилгандек кўринса, Мўлтонда улар катта дарахтзорлар ўртасида жойлашганди. Ҳамма ёқ ўт билан қопланган: қизил, сариқ ва оқ тусли майсаларни кўрдим. Мўлтон аёлларининг либослари ҳам ранг-баранг, юзлари очиқ, улар болаларини орқаларига осиб юришарди.

Мўлтоннинг ҳукмдори ҳиндистонлик Пан-Шан Жанг эди. У мени уйига таклиф қилди. Унинг уйи бошқаларникидан чиройли эмасди, аммо катта экан. Мен уй атрофига қўриқчилар қўйдирдим. Чунки Мўлтон ҳукмдорининг менга қуллуқ қилиб турганига қарамай, унга ишона олмас эдим.

Хуфтон намозидан кейин Пан-Шан Жанг мени кечки овқатга таклиф қилди. Тилмоч орқали унинг гапларини тушундим: «Эй, Амир! Овқатлардан чўчимай тановул қил. Агар ишонмасанг ва сенга зиён етказишимга шубҳанг бўлса, ҳар бир идишдан аввал ўзим татиб кўрсатаман! Токи таом

заҳарланмаганлигига ишонч ҳосил қилгин!» – деди. Мен уларнинг таомларини барибир ея олмадим. Чунки, биринчи луқмадаёқ қалампир ва мурчнинг ўткир таъмидан томгим куйгудек бўлди. Мен унинг овқатларини рад этдим. У афсус билан уйда аччиқ солинмаган таоми йўқлигидан хижолатланди. Мен унга товуқ шўрва тайёрлашини айтдим.

Пан-Шан Жанг менга уйидаги хоналарнинг бирида жой ҳозирлаган экан. Улкан ётоқ, жун матолар билан безатилган тўшакка чўзилдим. Дарвоқе, ётишдан олдин жун қопламаларини олиб, оддийси билан алмаштиришларини тайинладим. Жангчиларим ётоқхонамда ва томда ҳам қоровуллик қилишар, вақти-вақти билан алмашиб туришарди. Ярим кечаси дарахтларнинг шоҳлари шитирлашига ўхшаган товушдан уйғониб кетдим. Кучли шамол эсдимикин, деб ўйладим. Осмонга қарасам – булут йўқ. Юлдузлар чарақлаб турибди. Дарахтлар сокин, бироқ шох-шаббаларнинг шитирлашига ўхшаган товуш сира тинмасди. Турсам, қоровул боғ томонга боққанча қотиб турибди. Кўзлари тўла қурқув. Мен одатимча жанговар кийимда ётгандим, бош томонимдан қилични олиб, даҳлизга чиқдим. Ва қоровулда турган жангчиларнинг биридан, нима гап деб сўрадим. У боғ томонга ишора қилиб дудуқланди: «илон!.. илон!..»

Ўша томонга боқиб, ойнинг ёруғида ўрмалаётган юзлаб илонларга кўзим тушди. Улар худди дарахт шоҳларининг шитирлашига ўхшаш товуш беришарди. Эрон чўлларида мен кўп илонларни кўрганман, аммо бунчалик кўп илоннинг бир жойда тўпланганлигини кўрмаган эдим. Мен боғ томонга қарадим, бу товушдан Пан-Шан Жанг ҳам уйғониб кетган бўлса керак, ҳойнаҳой. Бироқ уй эгаларидан ҳеч ким уйғонмади, уйғонган бўлса ҳам ҳеч ким қорасини кўрсатмади.

Боғдан алланечук ҳид тарқамоқда эди. Бу қалампир ёки мурчнинг эмас, балки мен ейишдан бош тортган таомнинг ҳиди эди. Афтидан худди ана шу ҳид илонларни чақирганди. Илонлар боғда изғишда давом этди. Тонгга яқин эсан шамол ҳидни олиб кетгач, илонлар тарқай бошлади, кейин бутунлай қорасини ўчирди.

Мен ортиқ ухлай олмадим. Эрталабки ибодатдан сўнг Пан-Шан Жангни ҳузуримга олиб келишларини буюрдим.

Ундан кечаси илонларнинг товушидан уйғондим, йўқми – шуни сўрадим. У жавоб қилди: «Эй, улуғ амир! Илонлар ҳар кеч шу тахлит боғда изғишади, аммо уйга кирмайди. Агар ҳеч ким боққа чиқмаса, бас, илонлар ҳеч кимни пайқамайди!» Ундан нега кеча бу ҳақда огоҳлантирмаганини сўрадим: «Эҳтимол, сен мени илонлар чақишини хоҳлагандирсан?» – дедим. У: «Эй, амир! Сени илонга чақтириш фикри хаёлимга ҳам келгани йўқ. Огоҳлантиришни эса унутибман. Бу жойларда бу – одатий ҳол! Ҳар бир хонадонда учратиш мумкин – илонлар ҳар кеч шундай боққа чиқишади», – деди. Мен ундан яна бир карра сўрадим: «Демоқчисанки, ҳар бир одамнинг ҳовлисида, демоқчиманки, боғида илонларнинг бундай юриши одатий ҳол – шундайми?»

У саволимни тасдиқлади: «Эй, Амир, шунинг учун ҳам бизнинг одамлар тунда ташқарига чиқмайдилар. Илонлар майда қурбақаларни териб еб ёки катта илонлар кичикларини ютиб – ов қилишади, бироқ уйга киришмайди». Шундан сўнг у бошқа ҳиндулар каби эрталабки покланиш амалларини адо этишга рухсат сўради. У чиқиб кетгач, саркардаларимга йўлга чиқишга тайёр туришларини буюрдим. Шу орада Пан-Шан Жанг қайтиб келди. Ундан Малу Эқбол ҳақида сўрадим. У менга Малу Эқболнинг бор-йўғи бир йилдан бери Деҳлига ҳукмронлик қилаётгани, ўз ҳокимлигини қўлдан бермаслик учун барча чораларни кўриши, қўшиннинг сонини билмаслигини, аммо унинг 200 та жанговар филлари борлигини билишини сўзлаб берди. Шундан сўнг у менга йўлимиздан учта қўрғон чиқишини маълум қилди. Улар Мират (Буризан Кират), Луни ва Жумба (Букузан Жумба) қалъалари бўлиб, унинг айтишича, барчаси ҳарбий истеҳком эмиш.

Мен ундан сўрадим: «Мана шу қўрғонлар жойлашган ҳудудлар Деҳлига алоқадорми?» У жавоб қилди: «Ҳа, эй Амир! Мабодо сен мана шу истеҳкомларни қўлга киритсанг, бевосита Деҳлига чиқасан, аммо Деҳли қалъасини олиш осон кечмайди!» Мен ундан: «Мана шу қалъаларни олмай, бунга куч сарфламай, қандайдир бошқа йўл билан Деҳлига борсам бўлмайдимми?» – деб сўрадим. У эътироз билдирди. Қайси йўлдан юришдан қатъи назар, мен ана шу уч қалъа жой-

лашган ҳудуддан ўтишга мажбур эканман. «Агар шимолдан борсанг, ботқоқликдан иборат дарахтзорга дуч келасан. Бир-бирига чирмашиб ўсиб кетган дарахтлар оралаб ўтаолмайсан. Агар ҳамма дарахтларни кесиб ташлаган тақдирингда ҳам, кейин ботқоқнинг қуришини кутишинг керак. Агар жанубдан борсанг, бундан-да баттарига йўлиқасан. Уни кесиб ҳам, қуритиб ҳам адоғига ета олмайсан. Сенинг йўлинг фақат шу: Мират, Луни ва Жумба орқали – бошқа йўл йўқ. Уларни қўлга киритсанг, Деҳли томон ўзингга йўл очасан.

Уни айланиб ўтиб нимага эришасан? Қайтиш йўлингни душман қўлига қолдирмайсан-ку! Сен каби лашкарбошига буни ўргатиш ножоизлигини биламан, сўраганинг учун айтаяпман, холос», – деди у. Мен уни яна саволга тутдим: «Агар Деҳли йўлида шундай тўсиқлар бўлса, Маҳмуд Ғазнавий қандай қилиб у ёққа ўтган?» – саволим уни бир оз ўйлантириб қўйди. Сўнг ўз тахминларини шундай баён қилди: «Менинг назаримда, Маҳмуд Ғазнавий ўша пайт Деҳлигача бормаган. У Панжобни эгаллагандан сўнг, у ёки қурби етмаганидан, ёки хоҳламаганидан ортига қайтиб кетган».

Мен унга луқма ташладим: «Маҳмуд Ғазнавий Деҳлига борган, бу аниқ – ўзим китобдан ўқиганман!» Бунга жавобан у деди: «Эй, Амир! Китобларда ёзилган ҳамма гаплар ҳам ҳақиқат эмас. Мана «Маҳабҳорат», 200 000 байт.* Шундан 120 000 байти ҳақиқатга яқин бўлса ҳам, қолгани хаёлот маҳсули». Мен бундай асарни ўқимагандим, ҳатто эшитмагандим ҳам – шунда сўрадим: «Нима у Маҳабҳорат?» У Маҳабҳорат – Ҳиндистон тарихини ўз ичига олган йирик асар эканини, унда бу юртнинг пайдо бўлган давридан то асар яратилгангача (яъни ҳозирги вақтдан минг йил муқад-

* «Маҳабҳорат» – ҳинд ҳалқининг тарихий эпоси. Айрим аллоاملарнинг айтишича, у бундан 10.000 йил аввал яратилган экан. Бу эпос огиздан-огизга, авлоддан-авлодга ўтиб келган. У пайтлари ёзув ҳам бўлмаган. Айтишларича, айнан «Маҳабҳорат» «Иллиада» (Гомер) ва «Шоҳнома» сингари асарларнинг юзага келишига туртки бўлган экан. Аммо ҳамма ерда бу китоблар маълум бўлмаган. «Маҳабҳорат» санскрит тилида ёзилган.

дам) бўлган тарихи битилганини сўзлаб берди. У икки юз минг байтдан иборат шеърый асар бўлиб, Ҳиндистон ҳукмдорларининг ва лашкарбошиларининг жангу жадаллари ҳақида ҳикоя қилар экан.

Мен: «Бу китоб худди Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си каби асар экан-да?» – деб сўраган эдим, у Фирдавсийни эшитмаган экан, шекилли, саволимга бирор-бир жавоб қайтармади. Фақат «Ҳар нима бўлганда ҳам бу китобнинг бир юзи йигирма минг байтигина ҳақиқат – қолгани чўпчак» – деб, юқоридаги фикрини такрорлаш билан кифояланиб қўя қолди.

Мен унга дедим: «Эй, Пан-Шан Жанг! Афсона ва уйдирма воқеа-ҳодисалар ёзиш имкони бўлмагани туфайли пайдо бўлган. Одамлар уни оғиздан-оғизга кўчириб айтиб юришган. Ҳақиқат билан одамларнинг хаёлий тасаввурлари аралашиб кетган. Айрим унутилган жойларини тўқиб, тўлдириб кетаверилган. Бироқ Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонга ўқимишли, воқеаларни санама-сана ёзиб борадиган солномачилари билан келган. Сарой шоирлари шу манбаларга асосланиб шеърлар битишган – буни афсона ёки тўқима деб бўлмайди». Пан-Шан Жанг мендан, «Маҳмуд Ғазнавий қачон Ҳиндистонга юриш қилган – санасини биласанми?» – деб сўради. Мен Маҳмуд Ғазнавийнинг Ҳиндистонга сафари ўша биз суҳбатлашиб турган вақтдан 450 йил аввал бўлганини айтдим. Шунда у: «Маҳмуд Ғазнавий Деҳлига борган бўлса – боргандир, аммо бу қўрғон-истеҳкомларни забт этмаган, чунки у вақтлари бу қўрғонлар бўлмаган. Буларни 250 йил аввал қура бошлашган», – деди.

Хайрлашув олдидан унинг Малу Эқбол билан муносабатини билгим келди. Танимаслигини, ҳеч қандай алоқаси йўқлигини айтди. Шундан сўнг ундан йўлбошловчилар беришини сўрадим. У бизга тўрт нафар йўлбошловчи берди. Биз Мўлтондан чиқиб, Деҳли сафарига йўл олдик.

Ўша куни биз узоқроқ масофани босиб ўта олмадик. Чунки йўлга тушдан кейин чиққан эдик. Кун ботар чоғи дарё бўйида тўхтадик. Ҳарбий ҳолат, жанговар сафда келаётган қўшин ярим фарсангга чўзилиб кетган эди. Қўшиннинг олдида иккита кузатувчи қисм бўлгани боис, ҳар қандай таш-

вишли хабар келишидан қатъи назар мен қўшинни тез тўллаб, жанговар сафга қўя олардим. Эртаси куни бомдод намозини ўқиб бўлиб эдим ҳамки, қулоғимга аллақандай товушлар чалинди.

Ноғора-сурнай нағмаларига мос кимларнингдир куйлаётган овозларини эшитдим. Чодиримдан чиқиб йўл бўйида жойлашган қишлоқ аҳолиси тобут кўтариб бораётганини кўрдим. Майитнинг устига оч сариқ мато ёпилган, юзлари очиқ эди. Билдимки, бу кўмиш маросими. Жамоанинг ортидан аёл киши йиғлаб келарди. Вақти-вақти билан бошқаларга қўшилиб алланарсаларни куйларди. Ёш жувоннинг либоси қизил рангда эди. Ўша пайтда улар нима ҳақида куйлаётганларини билганим йўқ, аммо кейинчалик ҳинду браҳманлари билан қилган суҳбатларим асносида билдимки, бу қўшиқ «Риг» номли илоҳий китобдан олинган тонг чоғи айтиладиган тонг ибодати экан. Майитни олиб келаётган одамлар шу қўшиқни айта-айта дарё ёқасига келишди. У ерда олдиндан ўтин саржинлаб қўйилган экан. Жасадни эҳроммонанд қаланган ўтиннинг устига қўйиб, сўнг ёш жувоннинг қўли ва оёқларини маҳкам боғлашди. Тўғрироғи занжирлашди. Қўшиқ тинди. Ноғоралар тинчланди. Фақат сурнайчи бошқа бир хазин мусиқани чалиб турди. Эркаклар ва аёллар нола чекишарди. Шунда англадимки, йиғлаётганлар ўликка эмас, ёш жувон учун йиғламоқда эдилар. Зотан ҳадемай уни ўлган эри билан бирга тириклайин ёқиб юборишади.

Қўл ва оёқлари боғланган жувонни ҳам майитнинг ёнига ётқизишди. Сўнг ўтинни ёқиб юборишди. Жувоннинг чинқириғи бутун теварак-атрофга тарқади. Бир оздан сўнг ҳамма ёқни куюк ҳиди тутиб кетди. Кетиш фурсатимиз еганлиги боис, биз у ерда ушланиб қололмадик. Отимга сакраб миниб, барчага «кетдик» деган маънода ишора қилдим. Ўша куни кўз ўнгимда содир бўлган – ҳиндларнинг қадимий таомили менинг кўнглимни оздириб юборди. Эри ўлган аёлни унга қўшиб ёқиш – бу ғирт жоҳиллик! Мен шундан сўнг Ҳиндистонда қанча бўлган бўлсам, шу маросимни такрор кўрмаслик ҳаракатида бўлдим.

Мўлтондан чиққанимизнинг бешинчи куни биз улкан ўрмонга бориб етдик. Йўлбошловчиларимиз бор егуликла-

римизни яшириш кераклигини маслаҳат беришди. Акс ҳолда маймунлар ўлжасига айланиши мумкин экан.

Тунни ана шу ўрмонда ўтказдим. Эрталаб эса аллақандай товушдан уйғондим. Чодирдан ташқарига чиқдим, шунақа шовқин-сурон кўтарилдики, у худди бир тўда хотинхалажнинг бири-бирига гап бермай гужурлашига ўхшарди. Ҳаво ёришгач, овоз эгалари дарахтлар устидаги маймунлар эканини кўрдим. Шохдан-шоҳга сакраб ўйнашарди. Уларнинг сони яна ортди – юз минггача бор эди. Йўлбошловчиларнинг гапига қараганда, биз ҳозир тўхтаб турган ўрмон энсиз, аммо узунлиги қанча экани ҳақида маълумотлари йўқ экан. У шимолдан жанубга ястанган бўлиб, ичи маймунлар билан тўлиб-тошган эмиш. Мўлтондан чиққаннимизда йўлбошловчилар менга одамхўр маймунлар ҳақида гапириб беришганди. Мен бу гапга ишонмаган эдим. Чунки улар ҳам йиртқичлар оиласига мансуб бўлса-да, йўлбарс, арслон каби гўштхўр эмас, дегандим. Аммо ҳозир уларга қараб туриб фикримдан қайтдим: ростдан ҳам агар оч қолса, мана шу маймунлар одамни тилка-пора қилиб, гўштини еб, суягини кемиришдан ҳам тоймасалар керак. Устухондан илигини қоқиб ейишдан ҳам қайтмайдилар. Ўша ўрмонда маймунлар шу қадар кўп эдики, агар уларнинг ҳар бири биттадан дарахт мевасини еса, ўрмон тугаб битиши керак, аспида. Ўша бепоён ўрмонда на бирорта қишлоқ, на экин экилган ер кўрдик, бу – табиий. Ким ҳам булар билан қўшничиликда яшай оларди. Шундай экан қайси аҳмоқ, нимага ишониб экин эксин. Ҳали ҳосил пишиб улгурмай, маймунлар бутун экинзорни бир кечада шупириб кетиши тайин. Ким бунинг олдини ола олади. Уриб бўлмаса, ўлдириш ҳақида-ку, гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳиндулар жониворларнинг қонини тўкмайдилар.

Биз беш кун мобайнида шу ўрмондан шарққа томон ҳаракатландик. Шу вақт давомида маймунлар ҳар қадам биз билан бирга бўлишди. Шохдан-шоҳга сакраб, изимиздан келишди. Шу даражада безор қилишдики, ахийри жангчиларимиз ўқ отиб уларни яралашдан ўзга чоралари қолмади. Шундан кейин улар бизни бир нафас тинч қўйишди. Бир оздан кейин яна асабимизга тегишда давом этишди. Ва ахий-

ри беш кун деганда биз ўрмондан чиқдик. Йўлбошловчилар эртаси куни Мират қўрғонига борамиз, дейишди. Ўша жойдан ботқоқлик бошланди. Унинг ўртасидан эни бир, айрим жойларда икки фарсанг келадиган йўл ўтган эди. Ботқоқлик шимолга ҳам, жануб томонга ҳам ястанган эди. Мират қўрғони атрофидаги ерлар қуруқ, бироқ ундан у ёғи яна ботқоқлик эди. Ўрмондан чиқибоқ, қўшин саф тортди. Ва ҳарбий тартибда олға юриб боравердик. Олдан Мират қўрғони кўринди. У тепалик устига жойлашган экан. Шу ерда тўхташга буйруқ бердим. Қароргоҳни шундай ўрнаттирдимки, ичида туриб жангчиларимиз душман ҳужумини даф қила олардилар. Мен барча ҳарбий саркардаларимни бир жойга тўплаб, дедим: «Шу пайтга қадар биз қайси мамлакатда жанг қилган бўлсак ҳам, бирортаси бизга қарши фил ишлатгани йўқ. Бу мамлакатда эса унинг билан тўқнашамиз. Филни ҳаммангиз кўргансиз, эсингизда бўлса, уни Эронда кўрган эдик. Филлар ҳам худди отлар ёки сигирлар каби ўтхўр жонивор, фақат бошида шох, оёғида туёғи йўқ. Ўзингиз ҳам эшитинг, жангчиларга ҳам етказинг: фил йирик кўрингани билан йўлбарс, арслон каби кўрқинчли эмас. Шохламайди, тишламайди. Унинг йирик танаси-ю, оёғидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ. Танасига бир қилич зарби етарли. Филни қулатиш учун унинг хартумига яхши бир зарба урсанг кифоя.

Жангчиларга айтинг, фил ҳеч қандай зарар келтира олмайди. Агар жангчиларимиз унинг оёқлари остида қолган тақдирларида, эпчиллик қилиб филнинг бўғзига ёки қорнига найза санчсалар бас, унинг қулашдан ўзга чораси қолмайди. Агар филнинг тиззасини ўқ билан мўлжалга олсангиз, бунда ҳам натижа уни қулатиш билан тугайди. Жангчиларга тушунтиринг, тишлайдиган, тепадиган ёки сапчийдиган от, ё бўлмаса шохлайдиган сигир филдан кўра кўрқинчли. Жангчиларга қайта-қайта таъкидланг: филнинг энг жон нуқталари – хартуми. қўлтиғи ва тиззаси.

Агар ўзингизга қараб фил келаётганини кўрсангиз, унинг тепасида, албатта, ўқни ўтирган бўлади. Уни уриб йиқитиш қийин, аслида биз учун энг катта хавф ундан, филдан эмас. Камончини даф этишнинг энг мақбул йўли филни йиқитмоқдир!»

Шундан сўнг мен Эбдала Гилзайига мурожаат этдим: «Эй, Амир, сен ҳам ўз жангчиларингга топшириқ бер. Улар қармоқсимон қуролларини моҳирлик билан ишлатишади. Уни энди филларга қарши қўллаб кўрсинлар. Менимча, агар жангчиларинг ўша қурол билан филларнинг хартуми ва тиззасини нишонга олсалар, яхши бўлади. Хартумидан урсалар чўккалайди, сўнг тиззасига уриб йиқитиш мумкин». Мана шундай йўл-йўриқ ва кўрсатмалар бергач, уларга рухсат бердим. Улар ўз навбатида жангчилари ёнига кетишди – уларнинг онгига фил кучли эмас, деган фикрни сингдириш учун.

Ухлаб тургач, Миратга қараб йўл олдик. Кузатувчилардан келган маълумотларга кўра, кўрғон атрофида ҳеч зоғ йўқ. Аммо дарвозалари берк эмиш. Йўлбошловчиларнинг айтишича, кўрғонбоши Алашар (Брузан Баласар) деган киши экан. У кекса жангчи Деҳлини бошқарган Халлож сулоласи жангчилари қавмидан экан. Унга элчи юбориб, қуйидаги сўзларимни етказишини тайинладим: «Отанг ҳам, сен ҳам Халлож сулоласига садоқат билан хизмат қилиб келдинглар. Сулоланинг сўнгги вакили Маҳмуд Халлож айна пайтда Малу Эқбол қўл остида тутқин! У Деҳли ҳокимиятини Халлождан тортиб олди. Мен ўша ёққа бориб, уни мавҳ этмоқчиман. Агар сен ҳақиқатан ҳам Халложга содиқ бўлсанг, менга қарши турмаслигинг керак. Чунки Малу Эқболни жазоламоқчиман. Агар бўйсунмаса тахтдан ағдараман. Сен менга йўлни очиб беришинг керак. Ҳатто ўз жангчиларинг билан менинг қўшиним сафига қўшилишинг лозим. Мен Деҳлини олгандан сўнг, Маҳмуд Халложни тахтга ўтқазаман, деб ваъда бермайман. Қолаверса, у тирикми-йўқми билмайман ҳам. Ҳозирча билмайман. Деҳлини қўлга киритганимдан сўнг ҳамма нарса ойдинлашади. Бироқ ваъда бераман, Малу Эқболни жазолайман... Агар ҳақиқатан ҳам Халлож сулоласига содиқ бўлсанг, Малу сенинг ҳам душманинг».

Алашар қалъа девори устига чиқди ва таржимон ёрдамига зарурат сезмай баланд овозда бизнинг элчимизга деди: «Менинг Халлож сулоласига бўлган садоқатим бу ердан ажнабий душман қўшинини ўтказиб юбориш ва унинг Деҳ-

лини забт этишини кузатиб, қўл қовуштириб туришимга асос бўла олмайди. Малу Эқбол билан Маҳмуд Халлож ўртасидаги келишмовчилик – ака-ука ўртасидаги низо. Шунинг учун Малу Маҳмуднинг устидан ғалаба қозонган бўлса-да, уни ўлдирмай ушлаб турибди. Унга ҳурматсизлик қилгани йўқ. Шинамгина уй бериб, ҳурматини жойига қўйиб, жангчиларига ҳам яхши муносабатда бўлишни тайинлаган. Агар душман бўлганида, акасидек яхши кўрмаганида, уни ўлдириб юборган бўлар эди.

Сен келгинди душман, Ҳиндистонни забт этгани келишдан олдин, бир нарсани англаб етмадингми, яъни бу мамлакатни забт этиб бўлмаслигини?! Неча бир жаҳонгир бу ердан орқасига қарамай қочгани ёки ажалини шу ердан топгани ҳақида хабаринг йўқми?»

Гарчи қалъабоши Алашарнинг сўзлари менинг таклифимга рад жавоби тарзида янграган бўлса ҳам, у марднинг ишини қилди. Агар у содда бўлганида ваъдаларимга ишониб, қалъани менга топширган бўлар эди. Аммо у мардларча йўл тутиб, жанг қилишга тайёр эканини билдирди.

Бизнинг бундан кейинги ҳаракатларимиз қандай кечиши аён бўлди. Мен қалъани қуршаб олишга буйруқ бердим. Биз энди аниқ билардикки, Миратни куч билан қўлга киритиб, ундан кейин йўлимизда давом этишимиз мумкин. Ёки худди юқорида айтилганидек, мен душманга қайтиш йўлимни қолдириб Деҳлига ўтишим, қайтишимда унинг найзасига рўпара бўлишим мумкин эди. Ўшанда у мени йўқотиб, ҳарбий ўлжани ўзлаштиради. Мен жангчиларимга қалъанинг ташқи муҳит билан боғлайдиган ер ости яширин йўлини ахтаришга топшириқ бердим. Гарчи ташқаридан қараганда қалъа бундай йўлга эга эмасдек туюлса-да, аксар ҳарбий истеҳкомлар худди шундай ер ости йўлига эга.

Ҳали қалъани қуршаб олмасимиздан аввал, Эбдала Гилзайи филларга қарши туяларни ишлатиш таклифи билан чиқди. Айтишига қараганда, фил унинг ҳидига тоқат қила олмас экан. Агар туя яқинлашса, ура қочишга тушармиш. Бироқ Мират қалъаси атрофида филлар кўзга ташланмасди. Шу боис уларга қарши туяларни қўллашга зарурат бўлмади. Қолаверса, менинг қўшинимда туя йўқ эди. Мен

бу жойда узоқ турмоқчи эмас эдим. Шошилишим керак, чунки «барсат» мавсумигача режалаштирган ишларимни охирига етказишим керак. Акс ҳолда, «барсат» – Ҳиндистонга хос бўлган ёмғирлар мавсуми бошланиб қолса, сафаримни давом эттира олмай қоламан ёки мавсум тугагини кутишимга тўғри келади.

Аввал айтганимдек, Мират қалъаси тепалик устига жойлашган бўлиб, қалъа девори остини кавлаш учун тепаликка чиқишимиз керак бўлади. Девор устида эса тошотар мосламалар ўрнатилган бўлиб, қалъа ҳимоячилари биздан битта одам кўринса ҳам, мосламани ҳаракатга келтирмоқда эдилар. Ер ости йўлини тепаликнинг пойидан кавлаш фойдасиз иш эди: мутахассисларимнинг айтишича, тепалик тоштупроқдан иборат бўлиб, лаҳим кавлаб бўлмас экан. Ягона йўл тепалик устига чиқиб, қулай бир жой топиш эди. Бироқ, ҳар сафар жангчиларимиз тепаликка кўтарилганларида, ҳимоячилар уларнинг устига тош ёғдирар ва ҳаракатларимиз зое кетмоқда эди. Тепаликка чиқишга уринган одамларимизни жанговар уст-бошлари ҳам ҳимоя қила олмади. Қалъа ҳимоячилари анчайин тош ғамлаган кўринади, тош отишларига қараганда, тошлари серобга ўхшайди.

Эбдала Гилзайи менга мурожаат этиб: «Эй, Амир! Агар ер остини кавламоқчи бўлсанг, бунинг учун жангчиларни тошдан асрайдиган айвон қилишимиз керак. Аммо бу ишни кечаси қилмаса, кундузи бирор натижага эришиб бўлмайди», – деди. Мен унинг таклифни қабул қилдим, зеро шундан бошқа йўл қолмаган эди.

Менинг топширигим билан жангчиларимиз бир нечта иншоот барпо этиш учун хом ашё тайёрлашга киришдилар. Ишни шундай ташкил этдикки, ҳимоячилар бизнинг асл мақсадимизни пайқамай, атрофда ҳар хил миноралар тиклаб, ундан душманга ўқ ёки тош отишни мақсад қилаётгандек бўлиб кўриндик.

Етарли хом ашёси тўплангач, жангчиларим кеч қоронғиси, тош отар мосламалар хавфи камайган чоғ, уни юқорига олиб чиқиб ҳар жой-ҳар жойга тарқатиб чиқдилар. Бу иншоотлар ер ости йўлагини кавлаётганларни кўздан пана қилиш баробарида, душманни чалғитиб ҳам турарди. Ас-

лида у қазув ишлари қайси нуқталарда олиб борилаётганини ҳам яққол кўрсатиб турарди. Жангчиларимиз кечаси билан ер қазишар, эрталабга яқин тепалик пойига тушишарди. Алашар – қалъабоши девор устига чиқиб, аввалига нима қилаётганимизни тушунмади, кейинги куни иншоотларни кўргач, бу уларга қарши жанг қилиш учун қўлланилишини билгач, тош отарларига буйруқ берди, шекилли, улар иншоотларимизга тинимсиз тош улоқтирдилар. Тош иншоотларга шикаст етказган ҳоллар ҳам бўлди. Бироқ кечқурун усталаримиз уларни тузатиб, аввалгисидан ҳам баландроқ кўтариб қўйишар эди. Мен Алашар одамларини кирки, болта билан қуроллантириб қалъа ташқарисига чиқаради, иншоотларни бузишга уринади, деб тахмин қилган эдим. Шунинг учун жангчиларимга тайёр бўлиб туришни, агар қалъадагилар ташқарига чиқишса, ўқ отиб уларга қаршилик кўрсатишини тайинлагандим. Бироқ Алашар бу иншоотлар ҳарбий жиҳатдан аҳамиятга эга эмас, дедими – одамларини ташқарига чиқармади. Албатта, биз бино қилган иншоотнинг ўзи қалъани забт этишга қодир эмас, масалага чуқурроқ қаралса.

Қалъа ҳимоячиларининг сони қанчалигини билмас эдим. Тахминимча, 8-10 минг киши бўлса керак – ундан кўп эмас. Бу қалъа ҳақиқатан ҳам ҳарбий истеҳком бўлиб, унда хотинлар, болалар йўқ эди. Шунинг учун қалъа ҳимоячилари ишонч билан, ҳеч нарсани ўйламай ҳимояга киришганди. Энг асосийси, уларда оилари учун қайғуришга зарурат йўқ эди. Мутахассисим Шер Баҳром иккита ер ости йўлаги тарhini чизган эди. Мабодо биттаси тошга бориб тақалса ёки яна бир сабаб билан яроқсиз ҳолга келса, иккинчисидан фойдаланиш мумкин бўларди.

Шер Баҳром ўз соҳасининг мутахассиси, авлоддан-авлодга кўчиб келаётган ҳунар эгаси. Бу иншоотдан ташқари у ер ости суғориш қурилмалари бўйича ҳам яхши мутахассис. У ерни кўрса бўлди, у ерда сув бор ёки йўқлигини дарҳол айтиб беради. Мен кўплаб шу соҳанинг вакилларини кўрдим, бироқ Шер Баҳром Маърузи сингари етук мутахассисни учратмадим.

Икки ер ости йўли бир вақтда бошланган эди. Ўша ондан эътиборан биз порох тайёрлашни ҳам бошлаб юбор-

дик. Тайёри Хайбар доводинадаги тошқинда намланиб, яроқсиз бўлиб қолган эди. Шу боис Ҳиндистон йўли бўйлаб биз порох тайёрлайдиган хом ашё тўплаб келдик.

Қазув ишлари бошланганидан буён жангчиларим кундузи ҳам шу ишга машғул бўлишмоқда эди. Чунки уларни иншоотларимиз пана қилиб турарди. Тупроқни тун қоронғисидо олиб чиқишарди, акс ҳолда у сиримизни фош қилиб қўйиши тайин эди ва Алашар бизнинг асил мақсадимиздан воқиф бўларди.

Бир кун ҳимоячилар иншоотимизга тинимсиз тош ота бошлаганди, мен жангчиларимга иншоот тепасига оқ байроқ илишларини буюрдим – Алашар билан мулоқотга киришмоқчи эканимни билдирдим. Алашар ҳарбий ҳимоя устбоши билан девор устига чиқиб, ўзини таништирди, сўнг менинг кимлигимни сўради. Мен ўзимни таништирдим, яъни Амир Темур – Мовароуннаҳр, Ироқ, Месопотамия ва Хуросон ҳукмдори эканимни айтдим. Алашар мендан нима гапинг бор деб сўради. Мен дедим: «Сени қалъа дарвозасини очиб, аскарларинг билан менинг қўшинимга қўшилишингни хоҳлайман, сени шунга ишонтирмоқчиман. Менинг саркардаларимдан бири бўласан! Бу гапларни айтаётганим қамал самарасиз ёки уни ишғол қилишга кўзим етмаётганидан, ёки жанговар ҳаракатларни шиддат билан амалга ошира олмаётганимдан эмас... Зеро, мен бу қалъани яқинда оламан. Таклиф киритаётганим, ишонч ҳосил қилдим – сен жасур жангчисан! Бундай жангчини ўлдиргандан кўра, тирик қолдириш керак, деган фикрга келганимдан мулоқот қилаётгандим. Агар қалъани жанг билан олишга мажбур бўлсам, бу ўртада сенинг ҳам, менинг ҳам жангчиларимиз қурбон бўлади, кейин сени ҳам ўлдиришимга тўғри келади. Агар ўз ихтиёринг билан таслим бўлсанг, қон тўкилмайди, сенинг жангчиларингни қўшиним сафига оламан ва сенга лавозим бераман!»

Алашар қаттиқ хо-холаб кулди: «Агар мен асир тушишни хоҳламасам-чи, унда нима қиласан?» Мен жавоб қилдим: «Қалъани олгач, сени темир панжарага соламан, сўнг ёниб турган олов устига қўйишларини буюраман – тириклайин куйиб кул бўласан!» У яна хо-холаб кулди: «Эй, Темур Кўра-

гон, биз ҳиндулар шундай ҳам ўлганимиздан кейин куйдириламиз. Шу йўл билан руҳимиз нирвон (жаннат)га эришадим. Бу энг ҳурматли ўлим бўлади!»

Мен дедим: «Ортиқ сен билан мулоқотга киришмайман. Қўндиришга ҳаракат қилмайман. Энди фақат қуроллар тили билан гаплашамиз». Мен иншоотдан пастга тушдим ва оқ байроқ олинди.

Лаҳим кавлаш ишлари давом этарди. Мен ёмғирлар мавсуми бошланишидан безовта эдим. Бир куни Шер Баҳром, бир лаҳимнинг тайёр бўлгани ва иккинчиси икки кундан кейин тайёр бўлишини маълум қилди. У жангчилар ёрдамида ҳар икки йўлакнинг деворга қадалган жойида иккита кенг чуқур ҳосил қилди, кейин уни зичлаб порох билан тўлдиришди. Пиликни ўрнатиб, бир учини ташқарига тортиб чиқишди. Миратга келган куним Муҳаррам ойи бошланган эди. Ўша кундан бошлаб роппа-роса қирқ бир кун ўтди. Шу вақт мобайнида биз кеча-кундуз шаҳар деворини бузиш ҳаракатида бўлдик. Шу фурсатда мажбурий ишсизликдан дангаса бўлиб қолмасликлари учун жангчиларни тиним билмай машқ қилишга ундадим. Машқлардан бири тепаликка югуриб чиқиш машқи эди. Бу баланд тепаликларга, кези келганда тоққа чиқиш имкониятини оширади. Менинг ҳамма вақт отда юрадиган жангчиларим учун бундай машқлар жуда муҳим. Бу айниқса ўша ҳижрий 801 йил сафар ойининг ўн биринчи куни* ҳам яққол кўзга ташланди.

Ўша куни менинг қўшиним қалъани ишғол қилишга тайёр эди. Қиш чиқиши арафасида ҳаво салқин бўлади. Ёмғирлар мавсумининг бошланишидан чўчиб турган бўлишимга қарамай, эрталабки ҳавонинг салқинлигини яхшиликка йўйдим. Бундай чоғ лоҳас қилувчи иссиқ жангчиларимга таъсир қилмайди – бу эса яхши. Кун ёришиши билан мен пиликларни ўт олдиришга буйруқ бердим. Пиликни ёққан кишилар пастга яшириниш учун ўзларини панага олдилар. Менинг совутли жангчиларим ва Ғур жангчилари ҳужумни бошлаб бериш учун ояғ ташландилар.

* Милодий 1398 йил 24 ноябри.

Гумбурлаган портлашдан ер ларзага келди. Деворнинг икки жойи қулаб, ичкарига йўл очилди. Мен кутилмаган бу ҳолдан қалъадагилар эсанкираб қолишларини билардим, ҳали улар гап нимадалигини англаб улгурмай устларига бостириб бориш учун ичкарига ёпирилдик.

Алашар бизнинг шиддатимизни кўриб, ўз жангчиларини ҳар қанча қаршилик кўрсатишга ундамасин, фишт қолипдан кўчиб бўлган эди. Вақт ғанимат, тезроқ қалъани бир ёқлик қилиш мақсадида ҳужумга жуда кўп одам ташлаган эдим. Алашарни туш пайти қўлга олишди, шу билан жанг тугади. Асир тушган душман жангчиларини мурдаларни қалъадан олиб чиқиб, майдонни тозалашга мажбур қилдим. Бу ер ҳарбий истеҳком сифатида барча қулайликларга эга эди. Барча зарур асбоб-анжомларни топса бўларди; бу ерда бемалол дурадгорлик, темирчилик ишларини бажариш мумкин эди. Зудлик билан симдан панжарали қафас ясашга буйруқ бердим. Уни ясаб Алашарни унга солишди ва менинг ҳузуримга олиб келишди.

Эҳромсимон тарзда ўтин тахланди. Мен унга дедим: «Эй, одам, мен сени таслим бўлишга кўндирмоқчи бўлиб кўп уриндим. Сен эса менинг огоҳлантиришларимга парво қилмадинг, мана қафасда ўтирибсан. Қон тўкилмасин дегандим – тўкилди. Қон тўкилса, оловда ёнасан дегандим – ёнасан!» – дедим. Мен уни илтижо қилади, бошқа йўл билан қатл қил деб ёлворади, деб ўйлагандим – бундай бўлиб чиқмади. У деди: «Эй, Темур Кўрагон, мен ҳам сенга айтган эдим-ку, биз ҳиндулар барибир оловда куйдириламиз, тириклайин куйдирилганлар эса «нирвонга» тезроқ боришади!..»

Ўша пайт майингина шамол эса бошлади. Бу қайтага гулхан ёқиш учун қулай пайт: мен қафасни ўтин устига қўйиб, унга олов қўйишларини буюрдим. Олов пастдан ёна бошлади. У ҳали гуруллаб ёнишни бошламай туриб, осмонда чақмоқ чақнади. Шамол қоп-қора булутларни бошлаб келди. Оловнинг тили энди Алашарни ямлайман деб турганида, жала қўйди. У шунчалар кучли эдики, олов ўчиб қолди. Буларнинг барчаси саноқли дақиқалар ичида содир бўлди. Ёмғир қандай кутилмаганда бошланган бўлса, уст-бошимиз-

ни шаллаббо қилиб, худди шў зайлда тўхтади. Жала тингач, қафасни пастга олиб Алашарни ундан чиқаришга буйруқ бердим. Бўшатганим сабаби – унинг ўлимини Аллоҳ истамади. Ёмғир тингач, яна ўт қўйсам, мен шаккоклик қилган бўламан. Шунинг учун уни тутқунликда ушлашга қарор қилдим.

Мен қалъани шу алфозда ташлаб кета олмасдим. Чунки Малу Эқбол уни яна қайта эгаллаб, қайтиш йўлимизни ёпиш мақсадида фойдаланиши мумкин эди. Бу ерда бир ҳарбий қисм қолдирдим. Ерлик аҳолини жалб қилиб, деворнинг бузилган жойини тиклашга кўрсатма бердим. Қолаётган аскарларимизга озиқ-овқат, ем-хашак қолдириб, йўлимизда давом этдик.

Биз шарққа қараб йўл олдик. Кузатувчи қисм ҳар икки томонни: шимолий ҳамда жанубий ҳудудларни ўрганиб, кузатиб борди. Мазкур ҳудудлар ботқоқликдан иборат бўлсада, мен ана шу томонлардан ҳужум бўлмаслигига тўла ишончим комил эмасди. Миратдан чиқаётганимизда Қора Хон келиб, сафимизга қўшилди. У қизим Зубайдага уйланиб, Самарқандда қолган эди. Унинг айтишича, Кветти ҳукмдори Вали ул Мулк менинг қаерда эканимни айтиб, унга йўл кўрсатибди. Акс ҳолда, бизни топишга қийналиши мумкин экан. Қора Хон биринчи кунидек менинг диққатимни бир нарсага жалб этди, қайсики, бу масалага шу пайтгача фақат мен эътибор бериб келаётгандим. Ҳарбий саркардаларимдан бирортаси бу саволни бергани йўқ. Ҳақиқатан ҳам, нима учун тўрт томон ботқоғ-у, биз бораётган йўл қуруқ ер?! Ҳеч ким бу саволга жавоб бера олмасди. Бу ҳақда туб аҳолидан сўраб билайлик десак, бу атрофда бирорта қишлоқ учрамади. Кейинчалик учратганларимиз ҳувиллаб ётарди. Афтидан, бизни кўриб, қўрққанидан одамлар узоқроққа қочиб кетишганди.

Миратдан чиққанимизнинг иккинчи куни дам олиш учун тўхтадик. Мазкур тўхтаган жойимиз ҳам ботқоқлик, ўрмондан иборат эди. Худди ўшандай шимол, жануб томонимиз кела-келгунча бир хил манзара касб этган эди. Аввал ҳам айтганман, тигиз пайтлари оромбахш уйқуга кета олмайман. Эртанги жанг ёки душманнинг тун қоронғисида амал-

га ошириши мумкин бўлган қўққис ҳужумлари ҳақида ўйлайман. Уйқудан тез-тез уйғониб кетаман. Ташқарига чиқаман, қароргоҳни кўздан кечираман. Кўнглим таскин топгач, ўрнимга қайтаман. Хотиржам уйқу яна нари борса, бир соат давом этади, яна безовталиқ...

Жанговар сафар чоғида, айниқса душман ҳудудида менинг одамларим кечаси ёки қоронғилиқда қоровулликда турсалар, қўлларида ҳамиша машғала ва чақмоқтош тайёр туради. Бирор-бир шарпа сезсалар машғалани ёқиб, душманни аниқлайдилар: ким у, қайси томондан келаяпти, сони қанча...

Ер остидан қандайдир товушлар эшитилди. Уни аввалига момақалдироқ деб ўйладим. Кейин бу товушлар осмондан эмас, ер остидан келаяптганини пайқаб қолдим. Туриб, уст-бошимни маҳкам тортдим, дубулғамни бошга илиб, ташқарига йўналган эдимки, сур чалинди. Барча оёққа қалқди.

Ташқарига чиқиб қарасам, қароргоҳ атрофида биринкетин машғалалар ёнмоқда. «Бизга қўққисдан ҳужум қилишди!» Хаёлимга фақат шу фикр келди: турган гапки, душман ботқоқли ўрмон ичидан келган, акс ҳолда қоровулларимиз аввалдан хабар топган бўлар эдилар. Мен атрофни кузата бошладим. Душман қайси томондан зарба бермоқчи бўлаётганини аниқламоқчи эдим. Шу пайт ташвишли овозни эшитдим: «Филлар!.. Филлар!..»

Қора Хон қароргоҳ атрофини қўриқлаётган қоровулларга бош эди. У ҳузуримга чопиб келиб, ҳаяжонданми ёки югуриб келганиданми, назаримда ҳар иккиси қоришиқ, нафаси тикилгудек бўлиб, вужудга келган вазият ҳақида маълумот берди: «Эй, Амир! Филлар подаси биз томонга бостириб келаятган экан. Одамларимизнинг бақир-чақирлари, машғалалардан чўчиб йўлларини ўзгартирибди. Уларни одамлар бошқармаяпти, устида айвонлари ҳам йўқ. Рухсат этинг, бориб вазиятни ўрганиб, сизга яна-да муфассал маълумот олиб келаман».

Душманнинг ҳужуми ҳақида маълумот тушмагач, қўшинга яна ётиб, дам олишларига рухсат бердим. Эртага сафар давом этади – бардам, тетик бўлишлари керак. Мен ўша кеч яна бир неча бор ердан шундай товушлар келаяптганини ҳис

қилиб ётдим. Қора Хон янги маълумот олиб келди. Ҳиндулардан сўраб билибди: қароргоҳимизга бостириб келган пода ёввойи филлар бўлиб, улар дарёга кетишаётган экан. Мен ўша йўлбошловчи ҳиндуларни ҳузуримга олиб келишларини амр қилдим. Улардан «Ботқоқ жойларда сув йўқми, нега филлар сув ичиш учун дарёга борадилар?» – деб сўрадим. Улар жавоб қилишди: «Сув ўрмонда кўп, аммо бу филлар дарёга чўмилиш учун боришади. Улар эрта тонгда дарёда чўмилишни одат қилганлар. Бу одатларини ҳеч ҳам қанда қилмайдилар».

Мен олдинда бизни дарё кутаётганини, уни эртаси куни кечиб ўтишимиз кераклигини билардим. Дарёни тезроқ кечсам, деб ошиқаётгандим. Чунки ёмғирлар мавсуми бошланса, дарёнинг суви яна кўпаяди, кечиб ўтиш оғирлашади.

Мен Миратда эканимизда ёққан ёмғир бири-бирига боғланиб кетадими, деб ўйлагандим – ундай бўлмади. Тўғрида, ҳали «барсат» мавсуми бошлангани йўқ. Ўша кунги жала эса Аллоҳнинг иродаси билан ёғди. Алашарнинг яратганга хуш ёққан бир иши бор эканки, У (Аллоҳ) унинг ўлимини истамади.

Тонгда истеҳкомни йиғиштириб йўлга тушдик ва икки фарсанг юриб, мўъжазгина бир қишлоққа учрадик. Бу сафар унинг аҳолисини ўз уйларида кўрдик. Улардан филлар ҳақида сўрадик. Улар қишлоқ атрофида ҳар кеч гулхан ёқиладиган жойни кўрсатишди. Шундай қилмасалар дарёга йўл олган филлар уларнинг уй-жойларини босиб, янчиб кетиши мумкин экан. Мен филлар дарёга боришни йил-ўн икки ой такрорлайдиларми, деб сўрадим. Улар тасдиқладилар, фақат жала ёққан кезлари дарёнинг ҳар икки томонидан юрмайдилар, ёмғирнинг остида чўмилиш билан қаноатланишади, дейишди. «Дарёнинг ҳар икки томони», деганда нимани назарда тутганларини сўрадим. Улар дарёнинг нариги қирғоғидан Луни қалъасига олиб борадиган йўлни назарда тутганликларини баён этишди. Қора Хон улардан нега тўрт томон ботқоқлик ва ўрмон бўлгани ҳолда, биз бораётган йўл қуруқ ва унинг ери қаттиқлиги сабабини сўради. Улар бу ҳам филларнинг хизматидан эканини, улар шу йўллардан мунтазам юрганлари боис, тупроқ зичлашиб,

қуруқ ер ҳосил бўлганини айтишди. Бизнинг юзимизда таажжуб аломатини кўриб улар: «Таажжубланманг, қадимда бу ерларда филлар жуда кўп бўлган ва улар мунтазам равишда шу йўлдан юришган – йўлнинг қуруқ, тупроғининг зичлиги шундан», – дейишди.

Мен бу гапга унчалик ишона олмаслигимни айтдим, чунки Миратга бора туриб худди мана шундай йўлдан юрганимизни, ҳар тўрт тараф ботқоқ, аммо у ерларда битта ҳам фил учратмаганимни мисол келтирдим. Қора Хон деди: «Мен ҳам шу масалага ойдинлик киритишга жуда-жуда қизиқаяпман».

Биз кечиб ўтишимиз керак бўлган дарёнинг номи Уни деб аталар экан. Унга яқин келганимиздан сўнг, жагчиларимиздан бир нечасига сувга тушишларини буюрдим. Бу билан унинг қанчалик чуқурлигини аниқламоқчи эдим. Жангчиларимнинг айтишича, дарё унчалик чуқур эмас, отларни оқизиб кетадиган хавф йўқ – ундан сузмасдан, юриб ўтишимиз мумкин экан.

Қўшинни қарама-қарши қирғоқнинг кенгроқ жойига кўчирдик. Йигирма бир фарсангча йўл босиб, тўхтадик. Кеч тушиб қолганди. Қароргоҳимизни қурдик, ўтган тун тажрибасидан келиб чиқиб, жойларда қоровул назорати қўйиш билан бирга гулханлар ҳам ёқдик.

Туннинг тонг билан кесишадиган палласи яна филларнинг дупур-дупури қулоққа чалинди. Баъзилари дарёга томон бораётган бўлса, айримлари қайтишмоқда эди. Қизиқ одат, филлар оҳиста қадам босадилар, бироқ бу филлар дарёга лўкиллаб югуриб бориб, шу тарзда қайтишарди. Уларнинг оёқлари остидан даҳшатли товушлар тарқарди. Вақти-вақти билан узоқдан филларнинг ҳайқирган товушлари ҳам эшитилиб қоларди, унга жавобан бошқа филлар ҳам худди ана шундай жавоб қайтарарди. Бироқ энди жангчиларимиз бундай табиий ҳолатларга парво қилмай, тинчгина ором олишлари мумкин эди. Мен саркардаларим орқали, уларга филлардан асло қўрқмасликларини, улар беозор ҳайвонлар эканлигини такрор-такрор уқтирган эдим. Қуёш чиққан маҳал ҳеч қаерда филлар кўринмади. Демак, ёввойи Ҳиндистон филлари дарёга чўмилиш учун тунларни бедор ўтказар экан.

Биз Деҳли сафариди йўлимизга ғов бўлган учта қалъанинг иккинчиси – Лунига тезроқ боришни истардик. Эртаси куни тонг чоғи, йўлга тушиш ҳаракатини қилиб турган чоғимиз ҳузуримга Қора Хон келиб, деди: «Эй, Амир, тунда филларни кузата туриб, бу ҳайвонларнинг нима учун ботқоққа ботиб кетмасликларини англагандекман. Зеро, ўрмонга қадам босган ҳар бир жонзотнинг ботқоққа ботиб кетиш эҳтимоли бор». «Бу балки ўша ўрмонда филларнинг йўқлиги сабабидандир?» – луқма ташладим унга. У жавоб қилди: «Тунда кўриб, овозларини эшитган барча филлар ўрмондан чиқиб келишяпти, ваҳоланки, ўрмоннинг тўрт тарафи ҳам ботқоқлик. Бинобарин, фил оғир вазнли эканидан тез ботадиган, чўкса зумда ғарқ бўладиган ҳайвон. Агар изи берсангиз, мен бу кеч уларнинг ортидан юриб, ботқоқ барча жонзотларни ютгани ҳолда, филлар унинг устида эркин ҳаракатланиши сабабини ўргансам».

Менинг розилигимни олгач, у режасини сўзлаб берди. У бир гуруҳ жангчиларни жалб қилиб, филларнинг дарёдан қайтиш йўлларини, шунингдек, ўрмондан чиқиб келган жойларни синчковлик билан ўрганмоқчи, уларнинг ортидан бориб ботқоққа ботмасликларининг сабабини аниқламоқчи эканини баён қилди.

«Бундан нима фойда?» – сўрадим ундан. У худди шу нарса Луни ва Жумба қалъалари атрофидаги ботқоқликлардан фойдаланиш, душманга қўққис ҳужум қилиш учун қулайлик туғдириши, қолаверса, уларда тўхтамай айланиб ўтиб кетиш имконини бериши мумкинлигини сўзлади. Мен унга дедим: «Сенинг мулоҳазаларинг балки фойдали бўлиб чиқар, агар ботқоқликдан иборат ўрмонлардан бу ҳайвонлар ҳаракатланадиган йўлни топсак хўп-хўп, аммо биз ҳозир нима бўлганда ҳам ана шу икки қалъани қўлга киритишимиз шарт! Илло, биз ортимизда душман истеҳкомларини қолдириб кета олмаймиз».

Қора Хон айтди: «Агар ўрмондан филлар ҳаракатланадиган йўлларни топсак, бу икки қалъани четлаб ўтиб, Деҳлига борсак бўлади. Қайтишда ҳам ўша йўлдан қайтамиз». Қора Хоннинг фикрида жон бор эди. Агар биз ўша йўлни топсак, бу йўлдаги иккита қалъага ортиқча куч ва вақт сарф-

лашдан тийилишимиз мумкин. Қайси томонга бўлмасин, шимолга бўладими, жанубгами – йўл топилса бас, биз икки қалъа ташвишидан қутуламиз. Қора Хон режасини амалга ошириш учун ерлик аҳоли вакилларини ҳам шу ишга тортиш кераклигини айтди. Унга тадбирда иштирок этувчиларни муносиб тақдирлаш учун бир миқдор пул бердим. Уларни шу ерда қолдириб, ўзимиз олға силжидик.

Йўл бўйи бир нечта қишлоқлардан ўтдик. Одамлар аввалгидек биздан қочмай қўйишганди. Сабаби мен олд кузатув қисмларига тайинлаб, бизнинг қишлоқ одамларига ёмонлигимиз йўқ, улардан нима олсак – сотиб олишимизни етказишларини буюрган эдим – мана натижаси. Мен йўл-йўлакай улардан филларнинг ботқоққа ботиб кетмасликлари сабабини сўраб-суриштириб бордим. Уларнинг жавоби битта: «Филлар бизнинг «Вишну» худомиз, шунинг учун ботмайдилар», – деб деярли бир хил гапни такрорлашдан нарига ўтмасдилар.

Ҳиндулар учта Худога эътиқод қиладилар, ана шу учтасидан бири – Вишну худоси. Улар турли кўринишда намоён бўладилар. Жумладан, фил тарзида ҳам. Шу боис улар ботқоққа ботиб кетмас эмиш. Бу гаплар авомнинг гапи – бошқа ҳеч нарса эмас.

Мен Деҳлидаги вазиятдан беҳабар эдим. Гарчи Деҳлига тезроқ етиб бориш учун шиддат билан ҳаракат қилаётган бўлсам ҳам, у ёқдагиларга менинг бораётганим ҳалитдан маълум эканини билардим. Фақат, Малу Эқбол бу хабарни эшитиб, Маҳмуд Иккинчи номи билан донг таратган Маҳмуд Халложни тутқунликдан озод қилиб, менга қарши биргаликда курашишга чақирганини, Маҳмуд Халлож бу таклифни қабул қилиб, кучларини бирлаштирганларидан хабарим йўқ эди.

Мен ҳақимда айрим ҳолларда жуда нотўғри фикрларни гапиришади. Гўёки мен саҳройи бўлганим, асосий вақтимни чўлда ўтказганим учун обод шаҳарларни ёмон кўрар эмишман. Шунинг учун йўлимда учраган шинам ва кўркам шаҳарларни бузиб, яксон қилар эмишман. Айтишларича, менинг бу каби гўзалликларга тоқатим йўқ эмиш. Мана шу сафсаталарни сотиб юрганлар, агар мен обод қилаётган

Кеш шаҳрини бориб кўрганларида эди, тиллари танглайларига ёпишиб қолган бўларди. Мен агар бирор-бир шаҳарни бузган бўлсам, ўша шаҳар аҳолиси билан бирга, ҳамкорликда бузганман. Тўғрироғи, уларнинг ўзлари мени шунга мажбур қилишган. Агар ғалаба қозонишга етарли асосим бўлмаса, мен уларнинг устига от қўйиб бормасдим. Илло мени енгил, буткул бартараф этиш учун етарли куч ва имкониятлари бўлмагани ҳолда қаршилик кўрсатишлари – не ҳол? Ахир саркашликлари ва ўжарликларидан на ўзларини омон сақлай оладилар, на шаҳарни асрайдилар!

Ҳали шу пайтгача ўз ихтиёрим билан бирорта манзилдан асоссиз бир ғишт кўчирганим, бирорта одамнинг ҳаёт шабини ноҳақдан-ноҳақ ўчирганим йўқ.

Урушнинг қондаси шу: қаттиқ қаршилик кўрсатган шаҳарни жанг билан қўлга киритгандан сўнг, ўша шаҳар вайрон қилиниб, аҳолиси қиличдан ўтказилади. Буни мен ўйлаб топганим йўқ. Менгача ҳам шу тартиб, шу қонда мавжуд бўлган. Барча жаҳонгирлар, хусусан Чингизхон ҳам унга амал қилган. Зеро, у ҳам ўзигача маълум ва мавжуд бўлган қондаларни давом эттирган. Яна мен ҳақимда тўқилган, шаънимга номуносиб гаплардан бири шуки, мен гўё саҳройи бўлганим учун деҳқончиликни жиним суймас эмиш. Шунинг учун ҳам экин экиш билан машғул бўлган деҳқонларни, у шаҳарда яшайдими, қишлоқдами – йўқотиш пайида бўлар эмишман. Мана шу гапларни гап деб кўтариб юрганлар Мовароуннаҳрга бориб, у ерда деҳқончиликни ривожлантириш учун қилган ишларимни кўрганларида эди – турган гапки, тилларини тишлаган бўлишарди.

Менинг асосий вақтимни чўлда ўтказганим боиси эса, у ерда ҳарбий маҳоратимни ўстириш, жангчиларимни жанговар сафарга тайёрлаш имкони мавжудлигидан, бу ишни деҳқончилик қилинадиган далаларда амалга ошира олмаслигимдандир.

Мен Деҳлига юриш қилиш арафасида барча жангчиларимга тинч аҳолига тегмаслик, қишлоқларга дахл қилмаслик, деҳқонлар ва уларнинг кишту корига зарар етказмасликни қатъий қилиб қулоқларига қуйганман. Уларнинг ўз эътиқодлари ва урф-одатларига амал қилиб яшашларига

ҳалал бермаслик лозимлигини уқдирганман. Бу ишни мен барча сафарларим чоғида амалга ошираман. Жангчиларимга доимий тарзда ана шу гапларни такрорлайман: улар учун эса менинг гапим – Қонун! Шунинг баробарида қишлоқда бўладими, шаҳарда бўладими ҳеч кимнинг бизга қарши бош кўтариши ўзлари учун яхшилик билан тугамайди.

Луни қалъасига яқинлашиб қолган эдим. Яна бир оз йўл боссак, бас – Лунига етамиз. Қўшинни йўлга бошлайман деб тургандим Қора Хон келиб қолди ва ботқоқда филлар юрадиган бир йўл топганини хабар қилди. Шунингдек, сирнинг тагига етганини – филлар қуруқ йўлдан юришини аниқлаганини айтди. У йўл Луни қалъасининг жанубида жойлашган бўлиб, қалъанинг шарқ томонига олиб чиқар экан. Агар қўшинни худди ана шу йўлдан олиб ўтсак, қалъани қамал қилмасак ҳам бўлишини айтди. Кейинчалик ортга қайтганимизда ҳам шу йўлдан юришимиз мумкин, деди у. Мен: «Бу йўлни ўзинг кўрдингми?» – деб сўрадим. У йўлни ўзи кўрмаганлигини, аммо юборган одамлари у йўлдан юриб, текшириб кўрганликларини баён қилди. «Бу маълумот ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, чунки сен юборган одамлар ҳарбийдан хабари йўқ. Бу борада малака ва тажрибасиз одамлар – улар ўша йўл катта қўшинни олиб ўтишга яроқлими, йўқми деган саволга тўлақонли жавоб бера олмайдилар. Шу ваддан ўзинг бориб кўр, ишонч ҳосил қил! Башарти, ботқоқликда шундай йўл мавжуд бўлса-ю, буни ҳиндулар билмаслиги – ажабланарли ҳол. Йўлни синчиклаб текшириш баробарида, ҳиндулар тузоқ кўйган бўлишлари мумкинлигини ҳам унутма!» – дедим.

Қора Хон ўша йўлни шахсан назардан ўтказиш учун кетди, мен эсам қўшинни Луни қалъаси томон бошладим. Агар Қора Хон топган йўл қўшинни олиб ўтиш учун яроқсиз бўлса, сафаримизни давом эттириш учун барибир қалъани олишимизга тўғри келади. Мабодо ботқоқликдаги йўлдан кетадиган бўлсак ҳам, уни қамал қилишимиз лозим. Бу душманни чалғитиш учун зарур, у бизни қалъага ҳужум қилишимизни кутиб, бор диққат-эътиборини шу ёққа қаратиб тураверади. Биз эса бу вақт нариги йўлдан уни айланиб ўтамиз. Ўша йўл мавжудлигини маҳаллий аҳоли билмаслиги мумкин, деган фикр ҳам йўқ эмасди менда.

Қуёш уфқдан бош кўтарган чоғ Луни қалъасига кўзим туши. У ҳам худди Мират каби тепалик устида қурилган эди. Бу қалъани олиш учун роса тер тўкишимиз керак бўлади, чамаси. Унгача ёмғирлар мавсуми бошланиб, жанговар сафаримизни мавсум тугагунга қадар тўхтатиб туришимизга тўғри келади. Мен Луни ҳимоячилари қаттиқ қаршилик кўрсатишини кутгандим, аммо бундай бўлмади. Шу боис биз тепаликка яқин келиб, қалъани қуршаб олдик. Луни қалъаси ҳам тузилиши жиҳатидан худди Мират қалъасининг ўзгинаси эди. Уни бир хил усталар ягона бир тарх асосида барпо этганлари кундек кўриниб турарди. Ҳимоя мосламари шундай мўлжал билан қурилган эдики, унинг жомларидан ҳужумкор қўшинга тош ёғдириш, қайнатилган ёғ ёки қиздирилган кўрғошин тўкиш қулай эди.

Истеҳком девори айланасига кета-кетиш ҳимоячиларнинг эркин ҳаракат қилишлари учун қулай бўлиб, улар ўзларини босқинчиларга кўрсатмай, қаршилик кўрсатиш ишларини давом эттира олардилар.

Мен бу қалъани жанг йўли билан қўлга киритган тақдирда ҳам, унга анча куч ва вақт сарфлаш лозимлигини билардим. Куннинг иккинчи ярми, биз қалъани қамал қилиб турган чоғ, Қора Хон келди ва деди: «Эй, Амир, ботқоқлик устидан топилган фил йўли қўшинни олиб ўтишга тўлиқ жавоб беради. Ўзим қараб чиқдим. Ҳиндулар йўқ, афтидан, улар бундай йўл борлигини билишмайди». Мен бир қисм жангчилар билан ўша йўл орқали қалъанинг шарқ томонига ўтишни амр қилдим. Душмanning кузатув минорасида ўтирган соқчилари буни сезмаслиги кераклигини тайинладим. Шунингдек, ўша йўлнинг барча масофаларида соқчилар қўйиши лозимлигини уқтирдим. Чунки йўл нотаниш бўлгани боис унинг бошида ва охирида турадиган соқчилар кифоя қилмаслигини тушунтирдим. Топширигимни худди мен айтгандек қилиб бажариш лозимлигини айтиб, жўнатиб юбордим. Бироқ, ўша кун бу ишни бажара олмадик.

Туни билан яна ўша филларнинг оёқ товушларини эшитиб ёгдим. Улар бизга маълум бўлган ёки ҳали маълум бўлмаган йўлдан у ёқдан-бу ёққа чошиб ўтишмоқда эди. Эртаси кун Қора Хон бир қисм жангчиларни ботқоқлик устидан

топилган ўша йўл орқали қалъанинг қарама-қарши томонига – шарқий ҳудудга олиб ўтди. Ундан кейин бошқа қисмлар ҳам ўша манзилга етиб олишди. Қўшинни қисмларга бўлиб-бўлиб кўчиришни шу тарзда ташкил қилдикки, душманлар ҳеч нарсани пайқамадилар. Афтидан, улар ўша дамда фақат бир нарса билан – қалъа ҳимояси билан банд эдилар. Қуёш ботгунга қадар, қўшиннинг учдан икки қисмини кўчиришга улгурдик. Кеч кирди, қоронғи тушди, Қора Хондан ҳамма иш кўнгилдагидек амалга ошгани ҳақидаги маълумотни олгач, энди ўзим ўша томонга юриш тараддудига тушдим. Ўзим билан қолган барча жангчиларни олиб кетишга, бу ерда эса кичикроқ бир ҳарбий қисмни қолдиришга қарор қилдим. Чодирларни йиғиштиришга изн бермадим, чунки қалъа ҳимоячиларида бор куч ва имкониятларимиз қалъага қаратилгандек тасаввур уйғотишимиз зарур эди.

Кеч тушгач, Ғур ҳукмдори Эбдала Гилзайи ўз қўшинидан бир гуруҳини ажратиб олди. Улар кечаси йўлимизда учрайдиган филларни йўлдан олиб ташлашга масъул этилди. Чунки худди шу йўлдан фил юриб ўтишини ҳаммамиз биламиз. Яна бизга филларнинг бу йўлдан туннинг иккинчи ярмида ўтишлари ҳам маълум. Демак, биз ўша вақтга қадар асосий қўшинга қўшилиб олишимиз керак. Бундан хабардор кишилар ярим кечагача йўлимизда филлар учрамаслигини таъминлаган бўлсалар ҳам, Гилзайи жангчилари ҳар эҳтимолга қарши топширилган вазифани бажаришга шай бўлиб туришлари керак, деган қароримда қолдим.

Эй, менинг ҳаётим ва фаолиятимга оид бу тарихни ўқиётган зот! Балки сени нима учун қўшиним билан мавжуд йўлдан қалъани айланиб ўтмай, ботқоқликни кечаётганим қизиқтираётгандир. Мени шундай қилишга ундаган иккита омил бор: биринчидан, биз шу пайтгача юриб келган йўл жуда тор бўлиб, дара бўйлаб кетаётгандек эдим. Агар душман йўлимизни тўсиб чиқса, ёйилиб уриша олмасдик ва мен жуда катта талофат кўрардим. Иккинчидан, қалъадагиларда шу ерда тургандек тасаввур уйғотишим керак эди.

Кеч тушган пайт ўғлим Саъад Ваққосни ҳузуримга чорладим. У менинг ўғилларим орасида энг кичиги – энди 18

ёшга тўлди. Мен ҳозир унинг номини биринчи маротаба тилга олаяпман. Унга айтдим: «Сен бу ерда қолиб, қалъани қамал қилиб турган қисмга бошчилик қиласан. Токи мендан хабар келмагунга қадар, қалъани қамал ҳолатида ушлаб туравер. Эҳтимол, бу ҳол менинг Деҳлидан қайтгунимга қадар давом этар, балки уч кундан кейин одам юбориб, сени чақириб оларман. Нима бўлганда ҳам токи мендан қамални бекор қилиш ҳақида кўрсатма келмагунча, қалъани қамал қилишда давом эт. Мен ўзим билан Шер Баҳромни олиб кетаман – у менга Деҳли қалъасини забт этишим учун зарур. Сенинг ихтиёрингга унинг икки нафар шогирдини қолдираман. Шунингдек, беш қоп порох сенинг ихтиёрингда бўлади. Унинг билан қалъа деворини бузасан. Умид қиламанки, Шер Баҳромнинг шогирдлари устозларидан қолишмайди. Уларнинг ёрдамида қалъа деворигача лоақал битта ер ости йўли қазिशга муваффақ бўлсанг ҳам деворни бузасан. Агар бунга эриша олмасанг ҳам, қайғурма, омадсизлик учун сени койнайман. Мабодо деворни бузишга муваффақ бўлсанг, уни қандай бўлмасин олишинг керак бўлади. Агар буни уддалай олмасанг, бу омадсизликни кечира олмайман. Мабодо жангда ҳалок бўлганинг ҳақида хабар беришса, ғамга ботмайман. Фақат деворни бузишга бузибди-ю, уни қўлга кирита олмабди-да, деб афсусланаман, холос.

Саъад Ваққос жавоб қилди: «Эй, Амирим! Хотиржам бўлинг, мен ҳамма ишни Темурнинг ўғли деган унвонга муносиб тарзда амалга ошираман!»

Мен унга яна дедим: «Қалъадагилар кечаси ёки кундузи қалъадан сирғалиб чиқиб, сенга ҳужум қилишлари мумкин. Олишувга доимо тайёр тур. Қўл остингдаги жагчилар сон жиҳатидан кўп эмас, бироқ мен энг моҳир, қўрқмас, мард жангчиларни қолдираяпман. Ҳаммаси сараланган!»

Отимни олиб келишди, мен унга минган пайтим, ичимдан бир овоз келди, у ўғлим Саъад Ваққос билан ортиқ кўришмаслигимни айтди. Илло, у менинг кенжатоим эди – кенжатоилар эса ҳамиша энг суюкли бўладилар. Бироқ, ичимдагини юзимга зоҳир этмадим. Отимни йўлга бошқардим.

Менинг ҳарбий саркардаларим, қалъа ёнида нима учун бошқани эмас, ўз ўғлимни қолдираётганимни англашди. Бу уни тўғридан-тўғри ўлимнинг чангалида қолдириш билан тенг иш эканини билишар эди. Шундан жангда мен ҳеч кимни аямаслигимга, ҳатто ўғилларимга ҳам қаттиққўл эканимга яна бир карра амин бўлишди.

Ўрмондаги ботқоқлик устидан кетиб борардик. Атроф зим-зиё, машъала ёқа олмаймиз, акс ҳолда қалъа кузатувчилари сезиб қолишлари мумкин. Лекин ёритқичларсиз юриш ҳам жуда хавфли эди. Озгина чалғисанг бас, балчиқ ютиб юборади. Отларимизнинг туёқ босишлардан билдимки, бу йўл тошли. Бу йўлни филлар ҳосил қилишгани ҳақидаги гап шуниси билан ҳам ўринсиз: ҳамма ботиб кетиши мумкин бўлган жойда уларнинг эркин юриб, боз устига ботқоқни босиб, парчин қилиб йўл пайдо қилишига ишониб бўлмайди.

Гарчи йўл энсиз ва қоронғи бўлишига қарамай биз бу йўлни тез ва қисқа муддатда босиб ўтишимиз, тонг отгунга қадар асосий қўшин турган ерга етиб олишимиз керак эди. Тун қоронғисида, ботқоқлик ичидан юриш осон иш эмасди, бироқ Қора Хон йўлнинг ҳар икки томонига соқчилар қўйиб чиққани боис, биз чалғимай, йўқотишларсиз бормоқда эдик. Биз бу масофани имкон қадар тез босиб ўтишга ҳаракат қилдик. Белгиланган манзилга етиб отларимиз туёғи қаттиқ ерга теккач, мен аскарларга четлашиб, ортдан келаётганларга йўл бўшатишларини буюрдим. Тонггача барча жангчиларимиз бу йўлдан чиқиб, асосий йўлга тушдилар. Бу йўл бизни энди учинчи қалъага олиб боради. Биз ҳар қанча ҳаракат қилмайлик, Луни қалъаси кузатувчилари бизнинг Жумба қалъаси томон кетаётганимизни пайқаб қолишибди. Турган гапки, менинг бундан хабарим йўқ эди. Бу ҳақда мен кейинроқ, Деҳли жангидан кейин, хабар топдим. Луни қалъабошиси мени қамални бекор қилиб, кейинги қалъага кетди, деб ўйлаган. Бироқ кун ёришгач, бир қисм жангчилар ҳали ҳам қалъани қуршаб турганини кўрган. Мен кетганимнинг иккинчи куни қалъа ҳимоячилари унинг ташиқарисига чиқиб Саъад Ваққос қўшинига ҳужум уюштирган. Уларнинг икки соқчисини асир олиб, қалъага олиб ке-

тишга муваффақ бўлишган. Уларни қийнашган. Одамларимиз ҳар қанча бардошли бўлмасин, оғир қийноқларга дош бера олмай, сиримизни очиб қўйишган. Шундай қилиб душман менинг асосий қўшин билан Жумбага кетганимдан ва Саъад Ваққос оз сонли жангчилар билан қалъа ёнида қолганидан хабар топган. Тутқунлар Саъад Ваққос Шер Баҳромнинг икки шоғирдига ер ости йўлини қаздираётгани ҳақида ҳам маълумот беришган.

Саъад Ваққос ихтиёрида оз сонли жангчилар қолганини билган қалъабоши бир ҳамлада қамалга нуқта қўймоқчи бўлган. Луни қалъабошиси Картар исмли киши бўлиб* (мен ҳали у ҳақда батафсил тўхталаман), у ташқаридаги ҳиндулар билан махсус белги, ишоралар орқали алоқа қилиб турган – ўша пайт биз буни билмаганмиз. Картар бизнинг улкан қўшинимизни янчиб ташлаш учун режа ишлаб чиққан. Ва биз кетиб қолганимиздан кейин режасини Саъад Ваққоснинг оз сонли жангчиларига нисбатан ишлатган. Биринчи ҳужумдан сўнг Саъад Ваққос кечки пайт машъала ёқмасликка буйруқ берган. Душман қаерда турганимизни билмасин деган. Қолаверса, соқчиларни пайқамаслиги, мўлжал олмаслиги лозим, деб ҳисоблаган.

Луни қалъаси қамалида қолган кишилар, балки мен ҳам Саъад Ваққос каби ҳаракат қилишим мумкин эди, яъни охиригача курашиб, асир тушгандан ўлишни афзал кўрган бўлар эдим. Мен кетганимнинг учинчи кечаси Саъад Ваққос ва унинг жангчилари даҳшатли ҳайқириқлардан уйғониб кетганлар. Душманлар минглаб жанговар сур чалиб, филларни ваҳимага солганлар, шундай йўл тутганларки, филларнинг қочадиган йўлини Саъад Ваққоснинг қароргоҳи томонга бурганлар. Ёввойи филлар эса қароргоҳни ер билан яксон қилган. Улар қароргоҳдан ўтишлари билан орқадаги сур овозлари тиниб, олд томондан сур чалинган. Филлар энди ортга қайтиб, ҳозиргина янчиб ўтган қароргоҳни яна оёқости қилиб орқага қараб югуриб ўтишган. Отлар, чодирлар, ас-

* Картар – қадимги Ҳинд тилида «жанговар» деган маънони англатади.

карларнинг бир қисми ана шу тала-тўп ичида йўқолиб кетган. Саросималик қароргоҳда авж палласига чиққан вақт душман қўққис ҳужум уюштирган.

Шундан сўнг сур наволари тиниб, филлар ўз йўлига равона бўлган. Шундай вазиятда ҳар қандай моҳир саркарда ҳам пароканда бўлган қўшинни тезда тўплаб, жанговар сафга тизиши қийин. Зеро, бундай тала-тўпдан кейин уюшиб олиш учун маълум бир муддат керак бўлади.

Саркарда душман яқин жойдалигини билгани ҳолда, жангчилари шунга ўхшаш саросималикка тушиб қолмаслигининг олдини олиши керак. Уйқуга кетишдан аввал эҳтимоли бўлган барча ҳолатлар, уларнинг ечимлари ҳақида ўйлаш лозим. Шундай ҳол содир бўлганда қароргоҳни йиғиштириб, жангчиларни тартибга келтириш осон иш эмас. Оқибатда, Саъад Ваққос жангчиларини тезлик билан уюштира олмаган, бундан фойдаланган Картарнинг жангчилари уларнинг устига бостириб келган.

Картар ўғирлаб кетилган соқчиларни қийнаш орқали, ўғлим қайси чодирда туриши ҳақида маълумот олган. Уни тириклайин қўлга туширишга буйруқ берган. Саъад Ваққос чапақай эди, яъни ёзувни ҳам, қилич чопишни ҳам чап қўли билан бажарар эди. Йигирматача душман билан жанг қилган, бир нечта жароҳат олган, ахийри унинг чап қўлини яралаб, йиқилгач қалъага олиб боришган.

Картар жангчилари орқали менинг ўғлим асирга тушганини, ортиқ жанг қилишдан фойда йўқлигини айтиб, жангчиларимга овоза қилган, аммо бизникилар ҳинд тилини тушунмаганлар – жанг қилишда давом этганлар. Масаланинг моҳиятини англаб, у жарчи сифатида асирлардан фойдаланган. Улар ўз тилимизда юқоридаги гапларни овоза қилганларидан сўнг жангчиларимиз жанг қилишни тўхтатганлар.

Ўша кечаси рўй берган воқеалар пайтида Саъад Ваққоснинг бир қисм жангчилари қочиб яширинишга муваффақ бўлганлар. Бир қисми ҳалок бўлган, яна бир қисми ботқоққа ботган. Эрталабга қадар уларнинг: «Тортиб олинглар! Қутқаринглар!» деган илтижолари эшитилиб турган. Аммо ҳеч ким уларга ёрдам бермаган – охир-оқибат балчиқ уларни

ютиб юборган. Кун ёришган чоғ уларнинг овози эшитилмас, балчиқ остидан фақат пуфакчалар билқиллаётганини кўриш мумкин бўлган. Мен буларнинг барчасини кейинроқ, Деҳлидан қайтганимдан сўнг, Луни қалъаси атрофидаги одамлардан сўраб билдим. Хуллас, ўша кеча бир қисм жангчилар турлича ўлим топган: ким жангда олишиб, ким филларнинг оёғи остида қолиб, ким ботқоққа ботиб ўлган. Бир қисм жангчилар қочган, аммо ҳиндулар кейинроқ уларни ушлаб қатл этган. Бир қисм жангчилар эса, жумладан, Саъад Ваққос ҳам душман қўлига асир тушган. Эртаси куни Картар Саъад Ваққосни – ярадор асирни ҳузурига олиб келишларини сўраган. Ундан менинг номимга, агар Ҳиндистондан чиқиб кетмасам, уни ўлдиришлари мумкинлигини билдириб хат ёзишини мажбур қилишган. Саъад Ваққос: «Кўрмаяпсанми, чап қўлим яраланган, ўнг қўлим билан хат ёза олмайман!» – деган. Картар ғазабланган: «Сен ёлғон гапираяпсан, ёза оласан!» – деб дўқ урган. Саъад Ваққос унга жавобан: «Ҳаддингдан ошма! Дунёнинг ярмини қўлида тутиб турган Амир Темур Кўрагоннинг ўғли ёлғон гапирмайди!» – деган. Кейин Картар тилмоч орқали фикрини тушунтириб: «Сен, отанг сеники эканини англайдиган бирор-бир белги қўй. Мен хатни бошқа бировга ёздираман», – деб таклиф киритибди. Саъад Ваққос дебди: «Айтайлик, мен бирорта белги қўйдим ҳам, ўйлайсанки, отам шунга ишониб ортига қайтадимми – сен отамни билмайсан!» Картар дебди: «Бундан чиқди, отанг сени яхши кўрмас экан-да?» Саъад Ваққос унга жавобан шундай дебди: «Агар мени ўлдиришса, унинг ўғиллари орасидан фақат менинг қисматим шундай кечган бўлмайди. Менгача акам ҳам худди шундай ўлим топган». «Аканг қаерда ўлган?» – сўрабди у. «Форсда», – деб жавоб қилибди Саъад. Шундан сўнг Картар яна бир карра ишонч ҳосил қилиш учун сўрабди: «Демоқчисанки, хат ёзиш бефойда! Отанг сенинг ҳаётинг хавф остида эканини билса-да, йўлидан қайтмайди?» Саъад Ваққос: «Бунга заррача ҳам шубҳам йўқ. Отам шунақа одам, ўғлини қутқариш учун ҳеч қачон Ҳиндистонни ташлаб, ярим йўлдан қайтмайди!» – дебди. Шунда у: «У ҳолда отангни сенинг мотамингни тутишга мажбур қиламан!» – дебди. Саъад Вақ-

қос: «Кейин ўзингга ёмон бўлиши мумкин, шуни танангга яхшилаб ўйлаб кўр!» – деб уни огоҳлантирибди. «Менга нима учун ёмон бўлади?» – таажжубланибди у. Саъад Ваққос дебди: «Отам қайтгач, сени, албатта, топади. Мени тирик қолдирсанг, эвазига сени тақдирлайди, лавозим беради – акс ҳолда бошингга шундай кунларни соладики, буни сенга раво кўргим келмаяпти!» Картар айтибди: «Биринчидан, душманнинг лавозимини менга кераги йўқ, иккинчидан, мен бу қалъада эканман – отанг менга етиб бўпти!»

Шундан сўнг ўғлим Мират қалъабошиси Алашар ҳам шундай қайсарлик қилганини, оқибат асир олинганини, мен унга олижаноблик қилиб – ҳаётини сақлаб қолганимни айтибди. Луни қалъабошиси Картар унга эътироз билдирибди: «Алашарнинг тирик қолиши отангнинг олижаноблигидан эмас, балки ёмғир туфайли содир бўлди!»

Хуллас, уларнинг баҳси узоқ давом этган. Саъад Ваққос уни ўзини ўлдирмасликка кўндириш учун роса уринган. Ахийри бошини орқага ташлаб, унда ўлдирақол, деган. Картар эса уни шу зайл осонгина ўлдирмаслигини, аввало кўксини ёриб, юрагини юлқиб олишини, сўнг терисини шилиб, ичига сомон тиқишини айтган. Тери шиладиган ва сомон тиқадиган моҳир жаллодлари борлигини айтган. Шунинг учун бошини кесмаслигини билдирган. Шундай қилинганда у худди ухлаб ётган одамга ўхшашини айтган. Ўғлим унга илтимос қилиб, бундай қийноқларга дучор қилмаслигини сўраган.

Картар ҳукми ўқиб бўлган эди. Саъад Ваққоснинг кўксини ёриб, юрагини суғуриб олишган. Сўнг терисини шилиб, ичига сомон тиқишган. Танасини эса бошқа ўликлар билан бирга чўлга улоқтиришган.

Жумба қалъаси баланд тепалик устида қурилган аввалги икки қалъадан фарқли ўлароқ, водийнинг ўртасида жойлашган эди. Бу сўз ҳиндчада «илон» деган маънони англатади. Қалъани қуриш пайтида бу ҳудуд илонлар билан тўлиб-тошган жой бўлган. Ҳатто шу сабаб қурилиш маълум муддат тўхтатиб қўйилган ҳам дейишади. Илонлар бу ерларни тарк этгачгина, қалъа пойдеворини ташлаш имкони туғилган экан. Туб аҳолининг айтишича, пойдевор учун ерни икки сув йўли чуқурлигида кавлашган эмиш. Агар ўша ҳудудда

биринчи сув йўли 20 заръ, иккинчиси 45-50 заръ чуқурликда эканини ҳисобга оладиган бўлсак, пойдеворнинг баландлиги 50 заръ бўлиб чиқади. Одам боласининг табиатига хос бўлган бир қусур бор – ҳамма нарсани бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам эшитма гаплар ҳақиқатдан йироқ бўлади. Мен биламан, бунинг каби пойдевор ости чуқурини сўзда кавлаш осон. Ваҳоланки, пойдевор учун бунча чуқурликнинг зарурати йўқлигини назарда тутадиган бўлсак – шубҳам ўз-ўзидан тасдиғини топади. Қалъага боргунча бунақа бекорчи гапларга унча аҳамият бермадим. Қалъага яқин бориб, бошқа бир қизиқ ҳолнинг гувоҳи бўлдим. Бу пойдеворнинг баландлиги ҳақидаги гап-сўзлардан кўра ажабланарлироқ: қалъа ҳимоячилари нуқул аёллардан иборат эди.

Бундай бўлиши мумкинлигига шубҳам бор эди, ўйлагандимки, қалъа ҳимоячилари истеҳкомда хотин, бола-чақалари билан яшашса керак. Аммо, қалъа остонасида бир кун тургач, қалъа ҳимоячилари нуқул аёллардан иборат эканига амин бўлдим.

Улар девор устидаги иншоот ёнида тўпланишар, қарама-қарши томондагилар нималар ҳақидадир имо-ишора қилишар, аҳён-аҳён аёл кишининг товуши ҳам эшитиларди. Уларнинг орасида бирорта ҳам эркак кишининг йўқлиги аён бўлди. Хотинларнинг қўлларида на қилич, на найза – қурол деган нарса кўринмасди. Албатта, бу уларнинг қуролланмаганлигидан эмас, балки девор устига чиққанда, бунга асос бўладиган зарурат йўқлигидан далолат берарди.

Қалъа атрофида хандақ қазилган, бироқ унда сув йўқ йўқ эди. Хандақнинг атрофи девор тўсиқ билан ўралганлиги боис, отларимиз ундан оша олмади. Кўприк эса бузиб ташланган. Қалъага келганимиздан сўнг, бир муддат вақт ўтиб, аниқроғи чошғоҳ пайти уни қуршаб олдик. Қалъа девори устида сочилган аёллар эса ҳиндийда нималарнидир деб, бақир-чақир қилишарди. Менинг жангчиларим уларга қараб, ўз тилимизда гапиришмоқда эди. Фикримча, қалъа пайдо бўлгандан бери, қамал амалга кирган дастлабки дамлардан бери, бу иш қуршов қилганлар ва қуршовдагиларнинг мулоқотидан бошланади.

Гарчи бу менинг ваколатимга кирмаса ҳам, жангчиларимга қалъа ҳимоячиларига ҳақоратомуз гап айтмасликларини, кишининг шаъни, қадр-қимматини ерга урадиган ноллойиқ сўз ишлатишни ман қилганман. Агар жанггоҳларда ҳам биров сўкинса, рақибига нисбатан ношаърий сўзларни қўлласа ва бундан мен воқиф бўлсам, қаттиқ жазолайман. Шу боис, менинг табиатимни яхши билган жангчилар қалъа ҳимоячилари бўлган аёлларга беозоргина гап отиш билан кифояланмоқда эдилар – бу эркак ва аёл мулоқот қилганида ишлатиладиган ҳазил-мутойиба сўзлар эди. Қалъа девори устида тош отиш мосламаларининг йўқлиги, ҳимоячилар фақат аёллар эканини ҳисобга олиб, уни қўлга киритиш учун лаҳим кавлаш шарт эмас, деган қарорга келдим. Нарвон билан ҳам уни забт этишимиз мумкин эди. Ҳарбий саркардаларим ҳам бу фикримни маъқуллашди. Биз қалъани қўлга киритиб, сўнг уни бузиб ташлашимиз лозим эди. Токи Деҳлидан қайтишда у бизга халақит қилмасин.

Биз ўзимиз билан нарвон олиб юрмасдик. Бунинг иложи ҳам йўқ. Шунинг учун тезликда нарвонлар яшашга буйруқ бердим. Жангчиларим дарахт кесишга тушиб кетишди. Ичкаридаги аҳволни сўраб билайлик, десак атрофда бирорта ҳам ҳинду учрамади.

Менда яна бир тахмин бор эди: назаримда, жангчиларимиз деворга чиқа бошлашлари биланоқ, деворнинг устида қуролланган эркаклар пайдо бўладигандек туюлди. Ахир ҳарбий истеҳкомда, нуқул аёлларнинг бўлиши – ҳеч ақлга сиғмас ҳолат эди-да!

Менга хос соқчиларимдан бири, доно инсон Назир-ад-Дин Умар (айни пайтда бетоблиги боис ёнимда эмас), «Қалъа ичкарисида эркаклар бор, ўзларини яшириб пистирмада туришибди. Қалъани олиш қийин кечмайди, деган фикрни бизга сингдириб, чалғитиш учун аёлларни тепага чиқариб қўйишибди», деган эди. Мен ҳам шу фикрда эдим. Ичимда бир гапни такрорладим: «Бу тузоқ, бизни чалғитиш учун ишлатилган ҳийла...»

Қуёш ботгач, мен жангчиларимни кечаси ҳужум бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирдим. Ҳужумга ҳужум билан қаршилиқ кўрсатишга тайёр туришларини тайинладим. Аёл-

лар девор устида қуёш ботгунча туришди. Сўнг ғойиб бўлишди, балки қоронғида кўринмай қолишгандир ёки ухлагани кетишгандир – билмадим. Тунги ҳужум эҳтимоли боис қароргоҳда олов ёқмадик, бироқ машғалалар тайёр эди. Агар душман қўққисдан бостириб келса, биз уларни ёқиб, душманни кўришимиз мумкин эди.

Ўша кеч намоздан сўнг дам олиш учун ўз чодиримга кетдим. Лекин, тарки одат – амримаҳол: жанг олдидан узоқ ёта олмайман. Шунинг учун ҳам ташқарига чиқмоқчи бўлдим. Ҳарбий уст-бошимни тартибга келтириб, боғичларимни боғлаб, чодирдан чиққан эдим ҳамки, даҳшатли бир қичқириқ қулоғимга чалинди, кейин иккинчи чинқириқ эшитилди. Ҳар икки қичқириқ қароргоҳимиз ичидан таралганди. Душман бостириб кирибди, деган ўй ярқ этди хаёлимда. Бир муддат ўтмай қичқириқлар кўпайиб кетди – санаб санаб етиб бўлмасди. Менинг хавфсизлигимга масъул жангчиларнинг айтишича, бу ғайриоддий босқин эди. Илло, қароргоҳни кўриқлаб турган соқчилардан ҳеч қандай хабар йўқ, сиртдан қараганда ҳеч қандай ҳужум аломатлари кўринмасди. Ҳарбий саркардаларнинг машғалаларни ёқиш ҳақидаги буйруқлари янгради. Улар ёқилгач эса яна қичқириқлар кучайди: «Илон!...Илонлар!...»

Менинг атрофимда ҳам бир нечта машғалаларни ёқишди. Бизга томон ўрмалаб келаётган кўплаб илонларга кўзимиз тушди. Мен қиличим билан улардан бирини иккига бўлиб ташладим. Аммо улар ҳар томондан келмоқда эди. Айримлари оловдан кўрқиб ортга қараб ўрмалай бошлади – англадимки, оловдан қочар экан.

Дарҳол гулҳан ёқишга буйруқ бердим. Ҳарбий саркардаларимга одам жўнатдим, улар ҳам олов ёқишларини тайинладим. Қароргоҳдан шу йўл билан газандаларни ҳайдай олардик, холос.

Олов ёруғида қанақа илонлигини аниқламоқчи бўлиб, яқин бориб қарадим – «капча» экан. Жангчиларимиз уларни босиб олишар, сўнг қилич билан чавақлашар, шу залда бир нечтасини илонлар чақишга ҳам улгурди. Мен қоравуллар томонга одам юбориб, ташқаридан душман ҳужуми бўлган, бўлмаганини билиб келишларини тайинладим – душ-

ман ҳужуми йўқ экан. Ҳамма ёқда олов ёқилгач, ниҳоят илонлар қочишга тушди.

Ўша кеч ҳеч ким ухламади ҳисоб, ҳамма илондан қўрқарди. Ростини айтиш керак, илон деса, учиб тушаман, эгим жунжикиб кетади, калламга мени илон чаққандаги совуқ хотиралар ўрмалаб киради. Қароргоҳнинг ҳар жой-ҳар жойидан ингроқлар эшитиларди. Уларга зарур ёрдамлар кўрсатилаётганига шубҳам йўқ, аммо уларнинг бир қисми илоннинг заҳри таъсирида қайтиб ўрнидан турмаслигини ҳам билардим – зеро, «капча»нинг заҳрини мен танамда синаб кўрганман.

Илон чаққанда нима қилиш кераклигини деярли ҳамма билади, шунинг учун бу ҳақда муфассал тўхталмоқчи эмасман. Назириддин Умар тиббиётдан яхшигина хабари бор киши эди. У жангчиларга, «Агар кимни илон чаққан бўлса, ўша жойни пичоқ билан тешиб, қонини сўриб ташласин. Агар бу ишни ўзи қилиш имконига эга бўлмаса, ўртоғи қонни сўриб ташласин», – деди. Бундан ташқари, у бир қатор малҳамлар ҳам тайёрлаб берди. Ўлдирилган илонларни улоқтириб юбормасликни тайинлади. Уларнинг бошини кесиб олиб, ундан малҳам тайёрлади. Сўнгра ана шу малҳамни илон чаққан жойига, пичоқ билан ёриб қонни сўриб олганларидан кейин, боғлашни буюрди. Агар айтганлари тўғри бажарилса, жангчилар оёққа туриб кетишларини айтди. Эртаси кун малҳам тайёрлаш учун жангчиларимиз ўлик илонларни тўплаётганларида бир нарса маълум бўлди. Илонлар қароргоҳимизга, биз ўйлагандек чўлдан ёки бутазордан эмас, қалъа томондан келган экан. Илонлар чиқиб қочганда ҳам қалъага томон кетишган. Эртаси кун биз нарвонлар ясашни давом эттирдик ва куннинг иккинчи яримида ишни охирига етказдик.

Қалъани ишғол қилиш олдидан ҳарбий саркардаларимни ҳузуримга тўплаб, жангчиларга қуйидагиларни қатъий тайинлашларини буюрдим. Яъни «Улар қалъада нафақат ҳали ўзини кўрсатмай турган эркак жангчилар, балки кечаги илон газандалар билан ҳам тўқнашишларини билсинлар ва шунга тайёр турсинлар. Илонларга қарши энг самарали восита – олов. Шунинг учун ҳар бир жангчининг ёнида машъала бўлсин», – дедим.

Назириддин Умар илонлар кундузи унчалик қўрқинчли эмаслигини айтди. «Чунки кундузи қуёш уларнинг кўзини қамаштирар экан, шундан инига яшириниб олади». Кечаси ов учун уларга қулай пайт... Шунингдек, илонлар агар қалъадан чиқарилиб юборилган бўлса, демак, у ерда айна шу ишни ташкил қилган илон ушловчилар ва ўргатувчилар ҳам бор бўлиши мумкин. Оловдан қочган илонлар яна қалъада тўпланган бўлиши керак», – деб у ўз фикрларини баён этди.

Мен пешин намозини ўқиб бўлгач, қалъани ишғол қилишга буйруқ бердим. Жангчиларим нарвонларни деворга тиркаб, ундан юқорига кўтарила бошладилар. Кўп ўтмай юқорига чиқиб олдилар. Биз тахмин қилгандек, қуролланган эркаклар кўзга ташланмади. Аёллар ҳам ичкарига беркиниб олишдими – улардан ҳам сас-садо бўлмади. Ҳарбий саркардалар томонидан огоҳлантирилган жангчиларимиз деворга қўрқа-писа чиқмоқда эдилар. Ичкаридаги аҳволни билиш учун қалъа девори устига чиққанимда, менинг ҳам кўнглимдан шундай кечинма кечди. Қалъа саҳнида уйчалар бўлиб, уларнинг орасида бўшлиқ жойлар бор эди. Шунингдек уйлар билан қалъа девори оралиғида ҳам бўшлиқ саҳн қолдирилган, худди шундай саккизта саҳн турли йўналишда жойлаштирилган. Жангчиларимиз уйларга бориш учун ана шу бўшлиқларни кечиб ўтиши керак. Мазкур бўшлиқларда ғуж-ғуж илонлар бижғирди. Айримлари қалъа деворига чиқиш учун ўрмалар, бироқ у тик ва силлиқ бўлганидан ерга қулаб тушарди.

Илонлардан сал нарироқда қалъа ҳимоячилари хотинлар туришганини, қўлларида қизил латта боғланган таёқчаларни тутиб олишганини пайқаб қолдим. Улар таёқчаларни силкитишиб нимадир деб бақирришарди. Чуғурлаётган аёлларнинг гапидан биргина сўзни англаш мумкин эди: «жумна!»

Эркак зоти йўқлигини кўриб, тилмочни чорлаб, у орқали аёллардан эркаклари қаерда эканини сўрадим. Аёллар тилмочга эркаклари йўқлигини айтишди. «Сўра-чи, – дедим, – қандай қилиб бу қалъада эркаксиз яшашади». Аёлларнинг жавобига қараганда, улар браҳманлар қавмидан бўлиб, умуман никоҳсиз яшаб ўтарканлар. Улар ҳам (баъзи насро-

ний роҳибалар ўзларини Худога бағишлаганлари каби) ўзларини Вишнуга бағишлаб, эрсиз ўтар эканлар.

Ўша кунга қадар Ҳиндистон аҳолисининг бешта кастага бўлинишини, ҳар бири ўзаро ажратилганини ва катта-кичиклигига қараб жойлаштирилганини билмасдим. Олий каста – браҳманлар ҳисобланади, уларнинг аёллари ёлгон дунёда яшамас эканлар. Энг қуйи каста – парии бўлиб, қолган барча касталарнинг вакиллари уларни ҳароми деб қарар эканлар. Улар билан гаплашмас, бир ерда ўтириб овқатланмас, агар билмай тегиб кетишса, таҳорат олиб покланиб келишар экан.

Ўша кеча қароргоҳимизга илонларини шу аёллар юборган экан. Сабаби қалъани топширмаслик бўлган.

Тилмоч орқали уларга ўз таклифимни етказдим. Кеча бизга илонлар ҳужумини уюштирган бўлишига қарамай, бунинг оқибатида бир неча жангчиларимни илон тишлаб заҳарлаган бўлса ҳам, мен бир тўда аёллар билан урушмоқчи эмаслигимни ва улар қаршилиқ кўрсатишни бас қилиб, илонларини бу ердан ҳайдаб юборсалар ҳамда қалъани бизга топширсалар, уларга ҳеч қандай зарар етказмаслигимни айтдим. Акс ҳолда қалъани куч билан эгаллаб, илонларни битта қолдирмай қириб ташлашимни, ўзларини эса жангчиларимга ўлжа сифатида бўлиб беришимни маълум қилдим. Аёллар менинг бирорта ҳам таклифимни қабул қилмадилар. Мен машғала ёқиб жангчиларимни пастга туширишим мумкин эди, аммо илонлар билан олишув қурбонсиз бўлмаслигини ўйлаб, бу фикримдан қайтдим. Чунки «капча»нинг қандай тезликда ҳаракат қилишини мен биламан. Унга тўқнаш келганман. Шунинг учун порох олиб келишларини буюрдим. Бу газандаларни шу йўл орқали йўқотмасак, қилич, ойболта ва бошқа қуроллар билан узоқ олишишга тўғри келади.

Илонлар бижғиган саҳнда рўй берган биринчи портлашдан кейин аёллар эсанкираб қолишди. Нола чекишди. Бизнинг бу усулда уларнинг илонларига қирон келтиришимиз хаёлларига келмаган эди. Илонлар қанча кўп ўлдирилса, аёлларнинг ингроғи шунчалар кўпайди. Жангчиларим ичкарига киришиб аввал биринчи, сўнг бошқа дарвозаларни ланг очишди. Ўша ондан бизнинг ғалабамиз таъминланди. Қуёш

ботгунга қадар ҳамма аёллар ушланиб, қалъа ташқарисига олиб чиқилди.

Улардан бир нечасини, катта ёшлиларини, ҳузуримга олиб келишларини буюрдим. Олиб келишди. Улардан учига қизил латта боғланган таёқчалар нимани англатишини сўрадим. Улар бунинг ёрдамида илонлар ҳамлага гиж-гижланади дедилар, чунки улар одамларнинг гапларини эшитмас эканлар. Бироқ қизил рангни яхши ажратиб, улар нимани англатишини ҳис қиладилар, деб маълумот бердилар. Мен ўша куни мана шу илон овловчи аёллардан илонлар одамларнинг товушини эшитмаслигини биринчи марта эшитдим.

Мен улардан нима учун илон овлаш билан машғул эканликларини сўраганимда, улар бу иш билан мунтазам шуғулланишларини, фақат қалъани ҳимоялаш зарурати туғилганда қурою воситасида ишлатишларини айтишди. Уларнинг хизмати билан шу пайтгача қалъани ҳеч ким эгаллай олмаган экан. «Кимки уни қўлга киритиш учун келган бўлса, охири қочиб қутулган, фақат сен уни забт этдинг!» – дейишди улар.

Аёлларнинг гапларидан билдимки, қалъада илонлар учун махсус жой бор экан. Бўйи ва эни ўттиз заръ бўлган махсус жойда «капча» зотидан бўлган илонлар сақланар экан. Жумба қалъасига қачон ҳужум бўлиш хавфи туғилса, улар тунда илонларни қўйиб юборишар экан. Илонлар ҳужумига дуч келган босқинчилар қочиб қолар экан.

Мен қалъадаги илонхонада яна илонлар борми деб сўрадим. Улар бизни батамом бу ердан қувиб чиқаришлари учун ўша кеч ҳамма илонларни чиқариб юборишганини, бир нечаси ўз инларига кетганини, қалъага қайтмаганини айтишди. Мен жангчиларимга тунда эҳтиёткор бўлишларини тайинладим. Ҳали илонларнинг ҳужум қилиш хавфи борлигини ўқдирдим. Ҳинду аёлларини эса жангчиларимга улашдим. Эртаси куни қалъани бузишга киришдик. Атрофда аҳоли йўқлиги туфайли аёлларнинг ўзларига кирки бериб, илонхоналарни бузиб ташлашга мажбур қилдик. Мен бу ерда узоқ ушлана олмас эдим. Шунинг учун кичик бир ҳарбий қисмни қолдириб, илон чаққан кишиларни ҳам уларнинг

назоратига топшириб, Деҳли сари йўлга тушдик. Жумба қалъасини қўлга киритганимдан сўнг Деҳлига борадиган йўлимизга гов бўладиган ҳеч нарса қолмади. Вали ул Мулк менга Деҳли ҳақида айрим маълумотларни сўзлаб берган эди. Йўл-йўлакай ўша суҳбатимизни эсладим. Демак, Деҳли қалъасининг истехком девори улкан тошлардан барпо этилган, девор атрофида чуқур кавланган. У, шунингдек, Деҳли ҳукмдорини жуда қудратли одам эканлигини, беҳисоб олтинлари борлигини, хоҳласа 500 минг сонли аскар йиғи олиши мумкинлигини айтган эди.

Фур ҳукмдори яна бир янги маълумотни етказди, унинг мамлакатига Деҳли девори уч қатор эканлиги ҳақида гап бор эмиш.

Мен Деҳли деворини бугунги аҳволи ҳақида сўраган эдим, Эбдала Гилзайи етарли маълумотга эга эмаслигини, аммо девор жуда пишиқ, мустаҳкам эканлигини, порох портлагичларига ҳам бемалол дош беришини айтди.

Жумбадан чиққанимиздан икки кун ўтиб, кечки пайт қўшинга тўхташ тўғрисида кўрсатма бердим. Қароргоҳ қурдик. Шу пайт менга аллақандай ҳиндулар қўшинимга ёлланниш учун келганларини айтишди. Таажубландим, уларнинг бир неча вакилларини олиб келишларини сўрадим. Ўзим улар билан мулоқотда бўлиб, хоҳиш-истакларини эшитмоқчи бўлдим. Уларни олиб келишгач, тилмоч орқали мақсад-муддаолари не эканлигини сўрадим. Улар мени Деҳлига ҳужум қилаётганлигимни билиб, ўша шаҳарни забт этишимга ёрдам беришмоқчи эканликларини айтишди. Агар мен уларни қўшинимга олмаган тақдирда ҳам, Деҳлини олиш учун уларнинг қобилиятлари доирасида топшириқ беришим мумкинлигини, биргина шарт шунга яраша ҳақ тўлашимни баён этишди. Хотин, бола-чақалари тўйиб овқат еса бас экан. Мен уларга «Ахир сизлар ҳинду бўлсаларинг, менга қўшилиб ўз диндошларингга қандай қўл кўтарасизлар?» – дедим. Улар ўз ватандошлари томонидан доимо «қароми» деб таҳқирланишларини, агар менинг қўшинимга ўтсалар, биз уларга бундай паст назар билан қарамаслигимизни билиб, худди ўз жангчиларимдек кўришимни истаб келишибди. Таклиф билан келганларининг боиси шу экан. Сизлар мабодо

париилар эмасми, деб сўрагандим, улар тилмочни таржима қилишини ҳам кутмай, саволимни тасдиқладилар. Айтишларича, парии бўлганликлари учун ҳам очлик ва муҳтожликда кун кечиришга, бировларнинг қолдиқ овқатини ейишга, энг нотоза жойлардагина ишлашга маҳкум эканлар.

Уларга дедим: «Агар сиз ислом динини қабул қилсангиз, сизни ҳеч ким камситмайди. Бир шарти мусулмонлардек яшаб, барча мусулмонлар қатори ҳуқуқларга эга бўласиз. Лаёқатингиз нимага етса шу ишда ишлайсиз. Мусулмонлар қизларини сизларга узатишлари ҳам мумкин ва, ўз навбатида, қизларингизни келин ҳам қилишади».

Улар мусулмон бўлишга иштиёқлари баланд эканини айтишди. Кейин бирор-бир мусулмон мамлакатидан жой берсам, хотин, бола-чақалари билан, кўчиб бориб яшамоқчи эканликларини билдиришди.

Мен улардан нима учун кўчмоқчи эканликларини сўрадим. Улар мусулмон бўлиб, менинг қўшинимга кирсалар, ҳиндулар уларни ёмон кўриб қолишлари, ҳатто оилаларини ўлдиришлари мумкинлигини айтишди. Шунинг учун ҳам агар бирон-бир мусулмон давлатидан жой берсам, улар ўша ерда ўтроқ бўлиб яшамоқчи эканлар. Мен уларга Ҳиндистоннинг мусулмонлар яшайдиган минтақаларидан жой беришимни айтдим. Шундан кейин Ҳиндистоннинг қайси жойига борган бўлсам, ўша жойда яшовчи парииларнинг эркаклари келиб, қўшинимга ёзилиб мусулмон динини қабул қилишди.

Деҳлига бораётиб, йўлда Язда деган қишлоққа дуч келдик. Менимча, бу сўз Яздон (Худо, Яратувчи) сўзининг бузиб талаффуз этилишидан келиб чиққан бўлса керак. Биз у қишлоққа яқинлашганимизда бир гуруҳ кексалар қаршимизга чиқиб келди. Улар менга «Эрон ҳукмдори» деб мурожаат қилишди. Мен улардан ким эканликлари, нима иш қилишларини сўрадим. Улар оловпарастлар эканликларини, қачондир уларнинг аждодлари Форс, Кармана ва Язда яшаганликларини, кейинроқ Халлож сулоласидан бўлган бир ҳукмдор ер-жой қилиб берганидан бери, мана шу қишлоқда яшаб келаётганликларини айтишди.

Ҳузуримга келган кишилар форс тилида гапирар эдилар. Уларнинг тили Кармана лаҳжасига яқин эди. Мен қойил

қолдим, ота-боболари ўз юртидан чиқиб Ҳиндистонга келганига 200 йилдан ошса ҳам, ўз тилларини йўқотишмабди. Вақт пешинга яқинлашгани ва бир фурсат дам олиш имконимиз бўлгани боис, мен Яздада тўхтаб кексалар билан бир муддат суҳбатлашдим. Мени ҳайрон қолдирган нарса уларнинг Қуръонни ўқишгани ва мазмунидан хабардор эканликлари бўлди. «Биз комил ишонч билан айта оламизки, бошқалар тасаввур қилганидек Худосиз эмасмиз. Зеро, бизнинг китобимиз бор – Зенд (Авесто). Бу жуда қадимий қўлёзмалардан бири. Қолаверса, Қуръонда ҳам қайси халққа китоб нозил бўлган бўлса – у ҳалолдир деб айтилган», – дейишди. Мен уларга жавобан, «Аллоҳ Қуръонда Худосизларни кофир деб атаган, шунинг учун улар бизнинг назаримизда шундай, биз мусулмонларнинг назарида», – дедим.

Оташпараст уламолар айтишдики, улар шаккок эмас, илло санамларга сиғинмайдилар. Кўп Худога эмас, ягона Худога ишонадилар. Мен уларга дедим: «Сиз оташпарастлар, сизнинг санамингиз – олов!» Улар жавоб қилди: «Биз оташпараст эмасмиз, балки тўрт асосий унсурнинг бири сифатида оловни қадрловчилармиз!»

Шундан кейин Эрон шоҳлари ҳақида суҳбатлашдик. Улар Эрон тарихини яхши билар эканлар. «Шоҳнома»ни ўқишган ва ҳозиргача ўқиб келишар экан. Улар айтишдики, Эронда ҳам худди Ҳиндистондаги каби, халқ бир неча қатламдан иборат бўлиб, ҳар бири алоҳида-алоҳида ном билан аталар экан. Биринчи қатлам маъбуд руҳонийлар – дин раҳнаmolари, иккинчиси – жасур жангчилар, асосан ҳарб ишлари билан шуғулланувчилар; учинчиси – ҳунарманд усталар ва тўртинчиси – деҳқонлар.

Эрон билан Ҳиндистон аҳоли қатламлари орасида битта фарқ бор. Ўша муҳим фарқ – қадимги Эронда Ҳиндистон каби парии қатлами бўлмаган. Ҳиндистондаги бу қатлам то шу пайтгача лаънат ва қувғинга маҳкум эди. Мен улардан майитларини қандай дафн этишларини сўрадим. Ҳиндистондаги сингари оловда ёқишадими ёки бошқача йўл тутадиларми – шуни билмоқчи бўлдим. «Биз ҳиндулар каби бу дунёдан рихлат қилган инсонларни гулханда ёқиб, сўнг кулини дарёга сочмаймиз», – дейишди улар. Сўнг оташпа-

растлар орасидан бири қўли билан унча баланд бўлмаган тоғни кўрсатиб: «Биз марҳумларимизнинг жасадларини ўша ёққа обориб қўямиз. Уларнинг этлари шамол, қуёш, ёмғир остида эт, қон ва иликдан тозаланади. Шундан кейин суякларини ўша тоғдаги қудуққа ташлаймиз», – деди. Улар тўрт муқаддас унсур: олов, сув, ҳаво, ер тушунчасида собит эдилар. Ҳиндуларнинг марҳумларни ёқиб, кулини дарёга оқизишларини сувни булғайди деб ёқламаганлари каби, ўликларни кўмиш ҳам худди шундай тупроқни булғаш билан тенг деб ҳисоблашар экан. Мен уларнинг қадимги ватанларига қайтиш ниятлари борми, йўқми шунга қизиқдим. Улар у ёқда тирикчилик қилишга қийналиб қолишлари мумкинлигини, улар эса қашшоқ яшашга одатланишмаганини, оловга сифинувчилар ҳеч қачон бировдан садақа сўрамаслигини; агар Эронга кўчиб боришса, очлик ва муҳтожликда ўлиб кетишлари тайинлигини сўзлашди. «Қолаверса, Эронни бугун сен бошқаряпсан, бизга яхши муносабатдасан, умринг узоқ бўлсин, илоҳим. Илло, эрта сенинг давринг ўтганидан кейин тахтга чиққан одамнинг бизга муносабати қандай бўлади – ёлғиз Худога аён. Шунинг учун шу ерда қолиб, шу ўлкада яшаганимиз маъқул!» – дейишди.

«Мендан кейин салтанатимни менинг фарзандларим давом эттиришади. Уларга сиз ҳам аҳли китоб эканингизни, моли жонингиз дахлсиз эканлигини васият қилиб кетаман», – дедим уларга.

«Эй, улуғ Амир! Ҳиндистон бизнинг ватанимиздек бўлиб қолган. Шу ерда яшашга олатландик, биз энди ўз тақдиримизни бу заминдан айри тасаввур қила олмаймиз!» – дея узрхоҳлик қилишди улар.

Биз шундан сўнг Яздани тарк этиб, Деҳли томон йўл олдик. Агар Малу Эқболнинг ўрнида бўлганимда ўзимга ва кўшимга тош, гишт ва лойнинг орқасидан паноҳ ахтармай, душманнинг қаршисига чиққан бўлар эдим. Ёшим етмишни қоралаб, ёшлигимдан ҳозирга қадар бу тахлит паноҳ топишга ҳаракат қилмаганман, шаҳар деворлари ортига беркиниб олишни кўрқоқлик деб баҳолайман. Ҳақиқий жангчи юртини ёвдан бу тахлит ҳимоя қилмайди, халқни хавф-хатарга қўймайди. Ҳар қандай қалъанинг қудрати унда яшайдиган одамларнинг бар-

дош, матонати билан белгиланади. Агар мана шу одамлар ҳақиқатдан кучли ва матонатли бўлсалар, қалъа қуламайди. Акс ҳолда барча одамлар, ҳатто пайғамбарлар ҳам таом ва сувга муҳтож. Агар овқат ва ичимликдан зориқса, Золнинг ўғли Рустам ҳам оёғида тик тура олмайди. Шундан қалъа узоқ вақт қамал қилинса, охир-оқибат у таслим бўлишдан ўзга чора топмайди. Биринчи навбатда, Деҳли сингари йирик қалъани очлик ва сувсизлик емиради.

Малу Эқбол мулоҳазакор одам бўлганида бундай катта шаҳар қамалга дош бера олмаслигини англаган бўлар эди. Шу ўринда, ҳар бир фуқароси ҳар куни 50 мисқол овқат ейдиган, боз устига асосий таоми гуруч ва майиздан иборат, гўшт тановул қилмайдиган миллион киши учун қанча озиқ-овқат захираси керак бўлишини бир кўз олдингизга келтиринг. Ана шунда Малу Эқболнинг қанчалик калтабин бўлганига ўзингиз амин бўласиз.

Малу Эқбол ва унинг иттифоқчиси бўлган Маҳмуд Халлож майиз билан гуручни қанчалар ғамлаган бўлмасин, у Деҳли аҳолисининг эҳтиёжини узоқ вақт қондира олмаслиги аён ҳақиқат. Мен агар уларнинг ўрнида бўлганимда халқимга жабр қилмай, қўшинимни очиқ майдонга олиб чиқиб душман билан аёвсиз курашган бўлар эдим. Енгсам қалъага зафар билан қайтар эдим, енгилсам жанг майдонида ўлиб, ўз шаъним ва пок номимни сақлаб қолар эдим.

Қалъа ичига беркиниб олиш – бу заифлик белгиси, бундай йўл тутган одамлар ўлишдан чинакам қўрққанлари боис, шундай йўлни танлайдилар.

Мен ҳамиша бир нарсадан таажжубланаман, Малу Эқбол ва Маҳмуд Халложга ўхшаш, ўлимдан қўрқадиган одамлар қандай қилиб ҳукмдорлик даъво қила оладилар? Ахир тахт, тож ва ҳокимият аслида ўз мамлакати бахт-саодати, халқининг тинчлиги ва осойишталиги йўлида жонини қурбон қила оладиган, бу ҳаёт лаззатларидан воз кеча оладиган инсонларга ярашади-ку! Бу ўринга ана шундай одамлар муносиб. бироқ нега нолойиқ кимсалар номуносибликларини билганлари ҳолда – унга талпинадилар. Мамлакатни таназзулга олиб бориб, яна зўр бериб шу мавқе ва мартабани ушлаб қолмоқчи бўладилар!?

Мен ўз ҳаётини тажрибамдан биламан: бундай кимсалар ҳаётни кайфу сафо ва гўзал аёллардан лаззатланиш илинжида севдилар ва бундай имкониятлардан ажраб қолишдан қўрқиб яшайдилар. Малу Эқбол билан Мансур Халлож ана шундай инсонлар эди. Улар ҳукмдорликни ҳамма нарсага эгалик қилиш, ҳамма яхши нарсалардан татиб кўриш, барча гўзалликлардан лаззатланиш, барча қулайликлардан баҳраманд бўлиш деб англайдилар. Улар ҳеч қачон мана шундай ҳашам ва кўнгилиқликлардан кечиб, шаҳарни тарк этишга, ором курсиси ва гафлат тўшагидан юлқиниб чиқиб, чодирларда, баъзан тап-тақир ерда ётишга, зил-замбил жанговар жомаларни кўтариб юришга қодир эмас. Уларнинг таналари момиқ тўшаклар, парку болишлар, ой чехралли ожизалар оғушига омухталаниб кетган. Улар англамайдиларки, лаззатланиш иштиёқи, ташвишсиз ҳаёт кишини лоқайд қилиб қўяди. Илло гуноҳларни ювиш керак. Бунга инсон ўз танасини қийнаб, уни камситиш орқали эришади. Зеро, ҳокимият ва қудрат эгаси бўлишни хоҳлаган киши ўзини оромдан олиб қочиши, ҳар қандай лаззатлардан, ҳаттоки таъқиқланмаган лаззат онларидан ҳам баъзан воз кечиши керак бўлади.

Мен тонг чоғи Деҳли деворлари остига етиб боришни мўлжаллагандим. Ўша чоққача ўғлим Саъад Ваққоснинг аянчили тақдиридан беҳабар эдим. Аввало, Деҳли қалъа деворининг ўлчамлари ҳақида маълумот олмоқчи бўлдим. Унинг деворлари менга айтишганчалик баланд эмас экан. Бўрттирма гап-сўзлардагидек 50 заръга яқин эмас экан. Одамларнинг табиатидаги бир қусур, аввал ҳам айтган эдим, бошқаларни ҳайратга солиш учун қўшиб-чатиб гапиришга мойиллигидир. Менинг тахминимча, Деҳли муҳофаза деворининг баландлиги 12 заръдан ортиқ эмас эди. Бирор-бир жойи ўпирилмаган ёки зил кетган жойларини мен келгунимча ямаб улгуришган эди. Девор атрофида сув тўлатилган хандақ қазилганди. Бу сувнинг қаердан олиб келинганлигига қизиқдим. Маълум бўлдики, Деҳли ёнидан дарё оқиб ўтар экан ва хандаққа сувни ўша ёқдан қазиб келинган ариқ орқали олиб келинган. Ёмғирлар мавсуми бошланишига кўз тикиб, қалъадагилар дарё ва ҳимоя хандағи сув билан тўлиб

туради, деган ўйда эдилар. Қуюқ ва узун мўйловлари қулоқларига қадар буралиб кетган одамлар девор устида найза тутиб туришарди.

Ҳаёт сабоқлари менга мўйлов ва соқол инсоннинг мард ва жасурлигини билдирмагани каби, ақл ва идрокига ҳам кафил бўла олмаслигидан дарс берган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва у кишининг саҳобалари узун мўйлов ва қалин соқол қўйиб юришмаган. Илло ҳижратдан сўнг ислом асосчилари 70-80 га урушда ғолиб чиққанлар. Бинобарин, менинг жангчиларимни ҳам қалин соқол ёки бурама мўйлов билан қўрқитиб бўлмайди. У бир тутам жундан бошқа ҳеч нарса эмас. Жангчиларим соқол ўстиришдан кўра, мушакларини ўстиришни маъқул кўрадилар. Чунки жангда мушаклар иш беради, соқол эмас. Юзларини жун босган қалъа ҳимоячиларидан бири саркардаларим билан қалъа девори ва унинг остидаги хандақни кўриб, ҳудудни ўрганиб юрганимизда, мени қўшиннинг бош саркардаси деб тахмин қилиб, ёйини тортиб мўлжалга олди. Яқинларимдан бири мени қалқони билан тўсиб ҳимоя қилди. Бироқ ўқ ёнимгача етиб келмади. Йигирма заръ масофа нарига келиб тушди. Ваҳоланки, у ўқни баланддан туриб отган эди. Бундай вазиятда ўқни яна ҳам узоқроққа отиш мумкин эди. Мен ёнимдагилардан бирининг ўқ-ёйини олиб, менга ўқ узган душманни мўлжалга олдим. Менинг ўқим унгача етиб бориши учун масофа узоқ эди. Ахир унинг баланддан туриб узган ўқи менинг яқинимга ҳам йўламади-ку! Менинг пастдан туриб берадиган зарбам бир бесамар қизиққонликдан ўзга нарса эмас эди. Ҳарҳолда қалъадаги жангчи шундай деб ўйлади, чунки ўзини мўлжал олаётганимни кўриб пинагини ҳам бузмади. Қочиб яширинишни-ку, ўйламади ҳам. Ҳавода шамол йўқ эди. Шунинг учун ўқнинг йўналиши ўзгаришидан ташвишланмадим. Ёй торини кўзим баробар тортидим ва қўйвордим. Торни тортиб узоқ ушламаслик лозим, чунки ёй учини тортиб турган қўллар қалтирай бошлайди ва ўқнинг йўналиши ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Мен узган ўқ тўғри бориб унинг юзига санчилди. Оҳ-воҳ қилиб, пастга қулади.

Ўша куни қуёш ботар чоғи қалъа деворида қизил камзулли киши пайдо булди. У қўлини баланд кўтариб, сас бер-

ди: «Амир Темур!» Мен ҳам қўлимни кўтариб унга жавоб бердим: «Мен – Амир Темур, нима ишинг бор?» Кейин биз бир-биримизни тушунмаслигимизни англаб, тилмочни ёрдамга чақирдим. Тилмочнинг айтишича, у Деҳлининг бош браҳмани экан. Ҳиндуларнинг диний раҳнамоси. У Деҳлидан кетишимни талаб қилаётган эмиш. Акс ҳолда Браҳманинг ўзи мени жазолашини айтибди. Мен ундан Браҳма ким ва у мени қандай жазолайди, деб сўрадим. Браҳман жавоб қилди: «Браҳма бу осмонлар ва ерни, одамларни яратган зот, сенинг тақдиринг ҳам унинг қўлида». Мен яна қайта сўрадим: «У қандай қилиб мени жазолаши мумкин?» У жавоб қилди: «Агар Деҳлини ўз ҳолига қўймасанг, умринг қисқаради!» Мен унинг болаларча мулоҳазасидан кулдим. У давом этди: «Амир Темур, агар Деҳлидан ҳозир кетсанг, унга дахл қилмасанг, сен яна 21 йил соғ-саломат яшайсан, аксинча ҳаётинг яна етти йил давом этиши мумкин. Бундан ташқари, агар жангларда ўладиган бўлсанг, ҳаётинг янада қисқариши мумкин».

Мен Насриддин Умарга юзланиб дедим: «Эшитаяпсанми унинг гапини?» У деди: «Эй Амир, сен бунақаларга эътибор берадиган одам эмассан!» Браҳман давом этди: «Эй Амир Темур, сен ҳозир олтмиш уч ёшдасан! Агар Деҳлини ишғол қилишдан бош тортсанг ва кетсанг 94 ёшга кирасан. Агар бунга унамасанг ва ўз билганингдан қолмасанг, 70 ёшдан бир ёш ҳам ўтмайсан, ўшанда ҳам бирон-бир жангда ўлиб кетмасанг, албатта!»

Мен унга жавоб қилдим: «Эй қизил камзулли киши! Мен ва ажал қадимдан дўстмиз. У билан анчайин апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Мен у билан болалигимдан бери бирга улғайиб келяпман. Агар мени ўлим билан қўрқитмоқчи бўлсанг, овора бўлма! Бошқа мақсадинг бўлса – айт!» Браҳман жавоб қилди: «Нимани деган бўлсам ҳақиқат: агар тезда ортга қайтмасанг, кўп ўтмай қайгули бир хабар оласан». «Қандай хабар?» – сўрадим ундан. У деди: «Ўғлингни ўлими ҳақидаги хабар!»

Мен дедим: «Жангларда ҳалок бўлган жангчиларим ҳам кимнингдир ўғли эди. Уларнинг оталари фарзандларининг ўлимини қандай кутиб олган бўлсалар, мен ҳам шундай қар-

шилаيمان!» Брахман деди: «Менинг сенга айтадиган бошқа гапим йўқ!»

У қалъа деворидан ғойиб бўлди. Қуёш буржи ва Деҳли қамалининг биринчи кечаси бошланди. Мен хандақ теграсида соқчилар қўйдирдим ва атрофимдаги даштни ҳам назардан қочирмадим. Чунки қалъадагиларнинг ташқарида қўшини йўқ, деб бўлмасди. Ўша кеча ва кейинги кечаларда икки ёқлама хавф ўтди. Биринчи хавф Маҳмуд Халлож ва Мали Эқбол томонидан уюштириладиган ҳужум бўлса, иккинчи хавф чўл томондан, бирон-бир Ҳиндистон қўшини томонидан устимизга уюштириладиган босқин эди. Ўша кеч мен қароргоҳнинг барча жойларини айланиб чиқдим. Ҳамма нарса ўз ўрнида, ҳамма нарса кўнгилдагидек эканлигига ишонч ҳосил қилгач, чодиримга қараб кетдим. Совут, ҳалқали зирҳ ва дубулғамни ечиб, бир озгина дам олиш учун ётдим. Мен ўрнимга чўзилган пайт тун ярмидан оққан эди. Қароргоҳда пашша учмасди ҳатто. Қароргоҳ атрофида гулханлар ёқилган, илло ҳиндулар яна газандалар ҳужумини уюштиришлари мумкин эди.

Кечаси иккита қиличнинг ишқаланишидан ҳосил бўладиган товуш қулоғимга чалингандек бўлди. Югуриб ўрнимдан турдим. Назаримда, душман билан менинг жангчиларим қилич чопишаётгандек эди. Ташқарида шубҳали бир нарса сезмадим, шунда товуш ўз чодиримдан чиқаётганини англадим. Разм солиб боқсам, қиличим билан қалқоним бир-бирига урилиб шундай товуш чиқараётган экан. Шу пайт оёқларим остида ер силкингандек бўлди. Зилзила – хаёлимга келган биринчи сўз шу бўлди. Жангчиларим ҳам уйғонишганди!.. Қалъа ичкарасидан ҳам одамларнинг бақирӣқ-чақирӣқлари, қўрқув аралаш қий-чув кўтараётганлари эшитилди. Демак, зилзила Деҳли аҳолисига биздан ҳам кўра кўпроқ қўрқув солганди.

Бу табиий офат узоқ давом этмади. Одамларни тетиклаштириш ҳақида буйруқ бераман деб тургандим, зилзила тўхтади. Бироқ жангчиларим кеча брахманнинг қалъа девори устида туриб айтган гапларини эшитишган. Шунинг учун ҳам улар зилзилани баайни улар юборган деб ўйлашлари мумкин эди. Шу сабаб саркардаларимга жангчилар-

ни тетиклаштиришга буйруқ бердим. Зилзила ҳам қор, ёмғир, шамол каби табиат ҳодисаси эканини, браҳман бунга қодир эмаслигини, бунга фақат ёлғиз Аллоҳ қодир эканини ва айнан шу кеча зилзила содир бўлиши ҳам Аллоҳнинг изми билан бўлганини яхшилаб тушунтиришларини тайинладим.

Мен афсунгарликка ишонмайман, ҳеч қандай афсунгар табиат ҳодисаларини чақиритишга қодир эмас. Бу билан улар йўқ демоқчи эмасман. Илло, Қуръонда уларнинг мавжудлиги эътироф этилиб, тўрига тушмаслик огоҳлантирилади. Агар менинг ҳам жангчиларим Қуръонни билишганларида эди, кечаги браҳманнинг гапи ва унинг ортидан содир бўлган бу зилзиладан саросималаниб қолишмасди. Уларни саркардаларим орқали тетиклантиришимга ҳам ҳожат қолмас эди. Турли мўъжизалар кўрсатиб одамларнинг ақлини лол қолдирадиган афсунгарлар ҳам ер ва осмонга таъсир ўтказма олимасликларига, буларнинг бари Аллоҳнинг измидалигига тўла ишонаман.

Бўлиб ўтган воқеадан кейин уйқум келмади. Чодирдан чиқиб қароргоҳни айланиб чиқдим. Тартиб ва интизом кўнгилдагидек. Саркардаларим зилзила туфайли ичларига қалтироқ кирган жангчиларини тинчлантириб улгуришган эди. Шаҳардаги саросималиклар ҳам тинганди. Фақат девор остидаги аскарларнинг бир-бирлари билан гаплашаётганликларини ҳисобга олмаганда ҳамма ёқ тинч эди. Юлдузларга қараб билдимки, тонг отишига бир соат вақт бор. Озгина дам олай деб ўрнимга чўзилдим. Бироқ кўзим илинар-илинмас ташқарида тўс-тўполон бошланди. Қалъадагилар қароргоҳимиз томон улкан тошларни ёғдиришмоқда эди. Қўшин саросима ичида. Саркардаларимнинг юзларида қон йўқ. Мен ўзимдан-ўзим хафа бўлиб кетдим. Қанчадан-қанча қалъаларни қамал қилиб, бу борада тажрибам бўлишига қарамай, бу ерда бир хатоликка йўл қўйган эдим. Қароргоҳни шундоққина душманнинг бурни остига ўрнатибман. Ўша куни девор устида тош отиш мосламалари йўқ эди, шундан эътибор бермаганман. Аммо бу ўзимни оқлашга асос бўла олмайди. Зудлик билан лашкарларимни хавфсиз жойга кўчириш ҳаракатига тушдим. Саркардаларимни

қўрқиб ўзларини йўқотиб қўйганлари учун койимадим, чунки ростини айтишим керак мен ўзим ҳам қўрқдим. Биз жангчилар жангда ўлим билан юзма-юз келишга қўрқмаймиз, қилич ёки бошқа бир қуролнинг зарбасини қабул қилишимизни биламиз, аммо тун чоғи устингга тўсатдан тош ёғилса, қўрқиб қолар экансан.

Менинг қиличбозликдаги устозим, Худо раҳмат қилгур Самар тархон бир сафар менга деган эди: «Ҳар бир жангчининг ҳаётида, у ҳар қанча жасур ва мард бўлмасин, шундай дақиқалар бўладики, у қўрқувни ҳис этади. Сабаби ҳар нарса бўлиши мумкин. Уни ҳис қилмаган одам йўқ бу дунёда. Бироқ ўзини эр деб билган ҳар бир киши қўрқув қаршисида ҳадиксираб қолмаслиги, иродасини бир ерга жамлаб, ўзини ҳар томонга урмай, уни бартараф этиш чорасини излаши лозим. Агар бунинг иложи бўлмаса, ўлимга ҳам тайёр туриши керак».

Ўша кеча мен ҳам қўрқдим, аммо буткул саросималаниб қолганим йўқ. Нима қилишни билмай ҳар томонга мақсадсиз югургилаб ҳам қолганим йўқ. Зотан, ўша пайтдаги кайфиятим қўшиннинг кайфиятини белгилашини яхши билар эдим. Ҳарбий саркардаларимни тўплаб, барчаларига ҳарбий қисмлардаги жангчиларга отларни олиб хавфсиз жойга кетиш тўғрисидаги буйруғимни етказишларини тайинладим. Бу ишни тезда амалга ошириш лозимлигини, озгина сусткашлик ҳам катта талофатларга сабаб бўлиши мумкинлигини таъкидладим. Саркардаларим топшириғимни бажариш учун қароргоҳ бўйлаб югуриб кетдилар.

Тош тушган жойларни кузатиб, билдимки, жангчиларимиз қароргоҳимизни ўраб турган чуқурдан четлашсалар бас, тош уларга егиб келмайди.

Вақти-вақти билан осмондан тошлар ёғиларди. Менинг ҳам бошқалар сингари қочиб, унга чал бергим келар, бироқ қандайдир ёт ҳиссиёт бундай қилишимга изн бермасди. Ўз-ўзимга дердим: «Эй Амир Темур, тошдан яшириниш учун букчайиб қочаётганингни кўришса, саркардаларинг ва жангчиларинг олдида қўлга киритган ҳурматинг, шон-шавкатинг ер билан битта бўлади. Аёвсиз курашларда ўлим билан юзма-юз келиб, уни доғда қолдириб қозонган Амир Темур Кўрагон номинг ўчади!..»

Жангчиларни хавфсиз жойга чиқаргунга қадар қанча вақт талаб қилинса, ўша пайтгача чодирим ёнидан кетмадим. Барча қароргоҳ ҳудудини ташлаб чиққандан сўнг, шошилмай қадам босиб, улар томон кетдим. Йўл-йўлакай саркардаларимга душманнинг кутилмаган ҳужумларига тайёр туришларини буюрдим.

Шундай хатти-ҳаракатдан кейин ҳиндулар қалъадан чиқиб ҳужум қиладилар, деган ҳадиқда эдим. Чунки ҳарбий соҳани яхши билган одам қароргоҳда вужудга келган саросимали бесаранжомликдан унумли фойдаланиш пайида бўлади. Агар мен уларнинг ўрнида бўлганимда худди шундай қилган бўлар эдим. Мен қамал қилинган шаҳарда қамалиб ўтиришга одатланмаганман. Ҳарбий соҳанинг барча талабларига кўра, Малу Эқбол ва Маҳмуд Халлож айни шу дақиқаларда қалъадан чиқишлари ва бизга ҳужум уюштиришлари лозим эди. Бироқ улар бундай қилмадилар.

Кун ёришгач, қалъа деворига ўрнатилган тошотар мосламаларни кўриб, билдимки, қароргоҳга қайта олмайман, акс ҳолда душман яна тош ёғдиришни бошлайди. Мен оз сонли жангчиларни юбориб, чодир ва бошқа лаш-лушларни йиғиштириб келишларини буюрдим. Ўша кун янгидан қароргоҳ қурдим. Энди бизнинг ўқларимиз ҳам, улар отган тошлар ҳам ўртадаги масофани кесиб ўтишга қодир эмасди.

Малу Эқбол ва Маҳмуд Халлож бизга қўққисдан ҳужум қилиши мумкин бўлгани ҳолда, бу имкониятдан фойдаланишмади. Унинг аҳамиятига етарли эътибор беришмади. Шунинг баробарида кўрган талофатларимиз мени музтар қилди, ёшлик дамларимдан жангу жадалларда юриб етарли тажриба тўплай олганим алам қилди. Кеча тошпарронга учраганимиз мен учун аччиқ сабоқ бўлди. Эҳтимол, Ҳиндистон заминига кирганимдан буён қўлга киритиб келаётган натижаларимдан ғурурланиб кетгандирман. Душманга етарли баҳо бермадим. Унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмадим. Бундан яхшигина дарс олдим, ҳушёр тортдим ва бундан буён бунинг каби эҳтиётсизликка йўл қўймасликка қарор қилдим.

Янги қароргоҳни кўриб бўлишим биланоқ, саркардаларимни кенгашга чақирдим. Масала битта: Деҳли қалъасини

қайси йўл билан ишғол қилиш – шу борада уларнинг маслаҳатларини олмоқчи эдим. Саркардаларим қаторида Шер Баҳром ҳам ўша кенгашда бор эди. Мен дедим: «Шаҳарни қуршаган дастлабки дақиқаларда Малу ва Маҳмуд уйқудан кўзини оча олмабди, шаҳар ҳимояси учун ҳеч қандай иш қилмабди, деган фикрга келгандик. Кечаги воқеа эса бунинг тамоман аксини кўрсатди. Шаҳар атрофи сув тўла хандақ билан ўралган ва биз ундан ўта олмаймиз. Хандақлар остидан ер ости йўлагини кавлаш ўта машаққатли ва кўп вақт талаб қилади, – дея Шер Баҳромга юзландим, – бу борада сенинг фикринг қандай?» Шер Баҳром деди: «Эй, Амир Темур, ер ости йўлагини қазиш учун хандақда сув бўлмаслиги керак – уни қуриштишимиз лозим. Хандақнинг таги қаттиқ жисмлар билан қопланмагани боис, сув қазган ер ости йўлагимизга сизиб ўтиб, у нураб кетиши мумкин».

Шер Баҳромдан: «Бу сувни қандай қуриштиш мумкин?» – деб сўрадим. У: «Эй, Амир, агар хандаққа қўйилган сувнинг йўли тўсилса ва у тупроқ билан тўлдирилсагина, уни қуриштиш мумкин бўлади», – деб жавоб қилди. Бу усулни Жайхун бўйидаги деҳқонлар ҳаминша қўллайдилар. Дастлаб дарёнинг шохобчасини беркитиб, ботқоққа сув тушишининг олдини оладилар. Кейин ботқоқни тупроқ ташлаб тўлдиришади. Мен ундан сўрадим: «Бу кўп вақт эгаллайдими?» Шер Баҳром бу саволимга: «Қалъани забт этиш учун бошқа бир йўл кўрмайпман», – деб жавоб қайтарди.

Саркардаларимдан бири деди: «Биз хандақни кўмишни бошлаган чоғимиз қалъадагилар, бизни шу йўл билан ҳужумга ўтмоқчи деб ўйлайди. Улар шундай тасаввур билан чалғиб турган палла, биз ер ости йўлини кавлаб оламиз».

Бу борада қилиниши лозим бўлган иш, биринчи навбатда, Деҳли дарёсини хандақ билан боғлаб турган шохобчани беркитиш эди. Бу сув йўли хандақнинг шарқ томонида жойлашган. Шундан сўнг менга хандақнинг ости ҳам бир хил чуқурликда эмаслиги маълум бўлди. Сув олдин баланд жойга келиб, сўнг пастга тушар экан.

Шер Баҳром менга дастлаб хандақнинг ости унча чуқур бўлмаган қисмини кўмамиз, деди. Кейин бошқа қисмларини кўмиш баробарида, ер ости йўлагини ҳам кавлашни бош-

лаймиз ва уни қанчалик тез қуритишга эришсак, ер ости йўлагини сув босиш эҳтимоли оз қолади, дея таъкидлади. Остки қисмида қолган сув ишимизга халал бермайди. Илло, сув пастдан юқорига эмас, юқоридан пастга сизади. Ўша куни ҳарбий кенгаш шу қарорга келгач, зудлик билан унинг ижросини таъминлашга киришилди. Шу куни тушдан кейин Деҳли дарёсининг шохобчаси беркитилди ва кечки пайт жангчиларимиз туб аҳоли билан биргаликда хандақни кўмишни бошладилар. Бироқ ҳар қанча тупроқ ташламанлар хандақ тўлай демасди. Тупроқ худди тубсиз ўпқонга тушгандек қаёққадир сингиб кетмоқда эди. Хандақда қуриш аломатлари кўринмасди.

Шер Баҳром барибир уни қуритишга эришамиз, деб таъкидлади. Сув тупроқни хандақнинг чуқур жойларига олиб кетаётганлигини билиб қолдик. Демак, тупроққа тош аралаштириб ташлаш керак деган қарорга келдик. Шунинг учун мен барчага тош ташишни буюрдим.

Қуёш ботгач ҳам тош ташишда давом этдик. Хандақнинг бир қисмини тўлдирдик. Эртаси куни ҳам шу иш давом этди. Бу орада ҳиндулар хандақнинг бир қисмини қуритмоқчи эканимиздан хабар топишди. Улар бу ишни шаҳарни ишғол қилиш учун қилинган деб ўйлашди, у ердан кавлаш ишларини олиб бормоқчилигимиз хаёлларига ҳам келгани йўқ. Ўша ондан бошлаб улар яна тош ёғдиришда давом этдилар. Кечаси эса биз томонга мойга ботирилган латталарни ёқиб отишга тушдилар. Ишлаш оғир эди, аммо тўхтаб қолмадик. Чунки асосий ишга киришишимиз учун бу ишни давом эттиришимиз керак эди. Бизнинг дурадгорларимиз бешта улкан тош улоқтирадиган мосламаларни ясаб, хандақнинг қуритиш ишлари бораётган қисмида ўрнатишди. Биз ҳам қалъа деворига тош отишни бошладик ва қалъа ҳимоячиларининг зарбларини бир мунча юмшатишга эришдик. Бу эса хандақнинг биз мўлжаллаган қисмини тезроқ кўмиш имконини берди, ўша қисмга сув тушушининг олди олинди. Шундан кейин иш тезлашди ва хандақнинг биз учун муҳим бўлган қисмини ҳам тўлдирдик. Шу иш охирига етгач, Шер Баҳром бошчилигидаги усталар ер ости йўлагини кавлаш ишларини бошлаб юборишди. Бу ишни ўта махфий равишда олиб боришимиз, душ-

манга буни сездириб қўймаслигимиз лозим. Шунинг учун ҳам уни чалғитувчи бир неча ишларни амалга оширдик. Хусусан, хандақни тупроқ билан тўлдиришда давом этдик, ёғоч кўприклар ва баланд нарвонлар ясадик.

Тайёргарлик ишлари, мавжуд шарт-шароит қалъани иш-гол қилишга шай эканлигимиздан далолат берарди. Аммо деворни бузиш имконимиз турганида, ортиқча қурбонлар беришга йўл қўя олмас эдим.

Шер Баҳром кечаю кундуз лаҳим кавлаш билан машғул эди. Бир куни у қошимга келиб йўлак тайёр бўлганини айтди. Деворнинг остига порох солиб зичлаш учун махсус катта ҳавза ҳам тайёрлашибди. Энди фақат ҳавзани портловчи модда билан тўлдириб, фурсати етган чоғ, уни портлатиш қолибди, холос.

Шер Баҳром портлаш жойини биз қолдирган кўприкларнинг тўғрисида белгилади. Зеро, ҳосил бўлган ўтиш жойидан жангчиларим тезлик билан ичкарига киришлари мумкин бўларди.

Шаҳарга биринчи бўлиб киришни четин жангчиларига буюрдим. Уларни жанговар жомалар билан таъминлашга топшириқ бердим. Аввал ҳам айтганман, четинлар меннинг қўшинимдаги энг зўр жангчилар эди. Улар нафақат ўлимдан қўрқишмас, оғриқни ҳам ҳис этишмасди. Уларнинг қўллари шу даражада қотиб кетган эдики, қайнаб турган сувга солсанг ҳам оғриқни ҳис қилишмасди. Бу борада улар бетакрор эдилар. Мен бошқа жойда уларга ўхшашини кўрмаганман. Шунчалик жисмоний қувватга эга бўлган бу соддадил одамларни ўз таъсиримда тутиб туриш учун, менга уларнинг қалбидаги ўзига хос хусусиятни билишнинг ўзи кифоя қиларди.

Мен портлаш ҳосил бўлган пайтда содир бўладиган қисқагина эсанкираш ҳолатидан самарали фойдаланмоқчи эдим. Шунингдек, эҳтиёткорликни ҳам қўлдан бермай, четинлар ортидан бетакрор қуроолларини моҳирлик билан ишлатадиган Эбдала Гилзайи жангчиларини қўйишга қарор қилдим.

Деҳли остонасида турганимизда ҳали-замон келиб қолади деб ўғлим Саъад Ваққосни кутиб турардим. Ҳадеганда ундан

дарак бўлмагач, чопар юбордим. У қайтиб келгач, бошига кул сочиб ҳузуримга яқинлашди. Унга таскин бериб, чўчимай бор гапни бор ҳолича айтишини сўрадим. У хабар берди: «Ўғлингиз қўл остидаги жангчилари билан Луни қалъабошиси Картар томонидан асирга олинган экан. Картар уни ўлдирибди». Мен дедим: «Аллоҳ уни ўз паҳоқига олган бўлсин. Ҳақиқий эркак ўз ўлимини жанг майдонида кутиб олади!» Шундан сўнг унинг ўлими билан боғлиқ тафсилотларни сўрадим. У жуда кўп нарса билмаслигини, фақат бир гапни аниқ эшитганини, у ҳам бўлса Саъад Ваққос ўлимини муносиб кутиб олганини, оҳ демаганини, шафқат сўраб ялинмай, матонат билан ўлганини айтди. Мен айтдим: «Менга шуниси етарли, бошқа гапларни кейин гаплашамиз». Ўғлим ҳақидаги совуқ хабарни олган кунимнинг эртаси шаҳар девори остига ўрнатилган порохни портлатдик. Гумбурлаган товуш қулоқларни қоматга келтирди. Четин жангчилари ҳосил бўлган гузардан шаҳарга ёпирилиб кирди. Мен портлашдан кейин, душман ўзини йўқотиб қўяди, бир муддат ўзини ўнглай олмай қолади, деб ўйлаган эдим. Бироқ улар мен ўйлагандек ҳимоя қобилиятини йўқотиб қўймадилар, тезгина ҳушёр тортиб қаршилиқ кўрсатишга киришдилар. Нима ҳам дердим. Мен Малу Эқбол ва Маҳмуд Халлож ҳақидаги мушоадаларим билан яна бир карра адашдим. Портлаш ва шаҳарга ёпирилиб киришимиз улар учун кутилмаган зарба бўлса ҳам, уларнинг серсоқол, шопмуйлов жангчилари ўзларини тезда ўнглаб, менинг жангчиларимни санчқи ва ойболта қуроллари билан қарши олишди.

Ичкарига ёриб кирган жангчиларим совут, ҳалқали зирҳ кийган душманларга рўпара келишди. Уларнинг фақат бошларида дубулғалари йўқ эди, холос. Четан жангчиларининг қиличи ҳам, Гилзайи одамларининг қармоқсимон қуроллари ҳам душманнинг ҳимоя жангжомалари олдида ожиз қолмоқда эди. Уларнинг бир жойда туриб қолаётганини кўриб, қўшимча куч ташладим, бироқ ҳиндуларнинг қаршиликлари қақшатқич тус ола бошлади. Жангчиларимиз остонадан нари ўта олмай қолдилар. Душман уларни ортга чекинишга мажбур қилиб, шаҳар ўртасига ёриб киришга сира имкон бермасди. Кун ярмида ҳиндулар ўзларининг жанговар фил-

ларини майдонга туширдилар. Жангчиларимиз бундан ўзларини йўқотиб қўймадилар. Аммо кўп қурбонликлар бердик, жуда кўп жангчиларимиз филларнинг оёғи остида топталди. Жуда кўпларини филлар хартуми билан кўтариб отиб юборди. Душманнинг эътиборини чалғитиш мақсадида бир қисм одамларимни деворни ишғол қилишга ташладим. Уларга нарвонларни деворга тиркаб, ичкарига киришга уринишларини буюрдим. Бироқ девор устидаги ҳимоячилар бунга йўл қўймади. Деворнинг бирор-бир қисмидан бирор жангчимиз юқорига чиқа олмади.

Биз портлатган жойдан очилган ўтиш йўли кенг бўлганида, мен кўшинимнинг барини жангга ташлар эдим ва жанг тақдирини шу бугуннинг ўзидаёқ ҳал қилиб қўйган бўлар эдим. Аммо кичикроқ жой оча олгандик, холос. Бир фикр туғилди. Жангчиларимга ўша бузилган жойдан чуқур кавлашларини буюрдим. Улар чўкич, белкурак билан ишга тушишди. Биз девордаги ўтиш жойини катталаштириб олмасак, қалъадагилар уни ҳеч қийинчиликсиз қайта тиклаб олишлари ҳеч гап эмас. Кимни шу ишга жалб этиш имкони бўлса, ҳаммасини шу ишга жалб этдик. Улар қуёш ботгунча, бир неча жойни кавладилар. Бироқ уларнинг чуқурлиги самарали портлаш ҳосил қилиш учун етарли эмас эди. Аввал айтганимдек, шаҳар девори жуда мустаҳкам, баландлиги 12 заръ эди. Биз қазиган чуқурларга соладиган порохлар ҳосил қиладиган зарядлар, бундай қалин ва мустаҳкам деворни қулатиш учун етарли эмасди. Шунинг учун ҳам кеч тушиши билан ортга қайтишга мажбур бўлдик.

Ўша кеч вақтимизнинг бир қисми ярадорларга қараш билан ўтди. Менинг энг ёвқур четин жангчиларим ўша кунни жангда ҳалок бўлишди. Уларни йиртқичлар даҳл қилмайдиган четроқ жойга кўчириб, эртаси кун дафн қилдирдим. Шу кеч дафн қилсак ҳам бўлар эди, аммо жангчиларим жуда ҳориққан, уларни яна ҳориқтиргим келмади, қолаверса эртага яна жанг бор, дам олиб куч йиғиб олишлари керак. Ўша кеч саркардаларимни яна ҳарбий кенгашга чақирдим.

«Эртага ўзим қўлимга қилич олиб жангга кирман, ё уни қўлга киритман, ёки ўша кўчаларнинг бирида абалдий ором топанман. Жангчиларимга мана шу сўзларимни етказинг.

Агар эртага Деҳлини қўлга киритсам, шаҳарнинг барча молмулкани ҳарбий ўлжа сифатида бўлиб олишларига рухсат бераман. Уруш қонунларига мувофиқ хоҳлаганларича қул ёки жория олишлари мумкин. Шаҳарни уч кун уларнинг ихтиёрига топшираман. Жангчиларимизга ана шу сўзларимни етказинг», – деб тайинладим.

Мен кенгаш ўтказаетган пайт девор устида яна браҳман пайдо бўлганини айтишди. Мен унга нисбатан ҳеч қандай хатти-ҳаракат қилмасликни буюрдим. Сўнг нима гапи борлигини билиб келиш учун тилмочни юбордим. Тилмоч қайтиб келиб унинг сўзларини менга етказди. «Амир Темур шаҳарга ҳужум қилгани боис умри қисқарди ва яқинда ҳалокатга учрайди», – дебди. «Бориб айт, – дедим тилмочга, – мен душманнинг дўқ-пўписасидан қўрқмайман, инсон эса эртами-кеч барибир ўлади!»

Худди ўйлаганимдек, қалъа ҳимоячилари минглаб одамларни жалб қилиб, унинг биз томонимиздан бузилган қисмини тиклашга киришишибди. Бу ҳақда менга маълумот етказишди. Улар ишни эрталабгача яқунласалар керак. Эртага яна тўсиқларни енгиб шаҳарга киришимиз қийинлашади. Мен тошотар мосламадан деворнинг бузилган жойини қайта тузатаётганларга мунтазам тош отиб туришларини буюрдим. Кенгашдан кейин чодиримга кириб, гуломимга Қуръон китобини олиб келишни амр этдим. Мен ҳар сафар бирор-бир масалада ташвишлансам, Қуръонни очаман. Ўқиш учун эмас, ўзимга маънавий куч олиш учун. Илло, мен Қуръонни ёд ўқий оламан. Ҳатто сураларни охиридан бошига қараб тескари ўгира оламан. Қуръонни очганимда нигоҳимга чалинган биринчи оят менинг тақдиримни айтиб беради. Қуръон оятларига қараб келажакни белгилаш менга одат бўлиб қолган.

Мен инсон тақдирини унинг қарорлар чиқариш табиати билан боғлайман. Агар Аллоҳ инсон ўз тақдирининг соҳиби бўлишни хоҳламаганида, унга ақл-идрок бермаган бўлар эди. Яратувчи инсонга тафаккур ато этди, токи у ана шу тафаккур кучи билан тақдир жиловини ўз қўлига олсин.

Фуломим Қуръонни олиб келгач, таҳорат олиб, сўнг Қуръонни очдим, назарим тушган оятни ўқидим.

«Инна фатаҳна лак фатҳан мубинан»

(«Дарҳақиқат биз сенга очиқ-равшан фатҳ-ғалаба ато этдик», 48 сура, 1 оят).

Баайни мана шу сура охирги замон пайғамбари (с.а.в.)-га Макка шаҳрини фатҳ этишларидан олдин нозил бўлган. Шу билан Аллоҳ ул зотга муқаддас шаҳарни, албатта, олажакларини ваҳий қилган эди ва пайғамбар (с.а.в.) Маккани қўлга киритиб, масжид-ул-Ҳаромга борганлар. Ҳабаш Билалга минорага чиқиб, азон айтишни буюрганлар. Ана шу овозни эшитган юзлаб маккаликлар, оилалари билан исломни қабул қилган.

Оятдан англашилган мазмун мени шу даражада руҳлангирдики, чодиримдан чиқиб азон айтгим келди. Бироқ бемаҳал намозга чақириб айтилган азон саркардаларимни ва жангчиларимнинг оромини бузиши мумкин эди. Ўша ондан мен жисмонан ва руҳан кучга кирдим. Барча тўсиқларни енгишимга, ғалабам йўлига ҳеч ким тўсиқ бўла олмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Бу ҳаяжон мени шу қадар қамраб олган эдики, қандайдир шовқин-сурон бўлаётганига эътибор бермабман. Шунда ҳузуримга иккита саркардам келиб, ҳиндулар жанубий дарвозадан филлар билан чиқиб, қўшинимизга ҳужум қилганликларини маълум қилди. Мен уларга бориб кўпроқ гулхан ёқишларини буюрдим. Чунки филлар оловдан қўрқади. Шунингдек, Эбдала Гилзайига ўзининг қармоқсимон қуролли жангчиларини ўша ёққа ташлашини етказишларини айтдим. Фил устидаги ўқчиларга тинимсиз ўқ ёғдириб, филларнинг хартумини нишонга олишларини уқдирдим. Ўзим қароргоҳни айланиб чиқиб, сўнг жанг майдонига боришимни билдирдим. Қароргоҳни айланиб чиқишим бежиз эмас, чунки душман фақат жанубий дарвозадан эмас, балки ҳар ёқдан ҳужум қилиши мумкин. Менга Малу Эқбол ва Маҳмуд Халложнинг икки мингта жанговар фили борлигини айтишган эди. Узунқулоқ гаплардан кўпроқ лоф уфуриб турарди. Гарчи бу миқдорда бўлмаса ҳам, уларнинг 200 ёки 300 та жанговар филлари бўли-

ши мумкин. Қароргоҳни айланиб юриб, барча саркардаларимга тайёр туришларини, ҳар ёқдан ёппасига ҳужум бўлиши мумкинлигини огоҳлантирдим. Шунингдек, жанубий дарвозалар очик эканини, агар уни қўлга киритсак, ўзимиз ҳам ялпи ҳужумга ўтишимизни тайинладим. Шундан сўнг шаҳарнинг жанубий қисми томонга юрдим. У ерда шу қадар кўп машъалалар ёқилган эдики, атроф кундек ёришиб кетган эди. Душманнинг жанговар филларига қарши кураш авжида эди. Бир қатор қилиб ёқилган гулхан филларнинг олға силжишига ҳалақит бермоқда эди. Камончиларимиз эса ўқ отиб улкан махлуқларни сафдан чиқаришмоқда эди. Жанг давом этаркан, мен куёвим Қора Хонни чақириб, менинг ихтиёримга 500 нафар кўнгиллиларни юборишни буюрдим. «Улар менинг бошчилигимда ўлимга боришга тайёр бўлишлари керак», – дедим. «Инна фатаҳна лак фатҳан мубинан» деган Аллоҳ каломи қулоқларим остида жаранглади. Агар истасам, жаҳд қилсам, шу кеча шаҳарга ёриб киришимга ишонар эдим.

Беш юз нафар кўнгиллилар жангжомаларда, руҳан ўлимга тайёр ҳолатда қаршимда саф торгдилар. Уларга боқиб дедим: «Фурдатдан фойдаланиб, биз бирга шаҳарга ёриб кирамиз. Бардам бўлинг, Мен Амир Темур Кўрагон сизни бошлаб бораман. Сиз билан елкама-елка жанг қиламан. Мақсад шаҳарнинг жанубий дарвозасини қўлга киритиб, асосий қўшин шаҳарга кириши учун йўл очишдан иборат. Уддаласак яхши, акс ҳолда ҳаммамиз ўлиб кетамиз!»

Қора Хонга нима бўлишидан қатъи назар, тирикманми, ўликманми, мабодо шаҳар дарвозаси душманлардан тозаланса, қўшинни шаҳарга олиб кириши лозимлигини тайинладим. Дин уламолари, олимлар ва ҳунарманд аҳлига тегмасликларини уқтирдим. Шаҳарни олгач, уни қўшин ихтиёрига топшириш лозимлигини тайинладим.

Қора Хон мени шахсан жангда иштирок этишдан қайтариш бефойда эканини билар эди. Шунинг учун бир сўз дейишга ботинмади. Мен унга барча топшириқларни бергач отдан тушдим, чунки шаҳарга отда ҳужум уюштириб узоққа силжий олмаслигимни билар эдим. Зеро, бизнинг отларимиз филлардан қўрқади. Пиёда жангчига эса тор кўчаларга кириш ва ҳар қандай тўсиқлардан ўшиб курашиш қулай.

Шундан сўнг қўлимга қилич ва ойболтани олиб, беш юз нафар кўнгиллиларнинг олдига тушиб олға бошладим – «Жангга!» Биз бораётган йўл нотекис, айрим ҳудудларда бизнинг жангчиларимиз билан филларнинг орқасига ўтиб олган ҳиндулар ўртасида қизгин жанг бормоқда эди. Биз гоҳ улар билан жангга киришиб, гоҳ уларни четлаб ўтиб шаҳар дарвозаси томон ошиқдик. Қуроолларим ўнг ва чапга бирдек ҳаракат қилар эди. Икки марта иккита филнинг хар-тумига кучли зарба урдим. Ҳайбатли махлуқ шу ондаёқ аввал тиззалаб, сўнг ёнбошига ағдарилди. Филнинг устига маҳкам беркитилган айвонда ўтирган ҳиндулар анча нарига юмалаб кетишди. Шу қадар жаҳду жадал билан олға интилар эдикки, кўп ўтмай дарвозага яқинлашдик, оралиқ масофа – 20 заръ. Энди йўлимизда филлар йўқ эди.

Шу пайт шаҳар дарвозасидан мўйловли жангчилар чиқишиб, йўлимизга ғов бўлишди. Мен «Инна фаттахна лак фатҳан мубинан» деб ҳайқирдим. Шундай деб қалин душман тўдасига ташландим. Бир қўлимда қилич, бирида ойболта, шу қадар аёвсиз эдимки, ўзимдаги куч ва интилишга ўзим ҳайрон қолдим. Мен совутим ва дубулғамга берилаётган зарбаларни ҳис этардим. Олишувга шунчалар киришиб кетганимдан ҳайқириб юбордим, унга жангчиларимнинг ҳам ҳайқириклари қўшилиб кетди. Бу бирдам ва бардам эканимизнинг исботи бўлди. Душман жангчиларини бир-бир кулатиб, қадам-бақадам дарвозага яқинлашиб бормоқда эдик. Ўша лаҳзаларда мен ўз ҳаётим ҳақида умуман қайғурганим йўқ, нима бўлса ҳам дарвоза ёпилиб қолмасин, деган ташвишда эдим. Хайрият бундай бўлмади. Ҳиндуларнинг калласига дарвозани ёпиш фикри келгунча бўлмай, биз ичкарига ёпирилдик.

Дарвоза арки остида ҳам қақшатқич жанг бўлиб ўтди. Душман жангчиларини битта қолдирмай ер тишлатиб, шаҳарга ёриб ўтдик. Менинг дарвозага қоровул қўйишга вақтим йўқ эди. Бу ишни ортимиздан изма-из келаётган Қора Хон қилиши керак эди. Шунингдек, у дарвозага тақалган ҳар икки томон девор устини ҳимоячилардан тозалаши, шаҳар ташқарисида қолган ҳинду жангчиларини батамом қириб ташлаши лозим эди. Шаҳарга киргач биз худди нишон то-

мон учиб бораётган ўқдек илгариладик. Оптимиздан Қора Хон бошчилигидаги қўшин шаҳарга ёпирилиб кирди. Улар худди баҳор тошқинлари каби шиддаткор эди. Худди минглаб жилгалар тўпланиб, тошқинга айланиб кенг ёйилиб кетгани сингари бизнинг қўшинимиз шаҳарга отилиб киргач, унинг барча ҳудудларига тарқалиб, шаҳарнинг барча қисмида жанг қилмоққа киришганди.

Аҳоли бизнинг шаҳарга кирганимизни билгач, ҳар томондан дод-вой, йиғи-сиғи овозлари эшитилди. Уларга ҳинду соқчиларининг бақириви қўшилиб, даҳшатли тус олди – буни сўз билан тасвирлаб бўлмайди.

Мен ўша-ўша икки кўлимни ишга солиб, ўнг ва чапдан душманни бир вақтнинг ўзида ер тишлатиб бормоқда эдим. Биз охир-оқибат шаҳарнинг нисбатан тинч, осойишта ҳудудига чиқдик. Қон тўлатилган ҳовузга тушиб чиққандек эдим. Мен билан келган кўнгиллиларга боқдим, улар ҳам мендан сўнг ўша ҳовузга шўнғиб чиққанга ўхшашарди.

Оптимизда қолган кўнгиллилар ҳам етиб келишди – уларнинг ортидан асосий қўшин. Биз турган жой шаҳарнинг осойишта қисми эди. Сал нарида бақириқ-чақириқлар, қиличларнинг ишқаланишидан ҳосил бўладиган товушлар келиб турарди. Ўша пайтгача яраланганимни билмаган эдим. Агар чап кўзимга қон оқиб тушмаганида, балки яраланганимни сезмасдим ҳам. Дубулғам остидан, икки қошим ўртасидан жароҳат олган эканман. Шу нарса сабаб бўлди-ю, танамнинг бошқа қисмларини текшириш фикри туғилди. Яна икки жароҳат олд елка ва тирсақда ҳамда ҳар икки оёғим жароҳатланган эди.

Мен кўнгиллиларни санашни буюрдим. Жангдан омон чиққанларнинг ҳисобини олишди – 112 киши экан. Демак, мен билан 113 киши. Тирик қолганларнинг жароҳат олмани йўқ эди. Мен уларга дедим: «Кўзимга оқиб кираётган қон жангга киришимга халақит беряпти. Худди мен каби жанг қилиш қобилиятига эга бўлмаганлар ажралиб чиқиб, менинг ортимдан юрсин – муолажа оламиз. Қолганлар жанг майдонига кетсин».

Кўнгиллилар таркибидан 17 нафар жангчи ажралиб чиқди. Қолганлари яна жангни давом эттириш учун жанггоҳга

қараб кетишди. Қўшинга Қора Хонни бош этиб тайинладим. Мени ярадорларга тиббий ёрдам кўрсатилаётган жойга бошлаб кетишди. Бироқ оёғимдаги бешта жароҳат чидаб бўлмас оғриқ бера бошлади. Шу пайтгача иссиғида билинмаган экан. Шундан кейин нима бўлди билмайман.

Кўзимни очганимда шаҳар ичкариёсида ташкил қилинган тиббий масканда ётар эдим. Турган гапки, мени бу ёққа қўлда кўтариб келишган. Ўзимга келиб қарасам, менинг барча жанг либосларим ечиб олинган, кўзимнинг усти, қўл-оёғимдаги жароҳатларга малҳам қўйиб боғланган эди.

Деҳли узра осмон тип-тиниқ эди. Куйинди ҳиди димоғимга урилди, чамаси шаҳар аланга ичида эди. Шаҳар ҳимоячиларининг қаршилигини синдириш учун буни Қора Хон ташкиллаштирган ҳойнаҳой, деб ўйладим. Мен ўрнимдан турмоқчи эдим, табиб изн бермади: «Эй Амир, ўрнингиздан турманг, акс ҳолда жароҳатингиз очилиб кетади – чеккалари энди қовушяпти», – деди. Сўнг давом этди: «Агар кўп қон йўқотганингизни ҳисобга оладиган бўлсак, эндиги қон оқиши яхшиликка олиб бормади. Бугундан эътиборан фақат қаймоқ ейишингиз керак – қонингиз аввалги меъёрига етиши учун», – деб тайинлади у. «Табиб юришимни тақиқлади, ҳаракат қилишимни эмас», – дедим ўзимга-ўзим. Чунки мен жанг майдонида бўлаётган воқеаларни кузатиб туришим керак. Бу ерда оёғимни чўзиб ёта олмайман. Шундан кейин бирин-кетин мунтазам равишда жойлардаги аҳвол, жангнинг бориши ҳақида одам жўнатиб маълумот олиб турдим. Шаҳардаги барча дарвозалар эгаллангани ҳақида маълумот олгач, Малу Эқбол ва Маҳмуд Халлож қўлга тушгунга қадар шаҳар дарвозаларидан ҳеч кимни ташқарига чиқармасликларини, ундан кейин ҳам фақат кексалар ва болаларни чиқаришларини, қолган эркаклар, аёллар ва қизларни ушлаб туришларини буюрдим. «Улар энди бизнинг гуломларимиз, жорияларимиз бўлишади!» – дедим.

Жанг садолари ҳали ҳам эшитилиб турарди. Ухлаб қолибман, уйғонсам тонг отган экан. Шаҳар узра шунақанги тутун кўтарилган эдики, орасидан қуёш ҳам кўринмай қолганди. Атрофга алангладим, ҳали ҳам ўша тиббий масканда эдим. Ҳамма жой ярадорлар билан тўлган. Баъзилари уй-

куда, баъзилари ёнбошлаб ётишарди. Менга бир коса қаймоқ олиб келишди. Ухлаб ётганимда табиб шаҳар ташқарисидаги қароргоҳимизга одам юбориб, қаймоқ олдиртириб келган экан. Қаймоқни олиб келган ғулумимга уни ҳозиргина кўзини очган беморга беришини айтдим. Сўнг бу ердаги ҳамма беморларга етадиган қаймоқ олиб келишини тайинладим. «Эй, Амир! – деди ғулом гуноҳкорона бош эгиб. – Қаймоқнинг таги йўқ. Мана шуни сиз учун тайёрладик, холос. Барчага етадиган қаймоқни топишнинг иложи йўқ!» Унга дедим: «Бориб менинг буйруғимни етказ, имконини қилиб шу маҳсулотни топиб, кўпроқ олиб келиб мана бу беморларга беришсин, улар кўп қон йўқотишган». Шундан сўнг табибни чақириб дедим: «Беморларга айт, уларга ҳозир қаймоқ олиб келишади!» Айтганимни етказганларига амин бўлганимдан сўнггина, ўзим ҳам қаймоққа қўл урдим.

Ўша пайт Қора Хон келди ва Малу Эқбол ҳамда Маҳмуд Халлож ҳозиргина асир олинганини айтди. Ундан ҳарбий ҳолатни сўрадим. Қора Хон ҳали ҳам шаҳарнинг айрим ҳудудларида жанговар ҳаракатлар давом этаётганини баён этди. Унга ҳиндуларнинг ўзини жалб қилиб, қаршилик кўрсатаётганларга уларнинг ҳукмдорлари асирга тушганлигини, қаршилик кўрсатишдан фойда йўқлигини айтиш кераклигини тушунтирдим.

«Агар шундан кейин ҳам қуроллارини йиғиштиришмаса, ўлдиришдан бошқа чора қолмайди» – дедим. Қора Хон «Жанг тонггача давом этганлиги туфайли, жангчиларимиз ҳарбий ўлжа олишга улгурмадилар – уни бошлашга рухсат берасизми?» – деб сўради. Рухсат бердим. Илло, урушнинг қонуни шу: ўз ихтиёри билан шаҳарни топширмаганлар ўзлари учун мана шу қисматни таълайдилар. Қора Хон менадан Малунинг саройига боришни истасам, олиб боришини айтди. Мен рад қилдим. «Шаҳарда ҳали ҳам жанг кетаётган бўлса, у ерда нима қиламан?» – дедим. Шундан сўнг Қора Хон тиббий маскан атрофида соқчилар сонини кўпайтирди. Менинг шу ерда эканлигимни душман билиб қолса, ўлдириш пайида ҳужум қилади, деб ўйлаб қоровулликни кучайтирди. Кун ярмига бориб ҳимоячиларнинг қаршилиги батамом синдирилди. Мен учун замбил ясаб саройга кўчириш-

ди. Йўлда кета туриб, жангдан кейин шаҳар манзарасини кўрдим: вайрона бинолар, осмонга ўрлаётган тутун, айқаш-уйқаш мурдалар...

Жангчиларим ўзлари учун керагича ҳарбий ўлжани қўлга киритгач, барчасини шаҳардан ташқарига олиб чиқишди. Тутун шу қадар аччиқ эдики, ҳар нафас олганингда у ўпканга-га бориб текканини ҳис қиласан. Туш пайтига бориб шаҳарда қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатлари ҳам, шиддаткор ҳужум ҳам тўхтади. Мен уч кун Малу Эқболнинг собиқ қароргоҳида яшадим. Учинчи куни тутун тарқалди. Шу кунлар мобайнида мен ҳам бир мунча соғайиб қолдим. Тўртинчи куни эрталаб ғулومим бир коса қаймоқ олиб келди-да, олдимга қўйиб кетмоқчи эди, бирдан аҳволи ёмонлашди. Қусиб юборди, косадаги қаймоқ булғанди. Ғулумим гуноҳ-корона бош эгиб «Мени кечиринг амирим, бу ҳол тўсатдан, ўзим истамаганим ҳолда содир бўлди», – дея дағ-дағ қалтирай бошлади. Мен уни тинчлантирдим: «Мен жангчман, қанча ўликнинг ичак-човоғини ағдарилиб ётганини кўб кўрганман. Қайд қилганингдан хижолатланма, бунинг ўз сабаби бўлиши керак. Агар аҳволнинг яхши бўлса, бориб менга қаймоқни алмаштириб кел!»

Бироқ у ўрнидан туришга ҳам улгурмади, кўнгли айниб ерга йиқилди. Одамларни ёрдамга чақирдим. Уни табибга олиб боришларини буюрдим. Шундан бир соатлар вақт ўтиб, ҳузуримга Қора Хон ташвишли қиёфада кирди. Мен ундан бунинг сабабини сўрадим. У жавоб қилди: «Амирим, жангчиларимиз аллақандай дардга чалина бошладилар, бутун вужудида қалтироқ, кўнгил айнишдан азият чекмоқдалар. Табибнинг айтишича, бу вабо эмиш». Ўша кез беихтиёр Абдулла Вали ул Мулкнинг айтган гапи ёдимга тушди. Шу пайтга қадар ким Деҳлини забт этишга уринган бўлса, охир-оқибат касаллик ортириб ортга қараб қочишга мажбур бўлган экан. Ажабланарлиси шундаки, бу касаллик туб аҳолига юқмас экан. Менга айтишларича, касаллик кутилмаганда, қўққисдан бошланган. Аввалига кўнгил айниши содир бўлиб, сўнг қалтирай бошлаганлар. Улар берган маълумотга қараганда аҳоли орасида ҳам, асирлар орасида ҳам бу касалликка чалинганлар бор экан. Вабо шу даражада таъ-

сирчан эдики, бунга чалинганлар икки соатдан сўнг умуман ҳаракатлана олмай қолишган.

Табибимиз ҳам бунинг олдида ожиз эди. Унга ҳинду табиблари билан ҳамкорлик қилиш кераклигини айтдим. Ваҳоланки, бу дард – бедаво, биргина чорадан бошқа тадбир қўллашдан ожиз эканлар. Бундай пайт беморларга кўкнор шарбати ичириш керак экан. Мен одамларимга Ҳиндистон шаронтида ўсадиган ана шундай ўсимликларни териб келишни буюрдим. Асирларни ҳам шу ишга сафарбар этдик. Улар жуда кўп миқдорда териб келишди. Уни катта қозонда қайнатиб, беморларга ичириш йўлга қўйилди. Бироқ бу тадбир фойда бермади, жангчиларим ўла бошлади.

Мен шаҳардан чиқиб ҳарбий қароргоҳга кетмоқчи бўлдим, табиб изи бермади. Агар жароҳатим очилиб кетса, оқибати ёмон бўлишини таъкидлади. Саркардаларимдан олинган маълумотларга қараганда, вабога чалинган жангчиларимиз унинг асоратидан чўпдек озиб, кўзлари косасидан бўртиб, лаблари, қўл-оёқлари қорайиб, кейин ўлаётган экан. Вабо туфайли шу қадар кўп одамларимиздан ажрай бошлабмизки, қўшиннинг тақдирдан безовталаниб қолган Қора Хон менга деди: «Амирим, агар Деҳлини тезда тарк этмасак, тез орада қўшинда бир киши ҳам қолмай қирилиб кетади. Эҳтимол, иқлим ўзгарса, касалликдан батамом қутулармиз!»

Агар шу дамда Деҳлидан чиқиб кетадиган бўлсак, жанглар ва касаллик туфайли юришга яроқсиз бўлган 27000 кишини шу ерда қолдиришимизга тўғри келади. Бу эса тўғридан-тўғри уларни ўлимга рўпара қилиш билан баробар эди. Биз кетгач, ҳиндулар ярадор ва бемор эканига қарамай уларни қиличдан ўтказиши муқаррар. Бу одамларнинг хавфсизлигини таъминламай туриб, Деҳлидан чиқиб кета олмас эдим. Шунда ўзимиз билан ҳиндуларнинг бир нечасини гаров сифатида олиб кетишга қарор қилдик. Уларнинг сафида турган гапки, Малу Эқбол ва Маҳмуд Халлож ҳам бўладилар. Мен уларнинг ҳар иккисига тегишли бўлган хазинани ўз ҳисобимга мусодара қилдирдим. Бу бойликларни ортиш учун икки мингта юк ташувчи ҳайвонлар керак бўлди. Бойликнинг бир қисми олтин, бир қисми қимматбаҳо тошлар-

дан иборат эди. Мен агар бу тошларни бир вақтнинг ўзида Эрон ва Мовароуннаҳр бозорларига чиқарсам, уларнинг нархи бирданига пасайиб олтин нархи билан тенг бўлиб қоларди. Шундан уни сақлашга қарор қилдим. У мендан кейин салтанатим равнақиға хизмат қилиши даркор, деган фикрга келдим.

Шаҳар аҳолиси орасидан бир неча одамларни гаров тариқасида териб олдим. Уларнинг орасида бир неча кун олдин деворга чиқиб олиб, менинг қисматимни башорат қилган браҳман ҳам бор эди. Уни ҳузуримга олиб келишларини буюрдим. Тилмоч орқали ундан исмини сўрадим. У ўзини Гани Хурта деб таништирди. Тилмоч бу ном ҳиндулар тилида «Муқаддас олов» деган маънони англатишини айтди. Мен Гани Хуртага дедим: «Мен кетяпман. Илло, бу ерда жароҳатланган ва касалга чалинган одамларим ҳамда уларни қўриқлашга масъул бўлиб бир қисм жангчиларим қолади. Беморларим тузалиши билан улар ҳам кетади. Сен шаҳар аҳолисига етказ, агар менинг одамларим ҳаётига тажовуз бўлса, уларни хафа қилишса, гаровдаги одамларни битта қолдирмай қириб ташлайман. У сўради: «Гаровга олинганларни қаерга олиб кетасан?»

– Мен Кветти орқали юраман. Ўша ерда бир муддат ушланаман. Унгача бу ердаги одамларимиз тузалса, ортимиздан етиб боришлари лозим.

– Агар беморларинг касаллик туфайли ўлса ҳам, гаровдагиларни ўлдирасанми? – деб сўради браҳман.

– Йўқ!

– Агар одамларинг ёппасига касалликка чалиниб ўлиб кетса-чи?

– Йўқ!

– Эй Амир, сен Малу Эқбол билан Маҳмуд Халлужни нима қилмоқчисан?

– Ҳар иккиси менинг асирим ва улар ҳам мен билан Кветтига кетишади, – деб жавоб қилдим унга. – Агар бу ерда менинг одамларимга тажовуз қилишмаса, улар ортимдан етиб борган заҳоти, ҳар иккисини озод қиламан. Бироқ ҳар иккиси ўз ихтиёри билан итоат этмагани ва қаршилик кўрсатгани учун ўлимга маҳкум эканини ёддан чиқарма.

Аслида сени ҳам ўлимга маҳкум қилишим керак. Агар тақводор бўлмаганингда шундай қилган бўлар эдим, эҳтимол. Сен менинг ўлимимни башорат қилдинг. Бу сўзларинг учун аслида сени ўлдиришим керак.

– Эй Амир, сўзларим сени кўрқитдими?

– Эй одам, агар мени яхшироқ билганингда эди, ўлимдан кўрқмаслигимни, айниқса, жангда ўлишдан асло чўчимаслигимни англаган бўлар эдинг.

У менинг жангда ўлмаслигимни айтди. Ундан бу башоратлари нимага асосланганини сўрганымда, у:

– Эй Амир, бу юртда ҳамма браҳманнинг руҳий салоҳияти нималарга қодир эканлигини яхши билади. Зеро, браҳманлар ўзидаги барча хоҳиш-истакларни ўлдириб, ҳайвоний майллардан ўзини тийиб, ўзи муқаддас деб билган қондалардан чалғимай, бетакрор бир салоҳият касб этади. У келажакни кўра олади.

– Унда ўз келажакнинг ҳақида гапир-чи: сенинг қачон ва қай тахлит ўлишингни билмоқчиман.

– Одамнинг кўзи ҳамма нарсани кўради, фақат ўзини эмас, – жавоб қилди у.

Брахман билан мулоқот қилиб турган чоғимиз ташқаридан қандайдир овозлар келди. Ўтинч, илтижо оҳанги бўртиб турарди. Нима гаплигини сўрадим. Менга айтишдики, яқинда ислом динини қабул қилиб, қўшиним сафига кирган париилар ўзимиз билан олиб кетишимизни сўраб илтижо қилаётган эканлар. Агар уларни бу ерда қолдирсак, ҳиндулар ўлдириши мумкин – безовталиклари шундан экан.

Мен парииларни Ҳиндистоннинг мусулмонлар яшайдиган ҳудудларига жойлаштиришимни, уларнинг тирикчилик ўтказишлари учун ер ажратиб беришларини таъминлашимни айтиб тинчлантирдим. Ўша куниёқ хабарчи қушлар орқали Кветти ҳукмдори Абдулло Вали ул Мулкка хабар йўллаб, экин-текин учун яроқли ҳудудлардан парии ҳиндулар учун ер ажратишини, бундан буён исломни қабул қилган бу каби қавмлар ўша ерда манзил-макон қуриб яшашини баён қилдим. Ернинг тўлови менинг ҳисобимдан бўлишини айтдим.

Мусулмон ҳиндулар кўчиб бориб жойлашгач, уларга ҳар томонлама ёрдам бериб, ҳаётлари изга тушиб кетгунга қадар, қўллаб-қувватлашлари ва бунинг сарфу харажатларини ҳам кўтаришимни маълум қилдим. Шундан кейин Қора Хоннинг қистови билан йўлга отландим. Бу орада жангчилар шаҳар оралаб менинг шартларимни баён этишди. Шаҳарда қолаётган бемор навкарларимнинг дахлсизлиги гаровга олинганлар эвазига таъминланиши лозимлиги етказилди. Кечга яқин биз яна келган йўлимиздан ортга қайтдик.

Жароҳатларим ҳали буткул тuzалмагани боис, табибим отда юришга изн бермади. Мени замбилда олиб кетадиган бўлишди. Малу Эқбол ва Маҳмуд Халложнинг хазинаси ортилган аравалар олдинда, ўзимиз орқадан йўлга тушдик.

Йўлдаги битта муаммо озиқ-овқат ва ем-ҳашак муаммоси эди. Чунки Деҳлига келгунча бу йўлдаги захираларни ишлатиб бўлгандик. Шунинг учун таъминотчи гуруҳни олдга ташладик. Улар ҳудудни ўрганиб, жуда кўп миқдорда озиқ-овқат ва ем-хашак жамғаришлари лозимлигини вазифа қилиб қўйдим. Бу ишларни ботқоқликдан иборат ҳудудга етиб боргунча амалга ошириш лозимлигини таъминотчи гуруҳ яхши биларди, чунки ботқоқликлар орасидан ўтадиган ягона йўлак атрофга тарқалиб, таъминот иши билан шуғулланиш имконини бермасди.*

Жумба қалъасига етиб боргач, замбилдан тушиб, отга миниб олдим. Бу жойлар илонлар макони эканини билганимиз учун ҳам қароргоҳ атрофида гулханлар ёқдик. Яна бир карра газандалар чақирилмаган меҳмондек ташриф буюришларини хоҳламадик. Эртаси куни Жумба қалъасини

* Ҳиндистоннинг ўша ботқоқликдан иборат ҳудудлари бугунда мавжуд эмас. У жойлар Ҳиндистон Англия томонидан босиб олингунга қадар Бобур авлодлари томонидан ўзлаштирилган. Бобурийлар бу ўлкада қатор ислохотларни амалга оширганлар. Шунинг доирасида ботқоқликларни қуригиб, ўрнида яйлов ва экинзорлар ташкил этиш масалалари ҳам бўлгани ҳақида маълумотлар бор.

Бу эса кейинчалик Эрон подшоси Нодиршоҳнинг Деҳлига қилган юриши чоғида унга ана шу ботқоқликлардан осонгина ўтиш имконини берган.

тарк этиб, ёввойи филлар юрадиган сўқмоқдан Луни қалъаси томон йўл тутдик. Олд кузатув гуруҳи Луни қалъасида ҳали ҳам соқчилар турганини хабар қилди. Уни четлаб ўтишимиз ёки тор-мор этишимиз керак эди.

Деҳлидан чиққанимизнинг учинчи кунигача навкарларимиз орасида вабо билан оғриганлар ва ўлим ҳолатлари бўлиб турди. Бу пайт биз Луни қалъасига етиб қолган эдик. Шунда билдимки, вабонинг манбаи Деҳлида экан. Чунки ундан қанчалик узоқлашсак, бедаво касалликдан шунчалик мосуво бўлмоқда эдик. Шу кунлар мобайнида мени жангчилардан узоқроқ бўлишимни таъминлашди. Ўзим юра олмаганим туфайли ҳам шунга муваффақ бўлишди. Бироқ мен доимо улар билан мулоқотда бўлиб турар эдим. Аммо дардни юқтирмадим. Шунда англадимки, одам доимо касалликнинг ҳидини ҳис этиб турса, унинг таъсирига берилувчан бўлмас экан.

Ҳиндулар ёмғирлар мавсуми – «Барсат» бошланганлигини айтишди. Бу палла осмоннинг чоки сўкилиб, кечаю кундуз тинмай ёмғир ёғар экан. Бошқа мамлакатларда ёмғир кузда ёки қишда ёғади. Ҳиндистонда эса ёзнинг ўрталарида бошланади бу мавсум. Бу пайт ҳиндуларнинг боши осмонга етади. Чунки тандирдек қизиб ётган ҳаво анчайин салқин тортиб қолади.

Деҳлидан қайтишда лоҳас этувчи иссиқ ҳаводан роса азият чекмоқда эдик. Одамларимиз ҳам тезроқ шу мавсум бошлана қолсайди, деган умидда эдилар. Гарчи мен мавсум бошланганидан сўнг ҳаракат қила олмаслигимизни ёки ҳаракатимиз жуда сустлашишини билсам ҳам, навкарларимнинг умидворлик кайфиятини бузгим келмади. Ҳиндистонда бу мавсум ўттиз-қирқ кунча давом этади ва у, ҳиндулар таъкидлаганидек, тинимсиз ёғмайди. Ора-орада тинадиган пайтлари ҳам бўлади. Мана шундай чоғлари яна йўл юришимиз мумкин эди.

Турган гапки, «Барсат»нинг дастлабки кунлари қўшимча ёмғирда ивиб қолмаслиги учун, тўхташга буйруқ берардим. Жангчиларим ҳиндулар билан бирга дарҳол айвонли шийпонлар қуришар, ўша жойда паналаб, ёмғирнинг тинишини кутар эдик. Ҳаво илиқ бўлгани туфайли ёпиқ биноларга

хожат йўқ эди. Шунинг учун ҳам бундай қўналғаларни қуриш қийин кечмасди.

Луни қалъасига яқин борганимизда қалъа девори устидаги минораларнинг бирида осифлик турган инсон гавдасига кўзим тушди. У худдики пуфлаб шиширилгандек эди. Гарчи осилиб турган бош ўғлим Саъад Ваққосники эканини билсам ҳам, унинг остида шиширилган қопга ўхшаб осилиб турган нарса нима эканини англай олмадим. Кейинроқ билсам, бу ўғлимнинг танасидан шилиб олиниб, сўнг унга сомон тиқилган териси экан.

Мен у манзарани тасвирлаб, уни ёзишга қодир эмасман. Ўғлимнинг терисига сомон тиқиб, минора тепасига осиб қўйишганидан хўрсиндим. Мен ўғилларимни жангга юбораётганимда уларни муқаррар ўлимга юбораётганимни билар эдим. Фарзандларимнинг ўлими мени қайғуга ботирмагани рост. Ило ўзим ҳам бир умр қил устида яшаб келдим. Жангчининг жангда ўлишини унинг ҳаётига энг чиройли хотима деб биламан. Бироқ азиз фарзандим терисига сомон тиқилиб, минора тепасида осифлик туради, деб сира ўйламаганман.

Луни қалъабошисига ўғлимни асир олгани ва уни қатл эттиргани учун адоватим йўқ – бу уруш. Унда кимдир ғолиб, кимдир мағлуб. Урушнинг қондаси шу: мағлуб асир тушса, унинг моли ҳам, жони ҳам ғолибнинг ихтиёрида – хоҳласа омонлик беради, хоҳласа аксинча... Аммо тутқун бўлган душманни мен бу қадар хўрламаган бўлар эдим. Шунинг учун Луни қалъабошиси ҳам ўғлимни қатл эттиргач, унинг танасини кўмдириши керак эди, деб ўйлайман. Оқилона иш тугиб, шаҳзода даражасидаги душманининг мурдасига муносиб муносабатда бўлса – мақсадга мувофиқ бўлар эди. Унинг кўзларини ўлаксахўр қушларга, танасини йиртқичларга ем қилмаса, ундан ўпкаламасдим.

Афсуски, Луни қалъабошиси Картар урушнинг барча учун бирдек тааллуқли қондаларини унутиб, одамгарчилик чегараларидан чиқибди. Ўғлимнинг шаъни ва шахсиятига нолойиқ жазо белгилабди. Унинг терисига сомон тиқдириб, танасини чўлдаги йиртқичларга ем қилибди – палиднинг ишини қилибди. Ундан ўғлимнинг ўлими учун эмас, пасткашлиги учун хафа бўлдим.

Ҳали ўғлим қай тахлит ўлдирилганидан беҳабар эдим. Шунинг учун орани очиб олишдан аввал қўшинга дам бердим. Аскарларим ёмғирдан паналаш учун айвон қуришга тушиб кетишди.

Менинг одамларим шу ишлар билан машғул бўлиб турган чоғи, қалъа девори устида аллакимнинг қораси кўринди. У бизга қарата нималардир деди. Тилмочнинг айтишича, у қуйидаги сўзларни ирод қилган экан: «Эй, Амир Темур, бу ерда тўхтаб овора бўлма! Жонинг азиз бўлса – йўлингдан қолма. Акс ҳолда сен ҳам ўғлингнинг аҳволига тушасан: сенинг ҳам терингга сомон тиқиб, ўғлингни ёнига осамиз. Ўшанда унинг не аҳволда эканини яқинроқдан кўрасан!..»

Мен саркардаларимга қалъа атрофини қамалга олиш ишларини жадаллаштириш учун айвонли шийпонларни тезроқ қуриб битказишларини тайинладим. Қалъани ишғол қилишга улгуришимиз кераклигини уқдирдим. Шунинг баробарида жангчиларга огоҳ туришларини, ҳушёрликни йўқотмасликларини тайинладим. Душманнинг ҳар қандай ҳамласига тайёр туриш лозимлигини эслатдим. Кечаси филлар босқинига учрамаслик учун кўпроқ гулханлар ёқишга изн бердим.

Отларимиз ва ўзимиз учун айвонли шийпонлар қурилгач, ёмғир остида ивиш заҳмидан қутулдик. Бироқ ёмғир бизга Луни қалъасини ишғол қилиш учун ҳарбий ҳаракатлар қилишга халақит берарди. Ҳарбий истеҳком тошли тепалик устида қурилган бўлиб, агар лаҳим кавлаш керак бўлса, уни тепаликнинг пойидан бошлашимиз керак бўлар эди. Тепаликнинг таркиби тошдан иборат эканини ҳисобга оладиган бўлсак, бу йўл ости йўлини йиллаб қазиш талаб этиларди. Бунда чўкич, белкурак билан бирга махсус тош кесувчи анжомларни ҳам ишлатишимизга тўғри келарди. Узоқ муддатли қамалга дош берадиган қалъа йўқ. У охир-оқибат дарвозаларини очишга мажбур бўлади. Бироқ мен Ҳиндистонда узоқ қола олмасдим. Тезроқ юртга қайтиш ва Румга юришни ўйлаётгандим.

Шунинг билан бир қаторда Ҳиндистонда узоқ вақт қолиш хавfli эди. Унинг кичик-кичик ҳукмдорлари ўзаро

тил бириктириб, катта қўшин тўплаб, бизга қарши юриш қилиши ҳам мумкин. Мулоҳазакорлик ва ҳар бир масалани теран мушоҳада қилиб қарор чиқариш – менинг одатим. Чунки ҳукмдор ҳар қанча жасур бўлмасин, қудратли қўшинга бошчилик қилмасин, агар ақли ноқис бўлса, мушоҳада қилмаса, у муқаррар таназзулга учрайди.

Биз ёмғирдан яшириниб, қўл қовуштириб турмадик. Усталиримиз айвон остида тошотар мосламалар ясашга киришишди.

Куннинг ўртасида ёмғир бир муддатга тўхтаган палла, минглаб тўтиқушлар пайдо бўлди. Қаердан пайдо бўлиб қолишди – ҳеч ким сезмади. Бундан ташқари, дарахтларнинг шох-шаббалари шитирлаб, ўн минглаб маймунлар қароргоҳимизга яқинлашиб кела бошлади. Улар бизнинг озиқ-овқатларимизни талаб кетишга келаётганлари аниқ, шунинг учун жангчиларимиз уларни ўққа тутдилар: бирини жароҳатлаб юзини қочиришга ҳаракат қилдилар.

Ҳиндистонликлар жониворларни ўлдирмайдилар. Шу боис бу ерда маймунлар билан тўтиқушлар бижғиб кетган. Ҳиндулар ўрмон меваларидан бебаҳра яшашади – у маймунлар билан қушлардан ортмайди. Экинзорларга маймунлардан келадиган офат чигирткаларники билан баб-баробар. Қисқаси, Ҳиндистоннинг «Барсат» мавсумини ўз кўзинг билан кўрмасанг, у жалани тасаввур қилишинг қийин.

Менга айтишларича, челақлаб қуядиган бу ёмғир Ҳиндистоннинг ҳамма ҳудудларида ҳам учрамас экан. Айрим жойларда ҳатто камдан-кам ҳолларда ёмғир ёғаркан. Бироқ биз турган жой «Барсат»ни бор бўйича намоён этадиган ҳудуд эди, назаримда. Ўттиз кечаю кундуз, айрим қисқа та-наффусларни ҳисобга олмаганда тиним билмай ёғди. Бундай жалани бизда баҳор ойлари, ўшанда ҳам жуда қисқа муддатда кузатиш мумкин.

Қалъа баланд тепалик устида эди. Ёмғир сувлари қароргоҳимиз томон оқиб келарди. У тўплана бориб қароргоҳимизга хавф сола бошлади. Шер Баҳром унча баланд бўлмаган тўсин қуриб, сувни ўрмонга бошқариб юборди. У ерда катта дарё ҳосил бўлди. Унда энди филлар чўмилса ҳам бўлади. Ёмғир қўшинни ҳаракатсизликка маҳкум этишини би-

либ, аввалданоқ кундалик машқлар режасини ишлаб чиққан эдим. Ёмғир тинган пайтлари отларнинг оёғини ёзиш учун сайр эттириларди.

Орадан ўттиз кун ўтиб, кети кўринмаётган ёмғир ниҳоят тинди. Осмонда юлдузлар чарақлаётганини кўрдик. Турналарнинг товушлари эшитилмай қолди. Ҳиндулар «Барсат» мавсуми тугаганлигини айтишди. Ёмғир тинмагунча Деҳлида вазият қандай экани ҳақида маълумотга эга эмасдим. У ёқдан чопар ҳам, кабутар ҳам келмади. Сирасини айтганда, бундай ёмғир кабутарларни нафақат йўлдан чалғитади, балки умуман учишига имкон бермайди.

Мен у ердаги одамларимизнинг тақдири нима кечганини билмас эдим: тирикмикин ёки ҳиндулар уларни битта қолдирмай ўлдириб юбордими – билмасдим. Гаровга олинган ҳинду асирлари ҳам биз билан бирга эди. Малу Эқбол билан Маҳмуд Халлож бир айвон тагида, доимий назорат остида сақланар эдилар. Қалъабоши Картар улар менинг асирим эканини билар, чунки келган кунимиз Малу Эқбол қалъани топшириш ҳақида унга буйруқ бериб, нома киритган эди. У эса буйруққа бўйсунмай, қаршилиқ кўрсатишга бел боғлади.

Ёмғир тингач, мен ҳарбий кенгаш чақирдим. Келгусидаги ишларимиз режасини баён этдим. Эртаси куни эрталабдан қалъани ишғол қилишга киришадиган бўлдик.

Деҳлида қўлланган усулни бу ерда давом эттиришга қарор қилдик: деворнинг икки-уч жойидан чуқур қазиб, порох билан бир вақтнинг ўзида портлатадиган бўлдик. Ҳимоячилар жангчиларимизнинг устига қиздирилган ёғ, эритилган қўрғошин ва тош улоқтириб ишга халал бермасликлари учун, тошотар мосламаларимиздан қалъага томон мунтазам тош отиб туришга келишдик. Қалъа девори устида ҳимоячиларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслигимиз керак. Бир оз олдин эътибор қилган эдим, қалъа деворининг ҳимоя тўсини йўқ экан. Бу эса ҳимоячиларни ҳеч нарса муҳофаза қилмаслигидан далолат эди. Хуллас, тошотарлар мунтазам тош улоқтириб, чуқур қазийётган жангчиларимизнинг хавфсизлигини таъминлаб турадилар, булар эса жуда қисқа муддатда портлатиш ишларини ниҳоясига етказадилар.

лар. Бир қисм навкарларимиз эса бу орада мунтазам деворга ҳужум уюштириб, ҳимоячиларнинг диққатини чалғитиб турадилар.

Кенгаш тугагач, мен барча тошотар мосламаларни тепалик устига келтириб, ҳар жой-ҳар жойда ўрнатишларини буюрдим. Бироқ у жуда оғир эди ва уни қисм-қисм ташиб келиб, жойида теришадиган бўлишди. Енгил вазили тошотар мосламаларнинг самараси оз бўлади. Шунинг учун уни оғир-вазмин қилиб ясашларини буюргандим. Токи унинг билан бир харвар оғирликдаги тошларни улоқтириш мумкин бўлсин. Бундай мосламанинг топ улоқтирадиган чўмичи шунчалар зил-замбил эдики, уни юқори ҳолатга келтириш учун камида эллик кишининг иштироки зарур бўларди.

Эртаси куни чуқур қазувчилар бир неча гуруҳга бўлиниб, тепалик устига чиқишди. Тошотар мосламалар ишга тушди: қалъа ҳимоячиларига тинимсиз тош ёғдира бошладик. Ёмон жиҳати шу бўлдики, чуқур қазиган одамларимиз икки ёқлама хавф остида қолди: бир томондан, қалъа ҳимоячиларнинг отаётган тошлари, иккинчи томондан, биз улоқтираётган тошларнинг қалъа деворига тегаётганлари қайтиб уларнинг бошига тушмоқда эди. Лекин бизнинг ишни давом эттиришдан ўзга чорамиз йўқ эди.

Қалъани ишғол қилиш учун олиб борган курашимиз тафсилотларини батафсил баён қилмоқчи эмасман. Фақат айтишим керакки, учинчи куни эрталаб, ниҳоят деворнинг икки жойини бузишга муваффақ бўлдик. Ўша куни ўзим ҳам жанговар либосларимни кийиб, тўлиқ жанговар ҳолатда жангга киришга тайёр бўлиб турдим. Ҳарбий саркардаларим мени фикримдан қайтариш учун роса уриндилар – унамадим. Таклифларини рад этиб дедим: «Ўғлим учун ўзим қасос олишим керак!»

Бир қисм жангчилар билан шарқий деворнинг бузилган жойидан ичкарига ёпирилиб кирдик. Шу ондаёқ душманнинг ўқ ёмғири остида қолдик. Бироқ, уни назар-писанд қилмай ичкарига интилдик. Олдимизни бир гуруҳ ҳимоячилар тўсиб чиқди. Уларнинг орасидан кимдир меннинг номимни тилга олиб гапирди. «Темур», деди-да кейин ҳиндчалаб яна алламбалолар деди. Номимни тилга олишганидан билдим-

ки, гап менинг устимда кетаяпти, сўзларининг оҳангидан ҳақоратомуз галларни талаффуз этаётганларини англадим.

Мен ҳар иккала қўлимда қурол тутгандим. Душман кучли эканини кўрдим, демак, жангни яна-да шиддат билан давом эттиришим кераклигини ҳам тушуниб етгандим. Куёвим Қора Хонга одам юбордим. Бизга кўпроқ ёрдамчи кучлар юборишини тайинладим. Олишувимизнинг биринчи соатидан кейин қалъага яна бизнинг жангчиларимиз киришди. Мен ва менинг ёнимдагилар эса қадам-бақадам олга силжиб, дарвоза томонга яқинлашиб бормоқда эдик. Менинг тахминимча, у ерда Картарни учратишим керак эди. Унга-ча яна йўлимизни бир гуруҳ душман жангчилар тўсди. Уларнинг орасидан яна кимдир: «Темур» деб менинг номимни тилга олиб, гапи давомида ҳиндчалаб нимадир деди. Мен гапираётган одам кимлигини аниқладим – у сермўйлов бир киши эди. Унга қараб овоз бердим: «Мен – Темур!» У қўли билан ўзига ишора қилиб: «Картар!» – деди. Ва мен Луни қалъабошиси мана шу муртад эканини англадим, унга томон отилдим.

У ҳам менга томон қилич ўйнатиб келди. Мен ойболта билан қақшатқич зарба бердим – бу зарбага мен бор нафратимни жо этган эдим. Унинг қўлидан қиличи тушиб кетди. Ўнг қўли ҳаракатсиз елкаларига осилиб қолди. Ўша ондаёқ қиличим унинг юзини кесиб ўтди. У эгилиб қиличини олмоқчи бўлган эди, мен шу лаҳза ҳал қилувчи зарбани йўлладим. У жойида қотди қолди. Ойболтам унинг орқа умуртқасини чўрт узиб юборди. Одамнинг умуртқаси узилганда шундай бўлади: ҳаракатланиш қобилиятини йўқотади, ҳатто тирик қолса ҳам, киприкларини-да қимирлата олмайди.

Мен Картарни оёғидан ушлаб бир чеккага судрадим. Навкарларим ҳайрон, чунки мен аввал ҳеч ҳам бундай қилмасдим. Улар четлашиб йўл бўшатдилар. Уни жанг майдонининг бир чеккасига олиб бориб, тилмочни чақиртирдим.

Тилмоч келгач, таржима қил, дедим унга ва қўйидагиларни айтдим: «Картар! Бу ўғлимнинг қасоси. Энди бошингни узаман, сўнг терингни шилиб сомон тиқишади. Қаерга осилиб туришингни ўзинг фаҳмлаб турган бўлсанг керак!» Картарнинг кўзлари очиқ, менга боқиб ётарди. Ҳайрон

бўладиган жойи йўқ: умуртқаси узилган одам на қошини, на кипригини ва на тилини қимирлата олади. Мен фақат бир нарсани – у кимнинг қўлидан ўлаётганини билишини хоҳлардим, холос.

Шундан сўнг унинг терисини шилиб, сомон тикишди ва шу пайтгача ўғлим осифлик турган жойга уни осиб қўйишди.

Саъад Ваққосни ўша ерда дафн қилдик. Усталар унинг қабри устида кичикроқ бир дахма қуришди. Маҳаллий аҳолини жалб этиб, қалъани буздирдим. Урушдан олган ўлжамни Қандаҳор орқали Кешга жўнаттирдим. Яна бир масала қолган эди. Мусулмон бўлган ҳиндуларни Абдулла Вали ул Мулк ҳудудида жойлаштирдим. Уларга етарли шарт-шароит яратиб бериши, ҳар томонлама кўмак бериши ҳақида Абдулла Вали ул Мулкка кўрсатмалар бердим. Мусулмончилик қонун-қоидаларини ўргатадиган имом тайинлашини зиммасига юкладим. Келишувга кўра тўловларни амалга оширдим.

Эбдала Гилзайнинг одамлари яхшигина ўлжа билан қайтдилар. Улардан улуш талаб қилмадим.

ЙИГИРМА ТўРТИНЧИ БОБ

ШОМ МАМЛАКАТИГА ҲАРБИЙ ЮРИШ ВА УНИНГ ШАҲАРЛАРИНИ ЗАБТ ЭТИШИМ

Ҳиндистондан қайтишда мен Кобулга ўтдим. Ўша кун баҳорнинг биринчи куни эди. Узоқ ушланмай, яна йўлга тушдим. Баҳорнинг 18-куни Кеш шаҳрига кириб келдим. Янгидан қад ростлаган шаҳарнинг обод қиёфаси мени беҳад қувонтирди. У худди жаннатнинг ўзгинаси эди.

Баҳор гуллари ҳали очилмаган, бироқ чор атроф ям-яшил майсалар билан қопланган эди. Шаҳар кўчалари бўйлаб ўтқазилган ниҳоллар бўй чўзиб қолибди. Мен Кеш аҳлининг муҳтожликда кун кечиришини хоҳламас эдим. Бу шаҳарда ҳамма нарса тўкин бўлиши керак, одамлар ҳеч нарсага зориқмасликлари лозим.

Шаҳарнинг гўзаллиги ва шинамлиги мени ўзига мафтун этди. Мен гуллар очилгунга қадар шу ерда қолиб, ҳордиқ чиқармоқчи бўлдим. Аммо ўзимни тийдим. Ҳинд браҳманининг гапи ёдимга тушди. Умримнинг етти йили қолибди – шу қисқагина фурсатни бекорчи ишларга сарфламастим керак. Битмаган ишларимни битказиб олишим даркор. Ўзимга-ўзим дедим: «Умрингни асосий қисмини ҳою ҳавасга бермадинг, бу ёғини ҳам энди асра! Ахир вақт дегани ҳаётинг кўрғонининг энг сўнгги гиштларини емираяпти-ку! Бу баҳордан сўнг яна бор-йўғи олтита баҳорни кўрасан. Шундан кейин жанг майдонида ўласан. Чунки сен каби одамлар касаллик туфайли тўшакда жон беришлари мумкин эмас. Тур ўрнингдан! Қолган шу фурсатда катта ишларга қўл ур – Румни забт эт! У салтанатинг фарбида жойлашган. Уни ҳам сенга тобе бўлган Шарқ мамлакатлари сафига қўш. Токи тирик чоғингда ҳам, сендан давр ўтгандан кейин ҳам, сени Шарқу Фарб ҳукмдори десинлар! Тур, Самарқандга бор! У ерда иккита иморат пойдеворига гишт қўй: бириси масжид биноси, яна бири ўз хилхонанг. Сен каби ўлимдан кўрқмайдиган одам ҳали кўзинг очиқлигида ўз қўлинг билан ўз хилхонангни бунёд этишинг керак! Бу ишни қилишдан кўрққанлар – заиф ва кўрқоқ одамлар. «Субҳанал ҳаййиллазий ла йамут» (Ҳаргиз ўлмайдиган, абадий тирик зот Аллоҳ покдир) бу сўзлар ҳамиша сенинг тилингда такрорланди-ку! Биласан-ку, Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарса абадий эмас. Ҳатто дунёга нур сочиб турган қуёш ҳам бир куни сўнади!»

Кешда уч кундан ортиқ қолмадим. Ишларни тартибга солгач, яна йўлга тушдим. Йўл-йўлакай бир нечта қишлоқ ва шаҳарларни кириб кўрдим. Баҳорнинг ўттизинчи куни катта масжид ва ўз хилхонам учун жой танладим. Ўз қўлим билан уларнинг биринчи гиштини қўйдим. Бу икки бинони қуришга топшириқ берар эканман, меъморга айтдим: «Умр қисқа! Ҳеч ким қачон ўлишини билмайди. Эҳтимол, менинг умрим ҳам поёнига етиб бораётгандир. Шунинг учун ҳали кўзим очиқлигида бу масжид ва хилхонамни қуриб битказилган ҳолатида кўришни хоҳлайман».

Меъмор деди: «Хилхонанинг қурилишига икки йил кетади, бироқ масжид учун камида тўрт йил керак бўлади». Мен

унга дедим: «Хоҳлардимки, масжид жуда мустаҳкам бўлса, икки минг йил турса!» Меъмор деди: «Бор қобилиятимни ишга солиб, унинг пишиқ ва мустаҳкам бўлиши учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан!»

Ҳар икки иншоотнинг пойдевориغا гишт қўйиб, сарф-харажатлар миқдорини аниқлаб, бунинг учун зарур маблағни ажратгач, Самарқандни тарк этиб, чўлга чиқиб кетдим. Қўшин тўплаб, уни жанговар сафарга тайёрлашим керак. Кўз тикканим эса – Ғарб томон эди. Барча ярадорлар ва кетма-кет сафарлардан чарчаган жангчиларни хизматдан бўшатдим. Уларга шахсий хўжалик юритишлари учун ер ажратдим. Зеро, янги жанговар юришим учун сафимизни янги, вужудидан куч ёгилиб турган жангчилар билан тўлдириш керак эди. Узоқ йиллар менинг қўшинимда хизмат қилган кекса жангчилар ҳам сафимизни тарк этишди. Менга хизмат қилганларидан рози, бундан кейин токи ўлгунча менинг номимга олқишлар айтиб яшашларини айтишди. Сафарга чиқишдан олдин ўғлим Шоҳруҳни ворисим, деб эълон қилдим. Унга қароргоҳини Кеш шаҳрига кўчириш, қиш пайтлари Самарқандга келиши ва ҳар икки шаҳарнинг ободонлигига бирдек эътибор бериши кераклиги ҳақида топшириқлар бердим.

Мен унга Деҳлидан Бағдодгача бўлган салтанатим ҳудудларида даракчи қуш – кабутар хизмати йўлга қўйилганини, улар мамлакатнинг хоҳлаган чеккаси билан боғланиб, у ерда кечаётган воқеалар, мавжуд вазият ҳақида маълумот олиш имконини беришини тушунтирдим.

Мен Шоҳруҳга дедим: «Бу дунёда ҳукмдорни йўлдан урадиган, уни таназул сари бошлайдиган ёвуз бир куч бор. Агар сен менинг йўғимда мамлакатни муносиб бошқараман, десанг – ундан узоқ бўл! Бу ёвуз куч – ялқовлик ва маишатга мойиллик. Агар ҳукмдор ана шу куч таъсирига тушса, кучли рақиб томонидан мағлубиятга учрайди. Қирқ ёшимдан бугунгача мен бир қадаҳ ҳам шароб ичганим йўқ. Намозимни қанда қилмайман. Фақат жанг ва оғир ярадор бўлган кезларим ибодатимни ўтказиб юборган бўлишим мумкин. Бирор-бир шаҳарда бир ёки узоғи билан икки ҳафтадан ортиқ ушланиб қолмаганман. Йилнинг қайси фасли бўлишидан

қатъи назар, жангчилар билан бир сафда туриб, ҳарбий тай-ёргарлик машқларида иштирок этиб келаман. Жангчиларимнинг мунтазам шуғулланиб, ҳарбий малакаларини оширишларини назорат қилиб бораман. Мана шу қоидага қатъий амал қилганим учун ҳам куч ва қудратимни бугунгача сақлаб келяпман. Мени ҳеч ким ҳалича енга олган эмас, агар жангда ўлмасам ҳали бери енга олмаса ҳам керак.

Агар сен мен берган мамлакатни муносиб бошқармоқчи бўлсанг, агар душманларинг сени ҳокимият тепасидан улоқтирмасин десанг – маишатбоз бўлмаслигинг керак. Лоақал бир марта май татисанг, бор-йўғи бир марта бегона ойчеҳра гўзалнинг оғушида ётсанг, билиб қўй, эртаси куни қўлинг ишга бормайди. Сен яна нўшакни ва тўшакни қўмсаб қоласан, у эса худди гирдоб каби сени айлантира-айлантира ахийри тубига тортиб кетади. Ҳокимият тепасидан улоқтирилган, тожу тахтидан мосуво бўлган барча ҳукмдорларнинг қисматига боқ: барисининг омадсизлигига бир сабаб кўрасан – майхўрлик, ишратпарастлик.

Сен бирор-бир деҳқоннинг ёки темирчининг шундай аҳволга тушганини кўрганмисан – йўқ! Улар ўз касбига меҳр қўйганлар, серҳосил даласидан завқланади улар. Меҳнатнинг маҳсулидан шавқ туяди. Бекорчи ишлар учун уларнинг ортиқча вақти ҳам йўқ, нақди ҳам йўқ. Бу нарсалар сенда ҳам йўқ аслида, бироқ давлат ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйсанг – вақт топасан, давлат хазинасини совурсанг – нақд топасан. Бу эса оқибати яхшилик билан тугамайдиган ишдир!»

Мана шу насиҳатларимни бергач, унга яна дедим: «Сенга Малу Эқбол ҳамда Маҳмуд Халложни ишониб топшириб кетяпман. Уларга яхши муносабатда бўл, шароитларини қилиб бер. Агар майга, хотинларга майллари бўлса, халал берма – шундан таскин топсинлар. Бу машғулотлар уларни асосий ишдан – фитна қилишдан чалғитади. Мен уларни ўлдирмоқчи эмасман, улар ҳали бизга керак бўлади ва бу ерда Ҳиндистондан узоқ бир жойда фитна қўзғашлари мумкин эмас, бироқ қочиб қолиш пайида бўлишлари мумкин – шунга йўл қўйма».

Баҳорнинг 16-куни чиниққан, жани ларда тажрибаси ортган эски навкарларим ва сафимизни тўлдирган янги навқи-

рон таркиб билан қўшинни Самарқанддан олиб чиқдим. Ёш жангчиларнинг ҳар бирини катта жанговар тажрибага эга бўлган аскарларимга биржитиб қўйдим: уларни ёшларга жанг санъатини, кураш маҳоратини ўргатишга масъул этиб тайинладим.

Мен бораётган манзилимга Хуросон орқали ўтишга қарор қилдим. Райга йўналган чоғим яна бир бор Тус орқали ўтдим. Йўл бўйлаб менинг шу ҳудуддан ўтаётганим ҳақидаги хабарни эшитган катта-кичик ҳукмдорлар мени қутлаб, истиқболимга пешвоз чиқишди, инъомлар беришди. Айримлари ёш, навқирон фарзандларини хизматимга топширишди. Менинг қўшиним ҳақиқатан ҳам маҳорат мактаби: бизнинг сафимизда юрганлар ҳарбу зарб санъатини пухта эгаллайдилар. Мен уларга жангларда ўз ўғилларимни қурбон қилишдан ҳам қайтмаганлигимни, бу борада уларнинг фарзандларига ҳам ҳеч қандай имтиёз бера олмаслигимни айтдим. Бироқ фарзандлари жангларда ҳалок бўлмаса, мен билан икки-уч жангда қатнашиб, пўлатдек ирода соҳиби бўладилар – бу умрбод уларга таянч бўлиб хизмат қиладди.

Рай шаҳрида мен Муҳаммад Бабуи Кумининг мазорини зиёрат қилдим. Қуръон оятларини ўқиб, ҳақиқа дуо қилдим. Бу атрофимдаги одамларни анчайин ҳаяжонлантирди. Уларга юзланиб дедим: «Мен чиндан олим одамларни ҳурмат қиламан. Уларнинг миллати, эътиқодидан қатъи назар қадрлайман. Мана бу қабр эгаси бўлмиш зот ҳам улуг олимлардан, ўз даврининг пешқадамларидан бўлган. Мен бу зотнинг иккита китобини ўқиганман. Гарчи у шиа мазҳабида бўлган бўлса ҳам ва китобларидаги айрим фикрлар билан чиқишмасам-да, унинг китоблари жуда ўқимишли».

Райда уч кун турдим. Бу вақт ичида қўшинимни жиҳозлаш ва зарур воситалар билан таъминлашга доир сўнгги тартибга солиш ишларини бажариб, сўнг Кирмоншоҳ орқали Бағдодга йўл олдим. Патак дарасидан кечишда ўша ердаги қабилалар бизга ортиқча ташвиш туғдирмаслиги учун, асосий қўшин етиб келгунга қадар бир қисм жангчиларни ўша ёққа жойлашиб олиб ҳудудни кузатиш, вазиятни ўрганиш учун юборган эдим. Шундан Дажла дарёси

бўйида жойлашган Бағдод шаҳрига ортиқча саргузаштларсиз кириб бордик.

Бағдод худди ўша биринчи ташрифим чоғидагидек беҳудуд, кўнгилни кўтарадиган даражада гўзал, бироқ мен у ерда, агар жуда истасам ҳам қололмас эдим. Бағдодда эканимда ҳузуримга ўқимишли одамларни чорладим. Улардан Шом (Сурия) мамлакати ҳақида маълумот олмоқчи эдим. Улар қуйидагиларни сўзлаб беришди: «Шом – бу бир бепоён мамлакат: водийлари ҳудудсиз, унда иккита тоғ тизмаси жойлашган, бириси мамлакат шимолида, яна бири жанубда. Ўша тоғ тизмаларининг ўзи алоҳида бир мамлакатга тенг. Бу тоғларнинг этагида ва дараларда кўплаб одамлар яшайди. Агар хавф-хатардан узоқ бўлай десанг, Друэ тоғидан нари юр. Мамлакат жанубидаги бу тоғда бир қабила яшайди. Уни ҳам Друэ қабиласи дейишади. Хоҳла эллиқ йил жанг қилгин – уларни барибир енга олмайсан. Уларнинг бир қисми деҳқончилик билан, яна бир қисми чорвачилик билан шуғулланади. Агар жанг қилар бўлсанг, улар барча хўжаликларини олиб тоққа чиқиб кетишади. Улар сут ва гўшт билан қорин тўйдириб, жундан уст-бош тикиб кийишади. Уларни қамалда ушлаганинг билан очлик ва муҳтожликда қолмайдилар: сув сероб, яйлов ҳамда ўтлоқлари етарли.

Друэ тоғларидан шимолда Шом мамлакатининг марказий қисми жойлашган – иссиқ, бепоён ва ичимлик суви танқис текисликлардан иборат ҳудуд. Агар қўшинни ўша ҳудуддан олиб ўтсанг, сувсизлик ҳолдан тойдиради, шунинг учун яхшиси Шомга унинг шимолий қисмидан, Ансаршон тоғлари жойлашган ҳудуддан ўтганинг маъқул. Тоғдан жуда кўп ирмоқлар водийга оқиб ётади. Мазкур жойдан ўтсанг, ҳамма ёқда сув бўлади. Ансаршон ёнбағрида ястанган водий бўйлаб қўшининг қийналмай ўша ҳудудни босиб ўтади».

Мен уларнинг тавсияларини маълумот учун қабул қилдим ва Шомга йўл олдим. У мамлакат ҳудудига қадам босишдан олдин бир неча йўлбошловчиларни ёлладим. Улар бизга Ансаршон тоғ этаклари бўйлаб йўл кўрсатиб боришадиган бўлди. Биз ўша ҳудудга келганимизда ёз мавсумининг бошланиши – айни саратон пайти эди. Бироқ ҳавонинг иссиқлиги лоҳас қиладиган даражада эмасди. Бир куни йўлимизда дуч

келган бир манзилгоҳда юзларида ниқоб таққан эркакларни учратдик. Уларнинг фақат кўзларини кўриш мумкин эди. Улардан фарқли ўлароқ аёллари ниқобсиз; эркаклари бўйчан келишган, аёллари ҳам баланд бўйли, аммо семизроқ эди.

Мен йўлбошчилардан уларнинг кимлигини сўрадим. Уларнинг айтишича, улар исмоилийлар экан. Эркаклари ниқоб тақиб юрар, хотинларида бундай мажбурият йўқ экан. Ўша кеч биз шу жойда тунаганимиз боис, ниқобли эркаклардан бир нечасини ҳузуримга олиб келишларини буюрдим. Улар арабчада сўзлашади деб ўйлагандим, бироқ форс тилида равон сўзлашларини кўриб лол қолдим. Бунинг сабабини сўраганимда, улар келиб чиқишлари Эрондан эканликлари, ота-боболари қачонлардир Шомга кўчиб келиб, шу жойларда қўним топганлигини айтишди. «Бунга қанча бўлган?» – деб сўрадим улардан. Улар ой тақвимга кўра ҳижрий 656 йил деб жавоб қайтаришди. Мен уларнинг санани бу қадар аниқ билишлари сабабини суриштирдим, улар бошларини эгиб жавоб қилишмади. Мен уларга ҳеч нарсадан чўчимай гапираверишлари мумкинлигини, бу маълумотларни ўзимнинг билим бисотимни бойитиш учунгина сўраётганимни тушунтирдим. Улардан бири жавоб қилди: «О, қудратли Аллоҳ! Бирор-бир исмоилий ўша 656 йилни ўла-ўлгунича унутмайди. Ўшанда Хулагу Хон Эрондаги, хусусан, Аламутдаги бизнинг барча қалъаларимизни, қўрғонларимизни бузиб ташлаган эди. Ўша сана биз учун, ким исмоилий динида бўлса мотам кунидир!»

Мен уларнинг ниқоб тақиш сабабини сўрадим. Улар тушунтиришди: «Қалъаларимизни бузгач, Хулагу Хон фармон чиқариб, бизнинг оталаримизни қатл эттирган. Кимки исмоилий бўлса, битта қолдирмай қириб ташлашга амр қилган. Исмоилийларни ўлдирган кишиларга мукофот ваъда қилган.

Ўша кезлари Эронда дарвешлар қавми бўлган. Уларни «Дарвэш-э ал Муқанна» (ниқобдор дарвешлар) деб аташган. Бизнинг ота-боболаримиз ҳам юзларига ниқоб тақиб, ўша дарвешлар билан Эрондан чиқиб кетишган».

Мен дедим: «Энди ниқоб тақишга ҳожат йўқ-ку, ундан воз кечсаларинг бўлмайdimи?»

Улар жавоб қилмади...

Эртаси кун биз бу ҳудудни тарк этдик ва гарбга томон йўл олдик. Қуёш ботар олдидан биз кичкина бир сой ёқасида тўхтадик. Шу ерда тунамоқчи эдик. Биздан бир оз нарида қўлларидан найза тутган, сочи узун одамларни кўрдим. Бизга қараб туришарди. Йўлбошловчилардан уларнинг кимлигини сўрадим. Улар бу кишилар алавийлар эканини айтишди (*Алавийлар – биринчи иша имоми Алининг авлодлари*). Шунингдек, бир неча кун ана шу қавм яшайдиган жойлардан ўтишимизни ҳам эслатишди. Мен йўлбошчилардан «Бу одамлар Бани Ҳошим хонадониданмиз, демоқчиларми?» – деб сўрадим.

Йўлбошчиларимиз оми одамлар бўлгани боис саволимни тушунмадилар. Кечки намоздан кейин алавийлардан бир нечасини ҳузуримга чақиртирдим.

Улар билан араб тилида суҳбатлашдим, нега уларни алавийлар деб аташларини сўрадим. Улар узун соч-соқолда ҳам биб-бинойи кўринишар эдилар. Саволимга жавобан, уларнинг аجدодлари Бани Ҳошим хонадонидан эканини айтишди. Шунингдек, уммавийлардан бўлган кўпгина халифалар уларни сиғиштирмаган, кўпларини ўлдиргани боис қочиб келиб шу тоғлар орасидан паноҳ топишганини сўзлаб беришди. Уммавийлар сулоласи Шомда узоқ вақт ҳукмдорлик қилгани туфайли улар шу ерда яшаб қолишган экан.

Уларга дедим: «Мен – мусулмонман ва ҳар бир мусулмон кишиси Бани Ҳошим хонадони вакиллари (*Пайгамбаримиз (с.а.в.) ҳам шу хонадон вакили*)га чуқур эҳтиром билан муносабатда бўлади. Шунинг учун қандай истакларинг бор. Шу шароитда мен бажара оладиган, тилагингизни айтинг – бажо қилай».

Алавийлар менинг бу юртга келишим уларнинг манфаатларига зид келмаса, бошқа истаклари йўқлигини баён қилишди. Мен ўзим билан адоватлашган кишилардан бошқа ҳеч кимга озорим етмаслигини билдириб, уларни тинчлантирдим!

Йўлбошловчиларимиз айтганидек, кейинги бир неча кун мобайнида алавийлар яшайдиган ҳудудлардан юрдик. Ўша кунлари ўнг оёғимнинг бош бармоғида кучли оғриқ сездим.

Пойабзалим сиқаётгандир, деб кенгроқ этикка алмаштирдим.

Хуфтон намозидан кейин оғриқ шундай забтига олдики, ухлай олмадим. Эрталаб бомдод намозини ўқишга таҳорат учун ташқарига чиқмоқчи бўлиб пойабзалимни киймоқчи бўлсам, ўнг оёғим шишганини кўрдим. Бош бармоғимдаги оғриқ тарқамаган эди. Қийналиб намозимни ўқиб олдимда, йўлга чиққунга қадар бир оз ётиб дам олмоқчи бўлдим. Назаримда, бош бармоғимнинг суяги лат еганди. Аммо унда жароҳат аломатлари йўқ эди. Ўша куни кавуш кийиб отга миндим, бироқ оғриқ ҳануз мен билан бирга эди. У қуёш ботгунга қадар мени тарк этмади.

Олд кузатув гуруҳи тунаш учун қулай жой топган экан, ўша ерда тўхтадик. Қароргоҳ қуриб бўлингач, қийнала-қийнала намозимни ўқиб, сўнг табиб Абу Мусо Бухорийни чақиртирдим. *У менинг ўнг бармоғимни пайгаслаб, «Амирим, суяк лат емаган, мафосил (ревматизм) дардига чалинибсиз. У мана шундай оғриқ ҳиссини келтириб чиқаради. Фақат кексаларда эмас, ёшларда ҳам учрайди бу», – дея қўйган ташхисини баён этди. «Давоси борми?» – сўрадим ундан. Табиб мажнунтолдан тайёрланган экстракт ичишим кераклигини айтиб, олиб келиш учун чиқиб кетди. «Мазкур малҳам жуда фойдали, оғриқни тўхтатади. Бироқ орадан яна бир неча ой ўтиб, у яна такрорланади. У оёқдан бунисига кўчиши ҳам мумкин», – деди.*

Табиб нима дейишидан қатъи назар мен кексая бошлаганимни англадим. Чунки бўғинларнинг шамоллаши, асосан, кексаларда учрайдиган касаллик эканини билар эдим. Табибнинг айтишича, бу касаллик наслдан-наслга кўчаркан. Демак, менинг фарзандларим ҳам ундан азият чекадилар. Фақат ҳозир эмас. Чунки бу касаллик кексайишнинг бошланишида хуруж қилади.

Алавийлар яшаётган ўлкалардан ўтиб, биз Ҳалаб шаҳри томон юрдик. У шаҳар ҳақида мен ажойиб гапларни эшитдим. Хусусан, унинг аҳолиси бир миллион кишини ташкил этар, шунингдек, бу ерда пўлатнинг ўзига хос «мукаллэ» турини ясашар экан (Бу пўлат кейинчалик Ҳалаб пўлати номи билан машҳур бўлган).

Ҳалаб ипаги ҳам машҳур эканини эшитдим. Уни ҳалаблик қизлар тўқир экан. Ундан тўқилган матолар шунчалар ҳарир эканки, уни ўн қават қилиб, қуёшга қарасанг – кунни кўришинг мумкин экан. Лашкаримни Ҳалабга олиб кирмаслигимни маслаҳат беришди. Айтишларича, у шаҳарнинг қизлари шу қадар гўзал эмишки, жангчиларим ақл-ҳушидан ажраб қолиши ҳеч гап эмас, дейишди. Мен шундай ҳолнинг гувоҳи бўлган эдим. Филон қизларининг бетакрор гўзаллиги ҳаттоки мени ҳам ўзига мафтун этган эди. Интизомни бўшаштирмаслик учун қўшинимни у ердан олиб кетишга мажбур бўлган эдим.

Яна эшитишимча, Ҳалабни девлар барпо қилган эмиш. Унинг ҳукмдори Тўғрул Бўлакнинг ўзи ҳам девлар авлодидан бўлиб, мени худди ёш боладек қўлида кўтариши мумкин экан. «Агар хоҳласанг, – дейишди менга, – либосларингни алмаштириб Ҳалабга бор. У ернинг қизлари билан ҳовурингни бос, илло қўшин тортиб борсанг, Тўғрул Бўлак сени еб қўяди». Ҳалаб ҳақида менга жуда кўп нарсаларни сўзлаб беришдики, Шомнинг бу йирик шаҳрини, унинг дев ҳукмдорини ўз кўзим билан кўришга иштиёқим ошди.

Бир куни тепаликлар устида туриб, у шаҳарни кўрдим. Айтарлик ғайриодатий бир нимани кўрмадим ва унинг деворлари ҳам унчалик баланд бўлиб туюлмади менга.

Мени ёш боладек ердан уза оладиган Тўғрул Бўлак ўз қўшини билан йўлимни кесиб чиқиб, менга қаршилиқ кўрсатади, деб ўйлагандим. Ундай бўлмади. Ҳеч ким бизга халақит бермади ва биз ҳеч қандай қаршиликсиз Ҳалабгача етиб бордик. Қаршимда бўй чўзган катта шаҳарнинг ҳимоя деворини кўзим билан чамаладим, у айланасига 3 фарсанг масофага чўзилган эди, назаримда.

Ҳалабга келиб, шаҳар дарвозалари тақа-тақ берк эканини, девор устига соқчилар қўйилганини кўриб, Тўғрул Бўлак ўлимдан қўрқадиган киши экан, деган фикрга келдим.

Ҳаётий тажрибамдан биламан, ўлимга тик боқа оладиган жангчи девор ортига бекинмайди. Мен умрим бўйи жангу жадаллар кечиб, бирор марта ҳам жангни хавф-хатардан холи, бир чеккадаги қароргоҳимдан кузатмаганман. Ўғилларимга ҳам шундай сабоқ берганман, ўз жонини сақлаш

мақсадида девор ва тошлар орасида пусиб юрмасликни онгларига чуқур сингдирганман. Билакларининг кучи, юракларидеги чидам – ҳар қандай душманни енгишга қодир. Фақат гап уни қандай ишлата билишда, деб уқдирганман.

Тўғрул Бўлакнинг қатъиятсизлиги менинг ўзимга нисбатан ишончимни оширди, ундан устун эканимни ҳис этдим. Ҳалаб шимолида қароргоҳ тиклашга ва уни қуршаб олишга буйруқ бердим.

Кечки намоздан сўнг ҳарбий саркардаларимни тўплаб, уларга кузатувларим натижаларини билдирдим. Хусусан, Ҳалаб шаҳрининг қалъа девори ҳақидаги фикрларимни баён қилдим. У тош ва лойдан барпо этилган бўлиб, баландлиги саккиз заръ атрофида эди: «Сиз, бундан-да баланд қалъаларни, масалан, Деҳли қалъасини забт этдингиз, бу йўлда ҳеч ким сизга халақит қила олмайди. Ҳалаб шаҳри деворини ишғол қилиш сиз учун ўйин ўйнагандек бир гап – сизга бу устунни ошиб ўтиш ва дарвозани ланг очиш учун ёғоч ва ил нарвон кифоя қилади».

Саркардаларим буйруғимга бош эгиб бўйсундилар. Мен ўзгаларни ўлимга рўпара қилиб, ўзим бир чеккада қўл қовуштириб ўтирадиган одам эмаслигимни улар жуда яхши билишади. Шунинг учун ҳам айни дамда ўлимдан қўрқиш ёки жароҳатларим сабаб эмас, балки қўшинни бошқариш зарурати менга улар билан бирга жангга киришга имкон бермаётганини ҳис этиб туришарди.

Ҳарбий саркардаларимга рухсат бергач, таом олиб келишларини буюрдим. Мен ҳарбий юриш қилганимда ёки сафарларим чоғи жангчиларим билан бир қозондан овқатланаман. Алоҳида қозон остирмайман. Буни саркардалардан тортиб, оддий жангчиларимгача – бариси билади. Тун чоғлари овқат ейишдан тийиламан. Жуда оч қолган чоғларим озгина тановул қилиш билан кифояланаман. Бу ҳушёр ухлаш ва кечаси қароргоҳни айланиб чиқиш учун мадад бўлади.

Соқчилар менинг йўлимни тўсишди. Кимлигимни билиб четлашиб йўл бўшатишди. Мен қароргоҳ ҳудудидан чиқиб шаҳарни қамал қилган ҳалқа бўйлаб юрдим. Соқчилар ҳар жойда ўз сергакликларини намоён этдилар. Биз қалъа то-

монидан бўладиган хатти-ҳаракатларга, хусусан тунги пайт, дарвозадан сирғалиб чиқиб ҳужум қилишса, унга муносиб қаршилиқ кўрсатишга ва дарвозанинг очилганидан фойдаланиб, ундан шаҳарга ёпирилиб киришга тайёр турардик.

Қўшинимнинг тунги муҳофаза ҳолатини кузатгач, баланд бир тепалик устига чиқдим. Шаҳар ичкарисига назар ташладим – шаҳар тинч ва осойишта эди. Бир-икки жойда, масжид ва миноралар томида машъалалар ёқиб қўйилган, ҳаво этни жунжиктирадиган даражада салқин эди. Осмонда юлдузлар чарақлаб турарди.

Мен бу юлдузларни деярли номма-ном билар эдим. Уларни туннинг қайси вақтида қаерда ва қай ҳолатда туришларидан хабардор эдим ва бу менга ҳарбий сафарларим чоғи жуда кўп бор асқотган.

Ҳамма ёқ осуда, фақат вақти-вақти билан бойўғлининг сайрагани эшитилиб турарди. Айрим иримчи одамлар бойўғлининг қичқиригини ёмонликка йўйишларини билар эдим, аммо бунга бовар қилмасдим. Мен бойўғли ва яна бир қатор кўзи қуёшдан қамашадиган қушлар кундузлари инидан чиқмай ётишларини, кечқурун эса сайрга чиқишларини биларман – шунинг учун ҳам уларнинг қичқиригидан алоҳида бир маъно изламас эдим.

Бойўғлининг қичқириги дилимга гулгула солмаслиги аён, бироқ уни эшитганимда мен бу фоний дунёнинг ўткинчи ишларини хотирлар, келажак ҳақида ўйлар эдим. Ўтмиш ҳақидаги тасаввурларим анчайин бой, чунки кўп тарихий китобларни ўқиб, кўп нарсаларни кўрганман. Илло, келажак ҳақида ўйлаганда, ҳатто эртага нима бўлишини ҳам билмасдим. Лекин келажакнинг қандай бўлиши тарихнинг қандай кечгани билан чамбарчас боғлиқ эканини аниқ-равшан ҳис этардим.

Бойўғлининг қичқиршидан шундай маъно уқдим: «Эй Амир Темур, сенгача ҳам бу дунёга кўплар келиб, кўплар кетди – бирор-бир из қолгани йўқ. Бил, бу кекса олам наздида минг-минглаб одамларнинг ўлиб кетиши хазонрезги дамлари дарахтлардан тўкиладиган баргчалик аҳамияти йўқ. Худди ҳеч ким бу одамларни санаб саноғига ета олмагани, уларнинг барчасини хотирасида асраб қола олмагани каби.

Фақат айрим шахслар, ўз ортидан ўчмас из қолдирган инсонларгина эсланадилар. Башарти, сен ҳам кузда бандидан узилган япроқдек енгил унутулиб кетишни истамасанг, одамларнинг қалбида унутилмас ном қолдиришинг керак. Бисотингда қолган бу саноқли дамлар тез ўтиб кетади. Сени ҳам барча ўтганлар каби тупроққа топширишади. Сен ҳам минг йиллар мобайнида ерда ётасан. Ўшанда осойишталик ичра қўним топасан – узоқ ухлашга имконинг бўлади. Ҳозир эса ғафлатни унут. Бардам бўл, номингни мангуликка муҳрла, токи Искандар сингари сенинг ҳам зафарли юришларинг, шарафли ишларинг ҳақида гапириб юришсин».

Мен ўша тепаликдан тушганимдан сўнг, чодиримга қараб кетарканман, бутун жаҳон ҳукмдори бўлишга, бирор-бир дамимни ҳаракатсизликда ўтказмасликка, умримнинг энг сўнгги сонияларигача жанговар сафни тарк этмасликка, ўлимдан сўнг номим буткул ўчиб кетмаслиги учун довруқ солишга яна бир карра қатъий аҳд қилдим.

Эрталабдан биз шаҳар деворини ишғол қилиш учун воситалар тайёрлаш билан машғул бўлдик. Душман томон бизга қарши ҳеч қандай хатти-ҳаракатларни амалга оширмади. Афтидан, Тўғрул Бўлак ўз деворининг мустаҳкамлигига ишониб, бизни даф қила олишига кўзи етганди.

Учинчи куни ҳужум бошладик. Тонг чоғи жангчиларимиз ёғоч ва ил нарвонлар воситасида девордан ошиш ҳаракатини бошладилар. Ёғоч нарвонларнинг пиллапоялари кенг қилиб ясалган эди. Арқондан тайёрланган нарвонларнинг учиди темир илгаклар маҳкамланган бўлиб, улар улоқтирилганда илгаклар девор қиррасига илашиб қолиши кўзда тутилганди.

Жангчиларимиз деворга тирмашиб чиқаётган палла, биз ластдан ҳимоячилар томонга тинимсиз ёйдан ўқ ва палахмондан тош ёғдириб турдик. Бирор-бир қаршилиқ кўрсатишларига йўл қўймадик. Ҳужумкор қисмларимиз деворга чиқа бошлагач, ўқ ва тош отишни бас қилдик.

Мен отда юриб жараёнларни синчиклаб кузатиб бормоқда эдим. Девор устидаги жангчиларимиз ўз ўринларига мустаҳкам ўрнашиб олгач, ёрдамчи куч жўнатдим. Шундай қилиб кечгача биз шаҳар деворининг етти жойида мустаҳ-

кам истехком ҳудудини қўлга киритдик. Кўп ўтмай вазият яна биз томонга ўзгара бошлагани, жангчиларимиз шаҳарга ёриб кириб, дарвозани очишлари мумкинлиги аён бўлди. Биринчи бўлиб шарқий дарвоза очилди ва ундан суворийларимиз шаҳарга ёпирилиб кирдилар. Мен ишғол этилган ҳудудларни мустаҳкамлаш мақсадида, йўлда дуч келган уйларни қўлга киритиб, аҳолини чиқариб юбориш, мабодо қаршилик бўладиган бўлса, жойида бостиришга буйруқ бердим.

Шаҳарга кирган навкарларимиз деярли ҳеч қандай тўсиқларсиз унинг бошқа бир томонига ўтиб, ғарбий дарвозаларни ҳам очишга муваффақ бўлишди. Вазият менинг ичкарида бўлишимни талаб қилмоқда эди – шу боис шаҳарга кирдим.

Ўша пайтгача даҳшатли Тўғрул Бўлакнинг қораси кўринмади – арқда бўлса керак. Ўша ёққа йўл олдик. Қароргоҳ пештоқига оқ байроқ осиб қўйилганини кўриб, Тўғрул Бўлак ортиқ қаршилик кўрсата олмаслигига амин бўлдим.

Мен овоз чиқариб, «Бу юртнинг эгаси борми, нега ўзини кўрсатмайди?» – дедим. Қароргоҳ дарвозасидан жуссадор бир киши чиқиб келди. Ундан: «Тўғрул Бўлакмисан?» деб сўрадим. У маъқуллади. Мен дедим: «Агар таслим бўлишга қарор қилган бўлсанг, нега жангчиларингга қаршилик кўрсатишни бас қилишлари учун кўрсатма бермаяпсан? Ёки сенинг оқ байроқ кўтариб турганинг ҳолда жангчиларинг жанг қилаётгани – шунчаки бир ҳийла эканини тушунтирмайди, деб ўйлайсанми?»

Тўғрул Бўлак тилга кирди: «Эй, Амир Темур, менинг сен билан жанг қилиш истагим йўқ эди. Сенга нисбатан адоватим йўқ, сен нега менинг шаҳримга бостириб кирдинг?» Мен унга жавоб қилдим: «Сен ўзинг мени шунга мажбур қилдинг. Мабодо мен билан уруш қилиш ниятинг бўлмаса, нега юзимга дарвозани ёпдинг? Шаҳарга киришимга изи бермадинг?» У деди: «Сенинг ҳужум қилмоқчи эканингни билгач, шундан ўзга чорам қолмади». Ундан неча йилдан бери ҳукмдорлик қилаётганини сўрадим. Ўн беш йилдан буён тахтда эканини айтди. Мен унга дедим: «Шунча йил тахтда ўтириб, уруш ва тинчлик шартларини англамадингми? Ё ўзинг-

ни атай билмаганга олаяпсанми? Мен Рум билан урушиш мақсадида бу ҳудудлардан ўтаётган эдим. Сен буни билганинг ҳамоноқ тинчлик тарафдори эканингни билдириб ё ўзинг ҳузуримга бориб, ёки элчиларингни жўнатиб менга иззат-икром кўрсатишинг лозим эди. Ўшанда мен шаҳар чеккасида қароргоҳ қуриб, жангчиларимни ичкарига киритмаган бўлар эдим. Сендан фақат қўшиним учун етарли миқдорда ем-хашак ва озиқ-овқат сўраган бўлардим – ўшанда ҳам текинга эмас. Бу қондаларни билиш учун тахтда ўн кун ўтириш кифоя, сен эса ўн беш йилда ҳам уни ўзлаштира олмабсан – эссиз!»

Биз мулоқотда бўлган чоғимиз шаҳарда ҳали жанглар қизгин давом этмоқда эди. Шу боис ундан қаршилик кўрсатишни тўхтатиш тўғрисида буйруқ беришини талаб қилдим. У деди: «Мен ҳозироқ жангни тўхтатиш тўғрисида буйруқ бераман. Фақат битта шартим бор...» Мен унинг сўзини бўлдим: «Сенинг мағлуб ҳолатинг менга шарт қўйишга асос бермайди. Шартни мен қўяман ва мағлуб томондан шарт қабул қилмайман. Фақат ваъда бераман, сенга ва ўз ихтиёри билан қуролини топширганларга омонлик бераман». Кўп ўтмай қароргоҳ дарвозасидан ноғора, карнай ва яна аллақандай мусиқа асбобларини кўтарган бир гуруҳ одамлар чиқиб келди. Мусиқа садолари қаршилик ҳаракатига зумда барҳам берди. Ўз навбатида мен ҳам душман таслим бўлган барча ҳудудларда жанговар ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисида буйруқ бердим.

Ҳали ҳам арк дарвозаси ёнида турган Тўғрул Бўлак менга мурожаат этди: «Эй, Амир, ичкарига кир – меҳмоним бўл!» Мен унга жавобан дедим: «Таклифингни қабул қила олмайман. Менинг шаҳарда бажарадиган юмушларим бор. Сен эса менинг рухсатим бўлмагунча аркни тарк этмайсан. Менинг одамларим қароргоҳга киришади, бироқ сен ва оиланга тегишмайди».

Кун ярмида шаҳарни тўлиқ қўлга киритдим. Мен таҳорат олиб, масжидга бориб намоз ўқидим. Ибодатдан сўнг масжид имоми менга томон келди. У оппоқ соқолли, мулоқим чехралли киши эди. Кўнгли тоза эканини чехрасидан билса бўларди. У арабчалаб деди: «Эй Амир, сенинг намоз ўқиға-

нингни кўриб, англадимки, мусулмон кишиси экансан. Башарти, олижаноблик қилиб, Ҳалаб аҳлига раҳм-шафқат қил!»

Мен унга жавобан дедим: «Менинг мусулмонларга заррача ёмонлигим йўқ. Шаҳар аҳли менга қаршилиқ кўрсатди – гуноҳ қилди. Энди гуноҳларини ювишлари керак. Шариат аҳкомларига кўра, уларнинг мол-мулки менинг ҳарбий ўлжам бўлади. Эркак ва аёлларни асир оламан».

Жомеъ масжиди имоми Файз-уд-дин Амели деди: «Эй, улуғ Амир! Бу шаҳар аҳли жанг қилишни хоҳламаган эди. Бироқ Тўғрул Бўлак дарвозаларни беркитиб, уруш қилишга аҳд қилгач, бошқа иложлари қолмади. Ўзинг ўйла, сен ҳукмдорсан, сен урушга бошласанг, биров қаршилиқ кўрсата оладими? Шунинг учун уларни кечир! Агар сенга бойлик, ўлжа керак бўлса, кофирлар юртига бор – у ерда икки минг йилдан бери тўпланиб ётган бойликлар мавжуд. Ҳалаб аҳли эса бутун жаҳонни забт этган Амир Темур Кўрагонга қарши қўл кўтаришни асло истагани йўқ – ишон!»

Мен ундан сўрадим: «Эй Амели, сен худосизлар юрти деганда, қаерни назарда тутдинг?» У саволимга жавобан Византияни назарда тутганини айтди*.

Мен жомеъ масжиди имомидан: «Византияда бўлганми-сан?» – деб сўрадим. У шундай жавоб қилди: «Эй Амир, тақдир тақозоси билан бир марта бўлганман. У шаҳар шунчалар каттаки, унинг ҳудудига Ҳалабга ўхшаган ўнта шаҳар жойлашади. Унинг бойлиги мингта Ҳорун ар Рашидникидан кўп бўлса керак. Аҳолиси шу қадар бойки, ҳатто ҳам-моллари ҳам олтин идишларда таом ейишади. Агар ўша мамлакатни қўлга киритсанг, динимиз равнақи учун ҳам катта иш қилган бўласан – мусулмонлар сони ошади. Олтин, қумуш ва зебу зийнатларини қўлга киритсанг – салтанатинг яна минг йил пойдор бўлади». «Мен у ҳақда эшитганман –

* Истамбул деган ном ўша вақтлари ҳали мавжуд эмасди, у шаҳарни Византия деб аташган. Тўғри талаффузи «Бизане», оддий халқ тилида «Бизанте» деб юритилган. Истамбул номи Амир Темурдан кейин, 50 йил ўтиб, Султон Маҳмуд Фаттоҳнинг Византияга қилган юришидан сўнг пайдо бўлган.

денгиз бўйидаги шаҳарни айтаяпсан-да!» – дедим унга. У мени маъқуллади. Сўнг унинг ҳукмдори ким эканини сўрадим. У Византия ҳукмдорининг исми Билахарна эканини айтди. Шундан сўнг у ёққа қанча масофа босиш кераклигини сўрадим. У деди: «Самарқанддан шу ёққача келган сен каби жаҳонгир учун, узоқ масофанинг аҳамияти йўқ, деб ўйлайман. Бироқ йўлингда сента тўсиқ бўладиган Рум мамлакати бор – Византияга боришинг учун Румни кесиб ўтишинг керак бўлади. Агар Византияни қўлга киритсанг, сен тўлақонли бутун жаҳон ҳукмдорига айланасан!»

«Византия – қалъа девори билан ўралганми?» – сўрадим ундан.

«Шаҳар учта ҳимоя тўсинига эга. Бирини ёриб ўтсанг, иккинчисига дуч келасан. Бундан ташқари, сув тўсиғи ҳам бор, бироқ Византияни забт этадиган сендек одам учун бу тўсиқлар ғов бўла олмайди», – деди у менинг қизиқишим ва иштиёқимни янада ошириш учун.

Мен унга дедим: «Эй художўй инсон, сен билан узоқ суҳбатлашишга хоҳишим бор-у, иложим йўқ. Қиладиган ишларим кўп. Сенинг ҳурматинг, шаҳар аҳлига дахлсизлик эълон қиламан. Лекин улар менинг бу ёққа келиш учун қилган сарфу харажатларимнинг бир қисмини тўлашлари керак. Қолган қисмини Тўғрул Бўлакнинг хазинаси ҳисобидан қоплайман». Имом сўради: «Унинг тақдири қандай кечади?» «Уни қатл эттирмайман, бироқ менга қарши қўл кўтаргани учун мол-мулкни мусодара қиламан», – дедим.

Шундан сўнг у шаҳар аҳли тўлаши лозим бўлган тўловнинг миқдорини сўради. Тўлов миқдори беш юз минг мисқол олтин ёки шунга тенг нархдаги қимматбаҳо нарсалар эканини эшитиб, шаҳар аҳлида бунча бойлик йўқлигини айтди: «Бу жуда катта маблағ!» – деди у.

Мен дедим: «Ҳалабдаги жанг минглаб жангчиларимнинг умрига зомин бўлди – мен улардан ҳар бирининг оиласига моддий ёрдам беришим керак бўлади – бу томонини ҳисобга олмаяпсан!»

Имом тушунди, сўнг: «Мен маблағни тўшлашга ҳаракат қиламан, асосий қисмини сармоядор қатламлардан ундираман», – деди.

Масжиддан чиқиб ўз юмушларим билан машғул бўлдим. Тўғрул Бўлакнинг хазинасини мусодара қилдим. Сўнг навкарларимнинг асосий қисмини шаҳар ташқарисига чиқариб, фақат тартиб сақлаш учун бир қисм жангчиларни қолдирдим. Имом Амели тўлов маблағини тўплаб, жангчиларимга уни биттама-битта санаб топширди. Тўпланган маблағ барибир беш юз минг мисқол олтин баҳосига етмади – мана шу ишларга беш кун вақт кетди.

Барча ишлар ниҳоясига етгач, мен имомни меҳмон қилдим. Таомил тугагач, суҳбатлашдик. У Дамашқнинг ўзига хос иқлими ва табиати ҳақида сўз очди: «Эй Амир, Дамашқнинг баҳорига ўхшаган баҳор дунёнинг бошқа бир жойида йўқ! Бошқа бир жойда бунинг каби бетакрор манзарани учратишинг душвор! Ҳамалнинг ўн бешида* ҳаво гулларнинг ифори билан тўлиб тошади. Шаҳардан ташқарига чиқсанг, яшиллик ва гўзаллик оламини кўрасан. Дамашқ орқали Барда дарёси оқиб ўтади. Унинг икки соҳили бўйлаб, ўрик, шафтоли ва олча дарахтларига чирмашиб ўсган оқ-қизил гулларни кўриб баҳридилинг очилади!»

«У шаҳар Ҳалабдан анча кичик эмасми?» – деб берган саволимга у: «Кичикликка кичик, аммо бениҳоят гўзал!» – деб жавоб қилди.

«Эй имом, – дедим унга, – айтишларига қараганда, Дамашқ аҳли насроний экан – шу гап ростми?» У жавоб қилди: «Тўғри, пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳижратидан беш юз йил аввал Муқаддас Павел ўша шаҳарга келиб, ибодатхона курдирган ва шаҳар аҳлини насронийликка даъват қилган».*

Мен ундан сўрадим: «Мусулмонлар у ибодатхонани қачон масжидга айлантиришган?» Амели жавоб қилди: «Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳижратларидан ўн етти йилдан сўнг, Умар ал Хаттоб – иккинчи халифа Шомни забт этиш учун Умар Ваъс бошчилигидаги қўшинни юборган. У Дамашқни қўлга

* 31 март куни.

* Павел – насронийлар уни «Муқаддас Павел» дейишади. У Милодий биринчи асрда Дамашққа келган. Насроний динини ёйган. «Насроний» – Исо Масих туғилиб ўсган жой номи – «Насара»дан, яъни «насарлик»дан – «насарани» деган сўз пайдо бўлган.

киритиб, халифага бу ерга келиши мумкинлигини билдириб, хабар жўнатган. Иккинчи халифа шаҳарга қадам ранжида қилган куни шаҳарнинг юқори табақа вакиллари, казо-казолар Умар Ваъс билан бирга унинг истиқболига пешвоз чиқишган. Халифани тантанали равишда кутиб олмоқчи бўлишган. Бироқ шукуҳли карвон, дабдабали тахтиравонни кўришга ошиқиб турган жамоа туя устидаги қора танли одамни ва туянинг бурундуғидан тутиб, етаклаб келаётган оқ танли кишини кўриб ажабланиб қолишган. Шу боис Умар Ваъснинг: «Барча мусулмонларнинг халифаси келди!» – деган хитоби ҳам унчалик таъсирли чиқмаган.

Дамашқнинг юқори табақага мансуб одамлари ҳайрон бўлиб: «Шу туяда ўтирган қора одам – халифами?» – деб сўрашган. Умар Ваъснинг масалага ойдинлик киритиб айтган гапи уларни бадтар таажжублантирган, чунки Умар туядаги одам халифанинг хизматкори эканини, туяни етаклаб келаётган зот эса – халифа эканини баён қилган экан. Дамашқликларнинг ҳафсаласи пир бўлган: «Бу қандай ҳукмдорки, ўзи пиёда қолиб хизматкорини туяга чиқариб кўйган бўлса!» Умар Ваъс деган: «Ислом динида ҳамма тенг: оқ танли, қора танли, хўжайин ва хизматкор – баробар ҳуқуқ эгаси. Шунинг учун ҳам тенглик ва адолат посангисини мувозанатда ушлаш учун улар туяни навбатма-навбат миниб келишяпти».

Шунда дамашқликлар, агар тенглик ва адолат тамойиллари шу қадар устувор экан, демак бу дин ҳақиқий, деб исломни қабул қилган эканлар. Шундан сўнг иккинчи халифа Умар ал Хаттоб Авлиё Павел ибодатхонасига кириб деган: «Аллоҳнинг иродаси билан бу ибодатхона шу дақиқадан эътиборан мусулмонлар масжидига айланади». Кейин юзини қиблага қараб икки ракат намоз ўқиган. Бошқалар ҳам унга эргашган. Шундай қилиб тарихда биринчи марта насронийлар ибодатхонаси масжидга айлантирилган ва мусулмонлар унда илк бор жамоа бўлиб намоз ўқиганлар.

«Ўша масжид бугунга қадар сақланганми?» – сўрадим ундан. Амели жавоб қилди: «Сақланган, илло бино тамоман бошқача қиёфа касб этган. Дамашқ уммавийлар сулоласи марказига айлангач, улар масжидни қайта қуришди. Тева-

рак-атрофдаги ҳовли-жойларни сотиб олиб, масжид майдонини кенгайтиришди. Ҳозир ҳам у масжид Умар номи билан юритилади».

Мен дедим: «Мен ўша шаҳарга боришим керак экан. Ўша масжидда намоз ўқиб, Аллоҳга ҳамду санолар айтсам дейман». Файз-уд-дин Амели деди: «Сен менга шу қадар иззат-икром кўрсатдингки, икки масалада сенга маслаҳат берсам дейман. Биринчиси – Дамашққа баҳор пайти бор. Баайни ўша фаслда у бор гўзаллигини намоён этади. Иккинчиси, Дамашқ султониغا совға-салом йўллаб, шаҳрига кириш учун рухсат ол!» «Унинг султони ким?» – сўрадим ундан. Жомеъ масжиди имоми жавоб қилди: «Унинг султони Рум султонининг ўзи! У шу қадар қудратлики, номини эшитган одам зир титрайди!»

Мен дедим: «Ҳалабга йўл олганимда Тўгрул Бўлак ҳақида ҳам худди шундай дейишганди. Девдек кучли, бир қўли билан оёғингни ердан узиб, чилпарчин қилади. деб кўрқитмоқчи бўлишувди. Кўриб турганингдек, мен уни енгдим. У ҳозир ўз қароргоҳимда – менинг асирим!»

Шайх жавобга юзланиб деди: «Рум ҳукмдори Йилдирим Боязид – бутунлай бошқа одам. Шунинг учун ҳам уни «йилдирим» (чақмоқ) дейишган. Дамашқ ва денгизбўйи мамлакатларининг бари унга тобе. Агар ундан сўроқсиз Дамашққа кирсанг, бу уруш дегани». Унга жавобан дедим: «Мен, шубҳасиз, у билан урушаман!»

Имом деди: «Сен, шубҳасиз, улуғ ва олийҳиммат ҳукмдорсан! Шу боис ўтинаман, бундай қилма. Сенга яхшилик илинганимдан шундай деяпман. Агар Йилдирим билан олишсанг, афсус ва надоматдан бошқа ҳеч нарсага эришмайсан!»

Мен унга делдим: «Ахир ўзинг Византияга юриш қилишимни тавсия қилдинг-ку! Башарти, мен у мамлакатга Рум орқали ўтсам, ўз-ўзидан Йилдирим билан тўқнашаман!» Имом деди: «Огоҳлантириб қўймоқчиман, холос. Чунки, Йилдирим жуда қудратли ҳукмдор! Жуда катта қўшин тўплаш имконига эга. Қолаверса, ўзини ҳам беқиёс куч соҳиби дейишади. Қиличининг бир зарби билан туяни қоқ иккига бўлиб ташлар экан».

– Буни сен ўз кўзинг билан кўрганмисан, демоқчиманки, ўша икки нимта бўлган туяни? – луқма ташладим унга. У

менга халқнинг оғзида шундай гап юришини айтди. Мендан қимматли маслаҳатларини аямаган имомга мен ҳам маслаҳат бердим: «Авомнинг гапини гап деб кўтариб юрма! – дедим унга. – Чунки оддий одамлар бичиб-тўқишга уста бўлишади. Бировга ёки бирор нарсага муносабат билдиришса, вазни оғирроқ бўлсин, деб ўзларидан ҳам бир-икки нарса қўшиб қўйишади».

Шундан сўнг мен мавзуни бошқа ўзанга бурдим. Дамашқнинг кўзга кўринган олимлари ҳақида сўраб-суриштирдим. Имом у ерда олимлар кўп эканини, энг пешқадами ибн Арабшоҳ эканини айтди. Имом унинг бошқа олимлардан ажратиб турадиган хусусиятлари ҳақида гапириб, унинг барча илмлардан бохабар экани билан бирга «сурия» (Суриянинг қадимий тили)ни билишини сўзлаб берди. Мен бу тил ҳақида эшитганимни, бироқ уни биладиган одамни учратганимни айтдим.

Имом деди: «Дамашққа борганингда, Арабшоҳни кўрасан. «Сурия»ни эшитасан. У шунчалар билимдонки, ҳали ҳеч ким унга савол бериб, жавобига музтар қила олмаган. Мабодо у бирор саволга жавоб бера олмаган бўлса, демак, ўша саволнинг бу дунёда жавоби йўқ. Она замин бундайларни ҳар неча юз йилда бир марта дунёга келтиради! Яна бир олим бор, – дея у ҳикоясида давом этди. – Низомиддин Шомий. «Афаҳ ал машриқин ва мағрибин» – дунёда унга тенг келадиган нотиқ йўқ. Арабшоҳ айни пайт Дамашқда эканига шубҳам йўқ, бироқ Низомиддин яшаяптими ёки жўнаб кетганими – хабарим йўқ!» Шундан сўнг мен унга дедим: «Эй шайх, энди мен кетаман. Бу ерни тезроқ тарк этмасам бўлмайди, акс ҳолда қўшинимдан ажраб қоламан. Айтишларича, Ҳалабнинг қизлари офатижон бўлармиш. Уларнинг тўрига илинишдан ўзи асра-син, мабодо шундай бўлса улар Тўғрул Бўлак қила олмаган ишни қилиши мумкин. Мен ўзим бу нарсалардан тийилганман, гўзалларнинг қошу кўзларига учмасликка ўрганганман. Бироқ жангчиларимнинг Ҳалаб қизларининг гўзал чеҳраларига маҳлиё бўлиб, ишқу ишрат домига тушиб қолишларидан қўрқаман. Зеро, жангчи учун бундан ортиқ хавф йўқ», – дедим.

Шундан кейин шайхдан қандай тилак-истаги борлигини сўрадим. У ўзи учун ҳеч нарса керак эмаслигини, агар иложи бўлса, Убай мадрасаси мударрислари ва талабаларига ёрдам қилишимни сўради. Улар бир неча йилдан бери пул маблағи олмас, ночор яшаб келар экан. Мен имомдан мадрасада 150 нафар талаба таҳсил олаётгани, бир талабанинг йиллик сарф-харажати йигирма миққол олтин эканини, мударрисларнинг бир йиллик сарф-харажати эса қирқ миққол олтинга тенг эканини сўраб билиб олдим. Сўнг хазиначимни чақириб, уч минг динар тилла тангани мадрасага топшириш учун имомга бердим.

Саркардаларимга эса эртаси куни эрталабдан йўлга чиқишга тайёр туришларини буюрдим.

Кечқурун Тўғрул Бўлакни ҳузуримга олиб келишди. Унга кетаётганимни, бироқ уни ҳам ўзим билан бирга олиб кетишимни айтдим. Шунингдек, уни қийнаш фикридан йироқ эканимни билдириб, кўнглини тинчлантирдим. Ҳали Ҳалабада эканмиз, жанг тугади деб ҳисоблаб бўлмаслигини, ўзим кетиб ортимда уни эркин қолдира олмаслигимни тушунтирдим. Хавфсизлигимни таъминлаш мақсадида уни ўзим билан олиб юришимни, уруш тугагач, ўзим уйга қайтар чоғим у ҳам Ҳалабга қайтиб келишини уқтирдим. Унга қадар Ҳалаб тахтини унинг ўғли бошқариб туришини, ўзи қайтгач ўғли тахтни қайтариб беришини, кўнмаса ўзим олиб беришимни ваъда қилдим.

Менинг Дамашққа сафарим икки сабаб билан чўзилиб кетди. Биринчи сабаб: йўлда бир неча қабилалар билан жанг қилишимга тўғри келди. Иккинчи сабаб: қиш тушгани боис, тоғлик бир ҳудудда қишлаш учун тўхтадим. Тўхтамасам бўлмасди, акс ҳолда ҳаммамиз ҳалок бўлишимиз мумкин эди. Чунки инсон ҳар қанча қудратли бўлмасин Аллоҳнинг иродасига бўйсунмай иложи йўқ – шунинг учун ҳам у иссиқ-совуқни яратиб, инсонни уни бошқаришдан ожиз қилиб қўйган.

Барда дарёси қирғоқларига етганимда, соҳилнинг ҳар икки томонидаги бодомзорлар, шафтолизорлар оппоқ гулга кириб, булбуллар кўклам қўшиғини хониш қила бошлаган эди. Агар имконим бўлса, шу дарё лабида қароргоҳ

қуриб, бутун баҳор фаслини шунда ўтказган бўлар эдим. Бироқ мен узоқ қола олмас эдим ва Дамашқ ҳукмдори Кутул Ҳамза ҳам бунга имкон бермади.

Дамашқ шаҳрига икки-уч фарсанг масофа қолганда Кутул Ҳамза ҳарбий аравалари билан бизга ташланди. Келиб чиқиши румлик, Йилдирим Боязиднинг энг яқин кишиларидан бири экан у. Танасининг тузилиши жиҳатидан у қайсария румликларига ўхшарди – ўрта бўйли, елкалари кенг эди. Ўша пайтгача мен румликларни кўрмаган эдим. Румга келиб, билдимки, баланд бўйли одамларни бу ерда камданкам ҳоллардагина учратиш мумкин экан. Бироқ елкадор, анчайин жисмонан бақувват бўлишар экан. Кутул Ҳамза кўринишидан эллик ёшлар чамаси киши эди. Бошида қуббадор катта дастор – биринчи бор кўрганимда, бошида шундай иншоот билан қандай намоз ўқиркин, деб ўйлаганман. Шунингдек, жангда ҳарбий араваларни қўллаганлар ҳам худди ана шу румийлар экан*.

Уларга қадар ҳеч ким жанговар араваларни жангда қўлламаган экан. Шундан Кутул Ҳамзанинг ўзи шахсан жанг майдонига жанговар аравасида кириб келгани таажужбланарли эмасди. Унинг аравасига назар ташладим: араванинг олд томонида улкан ўроққа ўхшаган қурол маҳкамланган эди. Ўроқсимон тиғнинг узунлиги бир заръча бор эди. Бу гилдиракли ҳарбий аравани отлар ҳаракатга келтирган чоғи тиғнинг қанчайин даҳшатли қуролга айланишини биз ўзимизда синаб кўрдик. Ҳар бир аравада от бошқарувчи учун махсус жой қилинган бўлиб, у ўқ ва найзалардан яхшигина ҳимояланган эди. Жанг бошланмагунга қадар Кутул Ҳамзада бунинг каби ҳарбий аравалар сони нечта эканини билмасдим. Кейинроқ улар бир сафга тизилгач, чамалаб беш юзгача эканига амин бўлдим. Мен ҳали нима қилиш мумкинлиги ҳақида бир қарорга келишга улгурмай, рақиб лаш-

* Жангда биринчи бўлиб ҳарбий араваларни қўллаганлар готтлар бўлиб, улар ҳозирги туркларнинг аждоди ҳисобланади. Улар Кичик Осиёда яшаган. Биринчилардан бўлиб қондан маъдан олиб, уни эритиб темир олишни бошлаб берганлар. Ундан ўз араваларини жиҳозлаш ва қуролли қисмларини ясашда фойдаланишган.

кари кутилмаган тарзда ҳужумни бошлади. Душман ҳарбий араваларда катта тезликда биз томонга бостириб келди. Сафларимизни ёриб, жангчиларимизни ер билан битта қилиб ташлади. Мен чекинишга ва Аук қишлоғида тўпланишга буйруқ бердим. Чунки жанг майдонидан узоқроқ кетмасак бўлмаслигини англадим. Кутул Ҳамза агар яна бир марта араваларини қўшиним орасига оралатса – тамом, жангни шармандаларча ташлаб кетишдан ўзга чорам қолмаслиги кундек равшан бўлиб қолганди.

Эй, ҳаётим ва фаолиятим саҳифаларини ўқиётган зот! Ўша Ҳамалнинг иккинчи куни мени қўрқиб қочиб кетибди деб ўйлама. Мен ўзим учун ортга чекинмадим. Илло, мен ўзимни ўлимдан қўрқмасликка, ажални тик қарши олишга ўргатганман. Вужудимдан қўрқув ҳиссини чиқариб ташлаганман.

Ҳижрий 757 йили 21 ёшимда Қурултой ҳудудларида ов қилиб юрган чоғимда 50 нафар кишининг менга ташлангани ҳақида аввал ҳам айтганман. Ўшандан бери шу кунга қадар, чап қўллаб мана шу сатрларни ёзаётган дақиқаларимгача қўрқув нималигини билмай келяпман.

Ўша куни чекинганим боиси, мен қўшинни бемаъни қурбон беришликдан асраб қолишим керак эди. Йўқотишларга йўл қўйишинг мумкин бўлган ҳолатлар бор: масалан, шунинг эвазига, албатта, ғалаба қозонишга ишонсанг мумкин. Аммо душманнинг қўли устун эканини билганинг ҳолда, қўшинингни тутдек тўкилишига қўйиб бериш душманнинг ғалабасига қўмаклашиш билан тенг. Боз устига душман ҳудудида, сафларни тўлдириш имкони бўлмаган шароитда, бундай таваккалчиликка йўл қўйиб бўлмайди. Чунки Шомда мен лашкаримга қўнгилли бўлиб ёлланадиган бирорта ҳам одамни топмадим, топганимда ҳам унга ишона олмадим.

Худди шу мақсадда, қўшинни бемаъни йўқотишлардан асраш мақсадида, мен чекинишга буйруқ бердим ва суворийларим отларини елдириб Дамашқ яқинидаги Аук қишлоғига қараб кетдилар. Бу қишлоқ ўзининг кулоллари билан ном қозонган. Қишлоққа яқинлашганимизда қўшинни тўхтатиб, жанговар тартибга келтирдим. Чунки душман билан яна тўқнашиш эҳтимоли бор эди. Мабодо шу ҳол рўй

берса орқага қараб чекинамиз, деб саркардаларимизни огоҳлантирдим. Акс ҳолда отлиқларни араваларга рўпара қилиш – ўзини-ўзи ўлдириш билан тенг. Бироқ вазият кутганимиздай бўлмади. Кузатувчи гуруҳлар ортимизда душман қўшини йўқлигидан хабар берди. Кутул Ҳамза, афтидан, бизни таъқиб этмаган кўринади.

Кечкурун қароргоҳ ўрнатилгач, саркардаларимни ҳарбий кенгашга чақирдим. Масала битта: душманнинг жанговар араваларига қарши қандай чора қўллаймиз? Биз бу масалада араваларни ҳаракатга келтирадиган отларни сафдан чиқаришимиз лозимлигини билар эдик, аммо қандай қилиб – ана шу масалани кенгашиб олишимиз керак.

Ўғлим Шоҳруҳнинг собиқ устози – Отабек деган саркарда: «Нега энди шу ўринда Эбдала Гилзайига қарши қўлланган воситани қўлламаяпмиз?» деб қолди. Ҳақиқатан ҳам порохни қўллаш хаёлимга келмаганига ажабландим. Бу душманнинг ўлим аравасини ҳаракатга келтираётган отларни сафдан чиқаришда энг ишончли восита-ку. Фақат ўша пайтда порох солишга етарли ҳайвон териси йўқ эди бизда. Мен билан деярли барча жангларда иштирок этиб келаётган Отабек деди: «Биз турган қишлоқда кулоллар кўзачалар ясар экан. Ундан хоҳлаганимизча олишимиз мумкин. Ичини порох билан тўлдирсак – тайёр портлатгич!» Мен дедим: «Бир синаб кўриш керак, лойдан ясалган кўзачалар порох солиб портлатилганида қандай самара беришини амалда қўллаб кўришимиз лозим».

Ўша кечанинг ўзи буйруғимга биноан кўзачалар олиб келинди. Бир нечтасининг ичига порох солиб портлатиб кўрдик – самарасидан қониқдик.

Ўша кеч хурсандчилигимдан ухлай олмадим. Душманнинг даҳшатли қуролига қарши муносиб воситага эга бўлганимиз ухламаслик учун арзийдиган воқеа эди. Биз учун муваффақиятсизлик билан тутаган биринчи тўқнашувда Кутул Ҳамза жанговар араваларини икки қатор қилиб сафга тизган эди. Мен портлатгичларни улоқтирадиган жангчиларимни икки гуруҳга ажратдим. Ҳар бирининг эгарига хуржун ташлаб, порохли кўзачалар билан унинг ҳар икки кўзини тўлдирдик. Шундан сўнг қўшинни яна Дамашқ сари бош-

ладим. Турган гапки, душман кузатувчилари бизнинг яқинлашаётганимиз ҳақида аллақачон хабар бериб улгурган. Кутул Ҳамзанинг ҳужуми яна дастлабки тўқнашган жойимизда, аввалги тарзда такрорланди. Порохли кўзачаларни улоқтиришга масъул этиб белгиланган жангчиларимиз ўзларининг хавфсизликларини ўйламай пиликни ўт олдириб, душманга яқин бориб, уни улоқтира бошладилар.

Натижа мен кутган самарадан анча ошиб тушди. Портлаш нафақат отларни тез қулатиб душманни қуролсизлантирди, балки душман навкарларининг юрагига қурқув, ғулғула солди. Улар саросима ичра ортга бурилиб, ура қочишга тушдилар.

Ўша кун иккинчи қатордаги аравалар жангга кирмади ҳам. Улар қочиб кетган қўшиннинг ортидан эргашди. Душманнинг отлари шу қадар тез югурдики, бизникилар қувлаб етолмадилар ҳам. Рақибларимиз кириб улгургач, шаҳар дарвозаси беркилди. Бундан сал олдинроқ жангчиларимдан бири кўзани қўлда эмас, палахмон билан отаётганига кўзим тушган эди. Уни ҳузуримга чақирдим, палахмонининг тош ўрнатиладиган хоначаси бошқаларникидан кенгроқ экан. Бу эса унга кўзачани отиш имконини берган.

Мана шу нарса янги бир фикрнинг туғилишига тўртки бўлди. Энди шаҳарнинг ҳимоя деворини забт этишда ҳам ундан фойдаланишимиз мумкинлигини англадим. Бироқ жангчиларимиз ўта эҳтиёт бўлишлари лозим. Чунки ўша кун жангда уч нафар навкаримиз кўзачани улоқтиришга улгурмай, пилик тез ёниб тугагани учун порох қўлларида портлаб жон бердилар. Шунини ҳисобга олиб, эндиги портлатгичларнинг пилигини узунроқ қилдик. Шунингдек, жангчиларимизга палахмонни бош устида икки мартадан ортиқ айлантирмаслик ва дарҳол улоқтириш зарурлигини уқтирдик. Акс ҳолда пилик охиригача ёниб, портлаш тез юз бериши мумкин. Шундан сўнг жангчиларимиз бу борада шунақанги маҳоратга эга бўлишдики, ҳатто орадан бир йил ўтиб, Йилдирим Боязид билан бўлган жангда бирортаси ҳам ўз қуролидан жабр кўрмади.

Ҳамал ойнанинг учинчи кун эришган муваффақиятимиз менга унутилмас таассурот қолдирди. Энди нима бўлса

ҳам душманлар порох ишлаб чиқариш ва уни ишлатиш сиридан воқиф бўлмасинлар, дердим ичимда. Акс ҳолда улар бу қуролни ўзимизга қарши ишлатишлари мумкин. Ҳамал ойининг тўртинчи куни Дамашқни қамал қилдик. Ўша кундан эътиборан портловчи кўзачалар ва палахмон учун кенгроқ хоначалар танлашга киришдик. Шунингдек, кўзачаларни порох билан тўлдирганда, порохни майда тошлар билан аралаштириб, кўзаларга солсак-чи, деган фикр туғилди. Ҳақиқатан ҳам душманга қирон келтиришда кўзачалар янада мукамаллашди: энди фақат кўза парчалари эмас, кичик ҳажмли тошлар ҳам душманга катта талофат етказди. Хуллас, шаҳар деворини ишғол қилиш учун бошқа барча тайёргарлик ишларидан ташқари, кўзачаларни ҳам тайёрлаб қўйдик.

Ҳамал ойининг олтинчи куни ўққа нома қистириб шаҳарга томон отдик. Номада шаҳарни жангсиз топшириш ҳақидаги таклифимиз битилган эди. Акс ҳолда шаҳар олингандан сўнг уруш қонунлари ва шариат аҳкомларига кўра, мағлуб томоннинг жони ва мол-мулки ғолиб томоннинг ҳарбий ўлжасига айланиши билдирилган эди. Ўша номада яна шаҳарни ишғол қилиш чоғида омон қолишни ва мол-мулки дахлсиз бўлишини истаганлар Умар масжиди ёки Низомиддин Шомий ҳамда Арабшоҳнинг ҳовлисидан паноҳ топишлари мумкин – ана шу жойлар дахлсиз деб белгиланганини ҳам билдирдик.

Кутул Ҳамза номига яна бир нома жўнатдим. Унда гарчи Кутул Ҳамза мен билан жангга киришиб, кўпгина саркардаларим ва жангчиларимнинг умрига зомин бўлган бўлса ҳам, агар жангсиз таслим бўлса, ўзи ва яқинларига омонлик беришимни, мол-мулкига дахл қилмаслигимни баён этдим. Акс ҳолда қатл эттирилишидан огоҳлантирдим. Ҳамал ойининг еттинчи куни тонгда Дамашқ қалъасини ишғол қилишни бошладик. Бизнинг портлатгич отувчиларимиз девор устидаги ҳимоячиларга қарата палахмондан кўзачаларни ота бошлашди. Ҳар бир портлашдан сўнг кўплаб душман ҳимоячилари кўздан ғойиб бўла бошлади ва биз уларнинг сафи борган сари камайиб бораётганини ҳис қилдик.

Кўзачаларда тайёрланган портлатгичларимиз мисли кўрилмаган натижани берди. Улар портлаган жойда қайтиб душманнинг қораси кўринмади.

Бу эса жангчиларимизга ҳеч қийналмай, деворга чиқиб олиш имконини берди. Мен палахмончиларнинг бир қисмини уларнинг ортидан деворга чиқардим. Чунки порохли кўзачаларнинг фойдаси шу қадар кўзга ташландики, энди ундан шаҳар ичкарасида бўладиган жангларда фойдаланмоқчи бўлдим.

Баҳор қуёши ҳали бир найза баробари кўтарилмай туриб, Дамашқ кўчаларида бизнинг навкарларимиз билан шаҳар ҳимоячилари ўртасида қирғин-барот жанглар қизиб кетди. Бу орада жангчиларимиз шаҳар дарвозаларидан бирини қўлга киритиб, уни очишга муваффақ бўлишди. Мен ундан бир қисм жангчиларни ичкарига киритдим. Қўшимча кучлар ёрдамга боргач, навкарларимизнинг шаҳар марказига қараб силжиши янада кучайди. Шовқин-сурон авжига чиқди.

Биз ҳимоячиларнинг қаршиликларини синдириш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга қўшдик. Кун ярмида порох зарядимиз тугагани боис, бундан кейинги жангларни фақат қилич, ойболта каби одатий қурооларимиз билан давом эттирдик. Мен бу жангда жуда кўп порохга эҳтиёж сезилади деб ўйламагандим, акс ҳолда уни бир неча харвор (1 харвор – 160 кг) миқдоридан тайёрлаб қўйган бўлардик. Порох тайёрлаш, яъни уни қуруқ, тайёр ҳолга келтириш учун камида икки кун керак. Ўшанда ҳам кечаю кундуз ишлаш лозим бўлади. Дамашқ учун олиб борилаётган жанг эса бунга имкон бермасди.

Жанг ҳамал ойининг еттинчи куни тонгдан бошланиб, тўққизинчи куни пешингача давом этди. Кутул Ҳамза жангчилари шаҳар аҳлини сафарбар этиб ҳар бир кўча, ҳар бир уй учун жанг олиб бордилар. Бутун шу вақт мобайнида менинг ҳам, саркардаларимнинг ҳам нафас ростлашга вақтимиз бўлмади. Навкарларни эса навбатма-навбат алмаштириб, ухлаб олишлари учун имкон бериб турдик.

Ҳамал ойининг саккизинчи куни кечаси Дамашқ олов ичида қолди. Ёнғин шу қадар катта эдики, ҳаммаёқ кундек ёри-

шиб турди. Жангчилар учун бу бир томондан ёруғда жанг қилиш қулайлигини туғдирган бўлса, иккинчи томондан тутун йўтал қўзғаб, нафас олишни қийинлаштирмоқда эди. Ўша кечаси ёнғинлар ёруғида кураш тонггача давом этди. Мен бир неча бор вазият билан танишиш учун шаҳарга бориб келдим. Ҳарбий саркардаларимга жанг Кутул Ҳамзанинг муглақ мағлубияти билан тугаши лозимлигини қатъий тайинладим. Ҳамма куч ва воситаларни ана шу мақсадга қаратиш, бир дақиқа бўлсин сусткаштликка йўл қўйиб бўлмаслигини тайинладим. Мен душмanning ҳали ҳам кучли эканини, жангни давом эттиришга имконияти мавжуд эканини билар эдим. Ана шу имконни унга бермаслигимиз лозим. Уларга кучларини тўплаб уюшишига йўл қўймаслигимиз, Йилдирим Боязиддан ёрдам сўраб сафларини кенгайтиришга имкон қолдирмаслигимиз лозим эди.

Ҳамал ойининг саккизинчи куни тонгда менинг жангчиларим шаҳарнинг бир қисмини мустаҳкам эгаллаб олдилар. Кутул Ҳамза эса унинг шимолий ва шимоли-ғарбий ҳудудларини ўз қўлида тутиб турар эди. Ўша куни шаҳарга кирганимда шаҳар бўйлаб сочилиб ётган ўликлар орасида аёл кишиларнинг ҳам борлигини кўрдим: Кутул Ҳамза ҳатто аёлларни ҳам жангга сафарбар қилганини англадим.

Атрофдаги қишлоқлар аҳолисини ишга жалб этганимиз боис уйларни бузиш ишлари жадаллашиб кетди. Бу эса жангчиларимизга шимолга томон олға силжиш, янгидан-янги ҳудудларни қўлга киритиш имконини берди.

Ҳамалнинг саккизинчи куни шаҳарни кўздан кечириб юрганимда Умар масжидининг одамлар билан лик тўла эканига кўзим тушди. Бошида «Тахт ул хонак» русумли салла (ислом ҳуқуқшунослари, уламолари киядиган махсус бош кийим) ўраган, соқолига оқ оралаган киши мени кўриб, ҳузуримга ошиқди. У аввалига арабчалаб, сўнг форсийда деди: «Эй улуғ Амир, марҳаматингни дариг тутма!» Отимни тўхта-тиб, ундан ким эканини сўрадим. У ўзини «фақир Низомиддин Шомий», деб таништирди ва деди: «Сен буюк ирода соҳиби, менинг уйимни «беста» – дахлсиз жой деб эълон қилибсан: ундан паноҳ топганларни жазодан озод этибсан – миннатдорман!» Мен унга дедим: «Лекин сенинг уйинг бу

ерда эмас-ку?» У жавоб қилди: «Тўғри, менинг уйим бошқа жойда. Ўғлим уни ҳозир тартибга келтираяпти. Паноҳ истаб келувчиларга тайёрлаяпти. Мен ўзим масжидга бу одамларни тинчлантириш учун келдим – улар жуда ташвишнок!»

Мен унга шундай дедим: «Масжидда паноҳ топганларнинг кўнгли тўқ бўлсин. Умар (р.а.) ҳурмати бу одамлар ҳар қандай жазодан озод этиладилар. Худди шунингдек сенинг ва Арабшоҳнинг уйи ҳам «баста» – дахлсиз паноҳ. У ердагиларнинг ҳам ҳеч бири ҳеч қандай жазога тортилмайдилар».

Низом иддин деди: «Эй, Амир, бу ердаги, менинг ва Арабшоҳнинг хонадонидагилар кўрсатган мурувват ва караминг учун дуоини жонингда бўладилар. Бироқ ана шу олижаноблигини бошқа одамлардан ҳам дариг тутмасанг – уларни ҳам жазодан озод этсанг, сени дуо қилгувчилар сони ортган бўлур эди!»

Мен унга дедим: «Менинг тинч аҳолига зарар келтириш ниятим йўқ. Улар билан урушмоқчи ҳам эмасман. Агар улар жанггоҳларда жон бераётган бўлса, тинч аҳоли вакиллари сифатида эмас, Кутул Ҳамзанинг навкарлари сифатида жон бермоқдалар. Улар менинг одамларимни аёвсиз ўлдиришмоқда – мен қандай қилиб уларни жазодан халос этаман – сен бу ёғини ўйлаб кўрдингми?» Шомий айтди: «Эй улуғ Амир, бу шаҳар аҳолиси сен билан жанг қилишни сира истаган эмас. Уларни бу ишга Кутул Ҳамза мажбур қилди. Улар мажбуран сен ва сенинг қўшинингга қарши жанг қиляптилар – жангчиларингни ўлдиришга мажбур бўлишяпти». Мен унга жавоб қилдим: «Ана энди менинг ҳам мажбур эканимни англаб етдинг, чамамда. Улар бизга қарши курашишга мажбур бўлгани каби, мен ҳам уларга қарши от суришга мажбур бўлаяпман. Агар қўлингдан келса, уларни бу йўлдан қайтара олсанг, айт уларга, ким қуролини топшириб таслим бўлса – жазодан озод қиламан!»

Ўша куни Низомиддин Шомий шаҳар аҳолисига бир неча бор мурожаат этиб, уларни жанг қилмасликка кўндирмоқчи бўлди. Бироқ ҳар сафар Кутул Ҳамзанинг навкарлари даъватга жавобан: «Ким таслим бўлса, ўтда ёқамиз, тириклайин терисини шиламиз!» – деб бунга йўл бермадилар. Кечга

яқин биз шаҳарнинг шимоли-ғарбий қисмидан бошқа ҳудудларини тўлиқ эгалладик.

Ҳамалнинг тўққизинчи кечаси ёнғинлар ёруғида қизғин жанглар давом этди. Ҳар бир кўча, ҳар бир уй учун жанглар бўлмоқда эди. Кутул Ҳамза тарафдорлари энг сўнги томчи қони қолгунча курашиб, эгаллаб турган ҳудудларини бермаслик йўлини тутдилар. Ўша кеча тинч аҳоли вакилларидан ҳам кўпчилиги Кутул Ҳамзанинг зуғуми остида бизга қарши жанг қилиб, ўлиб кетдилар. Ҳамалнинг тўққизинчи куни тонгда биз эгалламаган кичик бир ҳудуд – ўн-ўн битгача уй ва битта чорбоғдан иборат жой қолди. Жангни ортиқ чўзмаслик учун ўша уйлар ва чорбоққа саккиз йўналишда ялпи ҳужум қилишга буйруқ бердим.

Тушга яқин жангчиларим ниҳоят душман қаршилигини енгиб, чорбоққа ёриб киришга муваффақ бўлишди. Кутул Ҳамза қилич ўйнатиб, навкарларимга ташланибди ва ўша жангда ҳалок бўлибди. Муаззин азон айтиб, мусулмонларни пешин намозига чорлаган пайт, жанг бизнинг мутлақ ғалабамиз билан якун топди. Бироқ шаҳар вайрона ҳолга келган эди – кўриб ачиндим.

Жанг тугагач маълум бўлдики, Кутул Ҳамза Арабшоҳнинг уйидан паноҳ топганларни ҳам жангга чиқишга мажбур қилган экан. Унинг уйи шаҳарнинг шимоли-ғарбида жойлашган эди. Улар ноилоҳ қолиб амирга бўйсунганлар. Оқибатда айримлари ҳалок бўлибди. Баъзилар ярадор, бир қисми эса асир олинди.

Улар ҳатто Арабшоҳни ҳам жангга қўшмоқчи бўлганлар. Кейин унинг ёшини ҳисобга олиб, уни бу мажбуриятдан халос этганлар. Бу ҳақда Кутул Ҳамза билмаган, билганида эди у буйруғини бажармагани учун олимни ҳам, уни жангтоҳга олиб чиқмаган саркардасини ҳам қиличдан ўтказган бўлур эди.

Жанг тугаганлиги муносабати билан мен жангчиларимга ғарбий ўлжа олишлари учун рухсат бердим.

Низомиддин Шомийдан масжиддаги одамларга жанг тугаганлиги ҳақидаги хабарни етказишини сўрадим. Хавф-хатар йўқ, барча уй-уйига тарқалиши мумкинлигини айтдим. Эркаклар, аёллар ва болалар кўчаларни тўлдириб уйларига

қараб кетишди. Тўғрироғи, куни кеча уйлари турган жойга йўл олишди. Чунки қақшатқич жанглардан сўнг шаҳарда бутун уйнинг ўзи қолмаганди.

Одамлар тарқагач, таҳорат олиб, ҳазрати Умар масжидига кирдим. Умар (р.а.) турган жойда туриб, намоз ўқидим. Дамашқ сингари шаҳарни забт этишда қўллагани учун Яратганга шукроналар қилдим.

Намоздан сўнг навкарларимни ҳам, шаҳар атрофидаги қишлоқлардан олиб келинган аҳоли вакилларини ҳам ўликларни кўмишга сафарбар этдим. Бу ишни тезроқ амалга оширмаса бўлмайди, чунки ҳаво иссиқ, ўликлар тез айниши ва касаллик тарқashi мумкин эди. Шаҳар қабристонини бунча ўликни қабул қила олмаслигини ҳисобга олиб, уларни шаҳар ташқарисига дафн этишни ташкил қилдик. Дамашқ учун бўлган жангда мен ўн олти мингта жангчимдан ажралдим, ўттиз мингтаси турли даражадаги тан жароҳати олган эдилар.

Ҳамал ойининг ўн биринчи кунидан ўн бешинчи кунига қадар шаҳарни қайта қуриш ишлари билан машғул бўлдим. Одамларнинг ўз уйларини янгидан қуришлари учун йўл-йўриқлар кўрсатдим. Мовароуннаҳрда ўзим қайтадан бунёд этган Кеш шаҳри режаси асосида янги шаҳар барпо этишга тавсиялар бердим. Шаҳар аҳли ўзини ўнглаб, оёққа туриб олиши учун уларни ўн йил муддатга барча солиқлардан озод қилдим. Бу фармонга мендан кейин тахтга ўтирадиган фарзандларим ҳам сўзсиз амал қилиши шарт эканини белгилаб қўйдим. Фармонни Ҳазрати Умар (р.а.) масжидининг деворига осиб қўйишди. Шаҳар аҳлининг аксари бу фармонни кўриб ич-ичидан кулганини, яқинда Амир Темурни Йилдирим Боязиднинг қиличи икки нимта қилади, ўшанда бу фармон ҳеч қандай ҳуқуқий кучга эга бўлмайди, деб унга нописанд қараганларини ҳам биламан. Билсам-да, начора: вақт – ҳакам!

Шом ва Румда Боязид қиличининг зарби роса доврўқ таратган эди. Бироқ мени, бутун ҳаётим, жанговар фаолиятим давомида 172 та жароҳат олган одамни Боязиднинг қиличи ҳам, унинг беқиёс зарбаси ҳам заррача чўчитгани йўқ. Мен Йилдирим Боязид билан жанг қилишим муқар-

рар эканини билар эдим. Бу жангдан иккимиздан биримиз омон чиқишимиз мумкинлигини ҳам англадим. У ўша кунга қадар менга тобе бўлмаган ягона қудратли ҳукмдор бўлиб, мен бунга тоқат қила олмасдим. Бироқ Дамашқдан тўғри унинг устига юриш қилишим оқилона тадбир эмасди. Зеро, Дамашқ урушида мен ўн олти минг жангчимдан ажралдим, ўттиз минг жангчим ярадор бўлди. Тўғри, жароҳатланганларнинг аксари даволаниб, тезгина оёққа туриб кетди, аммо бир неча мингини даволаш учун узоқ вақт талаб этиларди.

Мен заифлашиб қолган қўшиним билан унинг ҳудудига, ўз ерида хоҳлаганча қўшин тўплаш имконига эга бўлган душман устига қўшин тортиб бора олмас эдим. Агар авомнинг гапига тескари ўлароқ, унинг ҳеч қандай кучга эга эмаслиги, туяни ҳам қоқ иккига бўла олмаслиги ҳақида таъкидлашса ҳам бу ишни қила олмасдим. Умуман, қўшинимни мустаҳкамламай туриб, Рум устига юриш қилмасдим.

Шунинг учун бир муддат Дамашқда турадиган бўлдим. Мен шаҳарнинг марказида яшардим. Шаҳар ҳаёти мени нозиклаштириб, айнитиб юбормасин деб, далада қароргоҳ тиклаттирдим. Фақат кундуз кунлари шаҳарга бориб, Умар (р.а.) масжидида намоз ўқирдим. Ҳамма жойда бўлгани каби Дамашқда ҳам даракчи қуш – кабутар хизматини ташкил этиб, Мовароуннаҳр билан узвий алоқани йўлга қўйдим. Кабутар орқали Кешга, ўғлим Шоҳруҳга нома йўллаб, менга қўшимча куч ва қурол-яроғ юборишини сўрадим. Сабабларини кўрсатдим. Дамашқни забт этишда қурбонлар бўлгани ва ярадорлар ҳақида қисқагина маълумот бердим. Бундан ташқари, унга чопар жўнатиб, фикримни очиқроқ баён этдим: қайси мамлакатга уруш очаётганим, ким билан жангга киришаётганимни билдирдим. Шунинг учун мард ва қайсар четин, ўзбек ва гур қабилаларидан жангчи ёллашини тайинладим.

Менинг мамлакатимда кўплаб қабилалар яшайди, аммо улардан ҳаммасининг ҳам эркаklarини жангга яроқли деб бўлмайди. Ҳатто шундайлари борки, ҳарбий интизом нималигини умуман билмайди – ўргатиб ҳам бўлмайди. Четин, ўзбек ва гур йигитлари эса бошқача, уларда мен иста-

ган жанговар сифатлар тўла мужассам. Дамашқ аҳли хавфхатар йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилгач, уйларини янгидан қура бошлади. Кенг ва равон кўчалар кўзга ташланиб қолди. Мен эсам қўшимча кучлар келишини кутиб, вақтимни Дамашқ яқинидаги ўтлоқда ўтказмоқда эдим.

Кундузлари менинг ёнимга Арабшоҳ ва Низомиддин Шомий келар, биз турли илмий масалаларни муҳокама қилар эдик. Менинг кўнглимда бир фикр уйғонди. Дамашқнинг барча йирик олимларини тўплаб, Қуръонга оид бир масала юзасидан баҳс-мунозара ташкил этишни режалаштирдим. Бу масаланинг моҳияти шу: Қуръон оятларини муайян бир тартибга солиш мумкинми ёки йўқ? Мен айрим бузғунчи оқимларнинг етакчилари каби Қуръони каримга янгилик ва ўзгартиришлар киритиш тарафдори эмасдим. Мақсадим, фақат мана шу фикрни амалга ошириш мумкинми, йўқми – билмоқчи эдим, холос. Агар мумкин бўлса, олимлар шу масала устида ишласин – марҳамат! Агар мумкин бўлмаса, мен бу фикрдан воз кечаман – вассалом. Шунинг баробарида Шом мамлакати олимлари ҳақидаги овозлар қанчалик рост ёки ботиллигига амин бўлмоқчи эдим. Турган гапки, Қуръон оятларини муайян бир тартибга солиш ҳақидаги фикр моҳиятини ҳамма ҳам тушуниб етмаслиги мумкин. Бундан кўзда тутилган мақсад нимадан иборат эканини ҳам ҳар ким англашга қодир эмас. Шунинг учун изоҳ бермоқчиман: Қуръони карим пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг тириклик чоғлари алоҳида бир китоб ҳолида мавжуд бўлмаган. Усмон (р.а.)нинг халифалиги даврида оятлар тўпланиб, китобга киритилган. Унгача оятлар асосан хотирада сақланган. Оғиздан-оғизга кўчиб юрган. Айрим оятлар туянинг курагида, ҳайвон териси парчаларида ёзилган бўлган. Шу сабаб Усмон (р.а.) бир гуруҳ хаттотлар, котибларни шу ишга жалб этиб, барча оятларни тўплаб бир китоб ҳолига келтириш ҳақида топшириқ берган. Чунки Қуръон оятларини билган одамлар касаллик туфайли ёки урушда ўлиб кетса, оятлар ҳам улар билан йўқолиб кетиши мумкин эди. Хуллас, Қуръон оятларини тўплашга киришилган. Одамлар ҳайвонларнинг курак суягида ёки терисида ёзилган оятларни келтириб бер-

ганлар, хотирасида сақлаганлар, навбатма-навбат келиб ай-тиб туришган – хаттотлар эса уни ёзиб олиб, китоб саҳифаларига муҳрлаб боришган. Мавзу ва мазмун жиҳатидан кетма-кетлигига – тадрижийлигига эътибор берилмаган. Шунинг учун Қуръоннинг айрим оятлари кетма-кет, мазмунан бир тартибда келиши баробарида, айрим оятлар кетма-кетлиги таъминланмаган саҳифалар ҳам учрайди. Ўша оятлар мавзу жиҳатидан бир-бири билан боғланмайдилар – ўртасида алоқадорлик йўқ. Чунки хаттотлар ким қайси оятни қачон айтган бўлса, шу тахлит китобга киритган. Афтидан, уларнинг оятларни мавзу жиҳатидан ёки нозил бўлиш санасига кўра саралашга фурсатлари бўлмаган. Шунинг учун ҳам Қуръоннинг айрим ўринларида жойлашиши жиҳатидан оятлар сакталиги кўзга ташланади.

Шунингдек, айтиш жоизки, оятлар Аллоҳ томонидан муайян бир воқеа ёки сабаб билан нозил бўлган. Айрим оятлар мазмунан ўхшаш, демакки, улар бир масалага оид қайта ва қайта нозил бўлган.

Бир мавзуда муайян бир кетма-кетликда келган оятлар хусусида – баҳсга ўрин йўқ. Аммо мазмунан бир-бирига боғланмаган, ҳар бири алоҳида бир масалага дахлдор оятлар ҳақида Арабшоҳ ва Низомиддин Шомий билан қилган суҳбатимдан сўнг шундай фикрга келдим: «Қуръон оятларининг мана шу қисмларига янгидан тартиб берилса бўлмасмикин?» Кимдир буни шаккоклик деб баҳоламасмикин? Ёки яна кимдир чиқиб, тегинса бўлар экан-ку, деб билиб-билмай Аллоҳнинг каломига қўл урмасмикин? Мана шу саволлар мени қизиқтириб қолди. Шу ваддан бир неча олимларни тўплаб, мазкур масалани чуқур таҳлил қилиб, бир тўхтамга келиш фикри туғилди. Чунки менинг бир ўзим бу масалада тугал бир хулосага кела олмайман. Қолаверса, шаккоклик қилиб қўйишим мумкин. Зеро, Қуръон – Аллоҳнинг каломидир – мусулмонларнинг муқаддас китоби. Унга заррача бўлсин заҳмат етказиш – гуноҳ!

Мен кўзга кўринган барча олимларни шу муносабат билан Дамашққа чорладим. Маҳаллий ҳукмдорларни уларнинг йўл харажатларини кўтаришга масъул этиб тайинладим. Мағриб мамлакатларида, масалан, Мисрда менинг вакилим

бўлмагани туфайли Қоҳирадаги Азҳар жомеъ масжиди мутаваллиси Шайх-ул-Азҳарнинг келиб-кетишини таъминлаш учун «Барат» (чек, пул ўтқазмаси, вексел) шаклида маблағ жўнатдим. Шунингдек, Исфаҳондаги Ҳожи мадрасаси мутаваллисини ҳам Дамашқдаги анжуманда иштирок этиш учун чақиртирдим.

Бироқ бир қатор олимлар, уларнинг сафида юқорида номлари зикр этилган алломалар ҳам менинг таклифимни қабул қилмадилар ва Дамашқ анжуманига келмадилар. Кейинроқ билсам, улар Темур бизни Дамашққа чорлаб, ўлдириб юборади, деган ҳадик билан келишни истамаган эканлар. Бу эса уларнинг ўз ишига қанчалар содиқ, ўз сўзида қанчалар вафодор эканини кўрсатарди, акс ҳолда Амир Темур Қўрагон уларни ўлдириш учунгина шундай катта анжуманини ташкил этмаганини тушуниб етган бўлишарди.

Шундоқ бўлса-да, ғарбнинг бир неча олимлари Дамашққа келдилар. Ўша илмий анжуманда иштирок этган олимлар қуйидагилар: Аммад-ад дин Мағриби, Сирож Искандари, Баҳоуддин Ҳалаби, Ибн Халдун, Низомиддин Шомий ва Арабшоҳ.

Анжуман бошланишидан сал аввал, ёз ойининг бошларида қўшимига ёрдамчи куч келиб қўшилди. Уларни кўриб, айнан мен хоҳлаган жангчилар эканига амин бўлдим. Уларнинг ташқи кўринишлари, қуроллари аъло эди. Янгидан келган қўшинга Четин қабиласидан Тоқат исмли киши бош экан. Унинг ёши ўттизларда эди. У менинг ёнимга келиб: «Эй, Амир! Эшитдимки, сен ҳар иккала қўлда бир вақтда қилич ўйнатиб, жанг қила олар эмишсан?» – деб сўради. Мен ундан бу гапни кимдан эшитганини сўрадим. У ўғлим Шоҳруҳдан эшитганини айтди. Қизиқ, Шоҳруҳ буни нима муносабат билан айтди экан – ундан шуни сўрадим. У: «Шоҳруҳ менинг ҳар икки қўлимда қилич ўйната олишимни кўриб, отам ҳам худди сендек ҳар икки қўли билан бир вақтнинг ўзида қилич чопа олади, деди», – дея саволимга жавоб қайтарди у. Унга, «Ҳақиқатан ҳам шундай қобилиятинг борми?» дедим. У маъқуллади ва: «Дунёда чапақай одамлар кўп, аммо ҳаммаси ҳам ҳар икки қўлида

ойболта ёки қилич тутиб жанг қила олмайди – бундайлар кўп эмас», деди.*

Икки қўлида қилич тутиб, уни бир вақтда моҳирлик билан ишлатадиган одамлар жуда камдан-кам топилади. Ўша кунга қадар мен худди менга ўхшаб шу ишни бажарадиган яна бир одам борлигини билмас эдим. Шундан бир оз таажжубландим ва Тоқатга ҳарбий лаш-лушларини эғнига кийиб, мен билан майдонда синашишини буюрдим. Бунинг каби беллашувлар қароргоҳимизда одатий ҳол эди. Мен мушакларимнинг чигилини ёзиш мақсадида, саркардаларим билан тез-тез мана шундай яккама-якка жангларда синашиб турардим. Бу тана ва руҳни чиниқтиришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам менинг янги саркарда билан майдонга тушаётганим, аввалига ҳеч кимни ажаблантирмади. Бироқ Тоқатнинг ҳам худди мен каби иккала қўлига қурол тутганини кўриб, қизиқиб қолган жангчилар тўпланиб бизни ўраб олишди. Чунки улар ҳам шу кунга қадар икки қўлида қилич ўйната олиш баробарида, фикрини икки йўналишда ишлата оладиган яна бир кишини кўрмаган эдилар. Илло, икки қўлда қилич чопиш – бу фақат тана ҳаракати билан амалга ошириладиган иш эмас, балки идрокнинг иштирокини, руҳий қувватни ҳам бир нуқтага йўналтириш қобилиятини талаб этади. Агар ана шу сифатлар бўлмаса, сен ҳар икки қўлингда қилични моҳирлик билан ишлатганинг ҳолда, рақибинг зарбасидан ҳимоялана олмай қоласан. Бу қаршингдаги икки рақиб билан бир вақтнинг ўзида икки йўналишда жанг олиб борганингда яна-да қийинлашади.

Тоқат ҳақиқатдан ҳар икки қўлида қилични ишлата олар экан. Синов беллашув чоғи унинг қиличи бирор марта ҳам менинг совутимга тегмади. Мен унга бир неча зарбалар бер-

* «Ирода кучни бошқарадими?» номли китобда, унинг муаллифи Керлинг, кимки икки қўлини бир вақтнинг ўзида бир хил ишлата олса, миясининг икки ярим шари ҳам бир вақтда ишлайди – бундай кишилар беқиёс қобилиятга эга бўладилар, деб ёзган эди. Дарҳақиқат, Амир Темур ҳам руҳан, ҳам маънан, ҳам жисмонан беқиёс қобилият эгаси бўлган.

дим ва шартли равишда яраладим. Маълум бўлдики, у маҳорат бобида мендан анчайин ожиз экан.

Аввалига у атай маҳоратини намойиш этмаяпти, деб ўйлагандим. Кейин англадимки, у ростдан ҳам менинг даражада қобилиятга эга эмас. Унинг ўзи ҳам бу борада менинг анчайин устун эканимни тан олди.

Мезон ойининг ўнинчи куни Ҳазрати Умар масжидида исломшунос олимларнинг илмий анжумани иш бошлади. Мен ўзим унда шахсан иштирок этдим ва дунёга донг тартган бу олимларнинг шуҳратига яраша илм-иқтидорга эга эканликларига шахсан ишонч ҳосил қилмоқчи бўлдим. Амма-ад дин Мағрибийдан Қуръонда Аллоҳ таъолонинг сифатларидан қайси бири кўпроқ тилга олиншини сўрадим. У саволимга жавоб бериб, Қуръонда «қодир» сифати кўп қўлланишини айтди. «Қодир сифатидан ташқари яна қайси хусусиятлари кўпроқ тилга олинади?» – деб сўраганимда, у «Алим» (ҳамма нарса билгувчи) калимаси кўп тилга олиншини маълум қилди. «Офарин!» – дедим унга росмана қойил қолиб. Сўнг дедим: «Тахминимча, Фирдавсий ҳам ана шу ҳақиқатни билган ва ўз «Шоҳнома»сида шунга амал қилган – «илмли» сўзини «қудратли» деган сўздан олдинга қўйган. Башарти, ҳар нарсага қодир зотгина ҳамма нарса биллишга қодир!»

Мен Ибн Халдунга юзландим ва ундан Худони тасвирлаб беришини сўрадим. Ибн Халдун жавоб қилди: «Исроилдан чиққан айрим пайгамбарлар Худони инсон қиёфасида тасвирлаган. Уларнинг шаҳодат беришича, Унинг ҳатто кўзи ва қулоғи ҳам бор эмиш. Исонинг ташрифидан сўнг улар Худони учта бир бутунликда, яъни ота, ўғил ва муқаддас руҳ тарзида тасвирлай бошладилар. Аллоҳнинг ягоналигини ва уни оддий инсонга хос бўлган кўриш, эшитиш, англаш ва ҳоказо туйғулар билан илғаб бўлмаслигини биринчи бўлиб ислом таълимоти аён этди. Шунинг учун ҳам Худонинг қиёфаси, менинг назаримда, қудрат ва илмнинг моҳиятидир. Бундан бошқа ҳеч нарса айта олмайман. Айтганимда ҳам, бу менинг шахсий қарашларим ҳосиласи – тўқима сиймо бўлиб қолаверади», – деди. Мен Ибн Халдуни жавобидан қониқдим. Уни ҳам офарин айтиб олқиш-

ладим ва сўнг: «Кўриб турибман, сўзларинг илминг нечоғли теран эканини кўрсатиб турибди. Ҳақ гапни айтдинг, Худо ҳақида сен айтганингдан ортиқ нарсани сўзлашга инсоннинг ақли ожиз. Бундан ташқари, тўғри таъкидладинг: Худо – илм ва қудратнинг мутлақ соҳиби, шундан у ҳамма нарсага қодир!» – дедим.

Шундан сўнг Ибн Баҳоуддин Ҳалабига мурожаат этдим: «Айт-чи, Қуръонда муайян бир сабабсиз нозил бўлган нечта оят бор?» У сидқидилдан ажабланди: «Эй, Амир, Қуръонда Аллоҳнинг иродасига дохил бўлмаган оят йўқ, илло, барча оятлар ундан нозил бўлган. Ҳар бир оят Аллоҳ томонидан нозил бўлган ва, албатта, бир сабаб билан юборилган». Жавоби маъқул келиб, уни ҳам олқишладим. Кейин Сирож Искандарини суҳбатга тортдим: «Нима учун мусулмонлар қиблани ўзгартиришди?» У шундай жавоб қилди: «Ислом дини вужудга келганида ҳали бошқа динларнинг таъсири айрим ҳолатларда сақлаб турилган. Масалан, шаробга муносабат масаласида буни яққол кўришимиз мумкин. Қуръонда шу мавзуга оид тўртта оят мавжуд. Уларнинг дастлабкисида «шароб жоҳилликни туғдирадиган нарса», деб айтилади, бироқ истеъмол қилиш таъқиқланмайди. Сабаби, бошқа динга эътиқод қўйган кишилар ундан бира тўла воз кеча олмас эдилар. Қисқаси, ислом таълимотида дастлабки даврларда бошқа динларнинг одамлар онгига чуқур сингиб кетган тартиб-қоидалари ўз таъсирида сақланган. Ислом аста-секин, босқичма-босқич ана шу таъсирларни йўқота борган. Мана шундай тартиблардан бири, Байтул Муқаддас – Иерусалимга қараб намоз ўқиш бўлган. Фитрат вақти ўтгандан сўнг, яъни ислом динини ёйишнинг даври ўтгач, мусулмонларни бошқа дин вакилларида ажратиш мақсадида, Ҳақ уларнинг намоз ўқиш тартибини ўзгартирган. Мусулмонларга Байт-ул-ҳаром (бу ерда ҳар хил тортишувлар, низо ва келишмовчиликларни ҳал қилиш таъқиқланган, ҳаром қилинган) – Каъбага юзланиб намоз ўқиш буюрилган. Қибланинг жойи ўзгарганлиги Аллоҳнинг фақат Каъбада мавжуд эканидан дарак бермайди. У ҳамма жойда мавжуд: у йўқ жойнинг ўзи йўқ. Аллоҳ ўз каломи Қуръонда таъкидлаб айтадики, сиз қайси томонга қараб

намоз ўқиманг, барибир Аллоҳга қараб юзланган бўласиз. Шунинг учун ҳам Али ибн Абу Толиб (р.а.) араблар эронликлар устидан ғалаба қозонгандан сўнг, Мадаъэн (қадимий номи Ктесофан)да оташпарастрларнинг ибодатхонасига кириб юзини қиблага қаратиб намоз ўқиган. Умар ибн Хаттоб эса Дамашқда насронийлар ибодатхонасида шундай қилган. Мусулмонларга қаерда бўлмасин, оташкадами, ибодатхонами ёки бутхонами – ҳамма ерда намоз ўқиш эркинлиги берилган. Чунки, Худо ҳамма ерда мавжуд! Намозни фақат ва фақат ифлос жойларда ўқиб бўлмайди. Агар мусулмон киши намоз ўқиш учун танлаган жойи ҳар хил иллатлардан холи, тоза эканига амин бўлса, унга ибодат қилиши учун бошқа нарса халал бера олмайди. Худо Каъбани мусулмонларнинг қибласи этиб белгилагани, бу унинг бошқа уйи йўқ, деган маънони англатмайди. У жисм эмаски, муайян бир уйда, муайян бир девор ортида турса. У Каъбани мусулмонларнинг қибласи этиб белгилаганининг сабаби, буни фақатгина уларнинг сафларини бирлаштириш, юзларини бир томонга қараттириб, муносабатларини мустаҳкамлаш учундир!»

Мен уни алқаб дедим: «Таҳсин сенга, Сирож Искандари! Кўриб турибман, илм билан лиммо-лим қалбинг худди «Сирож Искандари» (Искандар маёғи) каби порлаб турибди». Шундан кейин Ибн Арабшоҳга қуйидаги савол билан мурожаат этдим: «Ҳар бир оятнинг нозил бўлиши қанча вақтни талаб этган?» Арабшоҳ бу саволни тушунмаганлигини, менинг нимани билмоқчи эканимни англамаганлигини баён этди. Мен саволимни изоҳладим: «Агар Қуръондаги оятлар сонини ва пайғамбаримиз (с.а.в.)га Расуллиқ мартабаси берилганидан сўнг яшаган кунларини чоғиштирсак, нозил бўлган ҳар бир оятни қабул қилиб олиш учун қанча вақт сарфлангани аён бўлади – шуни сўрагандим». Ибн Арабшоҳ деди: «Ярим кун атрофида вақт сарф бўлган, – деди ва сўнг бу борадаги ўз қарашларини баён этди. – Зеро, пайғамбаримиз (с.а.в.) зиммасига муқаддас вазифа юкланган кундан, ул зот умрининг охирига қадар 23 йил, яъни 8395 кун мобайнида Қуръоннинг бир юз ўн тўртта сураси нозил бўлган. Бундан келиб чиқадики, ҳар бир ярим кунда битта оят нозил

бўлган. Аммо оятларнинг нозил бўлиш тартиби биз айтган зайлда бўлмаган. Баъзида бир неча оят, бир вақтнинг ўзида, айрим алоҳида ҳолатларда эса, яхлит бир сура нозил бўлган». Арабшоҳга ҳам тасанно айтдим: «Номингга яраша, худдики исминг ярми арабча, ярми форсча бўлгани каби, сенда ҳар икки халқ даҳосининг закоти мужассам экан», – дедим.

Навбат Низомиддин Шомийга етди. Ундан сўрадим: «Сен айт-чи, нима учун Худо, биз мусулмонларга намоз пайти пешонамизни ерга тегизишни буюрган?» У жавоб қилди: «Эй Амир, Аллоҳ инсонни тупроқдан яратди. Унинг зуваласини тоза, сифатли хокдан эмас, балки қоп-қора тупроқ ва сувнинг қорилмасидан ясаган. Кейин қуёшнинг тигида қурутган. Шундан Аллоҳ намоз ўқиётган чоғимиз ерга қуллуқ қилиб, унга бош уришга буюрган. Қуллуқ қилишимиз гуруримизни жиловлаш, ерга пешонамизни тегдиришимиз эса кулдан кетиб кулга айланишимизни, тупроқдан-да, хокисорроқ эканимизни англашимиз учундир. Шунингдек, манманлик, худбинлик иллатларига берилмаслик, яқинларимизга, атрофимиздагиларга нописандлик қилмаслигимиз – бор-йўғи тупроқдан пайдо бўлганимизни доимо ёдда тутишимиз лозимлигидандир!»

Мен Низомиддин Шомийни ҳам яхши сўзлар билан мақтадим. Сўнг савол билан Муҳаммад бин Муслим Лазекига юзландим: «Намоз олдидан таҳорат олганда қўл ва оёқларни неча бор ювиш керак – шу борада бизга сўзлаб берсанг?» У жавоб қилди: «Эй Амир, бу қиш пайти бўлса, совуқда қўл ва оёқлар одатда тоза сақланади – бир марта ювса ҳам бўлади. Аксинча, ёзда оёқ ва қўллар унчалик ҳам тоза бўлмайди, ҳатто беш марта ювиш ҳам кифоя қилмаслиги мумкин». Уни чалғитмоқчи бўлиб сўрадим: «Эй инсон, сен ислом ўрнатган тартиб-қоидалар устидан ҳазиллашишга журъат этяпсанми?» У жавоб қилди: «Эй Амир, асло бундай эмас! Илло, мен жиддий айтяпман. Аллоҳ, Қуръоннинг «Моида» сурасидаги 101-оятда марҳамат қилиб: «Эй, сиз – эътиқод қилувчилар, дин кўрсатмаларининг ҳар бир майда-чуйда жиҳатларига ўралашиб қолманг, акс ҳолда Исроил қабиласидагиларнинг сугир сўйишлари сингари қийинчиликларга учрайсиз», деган.

Худонинг намоз ўқишдан олдин таҳорат олишга буюргани намоз ўқишга чоғланган одамнинг ҳолатини тозалаш учундир. Башарти, у ўзини покланган деб билса, бемалол намозга киришиши мумкин. Агар етарли миқдорда сув бўлса, намоз тадоригига киришадиган одам покланган деб ҳис қилиши учун неча марта сув олиши kifoya бўлса – ўшанча олади. Агар уни қониқтирса, бир марта сув олади, Аллоҳ бу каби майда-чуйда масалаларда баҳслашманг, деган».

Мен дедим: «Баракалла, Муҳаммад бин Муслим Лазеки! Худога шукр, бу анжуманга ташриф буюрган барча олимлар, ҳаммангиз илмда беназир даражот тутишингизни намоеън қилдингиз. Сизнинг номингиз, салоҳиятингиз қозонган шуҳратингизга муносиб экан – ишондим!

Энди илмий анжуманимизнинг асосий мавзусига кўчсак. Ўртага ташланадиган бир масала бор: мен ҳозир уни сизларга баён этаман. Сиз барчангиз илмда беназир инсонларсиз. Биласиз, пайғамбаримиз (с.а.в.) оламдан ўтган чоғлари ҳали Қуръон оятлари бир жойда тўпланмаган эди. Уларнинг баъзилари айрим мусулмонларнинг қўлида турли ёзувлар тарзида, баъзилари эса айрим кишиларнинг хотирасида сақланиб келган. Абу Бакр Сиддиқ ва, хусусан, Умар ибн ал Хаттоб халифалиги даврида Шом ва Эрон мамлакатларини мусулмонлар ҳудудига киритиш учун бўлиб ўтган жангларда Қуръонни ёд билган кишиларнинг кўплари ҳалок бўлишган. Умар ибн ал Хаттобдан кейин халифа бўлган Усмон ибн Аффон (р.а.) даврида Қуръон оятларининг буткул йўқолиб кетиш хавфи кучлироқ сезилиб қолган. Уни хотирасида ёки ёзувлар тарзида сақлаб келаётган одамларнинг сафи сийраклашиб қолган эди. Шунинг учун у барча оятларни тўплаб, бир китоб ҳолига келтиришга қарор қилган. Шу муносабат билан барча мусулмонларга мурожаат қилиб, кимда Қуръон оятлари битилган ёзувлар бўлса ёки хотирасида сақлаб келаётган бўлса, Қуръонни яхлит бир китоб ҳолига келтириш учун масъул бўлган гуруҳга келиб учрашишларини – бисотларида борини топширишларини сўраган. Шундай қилиб Қуръонни ёзишга масъул этилган гуруҳ улардан оғзаки ва ёзма шаклда келиб тушган барча оятларни саҳифаларга муҳрлаб боришган. Бироқ улар оят-

ларнинг нозил бўлган вақти, сабаби ва қайси мавзуга оид эканига қараб эмас, ким қачон айтганига ёки келтириб топширганига қараб тартиб беришган.

Шундан келиб чиқиб Қуръон оятларини бугун икки турга бўлишимиз мумкин: биринчиси – маъно жиҳатидан бир-бирига боғланган оятлар силсиласи ва иккинчиси – бир-бирига маъно ва мазмун жиҳатидан боғланмаган оятлар. Бундан келиб чиқадики, унга қайта тартиб бериш эҳтиёжи бор. Шу пайтгача бу ишга қўл урилмай келинаётгани, шаккоклик қилишдан қўрқишган. Шу муносабат билан мен сизларни бу ерга тўпладим. Барчангиз етук олим, беназир дониш-исломшунос сифатида мана шу масала устида бош қотириб, пайғамбаримиз (с.а.в.)га Қуръон оятлари 23 йил мобайнида қандай нозил бўлган бўлса, худди шу зайл тартиб бериш мумкинми, йўқми – шу хусусда хулосангизни берсангиз. Мабодо бу шаккоклик бўлса, бу фикрга тамоман нуқта қўямиз».

Олимлар бу масалада анчайин баҳс юритишгач, Дамашқдаги Умар масжидида унинг хотима мажлиси бўлиб ўтди. Унда мен ҳам иштирок этдим. Олимларнинг қандай қарорга келганлари мени жуда қизиқтирмоқда эди. Шундан тезроқ уларнинг фикрларини тингласам дердим.

Биринчи бўлиб Баҳоуддин Ҳалаби сўз олиб деди: «Эй Амир, биз бунда узоқ баҳслашиб, кескин мунозарага киришиб, охир-оқибат барчамиз бир хулосага келдик. Яъни, Қуръони карим охиратга қадар қандай бўлса, шу ҳолида сақлангани маъқул. Унга фақат бир киши Аллоҳнинг Расули (с.а.в.)гина қайта тартиб бериши мумкин. Башарти, ул зот ҳам маҳшар куни барчамиз билан бирга бош кўтаради. Ўшанда агар жоиз топса, оятлар тартибини қайта жойлаштиради».

Мен унга дедим: «Эй Ҳалаби, сенинг бу сўзларинг изоҳ-талаб, агар мумкин бўлса уни асослаб бер!» У деди: «Эй улуғ Амир! Биз оятлар Расули Акрам (с.а.в.)га 8395 кун мобайнида қай йўсинда нозил бўлганини билмаймиз. Шундан унга тартиб бериш мушкул. Фақат билганимиз – бу оятларнинг бир қисми Маккада, яна бир қисми эса Мадинада нозил бўлган. Шунинг учун Қуръон оятларининг жойини ўзгар-

тириш орқали, биз сен назарда тутган натижага эриша олмаймиз. Агар сен оятлар Набий (с.а.в.)га қандай тартибда келган бўлса, ўша тарзда тартиб бериш керак десанг, бунинг ҳам иложи йўқ. Чунки дунёда бу оятларнинг қайси бири қачон нозил бўлганини биладиган бирорта ҳам олимни топа олмайсан».

Баҳоуддин сўзини яқунлагач, Ибн Халдун сўз сўради. Изн бўлгач деди: «Эй улуғ Амир! Оятларнинг ўрнини алмаштириш ёки умумий матндан қайсидир оятларни олиб ташлашга фақат бир киши ҳақли, у ҳам бўлса ислом пайғамбари (с.а.в.)дир. Маҳшар куни лозим топса, ўзи шу ишни қилади».

Мен ундан сўрадим: «Эй Ибн Халдун! Сен умумий матндан айрим оятларни олиб ташлаш деганда нимани назарда тутаясан? Ахир Аллоҳнинг каломини Қуръондан олиб ташлаб бўладими?» Ибн Халдун жавоб қилди: «Баъзи бир оятлар ислом таълимоти энди-энди тетапоя бўла бошлаган пайт нозил бўлган. Айримлари эса унинг кенг ёйилиб, эътироф этилганидан сўнг юборилган. Кейинроқ нозил бўлганлари аввалгисининг таъсир кучини ёки оширган, ёки камайтирганини кузатишимиз мумкин. Масалан, зино ҳақидаги оятни олиб кўрайлик. Аввалги оятда, бу ишни содир этган эркак ва аёлни тошбўрон қилишга буюрилган. Худди шу жазо усули иуда қавмлари орасида мавжуд эди. Бу оят ҳозир ҳам Қуръонда бор, илло, кейинчалик, исломнинг тантанасидан сўнг Аллоҳ шу мавзуда яна бир оятни нозил қилган – у «Нур» сурасидан ўрин олган. Аллоҳ бу оятида зинокорларни дарра билан калтаклашни буюрган. Худди шу оятда кимдир кимнидир зино қилганликда айбласа ва уни исботлашга етарли асоси бўлмаса, туҳмат қилгани учун унинг ўзини саксон дарра уриш лозимлиги айтилади. Шубҳа йўқки, зинокорни дарра билан савалаш тўғрисидаги оят уларни тошбўрон қилиш кераклиги ҳақидаги оятдан кейин келган. У биринчи оятдан кўра устунроқ аҳамият касб этган. Шундай бўлсада, биз Қуръондан биринчи оятни олиб ташлай олмаймиз. Аллоҳнинг каломини бирини иккинчисидан ажрата олмаймиз. Буни юқорида таъкидлаганимиздек, фақат бир киши қила олиши мумкин!..»

Навбат Аммад-ад дин Мағрибийга келди. У деди: «Усмон бин Аффон халифалик қилган давр 12 йил давом этган. Шунинг беш йили, ёзма маълумотларда айтилишича етти йили, асосан, Қуръон оятларини тўплаш ва тартиб беришга бағишланган. Шу муносабат билан халифа бир неча котибларни Арабистоннинг турли ҳудудларига, Эрон, Мисрга, ўша ердаги одамлардан Қуръон оятларини ёзиб келиш учун юборган. Чунки Эрон ва Миср истило этилганидан сўнг кўп араблар ўша мамлакатларда ўрнашиб қолиб, Арабистонга қайтмаганлар, ўша жойларда вафот этишган. Шу 5-7 йил мобайнида оятларни ёзиб олаётган котиблар ҳам, халифа Усмоннинг ўзи ҳам айрим оятлар шу мавзудаги бошқа оятлардан кучайиб ёки кучсизланган ҳолда учраб турганига эътибор қилишган. Бир оз олдин Баҳоуддин зино ҳақидаги оятни мисол келтирди. Худди шундай ҳолни шаробни таъқиқлаш тўғрисидаги оятлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу борада Қуръонда тўртта оят учрайди. Агар Аллоҳнинг каломини ислоҳ этиш ҳуқуқи бўлганида бу ишни ўша вақтнинг ўзида, китобга тартиб бераётган котибларнинг ўзлари амалга оширган бўлар эдилар. Яъни, энг охирида нозил бўлган оятни қолдириб, қолганидан воз кечишарди. Бу ишни наинки котиблар, балки халифа Усмоннинг ўзи ҳам қила олмаган. Бундан ташқари, оятларнинг нозил бўлган вақтини билганларида ўша вақтнинг ўзида уни мундарижа асосида тизиб чиққан бўлар эдилар. Усмон (р.а.) халифалиги даврида Қуръон оятларини яхлит бир китоб ҳолига келтириш масаласида анжуман чақирилган пайт – ҳижратдан 24 йил, пайғамбаримиз (с.а.в.) вафотларидан 14 йил ўтган эди. Бироқ халифа Усмон ҳам, Қуръон оятларини китоб ҳолига келтиришга масъул бўлган кишилар ҳам оятларни тартиб билан жойлаштиришга зарурат йўқ, деган фикрда бўлганлар, деб қарамаслик керак. Аммо ўша пайтда ҳам қайси оят қачон нозил бўлгани ҳақида маълумотга эга бўлишмаган. Фақат фараз ва тахмин қилишлари мумкин бўлган. Бироқ Аллоҳнинг каломига фараз ва тахмин билан муомала қилиб бўлмайди.

Башарти, пайғамбаримиз (с.а.в.) вафотларидан 14 йилдан кейин оятларнинг қачон нозил бўлганини санама-сана

кетма-кетлигини билишмаган экан. Орадан шунча вақт ўтиб, бизнинг бу борада оқилона бир гап айтишимиз даргумон».

Ундан кейин Муҳаммад бин Лазеки ўз фикрини баён этишга киришди: «Эй, Амир! Сен биздан ҳам кўра Қуръон илмини яхши биласан. Унинг оятларини ёд олгансан. Қувваи ҳофизанг шу қадар кучлики, Қуръоннинг охиридан бошига қараб тескарисига ёд айтишинг мумкинлигидан ҳам хабаримиз бор. Шунинг учун сен каби ўқимишли одамга аниқ ва шубҳага ўрин қолдирмайдиган нарсалар ҳақида таъкидлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Бироқ сен бизга масала бериб, уни муҳокама қилишни сўраган экансан, биз энди баҳс ва мунозараларимизнинг хулосасини сенинг эътиборингга ҳавола этишимиз лозим. Исломнинг дастлабки даврларида исломшунослик фани мавжуд бўлмаган ва мусулмонлар бунга зарурат ҳам сезмаганлар. Кимдир, қайсидир масалада муаммо сезса, дарҳол пайгамбаримиз (с.а.в.)га мурожаат этган ва саволларига тезда ечим топган. Оятларнинг тафсири ҳақидаги фан Расулulloҳ (с.а.в.)нинг вафотларидан сўнг икки сабабга кўра пайдо бўлди: биринчи сабаб, энди оятлар мазмун-моҳиятини айтиб берадиган зот йўқ эди. Иккинчи сабаб – муқаддам Арабистондан нари чиқмаган мусулмонлар Эрон, Шом ва Мисрнинг забт этилиши муносабати билан, ўша мамлакатларга бориб, араб тилини билмайдиган кишилар билан ёнма-ён яшай бошладилар. Улар Қуръон оятларининг мазмунини билмас эдилар. Шу муносабат билан Қуръонни маҳаллий тилларга таржима қилиш зарурати туғилди. Қолаверса, ерлик халқларнинг удум ва анъаналари арабларникидан фарқ қилар эди. Шундан араблар Қуръон оятларининг мазмунини уларнинг онгига сингдириш билан ҳам шуғулланганлар – шунга масъул бўлганлар!

Ана шу ҳолат исломшунослик илмининг пайдо бўлишига замин ҳозирлади. Бу фан равнақ топа бошлади. Эроннинг айрим уламолари уни кенг тафсир эта бошладилар.

Бугун Қуръон оятларининг фан сифатида пайдо бўлганига етти аср бўлди. Ҳозирда у жуда кенг кўлам касб этди. Мана шу борада эришилган натижаларнинг бари Қуръоннинг мана шу ҳолатидан келиб чиқиб яратилган. Қуръонга

берилган шарҳлар унинг мана шу жойлашувига асосланган. Шу сабабли унга салгина тегинилса етти асрдан бери шаклланиб, бундан кейин ҳам такомиллашиб бориши лозим бўлган тафсир фани зил кетиши мумкин».

Мен дедим: «Барчангизни тинглаб, англадимки, Қуръон оятларининг жойлашиш тартибига дахл қилиб бўлмас экан. Демак, бу масала маҳшар кунни Расули Акрам (с.а.в.)нинг ўзлари томонидан ечим топади. Ортиқ баҳс-мунозарага ўрин қолмади. Мен авлодларимга ҳам васият қилиб, мендан кейин бу масалада мана шу илмий анжуман хулосаларига амал қилишларини қатъий тайинлайман».

Илмий анжуман шу билан ўз ишини якунлади. Таклифимни рад қилмай узоқ-яқиндан келган олимларнинг барчаларига олтин тангалар ҳадя қилиб, кузатдим. Мендан рози бўлиб кетишди. Ўша кунлари Дамашққа навбатдаги қўшимча куч етиб келди ва қўшиним сафи янада кенгайди. Биринчи бўлиб келган ҳарбий қисм саркардаси Тоқатнинг қобилияти ҳақида юқорида бир оз маълумот берган эдим. Ўғлим Шоҳруҳ Кешдан юборган иккинчи жанговар қисмга бош бўлиб келган Нух Бадахшоний – йирик жуссали, елкадор киши эди. Бунақаси менинг ҳарбий саркардаларим ичида йўқ эди. Иккинчи ҳарбий қисм етиб келгач, қўшиним етарли таркибга эга бўлди. Энди йўлга тушсам ҳам бўлар эди. Аммо қиш кириб, ҳаво совуди. Қолаверса, Рум мамлакатига борадиган йўлнинг маълум бир масофаларини Тур тоғи орқали босиб ўтишимиз лозим эди.

Тоғнинг доvonларини ўша пайтлари қор босиб, ўтиб бўлмас даражага келган эди. Агар мен ўйловсизлик қилиб, қўшинни йўлга солсам, шубҳасиз, уни ҳалокатга бошлаган бўлардим. Шу сабаб баҳоргача Дамашқда туриб, кунлар исиб, қорлар эрий бошлаганда Румга сафар қилишга қарор қилдим.

Қишни мен, асосан, даладаги қароргоҳимда ўтказдим. Фақат намоз ўқиш учунгина шаҳарга бориб келар эдим. Вақтни, асосан, икки нарсага бағишлардим: биринчиси, Дамашқ олимлари билан илмий сўхбатларга. Улар орасида Ибн Халдун ҳам бор эди. У Дамашққа келиб, менинг амрим билан шу ерда қолди. Иккинчи ишим – ҳарбий тайёргарлик

машғулотлари эди. Ўша қишда мен барча жангчиларим ва саркардаларимни ҳар куни тинимсиз машқ қилдирар эдим. Ўзим ҳам машғулотларда мунтазам иштирок этардим. Чунки Дамашқ жангидан кейин, деярли бекорчи бўлиб қолган эдик. Ейиш ва ичишдангина иборат бўлиб қолган ҳаёт мени ҳам, жангчиларимни ҳам дангаса қилиб қўймаслиги керак. Шунинг учун ҳам бутун қўшин баҳор бошланган чоғда бардам, навқирон, тетик – жангга киришга шай ҳолатда бўлиши лозим эди.

Мен уларнинг барчаларини олдимизда жиддий синов турганидан огоҳлантирдим. Эҳтимол, ҳалок бўлишимиз мумкинлигини айтдим. Бироқ ғалабадан сўнг Рум султони Йилдирим Боязиднинг барча олтину жавоҳирлари бизники бўлишини таъкидладим. Уни енгиб, Византия мамлакатига юриш қилишимизни, унинг икки минг йилдан бери тўпланиб ётган бойликлари бизни кутаётганини айтдим.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

РУМГА ЮРИШ ВА ЙИЛДИРИМ БОЯЗИД БИЛАН ЖАНГ

Менинг олдимда кўп йўллар узалган эди. Бироқ уларнинг аксари тоққа бориб қадалар ёки боши берк, ё лойли сўқмоқларга бирлашиб кетар эди. Бу эса лашкарнинг эркин ҳаракат қилишига имкон бермасди. У йўллардан карвонлар ўтиши мумкиндир, аммо катта қўшин учун у ўнғаймас. Қўшинга унинг юк ортилган ҳайвонлари, аравалари учун текис йўл бўлиши зарур. Шунинг учун мен Кўнёга олиб борадиган йўлни танладим. Бу шаҳарда машҳур «Маснавийи маънавий» муаллифи Жалолиддин Румий дафн этилганини билар эдим. Мен у асарни ҳам, муаллифини ҳам унча ёқтирмас эдим. Чунки у ўз асарида ҳамма динлар ўзаро тенг, бирининг иккинчисидан устунлик жиҳати йўқ, деган ғояни илгари суради. Ваҳоланки, менимча, ислом ҳар жиҳатдан бошқа динлардан устун дин – буни рад этиб бўлмайди.

«Маснавийи маънавий»ни хуш кўрмаслигимни билган айрим саркардаларим Кўнёга келган кунимиз Мавлавийнинг

қабрини бузиб ташлаш таклифини билдиришди. Мен уларга Темур Кўрагон ўлиқлар билан жанг қилмаслигини, шунинг учун ҳам бу иш менга шармандалиқдан бошқа нарса олиб келмаслигини тушунтирдим. Мозорга ёндош бир бинога кўзим тушди – уни хонақо деб аташаркан. Худди шунга ўхшаш хонақони Азербайжаннинг Ардабек деган жойида ҳам учратган эдим. Хонақоларда ҳамиша сўфийлар ўтиришар, «Маснавийи маънавий» ўқиш, мусиқа ва кўшиқ тинглаш, рақсга тушиш билан вақтларини ўтказишар экан. Айтишларича, рақс (зикри само) чоғи сўфийлар жазавага тушишар эмиш. Мен улар шароб ичишмасмикин деб сўрадим. Менга берган жавобларига қараганда, улар умуман шароб ичишмас, ислом дини аҳкомларига чуқур ҳурмат билан қарашар экан.

Кўнёга киргач ўша хонақонинг сўфибошисини ҳузуримга чақиртирдим. Қани сўраб кўрай-чи, қандай қизиқарли нарсаларни айтиб бераркин, дедим ўзимга-ўзим. У оқ соқолли, кекса киши экан. Мен ундан зикри самога тушади-ми, йўқми – шу ҳақда сўрадим. У менинг саволимни маъқуллаб деди: «Зикри само – биз сўфийлар учун бор-йўғи бир восита, яъни руҳий жазавага тушиш йўли». Мен ундан сўрадим: «Сиз сўфийлар – мусулмонмисизлар?» У саволимни ишонч билан тасдиқлади. Ундан яна сўрадим: «Унда нима учун исломга шаккоклик қиласизлар?» У жавоб қилди: «Биз ҳеч қандай шаккоклик қилмаймиз, биз бор-йўғи асил тақводормиз». Кейин яна фикрида давом этиб деди: «Ислом Арабистонда дунёга келди. Араблар эса бадавий, оддий кўчманчилар бўлгани сабаб Аллоҳ уларга динни оддий – ҳамма учун тушунарли бўлган калималарда ифода этди. Бироқ тақводорлар динга итоат қилиш учун унга яна ҳам чуқурроқ кириб бордилар. Худди Али бин Абу Толиб сингари: у ҳар сафар намоз ўқиғанда, ҳушсизланиб йиқилар экан. Аллоҳ олдидаги қурқув унинг идроқини буткул эгаллаган. Биз сўфилар ислом буюрган амалларни дастлабки-сидан кўра юксакроқ даражада бажарамиз». Мен дедим: «Эшитганман, сиз сўфилар Аллоҳдан пайғом оламиз дер эмишсизлар». Хонақо соҳиби сўради: «Эй, Амир, ким сенга бу гапни айтди?» Мен дедим: «Бошқа бир гапни ҳам эшит-

ганман: сиз сўфилар орифлар билан Аллоҳнинг пайғоми устида тортишар эмишсизлар!» У жавоб қилди: «Асло бундай эмас. Сўфилар ҳам, орифлар ҳам бир нарсани исташади: Аллоҳга яқин бўлишни. Бу эса ҳақиқатга яқин бўлиш дегани».

Мен дедим: «Унда нега одам ва олам бирлиги ҳақида гапирасизлар – бутун олам яхлит бир мавжудот, деган ғояни илгари сурасизлар?» У деди: «Биз барча мавжудотлар бир бутун олам эканига ишонмаймиз. Бу таълимотга қўшилмаймиз ҳам. Бу ғоя айрим сўфий ва орифларнинг қарашларини ифода этади, холос. Улар Аллоҳдан бошқа мавжудот йўқ, барча моддий нарсалар – Худо ёки бир бутун олам деб уқтирадilar.

Уларнинг айтишларича, агар ҳамма нарса Худо бўлса, демак, ер юзидаги ҳамма нарсалар, ҳатто одам ҳам Худонинг бир зарраси эмиш. Бироқ биз Кўнё сўфийлари бундай деб ҳисобламаймиз. Бизнинг фикримизча, оламдаги барча нарсаларни, шунингдек, одамни ҳам Худо яратган. Худо оламдан ташқарида ва борлиқни ҳам у барпо этган – борлиқ ёки йўқлик унинг измида».

Кўнёда жуда қисқа муддат турдик. У ердан чиқиб, шимолга томон – Қизил ирмоқ дарёсигача юрдик.

Баҳор фасли бўлгани сабаб дарё ўзани тўлиб оқмоқда эди. Мен қўшинни ундан фақат кўприк қуриб олиб ўтишим мумкин эди. Сафарим ҳали Византия томон давом этиши мумкинлигини ўйлаб, дарёнинг чап қирғоғи бўйлаб боришга қарор қилдим. Ўша чоққача Йилдирим Боязид қўшинидан дарак бўлмади.

Нуҳ Бадахшоний иккита кузатув қисмига бош бўлиб, олдда ҳаракатланмоқда эди. У менга мунтазам маълумотлар етказиб турарди. Тоқат ортда, ортимиздан ёки чап қанотдан қўққисдан ҳужум қилмасликлари учун кўз-қулоқ эди. Ўнг томонимиздан бундай хавф йўқ, чунки ўнг томонимиз Қизил ирмоқ дарёси билан муҳофазаланган эди. Йилдирим Боязиднинг қораси кўринмаётганидан билдимки, демак, у мени қаердадир тузоққа тушириш пайида. Мени ғафлатда қолдириб, қўққисдан ҳужум қилиб, катта талафот етказишни мақсад қилган. Шу боис баланд-паст тепаликлар ёнидан ўтаётганда ўта эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилдим.

Ахийри юра-юра бепоеён чўл ҳудуди бошланадиган жойга етиб бордик. Менга у жойни Ангара деб номланишини айтишди (*Ангара бир муддат вақт ўтиб Анқара деб атала бошлаган*). Биз ана шу чўлга яқинлашган чоғимиз Нух Бадахшоний олдда қандайдир ҳарбий қароргоҳ кўрингани ҳақида маълумот юборди. Бир оздан сўнг бу қароргоҳ жуда катта экани, унда сон-саноқсиз жанговар қўшин жойлашгани ҳақида хабар олдик. Эртаси кун жанг бўлишини билиб Қизил ирмоқнинг шохобчаси бўйида тўхтаб, қароргоҳ тикдик. Жангчиларга эртачи ётиб, тонггача яхши ухлаб, тиниқиб уйғонишлари лозимлигини тайинладим.

Душманнинг яқинлигини ҳисобга олиб, қароргоҳ атрофида уч қатор қоровуллар қўйдирдим. Ҳарбий саркардаларимга ҳудудни доимий назорат қилиб бориш вазифасини топширдим. Душман кечаси қўққисдан ҳужум қилиши мумкинлигидан огоҳлантирдим.

Мен Йилдирим Боязиднинг қўшини, шахсий таркиби, ҳарбий қурол-яроғи ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасдим. Шунинг учун Тоқатга бир гуруҳ навкарлар билан душман қароргоҳига яқин бориб, бир неча душман жангчиларини асир олиб келиш вазифасини топширдим. Иложи бўлса саркардаларидан бирини тутиб келишларини таъкидладим. Ундан кўпроқ маълумот олишни кўзлаган эдим. Бироқ Тоқат қуруқ қўл билан қайтиб келди. Беш нафар жангчисидан ажралибди. Душман ҳушёр экан – яқин боришнинг иложи бўлмабди.

Душманнинг сергаклиги шундан далолат эдики, демак, эртага анчайин мустаҳкам душман қўшинига рўпара келамиз. Ўша кеч бир неча бор чодиримдан ташқари чиқиб, теварак-атрофга қулоқ тутдим. Тиқ этган товуш йўқ, ҳамма ёқ қоп-қоронғи эди. Осмонда юлдузлар милтирарди. Хаёлан уларга мурожаат этиб дедим: «Балки бу эртага содир бўлар: сиз жанггоҳда ётган жонсиз танамни кўрарсиз. Бироқ билингики, мен ўлимдан қўрққан эмасман. Ҳамма нарса охир-оқибат йўқликка юз буришини, бу дунёга келган ҳар бир киши қачондир кетиши кераклигини жуда яхши биламан. Уни қўрқув ва ваҳима ичра кечирмаслигим керак».

Тонг оқара бошлаганда дарёда таҳорат олиб, намозимни ўқидим ва шундан сўнг жангчиларни уйғотишга буйруқ бердим. Қароргоҳ ҳаракатга келди. Шовур-шувур бошланиб кетди. Менинг эътиборимни қулоғимга элас-элас чалинаётган мусиқа оҳанглари тортди. Кўп ўтмай бу садолар душман қароргоҳи томондан келаётганини англадим. Рум ҳукмдори, афтидан, шундай усул билан жангчиларининг* жанговарлик кайфиятини кўтарса керак!

Биз зудлик билан қароргоҳни йиғиштириб жангга тайёрландик. Ҳарбий қисмларимиз Ангара даштидан ўзлари учун белгиланган жойни ишғол этишди. Уларнинг сафида ёнар кўзачаларни улоқтирадиган гуруҳлар ҳам ўрин олган эди. Кўзачаларни биз бир кун олдин тайёрлаб қўйгандик. Боязидга уруш учун танлаган жойини кўриб қойил қолмадик. Ахир менинг отлиқ қўшиним учун бундай текис, чўл ҳудуди айни муддао эканини билмас экан, деб ўйладим. Биз учун тоғлик ҳудудларда жанг қилиш ноқулай, отларнинг бурилиши қийин кечади, бироқ текис ва кенгиш жойларда ҳарбий усуллар қўллаш, душманни айланиб ўтиб, ортидан зарба беришга имкониятларимиз пайдо бўлади.

Жанг бошлангандан сўнг юқоридаги мулоҳазаларим пуч бўлиб чиқди. Йилдирим Боязид асло мен ўйлаганчалик тажрибасизлик қилмаган экан. Аксинча, у жанг майдонини ўзининг жанговар аравалари ҳаракатига мослаб жой танлаган экан. Шунда мен Боязид мени чув туширмоқчи бўлган пистирма торгина дара ёки тўрт томони баландликдан иборат чуқурлик эмас, балки худди мана шу текислик эканига амин бўлдим. Чунки у ўзининг даҳшатли қуроли – ҳарбий араваларини устимга ҳайдаш учун, менинг мана шу нуқтагача келишимга халал бермади. Жанговар аравалар бизга томон ҳаракатланганидан сўнг, Йилдирим Боязиднинг қўшини ёйсимон – ярим ой шаклида сафга тизилганини кўрдим. Уларнинг икки бўртиб турган қаноти бизнинг жангчиларимизни зўр бериб айланиб ўтишга ҳаракат қилаётганини

* Бу Боязид армиясида анъанага айланган сафар кўнғироғи – ҳарбий оркестр садолари бўлган.

кўриб, англадимки, улар жангнинг дастлабки дақиқалариданоқ бизни қуршаб, янчиб ташлашни мақсад қилишган эди.

Йилдирим Боязиднинг жанговар аравалари ўша Дамашқ жангида кўрганамиз – даҳшатли воситаларнинг худди ўзи эди. Унинг олд қисмида ўроқсимон катта металл ўрнатилган бўлиб, унинг ўткир тиглари йўлида йўлиққан ҳамма нарсани ўриб, яксон қилишга қодир эди. На отлиқ, на пиёда қўшинлар унга бас кела олади. Худди ўроқ ҳосилни ўриб олгани каби, Боязид ҳарбий аравалари воситасида менинг қўшинимни ғарамлашга аҳд қилган эди, чамаси. Ҳар бир араванинг ортида махсус муҳофазаланган ўриндиқларда бир нечтадан ўқчилар ўтириб олишганди. Уларнинг ўқлари кўрсатгич бармоқдан салгина узунроқ эди. Зарб билан узилганда улар рақибнинг танасига бор бўйи билан сингиб кетар экан. Мен ана шу ўқлардан бир нечасини намуна сифатида Мовароуннаҳрга олиб бориб, қуролсоз усталарга бердим. Улар кейинчалик Эрон ва Мовароуннаҳрда «темир ялик» номи билан кенг тарқалди (*«темир ялик»* ёки *темир ўқнинг дастаси кейинчалик мушкет ва милтиқлар ихтиро қилинганда қўндоқ сифатида ўзлаштирилган*).

Хуллас, душманнинг жанговар аравалари жанг майдонининг бор бўйича ҳужумга ташланди. Орқа ўриндиқда ўтирганлар тинимсиз ўқ ёғдира бошлади. Жанг ҳаракатлари ғарбдан шарққа чўзилган: биз шарқдан, Боязид қўшини ғарб томондан уруш ҳаракатларини бошлагандик.

Шу пайт зудлик билан чора қўлламасам бўлмаслигини пайқадим. Душман бизни қуршаб олиб янчиб ташлашга астойдил киришганди. Тоқатни дарҳол барча ёнар кўзачали гуруҳи билан шарқий йўналишда ҳаракатланаётган душманнинг кучини кесишга ташладим. Улар жанговар аравалар сафларимизни ёриб, ортимизга ўтиб олишларига йўл қўймасликлари лозим эди. Нуҳ Бадахшонийни худди шундай тоншириқ билан ғарбий йўналишга жўнатдим. Ерга қозиқлар қоқиб, ип, занжир боғлаб – ҳар нима усул бўлса қўллаб, араваларнинг шиддатли ҳаракатига ҳалал бериш кераклигини тайинладим. Мен ўзим бир гуруҳ саркардалар билан шимолий ва жанубий йўналишда муҳофаза жангларини таш-

кил қилдим. Тоқат шарқий йўналишда ўзига топширилган вазифани аъло даражада бажарди.

Йилдирим Боязидга бизнинг сафларимизни ёриб ўтиш насиб қилмади. Бизнинг барча озиқ-овқат, ем-хашак ва ёнар кўзачалар сақланаётган таъминот омборимиз шарқ томонда эди. Душман бизнинг шарқ томондан ҳимоя чизигимизни ёриб ўтишга муваффақ бўлмагач, қароргоҳ билан алоқамиз сақланиб қолди. Мен зудлик билан яна ёнар кўзачалар тайёрлаб, жанг майдонига олиб келишларини буюрдим. Унгача эса бир қисм жангчиларимиз қароргоҳга олиб борадиган йўлга қозиқлар қоқиб, занжирлар боғлаб, ип тортиб жанговар аравалар йўлини тўсадиган говлар ясашга киришишди. Куннинг иккинчи ярмида мен бир қисм жангчиларимни яқин атрофдаги қишлоқларга оралатиб юбордим. Имкон қадар кўпроқ қозиқ, тахта, занжирлар топиб келишларини буюрдим. Ишга маҳаллий аҳолини ҳам кенг жалб этишга кўрсатма бердим. Шунингдек, яна бир қисм навқарларимга жанг майдонига туташ ҳудудлардан қозиқ йиғиб, қароргоҳ атрофига ҳимоя говлари ўрнатишга топшириқ бердим.

Йилдирим Боязид кечаси биз томонга жанговар араваларни юбориши эҳтимолдан холи бўмагани учун ҳам ана шу тадбирларни қилишимиз шарт эди. Чунки ёнар кўзачаларимиз оз қолган, янгиларини тайёрлаш учун эса, аввало, порох ишлаб чиқаришимиз лозим эди.

Ўша куни жанговар араваларни ҳаракатга келтираётган отлар ер бағирлаб ўрнатилган говларимизга ўралашиб, тўхтаб қолгач, жангчиларимиз дарҳол уларни сафдан чиқарар, ортдаги душман ўқчилари пастга тушиб, пиёда жангга киришишга мажбур бўларди. Суворийларимизга уларни бартараф этиш қийин кечмаётганди. Бироқ арава ортида ўрнашиб олган душман ўқчилари ўша куни бизни роса қонимизга ташна қилди. Кўп талофат кўрдик, бироқ душмanning даҳшатли жанговар воситаларини тўхтатиб қолишга муваффақ бўлдик.

Ўша куни аниқ билдимки, Йилдирим Боязид баайни мана шу араваларига катта умид боғлаган. Аравалари сафдан чиққач, пиёда сипоҳларини тезда тинчителишимиз кўзга таш-

ланиб қолди. Демак, у қўшинининг асосини ташкил этувчи пиёдаларига умид қилмаса ҳам бўлади.

Бундан ташқари, мен ўша кун илк бор насроний жангчиларга қарши курашдим. Шу пайтгача улар билан тўқнашмаган эдим. Улар бақириб-чақириб «О Ишу!», «О Йухан!» дея дод солаётганларини эшитиб қолдим. Аввалига тушунганим йўқ. Қароргоҳга қайтиб, ишга жалб қилинган маҳаллий турклардан сўраганимизда, улар бу одамлар насроний экани, Исони – Ишу, Яҳёни – Йухан дейишларини сўзлаб беришди.

Йилдирим Боязид билан жангимизнинг даслабки кун иана шундай ўтди. Жангларда мен шахсан иштирок этмадим. Вазиятни кузатиб бориш, жанговар ҳаракатларнинг боришига қараб янги-янги тадбирлар қўллаш, муҳофаза тўсиқларини вужудга келтириш ишлари билан машғул бўлдим. Душманнинг жанговар араваларини тўхтатиш учун қўлланган тадбирларимиздан яна бири – арқон иплардан фойдаландик. Суворийларимиз араваларга ўрнатилган ўроқсимон найза қурооларга арқоннинг сиртмоқ қилинган учини шундай моҳирлик билан отишардики, унинг тиғи арқонни кесишга улгурмасдан сиртмоқ дастасига бориб чирмашарди. Ипнинг иккинчи сиртмоқ учи отларнинг эгарига илдирилганди. Аравалар отларимизни анчайин ортга судраб борса ҳам, охир-оқибат тўхтаб қоларди. Қаердаки жанговар араваларни сафдан чиқарган бўлсак, унинг ортидан келаётган душман пиёдаларини қириб ташлашимиз осон кечмоқда эди. Шундан ҳулосага келдимки, жанговар араваларни сафдан чиқарсак, бас – ғалабамизни таъминлаган бўлар эканмиз!

Қуёш ботгунга қадар жангни давом эттирдик. Уни эртачи тугатишни хоҳламадим. Чунки қароргоҳ атрофида муҳофаза тўсиқлари ўрнатилаётган бўлиб, биз жангни давом эттириш орқали уларга ишни тугатиб олиш имконини бердик. Душман араваларини батамом издан чиқарадиган даражада порох ишлаб чиқариш учун, бизга камида икки кун вақт керак бўларди. Агар ҳаво иссиқ бўлмаганида, уни қуритишга кўп вақт сарфланарди. Демак, мана шу икки кун қароргоҳда қамал ҳолатида туришимизга тўғри келгани учун ҳам, унинг атроф муҳофазасини яхшилашга эътибор бердим.

Мени сув муаммоси ташвишлантирмас, илло, Қизил ирмоқ шундоққина ёнгинамизда эди. Бироқ отларимиз учун ем-хашак масаласида муаммо мавжуд бўлиб, мен бу муаммони ҳам ечиш чораларини кўрдим.

Таъминот гуруҳини яқин қишлоқларга юбориб, озиқ-овқат ва етарли миқдорда ем-хашак тўплаш вазифасини белгиладим. Ерлик аҳолини жалб этиб, тўплаш ва ташиш ишларини ташкил этишга топшириқ бердим. Қуёш ботиши олдидан биз душмандан узоқлашиб, қароргоҳга қайтдик. Ярадорларни ҳам олиб келдик, бироқ ўликларни йиғиб, кўмиш имконини қила олмадик. Орадан икки соатлар вақт ўтиб, жанг майдонидан ўлаксаҳўр қушларнинг товуши кела бошлади. Улар мурдаларни тановул қила бошладилар, чамаси.

Мен ўша кеч душман қароргоҳимизга ҳужум қилади деган гумонда эдим. Бироқ бунинг ўрнига Йилдирим Боязиддан чопар келганини хабар қилишди. Унинг кўзини боғлаб, ҳузуримга олиб келишларини буюрдим: қароргоҳ ичкарисидоғи аҳвол ҳақида маълумот олмасин, деб шундай қилдим. Уни чодиримга олиб киришгач, кўзидан боғични ечишларига изн бериб, уни сўроққа тутдим. «Қимсан ва нима мақсадда келдинг?» – дедим туркчалаб. У Йилдирим Боязид кўшинида «Туманбоши» эканини айтиб, ҳукмдорининг мактубини менга топширди. Мактуб форсийда ёзилган эди.

Йилдирим Боязид менга «Темур Бек» деб мурожаат этибди ўз мактубида, сўнг: «Сен жуда катта умид боғлаган ёнар кўзачаларинг, бугунги жангда гувоҳи бўлдингки, сен кутган натижани бермади. Оқибатда, жанг майдонини ташлаб қочишга ва қароргоҳингга яширинишга мажбур бўлдинг. Шу сабабли эртага тонгла, қайси йўлдан келган бўлсанг, ўша йўлдан ортингга қайтиб кетсанг айна муддао бўлур эди. Акс ҳолда эртага сенга қарши яна ҳам кўпроқ жанговар арваларни сафарбар этаман ва улар кўшинингни яксон қиладди», – деган сатрларни ёзганди.

Мен котибни чақиртирдим ва унга қуйидаги мазмунда жавоб мактубини ёздиртирдим: «Мен жанг майдонидан қочиб чиқмадим, балки ҳар бир лашкарбоши вазиятга қараб иш тутгани каби, кечқурун жангни тўхтатишга қарор қилдим. Қўшинимнинг эртага самарали жанг олиб боришини

кўзлаб оқилона йўл тутдим, деб ўйлайман. Сен мени кўрқоқликда айблабсан, бундай эмаслигини эртага жанг олдидан исботлашим мумкин. Сен мендан кўра навқирон ёшдасан, боз устига, айтишларича, қиличинг билан туяни қоқ икки нимта қилишга қодир эмишсан. Башарти, мен эртага, жанг олдидан сени яккама-якка курашга чақираман. Енгган енгилганнинг бошини кесади. Мен ҳозироқ, ўлсам қўшинни бошқарадиган кишини лашкарбоши этиб тайинлайман – сен ҳам шундай қил! Агар шартимга рози бўлсанг – менга хабар бер».

Хат тайёр бўлгач, уни елимлаб, муҳрладим-да, элчининг кўлига топширдим ва дедим: «Бу менинг Йилдирим Боязиднинг мактубига жавобим. Унда ҳукмдоринг мени кўрқоқликда айлагани учун, уни яккама-якка жангга чақирдим. Енгган енгилганнинг бошини олади – шуни билиб қўй!»

Мен элчи бўлиб келган Рум саркардасини мактубнинг мазмуни билан бежизга таништирмадим. Мабодо Йилдирим Боязид таклифимни қабул қилмаса, у буни билсин, дедим. Кези келганда бошқаларга ҳам айтади.

Ўша кеч Боязиддан хат-хабар бўлмади. Афтидан, у мен билан яккама-якка курашга чиқишни хоҳламади. Бунинг ўрнига унинг жанговар аравалари бир неча бор ҳужум уюштирмоқчи бўлиб қароргоҳимизга яқинлашишга уринди. Бироқ тўсиққа дуч келиб, ортга қайтиб кетишди.

Эртаси кун эрталаб, порох тайёрлашга буйруқ бердим. Бунинг учун қароргоҳимизнинг Қизил ирмоқ дарёсига тутах ҳудудидан жой танладим. Уни тезроқ ва кўпроқ тайёрлашларига топшириқ бердим. Тайёр бўлган порохни қуришиш учун дарё бўйидан жой ҳозирланганди. Чошгоҳ маҳали осмонда булутлар пайдо бўла бошлади. Шунинг учун мен дарҳол порохнинг устини айвонча қилиб ёпишларини буюрдим. Бунинг учун қароргоҳда мавжуд барча кигиз ва ҳайвон териси тўплаб келинди. Орадан уч соатлар ўтиб, кучли чақмоқ чақиб, момоқалди роқ гумбурлади. Зум ўтмай жала қуйди. У шу қадар кучли эдики, нақ Нуҳ тўфони дейсан – ҳамма ёқни сув босди.

Қизил ирмоқнинг суви лойқаланди. Сатҳи кўтарилди. Бу ҳол унинг шохобчасида ҳам яққол сезилди. Агар у ўзанидан

тошиб, қароргоҳимизни сув босадиган бўлса, биз нафақат порохдан ажралар эдик, балки жойимизни ҳам ўзгартиришимизга тўғри келар эди. Бундай вазиятдан душман фойдаланмай қолмасди. Душман йўлини ҳозирча қурган говларимиз тўсиб турарди. Агар ундан ташқарига чиқадиган бўлсак, ҳимоясиз қолишимиз аниқ эди.

Ёмғир остида туриб, саркардаларимга қўшинни жангга тайёрлаш ҳақида буйруқ бердим. Мабодо дарё ўзанидан тошадиган бўлса, қилич ва ойболта билан жангга киришиб, ўзимизга йўл очишга мажбур эдик. Гарчи бундан кўп талафот кўришимиз тайин бўлса ҳам, сув тошгудек бўлса, ўзга иложимиз қолмас эди. Бироқ Рум ҳукмдори томонидан бизга қарши ҳеч қандай хатти-ҳаракатлар кузатилмади. Бундан шундай хулосага келдимки, жала бўлиб ёққан ёмғир уларни ҳам росмана ташвишга солган кўринади. Шундай қилиб биз қароргоҳимизни асраб қолдик. Жала тинди, аммо ҳавонинг авзойи тундлашиб қолди. Бу эса яна ёмғир ёғишидан далолат эди. Мен Рум қўшинига қарши ишлатиладиган самарали воситамиз бўлмиш порохнинг устидаги ёпинчиқларни яна-да мустаҳкамлашни буюрдим. Ярим кечаси яна ёмғир ёғди, аммо у жалага айланмади. Ўша кеча ухламадим, агар дарё ўзанидан тошса, қароргоҳни кўчириш масаласида бош қотириб чиқдим. Жангчиларим ҳам кўз юмади: ҳар дақиқа содир бўлиши мумкин бўлган кўчиш ҳақидаги сафарбарликка тайёр турдилар. Дарё ўша кеч яна ҳам кўпирди, аммо ўзанидан тошмади. Қароргоҳимизга зиёни етмади. Эрталаб ёмғир тинди ва дарёнинг сув сатҳи пасайди.

Эртаси куни осмонда қуёш чарақлади. Мен порохнинг устини очишга амр қилдим, чунки қуёшда у тезроқ қурийдди. Ўша кеч Қудрат Топ исмли Рум саркардаси яна қароргоҳимга келиб, мен билан кўришмоқчи эканини айтибди. Худди аввалгидек кўзларини боғлаб, ҳузуримга олиб келишди. У яна Йилдирим Боязиддан нома олиб келган экан. Унда қуйидаги жумлалар битилган экан: «Мен сенинг беллашув ҳақидаги таклифингни қабул қила олмайман. Чунки кейинги пайтларда бўғинларимда кучли оғриқ пайдо бўлган – «мафосил» сен билан яккама-якка жангга чиқишимга имкон бермайди». Қиличи билан туяни иккига бўлишга қодир Боя-

зиднинг топган баҳонаси шу бўлди. Шундан кейин у макту-бида пўписа қилиб ёзибди: «Бугун кун ярмида менинг ихти-ёримга яна беш юзта жанговар арава келди. Шундай қуд-ратли кучни енгаман десанг – адашасан. Аксинча, бу замин сенинг мозоринг бўлади. Сен менинг жанговар араваларимга қарши чиқишга юрагинг бетламай, қароргоҳингда қачон-гача жон сақламоқчисан? Ахир ҳадемай озиқ-овқатинг ту-гайди. Қўшининг очликдан қирилиб кетади. Шунинг учун тезроқ этагингни йиғиштириб, бу ердан кет – зиён-заҳмат-сиз чиқиб кетишингга кафолат бераман».

Мен Қудрат Топдан Боязид қўшинининг сони қанча экани ҳақида сўрадим. У қўшиннинг сони беш юз мингдан ор-тиқроқ эканини айтди. Боязид хоҳласа мамлакатнинг барча эркакларини жангга сафарбар этиши мумкинлигини ҳам қистириб ўтди.

Мен дедим: «Боязид қандай қилиб барча эркакларни жангга жалб этиши мумкин?» У жавоб қилди: «Қўшинда хизмат қилиш бизнинг мамлакатимизда мажбурий хизмат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳукмдоримиз хоҳласа, ўн олти ёшдан юқори барча эркакларни ҳарбий хизматга са-фарбар этиши мумкин. Бироқ у экин-текин, деҳқончилик ишларига халал бермаслик учун ҳеч қачон бундай қилма-ган».

Мен ундан сўрадим: «Агар сенинг ҳукмдоринг шунчалик кучли ва беш юз минг сонли қўшини бўлса, нима учун шу вақтга қадар Византияни ўзига бўйсундирмади? Эшитишим-ча, Рум ҳукмдорлари, жумладан, Боязид ҳам доимо шунинг орзусида бўлишган. Бироқ бу орзулари ҳали-ҳануз амалга ошмай келяпти». Қудрат Топ жавоб қилди: «Эй, Амир Те-мур! Византия денгизнинг нариги соҳилида ва уни қўлга ки-ритиш учун жуда кўп кема керак бўлади». Мен дедим: «Беш юз минг кишилиқ қўшинни оёққа қўйган одам, керакли миқ-дорда кема ясашга қодир эмасми?» У жавоб қилди: «Эй, Амир! Кема ясаш мумкин, илло Византияга киришнинг ил-жи йўқ. Унинг бандаргоҳлари занжирлар билан ўралган – кемалар ўта олмайди. Сен Муовия Абу Сўфённинг Визан-тияга қилган юриши ҳақида эшитмаганмисан?» – деб сўради у. Мен бундан маълумот берадиган тарихий манбага дуч

келмаганимни айтдим. У сўзлаб берди: «Муовия бин Сўфёни икки йил Византияни қамал қилган. Уни забт этиб муслмон шаҳарга айлантирмоқчи бўлган. Бироқ охир-оқибат жуда кўп жангчиларини бой бериб, қамални бекор қилиб қайтиб кетишга мажбур бўлган». Мен дедим: «Мен бу воқеани биламан! Аммо Муовияга занжирлар халақит бермаган. У денгиз устида ёнадиган, сув билан ўчириб бўлмайдиган аллақандай оловни кўрган. Уни мўъжизага йўйиб ортига қайтиб кетган. Баайни ўша олов унинг кемаларини Византияга ўтказмаган».*

Қудрат Топ деди: «Эй, Амир! Византия ҳақида мендан кўра кўпроқ нарсаларни билар экансан. Зеро, мен сен айтган олов ҳақида ҳеч нарса эшитмаган эдим. Бугун Византияда у олов йўқ, бироқ занжирлар билан тўсилгани – рост! Шунинг учун ҳам менинг ҳукмдорим ҳали-ҳануз бу ишга бош қўшмай келяпти».

Мен яна котибни чақиртириб, қуйидаги мазмунда жавоб мактуби ёздиртирдим: «Эркак одам дўқ-пўписа билан эмас, амалий ҳатти-ҳаракати билан ўзини кўрсатиши керак. Бунинг учун эса ҳали вақт бор. Унгача жим туриб кутганинг маъқул. Мен сенинг жанговар араваларингдан зиғирча ҳам кўрқмайман. Ҳозирча тўхтаб турганим боиси бу менинг мақсадларимга мувофиқ ва ҳаракат қилишни маъқул топган куним – қўзғаламан. Мен ҳам худди сен айтган ўша бўғинлар қақшашидан азият чекаман. Бироқ бу оғриқ доимий эмас, мавсумий эканини яхши биламан. Бу касалляк яккама-якка жангга чиқа олмаслигинг учун баҳона бўла ол-

* Муовия ибн Сўфён – уммавийлар сулоласининг асосчиси. У Шарқий Рум мамлакатининг пойтахти бўлмиш Византия шаҳрини забт этмоқчи бўлган. Ўша даврда Византияда жуда кўп йирик олимлар яшашган. Улар нефт, фосфор ва олтингугурт қоришмасидан ёнувчи модда ажратиш олишни билишган – «юнон олови» номи билан билан машҳур ана шу модда билан ҳар сафар Муовия кемалари пайдо бўлганда денгиз сатҳида олов ёқишган. Муовия кемалари олов тўсиғини ёриб ўтмоқчи бўлган, аммо кемалари ёниб кетиб, одамлари ҳалок бўлган. Шу сабабли икки йиллик қамални бекор қилиб, ортига қайтиб кетган.

майди. Тўғриси айтиб, таклифимни қабул қила олмаганинг жангда енга олмаслигини билганингдан ва ўлимдан қўрққанингдан эканини тан олсанг – маъқул бўларди. Башарти сен қўрқоқ экансан, мен сени енгаман. Илло, қўрқоқлар мағлубиятга маҳкумдирлар!»

Биз уч кун қароргоҳда туриб қолдик. Тўртинчи кун эрталаб жангга отландик. Саркардаларимга бугун жангни охирига етказишимиз лозимлигини, чекиниш ҳақида ҳеч қандай кўрсатма бўлмаслигини етказишларини тайинладим. Ўзим ҳам дубулгамни бошимга қўндириб, совутимни эгнимга илдим. Дунёда энг зўр ҳисобланган, «Кўклан» зотидан бўлган қора отимни миндим. Ўнг қўлимда узун қилич, чап қўлимда ойболта тутиб, ҳужумкор сафнинг биринчи қаторидан жой олдим. Буни ҳамма кўриши керак эди. Ўлимга ўзим биринчи бўлиб рўпара бўлаётганим, бошқаларни руҳлантириб юбориши тайин эди. Биз ҳужумга ўтдик. Боязид яна бизга қарши жанговар араваларини ташлади. Ёнар кўзачалар уларнинг отларини сафдан чиқарди. Бирин-кетин думалаётган араваларни ортда қолдириб, биз олға интилдик. Бизга ёмғир бўлиб «темир ялик» ўқлари ёғилди. Улар бир неча бор совутимга келиб урилганини товушидан ҳис этдим. Бироқ олдимизда жанговар аравалар кўринмагунча тезликни пасайтирмай боравердик. Ниҳоят улардан ўтиб, душман пиёдалари билан юзма-юз бўлдик. Уларнинг сафига ёпирилдик. Мен ўзим ҳам худди бир оддий жангчи каби, жилони тишимга маҳкам қисиб, икки қўлда қурол билан душманнинг додини бермоқда эдим. Ёнимда захира отим бор эди. Мен уни яқинроқ ушлашларини буюргандим. Мабодо душман остимдаги отни қулатса, унга алашиб олишни кўзлагандим. Шундай ҳам бўлди. Бир Рум жангчиси отимга қилич санчишга улгурди. Қулаётган отнинг устида туриб, жангчини қуролим билан даф қилдим-да, ўзимни чеккага отдим. Зум ўтмай захира отга миниб, жанг қилишда давом этдим. Шу пайт чангу тўзон ичра юзимни нимадир куйдиргандек бўлди. Қарасам, ўқ тегибди. Қиличимни қўлтигимга қистириб, ўқни юлқиб олиб ташладим. Шунда ўнг оёғим товонига нимадир санчилгандек бўлди. Билдимки, яна яраландим. Отни икки орқа оёққа тик қилиб, қўлтигимдан

қилични олиб, менга хавф солиб турган найзанинг тубидан чопиб ташладим. Сўнг уни тутиб турган қўл соҳибини ҳам ер тишлатдим.

Юзим ва товонимни боғлаш учун вақт қани дейсиз. Жанг қилишда давом этдим. Шу пайт отимнинг икки орқа оёғи букчайгандек бўлди. Нима гаплигини билиш учун ортимга ўгирилган эдим ҳамки, бошимга оғир зарба келиб тушди. Кўз олдим қоронғилашди, сўнг ҳушимдан кетибман. Қароргоҳдаги чодиримда ҳушимга келдим. Мени жанг майдонидан олиб чиқишган экан. Ўзимнинг аҳволим ҳақида сўрашдан олдин, кўзимни очибоқ жанг тақдири билан қизиқдим. Душманнинг жанговар аравалари батамом издан чиқарилганини айтишди. Пиёда қўшинларининг аксари қириб ташланибди. Боязиднинг эса қочгани ҳақида маълумот беришди. Мен: «Унинг қочишига йўл қўймаслик керак эди!» – деб афсусландим. Нуҳ Бадахшоний нима бўлмасин уни тутиб келаман, деб ваъда берганича ортидан таъқиб этиб кетганини айтиб, мени тинчлантиришди. Мен ҳам ҳар нима бўлмасин ҳозирги маълумотлардан хурсанд бўлдим, ҳатто жароҳатларимни унутдим.

Мен учун жароҳатларим аҳамият касб этмасди, муҳими Йилдиримни енгганимиз эди. Ахир Византияни олишга йўл очилган эди-да! Бошим оғир зарбадан ҳали ҳам карахт эди. Табибим агар қимирламай ётсам, яхши ором олсам, бу ҳолат ўтиб кетишини айтди. Шундан сўнг мени қандай қилиб жанг майдонидан олиб чиқишгани билан қизиқдим. Айтишларича, бу ишни Тоқат қилибди. У ўз вақтида, отдан қулаётган чоғим суяб қолибди. Акс ҳолда отлар туёғи остида қолиб кетишим мумкин экан. У ўз жангчилари билан мени муқаррар ўлимдан сақлаб қолибди.

Мен ҳеч тинчлана олмасдим. Шунинг учун уйқу ҳам элитмасди. Ўрнимдан турай десам, шу маҳал бошим чирпирак бўлиб, айлана бошларди. Уни тўхтатиш учун кўзимни юмиб ётишга мажбур эдим. Жанг тугаб, душманнинг олтмиш минг жангчиси асир олинганини менга хабар қилишди. Мен асирларни Рум ҳукмдори ҳисобидан сақлаш кераклигини тушунтирдим. Ҳарбий саркардаларидан озиқ-овқат манбаи қаерда эканини сўраш лозимлигини тайинладим. Улар ҳойна-

ҳой Йилдирим Боязиднинг озиқ-овқат захираси қаерда сақланишини билишлари керак – ўзлари оч қолмасликлари учун кўрсатишдан бошқа чоралари йўқ.

Ғалабани қўлга киритгач, мен Қайсарияга йўл олдим. Бу шаҳар Боязид салтанатининг пойтахти эди. Қайсария – Килкия орқали Византияга борадиган йўл эканини ҳам билар эдим: бу йўл денгиз бўйига олиб чиқади. Нариги соҳил эса – Византия!

Навкарларим ҳалок бўлган сафдошларимни дафн этиб, ярадорларга тиббий хизмат кўрсатилишини йўлга қўйгач, Қайсария томон йўлга тушдик. Мен отда юра олмасдим: юзимдаги ва оёғимдаги жароҳатларимдан ташқари бош айланишим ҳам бунга йўл қўймасди. Шунинг учун замбилда ётиб боришга кўндим. Маҳаллий аҳоли турк тилида сўзлашгани боис, тилмочга эҳтиёж сезмадик. Мен улардан Қайсария ҳақида маълумот олдим. Айтишларича, Қайсария иккита девордан иборат ҳимоя истеҳкомига эга экан. Бириси лойдан, бириси тошдан барпо этилган, дейишди. Лой девор билан тош девор орасидаги масофа 5-10 заръча бор экан. Маҳаллий аҳоли яна бизга Қайсария қалъасини юз минг кишилик қўшин қўриқлашини айтишди. Шаҳарга яқин бориб кўрдимки, ҳақиқатан ҳам у икки қаватли ҳимоя деворига эга экан. Бироқ деворлар муҳофаза истеҳкоми сифатида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмасди. Айниқса, лойдан кўтарилгани тўзиб-тўзғиб кетган, таъмирланмаганига анча вақт бўлган эди.

Мен шаҳарда кучли қаршиликка учраймиз, деб ўйлаган эдим. Бироқ бундай бўлмади. Қайсарияга яқинлашган чоғимиз, аҳоли вакиллари бизни қаршилаб, истиқболимизга чиқишди ва шаҳар менга тўла итоатда эканини айтишди. Мен улардан Йилдирим Боязид ҳақида сўрадим. Улар Боязидни жангга қўшин тортиб кетганидан бери кўрмаганликларини баён этишди. Хазинасини сўраганимда, у Антакияга ўзи билан олиб кетганлигини маълум қилишди. Мен уларга дедим: «Йилдирим Боязиднинг олтмиш минг жангчиси менда тутқунликда сақланмоқда. Улар озиқ-овқатга муҳтож. Мен уларни боқа олмайман. Бу ишни Боязид бўйнига олиши керак, аслида. Бироқ унинг қувғинда экани боис,

унинг ҳокимиятида ишлаб, мол-мулк ортирган кишилар бу муаммони ўз ҳисобларидан ечишлари лозим». Улар бу масалани ўз зиммаларига олишди.

Шаҳарга кириб ўша пайтгача Йилдирим Боязиднинг қароргоҳи бўлган саройга тушдим. Йилдирим оиласини ҳам хазинаси билан бирга Антакияга кўчириб кетган экан.

Ўша куни шаҳар раҳбарларининг йиғилиши бўлди. Асирлар орасидан, айниқса, саркардалари бадал тўловини қилса, асирликдан озод этилиши мумкинлиги айтилди. Қолган тутқунларнинг таъминоти Бош муставфи (Боязид саройининг бош ҳисобчиси) зиммасига юкланди. У саройдаги эътиборли кишилардан эди. Жойлардаги муставфилар элдан йиққан солиқларни Бош муставфига келтириб топширар эканлар. Мен бу қарорга розилик билдирдим. Ўша куни Бош муставфини ҳузуримга чақиртириб, Рум мамлакатада солиқ тушумлари ҳақидаги маълумотни талаб қилдим. У ундирилган ва ҳали ундирилмаган солиқларни саралаб, эртаси куни маълумот тақдим этадиган бўлди.

Бош муставфи айни ўша дамда ҳаёти ўз вазифасини виждонан бажаришига боғлиқ эканини ҳис этди. Эртаси кунни солиқ тушумлари ҳақидаги маълумотни тақдим қилди. Ундан маълум бўлдики, хазинада ярим қурур боязиди (*Боязиди* – *Рум мамлакатада ўша даврда амалда бўлган пул бирлиги*) мавжуд бўлиб, яна икки ярим қурур солиқ маблағи энди келиб тушиши керак эди. Бош муставфига дедим: «Бундан буён Румнинг ҳукмдори мен эканман, солиқ ва бошқа йиғимлардан келиб тушадиган бойликлар менга келиб тушиши керак!»

Шундан сўнг Румнинг бошқа барча шаҳарларига жарчи юбориб, менинг ҳам румликлар сингари мусулмон эканимни, ҳеч кимга ёмонлик истамаслигимни, қайси шаҳар дарвозаларини очиб муносиб кутиб олса, омонлик беришимни, акс ҳолда уруш қонун-қоидаларига мувофиқ жазолашимни етказишларини буюрдим.

Эртаси куни Йилдирим Боязиднинг асир олингани ҳақидаги хабарни чопар орқали менга етказишди. Чунки Румнинг биз энди-энди эгаллай бошлаган ҳудудида ҳали даракчи қуш – кабутар хизмати йўлга қўйилмаган эди.

Рум султонини Қайсарияга олиб келишди. Шаҳар ташқарисидаги қароргоҳимда ушлаб туришди. Менга у мактуб бериб юборибди. У хатида ҳурмат ва эҳтиром билдирилган сўзларни баён этиб, сўнг қуйидаги мисрани ёзган эди: «*Чунун аст расми саройи дурушит, гаҳи пушит бар зину, гаҳи зин бар пушит* (Ўткинчи замоннинг расми эрур шу: гоҳ эгар остингда, устингда гоҳ у). Тақдир тақозоси ва Яратганнинг иродаси билан, эй улуғ Амир, мен мағлуб бўлдим, сен эса – ғолиб! Бугун менинг ҳаётим ҳам, мол-мулким ҳам сенинг ихтиёрингда. Бироқ менга бўлган муносабатинг сен ҳақингда гапириб юришган ўша улуғ шарафга муносиб бўлади, деб умид қиламан!»

Мен одамларимга Боязидни қаттиқ қўриқлашни, аммо ҳурматини жойига қўйиб муносабатда бўлишларини тайинладим. Орадан уч кун ўтгач, уни ҳузуримга олиб келишларини буюрдим. Ҳузуримга кирганида, унинг тўладан келган одам эканини кўрдим. Унга дедим: «Мактубингни олдим. Ундан шуни англадимки, осмонга кўтарилиб кетган димоғинг анчайин пасайибди. Амир Темурга қарши чиқиб, хато қилганингни англабсан». Йилдирим Боязид шундай жавоб қилди: «Эй, Амир Темур, мабодо сенинг юртингга ажнабий қўшин бостириб борса, сени ҳокимиятдан четлаштирмоқчи бўлса, сен нима қилар эдинг? Наҳотки сен у билан курашмаган бўлардинг? Агар мен сенинг мамлакатингга бостириб борганимда, менга нисбатан адоват сақлашинг мумкин. Бироқ мен эмас, сен менинг устимга бостириб келдинг – шундан мени ҳимояланишга мажбур этдинг. Бироқ омад мендан юз ўгирди – мағлуб бўлдим». Мен унга дедим: «Эътирозларингни қабул қиламан. Сенинг урушдаги иштирокингни мажбурият юзасидан эканини ҳисобга оламан. Сендан менга ҳеч нима керак эмас, фақат иккита шартим бор: биринчиси, хазинангни бор бойлиг-у, зебу зийнатлари билан менга топширасан. Иккинчиси, Византияни забт этишда менга ҳамкорлик қиласан». Йилдирим шартларимга рози эканини, хазинасини топширишини, бироқ Византияга юриш қилиш учун кемалари йўқлигини айтди: «Ваҳоланки, денгиздан катта қўшинни, отларни ва қурол-яроғларни олиб ўтиш учун кўп – мингдан ортиқ кема керак бўлади», – деди у.

Мен сўрадим: «Византиянинг шунақа катта бандаргоҳи борми?» Боязид саволимни маъқуллагач, яна савол бердим: «Ўша бандаргоҳга кемалар кирадими?» У яна маъқуллагач: «Ўша кемалар қайси мамлакатлардан келади?» – деб сўрадим. У деди: «Кемалар Мисрдан ва фаранглар мамлакатидан келади, бироқ уларга дахл қила олмаймиз». Ундан сўрадим: «Рум билан Византия ўртасида кемалар қатнови йўлга қўйилмаганми?» У жавоб қилди: «Византия билан бизнинг ўртамизда қатнайдиغان воситалар – кичик елканли кемалар. Уларда қўшинни олиб ўтиб бўлмайди. Миср ва фаранглар мамлакатидан қатнайдиغان кемалар эса бизнинг қирғоқларимизга яқин йўламайди». Мен унга яна савол билан мурожаат этдим: «Румда кемасозлик устахоналари йўқми?» Боязид жавоб қилди: «Бизда устахоналар бор, бироқ йирик кемаларни ясайдиган моҳир усталаримиз йўқ. Қолаверса, кемабоп дарахтлар ҳам бизда ўсмайди». «У қандай дарахтлар?» – сўрадим ундан. «Бириси – дуб, яна бириси мачта ясаладиган сосна дарахти», деб жавоб қилди у. Мен дедим: «Мачтани бошқа дарахтдан ясаса бўлмайдими?» У: «Мачтани ҳам, кемани ҳам бошқа дарахтдан ясаса бўлади, аммо мустақкам бўлмайди. Масалан, мачтани табриз дарахти (қора қайин)дан яшаш мумкин, бироқ кучли шамолда чўрт синиб кетади. Фаранглар соснаси эса қайишқоқ бўлгани боис, шамолда эгилади, аммо синмайди. Худди шундай катта кемани ҳам табриз дарахтидан ясаса, узоғи билан икки-уч ҳафтада ишдан чиқади. Дубдан ясалган кемалар эса камиди эллик йил туриб беради». Мен дедим: «Менга эллик йил ёки ундан ортиқроқ вақтга дош берадиган кемалар шарт эмас, қўшинимни нариги соҳилга ўтказиб қўйса, бае! Бунинг учун табриз дарахти ҳам бўлаверади». Боязид деди: «Амринг вожиб – худди сен айтгандек қиламан!»

Шу асно менга Султония «катали кўз»нинг қайтиб келгани ҳақида хабар етказишди. Уни Шомда эканимда фаранглар мамлакатига элчи қилиб жўнатган эдим («*Катали кўз*» – *каталикос сўзининг форсча талаффузи. Қадимги шарқда барча насроний епископларни шундай номлашган*).

Насроний «катали кўз»лари аввал Нахичивонга келишган. Чингизхоннинг авлодларидан бири Султония шахрини

пойтахт қилгач, улар ана шу пойтахт шаҳарга кўчиб ўтишган (*Султония – Азербайжан ҳудудидаги шаҳар. Чингизхон авлодидан Султон Муҳаммад Худобанди, Халагухоннинг фарзандларидан бири, Султонияни ўз пойтахти қилган*).

Мен Шомда турган пайтимда, Султония каталикоси ҳузуримга бориб, агар фаранглар мамлакати билан савдо алоқаларини йўлга қўйсам, жуда катта манфаат кўришим мумкинлиги ҳақида маслаҳат солган эди. Мен ундан фаранглар мамлакати қаерда жойлашганини сўраганимда, у «Зулмат денгизи» (*«Зулмат денгизи» – Атлантик океани; «фаранглар мамлакати» – Европа, хусусан, Франция*) соҳилларида жойлашганлигини айтган эди. Шунингдек, у фаранглар мамлакатидида кўпгина яхши нарсалар ишлаб чиқарилишини, хусусан, мўйна ва чинни буюмлари Хитойниқидан аъло эканини сўзлаб берган эди. Шомда фаранг тилини биладиган, шу тилда сўзлаб, ёзадиган одамлар бўлгани боис, менинг номимдан фаранглар мамлакати қиролига нома ёзиб беришларини сўрадим. Мактубни Султония каталикосига бериб, шахсан қиролнинг ўзига топширишини тайинладим. Номага қўшиб ўз совға-саломларимни юбордим. Шунингдек, мактубимда савдогарларимиз бир-бирларимизнинг юртимизга бориш-келиш қилишларини, мол ва товар айрибош қилиш ишларини йўлга қўйиш таклифимни баён этдим. Бу халқларимизнинг айрим буюмларга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондиришда ҳар икки томон манфаатларига мос келишини таъкидлаган эдим.

Султония каталикоси фаранглар подшосига менинг номам ва саломимни етказибди. Ундан менга ҳам мактуб ва совғалар олиб келибди. Шундан билдимки, унинг исми Шал экан (Карл VI).

Султония каталикоси Румга келган маҳал, мен Византияга боришга отланиб турган эдим. Шу мақсадда кемалар яшашга тайёрланаётгандим. Бироқ каталикос менга фаранглар энг моҳир кемасоз эканини, агар уларга мис етказиб берсам, улар хоҳлаганимча кемалар ясаб бериши мумкинлигини айтди. Унинг айтишича, фарангларда кема ясаш учун ҳамма нарса бор экан, фақат мислари йўқ экан. Бу метални биз томонларда кўплаб миқдорда, арзон баҳода топиш мум-

кин эди. Мен фаранглар қироли менга қанча кема ясаб бериши мумкинлигини сўраганимда, у хоҳласам мингдан ортиқ кема ясаб беришини айтди.

Мен дедим: «Мен учун мингта кема камлик қилади. Чунки уларга мен бор қўшинимни ортиб, денгиздан ўтишим керак». Каталикос деди: «Фаранглар ясайдиган кеманинг ҳажми жуда катта бўлади, биттаси беш юзта одамни бор лаш-лушлари билан олиши мумкин. Башарти, улар беш юзта кема ясаб берса ҳам, сенга етарли бўлади». Мен унга: «Уларга мисни қанақаси керак?» – деб берган саволимга у: «Қанақа бўлса ҳам мис бўлса бўлди, улар мисни эритиб, эҳтиёжларига ишлатишади», – деди. Шунингдек, мисни Рум ва Шомдан ўз кемаларида олиб кетишлари мумкинлигини маълум қилди.

Мен Эрон ва Жебелга фармойиш юбориб, мис кўп топиладиган ҳудудлардан, кимда мис ёмбиси, буюм ёки жиҳоз бўлса сотиб олиб, Рум ёки Шомга юборишларини буюрдим (*Эроннинг марказий ҳудудлари Рай, Исфаҳон, Кумис шаҳарлари назарда тутилган. Жебелнинг эса Курдистон, Азербайжан ва Кирмоншоҳ ҳудудлари*).

Мен Султония каталикосини фаранглар қиролига яна элчи қилиб юбордим. Хат ва совға-саломлар жўнатдим. Мақтубимда бизнинг ўлкаларда мис жуда кўп эканлиги, уни хоҳлаган миқдорда етказиб беришим мумкинлигини, эвазига жуда мустаҳкам беш юзта кема олишимни баён этдим. Кемалар Рум бандаргоҳига етиб келиши лозимлиги, агар кема дарғалари менинг хизматимга кирса, яхши ҳақ тўлашимни изҳор этдим. Султония каталикоси жўнаб кетгач, Кликияга ўтмоқчи бўлдим. У ёқдан Византияга юрмоқчи эдим. Византия билан Румни кичик бир қўлтиқ ажратиб туришини, унинг узунлиги бор-йўғи 500-600 заръ эканини эшитган эдим. Бироқ у жуда чуқур эди. Менга маҳаллий одамлар ана шу жойдан қадимда у соҳилдан, бу соҳилга қорамолларини ўтказишганини, молларнинг ўзи сузиб ўтганлигини айтиб беришди (*Бу гап ҳақиқат, чунки кейинчалик ҳам Стамбулдан Туркиянинг Осиё қисмига йирик шохли молларни шу усул билан ўтказганлари ҳақида маълумот бор*).

Мен ўзимга-ўзим дедим: «Агар бу ишни сигирлар бажара олган бўлса, нега қўшиним бир соҳилдан иккинчисига

сузиб ўта олмайди!? Византия сари юрар эканман Боязидни ҳам ўзим билан бирга олиб кетдим. Румликлар исён кўтармасликлари учун, уни гаров сифатида олиб юришим шарт эди».

Ахийри юриб-юриб денгизга чиқдик. У ердан Византияни кузатиш мумкин эди. У Фарбда жойлашганди. Менинг лашкаримни бор-йўғи 700 заръ масофадаги сув йўли ажратиб турар эди. Менга айтишдики, Румнинг ҳозирда биз турган жойи ҳам қачонлардир Византиянинг ерлари бўлган экан. Кейинчалик румликлар бу ерларни тортиб олишган. Натижада денгизнинг бу қирғоғида Византиянинг бир қарич ҳам ери қолмаган.

Византия шаҳрини кўргани борганимда чошгоҳ маҳали эди. Қуёш ортимиздан нур сочиб тургани боис, мен шаҳарни яхшилаб томоша қилдим. Унга боқиб туриб, бағрида икки минг йилдан бери тўпланиб келаётган бойликлар ҳақидаги гаплар ёдимга тушди. Бироқ шаҳарнинг мана шу туриши ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб бўлмас даражада гўзал ва мафтункор эди. Уни яхшироқ томоша қилиш учун баланд бир тепалик устига чиқиб, шаҳарга суқланиб боқдим. Шаҳар жуда кенг, бир томони осмоннинг этагига бориб туташган эди. Унинг ўртасидан сув йўли ўтган бўлиб, айтишларича у «Олтин шоҳ» бухтаси экан. Унда минглаб ҳар хил кемалар у ёқдан-бу ёққа қатнаб турарди. Шаҳарда шу қадар олтинранг гумбазлар кўп эдики, улар қуёш нурида ялтираб, нигоҳларни қамаштирарди. Бу гумбазли иморатлар насронийларнинг ибодатхонаси экан. Византиянинг ҳар бир ҳукмдори битта ибодатхона ёки монастырь қуришни ўз бурчи деб билар экан. Ҳар бир ибодатхона ёки монастырнинг ўз бошқаруви бўлиб, хайру эҳсон тариқасида тушган маблағ ҳисобидан фаолият кўрсатар экан. Монастирга тушган эркак ва аёллар унинг ташқарисига умуман чиқарилмас, ўша жойда яшаб, ўша жойда ўлиб кетишар экан. Мурдаларни худди ўша монастырга тегишли мазорга дафн этишаркан. Айрим монастырларда умуман гўшт ейилмас, ўсимликлар билан қаноатланишар экан. Қизиғи шундаки, ўша монастырда яшайдиганларнинг ўртача ёши 120 йилни ташкил этармиш. Менга айтишларича, йирик ибодатхона-

ларнинг тепасида уч харвар миқдоридоги олтиндан хочлар, қандиллар, идишлар бор эмиш. Улар қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган, дейишди.

Менга яна айтишдики, мабодо Византияни қўлга киритсам, ибодатхоналарнинг ўзидан юз харвардан ортиқроқ олтин олишим мумкин экан. Византиянинг кўплаб хонадонларида ўз хазиначиси бўлиб, бойликларини ерга кўмиб ёки шаҳар ташқарисидаги яширин жойларда асраб келишар эмиш. Шунингдек, ўша куни тепалик устида туриб, шаҳарни томоша қилар эканман, менга бу шаҳарнинг аҳолиси икки қатламдан: хўжайинлар ва қуллардан иборат эканини сўзлаб беришди. Хўжайинлар умуман иш қилмас эмиш: еб-ичиш ва ҳар хил кўнгилочар тадбирлардан бошлари чиқмас экан. Ҳатто эрталаблари юзларини ҳам хизматкорлари ювиб кўяр эмиш. Иккинчи қатлам эса хизматкорлар бўлиб, авлоддан-авлодга хўжайинларининг хизматини қилиб ўтишар экан. Бу шаҳарда ҳатто кичик-кичик савдо дўкони соҳибларининг ҳам ўз хизматкор-ходимлари бўлармиш.

Хўжайинлар қатлами икки минг йилдан бери меҳнат нималигини билмай келаётгани учун, уларнинг авлодлари ҳеч нимага ярамайдиган, хўлпасемиз одамларга айланиб кетишган. Византиянинг мана шу қатламини тор-мор қилишга менинг мингтача жангчим кифоя қилар эмиш. Хизматкор қатлам эса фанг демасдан таслим бўлармиш, чунки улар шу баҳона икки минг йиллик қулликдан халос бўлишлари мумкин экан-да!

Шунинг учун Византияни забт этиш қийин эмасди. Биргина тўсиқ денгиз бўлиб, акс ҳолда бу шаҳарни уч томондан қуршаб, осонгина қўлга олиш мумкин эди.

Мен ўша тепалик устида туриб, қароргоҳда қолган Йилдирим Боязидни олиб келишларини буюрдим. Унга шаҳарни кўрсатиб дедим: «Бу шаҳарда бор-йўғи икки қатлам аҳоли яшар экан: бириси икки минг йилдан бери зебу зийнатга ботиб, кўп замонлардан бери меҳнатни унутиб қўйган, натижада мулоиммижоз бўлиб қолган хўжайинлар ва қулликдан қутилишини билса, тап тортмай таслим бўладиган хизматкорлар қатлами. Тўғри, сув бу ишни бир оз қийинлаштиради, аммо сен ва Румнинг бошқа ҳукмдорлари шун-

доққина ёнингдаги бу шаҳарни нега қўлга киритмай юриб-сизлар – бунинг сабаби нима?» Йилдиirim Боязид деди: «Эй Амир, сен айтганларингдан ташқари бу шаҳарда яна қўшин ҳам бор. Биламан, шаҳарнинг бой аҳли ўзи қурол тута олмайди. Бироқ бойлиги ҳисобидан бошқа мамлакатларнинг қўшинларини ёллаб, шаҳарга жойлаштирган». Ундан ўша қўшиннинг қандай номланишини сўрадим. Йилдиirim деди: «Уларнинг бариси насронийлар. Бир қисми Венеция аҳолиси, иккинчиси Ломбардин ва учинчиси швейцарлар». Мен биринчи марта бу мамлакатлар ҳақида эшитмоқда эдим. Уларнинг қаерда жойлашгани ҳақида сўрадим. Йилдиirim Боязид кўрсатғич бармоғини ғарбга томон бигиз қилиб деди: «Ўша томонга денгиз орқали 2-3 ҳафта, қуруқликдан 2-3 ой юрилса, ўша ёлланма жангчилар юртига борилади. Уларга ким томонда туриб жанг қилишнинг фарқи йўқ – ким кўпроқ тўласа, ўшанинг томонида туриб жанг қилаверишади. Баъзилари жуда мард, ўлимдан ҳам қайтмайди. Византия ҳукмдори шунинг учун ҳам катта пул эвазига таркиби Венеция, Ломбардин ва Швецария аҳолиси орасидан ёлланган учта қўшинга эга».

Йилдиirim Боязид билан ўша тепалик устида суҳбатлашиб тургандик, Тоқатнинг кемалари жойлашиши керак бўлган томондан тутун чиққанини илғаб қолдим. Ҳамсуҳбатим деди: «Эй Амир, кимдир сенинг кеманга ўт қўйди. Бундан келиб чиқадики, Византия қиролига сенинг бу ерда эканинг маълум!» Мен дедим: «Агар кемаларнинг ўзидан ўт чиққан бўлса – буни кечириб бўлмайди!» У деди: «Йўқ, Амир; ўтни денгиз томондан қўйишди. Олов кемаларингни қуршаб олди. Қара, улар ортга қайта бошлади».

Ҳақиқатан ҳам Тоқат бошчилигидаги кузатув ва вазиятни ўрганиш учун юборган кемаларим ортига қараб суза бошлади. Улардан иккитаси бурила олмай қолди. Йилдиirim Боязид деди: «Эй Амир, шубҳа йўқки, сенинг кемаларингга ўт қўйишди!»

Кун яримлаб қолган эди. Пешин намозини ўқиш учун тепаликдан тушиб, масжидга қараб кетдим. Масжиддан чиққанимда ҳаяжон ичида турган Тоқатни кўрдим. Ундан нима воқеа содир бўлганини сўрадим. У жавоб қилди: «Эй Амир,

аввалига биз ҳеч қандай саргузаштсиз, бандаргоҳ ва сарой олдидан сузиб ўтдик. «Олтин шоҳ» бухтасининг бошига етиб бориб, унга кирмоқчи бўлиб тургандик, тўсатдан қаршимиздан бир елканли кема сузиб келди. Биз томонга ниманидир улоқтирди-да, эшкакчилари ётиб олиб эшкак эша бошлади. Тезлик билан ортга қайтишди. Шу пайт сув устида олов ловуллаб ёна бошлади».

Мен Йилдирим Боязид билан маҳаллий аҳоли ўртасида таниқли, элда ҳурмати бор одамлардан бир нечасини ҳузуримга олиб келишларини буюрдим. Улар келгач ўтиришларини сўраб, савол бердим: «Сувда ўчмайдиган бу аланга қанақа олов?» Йилдирим Боязид деди: «Эй улуғ Амир, бу оловни тайёрлаш усулини византияликлар 1200 йил олдин ўйлаб топишган. У Византия қиролида сақланади. Ҳар бир ҳукмдор ўлими олдидан бу оловнинг сирини ворисига қолдиради ва унга: «Бундан буён сенинг салтанатинг икки нарсага таянади: биринчиси – сув устида ўчмайдиган олов ва иккинчиси – ҳудудни ўраб турган занжир тўсиқлар. Агар олов сирини биров билиб қоладиган бўлса, билки ҳокимиятингни ярмини қўлдан бой берган бўласан. Мабодо муҳофаза занжирларидан мосуво бўлсанг, қолган ярмидан ҳам ажраласан», – деб васият қилади.

Мен дедим: «Ўз вақтида Муовиянинг йўлига ғов бўлган, унинг Византияни забт эта олмаганига сабаб бўлган ҳам шу олов экан-да!» Йилдирим жавоб қилди: «Менинг Муовия воқеасидан хабарим йўқ, аммо билганим бир минг икки юз йилдан бери ким Византияга юриш қилган бўлса, баайни шу олов ва занжир тўсинидан ўта олмагани туфайли ўз мақсадига эриша олмаган».

Мен яна сўрадим: «Улар бир минг икки юз йилдан бери бу сирни қандай сақлаб келишяпти? Наҳотки шу вақт мобайнида бошқа биров худди шу моддани тайёрлашга муваффақ бўлмаган бўлса?» Йиғинда иштирок этаётган эйтиборли кишилардан бири деди: «Тахтга ўтирмагунга қадар ўша юртнинг ҳукмдори ўша моддани тайёрлаш сир-асрорларидан беҳабар бўлади. Унга фақат болалигидан мана шу сир-асрорлар калити бўлмиш тенгламани ечиш йўллари – турли ёзув ва ишоралар ўргатиб борилади».

Мен таажжубландим ва сўрадим: «Бундан келиб чиқадики мазкур моддани тайёрлаш тенгламаси, демак, аллақандай ёзувларда ифода этилган?» У саволимни маъқуллаб деди: «Худди шундай! Болалигидан ана шу тенгламани ечиш йўлларини ўрганиб келган шахзода тахтга ўтиргач, тенгламага эга бўлади. Мабодо мамлакатга ташқаридан ҳужум хавфи тугилса, у шахсан ўзи бошида туриб мазкур ёнувчи моддани тайёрлайди». Мен унинг жавобига аниқлик киритмоқчи бўлиб, дедим: «Тайёрлаш жараёнида бошқалар ҳам иширок этса керак? Ахир у-бу ишларни бажарадиган, хом ашёни етказиб бериб турадиган одамлар ҳам бўлиши керак-ку!»

Йилдирим деди: «Моддани тайёрлаш жараёнида ёлғиз ўзи иштирок этади. Тайёр бўлган қоришмани ёқиш ва душманга қарши ишлатиш учунгина бошқаларга беради».

Ўша куни қуёш ботар чоғ мен яна бир бор тепалик устига чиқиб, шаҳарни кузатдим. Аммо қуёш халақит бергани боис, уни яхлит бир ҳолда кўра олмадим. Фақат шимолий ва жанубий томонини мириқиб томоша қилдим. Шаҳарга боқиб турарканман сирли олов ҳақидаги ўйлар мени сира тарк этмади. Шу кез қўл остимдаги ҳудудларнинг бирида ҳам худди шундай сувда ўчмас олов борлиги ёдимга тушди. Бу Бадкуба ери (ҳозирги Боку) эди. Ўша юртда ернинг ёригидан улкан аланга отилиб чиқади. Иссиқлик даражаси шу қадар юқорики, яқинига йўлаб бўлмайди. Ўша улкан аланга атрофида кичик-кичиклари ҳам бор. Одамлар уларни сув билан ўчирмоқчи бўлишган, бироқ амаллай олмаганлар. Унга тупроқ сочишганида эса – ўчган. Шунингдек, бир неча муддат қайта оловланмаган. Айтишларича, Бадкубадаги олов одам боласи пайдо бўлган кундан бери ёнар эмиш. Худди шу олов туфайли одамлар ундан фойдаланишни, овқат пиширишни ўрганган эмишлар. Шу пайт хаёлимга бир фикр келди: бадкубаликларнинг оловни тупроқ билан ўчириш усулини бу ерда ҳам қўлласа бўлмасмикин?..

Қуёш ботганидан кейин ҳам жойимдан жилмадим. Шаҳар чироқлари ёнишини томоша қилиб турдим. Намоз вақти яқинлашганида пастга тушдим. Ибодатдан кейин энгилгина овқатландим. Ҳарбий саркардаларим бирма-бир келиб, топшириқлар олиб кетишди. Ётишга тараддулланар

эканман, ўзимга-ўзим шундай дедим: «Агар биз кемаларимизга тупроқ сочадиган мослама ўрнатсак, у оловни енга-миз».

Бу фикр мени шу қадар чулғаб олдики, ўша кеча ухлай олмадим. Тоқатни ҳузуримга чақириб, яна бешта кемани олиб Византия сари сузишини буюрдим. Тонггача кемаларга тупроқ юклашларини тайинладим. Ўзим эса жараёни тепалик устидан кузатишга қарор қилдим.

Тоқат ҳайрон бўлиб сўради: «Эй Амир, сен кемаларга тупроқ юклашимизни хоҳлаяпсанми? Нега?» Унга дедим: «Ҳа, тупроқ юкланглар. Қанча юклаш мумкин бўлса – ўшанча юклаш керак. «Олтин шох» бухтасига яқинлашганларингда, турган гапки, аввалги сафаргидек яна йўлингда олов ёқишади. Ўшанда сен одамларингга буюр, оловга тупроқ сочишсин. Ишончим комил, биз ана шу йўл билан оловни ўчиришга эришамиз!»

Тоқат гап нимада эканини билгач: «Эй Амир, ҳаммасини сен айтгандек қиламиз», – деб топшириқни бажаришга кетди.

Эртаси куни эрталаб яна тепалик устига чиқдим. Қуёш ортимда бўлгани сабаб, шаҳар ва денгиз манзараси кўз ўнгимда яққол намоён бўлиб турарди. Тоқат бошқариб бо-раётган бешта кема шаҳарни ёнлаб сузиб борди-да, сўнг худди келишганимиздек «Олтин шох» бухтасига кирмоқчи бўлди. Шу пайт қарама-қарши томондан, душман кемаси чиқиб келди. Улар бизнинг кемаларимиз томонга ниманидир улоқтириб, ортга қайтишди. Шу пайт сув устида олов ёнди. Тоқатнинг одамлари тезлик билан оловга тупроқ соча бошладилар. Яна бир кемамиз тутади, лекин кўп ўтмай тутун тарқади. Маълум бўлдики, содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинлар тупроқ воситасида бартараф этилди.

Тоқат бухтага кирмаслиги лозим эди. Шунинг учун ҳам кемаларимиз вазифани бажариб, ортга бурилишди. Мен ўша куни бир минг икки юз йиллик сирнинг тагига етмаган бўлсам ҳам, шу вақт мобайнида ҳеч ким ўчира олмаган оловни ўчириш воситасини топдим.

Ўша куни Йилдирим Боязиддан нома олдим. У қуйидагиларни ёзибди: «Эй Амир! Сен сирли оловни ўчириш йўлини топиб, Византиянинг ярмига эгаллик қилишга муваффақ

бўлибсан. Энди занжирлардан қутулиш воситасини ҳам топсанг – у буткул сеники бўлади!»

Мана шу номани ўқиб турган эдим, кабутарлар яна бир хабар олиб келишди. Унда айтилишича, Румнинг таркибий бир қисми бўлмиш Магнессия ҳукмдори Тугул Сарухан, Сарикамиш, Рум тоторлари ва курд қабилаларидан тўпланган қўшини билан менга қарши бош кўтарган эмиш.

Бу хабар мени заррача ажаблантирмади. Чунки бировнинг юртини босиб олган ҳукмдор маҳаллий ҳукмдорлар томонидан мана шундай хатти-ҳаракатлар бўлишини аввалдан билади – бунга табиий ҳол деб қарайди.

Рум – улкан мамлакат. Унда бир қанча алоҳида ҳукмдорлар мавжуд бўлиб, Сарухан, Сарикамиш ва тотор ҳукмдорлари ўз қўл остидаги жангари қабилалар кучига таянар эдилар. Бироқ Магнессия ҳукмдорининг ўзи қудратли, қўл остида бундай қабилалар йўқ эди. Унинг аждодлари икки юз йилдан бери Магнессия ерида ҳукм юритиб келишар эди.

Магнессия ҳукмдорининг исён кўтаргани ҳақидаги хабарни эшитгач, бунда Йилдирим Боязиднинг қўли бор, деган шубҳа уйғонди менда. Уни ҳузуримга олиб келишларини буюрдим. Келгач, ундан сўрадим: «Магнессия ҳукмдори сенинг кўрсатманг билан исён кўтарибди. Унга тўртта қабила вакиллари ҳамкорлик қилаётган эмиш. Мен уларни бостиришга боришдан олдин, сени қатл эттираман!»

Йилдирим Боязид онт ичиб, исёндан хабари йўқлигини айтди. Шунингдек, Магнессия ҳукмдори агар исён кўтарган бўлса, мақсади уни қутқариш эмас, балки вужудга келган вазиятдан унумли фойдаланиб, ўзи Рум тахтига ўтирмақчи эканини маълум қилди. «Зеро, Магнессия ҳукмдорлари ҳаммаша Рум тахтини эгаллаш пайида бўлиб келганлар. Фақат Усманийлар сулоласининг қудрати бунга йўл бермаган», – деди у.

Унга дедим: «Агар ҳаётингни сақлаб қолмоқчи бўлсанг, Магнессия ҳукмдорига хат ёз. Тугулга айт, қўшинини тарқатиб юбориб, ўзи бу ёққа келсин. Шунингдек, унга мана бу гапларимни ҳам етказ: агар айтганимни қилса, ҳаёти ва мол-мулкига дахл қилмайман, акс ҳолда жуда аёвсиз жазолайман!»

Йилдирим менинг ҳузуримда шу мазмундаги хатни ёзиб, муҳраб Тугулга жўнатди. Тугул эса бу буйруққа бўйсунмади. Аксинча, Румнинг марказий ҳудудлари сари юриш бошлади.

Биз учун жиддий хавф туғилди. Мабодо Тугул Румнинг марказий ҳудудларини ва Шомни қўлга киритиб Рум подшоҳи бўлса, бизнинг Ироқ ва Жебелга қайтиш йўлимиз беркилиб қолади. Шунинг учун Византияга юришни кечиктириб, айна ўша пайт исённи бостириш учун боришга қарор қилдим.

Қўшиним билан денгиз соҳилларини ортда қолдириб, келган йўлимиздан ортимизга қайтдик. Тугул қўшини билан тезроқ тўқнашсам, дердим. Сафаримизнинг биринчи кечаси тўхтаб, тунаган жойимизда мен бир даҳшатли туш кўрдим.

Тушумда устозим, менга Қуръондан илк сабоқ берган Абдулла Қутб ҳузуримга келган эмиш – паришонҳол! «Нега хафасиз ёки авлодларингиз мен тайинлаган нафақани ололмай, муҳтожликда кун кўряптиларми?» – сўрадим ундан. У: «Эй Амир! Сен ўрнатган тартибга риоя этмасликка биров журъат этармиди? Болаларим тинч, давлатинг соясида фаровон турмуш кечиришяпти», – деди. «У ҳолда нега паришонҳолсиз?» – қайта сўрадим ундан. У жавоб қилди: «Паришонлигим боиси, сен яқинда ўласан – шундан!»

Мен унга таскин бериб, дедим: «Мен ўлимдан қўрқмайман, қолаверса, ҳаммамиз ҳам бу дунёда меҳмонмиз! Қачондир келганмиз, қачондир кетишимиз тайин. Мен ўзим учун ҳатто Самарқандда хилхона ҳам қурдириб қўйдим». Абдулла Қутб йиғламсираб деди: «Барибир алам қилар экан – сен уч йилдан кейин ўласан!» Устозимнинг бу гапидан кейин мен беихтиёр ҳинд браҳманининг башоратини эсладим. Ҳисоблаб кўрсам – тўғри чиқяпти. Устозимга браҳман ҳақида айтмоқчи бўлгандим, у ғойиб бўлибди.

Шундан сўнг бир зумда фасллар алмашинди. Йиллар, масофалар ортда қолди. Улкан чўл бағрида пайдо бўлиб қолдим. Ҳарбий қароргоҳимда туриб, жануб томонда узун чизиқ бўлиб чизилган деворга қараб турган эмишман. Ҳарбий саркардаларимдан бири менга бу деворнинг бир учи

Жебелкадан бошланиб, иккинчи учи Чинга бориб тақалишени уқдираётган эмиш.

«Буюк Хитой девори деганлари шуми?» – сўрадим ундан. У мени маъқуллади. Мен дедим: «Бу девор ҳар қанча мустаҳкам бўлмасин, Исфаҳон, Деҳли ва Дамашқ деворларидан қудратли эмас ва мен уни, албатта, бузиб ўтаман!»

Шу пайт намозга азон айтилибди. Ибодатимни қилиб, сўнг отга миниб, йўлга тушмоқчи бўлибман. Аммо ўрнимдан қўзғала олмабман – ҳаракатсиз эдим. Барча уринишларим фойдасиз эди. Хизматкорларни ёрдамга чақирмоқчи бўлармишман, бироқ овозим чиқмас эмиш. Айрим товушларимни илғаб қолишган, шекилли, хизматкорларим ёнимга югуриб келишди. Мени оёққа турғазиди, аммо оёғимда жон йўқ эди.

Шундан сўнг улар мени оҳиста ётқазиб, табибни чақириб келишди. У мени обдан текшириб, аста қулоғимга шипшиди: «Зотилжам хуруж қилибди!» Сўнг даволангунча шу ерда ётишимни тайинлади.

Менинг бу ерда қолишим мумкин эмас. Замбилга солиб бўлса ҳам олға интилишимиз лозим, демоқчи бўлармишман-у, аммо гапира олмас эканман. Шу кез бу гапларни ёзиб билдирмоқчи бўлибман, хизматкорларга имо-ишора билан қоғоз, қалам олиб келишларини буюрибман...

Ётти кечаю кундуз чодиримда ётиб қолибман. Бошимда тик турган одамларнинг гап-сўзларини эшитиб ётар эдим. Улар Самарқандга қайтиш кераклиги, менинг ўлимим ҳақида тезроқ хабар етказиш лозимлиги ва яна нималар ҳақидадир шивирлашишарди. Мен ўлмаган эдим, бироқ кўзимни ҳам оча олмасдим.

Жасадимни пўстинга ўраётган чоғлари уйғониб кетдим... Тонг отиб қолган эди. «Хураб-ул байна» – булбулнинг нағмасини эшитиб ётдим бир пас. Кўрган тушимдан дилим хуфтон бўлди. Бу ўлимим яқинлигига яна бир ишора бўлганидан эмас, балки тушимда шол бўлиб қолганимдан хафа бўлдим. Зеро, мен ҳар доим душман билан муҳораба қила туриб ўламан, деб ўйлардим.

Ҳинд браҳмани ва Абдулла Қутбнинг тушимга кириб, огоҳлантиргани рост бўлса, демак, уч йиллик умрим қолиб-

ди. Бу ёғига Худо ҳофиз, ахир у Қуръонда «Ло йастахируна соатан ва ло йастақдимун» («Ажални бирон соатга кетга ҳам, илгарига ҳам сура олмайдилар»), 7 сура, 34 оят) деган.

Одам боласи ана ўша соатгача тўхтаб қолмаслиги керак. Бошлаб қўйган ишларини охирига етказиши лозим. Шундан сўнг бадбин хаёлларни калламдан қувиб, ўрнимдан туриб намоз ўқидим. Кейин Магнессия ҳукмдориға қарши от сурдим. Уни тутиб муносиб жазолаш ниятида эдим. Йилдирим Боязидни ҳам ўзим билан бирга олгандим. Чунки бу жойларда уни қолдира олмасдим. Тарафдорлари уни озод қилгудек бўлса, бир ташвишимиз икки ҳисса ошиши мумкин эди.

Тугул билан тезроқ беллашиш мақсадида жангчиларимни кечаю кундуз тиндирмай от чоптиришга мажбурладим. Бироқ у ҳадеганда тутқич бермасди. Ҳамиша биз у талаб чиқиб кетган ҳудудларга кириб борардик.

Одамлар ундан роса азият чеккан эдилар. Тугул уларнинг молларини тортиб олиб, шип-шийдом қилиб кетганди. Улар Тугулнинг кесилган бошини тезроқ кўриш ниятида эканликларини билдиришар, бизга зафар тилаб қолишарди.

Бир нарсани англагандек бўлдим: Тугул мени Азербайжан сари бошлаб бормоқда эди. Менга айтишларича, у Азербайжан ҳукмдори билан тил бириктириб, кучларини уюштиришга келишган экан. Биз ҳар хил қабилалар яшаётган, умумий аҳолиси икки қурур бўлган Азербайжан ерига кириб жанг қила олмас эдик. Бу қўшим учун ҳалокатли тугаши тайин эди. Шу боис Тугулга Азербайжанга ўтиши учун йўл бермаслигимиз керак, деган қарорга келдим. Ўттиз минг кишилик энг сара навкарларга Тоқатни бош этиб, ҳудудни айланиб ўтиб, Тугулнинг йўлини кесиб чиқиш ва-зифасини топширдим.

Тоқат юрадиган йўл Рум тоғ этакларидан ўтар эди. Ерликлар бу тоғни Тур деб аташарди. Ҳудуднинг текислиги ва сувининг сероблиги Тоқатга бир қатор имкониятлар берарди.

Тоқат белгиланган жойга етиб бориб, Тугул билан юзмаюз келганида ҳам жангга киришмаслиги, чекиниб унинг ўтиб кетишига йўл бермаслиги керак эди, холос. Шунга келиш-

гандик. Мен етиб борганимдан кейингина уруш очиб, уни икки томондан сиқувга олишни режа қилгандик.

Мен Сажак деган жойга етдим. Бу ерда аёллар ва болаларнинг айюҳаннос кўтариб йиғи-сиғи қилаётганларининг устидан чиқдим. Маълум бўлишича, Тугулнинг талончилик хатти-ҳаракатларига қаршилиқ кўрсатгани учун у эркакларнинг барчасини қиличдан ўтказиб кетган экан.

Бир неча кун ўтиб, Тоқатдан хабар келди. У Патак дараси шарқида экан. Тугул ана шу дарадан ўтишни мўлжаллаган. Патак дараси Қозон тепа ва Диёрбакир ўртасида жойлашган бўлиб, икки ҳудудни боғлаб турувчи йўл вазифасини ўтарди. Ўша дара орқали Месопотамияга томон Фират (Евфрот) дарёси оқиб ўтади.

Бу хабарни олгач мен жангчиларимни шоширдим. Патак дарасига етиб боргач, Фират дарёсининг бошланғич манбаи бўлмиш дарёни кўрдим. У Месопатамияда эди ва бир неча жилга ҳамда сойларнинг тўпланишидан ҳосил бўлар экан.

Тугул Азербайжанга тезроқ ўтиб олиш учун шиддат билан илгариламоқда эди. У шошилганидан ортида кузатувчи гуруҳ белгиламаган, шунинг учун ҳам мен уни қадам-бақаддам таъқиб этиб бораётганимдан беҳабар эди.

Орамиздаги масофа шу қадар қисқардики, охириг кеч мен баландроқ жойга чиқиб, унинг қароргоҳида ёнаётган гулханни кўришим мумкин бўлди.

Патак дараси шарқида турган Тоқат ҳам вазиятни яхши англаганди. У Тугул лашкарининг дарадан чиқаётганини кўриб, атайин орқага чекиниб, уларнинг дарани тарк этишлари учун шароит яратиб берди.

Мен Тугулнинг дарадан чиқиб кетишини кутиб турдим. Ўшанда бизга йўл очиларди. Шунингдек, Тугулни очиқ майдонга олиб чиққан бўлардик.

Тугул олд кузатув гуруҳи орқали Тоқатнинг қўшинидан хабар топган, аммо ортидан яна бир қўшин менинг бошчилигимда бораётганидан хабари йўқ эди. Шунинг учун у Тоқатга зарба беришга тайёрланиб турган чоғ, мен ҳужумга ўтдим. У ёқдан Тоқат жангга киришди.

Тугулнинг навқарлари мард, жасур жангчилар бўлгани ҳолда ўзи ҳарбий соҳада алифни калтак дейдиган лашкар-

боши эди. Акс ҳолда икки душман қўшини ўртасида қолганини билгани ҳамон кенг жойга қочиб чиқиши лозим эди.

Жанг бошланганидан икки соатлар ўтиб, биз уни тўлиқ қуршаб олдик. У ўзининг бир қисм сараланган жангчиларига қамални ёриб чиқиш вазифасини топширди. Бироқ биз бунга йўл қўймадик.

Тугулнинг навкарлари ўлимга юзма-юз туриб, мардонавор курашди. Агар ана шу жангчилар менинг қўшинимда бўлганида эди...

Мен саркардаларим орқали душман навкарларини бир неча бор огоҳлантириб, жангни тўхтатиб таслим бўлишга чақирдим. Бироқ улар буни ишташмади. Ўша куни жанг қуёш ботгунга қадар давом этди. Душман жангчилари орасида бирорта ҳам соғ одам қолмаганди. Аксари ўлиб кетди, қолганлари ҳам жароҳатланган эди. Тугул ҳам бир неча жароҳат билан асир тушди.

Ўша куни биз тўрт мингга яқин навкарларимизни йўқотдик. Бироқ хавфсизлигимизга раҳна солиши мумкин бўлган катта бир кучни бартараф этдик. Натижада Тугул Азербайжанга ўтиб кета олмади. Мабодо у Азербайжан подшоси билан кучларини мувофиқлаштиришга эришса, жуда катта қўшин вужудга келар, уни мен енга олмас эдим.

Кечки намоздан кейин чодиримга Йилдирим Боязидни олиб келишларини амр қилдим. Келгач, ундан сўрадим: «Нега қўл остингда шундай баҳодир жангчилар бўла туриб, уларни қўшинингга жалб этмадинг? Ахир қудратли қўшинга эга бўлиш учун сенда ҳамма имкониятлар бор экан-ку! Ўшанда сени ҳеч ким енга олмаган бўлар эди».

Йилдирим Боязид деди: «Одам кўп нарсанинг қадрига у қўлидан кетгач етар экан. Мен ҳам бу жангчилар менга қанчалик фойда олиб келиши мумкинлигини энди англаб етялман. Улардан мақсадга мувофиқ фойдалана олмаганимни энди тушуняпман!»

Боязидга рухсат бериб, ҳузуримга Тугулни олиб келишларини буюрдим. Жароҳатлари боис ўзи юра олмас экан, уни замбилда кўтариб олиб келишди. Ундан сўрадим: «Сени менга қарши бош кўтаришга ва жанг қилишга нима ундади?» У деди: «Менинг сен билан жанг қилиш ниятим йўқ

эди. Акс ҳолда мен Византияга томон йўл юрган бўлар эдим, чунки қаерда эканингни билардим. Такрор айтаман, сен билан жанг қилиш хаёлимга ҳам келгани йўқ, мен Азербайжанга бораётгандим. Ўзинг менинг йўлимни тўсиб чиқдинг, одамларимни ўлдирдинг!»

«Озарбайжонга нима мақсадда бораётган эдинг?» – сўрадим ундан. У Азербайжан ҳукмдори қариндоши экани ва ундан ҳол-аҳвол сўраш учун бораётганини айтди. Мен унга дедим: «Қариндошингни кўриб келиш учун катта бир қўшинни етаклаб юришинг шартмиди? Йўқ, албатта! Сен у ёққа бошқа бир мақсадда – Азербайжан подшоси билан кучларингни мувофиқлаштириб, катта қўшин тузиш учун йўл олган эдинг – энди буни яширишингдан маъни йўқ».

Шундан кейин ундан исён учун Боязиддан кўрсатма олган, олмаганини сўрадим. У афтини нафрат билан жийриб деди: «Агар Боязидда айтишга арзигулик бир нарса қолган бўлса, у ҳам унинг «Йилдирим» деган исми холос. Мен унинг кўрсатмаси билан иш қилишни ўзимга ор биламан!»

Унинг гапидан билдимки, Боязиднинг ҳақиқатан ҳам исёнда иштироки бўлмаган. Тугул уч кундан сўнг жароҳатлари туфайли оламдан кўз юмди.

Биз яна бир кун шу жойда турдик. Ўликларни дафн этиш, ярадорларга зарур ёрдам кўрсатиш ишлари билан машғул бўлдик.

Шу беш кун мобайнида Азербайжандан кетма-кет иккита нохуш хабар келди. Азербайжан подшоси нафақат қудратли қўшин тўплаган, балки қўшини билан Райгача бўлган ҳудудларни эгаллаб олган эмиш. Агар уни тўхтатмасак, Жебел ва Ироқ, Форс ва Гургон ҳудудларини ҳам тўлиқ қўлга киритадиганга ўхшарди.

Бу одам мени жуда узоқда деб ўйлаган, чамаси. Румдан тезда ортга қайтишимни билмаган. Бу орада бутун дунёни босиб олиб, беҳисоб бойликларни қўлга киритиб, шунинг ҳисобидан катта қўшин тузмоқни кўзлаган. Ўшанда у мен билан урушга кира оларди.

Мен Византияга юриш қилмоқчи эдим. Бироқ, «Ал-абд йадбару валлоҳу йақдару» («Мен қиламан ўттиз, Эгам қилади тўққиз» мақолига ўхшаш ибора). Шунинг учун ҳам ғарбга

юриш ўрнига Азербайжан масаласини ҳал қилиш учун шарққа томон йўл олдим.

Мен совуқ тушгунга қадар Азербайжанга етиб олишим керак эди. Акс ҳолда муваффақиятли уруш ҳаракатларини олиб бориш қийин кечарди. Биз Диёрбакир орқали Азербайжанга ўтиш мақсадида йўлга тушдик.

Сафарга чиқиш олдидан мен имкон қадар Тугулдан талофат кўрган одамларга ўз моллари ва буюмларини қайтаришга ҳаракат қилдим, жумладан, Сиҷак аҳолисига ҳам...

Диёрбакир йўлида менга Боязиднинг қаттиқ бетоб экани ва йўлда давом этса, вафот этиши мумкинлигини айтишди. Уни Диёрбакирда назорат остида қолдиришга рухсат бердим. Бир оздан сўнг ундан нома олдим. У форсийда қуйидаги мазмунда мактуб ёзган эди: «Мен бетобман ва ажалим яқин эканини биламан. Агар касал бўлмаганимда ҳам, барибир кўп яшамас эдим. Чунки қадим-қадимдан эркин ҳукмдорлар тутқунга айлансалар, соғинч изтироби уларни ўлдирган. Ўлимим олдидан сендан бир ўтинчим, Усманийлар сулоласининг батамом йўқолиб кетишига йўл қўйма! Чироғимиз ўчмасин! Ўрнимга ўғлим тахтга ўтирсин. У ҳеч қачон сенга қарши бормади».

Мен худди шу шарт билан унинг ўғлини Рум ҳукмдори етиб тайинладим. Бу ҳақда унга нома йўллаб, маълум қилдим. Менга бир оздан сўнг Боязиднинг бандаликни бажо келтиргани ҳақида хабар етказишди. Ўлими олдидан аждолари ётган ерга кўмишлари учун рухсат сўрабди – унинг бу хоҳиш-истагига қаршилиқ қилмадим.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

МЕН АЗЕРБАЙЖАНДА НИМА ҚИЛДИМ ВА НИМАЛАРНИ КЎРДИМ

Биз Хой водийсига етганимизда куз нафаси уфурмоқда эди. Мен Табризга етиб бориш учун яна ҳам жадалладим, чунки Азербайжанга қиш эртачи тушишини билар эдим. Хой шаҳри Салмаса дарёсининг шимоли-шарқида жойлашган

бўлиб, бу дарё Хой водийси бўйлаб оқиб ўтиб, машҳур Аракс дарёсига бориб қуйиларди. Хойга келгунга қадар уни «Эрон Туркистони» деб аташларини эшитган эдим. Бунинг сабаби бу ернинг одамлари ҳам худди туркистонликлар каби хушсурат эканидан эмиш.

Хойга жангсиз кириб бордим ва ўшанга қадар ҳам хойликларнинг гўзаллиги ҳақидаги гап-сўзлар муболағали, уларнинг туркистонликларга етишишларига йўл бўлсин, деган фикрда эдим.

Бироқ хойликларни кўргач – ишондим. Худо инсонни яратганда бошқаларга гўзалликни бир чимдим-бир чимдим улашганида хойликларга ўлчовсиз берган экан. Шаҳарнинг эътиборли кишиларидан бунинг сабабини сўрадим. Уларнинг айтишича, хойликлар келиб чиқиши жиҳатидан хитойлик бўлиб, қачонлардир шу жойларга кўчиб келиб, ўрнашиб қолишган. Одамларининг хушсурат экани, улар ҳеч қачон қариндошлар ўртасида қуда-андачилик қилишмас экан. Чунки бундай никоҳдан эгри-бугри болалар туғилади, дейишди.

Хой шаҳрининг эркак ва аёллари – оқ юзли кишилар эди. Улар билан гаплашсанг, юзларидан табассум аримайди. Мен Эроннинг Филонидан ташқари бошқа бир жойда бунинг каби хушсурат одамларни кўрмаган эдим. Филонда ҳам эркаклари унчалик эмас-у, аёллари ойчеҳрали эди. Хойда эса ҳар икки жинс бетакрор гўзалликка эга эди.

Биз Хойга борган пайт узум ва нок ҳосилини йиғиш мавсуми эди. Эшитдимки, бу ерда нокнинг ноёб нави – «пайгамбар ноки» етиштирилар экан. Дунёнинг бошқа бир жойида Хой нокларидек йирик ва хуштаъм мева учратмаганман. Оч одам нафсини қондириш учун ана шу нокдан битта еса – кифоя. Шунингдек, Хойда мен бошқа ерда учратмаган узум навини ҳам кўрдим. Унинг ҳар бир донаси кабутар тухумича келарди. Ранги қизғиш, жуда чиройли эди. Маҳаллий халқ ундан ўта хуштаъм ичимлик – шарбат тайёрлар экан.

Шундоққина кўз ўнгимизда бир бош узумнинг сиқиб сувини олишди. Жом тўлди. Унга бир бўлак муз ташлаб, менга узатишди – тотти ҳали ҳам оғзимда қолган.

Бир пайтлари Филон аёлларининг гўзаллиги боис у ерда узоқ қолмаган эдим. Бу ерда ҳам шундай бўлди. Хойда бир кундан ортиқ турмадим. Чунки аёлларнинг гўзаллиги жангчиларимнинг хаёлини ўғирласа, тамом – қўшинда интизом бузилади.

Хойдан Мерандага томон юрдик. Унга яқинлашганимизда олд кузатувчи гуруҳдан маълумот олдик. Шаҳарнинг жанубидаги яйдоқ ерда жуда кўп одамлар тўдаси кўринганини маълум қилган эдилар. Бу қандайдир ҳарбий қўшин ҳам бўлиши мумкин, дейилган эди унда. Бир оздан сўнг иккинчи хабар етиб келди: кўринган одамлар ҳеч қандай қўшин эмас, балки буғдойзорда бошоқ териб юрган аёллар ва болалар экан. Учинчи хабарда яна бошқа фикр баён қилинганди. Айтилишича, одамлар кўринган жой ҳеч қанақа экинзор бўлмай, аёллар ва болалар аллақандай чувалчанг қуртларни териб юришган эмиш. «Улар чувалчангларни нима сабабдан теришяпти экан?» – деб таажжубландим. Кейин билсак, улар ёз бўйи «қирмизи» деб номланган ана шу қурт хилини териш билан машғул бўлар эканлар. Улардан эса матоларни бўяшда ишлатиладиган қизил рангни олишда фойдаланишар экан.

Меранда шаҳрига кирган куним Йилдирим Боязиднинг ўғли Сулаймондан мактуб олдим. У мактубида садоқати рамзи сифатида ўз ҳисобидан йигирма минг кишилик қўшин тўплаётганини ва Азербайжанга ёрдамчи куч сифатида юборажагини билдирибди.

Азербайжан ҳукмдори Султон Аҳмад деган киши бўлиб, у Йалканиён қабиласидан экан, одатда Табризда истиқомат қиларкан. Меранда шаҳри аҳолиси бизнинг қаршимизга ёш болаларини кўтариб чиқиб, қурбонлик қилмоқчи эканликларини, Султон Аҳмад зулмидан қутқаришимни сўрашди. Мен болаларини қурбонликка аташларини қатъиян ман қилдим.

Шаҳарга кирганимда унинг эътиборли кишилари бизни пешвоз олишди. Суҳбат жараёнида Султон Аҳмаднинг қора қилмишларини сўзлаб беришди. Айтишларича, айрим одамлар нимадир сабаб бўлиб, масалан қурғоқчилик туфайли ҳосил етиштира олмай, солиқ тўлашга қурби етмаса, Сул-

тон Аҳмаднинг буйруғи билан ўша одамларнинг ўғил-қизлари қул бозорига чиқариб сотилар, пули хазинага топшириллар экан. Агар солиқ тўлаш имкониятига эга бўлмаган одамнинг ўғил ёки қизи бўлмаса, унинг бир кўзи ўйиб олинган. Иккинчи йили яна солиқ тўламаса иккинчи кўзидан ҳам мосуво бўлган. Худди ана шундай одамларни, яъни икки кўзидан ажраб тиламчилик қилиб юрган одамларни Азербайжан кўчаларида кўплаб учратиш мумкин эди.

Мен бу гаплардан жуда мутаассир бўлдим. Менинг қўл остимдаги мамлакатларда ҳам қурғоқчилик ёки чигирткалар босқини туфайли, ёки бошқа бир сабаб билан одамлар солиқ тўплай олмаган пайтлар бўлган. Мен ўшандай кезлари одамларни солиқлардан озод қилганман. Қолаверса, шарриятда ҳам бундай кишиларни ҳимоялаш буюрилган: «Ал муфлис фи амануллоҳ». Яъни, муҳтожлар Аллоҳнинг ҳимоясидадирлар.

Шаҳарнинг эътиборли кишилари Султон Аҳмад Илқонининг фақат сўзда мусулмон экани, унинг айрим жирканч ишлари шаррият ахлоқ-қоидаларига сира тўғри келмаслигини сўзладилар. Унинг ҳирси шу қадар бошвоқсиз эканки, хушбичим ўсмир болалар ва чиройли аёлларга жуда ўч эмиш. Ҳатто суқсурдек келинчақларни эрларидан тортиб олиб кетар, кўнгли тусагунча ишрат қилиб кейин кўчага ҳайдар экан. Бу хотинлар охир-оқибат чорасизлик кўчасида қолиб, енгилтак, суюғоёқ аёлларга айланиб кетишар экан.

Мен буларнинг барчасига қандай чидаб келишаётганини сўраганимда, агар унинг хатти-ҳаракатларига озгина қаршилик бўлса, у бутун қабилани қириб, хотин-қизларини, болаларини асир қилиб олиб кетишини айтишди.

Мен уларга ҳукмдор адолатли ва юксак фазилатли бўлиши керак дедим. Ўшанда унинг итоатида бўлган одамлар юксак ахлоқий қоидаларга, тартиб ва интизомга риоя этадилар. Агар ҳукмдорнинг ўзида мана шу сифатлар бўлмаса, унинг халқ устида ҳукмфармо бўлган яқинлари зулмкорликни икки ҳисса оширадилар, холос.

Меранданинг эътиборли кишилари Султон Аҳмад зулмидан қутқазимизни ўтиниб сўрашди: «Эвазига кўзимиз очиқ экан, сенга итоат этамиз», – дейишди.

Мерандада мен жуда кучли, жисмонан бақувват одамларни кўрдим. Шунингдек, менга Меранда зардолисини мақташди. Унинг дунёда ўхшаши йўқ, дейишди. Биз Мерандага куз фасли борганимиз туфайли зардоли ҳосилини кўрмадик. Аммо шаҳарда олма кўплигига амин бўлдик.

Озарбайжонга кирган пайтимиз Султон Аҳмад Райдан қайтиб, пойтахти Табризда экан. Шу боис Мерандадан чиқиб, Табризга томон йўл олдик.

Табриз шаҳри тўғрисида, унинг катта шаҳар экани, шу қадар қадимийки, унга ким асос солган-у, шаҳар девори қачон ва ким томонидан қурилганини ҳеч ким билмаслиги ҳақида маълумот берган эдим.

Мен шошилиб бормоқда эдим. Султон Аҳмад девор ортига беркиниб олишга улгурмасидан бурун етиб бормоқчи эдим. Билардимки, мабодо Султон Аҳмад қалъада яшириниб, дарвозаларни беркитиб олса, мен уни қамал қилиш фикридан воз кечишимга тўғри келарди. Чунки Азербайжаннинг қаттиқ совуқ иқлими бунга йўл қўймас эди. Бироқ у билан ташқарида жанг қилишнинг ҳам бир муаммоси бор эди: Султон Аҳмад ўзи билан дўстона муносабатда бўлган қабилаларни менга қарши оёқлантириши мумкин.

Ўйлаганим тўғри бўлиб чиқди. У барча Азербайжан қабилаларини менга қарши чиқишга чақирибди. Бироқ унинг зулмидан тўйиб кетган қабилаларнинг аксари уни қўллаб-қувватламади. Фақат иккита қабила бошлиқлари унинг чақиригига жавобан ёрдам беришга бел боғлади. Султон Боязиднинг ўғли ваъда қилган йигирма минглик қўшин йўлда, менга томон ошиқиб келмоқда эди. Уларни кутиб турмай Султон Аҳмадга ёрдам бермоқчи бўлган қабилаларни мавҳ этдим.

Табризга боришга қанчалик шошилмай, етиб борганимизда шаҳар дарвозалари берк, улар қамалга тайёр туришарди. Мен дарҳол шаҳарни қуршаб олишга буйруқ бердим. Шу пайтдан бошлаб менинг ҳузуримга қариндош-уруғлари қамалда қолган табризликлар келиб-кета бошладилар. Улар шаҳарни ишғол қилишимни истаётганликларини, бунинг учун қандай зарур юмуш бўлса бажаришга тайёр экан-

ликларини билдиришди. Фақат Табриз аҳлининг моли ва жонига омонлик беришимни сўрашди.

Улар менга ўжарлик қилиб, қаршилиқ кўрсатган шаҳарларни қаттиқ жазолашимни билишар эди. Шунинг учун ҳам менга мурожаат этган табризликлар шаҳар аҳлини оқлаб, улар Султон Аҳмаднинг зуғуми билан қамалда қолганларини ва дарвозаларни очишга имконсиз эканликларини сўзлашди.

Қамалнинг иккинчи куни истехком девори устида бир одамнинг қораси кўринди ва у туркчалаб деди: «Ораларингда ким Амир Темур? Унга айтинглар, менга кўриниш берсин!» Ундан кимлигини сўрашганида, у Султон Аҳмад Илқони, деб таништирди ўзини ва Амир Темур билан сўзлашмоқчи эканини баён қилди. Ундан нима гапи борлигини сўрашди. У гапини шахсан ўзимга айтмоқчилигини билдирди. Мен чодиримдан чиқиб, шаҳар деворига яқин бордим. Ҳали ўзимни таништирмай туриб, девор устидаги одам тилга кирди: «Эй Темурланг, мен сени танидим. Чап оёғинг оқсайди-ган белгинг бор». Мен туркчалаб сўрадим: «Бу сенмисан Султон Аҳмад?» У саволимни маъқуллагаач, дедим: «Сен кўрс ва ёввойи тарбия топган одам экансан! Фақат кўпол одамларгина ўз тарбиясизликларини мана шундай очиқ-ошкор намоён этишди».

У нимадан келиб чиқиб уни тарбиясизликда айблаётганимни сўради. Мен андишасизлик билан сўзлаётгани учун шундай хулосага келганимни айтдим. Султон Аҳмад: «Менинг кўполлигим ёки андишасизлигим ҳаммага кўриниб турган оқсоқлигини айтганимми?» – деди. «Тарбияли одамлар қаршисидаги одамнинг жисмоний камчилигини кўпнинг олдида тилга олмайдилар, гарчи буни ҳамма кўриб турган бўлса ҳам», – дея жавоб қайтардим унга. Шундан кейин у ўзининг аждодлари билан мақтанди. Мен унга аждодлари қанчалик улуғ ва қудратли бўлмасин, улар қабрдан чиқиб келиб унга кўмак бера олмасликларини, эр киши ўзига ишониши кераклигини айтдим. Менинг ҳам улуғ шажарам борлигини, бироқ мен ўзимга ишонишим, ўз қудратимга таянишимни билдирдим. Шундан сўнг Султон Аҳмад шаҳарга қамалиб олгани қўшинни асраш учун амалга оширилган

тадбир эканини айтиб, менинг яхшиликча кетишимни таклиф қилди: «Агар яхшиликча кетмасанг, шундай қиламанки, иккинчи оёғингни ҳам судраб босадиган бўласан», – деб дағдаға қилди.

У билан ортиқ гаплашишни хоҳламадим. Валақлашдан бошқа нарсага ярамаслиги аён эди. Ўша кунни Румдан йигирма минг кишилик лашкар келиб сафимизга қўшилди. Уларни Нусрат Алтун исмли туманбоши бошлаб келган эди. Табриз учун жанг ўн кун давом этди. Шаҳарнинг шомликлар яшайдиган маҳалласи Султон Аҳмадга қарши бош кўтарди. Султон Аҳмад исёни бостириш учун жанговар ҳаракатлар олиб бораётган пайт бизнинг қўшинларимиз шаҳар деворларини ишғол қилишга киришдилар. Кўп ўтмай шаҳар дарвозалари ланг очилди ва менинг қўшиним шаҳарга кириб борди. Табриз жангида лаҳим кавлаш, шаҳар деворини портлатишга зарурат бўлмади. Оддий йўл билан уни қўлга киритдик.

Султон Аҳмад қочиб қолишга уринган экан. Уни жангчиларим асир олибди. Бироқ менинг ҳузуримгача етказиб кела олмадилар. Унинг зулмидан тўйиб кетган оломон, унга ташланиб, тилка-пора қилибди. Жангда айтиш лозимки, Рум қўшини мардонавор жанг қилди.

Табриз жангининг охириги кунлари мени сўроқлаб, шабистарлик шайх Маъсуд келди. У юқорида тилга олиб ўтганим, «Сирлар ёғдуси» китобининг муаллифи Муҳаммад Шабистарийнинг набираси экан. У мендан табризликларга нисбатан қандай йўл тутишимни сўради. Мен шомликлар маҳалласида кўтарилган исён шаҳарни қўлга киритишимни енгиллаштиргани боис, шаҳар аҳлини қатли ом этишдан тийилишимни айтдим. Аммо ўлими билан илқонилар сулоласига хотима берган Султон Аҳмаднинг бор мол-мулкени, бойликларини хазинам фойдасига мусодара қиламан, дедим.

Табризнинг Шом маҳалласи Азербайжан ҳукмдори бўлган Газанхон томонидан ташкил этилган эди. У ой тақвимида ҳижрий 703 йили вафот этган ва Шом маҳалласи мозорида дафн этилган экан. Табризни қўлга киритгач унинг мазорини зиёрат қилдим. Шунингдек, бир қатор мадраса, масжид ва хонақоларни бориб кўрдим.

Табризда мен яна Алишоҳ Филоний масжидига ҳам бордим. У Газанхоннинг вазири бўлган. Ўз ҳисобидан мана шу масжидни қурдирган экан. Ер ости сув қувурлари тизими-ни ташкил этиб, масжидга тоза ичимлик суви олиб келган.

Масжиднинг ост қисми силлиқ ва юпқа гиштлардан, деворлари мрамор билан зийнатланган эди. Масжид ҳовлисининг ўртасидан ариқ оқиб ўтар, одамлар унинг бўйида таҳорат олар эканлар. Ҳовли шу қадар гўзал гуллар билан бурканганки, худди жаннат боғига кириб қолгандек ҳис этасан ўзингни.

Шаҳар қўлга киритилганининг учинчи куни унинг бозорлари яна ишга тушди. Мен уларни бориб кўрдим. Ҳамма бозорлар яхши, бироқ улардан иккитаси дунёда ўхшаши йўқ эди: бириси – қимматбаҳо тошлар ва заргарлик буюмлари, иккинчиси – атир бозори.

Мен қимматбаҳо тошлар ва заргарлик буюмлари бозорига кириб, дўконларнинг пештахталарини тўлдириб турган молларнинг сархиллиги ва кўплигидан лол қолдим. Ҳар бир дўкон олдида ёшгина йигит туриб, харидорларни дўконга чорлаб, нимадир харид қилишга чақириб туришарди. Уларнинг эгнидаги либослари сархил ипак матодан, бошларига эса пат қўндирилган ўрама салла кийишганди. Харидорлар, асосан, аёллар бўлгани туфайли дўкондорлар мана шундай ёқимтой ёшларни ишга ёллаб, бежирим кийинтириб, дўконлари олдида тургазиб қўяр эканлар.

Иккинчи бозор ҳам мана шу бозорга ёндош эди. Унга қадам босганимда, муаттар бўйлардан маст бўлай, дедим. Унда Табризнинг барча устахоналарида тайёрланадиган мушкларни учратиш мумкин эди. Дунёда Табриз атирининг тенги йўқ эди. Айниқса, «Гули сурх-э Муҳаммади» ва «Гули зард-э Муҳаммади» (*Муҳаммаднинг қизил гули ва Муҳаммаднинг сариқ гули*) мушклари машҳур эди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) каби мен ҳам табиатан ҳар хил атирларни ёқтираман. Улар кишида яхши кайфият ҳосил қилади. Муҳими улардан олинадиган лаззат эркак кишини заифлаштирмайди.

Менга айтишларича, Табризда бир мавсумда етиштириладиган бир харвар «қизил гул» ва «сариқ гул»дан (1 хар-

вар – 300 кг) бир мисқол (4,64 грамм) хушбўй мой олинар экан. Уларни мушк сифатида тайёрлаш анчайин сарфу харажатлар эвазига амалга оширилар экан. Табриз атирларининг бутун дунё бўйлаб тарқалиб кетгани, шуҳрат қозонгани ҳам шундан бўлса керак. Ўша куни бозордан мен ҳам бир неча хил атирларни харид қилдим.

Табриз орқали иккита дарё оқиб ўтади: Меҳрон Руд ва Сард Руд. Ҳар иккиси Сахан тоғидан бошланади. Бу тоғ шаҳарнинг жанубида жойлашган. Унинг суви совуқ. Шунинг учун табризликлар музга эҳтиёж сезмайдилар. Фақат бой одамларгина кўнгил майли учун ундан фойдаландилар. Бу икки дарё Сароб дарёсига туташиб, кейин Жиджест (ҳозирги Резайе) денгизига қуйилади.

Бир куни мен Табриз матолари савдо қилинадиган бозорга ҳам бордим. Унда парча, атлас ва жун матоларининг ҳар хилини кўрдим. Айтишларича, бу матоларнинг бариси Табризда ишлаб чиқарилар экан. Атлас ва парчани фаранглар жуда кўплаб харид қилар эканлар.

Табриз шаҳрини ғорат қилишдан тийилганим баробарида шаҳар деворини ҳам буздирмадим. Унинг жанг ҳаракатлари даврида заҳм етган жойларини таъмирлашга рухсат бердим.

Озарбайжонга келмасимдан аввалроқ, агар шу томонларга ўтсам Шабистар шаҳрини бориб, Муҳаммад Шабистари қабрини зиёрат қилишга, ҳақиқа Қуръон тиловат қилиб фотиҳа ўқишга аҳд қилган эдим. Зотан, мен унинг китоби туфайли ҳаёт ва абадият ҳақидаги кўп сирларни англаганман.

Мен Шабистар томон йўлга чиққанимда ҳаво тунд: куз бошланган эди. Шундан Шабистардан чиқиб Райга, кейин Хуросон орқали Кешга ўтишни режа қилдим.

Мен агар шошилсам қиш тугашидан олдин Кешга кириб бораман, деб мўлжал қилган эдим. Аммо Мовароуннаҳрга етиб бормай туриб, яна бир жангга киришишимни билмаган эдим.

Шабистар аҳли мени қаршилаб пешвоз чиқди. Шайх Маъсуд дуо қилишимни сўраб, болаларини ҳузуримга олиб келди. Уларни дуо қилдим. Тасмил тугагач, Шайх Шабистари

мозорини зиёрат қилишга бордим. Унинг жуда хароб аҳволда эканини кўриб, зудлик билан қабр устида даҳма қуришларини буюрдим. Зотан ўта тақводор ва илмли бўлган бу зот шундай ҳурмат ва эътиборга муносиб. Шундан сўнг Шайх Маъсуддан Шабистарда қанча аҳоли борлигини сўрадим. Олти мингтача, деди у. Ўн тўрт ёшдан юқориси шунинг ярмидан кўпроғини ташкил этаркан. Мен унга, агар бир киши эзгу ишларга қўл урса, унинг бу ишидан, нафақат келажак авлодларига, балки қавмдошларига ҳам наф етиши ҳақида сўзладим. У мени илкис тушунмади. Шундан гапларининг маъносини сўради. Унга дедим: «Сенга Шабистарининг набираси бўлганинг учун минг олтин динор ҳадя қиламан. Эркагу аёл шабистарликларга эса беш олтин динордан улашаман – буларнинг барчаси бобонг Муҳаммад Шабистарининг хизмати учун».

Ҳазначига айтилган маблағларни эга-эгасига етказишни буюриб, ўзим шаҳарни тарк этдим: Ардабил орқали йўлга тушишга тайёргарлик кўра бошладим. Ардабил Саблон тоғи тепасида жойлашган бўлиб, қадимда уни Бизан Фиру, деб аташган.

Ардабилда мени қаршилаб ўша ердаги хонақо шайхи шаҳарнинг эътиборли кишилари ва дин пешволари билан истиқболимга чиқди. Шаҳар тўртбурчак шаклда, ҳар томони тўрт минг заръ узунликдаги қалъа девори билан ўралган эди. Хонақо шайхи менга атаб боғда жой ҳозирлатган экан. Меҳмони бўлишимни сўради. Унга рад жавобини бериб, менинг ташрифим муносабати билан ортиқча чиқимлар қилмасликларини илтимос қилдим.

Кечки пайт Ардабил хонақоси шайхи ва бошқа таниқли шайхларни ҳузуримга чорладим. Улар билан суҳбат қуриб, дин ва дунёвий масалаларда илм ва қобилиятларини синаб кўрмоқчи бўлдим. Олимлар қаршимда ўрнашиб олгач, уларнинг энг каттасига савол бердим: «Сен қайси динга эътиқод қиласан?» У мусулмон эканини айтди. Мен ундан ислом динининг асосини ташкил этувчи рукнларни сўрадим. У жавоб қилиб деди: «Ислом дини асосини ташкил этувчи тушунчалар қуйидагилар: Тавҳид (яккаҳудолик), Адл (адолатлилик, босиқ-вазминлик, садоқат ва тўғрилиқ), Нубув-

ват (пайғамбарлик), Имомат (дин ишлари бошқаруви) ва Маъад (қайтиш жойи, нариги дунё, даҳшатли суд куни)».

Мен унга дедим: «Менинг билишимча, исломнинг асосини ташкил этувчи рукнлар учта: Тавҳид, Нубувват ва Маъад. Сени уни нимага асосланиб бешта деяпсан?»

У деди: «Иккита қўшимча рукн асосий уч рукнни қувватлайди. Уларнинг маъносига зид эмас».

Мен дедим: «Сен ширк келтираяпсан – исломда бу мумкин эмас!»

Хонақо бош шайхи баҳсимизга аралашди: «Эй Амир, Қуръон оятларига зид гапирилганда шаккоклик қилинган бўлади. Қолаверса, Қуръонда исломнинг асоси уч рукн деб ёзилмаган-ку!»

Мен жавоб қилдим: «Қуръонда айнан шу тахлит айтилмаган. Бироқ оятлар замиридан худди ана шу маънони уқиш мумкин – шунинг исботини кўрса бўлади. Шу боис ўзини ҳақиқий мусулмон деб билган киши, исломнинг уч асосий рукнини тан олиши, унинг ҳақлигига имон келтириши керак!»

Хонақо муршиди деди: «Биз ҳам Қуръон оятлари асосида бешта рукн бор деб ҳисоблаймиз. Агар изн берсанг, Аллоҳнинг адолатлилиги ҳақидаги оятларни ўқиб берсам!»

Мен дедим: «Эй олим инсон! Мен Қуръонни ёддан билман. Унда Худони таниш ҳақида кўп оятлар бор. Шунингдек, жуда кўп оятлар Аллоҳнинг раҳмдиллилиги ҳақида. Масалан, биргина «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм»да унинг меҳрибон ва раҳмдиллилиги тилга олинган. Мен Қуръонда Аллоҳнинг бундан бошқа кўплаб сифатлари тилга олинган қатор оятларни мисол келтиришим мумкин. Масалан – Қаҳҳор! Бу эса сен айтган беш рукннинг ёнига олтинчи қилиб яна бир рукн қўшишга асос бўлмайди-ку!»

Хонақо муршиди деди: «Эй Амир, биз учун бу беш рукннинг мавжудлигига раҳнамомиз Али (р.а.) шоҳид. Уни биласан, Амир-ул мўминин – барча мўминларнинг амири деб аташган. Агар сен бизнинг фикрларимизни қабул қилмас экансан, начора. Илло Қуръонда: «Лакум диникум ва лий йа дини» (Ал кафирун – «Кофирлар» сураси, 109-оят) дейилган. Демак, сен ўз йўлингдан, биз ўз йўлимиздан кетамиз».

Мен дедим: «Майли, бу мавзуни қўйиб бошқасига ўтайлик! Эшитдимки, сен хонақо муршиди – бу ердаги одамларнинг диний раҳнамоси экансан, айт-чи одамларга сен нимани ўргатасан, улар сендан нима олишади?»

Хонақо муршиди жавоб қилди: «Эй Амир, инсоннинг қалби ҳеч ҳачон, ҳеч нарсадан қониқмайди. Бори билан қаноатланмайди ҳам. Масалан, тинимсиз еган одам ҳеч ҳачон тўйдим демайди. Лаззатга майл қўйса, бир-икки лаззат билан кифояланмайди. Яна ва яна хоҳлайверади. Бу эса жуда кўп кулфатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Мен одамларга эҳтиросларини жиловлашни ўргатаман. Аввало, кам ейишни тавсия этаман. Оз еган одам – оз ухлайди. Йўқчиликка чидамли бўлади. Ўткинчи дунё ҳою ҳавасларига берилмайди. Ҳашам ва лаззатбахш ишларга муккасидан кетмайди».

Мен дедим: «Офарин сенга, эй меҳрибон одам! Мен ўз ҳаётий тажрибамдан биламан бу ҳақиқатни. Мен ҳаминиша оз ухлаб, кўп ишламоқчи бўлсам – кам ейман».

Хонақо муршиди деди: «Бундан кейин мен одамларни гуноҳ ишларни қилмасликка чақираман. Токи уларнинг табиати булганмаса, дейман. Чунки одам қандай муҳитда ўсса, ўша руҳда улғаяди. У ўзини гуноҳ ишлардан қанчалик узоқ тутса, жазога шунчалик яқин келмайди. Бир марта гуноҳга ботган одам эса, гуноҳ қилмай яшай олмайди. Аминман, инсоннинг покланиши учун овқатдан тийилиш ва гуноҳ ишлардан қочиш асосий омидир!»

Мен дедим: «Эй, меҳрибон инсон! Фикрларингга тўлатўкис қўшиламан. Мен ўзим амин бўлганман, ким омонлик топмоқчи бўлса, гуноҳ ишлардан ва ўй-хаёллардан воз кечиши керак!»

Шундан сўнг мен унинг исмини сўрадим. Хонақо муршиди ўзини Садриддин деб таништирди. Шундан сўнг у ва бошқа хонақо аҳллариининг тирикчилиги ниманинг ҳисобидан экани билан қизиқдим.

У деди: «Айрим одамлар Худо йўлига ўз маблағларидан бир қисмини хонақога бағишлайдилар. Хонақо дарвешлари шунинг ҳисобидан яшайдилар. Бизга кўп нарса керак эмас. Озгина билан қаноатланишга одатланганмиз!»

Садриддин ва унинг ҳамроҳлари шиа мазҳабига мансуб дарвешлар эди. Улар билан суҳбатлашиб, қалби ҳам, фикри ҳам тоза эканига ишонч ҳосил қилдим. Ардабилнинг тўртта қишлоғини уларга вақф ери қилиб бердим.

Дарвешлар кетгач, мен боғни бир оз сайр қилдим. Қизиқ, унда бирорта ҳам мевали дарахтни учратмадим. Сабабини сўрасам, менга нафақат бу боғда, умуман Ардабилда мевали дарахтлар йўқлигини айтишди. Ардабилда мен яна эътиборга молик икки нарсани кўрдим: бириси – ёмғир тоши бўлиб, у шаҳар ташқарисида эди. Ардабилликларнинг айтишича, агар ёмғирлар мавсуми ўша тошни шаҳар майдонига келтириб ўрнатишса, ёмғир ёға бошлар экан. Тош олиб кетилиши билан – тўхтармиш.

Мен борган пайт куз фасли эди. Ҳар гал тошни олиб келиб, марказий майдонга ўрнатганларида ёмғир ёққанини ва уни олиб кетганларида тинганини ўз кўзим билан кўрдим. Бунинг сирини тушунмадим, шаҳар аҳли ҳам арзирли бир изоҳ бера олмади.

Ардабилда учратганим яна бир ажабтовур нарса аллақандай махлуқот эди. Уни менга Румдан келган қўшин саркардаси Нусрат Алтун юборибди. Кечқурун уларнинг қароргоҳига мана шу сичқонга ўхшаш, катталиги нақ мушукча келадиган зараркунандалар бостириб кирибди.

Мен ҳайрон бўлдим: «Нега бу кемирувчилар бизнинг қароргоҳимизга дахл қилмай, румликлар қароргоҳини иш-ғол этдилар?»

Бунинг сабаби эртаси куни аниқ бўлди. Румликлар сафар олдидан ўзлари учун қуритилган таом олиб чиқишар, уни озгина қайноқ сув билан иссиқ овқатга айлантиришар экан. Ана шу қуритилган озуқа таркибида «Авишан» ўсимлиги бўлиб, унга иссиқ сув теккач хушбўй ҳид тараларкан. Бу ҳид эса сичқонларни чақирган.

Рум аскарлари бутун кеча давомида заракунандалар билан курашиб чиқибдилар. Фақат тонг отгач, ёруғликни хушламайдиган бу кўрсичқонлар қароргоҳни тарк этибди. Аммо шу кечанинг ўзида румликлар қароргоҳида ейишга арзигулик нима бўлса ҳаммасини кемириб кетишибди. Нусрат Алтун Ардабилдан озиқ-овқат харид қилишига тўғри келди.

Қиш яқинлашмоқда эди ва мен бу совуқда Румга қайтиб, Византияга юриш қилмоқчи эмасдим. Зеро, Азербайжан ва Румда шунақа совуқлар бўладики, ҳар қандай ҳаракатни тўхтатиб қўяди. Вазиятнинг ўзи мени ватанга қайтишимни уқдирмоқда эди. Византияга эса эрта баҳордан юриш қилишни маъқул деб топдим.

Византия билан урушни келаси баҳорга қолдирганим бизнинг манфаатларимизга тўла мос келарди. Унгача фаранглар қироли тайёр бўлган кемаларни жўнатади. Рум бандаргоҳларидаги устахоналарда кемалар қуриш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам якунига етади. Мен султон Сулаймонга мактуб ёзиб, отаси даврида бошланган кемалар қурилиши бир зум тўхтамаслиги лозимлигини уқдирдим. Ишларга ўзи шахсан бош-қош бўлишини тайинладим.

Шундан сўнг мен Нусрат Алтун бошчилигидаги Рум аскарларига рухсат бердим. Қиш бошланмай Румга етиб олишларини истадим. Ҳар бир Рум жангчисига уч динордан, Нусрат Алтуннинг ўзига эса уч юз динор бердим.

Ардабилдан Қазвин ва Рай сари йўл олдим. Райга келганимизда куз ҳавоси майин эди. Шунинг учун ҳам Мовароуннаҳрға ошиқиб турган бўлсам ҳам, Райда икки кун туриб қолдим.

Тусга яқинлашганимизда одамлар шаҳар харобалари ичидан ўликларни териб юрганига кўзимиз тушди. Ўтган кеча кучли зилзила рўй берган, одамлар уйқуда бўлгани туфайли кўллари вайроналар остида қолиб кетган экан. Мен саркардаларимдан бири ва шаҳарнинг эътиборли кишиларидан икки кишига қурилиш-тиклаш ишларини ташкил этиш вазифасини юкладим. Шунингдек, яқин қишлоқлардан ва аҳоли турар жойларидан моҳир уста қурувчиларни шаҳарни тиклаш ишларига жалб этиб, хизмат ҳақларини хазина ҳисобидан тўлашни буюрдим...

Она шаҳрим Кешда қурилиш ишлари охирига етказилган, у худди мен кўришни истаган шаҳар қиёфасига кирган эди. Мен бутун дунё ҳукмдорларини бу ерга таклиф этиб, уларни шаҳри Кешда мўътабар меҳмонлардек қабул қилмоқчи эдим. Токи улар ҳам бу гўзалликдан баҳраманд бўлсинлар. Шу муносабат билан дунёнинг қирқ иккита ҳукм-

дорига таклифнома юбордим. Ташриф вақтини икки йилдан кейин эрта баҳор вақти этиб белгиладим. Уларнинг барчалари, фақат Хитой императоридан ташқари, менинг қўл остимдаги мамлакатларнинг ҳукмдорлари эди.

Кешдаги қабул маросимини икки йил кейин белгилаганим, бу орада улар барча ишларини шунга мослаб режалаштиришлари ва Кеш сафарига етарли тайёрланиш фурсатига эга бўлишлари учун шундай қилдим.

Деярли барча ҳукмдорлар таклифимни қабул қилиб, белгиланган вақтда, албатта, Кешга келишларини изҳор қилдилар.

Гарчи Кешда жуда кўп иморатлар қурилган бўлса-да, яна қирқ иккита сарой қуришларига топшириқ бердим, токи ҳар бир меҳмоннинг ўз турадиган саройи бўлсин. Уларнинг барчаси бир жойда қурилиб, «Балад-ул Мулук» (подшоҳлар шаҳри) деган ном билан аталишини тайинладим.

Фақат Хитой императори таклифимни рад қилиб, қуйидаги мазмунда жавоб йўллади. Мақтуби уйғур тилида ёзилган эди:

«Темурбек билиб қўйсинки, унга мурोजаат этаётган буюкларнинг буюги, мен – Хитой императори, Жабелкадан Жабелсагача бўлган улкан ҳудуднинг эгасиман. Ҳокимиятим остида итоатда бўлган халқлар чўллардаги қумдан, денгизлардаги балиқлардан-да кўп. Менинг қўшимим юрганида қадами ерни ларзага келтиради, уларнинг ваҳшатидан, агар тоғларнинг оёғи бўлганида қочиб қолган бўларди.

Сен уч-тўртта гиштни қалаб, барпо этган арзимас иморатларингни кўриш учун мени таклиф қилишига қандай ҳаддинг сиеди?! Билмайсанми, мен шу қадар қудратлиманки, дунёнинг мана-ман деган ҳукмдорлари менинг тахтимга яқин келиш учун йшлаб навбат кутадилар, рухсат этганимдан кейин ҳам дийдоримга етишгунча ўн марталаб букилиб ер ўпиб яқинлашадилар.

Сен менинг аждодларим қурган Буюк Хитой деворини кўрганигда эди, чўл бағрида уч-тўртта тиклаган гиштли иморатларинг билан мақтаншидан, уни менга кўрсатишидан тийилган бўлар эдинг.

Менинг бир вилоятимни бошқараётган ҳукмдор буюкликда ҳам, қудратда ҳам сендан устун туради. Лоақал ўшалардан бирини кураида енгсанг, сенга мен билан гаплашишга рухсат бераман. Ҳозирча эса сен ҳали у даражага етганинг йўқ. Шунинг учун ўрнингни бил!..»

Мен ана шу мактубни ўқиган ҳамоноқ Хитой сафарига отландим...

Амир Темурнинг ўз ҳаёти ва фаолияти ҳақида ўз қўли билан ёзган қиссаси шу ўринда яқун топган.

МУНДАРИЖА

Улуғлашга лойиқ инсон, саркарда ва давлат арбоби ҳақида асар	3
БИРИНЧИ БОБ	
Болалик йилларим ва Шайх Шамсиддиндан сабоқ олган даврларим	9
ИККИНЧИ БОБ	
Ёшлик айёмим ва ҳарбий машғулотлар	23
УЧИНЧИ БОБ	
Амир Яхмак хизматида	28
ТҮРТИНЧИ БОБ	
Амир Яхмакнинг вафоти ва Арслон билан менинг ўртамизда кечган зиддият баёни	38
БЕШИНЧИ БОБ	
Бухоро шаҳриянинг забт этилиши	47
ОЛТИНЧИ БОБ	
Чоч учун жанг	66
ЕТТИНЧИ БОБ	
Фирдавсий юртига сафар ва Нишопур учун жанг	77
САККИЗИНЧИ БОБ	
Хуросонга иккинчи сафарим ва Сабзаворга юришим	100
ТҶҶҶИЗИНЧИ БОБ	
Жанубий Хуросонга юриш	123
ЎНИНЧИ БОБ	
Зобулистон	134
ЎН БИРИНЧИ БОБ	
Исфаҳон учун жанг	144
ЎН ИККИНЧИ БОБ	
Мўғул ҳукмдори билан жанг	165
ЎН УЧИНЧИ БОБ	
Қилчоқлар мамлакатигаги жанг	204
ЎН ТҮРТИНЧИ БОБ	
Мовароуннаҳрга қайтиш ва чигирткалар босқини	227
ЎН БЕШИНЧИ БОБ	
Хазар денгизи соҳилларида	235
ЎН ОЛТИНЧИ БОБ	
Бағдодни қандай олганим ҳақида	247
ЎН ЕТТИНЧИ БОБ	
Патак довонидан ўтиб Форсга киришим ҳақида	261

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ	
Шероз қулагандан сўнг	291
ЎН ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ	
Луристон ўлкасига юриш	296
ЙИГИРМАНЧИ БОБ	
Эбдала Гилзайи ким эди ва у қаернинг ҳукмдори	314
ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ	
Шайх Умарнинг Форсда ўлдирилиши	344
ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ	
Ўлат	378
ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ	
Мўъжизалар мамлакати – Ҳиндистон	388
ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ	
Шом мамлакатига ҳарбий юриш ва унинг шаҳарларини забт этишим	473
ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ	
Румга юриш ва Йилдирим Боязид билан жанг	520
ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ	
Мен Азербайжанда нима қилдим ва нималарни кўрдим	554

Адабий-бадний нашр

**МЕНКИМ,
СОҶИБҚИРОН – ЖАҲОНГИР ТЕМУР**



Муҳаррир
Наврӯз БЕКМУРОДОВ

Бадний муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусаҳҳиҳ
Хосият ИБРАГИМОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 25.01.2013 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.
Босма тобоғи 17,875. Шартли босма тобоғи 30,03.
Гарнитура «LexTimes Cyr+Uzb». Офсет қоғоз.
Адади 10 000 нусха. Буюртма № 20
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
Лицензия рақами: АІ № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.

Китобнинг матни «Shams-Asa» босмахонасида чоп этилди.
100113. Тошкент, Бунёдкор кўчаси, 28.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида муқоваланди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс – 273-00-14; web-сайтимиз: www.yangiasr.uz
интернет-дўкон: www.yangidavr.uz e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

“ЯНГИ АСР АВЛОДИ” ТАҚДИМ ЭТАДИ

Алишер Навоий

“ХАМСА” (кирида, дотин алифбосида)

Қаттиқ муқова

Мазкур китобда Алишер Навоий “Хамса”сидаги барча дostonларнинг мазмуни анчайин қисқартириб баён қилинган. Уларда шоир томонидан тасвирланган ҳамма воқеа-ҳодисалар акс эттирилган, фақат кириш қисмлари, меъеридан чўзилиб кетган манзаралар, монологлар бироз қисқартирилган. Ушбу китобча Навоий дostonларининг мукамал насрий матнини ўқиб чиқишингиз учун ёрдам бериб, Навоийнинг шеърий дostonини ҳам мутолаа қилишингизга имконият яратади, деб ўйлаймиз.

“МАЛИКАИ АЙЁР”

Юмшоқ муқова

Бошқа дostonлардан қаҳрамонларнинг бирварақайига иштироки, бир-биридан ажойиб тақдир эгалари кўлиги, ўта ғаройиб саргузаштларга бойлиги билан ажралиб турувчи асарни мутолаа қилишга шошинг. Асар мактаб, коллеж ўқувчилари, адабиёт ўқитувчилари, шунингдек, кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Марсель Брюн

“МЕНКИМ, СОҲИБҚИРОН – ЖАҲОНГИР ТЕМУР”

Қаттиқ муқова

Соҳибқирон бобомизнинг дунёга келишидан то ўлимига қадар бўлган даврни қамраб олган ушбу китоб Темур шахси, унинг ҳаёти, сиёсий ва ҳарбий соҳада тутган йўлига оид бой, хилма-хил маълумотларни ўз ичига қамраб олган. Зеро, асардаги маълумотлар Амир Темур тарихидан ҳикоя қилувчи бошқа насрий манбаларда учрамайди.

Абдулла Қодирий

“МЕҲРОБДАН ЧАЁН”

Қаттиқ муқова

XX аср бошлари – хонлик замонидан ҳикоя қилувчи мазкур асар муҳаббатнинг гўзал ифодаси, шижоатнинг забардаст кўриниши, илмнинг ёрқин ифодасидир. Ҳар бир ўзбек фарзанди ўқиши ва уқиши шарт бўлган адабиёти-

миз намунаси ҳар қанча қайта мутолаага арзийди.

Умид Бекмуҳаммад
“НАВОЙНИНГ АРМОНЛАРИ”

Юмшоқ муқовада

Мутафаккир шоир, унинг таржимаи ҳолидаги айрим нафсилотлар, феъл-атвори, ота-онаси, қариндошлари, замондошлари ҳақида оддий китобхон атрофлича маълумотга эга эмас. “Навоийнинг армонлари” ана шу манбаларни ёритиш мақсадида тайёрланган.

Тоҳир Маллик
“НАФС КИШАНЛАРИ”

Юмшоқ муқова

Бу китобга жамланган фалсафий фикрларнинг айримлари билан азиз мухлисларимиз аввалроқ нашр этилган “Меҳмон туйғулар”, “Иймонлашиш умиди”, “Тош қалбларга зинҳор назар солинмас” тўпламлари орқали танишган бўлишлари мумкин. Муҳтарам мухлисларимиз диққатига ҳавола этилаётган бу китоб олдингиларининг қайта нашри эмас. Ёзувчи ҳаёт фалсафасига доир кузатишлари, фикрларини тўлдирган бу тўплам ҳам китобхонларни бефарқ қолдирмайди, деб умид қиламиз.

Абдуқайом Йўлдошев
“СЕВГИ ҚИССАЛАРИ”

қаттиқ муқова

“Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун...” дейди Ҳазрат Навоий. Мутафаккирлар севмаган одамни тўлақонли яшамаган инсон деб ҳисоблашади. Бу бежиз эмас, албатта. ҳаёт моҳияти, шодлиги, қувончи ва, ҳаттоки изтироб-аламлари айнан ишқ-муҳаббатда намоён бўлади. Севги ҳар бир юракда, дилда янгиланади; ҳар бир ошиқ унинг сира такрорланмас янги-янги қирраларини кашф этади, сезади, ҳис қилади.

Қўлингизда тутиб турган ушбу китобга жамланган асарлар азалий ва абадий муҳаббат мавзuida. қиссалар қаҳрамонлари ўртанадилар, куйиб-ёнадилар, ҳижрон азобини бошдан ўтказадилар, васл суруридан маст бўладилар, хиёнатдан азоб чекадилар...

Анвар Намозов

“ЖУМБОҚ”

Қаттиқ муқова.

Оддий одамнинг ҳаёти ҳам жумбоққа айланиши мумкин экан. Айнан шу боис у кўгларда қизиқиш, ҳавас ва ҳасад уйғотади. Ахир, бу қаҳрамонга омад кулиб боққан эди-да! Ваҳоланки, Илёс Комилов фақат қадр-қимматга сазовор бўлишни хоҳлаганди. Хўш, у ўз ниятига ета оладими?.. “Жумбоқ”да, шунингдек, “Таъқиб”, “Азал котиблари”, “Шумқадам” мистик қиссасини, “Газетчилар” ҳангомасини ва турли мавзулардаги ҳикояларни ҳам ўқийсиз.

Муаллиф турфа феъл-атворга эга кишилар ҳаёти орқали жамиятдаги умргузаронлик мезонларига баҳо беради.

Зулфия Қуролбой қизи

“ЎЛИМ ҲЕЧ НАРСА ЭМАС”

Қаттиқ муқова

Одамлар бор, турли-туман, ҳиссиётга лимо-лим, ҳиссиётсиз, туйғуларга бегона. Кимдир яхшилик сари интилади, эзгуликка қўл уради, бошқа бирови ёмонликдан заррача ҳазар қилмайди. Кимларгадир кўнгли ёрасан, яқин одамнингдек туюлади у. Дидан ҳасратлашай, дейсан. Одамзод ўз ичига сирмаса нима қилсин?! Одам тафтини одам олади, ахир!..

Зулфия Қуролбой қизининг қаҳрамонлари кўнглига яқин кишилар. Уларнинг ҳам дарди-дунёси, орзу, армонлари бор. Бу одамларнинг кўнгли – дарё. Бироқ, кўнгли, кўнгли деб кўнглининг айтганларига кўнаверсанг, нима бўлади?..

Ушбу китобга муаллифнинг энг сара китоблари кирилади.

Худойберди Тўхтабоев

«ҚИЗ ТАЛАШГАН ЎСМИРЛАР»

Қаттиқ муқова.

Муҳаббат одамни не йўлларга бошламайди, дейсиз?! Айниқса, у балоғат ёшида ҳаётингга кириб келса! Таассуфлиси, бундай пайтда негадир, албатта, учинчи одам пайдо бўлади. Худдики, бу ишқ-муҳаббат қонуниятидек! Насора, жон куйдирмасанг, жонона қайда, тоққа чиқмасанг, дўлона қайда!



МАРСЕЛЬ

Брион

МЕНКИМ,
СОҲИБҚИРОН – ЖАҲОНГИР

ТЕМУР



ЯНГИ АСР АВЛОДИ



ISBN 978-9943-08-954-9



9 789943 089549